




Я П О Н ПОВЕСТЛАРИ

ЯПОН ПОВЕСТЛАРИ



01



ЎзССР ДАВЛАТ
БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1960

СУЗ БОШИ

Япония қадимий ва бой адабиётга эга бўлган мамлакатдир. Узоқ асрлар давомида япон адабиётининг энг яхши намояндалари ўз асарларида халқнинг оғир ҳаётини ҳаққоний равишда тасвирлаш, порлоқ ҳаёт ҳақидаги орзуларини баён этиш билан уларнинг истакларини акс эттириб келдилар. Япон адабиёти тарихида шу пайтгача халқнинг орзу умидларини ҳеч ким ҳозирги замон япон прогрессив ёзувчиларидек чуқур тушуниб, равон ёритиб берган эмас.

Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида катта роль ўйнаган прогрессив адабий оқим 1914—1918 йиллардаги уруш тамом бўлгач, Улуғ Октябрь революциясининг Осиё халқлари тарихида янги давр бошлаётганидан дарақ берувчи янгроқ садоси бутун жаҳон бўйлаб янграган бир пайтда дунёга келди.

20-йилнинг бошларида рўёбга чиқа бошлаган прогрессив кайфиятдаги ёзувчи интеллигентларнинг дастлабки тарқоқ тўғараклари бора-бора 1928 йилда ташкил топган япон пролетар ёзувчилари союзига асос солди. Япон ишчи-деҳқонлари революцион ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ бўлган адабиёт шу тариқа тез ривож топди.

Бир неча юзлаб ёзувчи, шоир, танқидчи ва адабиётшуносларни ўзига жалб этган япон пролетар ёзувчилари союзи пролетар ёзувчиларининг Халқаро ассоциациясига мустақил секция бўлиб кириш ҳуқуқига эга бўлди.

20—30-йиллар бўсағасида прогрессив адабиёт озодлик учун курашда япон ишчилар синфининг қўлидаги бирдан бир қурол бўлиб қолди. Бу адабиётнинг жанговар-революцион руҳи реакцияга қарши нафрат ва ғазаб уйғотди. Япон миллатининг тақдирини ҳал қилувчи ҳарбий доиралар ва молия монополистлари прогрессив адабиёт намояндаларини ўзларининг энг хавфли душманлари деб билардилар. Милитаристлар ўзларининг Осиёдаги босқинчилик режаларини амалга оширишга киришишлари билан бир вақтда, барта

ишчилар синфи ташкилотларига ҳам ҳужум бошладилар. Япон пролетар ёзувчилари союзи ҳам қатъий таъқиб олинди. Кўплаб ёзувчилар қамоққа олинди, ҳалок бўлди, қаттиқ қийноққа тушди, умрбод маҳбусликка ҳукм қилинди. Бундан қутулиб қолганлар эса «қора рўйхатга» тушиб, умуман адабий фаолиятдан, ижод қилишдан маҳрум бўлдилар. Энг беқарор ва заиф шахсларни эса реакцион ҳукумат пулга сотиб олиб, ҳийла-найранг билан ўз домига тортишга ҳаракат қилди. Бироқ чиннакам, революцион ёзувчилар фашизмнинг найрангига учмадилар. сўнгги дамгача халқ хизматига содиқ қолдилар. Мана шу на қийноқ, на азоб иродасини бука олмаган жасур курашчилар орасида япон пролетар, ёзувчиларни союзининг секретари Т а к и д з и К о б а я с и ҳам бор эди.

Бу коммунист-ёзувчининг партия ишига тинмай жонбозлик қилиш ва унга содиқ бўлиш билан ўтган бутун ҳаёти, қаҳрамонона ҳалокати, полициялар даргоҳида уни ваҳшийларча қийноққа солаётган манфур душман билан юзма-юз келганда ҳам: «Дадил бўлинг, дўстларим! Кобаяси ёлғиз эмас» деганларни — булар бариси Такидзи Кобаясини халқ бахти учун фидокорона кураш олиб борган Юлиус Фучик, Никос Белояннис каби кўплаб миллий озодлик ҳаракатининг донг торатган ва номаълум солдатлари билан бир қаторга қўяди.

Такидзи Кобаяси 1903 йилда камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. У ёшлигиданоқ оддий халқнинг оғир ва машаққатли ҳаётини яхши тушуниб борди. У хат-савод чиқаришдек бахтга муяссар бўлди. Кобаяси 20-йилларнинг бошларида Япониянинг шимолидаги қишлоқ хўжалик банкасига хизматга киради. 1925 йилга келиб оддий банк ходими ўзининг «Боён сафардалар» деган дастлабки повестини нашр эттирди. Бунда у Хоккайдо оролидаги ижарага ер олувчи деҳқонларнинг шафқатсиз эксплуатация қилинаётганини ҳаққоний равишда ҳикоя қилиб беради. Юз-хотир қилмай кескин фош этиш — Кобаяси ижодининг характерли томони бўлган, ҳали унча етук бўлмаган мана шу повестидаёқ кўринган — анча-мунча-шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди. Дастлабки адабий муваффақият шу ондаёқ ўз таъсирини кўрсатди: Кобаяси дам ўтмай ишдан бўшатилди.

Шу вақтдан бошлаб Кобаяси ўз ҳаётини батамом адабий ижод ишига бағишлайди. «Ун бешинчи март», «Кўҳна Нумадзир», «Қраболов», «Фабрика ячейкаси», «Ташкилотчи» каби повесть ва ҳикоялари пайдо бўла бошлайди. Булардан бир нечтаси чет тилларга ҳам таржима қилинади.

1928 йилда Кобаяси япон пролетар ёзувчилари союзининг секретари бўлиб сайланади. Шу йиллари у коммунистлар партияси билан яқинлашади ва унинг сафига киради.

Кобаясининг ижоди япон адабиёти учун ҳам форма, ҳам мазмун жиҳатидан янгилик эди. Кобаясигача яшаб ижод этган кўп ёзувчилар ҳам ўз асарларида оддий халқнинг жабру ситамлари, оғир меҳнат остида эзилиб хўрланганлари, золим амалдорларнинг разиллигини очиб берганлар. Кобаяси эса мана шу жафокашларнинг тақдирига тан бериб, зулматда яшашларини, хўжайинларининг раъйига қарши чиқмасдан, итоаткорона ҳаёт кечираётганларини кўрибгина қолмай, ўзининг повесть ва ҳикояларида биринчи бўлиб меҳнаткаш халқнинг курашчи эканлигини очиб кўрсатди. Япон ишчилар синфининг онги тобора ўсиб бораётганини, ҳаётий ҳақ-ҳуқуқлари учун курашаётганларини кенг кўламда тасвирлаб берди, коммунистлар партияси япон меҳнаткашларининг озодлиги учун курашда етакчи куч эканини кўрсатди.

Ўз адабий фаолиятини доимо партия иши билан боғлаб олиб борган Кобаяси оддий аъзо сифатида компартиянинг барча топшириқларини бажону дил бажарди. Шу сабабли Манчжурияда босқинчилик уруши бошланиши билан, реакция мамлакат ичкари-сида осойишталик ўрнатиш ҳаракатига тушиб, очиқдан-очиқ террор ва зўрлик сиёсатини юргиза бошлагач, коммунист-ёзувчи яширинишга ўтишга мажбур бўлди. Полиция Кобаясини айниқса қаттиқ таъқиб остига олганди. Уни қўлга туширган кишига мукофот ҳам белгиланган эди. Кобаяси шундай кучли таъқиб остида бўлишига қарамай, полициядан яшириниб, моддий қийинчиликларга, очин-тўқин қоллишига, бошпанасиз бўлишига қарамай, партия топшириғи билан ҳарбий заводлардан бирига кириб ишлайди. У ишчиларни тажовузкорлик урушига қарши курашишга ундайди. Кобаяси шундай сўғр дамларда ҳам ҳормай-толмай ижод этди. «Партияга жон фидо» номли асари худди мана шу даврда дунёга келди.

«Партияга жон фидо» асарини том маънодаги повесть деб айтолмаймиз. Аниқроғи, кундалик дафтарни, унда бирорта ҳам уйдирма гап йўқ, ҳаммаси рост, ҳужжатлар асосидаги воқиа-ҳодисалардир.

Кобаяси ўзи ҳақида ҳикоя қиларкан, худди ўзи сингари, фашизмга қарши тиш-тирноғи билан курашган, агрессорлар бошлаган уруш пировардида уларнинг ўзларини ҳалокатга олиб бориши муқаррарлигини олдиндан зйтиб берувчи оддий партия ходимлари тўғрисида ҳам ҳикоя қилади. Бу эса повестни кенгайтириб, кундалик хотиралар баёнидан умумлаштирилган характердаги асарга айлантиради. «Партияга жон фидо» — Япон Қаршилик уюшмасига биёлашган кишилар ҳақида ёзилган китобдир. Булар ҳам қаҳрамонликда фашизмга қарши курашган Франция ватанпарварлари, Германия коммунистлари ва Греция партизанлари сингари қаҳрамон-

лардир. «Партияга жон фидо» — буюк қаҳрамонликлар тарихи, бу қаҳрамонликлар шунинг учун буюкки, улар ниҳоятда оғир шаронтларда содир бўлган. Бу пайтларда ҳеч бир назоратсиз, ҳеч қандай жазога тортилмай ўз майлича иш кўрадиган кенг тармоқли яширин полицияга суянган полициячилик ҳукумати ҳукм суларди; ишчилар ҳаракати жаҳон революцион ҳаракатидан ажратиб қўйилган, маълум даражада кучсиз эди; компартия орасига суқулиб кириб олган ўнг социалистлар бузғунчилик қилар, турли тонфадаги оппортунистлар хонилик билан шуғулланар, ниҳоят, шовинизм билан милитаризм узоқ вақтдан бери тарғиб қилиниб келар ва бу ҳол япон халқига бир қадар таъсир кўрсатган эди. Япон коммунистлари мана шундай оғир шаронтда иш олиб бордилар. Бу зулмга қаршилиқ кўрсатиш ҳақиқатнинг албатта чиқишига ишончини йўқотмаслик, чинакам жасорат талаб қиларди.

Кобаяси ана шундай жасорат эгаси эди. Повестда тасвирланган воқиа-ҳодисалар фожиаи шаронтда ўтса-да, асарнинг ўзи ҳаётбахш кайфият ва ғалабага ишонч руҳи билан суғорилгандир. Ленинизм ғояларига чексиз садоқат Кобаясидаги бу ишончини мустаҳкамлади. Шунинг учун ҳам у япон коммунисти учун большевик деган номга муяссар бўлишдек юксак бахт йўқдир, деб ёзадиган (большевик сўзи япон тилида ҳам русча талаффуз қилинади.)

Кобаяси повестидagi ўзига хос форма китобхоннинг кўзига яққол ташланиши ҳам мумкин. Ундаги баёнларнинг қуруқлиги, атайин публицистикага берилиб кетиш, сўтиқча сезги ва ички кечинмалар тафсилотидан қочиб каби ҳолларни олсак, автор ўзини гўё асарнинг асосий темаси, яъни, яширин ҳаракатдаги коммунистнинг бевосита алоқаси бўлмаган нарсаларни ёзишга ҳақи йўқдек ҳис қилади. Кобаяси ижодидаги бу томон умуман ўттизинчи йиллар прогрессив япон адабиётидаги барча асарларга хосдир. Уша йиллардаги прогрессив адабиёт ёшлик ғайрати билан эски, реакцион адабиётнинг илдиз отган психологизмини рад этиб, ўзидаги жанговар публицистик ҳаракатни намоён қила бошлади. Бу—ўтмиш феодал-буржуа адабиётига қаршилиқ кўрсатишнинг ўзига хос бир кўриниши эди. Такидзи Кобаяси тараққиёт жараёнида учраб турадиган бу «касаллик»дан холи бўлолмади. Лекин повестдаги мавжуд камчиликлар унинг фазилатларига путур етказа олмайди. Унинг ҳар бир саҳифасидан самимият ва ҳақиқатнинг ҳиди анқиб туради. Мана шу фазилатлар «Партияга жон фидо» номли асарнинг шуҳратини оширди. Асар авторини фақат Япониядагина эмас, Хитойда ҳам шуҳрат қозонди. Бу мамлакатда асар япон босқинчиларига қарши Хитой халқи озодлик кураши олиб борган пайтларда таржима қилинган эди.

Япон империалистлари Манчжурияни босиб олиб «катта уруш»га

тайёргарлик кўраётган пайтда ёзилган бу асар, япон коммунистларининг фашизм реакциясига қарши мардонавор кураши ҳақида ҳикоя қилади. Кобаяси коммунистларнинг таъқиб остига олингани ҳақида гапирар экан, хавф-хатарларни бўрттирмасдан, борича ёзган. Чунки ўзи бу ишларнинг шоҳиди бўлган. Ҳаётининг сўнгги йилларини яширин ишда ўтказган ёзувчи 1933 йил февралда қўлга тушади, уни полиция участкасига олиб бориб орадан бир соат ўтгач, ваҳшийларча ўлдирадилар. Полициячилар унинг эзиб-яничилган, одам сиёҳи қолмаган жасадини қариндошларига топширадилар. Полициячиларнинг мўлжали тўғри чиқди. Курашчан ёзувчи Кобаяси билан видолашгани кўмиш маросимига келган прогрессив япон маданиятининг бошқа намояндалари ҳам қўлга тушрилиб, қамоққа ташланди.

Кобаясининг вафотидан сўнг, орадан бир йил ўтгач, 1934 йил январда япон пролетар ёзувчилари союзи «Ўзини ўзи тарқатди» деган хабар расмий равишда эълон қилинди.

Бироқ фашизмга қаршилиқ кўрсатиш тўхтамади. Ёзувчи-коммунист Такидзи Кобаясининг мардона образи бу курашда ирода, куч, ишонч манбан бўлиб хизмат қилди. Фашизм Кобаясини ўлдирди-ю, аммо, озодликка интилишни синдира олмади.

Фашизм ҳукмрон бўлган зулмат ичида япон халқининг қанчалик оғир ҳаёт кечирганлиги ҳақида прогрессив япон адабиётининг буюк намояндаси Юрико Миямото ҳикоя қилади.

Миямото пролетар ёзувчилар сафига Кобаясидан кўра бошқачароқ йўл билан кириб келди. У 1899 йили С. Тюдзё деган машҳур архитектор онласида дунёга келди. Унинг оиласи ўзига тўқ, ташвишлардан холи эди. Лекин, оддий халққа, япон деҳқонларининг оғир ҳаётига ачиниб ҳисси унинг юрагига барвақт пайдо бўлди. Бу ҳол тез-тез қишлоққа, бувисиникига бориб туриши, шу кезларда меҳнаткаш деҳқонларнинг ҳаётини кўп кузатиши натижасида рўзбга чиқди. Лев Толстойнинг ғазабли, фош қилувчи овози унинг онгини ўстирди. Шунинг таъсирида у 1916 йили ўзининг «Бечора кимсалар» номли биринчи асарини ёзди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 20-йиллари Японияда озодлик учун кураш жуда тез кучая борди. Прогрессив адабиёт бунёдга келди, Такидзи Кобаяси каби кўплаб ёзувчилар коммунистлар партияси сафидан муносиб ўрин эгалладилар. Лекин Юрико Миямото ҳамон четда қолаверди. Айниқса турмушга чиққандан кейин (1919) дунёқараши унинг демократик қарашларига бутунлай зид бўлган мешчанлар доирасига янада кўпроқ яқинлашади. Ўзининг яқин кишиларига қарши кураш оғир ва машаққатли бўлса-да, бу ёш аёл ота-онаси ва эрига қарши курашни охиригача давом эттирди ва, низоят, улардан ажралиб чиқиб кетди.

Миямото эридан ажралгач, дугонаси — машҳур рус адабиёти таржимони Ёсико Юасаникига кўчиб боради. 1925—26 йиллар давомида «Нобуко» деган автобиографик романини ёзади. Бу асар зами-нида ёзувчининг бошидан кечган оилавий конфликт ётади. Асарда ижодий жўшқинлик йўқ эди, негаки, ҳали ёзувчининг ўзида руҳий бойлик етарли эмасди. Шу сабабли янги бир йўл танлаш керак эди. Аммо қандай йўл? Буржуа адабиёти тушкунликка юз тутган, Миямото эса пролетар адабиётидан йироқда эди. Худди ана шундай бир пайтда Миямото Совет Иттифоқига сафар қилишни орзу қилиб қолади. У донмо Россияни севарди, унда бу туйғуни Гоголь, Толстой, Чехов асарлари пайдо қилган эди. Маънавий жиҳатдан Миямотога яқин бўлиб, унинг ҳурматиغا сазовор кишилар-нинг диққат-эътибори янги Россияга қаратилган эди. 1927 йил охи-рларига бориб Миямото Е. Юаса билан бирга Москвага қараб йўл олади.

Агар Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб қилган ярим йиллик (1929 йилда) саёҳатини ҳисобга олмаганда, Миямото бизнинг мам-лакатимизда қарийб уч йил яшади.

Миямото ишчи ва деҳқон аёллари билан учрашди, М. Горький билан танишди, Волгада, Бокуда, Ленинградда, Чехов туғилган ер-ларни бориб кўрди. Буржуа жамиятидаги бутун қарама-қаршиликлар-ни ўз бошидан кечирган ақлли, соф виждонли бу аёл, биздаги ҳаётни, унинг ёрқин ва қоронғи томонларини, эскилик билан янгилик ўрта-сидаги курашни қунт билан ўрганди. Миямото шундан сўнггина узил-кесил бир қарсра келди. 1930 йил охириларида ватанига қай-тиб келгач, япон пролетар ёзувчилар союзига кирди, Япония ком-мунистлар партияси сафига ўтди. Умрининг охиригача Совет Итти-фоқи халқларининг содиқ дўсти бўлиб қолди.

Машаққатли ва узоқ изланишлар йўлини босиб ўтган Юрико Миямото ҳаётдан ўзига муносиб ўрин олди. 1931 йилдан бошлаб ижтимоий фаолиятни гуркураб ўса бошлади. У докладлар қилади, Совет Иттифоқи ҳақида мақолалар ёзади, «Хатараку фудзин» («Меҳнаткаш аёллар») журнаliga редактор қилиб тайинланади. Унинг ҳаётида яна бир бахтли ҳодиса рўй беради: 1932 йили про-грессив адабиёт оқимининг ташкилотчиларидан бири — Кэндзи Миямотога турмушга чиқади. Уларнинг қалбида улкан, чиройли бир туйғу пайдо бўлади. Улар бу туйғуни ҳаётнинг не-не машаққатлари, тўфонлари орасидан асраб ўтишади.

Лекин демократик ҳаракат янги-янги зарбаларга дуч кела бошлайди. 1932 йил августда ёппасига қамоққа олиш бошланади, 1933 йили Такидзи Кобаяси қатл этилади, худди шу йили Кэндзи Миямото қамоққа олиниб, умрбод сургунга ҳукм қилинади. 1932 йилдан 1938 йилгача Миямото тўрт марта қамалиб чиқади, 1938

йилда «қора рўйхат»га тушиб, асарларини нашр эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. 1942 йилда ёзувчи бешинчи марта қамоққа олинадн: ёзда иссиқ камерада димиқиб бетоб бўлиб қолади, ҳушидан кетган, оғир аҳволда уйига олиб келишади. 1951 йилда бевақт вафот этишига ҳам авваламбор мана шу хасталик сабаб бўлади.

Адиба мардлик мактабини шараф билан ўтайди, эркинлиkning ҳар бир дақиқасидан яхшироқ фойдаланишга ҳаракат қилади, ҳар сафҳа қамоқдан чиқди дегунча публицистик ва танқидий мақолалар ёзади, бир қатор асарлар яратади. «1932 йил кўклами» деган қамоқхона хотиралари, «Қалб» повести (япон коммунистлари ҳаётидан), «Майдон» деган ҳикояси (Москва хотиралари) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлгач, Юрико Миямото янги япон адабиёти жамилтининг ташкилотчиларидан бири бўлиб қолади. Мамлакатдаги прогрессив кучлар шу жамият теварагига жипслашади. Урушдан кейин Миямото жуда кўп публицистик ва танқидий мақолалар ёзади. Бир неча бор ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар ўртасида докладлар қилади. У Стокгольм Чақириқларига имзо тўплашни биринчи бўлиб бошлаганлар қаторидан ўрин олади. Шу йилларда у «Футисо» деган повести, «Икки уй» ҳамда «Вехи» романларини яратди. Бу икки роман «Нобуко» билан биргаликда автобиографик трилогияни ташкил қилади. Бу трилогияда ёзувчининг 1919—1930 йиллардаги, яъни унинг Совет Иттифоқидан Японияга қайтиб келган давригача бўлган ҳаёти акс эттирилади.

«Футисо» повестининг биринчи қисми — «Бенсю текислиги» 1945—1946 йиллар давомида ёзилиб, япон империализмининг тугатилиши, ниҳоят, япон фашизмининг барбод бўлиши каби муҳим тарихий воқияларга ёзувчининг жавоби бўлди.

Автор шунча йиллардан буён халқни даҳшатда, аросатда сақлаб келган, адолатсиз босқинчилик урушида беҳуда қон тўкишга мажбур қилган бир гуруҳ империалистларга сўзсиз таслим бўлишнинг албатта ёқмаганини кўрсатади.

Императорнинг тамтaroқли нутқи ҳам, министрларнинг нутқлари ҳам ҳозирда содир бўлаётган вазиятни бузиб кўрсатишга қаратилган эди.

Маълум бир вақтга қадар Японияда осойишталик ҳукм суради. Кўп вақтлардан бери кутилган фурсат келганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди. Баъзилар аҳмоқона авантюранинг оқибати шу бўлишини олдиндан айтишган бўлса-да, ҳамон ишона олишмасди. Шовинизм тарғиботидан кўр ва кар бўлиб қолганлар учун даҳшатли оилар келган эди, негаки, шу маҳалгача эшитиб келганларининг ҳаммаси пучга чиққан эди.

Бироқ бу осойишталик узоққа чўзилмади. Бирданига бутун мамлакат ҳаракатга келди. Хароба кулбалари сари келаётган юз минглаб японлар оқини йўл бўйлаб чўзилди. Теварак-атрофда ташландиқ дала ва пайкаллар, ёндирилган қишлоқ ва шаҳарлар, вокзал ўрнига вайроналар, сув олиб кетган йўллар, бузилган кўприклар, ҳар ер-ҳар ерда ағанаб ётган телеграф устунлари, кичик-кичик станцияларда бошпанасиз қолган минглаб кишилар кўзга ташланиб қолди. Буларнинг барчаси миллий фожиядан дарак берарди.

Хироко ҳамда унинг қамоқхонада азоб чекиб ётган эри ҳақидаги қисса асарнинг асосий сюжет чизигини ташкил қилади. Ана шу повестни ўқиган ҳар бир китобхон бу фожиянинг қаердан келиб чиқганини англаб олиши мумкин. Халқнинг энг яхши ўғил ва қизлари — япон миллатининг гуллари қамоққа ташланди. Ҳукуматни эгаллаган реакционерлар ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб, ҳукм суриб, фашист террори қамчинини яланғочлаб чиқди. Узоқ йилги ҳуқуқсизлик даврида минглаб япон хотин-қизлари қамоқхона деворларининг мудҳишлигини билдилар. Хирокога ўхшаганлар маҳбусликда ҳалок бўлаётганлар билан кўришишни зор-зор, йиғлаб, ялиниб-ёлвориб сўрасалар, раҳм-шафқат ўрнига: «Ҳа, нима бўпти! Ҳеч гап йўқ! Ҳали у ўлганича йўқ-ку!» деган ҳақоратли жавоб олардилар. Бу террор қанчалик кучли бўлмасин, барибир, на очиқда қолганларнинг, на қамоқхона камераларида азоб чекаётганларнинг қалб ҳароратини сўндиролмади.

Повестнинг иккинчи қисмида Дзюкити билан Хироконинг ўн икки йиллик жудоликдан сўнг, ниҳоят бирга яшай бошлаганлари ҳикоя қилинади. Уларнинг иккаласи ҳам ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ўз эътиқодидан қайтмайдиган кишилар тонфасидан бўлиб, ҳеч маҳал тиз чўкмайдиган коммунистлардан.

Шу билан бирга, автор Хироко ва Дзюкитини оилавий ҳаёт фонида ҳам кўрсатади, шунда бу образларнинг бошқа бир янги фазилати намоён бўлади. Дзюкити оиласига нисбатан жуда меҳрибон, самимий оиладаги саранжом-саришталик, доимо рафиқаси билан бирга бўлиши уни ниҳоятда қувонтиради. Хирокони бўлса электр плитаси олдида елиб-югуриб юрган, неча йиллардан буён орзу қилиб, ниҳоят, европача бичимдаги кийим кийишга муваффақ бўлган эричи кийинтираётган ҳолатларда кўрамир. Уларнинг иккови ҳам жудолик жабру ситамларини бутунлай унутиб юборганлари йўқ. Утмишдаги қаттиқ кийинчиликларнинг таъсири сезилиб турарди. Илгари қамоқхонадаги қисқа муддатли учрашувларда бир-бирининг кўнглини қанчалик кўтаришга, ширин-ширин гаплар айтишга ҳаракат қилган бўлсалар, ҳозир ҳам шунга ҳаракат қиладилар.

«Футисо» повестининг сўнгги бобида озодлик кунига бағишланган ҳужжатли фильм ҳақида ҳикоя қилинади. Жамоат тинчлигини

«қўриқлаш» ҳақидаги жоҳил қонун бекор қилинган, жанговар япон коммунистлари отрядига йўл бергани — қamoқхона дарвозалари очилади. Реакция синдирилади. Япон коммунистик партиясининг ҳисоб бўйича тўртинчи, лекин биринчи очиқ съезди чақирилади.

Асарнинг охирига келиб ундаги асосий ғоя янги куч билан янграйди. Жазирама ёз иссиғи «футисо» деган ўтти ҳалок қила олмаганидек, фашизм ҳам халқнинг озодлик учун курашини сўндирилмади. Камерада ҳавонинг дим бўлиши, ташқаридан ғир этган шамол кирмагани билан, қamoқхона деразасидаги тувакда турган «футисо» ҳамон кўм-кўк кўкариб тураверади.

Тўғри, Миямото асарида тарихий ҳақиқатга етарли ўрин берилмаган. Айниқса, асарда тасвирланган воқиа-ҳодисаларнинг қанчалик муҳим эканини ҳисобга олганимизда, тарихий ҳақиқат кўпроқ ёритилиши керак эди.

Прогрессив япон танқидчилиги эътироф этишича, ёзувчи повестининг биринчи қисми — «Бансю текислиги»да Хиросима фожиаси ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Автор «Футисо»нинг иккинчи қисмида ҳам врач Ёсиока каби тараққийпарвар кишилар фаолиятини ҳар томонлама чуқурроқ кўрсатиб беришдан қочган. Қamoқдан чиққанларни ўз бағрига олаётган мустақиллик жамияти, унинг иш фаолияти, ундаги ҳаёт ҳақида ҳам анча-мунча фактлар баён этиш мумкин эди.

Юрико Миямото ижодидаги бу ўзинга хос хусусиятларнинг қатор сабаби бор. Ёзувчининг бутун ижоди автобиографик характерга эга бўлиб, унинг асарлари асосида ўз ҳаёт тажрибаларидан олган материаллари ётади, холос. Миямото япон буржуа адабиёти традицияларидан қочинишга ҳаракат қилди, айниқса, «ўзи ҳақидаги қисса»лар жанридан четлашди. Бу жанрнинг хусусияти шундаки, бунда жамият, омма кенг кўламда баён этилмай, қаҳрамоннинг ички дунёси тафсилотига, шахсий кечинмалари баёнига катта ўрин берилади.

Юрико Миямотонинг пролетар ёзувчилар сафига келиб киришч унинг учун янги бир давр бўлди. Бу ҳол адабнинг маълум бир ижод йўлини, услубини белгилаб берди. Лекин ўша муҳит, шароит, ёзувчининг ижодий фаолиятига тўсқинлик қилган мавжуд тузум, ундаги бу томонларнинг кенг қулоч ёйишига, ўсиб, такомил топишига имкон бермади.

Лекин бу камчиликларга қарамай, адабнинг катта хизмати шундан иборатки, у ўша даврдаги кўплаб ёзувчиларнинг ижодини боғлаб турган схематизмни енгиб, капитуляция даврининг типик манзараларини яратиб бера олди. Дзюкити билан Хироколар орқали япон коммунистларининг ўлмас образларини яратди. Миямотонинг повести ватанга муҳаббат, инсонга, унинг куч-қудратига, мардлигига ишонч руҳи билан суғорилгандир.

Ҳозирги прогрессив япон адабиётни ҳақида гап юритилар экан, ҳамма вақт ҳам маълум бир адиблар группаси эмас, чиннакам оммавий адабий оқим назарда тутилиши керак. Утган 20—30 йилларда қўлга киритилган традиция бўйича бу оқимнинг урушдан кейин юзага чиқиши муқаррар эди. Худди ўша дағдада оммавий ҳаракатларнинг асосий таянчи сифатида майда-майда адабий тўғараклар келиб чиқа бошлаган эди. Ҳозир эса бу хилдаги тўғараклар ҳар бир корхонада ташкил топган, агар 1932 йилда мамлакатдаги барча тўғараклар тўрт ярим минг кишини ўз атрофига жипслаштирган бўлса, эндиликда биргина Токиодаги тўғаракларнинг ўзида беш мингдан кўп киши бор.

Сўнгги йилларда адабий тугараклар ёрдамида халқ поэтик ижоди мисли кўрилмаган даражада ўсди, «Саксон миллион оғаниларинизга қўшиқлар», «Тинчлик қўшиқлари» каби бир қатор антологиялар яратилди.

Горо Ацута, Тацукити Нисино, Скэзиро Исигэ сингари кўплаб ёзувчилар мана шу адабий тўғараклардан етишиб чиқди.

«Ҳаёт!» повестининг автори Утако Ямада ҳам шундай тўғаракда таълим олганлардан биридир.

Бу повестнинг ёзилиш тарихи диққатга сазовордир. Снохама шаҳрида камбағаллар учун махсус шифохона ташкил қилиниб, бу ерда фақат прогрессив кайфиятдаги врачлар ишлашади. Кунларнинг бирида сил касалига мубтало бўлган Утако Ямада шифо топгани шу ерга келади. Дарбадарликда оғир ҳаёт кечирган Ямада бу ердаги меҳрибон, ғамхўр одамларни кўриб, ўзини жаннатга тушгандай ҳис қилади. Беморнинг баҳри-дили очилади. Атрофдагиларга ўз ҳаётидан кўпроқ ҳикоя қилиб бера бошлайди. Шифохонада адабий тўғарак бор эди. Бир кун Утако Ямадага ўз кечинмаларини тартибга солиб ёзиб чиқишни маслаҳат берадилар. Утако кўпинча энг оддий нероглифларнинг қандай ёзилишини ҳам билмай қолар, луғатдан фойдаланиш йўлларини билмасди. Лекин шунга қарамай, у ҳар қандай қийинчиликлардан қўрқмади. Кечалари алламаҳалгача дорилар солинган пакетчаларга қинғир-қийшиқ нероглифлар кўчириб ёзарди. Шифохонада бошловчи адибага самимий маслаҳат бермаган бирорта одам қолмади. 1953 йил кузида машҳур ёзувчи Хироси Нома Снохамага келади. У тўғарак машгулотига қатнашиб, қўл ёзмани ўқийди-да, уни «Бунгакуно томо» («Адабиёт дўсти») журналида нашр этишни маслаҳат беради.

«Ҳаёт!» повести 1928 йилдан то 1952 йилга қадар Утако Ямада билан унинг оиласи бошдан кечирган бутун воқиа-ҳодисаларни тасвирлаб берувчи бир ҳужжатдир. Бу асарни ўқиган ҳар бир китобхон урушнинг қандай фожиаларга олиб келиши тўғрисида фикр юритмай иложи йўқ.

Кўз олдимизда катта, меҳнаткаш оила намоён бўлади. Меҳнат-севарлик — бу оила аъзоларининг қон-қонига сингиб кетган хусусият. Бу хусусият авлоддан авлодга ўтиб келади. Қашшоқликдан қутулиш учун буvasидан тортиб набираларигача ҳеч қандай ишдан бўйин товламайдилар. Қанчалик оғир меҳнат бўлмасин, қочмайдилар, ор ҳам қилмайдилар. Шу қадар меҳнатчан бу оила кулбасига қашшоқлик, касаллик, ўлим тез-тез қадам ранжида қилиб турарди, ҳар қайси авлоднинг умри қарийб икки баравар қисқарарди.

Барча бахтсизлик ва офатлар — шафқатсиз эксплуатация, уруш, Америка оккупациясининг оқибати эди.

Повесть қаҳрамонларининг тақдири аянчли. Утаконинг синғилси, кетидан онаси, сўнгра буvasи, акаси, бувиси, отаси бирин-кетин вафот этадилар, ўртанча укаси Харуонинг ҳаётига шикаст этади. Ўртанча укаси билан ўзининг саломатлиги бир умрга йўқотилган. Лекин шунга қарамай, асар оптимизм руҳи билан суғорилган, унда япон меҳнаткашининг келажакдаги ёрқин бахтли ҳаётига ишонч гуркураб туради. Авторнинг меҳнат темасига муносабати характерлидир. Ямада капиталистик жамиятда меҳнатнинг ҳаддан ташқари оғир, лекин беқадрлигини кўрсатади. Айниқса, кўпчилик халқ хизмат ўтаётган минглаб майда корхоналарда меҳнатнинг нақадар оғир ва беқадр эканини, унда эзилиб ишлаётганлар эса, уларнинг қонларини сўраётган — «Горилле» каби хўжайинларга дакки бериш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эkanликларини тасвирлайди.

Шу билан бирга, повесть авторни меҳнатнинг бошқа томонларини ҳам кўради. Меҳнат — Утакога ўхшаганлар учун зарур, органик эҳтиёж, меҳнатсиз ҳаёт — ҳаёт эмас; фақат меҳнатгина кишини мард, кучли, мағрур ва жасур қила олади. Повесть қаҳрамонида худди мана шу томонлар мужассамлашган. Ночорлик, қўрқоқлик, ирода-сизлик унга мутлақо ётдир.

Утако доимо ўзи билган тўғри йўлдан боради. Унинг бу йўли соф виждонли, ижодкор япон меҳнаткашининг йўлидир. Шунинг учун ҳам бечора, камбағал қиз муҳаббатини пулга сотиб олмоқчи бўлган хўжайинининг таклифни ғазаб билан рад этади, унинг камбағаллигидан чўчиган қайлиқларга нафрат билан жавоб беради.

Повестнинг охирида ҳам, хасталик тўшагида ҳаёт ва меҳнат қилиш учун ўлим билан курашиб ётган чоғида ҳам ўзидаги мардонлигини йўқотмайди.

Шу билан бир қаторда, Утако ёлғиз эмасди, ҳаётининг энг оғир дамларида ўзи каби камбағал бечоралар уни ўз паноҳларига олдилар: уни жонидан ортиқ севувчи Саяма-сан; ўзининг охириги чақаси ва сўнги сиқим гуручигача у билан баҳам кўрган Тэруэ-тян билан унинг эри шулар жумласидандир. Қишлоқ аҳолиси Утаконинг меҳр билан шифохонага кузатиб қолади.

Повестда Утако сингарии япон меҳнаткашларининг эртами, кечми, мусибат ва бахтсизлик қатъидан чиқариб оладиган ягона йўл белгилаб берилади. Озодлик ҳаракати халқ орасида қанчалик чуқур илдиз отгани китобхонга маълум бўлади.

Еш авторнинг бу асари камчиликлардан ҳам холи эмас. «Ҳаёт!» повестининг тили ғализроқ, қайтариқлар кўп. Лекин Ямада сезгир, унинг кўзи ўткир. У ҳаётнинг энг муҳим, характерли томонларини ола билган. Ҳаётда фақат азоб-уқубатдан бошқа нарсани кўрмаган кишилар қалбидаги ғўзаллик, меҳрибонлик ва инсонпарварлик сингарии хусусиятларини жуда яхши очиб бера олган.

Ямаданинг «Ҳаёт!» номли ажойиб повести япон прогрессив адабиётининг зўр кучга эга эканидан далолат беради ва унинг ёрқин мисоли бўла олади. Асарни ўқиган китобхон номаълум бир жафокашнинг муҳим ҳаққоний асар яратилишида ёрдам берган кишиларга чуқур миннатдорчилик билан қарайди.

Япон меҳнаткашлари Такидзи Кобаяси ва Юрико Миямото каби халқ ёзувчиларини жуда севадилар ва уларни унутмайдилар. Уларнинг асарлари ҳанузгача севиб ўқилади. Еш авлод қатъийлик, мардлик, матонатли бўлишни, миллионлаб халқни курашга отлантирган ҳақиқатнинг ғалабасига ишончини улардан ўрганмоқда.


Ҳар йили апрель ойида Японияда «Такидзи ва Юрико кун» нишонланади. Бу кун ўсиб бораётган япон прогрессив адабиётининг кучини намоён қилиш кунига айланган.

Прогрессив адабиёт оқимида халқ орасидан етишиб чиқаётган янги-янги талантлар келиб қўшилмоқда. Еш ишчи Утако Ямаданинг повести жўшқин халқ оммаси орасида бунёдга келган асарлардан биридир. Бу эса, Кобаяси билан Миямото каби курашчи ёзувчилар асос солган прогрессив япон адабиёти традициялари кун сайин ривожланиб, янги, ажойиб асарларнинг дунёга келишига кўмаклашаётганидан далолат беради.

И. Львова, В. Логунова.

Пакидзи Кобаяси
ПАРТИЯГА
ЖОН ФИДО





Уртоқ Курэхито Курахарага¹ бағишланади.

А в т о р

БИРИНЧИ БОБ

Ташқаридан ботинка ва дзори² кийган одамларнинг оёқ товуши ва қаттиқ-қаттиқ гаплашиб келаётгани эшитилганда, умивальник олдида қўлимни юваётган эдим. Булар ишдан қайтиб кетаётган иккинчи цех ишчилари эди.

— Ҳали тайёр бўлганинг йўқми?— деб сўради остонада пайдо бўлган Суяма. У ҳам иккинчи цехда ишлар эди.

Юзимдаги совунни ҳам ювмай, унга қайрилиб қараб,

¹ Корэхито Курахарага — танқидчи ва адабиётшунос. У совет адабиётини япон тилига таржима ҳам қилиб турарди. Революцион ҳаракатга қатнашгани учун 1932 йилда саккиз йилга қамоққа ҳукм қилинган. (Кобаяси бу повестини ёзган пайтда Курахара турмада эди). (Таржимон.)

² Дзори — японларнинг шилпак оёқ кийими.

Библиография
Инв. № 45358
61

норозилик билан қошимни чимирдим. Суяма билан уйга мумкин қадар якка-якка қайтайллик деб аллақачонлари-ёқ маслаҳатлашиб олган эдим. Бирга қайтсак, бунга эътибор қилиб қолишлари мумкин эди, бундан ташқари, изимизга тушиб қолгудек бўлсалар, иккаламизни бара-вар қўлга олишлари мумкин эди. Аммо Суяма кўпинча шартимизни бузар, ҳар гал мана шундай пайтларда ёқимли қилиб кулиб: «Кел энди, жаҳлнинг чиқмай қўя қолсин»,— дерди. Суяма дилкаш, жасур йнгит эди! Унга жаҳл қилиб гапирини ҳам қийин. Бундай пайтларда кулган киши бўлиб, лабимни буриб қўя қолар эдим. Аммо ҳозир аҳвол жиддий бўлиб қолганди. Шаронт ҳам оғирлашиб кетди. Шунинг учун унга мумкин қадар жиддийлик билан қарашга ҳаракат қилишимнинг боиси ҳам ана шунда эди. Бундан ташқари, бугун кечқурун бир ўртоқ билан учрашувим керак эди.

Лекин одатда хушчақчақ, қувноқ Суяманинг юзи бугун қандайдир бошқачароқ кўринди. Буни фақат бизнинг ишимизда туғиладиган олтинчи бир сезги билан бир зумда пайқадим.

— Мана ҳозир, кетяпман...— дедим апир-шапир юзимни ювар эканман.

Суяма, кўринишидан, меннинг ташвишга тушиб қолганимни тушунди.

— Кириб бир кружкадан пиво ичсак қандай бўларкин?— деди одатдагидек хушчақчақлик билан гапиринишга ҳаракат қилиб. Шундай бўлса-да, овозидан бир нарсани бекитаётганлиги сезилиб турарди. Буни беҳато ҳис қилдим.

Биз кўчага чиқдик. Суяма жуда беғам кўринишига қарамай, мен билан ёнма-ён юрмади, бир қанча қадам илгарироқда борар эди.

Заводдан электричка поездлари қатнайдиغان проспектга тор кўча олиб чиқарди, проспектининг бир томонида темир йўл кўтармаси, иккинчи томонида эса беҳисоб катта-кичик дўкончалар, закускахоналар, кафелар қаторлашиб кетган. Электр сим ёғочларидан бирининг тагида гражданча кийиниб олган айғоқчи биз томонга тикилиб турар эди. Бу хилдаги разилона пойлоқчилик менга аллақачонлардан бери жуда яхши маълум, жосус гўё сени пойлаётгани йўққа ўхшайди-ю, аммо ўзи сени назардан қочирмайди. Уни кўришим биланоқ, қадамимни секинлатдим. Кейинда келаётган ишчиларга қўшилиб,

улар билан гаплашиб кета бердим, ammo ўзим жосусни бир лаҳза ҳам эътибордан қочирмадим.

Кейинги пайтлари кийимини ўзгартиб олган айғоқчилар доим бизни пойлаб турадиган бўлиб қолишди: улар эрталаб ишчилар ишга кетаётганда ҳам, кечқурун ишдан қайтаётганда ҳам шу ерда қаққайиб туришарди.

Айғоқчи ҳар кўни бир йўсинда такрорланаверадиған вазифасидан зерикиб, анқов одамларга ўхшаб бирор ерга тикилганича турарди. Суяма унинг ёнгинасидан ўтиб кета туриб, гўё айғоқчини масхара қилгандек жўртага ботинкасини тапиллатиб қадам ташлаб ўтди. У кузатиб бораётганимни билиб турганидан бу ишни атайин қилаётган эди, буни кўриб беихтиёр кулгим қистаб кетди.

Шовқин-суронли проспекта Суямага етиб олдим. У атрофга бир назар ташлаб олгач, бамайлихотир юзини бир ишқаб қўйди:

— Биласанми, қизиқ гаплар — деб шивирлади у. Мен унинг оғзига тикилдим.

— Мўйлов учрашувга келмади... — деб давом этди Суяма. — Уёда кутиб-кутиб, бекор қайтиб келди...

— Қачон? — деб сўрадим.

— Кеча.

Иккаламиз ҳам Мўйлов ишончли одам эканини яхши биламиз. У ишончли ўртоқлардан.

— Учрашадиган жойни аниқ келишиб олишган эканми?

— Уёда, аниқ эди, деяпти.

Кечаги учрашув, айниқса, катта аҳамиятга эга эканлигини Суяма менга гапириб берди. Гап жуда ҳам масъул иш тўғрисида борарди; бирор монелик чиқиб қолса ёки бир кўнга кечиктирилгудек бўлса, ишимизни анча мушкуллаштириб юбориши мумкин эди. Электрричканинг уч остановкаси ўртасидаги жойда, дарёдан М. кўчасигача ва у ердан кўприккача бўлган ўрталикда учрашамиз деб келишиб олишган экан. Уёда билан Мўйлов иккаласи олдин атайлаб бу ердан бир ўтиб, кўриб ҳам қўйиншган, бир-бирини қаерда кутишларини аниқ белгилаб ҳам олишган экан.

Шуниси ажабланарлики, Мўйлов бирор бир кўнгилсиз воқиа бўлишини олдиндан сезгандек, арзон баҳо оватлар бўладиган қовоқхонани кўрсатиб: «Бирорта кутилмаган воқиа юз бергундек бўлса, керак бўлади», — дебди, учрашув бирор сабаб билан бўлмай қолса, бел-

гиланган вақтдан йигирма минут кейин мана шу ерда кутишниг керак,— деб тушунтирибди. Охирида Уэда билан Мўйлов ажраб кетишаётганида соатларини бир-бирлариникига тўғрилаб олибдилар.

«Мўйлов» лақабли ўртоқ — партиямизнинг масъул ходимларидан бири бўлиб, у алоҳида зарур ва қийин ишларни бажарувчи раҳбаримиз эди. У умрида мингга яқин бундай махфий учрашувларда (буларнинг ҳаммаси кўчада бўлиб ўтган эди) бўлиб, тажриба ордирганди. Шунча йил ичида ҳаммаси бўлиб белгиланган вақтда икки мартагина кечикиб келган эди. Агар ишимизнинг характери ҳисобга олинса, белгиланган вақтда бундай аниқ етиб келиш табиий бир ҳол эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади-қолади. Шу билан бирга Мўйловга ўхшаган ишни пухта ва аниқ бажарувчи одамлар жуда кам учрайди. Очиғини айтганда у, ўша икки марта кечикиб келганида ҳам ўзининг айби билан кеч қолмаган эди. Биринчи марта учрашув тўғрисида аниқ келишиб олинмаган экан, шу англашилмовчилик сабаб бўлиб кеч қолган, иккинчисида — кейинчалик маълум бўлишича — Мўйлов қўлидаги соатнинг тўхтаб қолганини сезмаган экан. Агар ундан бошқа бирорта одам бир-икки марта махфий учрашувга келмай қолса, бундан унчалик ташвишланмаса бўларди. Аммо учрашувга, айниқса, олдиндан аниқ келишиб олинган учрашувга Мўйловдек одамнинг келмай қолишига ақл бовар қилмасди.

— Бугун нима қилмоқчисизлар?— деб сўрадим.

— Уэда яна ўша жойга ўша вақтнинг ўзида бораман деган эди,— деб жавоб берди Суяма.

— Соат нечада?

— Еттида. Демак, Уэда ошхонага соат етти-ю йигирма минутда кириб боради. Шундай бўлса-да, нечундир хавотирдаман... Биз у билан соат етти яримда учрашмоқчи бўлдик.

Мен кечқурунга мўлжалланган ишларимни бир-бир ўйлаб чиқдим-да:

— Яхши, ундай бўлса биз ҳам соат тўққизда учрашайлик,— дедим.

Биз учрашадиган жойни ҳам белгилаб олдик-да, ажралишдик. Хайрлашар экан Суяма:

— Агар Мўйловнинг қўлга тушгани рост бўлиб чиқса, ростимни айтсам, тўппа-тўғри полицияга бориб ўзимни ҳам улар қўлига топшираман,— деди. Унинг

ҳазиллашаётгани кўриниб турса-да, лекин овозидан чинакам ҳаяжонланаётгани сезилиб турар эди.

— Аҳмоқ!— дедим, Суяманинг қалбида нималар бўлаётганини яхши тушуниб турган бўлсам ҳам.

Биз Мўйловга қаттиқ ишонардик ва унга суяниб иш олиб борардик. Борди-ю, у ростдан ҳам қаторимиздан чиқиб қолса қандай ишлаймиз? Биринчи кун нима қиламиз, эртасига-чи?.. Жуда ҳайрон бўлиб қолдим. Мўйлов қўлга тушган бўлса ҳам,— агар у ҳақиқатан ҳам қўлга тушган бўлса,— ишимиз барибир тўхтаб қолмайди, бу тўғрида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Шундай бўлса-да, ҳар ҳолда...

Уйга қайтарканман, ишқилиб, қамалиб қолган бўлмасин-да, деган биргина умид бутун вужудимни қамраб олган эди.

Мен йўлдан уй эгасининг ўғилчасига бир қутича конфет сотиб олдим. Уйга яқин келганимда кўчада болали кўриб қолдим. У бошқа болалар билан бирга кўчадаги ширинлик сотувчи автомат олдида турарди. Кейинги пайтларда кўчаларда шундай аппаратлар жуда кўпайиб кетганди, улар олдида доим болалар уймалашиб ётишарди. Автоматга мис чақа ташлаб, дастасини боссанг, ичидан коптокка ўхшаш бир думалоқ нарсотилиб чиқиб, думалаб бориб бир чуқурчага тушади. Шундан кейин пастдаги бир тешикдан ҳар хил пряниклар тушади. Болалар дастани босиб, тешикка кўзларини тикканча қимир этмай қараб турадилар: ҳар бирининг кўнглида, зора автоматдан битта ўрнига тўсатдан иккита пряник тушиб қолса деган умид бор.

Мен чўнтагимни қидириб бир сэнлик¹ иккита мис чақа топдим-да, болага бердим. У олдин қўлини тортиниброқ узатди, лекин шу заҳоти чехраси хурсандликдан қувончга тўлди. Билсам, у шу пайтгача бошқа болаларнинг ширинлик сотиб олганларини фақат томоша қилиб турган экан. Ҳалиги бир қути конфетининг болаининг чўнтагига солиб қўйдим-да, уйга кириб кетдим.

Заводда бугун содир бўлган воқналарни соат саккизгача ёзиб тугатишим керак эди. Роппа-роса саккизда қўлёзмани ўртоқ С. га олиб бориб беришим керак эди. Шундай келишиб қўйганмиз. Эртага эрталаб варақа-

¹ Сэн — майда чақа. Юз сэн бир ман, (Таржимон).

ларни цехларда тарқатиш керак эди. Эшикни ичкаридан қулфлаб, девор орасига жойлаштирилган шкафдан қоғоз солинган чамадонни олдим.

...Аввал Курата заводида ишловчилар кўп эмас эди — ҳаммаси бўлиб икки юзга яқин металлест ишларди, — аммо уруш бошлангандан кейин компания яна олти юзга яқин кишини вақтинча ишга қабул қилди. Биз уч коммунист: мен, Суяма ва Ёси Ито (Ито биз билан бирга ишловчи аёл ўртоқлардан бўлиб, у ҳам партия аъзоси эди) шу ишчи ёллаш вақтида заводга қалбаки ҳужжатлар билан ишга кириб олдик. Аввалги икки юз ишчи устига яна олти юз ишчи ёллаш зарур бўлиб қолганининг ўзидек ишлаб чиқаришнинг қанчалик тез суръат билан ўсиб кетганини кўрсатиб турар эди. Курата заводи Манъчжурияда уруш бошланганига қадар электр симлари ишлаб чиқарар эди, уруш бошланиши билан сим ишлаб чиқаришни тўхтатиб, противогаз, парашют ва самолёт корпуси ишлаб чиқара бошлади. Лекин мана бир-икки ой бўлдики, бу моллар бозорида бир оз касодлик сезила бошлади. Барча маълумотларга қараганда, вақтинча ёлланган олти юз ишчининг тўрт юзидан ошиқроғини, чамаси, тез кун ичида бўшатиб юборишадиган кўринади. Охириги кунларда заводда фақат ана шу тўғрида гап-сўз бўлар эди. Бу кунни ҳамма зўр ташвиш билан кутарди. Корхона маъмуриятининг бу масала юзасидан ўз нуқтаи назари бор эди: у вақтинча ёлланганларнинг ҳеч нарса талаб қилишга ҳақи йўқ, аксинча, компания уларга олдинги мўлжалга қараганда икки ҳафта кўпроқ ишлаш имконини берди деб, шуни рўқач қиларди.

Ҳақиқатан ҳам ёллаш муддати икки ҳафтага чўзилган эди, аммо тез битказиб берилиши керак бўлган иш кишини ҳолдан тойдириб ташлайдиган даражада оғирлашиб кетди. Масалан, аёллар машина олдида эрталабки соат саккиздан кечки соат тўққизга қадар смена алмасмасдан қадалиб туриб ишлар эдилар. Шундай бўлса ҳам уларнинг иш ҳақи бир иен-у саккиз сандан ошмас эди. Кечки иш соатлари учун — соат олтидан тўққизгача бўлган вақтнинг ҳар бир соатига ҳаммаси бўлиб саккиз сандан ҳақ тўлар эдилар. Компания бундан ташқари, шу арзимас пулдан икки-уч санини ишчиларнинг овқат еб олиши учун кетадиган вақтга (бунга эса бор йўғи йигирма минутгача вақт кетса-да) босиб қоларди.

— Кўринишдан, хўжайинлар биз ишчиларни овқат емай ҳам бемалол яшайверадилар деб ўйлашса керак,— дедим мен, бир куни кечки овқат пайтида.

— Шунақага ўхшайди!— деб гапимни маъқуллади ёнимда ишлайдиган вақтинча ишчилардан бири. У буни шундай ҳайрон бўлиб айтдики, бу ишларнинг жуда айёрлик билан йўлга қўйилганини гўё энди тунгунгандек эди.

Унинг ҳайрон қолиб гапиршидан атрофдаги одамларнинг ҳаммаси беихтиёр кулиб юборишди.

Иш ҳақини ҳар куни ишдан кейин берар эдилар. Ҳар бир аёл ишчига, улар ҳаммаси бўлиб тўрт юзга яқин эди, беш сэнли битта чақа ва бир сэнли учта чақадан ҳақ тўлар эдилар. Бундай ҳисоб-китоб кўп вақтни оларди. Одамлар маош олиш учун соатлаб навбат кутиб қолар эдилар.

— Э, худо олсин буларни! Ахир, ўн сэндан тўласалар-ку, иш тезроқ битармиди! Бу азоблардан кўра ўзимиз уч сэндан кечиб қўя қолсакмикан, а? Беш сэндан, битта чақадан улашиб қўя қолишарди!— деб жаҳл билан шовқин кўтаришарди навбатдагилар.

— Кўринишдан, бу бойлар ўлгудек хасисга ўхшайди, буни биз камбағаллар кўз олдимизга ҳам келтиролмасак керак!

Шу кунларда, тўсатдан заводда, компания вақтинча ёлланган ишчиларнинг ҳар бирига ишдан бўшатилаётганида бир йўла ўн изндан пул тўлар эмиш, деган овоз тарқалди. Улар вақтинча ёлланган ишчилар бўлгани учун, компания уларга бир тийин ҳам тўламасликка ҳақи бор. Лекин компания, шунчалик «ғайрат билан ва астайдил ишлаганлари учун уларга бу пулни мукофот тарзида беряпти», деган гаплар айниқса таъкидлаб айтилар эди. Ҳеч ким бу гапларнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини аниқ билмасди. Лекин бўшатиладиган кейин анча вақтгача бошқа иш қидиришга тўғри келишини ҳамма яхши биларди. Шунинг учун одамлар ўзлари ҳам сезмасдан, бу овозаларни тўғри бўлса керак деб унга ишонгилари келарди.

Лекин овқатланиш учун кетган арзимас минутлар учун ҳам маошдан икки-уч сэндан ушлаб қолишгача бориб етган, иш ҳақини олиш учун бир қанча юзлаб одамларнинг соатлаб навбат кутиб туришларига мутлақо эътибор қилмаган, меҳнат ҳақига чақа билан ҳақ

тўлаган хўжайинларнинг бундай қилишига қандай ишониб бўларди? Юзлаб ишчиларнинг ҳар бирига тўсатдан ўн иендан пул берадилар деб ўйлаш ақлга тўғри келадими? Ўн иен-а, ўн иенли қогоз пул ҳазил гап эмас, ахир!

Бундай шов-шув тарқатишдан, албатта, қандайдир бир яширин мақсад бўлиши керак! Чамаси, ишчилар ўртасида ғала-ғовур кўтарилишининг олдини олиб, ишдан бўшатишни ўз вақтида тўла-тўқис, тинчлик билан ўтказиб олиш учун ҳийла бўлса керак.

Бугун заводда бу ҳақда жуда кўп гап бўлди. Шунинг учун ҳам мен эртага тарқатиладиган варақада шулар тўғрисида ёзмоқчи бўлдим. Ўтган куни ҳам цехда варақа пайдо бўлди. Варақада ҳар куни ишдан кейин одамларнинг кўп вақти пул олиш учун нэвбат кутиб ўтиб кетяпти, маош бериш тезлатилсин, деб талаб қилинган эди. Шу кунларда ишчилар бу масалани жуда қизиқиб муҳокама қилган эдилар. Шу туфайлидан варақамиз қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Стол ёнига қулайроқ ўрнашиб олдим.

Бирпасдан сўнг мен турадиган уйнинг эгаси иккинчи қаватга — олдимга чиқиб, ўғлига совга олиб берганим учун раҳмат айтди.

— Ўғилчамизни хурсанд қилганингиз учун катта раҳмат!

Бу аёл шу пайтгача менга ҳеч вақт бундай миннатдорчилик билан кулиб қараган эмасди.

Бизнинг шароитимизда, бундай қараганда худди бир арзимас нарсаси кўринган ҳар қандай майда-чуйдаларга ҳам жуда эҳтиёт бўлиб қарашга тўғри келади. Биз «ҳамма кишилар»дан ҳеч нарсамиз билан ажралиб турмаслигимиз керак. Агар ён қўшнилари ёки уй эгалари сизни «жуда қизиқ киши экан-ку», «нима иш қилар экан», деб қарайдиган бўлса, бу ёмон гап. Мана, масалан, ўртоқ Н. (у ҳозир турмада) у жуда кучли таъқиб остига олинган эди. На мен, на бошқа дўстларим бундай қаттиқ таъқиб остида бўлган эмасмиз. Полиция унинг расмини бутун ресторанларга, закускахоналарга, сартарошхоналарга, ҳаммомларга тарқатган эди. Ана шундай таъқиб остида ҳам ишни давом этдириши учун қанча-қанча ҳийла ишлатишига тўғри келарди — у ҳатто хўжайинларини Император театрига ҳам таклиф этиб турарди. Биз мазмунсиз, қуруқ суҳбатлар

қуришга уста, «ҳамма одамларга ўхшаш» ёқимли гаплар гапиришга чечан бўлишимиз керак. Менга келганда бу нарса ҳаммадан ҳам қийин, мен бу ишга мутлақо лаёқатсизман. Тўғриси айтганда, кейинги вақтларда бу нарсага бир оз ўргангандек бўлдим, лекин ҳали ҳам айтарли қойил қила олмайман.

— Бе, қўйсангиз-чи, арзимайди!.. Раҳмат айтишга сира ҳам арзимайди,— дедим мен.

У чиқиб кетганидан сўнг уялганимдан қизариб кетганимни сезиб қолдим. Буниси эса жуда ҳам ортиқча эди!..

...Варақаларга ёзиладиган фикрлар қисқа, ҳажм жиҳатидан одатдаги ёзма қоғозда икки, икки ярим варақ бўлиши керак эди. Лекин кун бўйи ишлаб чарчагандан сўнг ёзиш жуда оғир эди. Мен хаёлий нафақа тўғрисидаги шов-шувларнинг сири нимада эканини фош этиб, варақани ёзиб бўлганимда, соат еттидан ошган эди. Варақанинг мазмуни устида ишлар эканман, юзимни сочиқ билан тинмай артиб турардим. Доимо бирор иш устида жиддий ўтирсам ана шундай ҳамма ёғимдан тер қўйилиб кетаверади.

Ёзиб бўлинган варақаларни конвертга солиб, устига севги хатига ўхшаб кўринсин учун хаёлимга келиб қолган битта аёл фамилиясини ёзиб қўйдим. Соат етти-ю қирқ минут деганда уйдан чиқдим.

— Бирпас айланиб келай,— деб қўйдим хўжайкам олдидан ўтиб кетаётганимда.

Одатда камгап бўлган бу аёл хушмуомалалик билан калласини лиқиллатиб:

— Майли, боринг, бора қолинг!..— деб қўйди.

Кўринишидан, конфет бекорга кетмабди. Кўчага чиққанимда ўзимдан ўзим илжайиб қўйдим.

Бир кунп ана шунга ўхшаш тайёрланиб кўчага чиқиб кетай деб турганимда, хўжайка тўсатдан.

— Кечқурунлари тез-тез кўчага чиқаркансиз-а — деб қолди.

Буни эшитиб, жуда шошиб қолдим; ҳақиқатан ҳам ҳар кун кечқурун кўчага чиқар эдим. Бу ҳол ҳар қандай одамни ҳам шубҳалантириши мумкин эди.

— Шу... биласизми, ҳалиги...— деб дудуқланиб нима дейишини билмай қолибман. Лекин у менинг гапларимни ўзинча тушуниб:

— Ёшлик-да, нима ҳам дердик...— деб кулиб қўйди.

Хўжайканинг мутлақо бошқа нарсани айтаётганини тушунганимдан сўнг ўзимни бир оз тутиб олдим.

Учрашув асосий проспектга келиб туташидиган кўчага белгиланган эди. Бу кўчада фабрика, заводлар кўп бўлгани учун жуда серқатнов эди: дўкон ва кафе-лар эшиги олдида сочлари пешоналарига тушиб турган завод ёшлари қайнарди. Мен доим ўрин ва шароитга мослаб кийинишга ҳаракат қилар эдим. Тўғри, бунга ҳамма вақт ҳам имкон бўлмайди, лекин бизнинг иш-миз учун бу жуда зарур. Биз ташқи кўринишимиздан бирон шубҳа туғилмасин учун мумкин қадар дуруст ва ҳафсала билан кийинишга ҳаракат қилишимиз керак. Лекин бу кўчага мана шундай пайтда европача костюм кийиб, қўлда ҳасса билан чиқиш, албатта, ўринсиз иш бўларди — бу ерда бу хилдаги костюм ҳамманинг эътиборини жалб қилиши турган гап. Шунинг учун ўзим доим кийиб юрадиган содда кимонони¹ кийиб, белбоғларимни нари-бери боғлаб, ҳатто шляпамни ҳам киймай чиқиб кетдим.

Тўғримдан С. кўринди. Мен уни ўнг елкасини силкиб юришидан дарров танидим. Мени кўриши билан у қандайдир бир витринанинг олдида тўхтади, кейин бамайлихотир бир тор кўчага кириб кетди. Мен ҳам муюлишдан шу кўчага бурилиб, унинг кетидан кетавердим. Охири, яна бир қайрилгандан сўнг биз ёнма-ён кета бошладик.

С. мендан кечаги варақалар заводдагиларга қандай таъсир қилганини тўла-тўқис сўраб бўлганидан сўнг:

— Варақаларимизда заводдаги кундалик воқиялар ҳақида ёзлиши яхши, албатта,— деди.— Лекин умуман олганда улар ҳали кўнгилдагидай эмас, воқияларни ҳали сиёсий жиҳатдан яхши ёрита олмаяпмиз.

Унинг гаплари мени ҳайрон қолдирди. «Тўғри айтяпти!»— деб ўйладим мен. Шу кунлари варақаларнинг заводда яхши муваффақиятга эришаётганидан суюниб, бу муваффақиятга баҳо беришда катта мақсадлар нуқтаи назаридан қараш зарурлигини мутлақо унутиб қўйибман.

— Мана шунинг учун биз омманинг стихиялк кайфияти орқасидан судралиб юра берамиз-да... Кундалик ҳаётни мисол келтириб империалистик урушнинг туб моҳия-

¹ Кимоно — японларда эркак ва хотинларнинг кенг енгли уст кийими.

тини халқ оммаси олдида фош қилиб ташлашимиз учун яхшилаб ўйлаб ва жуда усталик билан, махсус иш олиб боришимиз керак бўлади.

Урушга қарши курашни умумий ва мавҳум формада акс эттириб, хатога йўл қўйилган аввалги варақалардаги камчиликларни тузатмоқчи бўлишиб, кўпгина ўртоқлар энди бошқа хатога — ҳамма масалани иқтисодий проблемаларга боғлаб қўйишдек хатога йўл қўймоқдалар деб тушунтирди С.

— Бундай ўнг оғмачилик, — деди у, — ўзимизни оммага жиловлаб бериб қўйишга олиб келади. Варақаларимиз вақтинча тез таъсир кўрсатишининг сабаби ҳам қисман ана шунда, — деб қўшиб қўйди у. — Шунинг учун варақаларнинг омма орасида тез сингиб кетаётганига суюниб юриш ярамайди.

Иккаламиз ёнма-ён у-будан гаплашиб борардик.

Бор ютуқларимиз билан қаноатланиб қоладиган бўлсак, ҳеч маррага етолмаймиз. Бу орқага қайтиш бўлади-ку! Биз шу пайтгача кўзи пана қилиб қўйилган от сингари, тугал манзарани эмас, айрим узук-юлуқ лавҳаларни кўрдик, холос.

Бирпасдан кейин овқатхонага кирдик.

— Мана бу қизимга ёзилган хат! — дедим-да варақа тексти солинган конвертнинг ўтирган столимизнинг таг тахтасига қўйиб қўйдим. Ўртоқ С. официантдан кўзини узмай, эшитилар-эшитилмас қандайдир бир ашулани хиргойи қила туриб конвертнинг чўнтагига солиб олди.

— Мўйлов билан алоқанг жойиндами? — деб сўради у бармоғи билан мўйлов қилиб.

Мен заводда Суямадан эшитганларимни унга гапириб бердим.

Ўртоқ С. хиргойи қилиб гапимни эшитиб ўтираверди, — шунақа одати бор эди, — лекин диққат-эътибори гапимда экани кўздан кўриниб турарди.

— Мен ҳам Мўйлов билан кеча соат олтида учрашим керак эди, лекин учраша олмадим...

Шу сўзларни айтиши билан юрагим шув этиб кетди.

«Йўғ-е, омон-эсон юрибди...» деган жавобни эшитиш умидида сабрсизлик билан:

— Нима, қўлга тушдингми? — дедим тоқатсизланиб.

— Бир нима дейиш қийин... — деди С. ва бир оз ўйлаб турди-да. — Эҳтиёткор одам,... яна ким билади дейсан, — деб қўшиб қўйди.

Ҳар биримиз Мўйлов билан алоқани тиклаш пайидан бўламиз, деб ваъдалашдик, кечаси босилган варақаларни заводга етказиш ҳақида маслаҳатлашиб хайрлашдик.

Мен соат тўққизда Суямани учратдим. Унинг чеҳрасидан, умид қиладиган ҳеч нарса қолмагани, Мўйловни қўлга туширганларини пайқадим. У билан ҳам қўлдан келганича ҳаракат қилиб, Мўйловнинг ҳолидан хабар олишга ваъдалашиб ажрашиб кетдик.

Мен иш юзасидан бўладиган учрашувлар кечки соат тўққиз яримдан кеч қолмасин деган қоидага қаттиқ риоя қиламан. Яширин квартирамга яқин бирон жойда бўладиган учрашувларнинг йўли бошқа. Кечаси бемаҳал юриш яхши эмас, йўлда бирон фалокатга дучор бўлиш мумкин.

Суяма билан хайрлашиб бир ўзим уйга қараб кетдим. Мўйловнинг тақдири мени бунчалик ташвишга солиши хаёлимга ҳам келмаган эди. Қандайдир, тушуниб бўлмас ҳаяжон юрагимни тобора сиқиб борар, тиззаларим букилиб, нафасим тикилаётгандек туюларди. Доим бир зайлда тинч шаронгта умр кўрувчи кишилар менинг бу ҳолатимга балки ишонишмас. Битта-яримта киши ҳатто, ёлғондан қиляпти, деб ўйлаши ҳам мумкин. Йўқ. Қундалик турмуш билан алоқаси узилган, энг яқин одамлари, қадрдон дўстлари билан ҳам ҳеч кўришолмай қолган, ҳеч бўлмаса ярим соатга уйдан чиқиб атрофига алангламасдан бемалол ҳаммомга бориб келишдан маҳрум бўлган, бирон фалокат бўлиб қўлга тушиб қолса энг кам олти ёки етти йил турмага тушиш хавфи остида юрган одамнинг энг қадрли кишилари бирга ишловчи дўстларидир. Бу дўстларининг биронтасидан айрилиб қоладиган бўлсанг борми, унинг қадрини ана ўшанда биласан. Агар гап ҳамма ишга раҳбарлик қилиб турган кишини, ҳақида борса, бу туйғунг янада кучаяди.

Эсимда бор, бир марта худди шундай бўлган эдим. Унда мен ҳали бир сариқ профсоюзнинг оппозициячи группасида ошкора ишлар эдим. Лекин у маҳалда дўст қадрини бунчалик билмасдим. Балки, кундалик ишлар билан овора бўлиб, бунга аҳамият бермаган бўлсам керак.

Уйда мени Ота кутиб ўтирган бўлса керак. Уйимнинг адресини ҳеч кимга билдирган эмасдим, лекин раҳбарлар билан келишиб, қондани бузиб бўлса-да, Отага адрес бергандим. Гап шундаки, Қурата заводида иш олиб

бориш ва донмий алоқа боғлаб туриш учун одам керак эди. Кўчада учрашиш ноқулай эди. Бирон зарур хабарни етказиш керак бўлиб қолади. Янаги учрашув вақтинин кутишга илож бўлмайди. Шуниси ҳам борки, кўчада барча нарсалар тўғрисида батафсил гаплашолмайсан ҳам.

Ота эртага заводга олиб кириладиган варақалар ҳақида гаплашгани келган. Мен унга С. билан гаплашганимни айтдим. Биз Ота билан эртага эрталаб соат еттида электр темир йўли станциясида учрашишга ваъдалашдик. С. ҳам босилган варақаларни худди шу вақтда етказиб келиши керак.

Ишга алоқадор гапларимиз тамом бўлгандан сўнг, яна анчагача эзмалик қилиб ўтирдик. Одатда бунақанги гапларни мен бошлардим.

— Қани энди бошқа гаплардан гаплашайлик!— дедим илжайиб.

— Яна сафсатангни бошладингми!— деб кулиб қўйди Ота.

Ҳар гал Ота келганида иш тўғрисида гаплашиб бўлганимиздан сўнг уни келинг, бир оз ҳангамалашиб ўтирамиз, деб олиб қолардим. Ота бунини менинг инжиқлигимга жўйиб қўярди. Кейинги вақтларда ишимизга алоқаси бўлмаган бу хил ҳангамаларни қўмсаш қаяқдан пайдо бўлаётганини ўзим ҳам тушуниб олдим.

Биз дўстларимиз билан иш тўғрисида кунда учрашамиз. Юрак ютиб, овқатхонагами, кафегами кирганимизда ҳам ортиқча гапларга ўрин бермай, фақат иш ҳақида секин-секин гаплашиб тезроқ ажралишга ҳаракат қилардик. Йилнинг уч юз олтинчи беш кунини шу зайлда бирини-кетини ўтиб борарди. Ўзим ҳам энди шундай ҳаётга ўрганиб кетганман, илгариги ҳаётимдаги ҳамма нарсалардан мутлақо воз кечганман. Узоқ муддатли қамоқдан бўшаган одам бирон тотли овқатдан тўйиб егиси келгани каби, бу қийин, оғир кунларни кетма-кет бошдан кечиравергандан кейин, ҳар дам-ҳар дамда турли нарсалар тўғрисида чақ-чақлашгинг ҳам келар экан.

Лекин дунёси бутунлай бошқача бўлган Отага менинг бу ҳаракатларим, балки жуда енгилтаклик бўлиб кўринар. Ҳақиқатан ҳам, у мени қаяқдан билсин. Ахир, у ўз дўстлари билан бемалол кўришиб турарди,

улар билан бемалол пивохоёнага кириб, хоҳлаганича суҳбатлашиши мумкин.

Шундай бўлгандан кейин, у менинг ҳолимни қаёқдан ҳам билсин. Менга «раҳми келмай», бир оғиз ҳам гаплашмай кетиб қолган пайтлари ҳам бўлган! Бағри тош!

Лекин бугун Ота қолиб, заводимиздаги ишчи қизларнинг фазилати, камчиликларидан гап очди. Тез кунда улар билан танишиб олганини кўриб ҳайрон қолдим.

— Ишчи қизнинг севгиси бойвуччалар севгисига ҳеч ўхшамайди... Ишчи қизларнинг муҳаббати бевосита ва конкрет муҳаббат,— дерди у.

Шу ўринда «бевосита ва конкрет» деган ибораларнинг ишлатилиши жуда қизиқ туюлди, шу ваздан иккаламиз тоза кулишдик.

ИККИНЧИ БОБ

Коммунистлар партияси номидан ҳамма нарса очиқ-ойдин ёзилган варақалар цехларда пайдо бўлган кундан бошлаб заводга киришни ҳам, чиқишни ҳам қаттиқ назорат остига олишди. Уруш бўлиб турибди, завод ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаряпти,— бас, компаниядаги жанобларнинг чўчиб турганлари бежиз эмас.

Эрталаб мен билан ёнма-ён ишлайдиган қизлардан бири қўрққанидан титраганча цехга югуриб кирди. У эшиклари доим очиқ турадиган қоронғи складнинг ёнidan ўтиб келаётганида ичкарида узун чопонли қандайдир бир гавдани кўриб қолган. Кейин билсак: бу кийинини ўзгартиб олган пойлоқчи экан. Ҳамма ёққа пойлоқчилар қўядиган бўлишди. Шунинг ўзидан ва бундан бошқа кўп ишлардан хўжайинларнинг анча-мунча ташвишга тушиб қолганини билиш мумкин эди.

Уруш бошланиши билан ёш ишчиларни бирин-кетин фронтга олиб кета бердилар. Ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам тез ошиб борди. Қийин аҳволдан бир амаллаб қутулиш учун ҳамма заводлар янги-янги ишчилар қабул қила бошладди. Урушга қадар ҳар бир қабул қилинувчи одам аввал яхшилаб текшириларди. Ишга кириш учун бир одам кафил бўлиши керак — бусиз ишга кириш қийин эди. Уруш бошлангандан кейин бу тартибга эътибор қилинмай қўйилди. Биз дўстларимиз билан шу пайтдан фойдаланиб ишга жойлашиб олдик.

Ишга янги олинганларни, «давлатнинг фавқулодда

аҳволи» баҳонаси билан, вақтинча ишга олиб, сиқиб су-
вини ичдилар. Натижада бутун ишчиларнинг иш ҳақи
камайиб кетди. Варақаларимиздан қўрқиб кетган хўжа-
йинларнинг ҳар қандай уятни йиғиштириб, аҳмоқона
чораларни ҳам кўришдан қайтмаслиги ажабланарли
эмасди, улар ҳатто заводнинг пастқам жойларига ҳам
қора чопон кийган пойлоқчиларни қўйиб қўйишди.

Булар ҳам майли-я. Биз бундан ҳам бешбадтар кун-
га қолишимиз мумкин эди. Гражданча кийиниб олган
айғоқчилар изимизга тушиб олишган эди. Менинг сура-
тим барча полиция участкаларига тарқатилган эди.
Сурат касридан бир дўстимни қўлга туширишди — унинг
ўзини бирон марта ҳам кўрмаган бир айғоқчи бундан
ўн-ўн уч йил илгари олдирилган суратидан таниб ушлаб
олибди. Шундан кейин дўстларимдан бири менга яши-
рин ишга ўтишни маслаҳат берди. Яширин ишлаш хавф-
сиз бўлгани билан, заводдан четда туриб завод ташки-
лотига раҳбарлик қилиш жуда қийин бўларди ва бун-
дай раҳбарлик эришиш мумкин бўлган натижаларнинг
юздан бирини ҳам бермасди, бунини мен бутун иш тажри-
бамдан билардим. Заводда ишлайдиган ўртоқлар билан
жуда мустаҳкам алоқада бўлганимда ҳам, барибир, шу
аҳвол бўларди.

Биз, коммунистларнинг яширин ишлашга ўтиши-
миз — «тинчимизни олишимиз» ёки шунчаки таъқиблар-
дан бекиниб олишимиз деган гап эмас, албатта. Бизнинг
ишимиз билан таниш бўлмаган одам, балки, шундай
деб ўйлар. «Яширин ишга ўтиш» фақат шу бўлса, ўз
оёғимиз билан полицияга бориб, қамоқхонада тинчгина
ётиб чиқишимиз юз марта осонроқ ва қулайроқ бў-
ларди.

«Яширин ишга ўтиш» — кўпроқ жасорат ва матонат
билан кураш олиб бориш учун ўзингни хавф-хатардан
сақлаш демакдир. Ундан кўра ошкора иш олиб бориши-
миз қулайроқ эканлигинини гапирмаса ҳам бўлади, бун-
дан ташқари, буинг анча-мунча яхши томонлари ҳам
бор. Ота ва бошқа дўстларимга кўпроқ ошкора ҳолат-
да ишлаш пайдан бўлаверинглар, деб қайта-қайта уқ-
дириб келишимнинг ҳам важи шу. Хуллас, «яширин иш-
га ўтиш» дейишнинг ўзи, аслида, бутунлай хато. Биз,
коммунистлар ҳеч бир вақт ўз хоҳишимиз билан «яши-
рин ишга ўтмаймиз». Биз бунга мажбур бўламиз. Биз-
ни душманларимиз «яширин ишга ўтишга» мажбур



қиладилар,— шундай дсйиш, менинг тушунишимча, ҳақиқатга кўпроқ тўғри келади.

Биз ҳамиша шу тариқа, хавф-хатар устидан қадам ташлаб борамиз. Завод дарвозаси олдида ҳар куни эрталаб ва кечқурун айланиб юрувчи айғоқчиларни кўравериб асабларим ҳам жуда қақшаб қолди.

Кейинги кунлар заводимиз олдида доим битта айғоқчи турадиган бўлиб қолди. Унинг ўрнида нотаниш биров турганини сезсам, беихтиёр қадамимни секинлатиб, шляпамни тўғрилаб, унинг юзи таниш-таниш эмаслигини узоқданоқ билишга ҳаракат қилардим. Биринчи тўсиқдан ўтиб олгандан сўнг, иккинчи тўсиқдан — эшик олдидаги тинтувдан ўтиб олиш лозим. Заводга варақа олиб кирувчи ўртоқлар бунинг йўлини ҳам топгандилар.

Ота бу ишда доим биз билан бирга ишловчи таниш хотинлардан фойдаланарди. Унинг фикрича, варақани қизлар кимоно остига — «белидан пастга» бекитса хавф-

сиз бўлар эмнш. Қоровуллар ҳали аёлларни бошдан-оёқ тинтув қилиш даражасига етиб сурбетлашмаган бўлсалар керак.

Эртаси эрталаб кийим шкафчамни очишим билан варақаларга кўзим тушди. Қандайдир ажойиб ҳис-туйғу бир лаҳзада бутун вужудимни қамраб олди. Цехга кирганимда бир аёл қўлидаги варақани биринчи синф ўқувчисидек, ҳижжалаб ўқирди; нотаниш ҳарф учраганда бошини қашиб қўярди. Мени кўриши биланоқ:

— Бу ерда айтилганларнинг ҳаммаси тўғрими?— деб сўради у. Ҳаммаси тўғри, деб жавоб бердим. Тўғри бўлгандаям қандоқ!

— Лаънатилар!— деди аёл.

Мен ишчилар ўртасида, «ўзи қизилларга ўхшаб кетади» деган ном чиқарганман. Компаниянинг ёки завод бошқармасининг ишлари муҳокама қилинганда доим актив қатнашар эдим. Гап жиддий воқиа устидами ёки бирорта арзимаган нарса устидами — барибир, масалани тўғри ва аниқ ёритишга ҳаракат қилардим. Ахир, ишчиларнинг ишончига одатдаги, кундалик шароитда сазовор бўлиш керак-да! Бирор воқиа юз бергудай бўлса, сенинг доим биринчи қаторда туришингни ишчилар билишлари керак. Биз билан ёнма-ён туриб ишловчи ўнлаб, юзлаб ишчиларнинг ишончини қозониш учун доим олдинда боришга ҳаракат қилишимиз лозим. Авваллари одамларни махфий равишда, — биттадан жалб қилувчи секта методидан фойдаланар эканлар. Бизнинг тажрибаларимиз бу методдан фойдаланганимизда ҳаракатимиз оммалашмаслигини кўрсатди.

Иш бошланишига озгина вақт қолган эди. Мен, тўп-ланиб олишиб варақанинг мазмунини муҳокама қилаётган ишчилар олдига бормоқчи бўлиб турганимда мастер кириб келди.

— Қани, кимда варақа бўлса, дарров бу ёққа чўзсин!

Бу сўзларни эшитиш билан ҳамма қўлидаги варақани бекита бошлади.

— Бекитадиган бўлсаларинг ёмон бўлади! Қани, сен, бу ёққа ол-чи!— деб мастер менинг ёнимда турган аёлга мурожаат қилди.

Аёл шоша-пиша варақани белбоғи орасидан чиқариб берди.

— Мана бу аҳмоқни қаранглар, худди қиммат баҳо

нарсани бекитгандек бекитиб олибди-я! — деб ҳазар қилгандай юзини буриштирди.

— Жаноб мастер, ахир, хўжайинлар ҳам яхши иш қилмаяптилар-да! Еки гапим нотўғрими?

— Бунн қаранг, ўзинг нималар деяпсан... Ахир, мен бу варақалар ярамас нарса, деб бекорга айтмайман?

— Бўлмаса, иш тамом бўлганда ўн иендан тўлашларн рост экан-да?

Мастер шошилганича:

— Мен қаёқдан билай? Дирекциядан сўра!— деди.

— Жаноб мастер, яқинда ўзингиз ҳам шундай деб юрувдингиз-ку! Демак, варақада ёзилган гаплар тўғри экан-да!— сўз қайтарди аёл.

Кулги кўтарилди.

— Ҳа, азаматлар, бўш келманглар!— деб бақирди биров.

Мастер қизариб бурнини торта бошлади, нима дейишни билмай, ғазабланганича цехдан чиқиб кетди.

Шу орада учинчи цех ишчиларининг бариси тўполонга қўшилди. Берган зарбамиз бўш бўлса-да, аблаҳ мастер варақани йнғиб олишни ҳам унутиб цехдан қочиб чиқиб кетди.

Мен шу куни, иш бошлаганимдан чамаси бир соатлар кейин, полиция Отани заводнинг ўзидан ушлаб кетибди, деган гапни эшитдим. Афтидан, улар Отанинг заводга варақа келтирганлигидан хабардор бўлиб қолишган.

Ота қамоқда... Ҳаммадан ҳам ёмони шуки, у менинг адресимни билади! Эсимда бор, бир куни у менга, мабодо қўлга тушадиган бўлсам, уч кунга чидашим мумкин, деб айтган эди. «Нима учун уч кунга» деб сўраганимда, у: ҳамма шунақа дейди, деб жавоб берди. Мен бўлсам гапни ҳазилга буриб юборишга ҳаракат қилган эдим. Қизиқ, ўша пайтдаёқ Отанинг қўрқоқлигини сезган эдим-а! Мана энди Отанинг қамалганини эшитишим билан дарров ўша гап эсимга тушди.

...Мен яхши биладиган ўртоқларимдан бири ўртоғини қамаб қўйган бўлсалар ҳам, бирга туришган уйда бемалол тура берибди. Ҳаммамиз, жумладан мен ҳам унга тезроқ бошқа жойга кўчишни маслаҳат бердик. Ташвишланганимиз ҳам тўғри чиқди — бешинчи куниёқ унинг уйига полиция бостириб кирибди. Дўстим ўзини ойнадан ташлаб қочибди. Ташлашга ташлабди-ю,

лекин оёғини чиқариб қўйгани ёмон бўлибди. Уни қочиб кетмасин деб ечинтириб, қип-яланғоч ҳолича олиб кетишибди. У камерада дўстини учратиб қолиб: «Ифвогар! Сен одам эмассан, аблаҳ!..» деб уни сўка бошлаган экан, қайтамга у ўртоғимизни ҳеч нарсадан ташвишланмай, аввалги квартирада бегам яшайвергани учун, «уқувсизсан», «ярамассан» деб тоза узиб олибди.

Дўстимиз қамоқдан чиққанидан кейин ҳаммамиз унга дўсти мутлақо ҳақ эканлигини айтдик. «У сени жуда тўғри қойибди! Дўстим, шуни билиб қўй, хавфни сезиб туриб, унга бепарво қараш партия интизомини бузиш демакдир». Лекин дўстимиз бу далилларимизни тан олмади. «Мен унинг оғзи бўшлигидан қамалдим! Бу аблаҳларнинг олдида бирон сўз айтиб бўлмайди,— мана шуни партия интизомини бузиш деса бўлади!» деб жавоб берди. Ҳақиқатан ҳам, у тергов пайтида оғиз ҳам очмабди. Бундай пайтда бирон нарса дейиш мумкин эканлигини олдин хаёлга ҳам келтирмаганлиги учун, бу нарса унга қизиқ туюлар, бошқаларни ҳам ўзига ўхшатарди. Шу сабабли у дўстини қамоққа олсалар ҳам, бемалол аввалги квартирасида тураверган. Бу воқна, айниқса, менга ёмон таъсир қилгани ҳали ҳам эсимда. Бундай қараганда, қўлга тушиб қолгудай бўлсам, учинчи ёки тўртинчи кунёқ ҳамма нарсани душманга айтиб қўйишлигимни бўйнимга олганлигим сабабли, квартирасини, албатта, ўзгартиши кераклигини маслаҳат бергандек бўлиб кўринишим мумкин эди. Йўқ, большевик деган асло бундай иш қилиши мумкин эмас! Бу равшан нарса! Лекин ҳозир гап бетайин Ота устида бораётган экан, мен «қаҳрамонлик» қилиб бепарво қараб туришга ҳақим йўқ. Дарҳол квартирамни ўзгартишим керак.

Ҳар ҳолда, адресимни ҳеч кимга айтмаганимда анча яхши бўларди.

Яна бир ўртоғим адресини оз эмас, кўп эмас, етти танишига айтгани ва уларнинг келиб-кетиб туришларига йўл қўйгани эсимда. Яна уларнинг ичида коммунист эмаслари — шунчаки «хайрихоҳлар» ҳам бор эди. Натижада дўстимизникига полиция бостириб кирган эди. Бундай мисоллар жуда кўп. Дунёда бизга тенг келувчи йўқ, деб мақтаниб юрадиган полиция бизни доим таъқиб остига олиб юрар экан, қандай шаронда яшашимиз ва ишлашимизни унутмаслигимиз керак.

Бир иш яхши бўлган экан: Суяма ва Ёси Итолар тўғрисида Ота ҳеч нарса билмасди. Бир замонлари ишимни осон қилиш ниятида, унга, бу иккаласи ҳам бизнинг дўстларимиз, уларга ишонса бўлади, деб айтиб қўйишимга сал қолган эди. Лекин Отанинг қанақа одамлиги эсимга тушиб... айтмай қўя қолган эдим. Бир томони, сиримиз очилиб қолса, партияни беҳуда қурбон беришдан омон сақлаш, иккинчидан, жуда хавфли ният қилганимни — ишимизни бир оз енгиллатиб олишга итилганимни фаҳмлаб қолганимдан шундай қилган эдим. Дарҳақиқат, ким-кимлар коммунист эканлигини ҳамма билса, ишлаш ҳам осон бўларди... Лекин бу йўлнинг оқибати вой бўларди.

Мен заводдан Суяма ва Итолар билан бирга қайтдим. Энди нима қилишимизни белгилаб олиш учун кичик бир ошхонада фавқулодда кенгаш ўтказдик. Менинг тезликда — шу бугуннинг ўзидаёқ квартирамни ўзгартишим, аҳвол аниқ бўлгунча ишга бормай туришим, заводда қолаётганлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш, энг муҳими, жуда эҳтиёт бўлишга қарор қилдик. Уртоқларимизнинг беғамлигидан полиция қўлига тушиб қолиш ҳоллари жуда кўп бўлган эди: «Бугун ҳам бир гап бўлиб ўтиб кетар» ёки: «Наҳотки, шундай бўлса!» — деб катта кетишдан хавфли нарса йўқ!

Бу масала ҳал бўлгандан кейин Суяма билан Ито ҳозир олишган мояналаридан менга бир ордан: — Суяма саксон сэн, Ито эллик сэн беришди.

Суяма ҳар галгидек, нимагадир Канда Хакудзан¹ тўғрисида эшитганмисан деб сўради. Мен унинг кутилмаганда савол бериб, ҳамсуҳбатини эсанкиратиб қўйиш одатини билганимдан кулиб юбордим. Шундан кейин Суяма, Канда ўла-ўлгунча липпасига қистирган пулдан ажрагиси келмаганини ҳикоя қилиб берди. У, одам бола-си қачон ва қаерда фалокатга учрашини билмаганидан шундай қилармиш. Канданинг фикрича, қийин аҳволга тушиб қолганда эркак кишининг пулсиз бўлиши уят.

— Ҳозир сен ҳам шу аҳволга тушиб қолдинг... Зарур пулни топа олмаганинг сабабли полиция панжасига или-

¹ Канда Хакудзан — Японияда феодализм даврида яшagan машҳур ҳикоячавис ва бадиий сўз устаси. 1873 йилда вафот этган. (Таржимон).

ниб қолишинг ҳам, билсанг, синфий хонлигининг бир туридир!— деди-да,— биз фақат дўстларимизнинг тажрибасидангина ўрнатилмай, душманларимиздан ҳам дарс олишимиз керак,— деб қўшиб қўйди.

Суяма доимо бунақанги гапларни ғамлаб юрар эди. Ито иккаламиз унинг гапларини эшитиб ўтириб, шунча нарсани сиздирилган мияси худди эсдаликлар ёзилган ён дафтарчага ўхшайди-я, деб кулишганимиз-кулишган эди.

Мен ўзимизнинг тор кўчага қайрилиб жуда беъмани иш қилдим, шекилли. Шундай бўлса-да, бу беъманилигимни кечирса бўларди: Ота адресимни дарров айтиб қўяр, деб хаёлимга ҳам келтирган эмасдим. Тор кўчага бурилишим билан чўчиб кетиб, турган жойимда қотиб қолдим. Уйимнинг деразаларидан чироқ ёруғи тушиб турарди! Бир оздан сўнг уйда одам борлигини сездим, ҳар ҳолда бир неча одам борлиги турган гап. Уйни полиция ўраб олган бўлса керак. Лекин уйда менга керак нарсалар — эртанинг ўзидаёқ кунимга ярайдиган баъзи бир нарсалар қолган эди! Шу пайт хаёлимга ҳозир майда-чуйдаларни ўйлаб ўтирадиган вақт эмас, деган фикр келиб қолди.

Мўлжаллаб қўйган ҳеч қандай бошпанам йўқ эди; тўсатдан қаёққа ҳам боришим мумкин! Кейинги вақтларда жойдан-жойга кўча бериб, оёғим тегмаган бошпана жой ҳам қолмаган эди, ҳаммасига бир-бир кириб чиққан эдим. Бундан ташқари, мен билган бу жойлар фақат бир кеча тунашга дуруст эди — иккинчи марта тунаб бўлмасди. Ҳозир ҳаммадан зарури бу райондан узоқроқ бирор жойга етиб олиш. Тор кўчадан катта кўчага чиқдим, у ёқ-бу ёққа яхши қараб олиб, таксига тушдим. Борадиган аниқ адресим ҳам йўқ. «С. кўчасига — йигирма сэн!»— дедим шоферга.

Шу дам костюмим таксиди юрадиганларникига ўхшамаслиги хаёлимга келиб қолди. Завод жомакори эганимда эди. Машинада келаётиб шунча ўйласам ҳам, бир ўйлини қилолмадим. Асабларимнинг тарағи тортилганини ҳис қилдим.

Танишларим ичида янги квартира топишда менга бир қанча марта ёрдам берган бир аёл бор эди. Баъзида бирон-бир илтимос билан борсам, ҳар доим барча илтимосимни бажо келтирарди. Ҳозир ўшандан бошқа илтимос қилиб борадиган кишим йўқ эди. У кичик бир мага-

зиннинг хўжайинига қарашли уйнинг учинчи қаватида бир хона уйни ижрага олиб турар, ўзи қаердадир савдо конторасида хизмат қиларди. У хотин ўзи революцион ҳаракатда актив қатнашмаса-да, бу ҳаракатга хайрихоҳлик билан қарар эди. Унинг қаерда туришини билсам-да, ёлғиз аёл кишининг уйига бориш мумкин эмаслигидан, бирор бир ишим чиқиб қолгудай бўлса, унинг ишхонасига телефон қилардим. Лекин ҳозирги дақиқада менга ёрдам бериши мумкин бўлган бирдан-бир одамим шу аёл деган хаёлни ҳеч миямдан чиқара олмадим.

С. кўчасида таксидан тушиб, қатъий бир қарорга келганимдан сўнг, электрчкага ўтирдим.

Бир бурчакка ўтириб, қўлларимни тиззамга тираб олдим. Кейин секин вагондагиларга кўз югуртиб чиқдим. Бахтимга вагонда ҳеч қандай шубҳали одам кўринмади. Ёнимдаги европача костюм кийган, банк хизматчисига ўхшаган қандайдир бир жаноб «Токио-Асахи» газетасини ўқиб ўтирар эди. Шу пайти газетанинг иккинчи бетигаги йирик ҳарфлар билан ёзилган «Қурата заводида қизилларнинг қамоққа олиниши» деган сарлавҳасига кўзим тушиб қолди. Шунча тикилсам ҳам сўзларни ўқий олмадим. Электрчканинг секин юришини биринчи марта шунда сездим! Ичимдан қалтироқ келиб юрагим ўйнаб кетди.

Ҳар эҳтимолга қарши борадиган жойимдан икки останава илгари тушиб қолдим. Танишимнинг кўчасидан кетаётганимда атайлаб ён кўчаларга кириб чиқдим. Бу районга биринчи келишим эди. Дарров унинг уйини қидиришга тушмай, аввал тўғри келган бир неча кўчаларга кириб чиқдим. Қираверишдаги эшик олдида қандайдир бир чол кимоносини бир елкасига ташлаганча зўр бериб қўлини силаб ўтирар эди.

— Юқори қаватда яшовчи Касавара-сан уйдадилар?— деб сўрадим мен.

Чол жавоб бериш ўрнига бошимдан оёғимгача тикилиб чиқди. Товушимни сал баландроқ кўтариб саволимни қайтардим. Кейин у уй томонга қараб бир нималар деган эди. Сёдзи¹ ойнаси орқасидан кимдир кўринди.

— Касавара-сан дейсизми? Уйда йўқлар,— деб бир аёлнинг товуши келди. Унинг товушидан қандайдир шубҳа оҳанги сезилиб турарди.

¹ Сёдзи — японлар уйида кўчма деворча (Таржимон.)

Мен, Касавара-сан қачон келадилар? деб сўрадим.

— Бунисини билмайман,— деган жавоб чиқди.

Чол ҳам, аёл ҳам менга худди эгнимга тикилаётгандек туюларди. Нима қилишимни билмасдан ўша ерда бир оз туриб қолдим. Бошқа иложини тополмаганимдан кейин, соат тўққизда яна келаман, деб йўлга тушдим. Тротуарга ўтиб олганимдан сўнг, юқорига — учинчи қаватга қараган эдим, чироқ кўринмади. Қоп-қора ойналарини кўришим билан бирданига юрагим сиқилиб кетди.

Кечки серқатнов катта кўчага чиқдим-да, пештахта ёнига бориб китобларни варақлаб кўрдим, ўйин тахтада го' ўйнаётган қандайдир шубҳали кишиларнинг ўйинини томоша қилдим, бирпас закускахонага кириб ўтирдим, хуллас, икки соатни бир амаллаб ўтказдим. Касаваранинг кўчасига кирганимда, учинчи қават ойналаридан чироқ кўриниб турарди.

Касаварага ишларимиздан бир-икки оғиз гапириб берганимдан кейин, тунаш учун биронта таниш-билиш бор-йўқлигини сўрадим. Лекин эндиликда унинг тавсияси билан ҳеч бўлмаганда мен бир марта тунамаган таниши ҳам қолмаган. Ўзи билан бирга ишловчи бир қанча дугоналари борку, лекин улар бизнинг ҳаракатимизга ҳеч қизиқмайди, бунинг устига улар «ҳали эрга чиқмаган ёш қизлар» экан. Касавара бошини эгганича бирор чора топмоқчи бўлди-ю, лекин хаёлига ҳеч нарса келмади. Соатга қарасам ўнга яқинлашиб қолибди. Ўндан кейин кўчада дайдиб юришдан хавфли нарса йўқ. Бундан ташқари, ўзим жомакор кийимда эдим — бу ундан бешбадтар хавфли эди.

— Аёл киши бўлганда-ку, тунаш учун жой топиш жуда ўнғай эди,— деди Касавара ва кулиб давом этди,— ахир сиз эркак кишисиз-да!

Жуда хафа бўлиб кетдим. Ахир, кўра-билатуриб полиция қўлига тушиб қолайми! Фақат битта иложи бор. Лекин, очигини айтганда, бу ҳақда оғиз очишга ҳам юрак керак.

— Шу ерда қолсам бўлмасмикин?— деб ўзимни дадил тутиб, қатъий сўрадим, лекин қизариб кетганимни ҳис этиб дудуқланиб қолдим. Туппа-тузук шилқим экан-ку, деса ҳам, бошқа иложим йўқ эди.

¹ Го — баъзм жиҳатдан шахмат ўйинига ўхшайдиган ўйин, (Таржимон.)

Касавара кутилмаган бу саволдан ҳайрон қолиб, кўзларини бақрайтиб менга қаради. Ҳатто бир лаҳза нафас ҳам олмади шекилли. Кейин қизариб кетди ва бир нарса эсига тушиб қолгандек бошқача ўтириб олди: олдин бепарвогина чўккалаб ўтирар эди, энди қаддини ростлаб, тик ўтириб олди.

У бир оз ўтгандан сўнг охири бир қарорга келди. Пастга тушиб, хўжайинларига: узоқдан келган акам ётиб қолади, деб айтди. Бунинг ёлғонлиги ўз-ўзидан сезилиб турарди. Касавара доим яхши кийиниб юрарди: содда бўлса-да, европача қилиб тикилган кўйлак кияр, сочини модабоп қилиб ўриб юрарди. Аммо жомакор кийимдаги акасининг унга ўхшаш жойи жуда кам эди. Касавара юқорига қайтиб чиққандан кейин, хўжайкаси унга ҳеч нарса демаганини ва қотмадан келган қадди-қоматига бошдан оёқ бир неча бор кўз югуртиб чиққанини айтиб берди. Оддий аёлнинг эркак кишини тунашга олиб қолиши осон гап эмас экан.

Тунашга рухсат олингандан сўнг нимагадир иккала-миз ҳам ўнғайсизлана бошладик. Ўртада гап тўхтаб қола берди. Касаварадан қоғоз, қалам сўраб олдим-да, палосга ёнбошлаб олиб, эртага қилинадиган ишларни белгилай бошладим. Отага тезда ёрдам чорасини кўриш керак. Унинг қамалганини варақада эълон қилиш ва уни озод қилишда ёрдам беришни сўраб Курата заводининг ҳамма ишчиларига мурожаат қилиш керак эди. Қаламни зўр бериб кемтиганимча чуқур хаёлга берилиб ёзаётган жойимда бирдан аёлнинг, «ётсак бўларди» деёлмай турганини сезиб қолдим-да:

— Сен соат нечада ётасан?— деб сўрадим.

— Кўпинча мана шу пайтда...

— Бўлмаса, ётақолайлик. Мен ишимни тугатдим,— дедим-да ўрнимдан туриб эснаб, бир оз керишдим.

Касаваранинг фақат битта матраци бор экан. У кўрпани олинг деб қилган илтимосини зўрға қайтардим; пахтали камзулни устимга ёпиб, қуруқ палос устига чўзилдим. Чироқ ўчирилгандан сўнг Касавара уйнинг нариги бурчагига ўтиб кетди. Кийимнинг шилдирашидан тунги кимоносини кийиб олаётганини билиш мумкин эди.

Ўйдан кетганимдан бери жойдан жойга кўчиб юра бериб, жой танламасликка ҳам одатланиб қолганлигим учун, дарров ухлаб қолдим. Касавара умрида ҳали буна-

қанги мушкул аҳволга тушмаган экан. Унинг уйқуси келмаганлигининг жони бор. Мен бўлсам гоҳ ғалати тушлар кўрдим, гоҳ уйқусираб уйғониб кетдим. Тонг отгунга қадар довдираб чиқдим. Ҳар гал бир хил туш кўравердим, кимдир орқамдан қувармиш, тушда бўладигандай, мен ҳам қувлаётган одамдан ҳеч қочиб қутула олмас эмишман. Жуда бемаза туш! Қаттиқ бақириб юборай деганингда уйғониб қоласан, киши. Анча вақт уйқунг келмай ётасан, чакканг игна санчгандай оғриб, худди ухламагандай гаранг бўлиб ётасан. Мен ҳам гоҳ у ёнбошимга, гоҳ бу ёнбошимга ағдарилиб кўрдим. Аммо Касавара эрталабга қадар бирон марта ҳам қимир этмай ётди. Мен у ётмасдапоқ кечаси ухламасликка тайёрланиб олганини тушундим.

Шундай бўлса-да, азонга яқин бир оз кўзим илинибди. Уйғонсам, Касаваранинг ўрни йиғилган, ўзи эса кўринмайди — пастга нонушта тайёрлагани тушиб кетган бўлса керак. Кўп ўтмасдан зинапочаларнинг ғирчиллаши эшитилди, Касавара кириб келди.

— Хўш, бир оз ухлаб олдингизми?— сўради у. Мен нимагадир сал ўнғайсизланиб:

— Ҳа, ухладим,— деб жавоб бердим.

Касаваранинг ишга кетадиган вақти бўлгани учун уйдан иккаламиз бирга чиқдик.

Кампир хўжайин ошхонада экан. Овқат пиширишини ҳам ташлаб, бизинг орқамиздан тикилиб қараб қолди.

Кўчага чиқиб олишимиз ҳамон Касавара кечадан бери елкасини босиб ётган юкдан қутулгандек енгил нафас олиб:

— Ф-фу!.. Фалокатдан ўтиб олдик! Жуда шайтон кампир-да!— деб қўйди.

УЧИНЧИ БОБ

Ўша куни кечқурун ўртоқ С. билан учрашиб, бўлган воқияларни айтиб бердим.

— Жуда ёмон бўлибди!— деди у ва ижарага янги квартира олиш учун пул берди. Мен яхши уй қидириб топдим-да, энди тезликда кўчиб келмоқчи бўлдим. Суяма билан Ито ҳамма зарур майда-чуйдаларимни олиб келиб беришлари керак эди.

Мен аввалига, Курата заводига яқин районга жойлашганим яхшимикин ёки узоқроққа кетсам тинчроқ

булармиканман деб иккиланиб юрдим. Шу районнинг ўзида қолиш, албатта, бир қадар хавфли эди. Узоққа жойлашишнинг яна шу томони борки, транспортга кўп пул кетади. Шундай бўлса-да бошқа районга ўтиб олиш маъқулроқ. Ким билади дейсиз, балки полиция мени заводдан узоқроқда — шаҳарнинг бошқа четида бекиниб ётгандир деб ҳисоблаши ҳам мумкин. Шу пайт бир ошнам эсимга тушиб қолди. Бир куни унинг олдида Эдо районида партия топшириғини бажарувчи бир ишчи ҳақида гап бўлиб қолибди. У ишчи атайлаб яширин квартирам Сираниси районида, деб овоза тарқатибди. Шунда дўстим: «Бу, менимча, ақлдан эмас! Унинг ўрнида бўлганимда атайлаб, Эдо районида тураман деган овоза тарқатардим...» дегани ҳали ҳам эсимда бор.

« Мен ўйлаб кўриб, аввал турган районимдан ижарага уй олмоқчи бўлдим. Чунки бу ердаги жосуслар ҳали мени яхши танишмас эди, иқтисодий жиҳатдан ҳам қулай эди, энди заводда ишламаганимдан кейин буни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Квартира танлашда шуни айтиш керакки, бирон-бир кичик савдогарнинг болохонасини қидириб топсангиз яхши бўлади. Уй эгалари жуда ёш бўлмай, ёши қайтган кишилар бўлса ундан ҳам яхши бўлади. Бундай одамлар бизнинг ишимиздан мутлақо хабарлари бўлмайди, иккинчи қаватда турувчининг нима ишлар қилиб юрганини тузукроқ билишолмайди. Интеллигентлар оиласига жойлашишнинг йўли бошқа. Бу жуда хатарли бўлади. Ҳадеб кириб-чиқаверишингизни кўрибоқ, уларда шубҳа туғилади. Хўжайинлар бирон марта хонангизга назар ташлаб қолса борми, шу заҳотиёқ гап бошқачалигини сезиб оладилар, яъни «бу одамда бир гап бор» деб қўядилар.

Лекин, иккинчи жиҳатдан, майда савдогарлар уйига бу аблаҳ полициячилар тез-тез кириб, сурбетларча уй дафтарини, рўйхатни тез-тез текшириб турадилар, ҳолбуки совлатлироқ уйларга камдан-кам оёқ босадилар, ўшанда ҳам, бирон ўзгариш бўлмаганмикин, деб шунчаки хабар олгани келган эдик, деб шу билан чекланиб қўя қоладилар.

Ҳозир мен кўчиб бормоқчи бўлган квартира ана шу иккала категориянинг ўртасидаги жой эди. Хўжайка илгари кимнингдир ўйнаши бўлган, бир вақтлар кичик бир исловатхона тутган экан.

Зарур нарсаларимни Суяма ва Ито олиб келиб берганларидан кейин, янги квартирага жойлашиб олиб, ниҳоят, эркин нафас олдим. Пастдаги биринчи қаватда бир квартирант турар экан, янги квартирамнинг бирдан-бир нуқсони шу эди. Мен пастга ҳожатхонага тушдим. Ҳалиги квартирантнинг уйини ажратиб турувчи сёдзи четга суриб қўйилган, унинг ўзи уйда йўқ экан. Кўзим ҳаммадан аввал китоб тоқчасига тушди. Мен янги квартирага кўчганимда, агар у ерда бошқа одамлар ҳам турса, шундай бир кўздан кечириб чиқишни ҳеч вақт эсимдан чиқармайман. Китобларга қараб бу ерда ким турганини дарҳол аниқлаш мумкин. Тоқчадаги китоблар ҳар бир уйда бўладиган китоблар эди. Лекин стол устида япон адабиёти тўплами ҳам бор эди. Очиқ турган бир томига кўзим тушди, одатда ёзувчининг сурати босиладиган бошланғич бети очиб қўйилган экан. Билсам, Катаока Тэппей ва Ёсики Хаяма¹ асарлари экан. Назаримда, китоблар орасида бундақа бошқа китоб йўқ эди, бор-йўғи шу битта китоб экан.

Кўп вақт шундай бўлардики, бирон дўстимиз квартирага жойлашгандан кейин уй эгасининг полицияда ишлаши маълум бўлади. Уй эгасининг касбини тезроқ билиб ололсанг, ҳеч нарса эмас-а, лекин кўпинча бир ойча вақт ўтгандан кейингина зўрға билиб оласан. Нима учун шундай бўлади? Шунинг учунки, «Кечирасиз, эрингиз қаерда ишлайдилар?» деб сўроқ бериш ишимиз учун зарур бўлгани билан, ҳамма вақт ҳам мумкин бўла бермайди.

Хўжайкадан ҳаммомнинг қаердалигини сўраб олиб, кўчага чиқдим. Атрофларни бир айланиб, танишиб чиқиш ниятим бор эди. Қўлимда сочиқ, совун билан уй эгаларининг номи ёзиб қўйилган тахтачаларни бирма-бир кўздан кечириб боравердим, бундан буёқ шу кўчада ҳар куни қатнашим керак эди. Бир қанча уйдан сўнг «Полиция ходими NN» деб ёзиб қўйилган тахтага кўзим тушди. Бу уйнинг дарвозаси катта, данғиллама бир ҳовлининг орқа томониغا қараган эди, бундан унча ташвишланмасам ҳам бўларди. Ҳаммомдан чиқиб уйга қайтар эканман, катта кўчага туташган кичкина жин кўчаларни кўриб қўйишни мўлжалладим. Шуниси қизиқки, бу шаҳарда (балки бош-

¹ Катаока Тэппей ва Ёсики Хаяма — ўттизинчи йилларда ижол этган япон прогрессив ёзувчилари. (Таржимон.)

қа шаҳарларда ҳам шундайдир) завод районлари ва бойларнинг уйлари бир-бирига тутшиб кетган. Масалан, шу кўчани олайлик — мен Курата заводига яқин жойдан ижарага уй олгандай бўлгандим,— ҳолбуки бу кўчалар завод атрофидаги чанг, лой кўчага ҳеч ўхшамайди! Бу хушманзара, тинч кўчанинг икки томонида уйлар ёнма-ён тизилиб кетган. Ҳаммадан ҳам шуниси қулай эканки, бу кам қатнов кўчадан бир оз юрилса, серқатнов катта кўчага чиқиларкан, демак, топшириқни бажариб келаётганимда изимга одам тушган-тушмаганини дарров кўриш мумкин, уйдан чиққанда бўлса серқатнов катта кўчага чиқиб дарров одамларга қўшилиб кетиш мумкин. Хуллас, шарт-шароит кутгандан ҳам зиёда экан.

Иккинчи қаватдаги мен турган хонанинг ойнаси хўжайкаларнинг кир ёядиган, кийимларни шамоллатадиган айвончасига қараган эди. У айвонча деворидан бир сакраб қўшнининг айвончасига ўтиш ҳам осон. Зарур бўлганда дарров оёғимга кийиб олиш учун бир жуфт дзори олиб ойна тагига қўйиб қўймоқчи бўлдим. Фақат бир жиҳати ёмон эди: бу райондаги уйларнинг томлари «Париж томлари остида» номли кинофильмдагига ўхшаб, паст-баланд ва бир-бирига тутшиб кетган эди. Ойнани очсангиз камида олти-етти уйдаги турувчиларнинг ҳаммаси, айниқса, болохонада турувчилар сизни бемалол кўриб туришарди. У уйларда яшайдиган кишиларнинг касб-корларини аниқламагунимча даъимини чиқармай, уйда ўтиришим лозим бўлади.

Теварак-атрофни кўздан кечириб бўлганимдан сўнг хўжайкам билан гаплашиб ўтириш учун пастга тушдим. Гапдан гап чиқиб қўшнилариمنىнг кимлигини билиб олмақчи эдим. Билсам, ёнимиздаги уйда қандайдир адвокатлар конторасининг ходими ва сямисэн¹ чалишни ўргатувчи турар экан; иккинчи қаватда эса савдо фирмасининг приказчиги турар ва яна қандайдир хотин-қизлар клуби жойлашган экан. Яқинимиздаги бошқа данғиллама уйларнинг ҳаммасида коммерсантлар, ўзига тўқ катта мулкдор бойлар турар экан. Бу янги жойга кўчиб келган биринчи кунимдаёқ шунча нарсани билиб олиш катта ютуқ ҳисобланади. Хотин-қизларнинг шовқин-суронли

¹ Сямисэн — балалайкага сал-пал ўхшаб кетувчи миллий япон музыка асбоби. (Таржимон.)

клубини ҳисобга олмаганда, теварак-атрофим чакки эмас, деса ҳам бўларди.

Энди аввалги тажрибаларни ҳисобга олиб, полиция янги уйимга бостириб кириб қолса ёки бирор кутилмаган воқиа содир бўлиб қолгудай бўлса, илгаритдан бошпана тайёрлаб қўйишимгина қолган эди. Янги квартирам ҳар қанча хавфсиз бўлганда ҳам, уни доим шундай бўлади деб айтиб бўлмасди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган эди, бир гал янги квартирага ўтганимдан кейин уч-тўрт кун ўтгач, ҳаммомдан қайтиб қарасам, эшик олдида европача костюм кийган бир киши турибди. Кўча тўппа-тўғри бўлгани учун уни дарров пайқадим-у, бир-биримизга жуда яқинлашиб қолганимиздан орқага қайтишнинг фойдаси йўқ эди. Иложи бўлмаганидан, мен қўлимдаги ҳўл сочиққа кўзи тушсин деб, атайи бамалайлихотир кета бердим. Бунинг устига қаердандир хаёлимга келиб қолган «Дилбар, сени соғиндим» ашуласини ҳуштак билан куйлаб бордим. Уйга кирмасдан тўппа-тўғри ўтиб кета бердим, европача костюмдаги одам менга қаттиқ тикилгандек бўлди. Орқамга қарасам, у киши ҳали ҳам тикилиб турибди. Тунни бир ошнамнинг уйида ўтказдим. У кўпни кўрган эски ходимлардан эди. У, менимча, бекорга чўчибсан, чунки биринчидан, айғоқчилик бу тартибда бўлмайди, иккинчидан, янги квартирага кўчиб келганингга икки кун бўлар-бўлмас, дарров полициянинг бундан хабардор бўлиши ва ҳеч қандай текшириш ўтказмасдан квартирангга келиши мумкин эмас, деди. Ҳақиқатан ҳам, ҳол-аҳволни билиб келиш учун эртасига бир ошнамни уйимга юборган эдим, бекорга хавфсираганим маълум бўлди.

Ҳар ҳолда тўсатдан бирор воқиа юз берганидан кўра унинг олдини олган маъқул. Қасавара билан учрашганимдаёқ ундан яна битта квартира топиб беришни илтимос қилдим.

Ишни тезда йўлга қўйиб юбордик. Отанинг вазифасини Ёси Итога топширишга қарор қилдим. У кейинги пайтларда партия ходими сифатида бир қадар ўсди ва активлашди. Даҳшатли таъқиб бўрони тобора кучайган ҳозирги пайтда актив ишчиларнинг сони анча озайиб кетди. Итонинг маълумоти ҳам ёмон эмас эди, у коллежни тамомлаганди, лекин завод ва фабрикаларда ишлаган йилларида (унга жуда кўп жойдан-жойга ўтишга тўғри келган бўлса ҳам), студент қизларга хос қиёфаси

тамомила ўзгариб, юриш-туришлари ҳам жуда бошқача бўлиб қолган эди. Бу аёл яширин ишлашга ўтганидан бери бутун ҳаёти партия топшириғи билан гоҳ бир муассасада, гоҳ бошқа муассасада ишлаш бўлиб қолди. У яширин ишга кўчган бўлса-да, халқдан узоқлашмади, аксинча, халққа яна ҳам яқинлашди. Ишчиларнинг кундалик реал турмуши билан алоқани узиш каби хавф Итога таҳдид қилмасди. Унинг бутун ишлари бу каби хавфларни қатъий рад этарди.

Итони ҳар гал қўлга туширганда полиция онасини чақиртириб келиб, қизини унинг қўлига топширишарди. Ито бўлса, бирпасда яна уйдан қочиб кетар, айғоқчиларнинг кўзини шамғалат қилиб ишини давом этдира берарди. Онаси у билан ҳар гал кўришганида «ахир, ҳеч бўлмаса бу гал уйда қолгин» деб ялингани-ялинган эди. Қари онага, қамалган қизингизни олиб кетинг, деган мазмунда повестка келганда бу хабардан жуда хурсанд бўлиб кетар, шу ондаёқ участкага бориб, полициячиларга раҳмат айта-айта қизини уйга олиб келарди. Ито бир кун, учинчими, тўртинчими марта қамоқдан бўшаб келгандан сўнг онаси билан ҳаммомга бормоқчи бўлди. Ишлаш борган сари қийинлашаётганини, бундан кейин яна полициянинг қўлига тушиб қолса, аввалгидек осон қутула олмаслигини биларди. Ёси Итонинг ҳаммомга онаси билан бирга бориши узоқ ҳижрон олдидан қандайдир яширин видолашув бўлган эди. Она ана ўшанда қизининг яланғоч баданини биринчи марта кўрди. Бутун бадани кўп қийиноқлар еганидан кўм-кўк мўматалоқ бўлиб кетганини кўриб, онанинг аъзойи-баданини титроқ босди. Ито, шундан кейин онам менга бошқача қарайдиган бўлиб, ишимга хайрихоҳлик билдирадиган бўлди, деб айтиб берган эди. Кампир шундан кейин «Қизимни шунча қийноққа солишган экан-у! Яна мен полициячиларга раҳмат деб юрибман-а!»— деб ғазаб ўти аланга олиб юрди. Ана шундан буён Ито тирикчилик учунми, пулдан қийналиб қолса, ё бирор жойга бориш учун йўлкира керак бўлса, дугоналари орқали онасидан ёрдам сўраганда, авваллари, қизим уйга қайтмагунича пул бермайман дейдиган она энди Итонинг сўраганидан ҳам кўпроқ юборадиган ва қизига «уй тўғридан ҳеч ташвиш тортмасин» деб айтиб қўйишни илтимос қиладиган бўлиб қолди. Энди онаси ўтганга ҳам, кетганга ҳам — ҳамма гуноҳ полициячиларда, «камбағалларнинг ёнини олгани учун

беғуноҳ қизни шунча уриб, қийнаганларини қаранг...» дейдиган бўлди.

Ҳақиқатан ҳам ўз онасининг кўнглини овлай олмаган одамнинг қўлидан заводда бирга ишловчи турли тоифадаги бир қанча одамларни ўз атрофига бирлаштириш ва уюштириш келармиди? Итонинг қилиб юрган ишлари бу ҳақиқатни жуда тасдиқлади. Мен унинг заводда янги келган содда, онгсиз ишчиларнинг кўнглини олишга усталигига жуда кўп марта қойил қолганман. Бир оз бўш вақт топди дегунча, дугоналари билан биргаликда Асакуса кварталидаги мюзик-холлга бориб япон миллий кинофильмларини кўрар, уларга пролетар ёзувчиларни асарларидан ўқиб берарди. У сиёсий онги паст дугоналари билан қилган суҳбатларида уларга таъсир қила оладиган даражада ўқиган ва кўрганларидан усталик билан фойдалана оларди.

Эҳтимол, мен ортиқча тафсилотларга ўтаётгандирман-у, лекин Итонинг жуда хушқоматлигини, уни бир кўрган одам кўзини ундан узолмаслигини эслатиб ўтмоқчиман. Заводда бирга ишловчи эркаклар, Ито ҳеч шама қилмаса ҳам, уни тез-тез театрға таклиф этишар, совғалар олиб келиб уни сийлаб туришарди. Бу хилдаги нарсаларға у жуда совуққонлик билан қарар ва бундай меҳрибонликлардан усталик билан фойдаланишни биларди.

У асли камтар қиз эди, бошқаларнинг фикрларини диққат билан тинглар, лекин ўзининг бой тажрибасида ортдирган кураш усулларига келганда, уларға жуда қатъий амал қиларди. Ҳозирги замонларда бундай ишчи хотинлар бизға керак эди. Айниқса, ишчиларнинг етмиш проценти хотин-қизлар бўлган Курата заводида Ито каби одамларнинг аҳамияти чиндан ҳам катта эди.

Курата заводида олиб борадиган ташкилий ишларимдан ташқари, энди район комитетининг топшириғини ҳам бажарардим. Мўйловнинг қамалгани аниқ бўлди, унинг вазифасининг бир қисмини ҳам мен бажаришим керак бўлганидан ишим жуда кўпайиб кетди. Энди турадиган жойим аниқ, заводдаги кундалик ишдан ҳам озодман. Шунинг учун олдинги пайтлардагига қараганда бор кучимни сарфлаб ишлашға шароит туғилди, лекин ҳар кунги ишимни план билан олиб боролсамгина бу ишларнинг уддасидан чиқишим мумкин.

Ишдан бўшаганимга қадар цехдаги ҳар бир воқнадан хабардор эдим, ишни шундай ташкил қила олган эдимки, бугунги воқиа эртагаёқ варақаларда акс этарди. Бундан буёқ хабар йиғишни Суяма билан Итога топширишга тўғри келди, улар бу вазифани менинг ўрнимга бажаришарди. Дастлаб заводдан йироқ бўлиб қолсам, ишларимизнинг аҳволи нима бўлади, деб жуда ташвишланиб юрдим. Лекин Суяма ва бошқалар билан яхши алоқа ўрнатилгани сабабли мен завод ҳаётидан хабарсиз қолмадим. Лекин, Суяма ҳам, Ито ҳам, ҳатто ўзим ҳам шу дамгача фақат бурнимиз тагида бўлаётган воқиаларнигина билиб, улардан хулосалар чиқаришни, уларга кўпроқ принципиал позициядан кенгроқ баҳо беришни билмас эканмиз, буни энди аниқ тушуниб олдим.

Ҳақиқатан ҳам, биз арзимас, кичик воқиалар кетидан ивирсиб юрар эканмиз. Бу нарсани тушунишимнинг яна бир сабаби шу бўлдики, мен энди кенг доирадаги район комитети ишида қатнаша бошладим. Натижада, энди «оммадан ажралиб қолишдан қўрқмасам ҳам бўлар» деб ишонч ҳосил қилдим.

Ҳаммадан аввал бир қанча юз кишилик заводимиздаги ишни бошқариш учун беш-олти кишилик ячейканинг қилаётган ҳаракати кўз олдимга келди. Сон жиҳатдан кичкина бўлса-да, жон-жаҳди билан иш олиб борувчи бундай ячейкасиз бутун бир заводни ҳаракатга келтириш қийин эканлиги ўз-ўзидан маълум. Бу жон фидо қилиб ишлаётган (бутун куч-ғайратлари билан ишлаётганлар, деб бемалол айтса бўлади!) саноқли коммунистлар ишчилар оммасини орқаларидан эргаштириб олиб бораладиган бўлишлари учун, ячейкамиз ишини заводдаги омма ҳаракати билан қўшиб олиб бориш тўғрисида ва омма ичида ишлай оладиган ташкилот тузиш тўғрисида ўйлашимиз зарур эди. Бундай оммавий ташкилот тузиш учун аниқ ва амалий план тузиб олишимиз керак эди, акс ҳолда бутун ҳаракатларимиз беҳуда кетар, истиқболсиз бўлар, ҳеч қандай натижа бермасди.

Бунинг устига яна заводдаги кўп ишчилар вақтинча ишчилар эди. Бу — биз қанча-қанча куч сарф қилиб энди улар билан алоқа боғлаганимизда, улар ҳар томонга тарқалиб, сочилиб кетади деган сўз эди. Аммо, бир зум дийдор кўришиш ҳам тақдирдан деган мақол бекорга айтилган эмас. Биз вақтинча ишчилар ўртасида Дўстлар жамиятига ўхшаган бирон ташкилот тузмоқчи бўл-

дик. Бундай ташкилот тузишни қулайлаштирадиган на-
са шуки, вақтинча ишчилар билан доимий ишловчилар
ўртасидаги муносабат жуда ёмон эди: сабаби маошдаги
фарқда ва уларга муносабатда эди, компания бўлса
муносабатни шу ёмон ҳолида сақлаб туриш пайдан эди.
Шунинг учун ҳам вақтинча ишчилар «Туғишган туғиш-
ганга тортар» деган принцип асосида бир-бирлари би-
лан дўстлашардилар, бу эса ишчилар ташкилотини ту-
зишни енгиллаштирарди. Бундай дўстлашув ҳодисалари
ҳали жуда оз эди-ю, аммо ячейкамиз шу стихияли ҳам-
жиҳатлик ҳаракатини авж олдириб, уни уюштира олган-
да эди, агар биз вақтли ишчилар орасида яхши ишлай
олганимизда эди, бунга яна олти юз ишчининг бўшати-
лиши қўшилиб, бутун заводни оёққа бостириш ҳам унча
маҳол иш бўлмасди.

Курата заводи — ҳарбий корхона эди. Уруш пайти
уида ишчилар ташкилотининг бўлиши қанчалик муҳим-
лигини исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уруш бош-
ланганидан бери партия ишининг асосий маркази қуро-
аслаҳа ишлаб чиқариш заводларига, асосан химия ва
металлургия саноати корхоналарига ва жангчилар би-
лан қурол-аслаҳа ташувчи транспорт саноатига кўчи-
рилди. Ана ўшанда мени, Отани, Суямани, Итони Кура-
та завоидга юборишди. Лекин, афсуски, бизни вақтинча
ишчи қилиб ёллашган эди, икки ҳафтага етмасдан бў-
шатишимиз турган гап эди. Ҳеч бўлмаса, бир оз то-
мир ёйиб, заводда ташкилот тузиб олиш керак эди. Бу-
нинг учун доимий ишчиларнинг кўнглини топиш зарур
эди. Шундай бўлса, бизни бўшатиб юборганларида ҳам,
заводда қолган ташкилот билан алоқада бўлиб, кураш-
ни давом этдираверардик. Шу сабабли, ҳамма имкони-
ятлардан, ҳатто энг арзимасларидан ҳам фойдаланиб,
вақтинча ишчилар билан доимий ишчилар ўртасида
яхши, биродарлик муносабати ўрнатишимиз лозим эди.
Вақтинча ишчиларни бирлаштирган ташкилот ҳам кел-
гусида ҳаракат куртаги бўлиши мумкин эди, чунки бу
ташкилотга ишдан бўшатилгандан сўнг яна бирорта иш-
га ёлланувчилар, турли-туман завод-фабрикаларга тар-
қаб кетувчилар кирарди. Буларнинг баъзилари билан
келажақда алоқани узиш ҳеч ҳам мумкин эмасди.

Иш жуда кўп эди, лекин ҳаммасини мана шу қисқа
вақт ичида ишдан бўшаш кунига қадар бажариш лозим
эди.

Бир қапча кундан кейин Суяма билан навбатдаги учрашувга бордим. Уни анча узоқдан танидим. У қўлларини одатдагидан қаттиқроқ қимирлатиб келарди, у бир нарсадан ташвишланган пайтда шундай юрарди. Шундай кезларда Суяма бемалол гаплашиш учун дарров олдингизга келолмасди, унинг ҳаяжони ҳаракатидан ҳам дарров билиниб турарди. Мен «унга бирон нарса бўлган бўлса керак» деб ўйлаб тор кўчага қайрилдим, яна бир бурулишдан сўнг Суямага яқинлашмоқчи бўлдим, шунда унинг ўзи отимни чақириб, тез-тез юриб менга етиб олди ва:

— Ота турмадан хат юборибди! — деди.

«Оҳо, ростдан ҳам бирор воқиа юз берганга ўхшайди-ку!» деб ўйладим. Билсам хатни бир жиноятчи маҳбус олиб келган экан, Ота бу хатни эркин ўртоқларга топширишини, деб илтимос қилганини оғзаки айтибди.

...Қурата атрофидаги бутун район худди ишрат бозорига ўхшарди. Катта кўчадан икки томонга кетган тор кўчаларда эшик тепаси гардиш деразали исловотхоналар тизилиб кетган эди. Қоронғи тушиши билан кечки мағазиничалар, очилар, кўча гавжумлашарди. Бу район безорилар, муттаҳам қаллобларнинг уяси эди: улар бу ерда ҳеч нарсадан тап тортмай ҳукм суришарди. Шуларнинг биттаси пора олгани учун бўлса керак, қамалиб қолиб Ота билан бир камерага тушган экан. Уни бўшатишганда Ота, ундан Т. ўртоққа хат олиб кетишни илтимос қилибди. Т. билан мен ҳам, Суяма ҳам таниш эдик.

Ота полиция мени зўр бериб қидириб юрганини, ҳатто мўғиз кўзойнак тақиб юришимгача ҳаммаси уларга маълум эканлигини ва эҳтиёт бўлиб юришим кераклигини ёзиб юборибди. Унга полицияда: биз бир-икки яхшилаб ҳаракат қилсак «бу одамни» (яъни мени) қўлга тушираминку-я, деб айтишган эмиш.

Аввалига индамай эшитдим, лекин кейин ўзимни тутамай:

— Гап тамомила бунинг тескарисича! Ота полицияга ҳамма гапни очиб қўйгани учун ҳам мени қидиришяпти! — деб бақириб юбордим.

— Турган гап! — деб Суяма сўзимни маъқуллади ва давом этиб, — бўлмаса, сени улар бирон марта кўрмаган бўлса, улар қидирган одамнинг ўзгинаси эканлигингга

ишонган бўлмасалар, мўғиз кўзойнак тақиб юришинини қаёқдан билишсин,— деб кулиб қўйди.

Биз, Ота ўз айбини бир оз юмшатиш учун бу хатни ёзган, деган хулосага келдик. У билган нарсаларининг қанчасини айтиб қўйганкин, деб, биз кўпроқ ташвишга тушдик. Зарур эҳтиёт чораларини кўриш керак эди. Кўринишидан, Ота яқин ўртада бўшаса керак. Лекин бундай хонлиқ қўлидан келадиган одамдан жуда ҳам эҳтиёт бўлиш зарур.

Отанинг қўлга тулиши, ҳаммадан ҳам, уни цехнинг ўзидан ушлаб олиб кетганликлари ишчиларга қаттиқ таъсир этди. Заводга варақани шу олиб келиб юрган экан-да. Бу фикр уларда Отага беихтиёр чексиз ҳайрихоҳлик уйғотди. Гап фақат варақада эмас, энди билишса, мастер, «йўлбарс» ва «фитначи» деб атаган сирли ва қўрқинчли коммунистлардан бири Ота экан. Ишчиларга авваллари қаёқлардадир узоқ-узоқларда, кишининг кўзига кўринмай иш кўрувчилардек бўлиб туюлган коммунистлардан бири парашют матосига бошқалар билан бирга ҳар куни, ёнма-ён туриб дазмол босувчи шу ўзлари билган Ота эканлиги маълум бўлди. Бу қизиқ янгиликнинг кутилмаганда тўсатдан бўлганлиги ҳаммани ҳам ҳайрон қолдирди.

Ёсин Ито бўлса Отанинг қамалишига дарров бошқача тус бера бошлади. «Ота-сан доим биз учун қайғургани-қайғурган эди, шунинг учун ҳам уни қамаб қўйишди. Уни заводимизнинг қаҳрамони деса бўлади! Келинлар, унга бирор нарса юборайлик!» У Ота учун пул ва баъзи-бир нарсалар йиғсак, деган фикрни ўртага ташлаган эди. Бир қанча одам, шу жумладан Отани яхши кўрувчи қиз ҳам бунини маъқуллади. Қамоққа олинишидан гап бошлаб, варақа тарихига ўтди, ундан сўнг умуман заводдаги аҳвол ҳақида гапирди, натижада саккиз аёл ишчининг ишончини қозонишга муваффақ бўлди. Ито корхонада кўп вақтлардан бери ишлаётгани учун ишчиларни қайси иш кўпроқ қизиқтиришини яхши биларди. Бундан ташқари, Отани ушлаб олишган парашют цехида ишловчиларнинг деярли ҳаммаси хотин-қизлар бўлиб, улар ичида Отанинг обрўси анча баланд эди. Ито мана шундан ҳам жуда усталлик билан фойдаланди: ишчилар орасидан энг ботир бир қизни танлаб олиб, Отага пул ва посилка олиб боришни топширди. Посилкада кимоно, кўйлак, труси, белбоғ, сочиқ, туалет қоғоз

ва бир нен пул бор экан. Қамоқхонада қизни аввалига бир оз куттишга мажбур қилишибди, кейин эса, Ота нарсангиз учун ташаккур билдирди, лекин олишни хоҳламас эмиш, кетаверсангиз ҳам бўлади, дейишибди. Полициячиларнинг одатини билмаганидан қиз посилкани қайтариб олиб келибди. Лекин Ито бу хилдаги найрангларни жуда яхши биларди, чунки у қамоқда ётган пайтларида буларни ўз бошидан кечирган эди. Шунинг учун ҳам у қизни қамоқхонага яна қайта боришга кўндирибди. Аммо кейинчалик у, Суямадан Отанинг полиция сўроғида ўзини қандай тутганилигини эшитиб, жуда ҳам даргазаб бўлибди.

Балки, Ота ўзининг сотқинлигини, қўрқоқлигини шахсий ишим, фақат менга тегишли нарса, деб ҳисобласа керак. Бундай бўладиган бўлса, шахсий жиноятининг кўп миллионли ишчилар синфини ҳалокатга олиб келадиган жиноят эканлигини тушунмас экан. Шахсиятпараст, мағлубият тарафдори ва сотқин! Ҳеч шубҳаланмаган полицияга менинг тўғримда бутун билганларини, бундан кейин қиладиган ишларимни айтиб берибди. Натижада Курата заводидаги ўртоқлар билан ишлаш аввалгига қараганда ўн баравар оғирлашди. Шу сабабли биз иккиёқлама ўқ остида қолдик, бизни фақат душманларимиз эмас, ўз ичимиздаги айниган элементлар ҳам ҳалокат хавфига дучор қилди.

Суяма билан хайрлашиб уйга яёв жўнадим — пулни тежаш керак эди. Асабларим жуда ҳам таранг тортилган эди. Менга қараб келувчи ҳар бир йўловчи жосусга ўхшаб кўрингани учун, уларга кўз қиримни ташлаб ўтардим. Отанинг ёзишига қараганда, полиция мени зўр бериб худди шу районда қидириб юрган эмиш.

Мўйловнинг, ҳар бир тутилган коммунист учун полициячилар эллик иен ва ундан кўпроқ мукофот олишади, деб гапиргани эсимга тушди. Бу мукофотни эшитиб улар итдай зир югуриб бизларни етти қават ернинг тагидан бўлса-да, қидириб топишдан қайтишмайди.

«Э, бунчалик асабийлашиш яхши эмас! — деб ўйладим мен. — Бу ундан ҳам хавфли! Ахир мен уларнинг қўлига тушишга ҳеч ҳақим йўқ!..»

Мен закускахонага кириб, столга бориб ўтирдим-да, сал ўзимга келдим. Юрагимнинг ўйноғи бир оз босилганидан кейингина кўчага чиқдим.

Орқага қайтишимизга йўл йўқ, бўлиши ҳам мумкин

эмас. Бутун ҳаётимизни партияга фидо қиламиз. Бизнинг ҳаётимиз ошкора ҳаёт кечираётганларнинг ҳаётига сира ўхшамайди. Бу ҳаётимизда минг-минг машаққатларга дуч келамиз. Бунинг устига яна сотқинликка учраймиз. Бу хилдаги хоинликлар бизни шундай дарғазаб қилиб, нафратимизни уйғотадики!

Шахсий меҳрибонлик, шахсий ҳаёт деган нарсалардан ном-нишона ҳам қолмагандан кейин сотқинлардан нафратланишимизни бутун вужудимиз билан (агар таъбир жойиз бўлса), ҳар бир ҳужайрамиз билан сезиб турамиз.

Мен жуда ҳам қаттиқ ҳаяжонда бўлганимдан, уйга келиб хозайкага бир-икки оғиз гапириш одатимни ҳам унутиб қўйибман. Бугун бу одатимни эсдан чиқариб, тўғри, юқорига чиқиб кета берибман.

— Аблаҳ!— деб юбордим мен хонамга кирар эканман.

Охирги кунлар Қасавара билан анча иноқлашиб қолдим. Буни ҳатто ўзим ҳам сезмай қолдим. Отанинг сотқинлиги важдан тез кунда бошқа районга кўчмоқчи бўлдим, лекин ўзим квартира қидиришим мумкин эмасди. Шунинг учун, яна Қасаварадан илтимос қилдим, сабаби, у олдинлари ҳам илтимосимни бажонидил бажарди. Ана шундан кейин хаёлимга, икковимиз бирга турсак нима қиларкин, деган фикр келди. Ишим учун бу нарса жуда қулай бўлар ва хавф-хатар ҳам анча камаярди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: ҳеч қаерда ишламайдиган ва бунинг устига ҳар куни кечқурун қоронғи тушиши билан уйдан чиқиб кетадиган сўққа бош эркак бўлишнинг ўзи ҳам одамларда шубҳа туғдириши мумкин. Заводда ишлаб юрган вақтимда ҳамма иш жойида эди, энди бўлса... Энди кўпинча бир кечанинг ўзида учта-тўртта махфий учрашув бўлиб турарди. Баъзида бир учрашув билан иккинчи учрашув ўртасида ропла-роса бир соат «бўш» бўларди. Бир соат кўчаларда санқиб юриш хавфли бўлгани учун уйга қайтиб келиб, сўнг яна чиқишга тўғри келарди. Хозайканинг ҳайрон бўлиб кетимдан қараб қолганларини кўп кўрганман ва тикилишидан «бу одам тирикчилигини қандай қилиб ўтказар экан?» деб ҳайрон бўлаётганини биламан. Хозайканг шундай муносабатда бўлиши устига полициячи кириб уй дафтарини текшириб қолса, сирим фош бўлиб қолади деб хавфланиб турардим.



Қасавара савдо идорасида ишлар ва ҳар куни бир вақтда ишга жўнардди. Ўзимни ишсиз лақиллаб юрибди деб ўйлашган тақдирда ҳам, хотинимнинг маошига яшаётгандек бўлардим. Кишиларнинг умуман одати шуки, бирон-бир аниқ иш билан шуғулланувчи одамгагина ишонишади. Шундай қилиб, Қасаварадан мен билан бирга туришга розилигини сўрадим. У бўлса кўзларини бақрайтириб менга тикилди, аммо ҳеч нарса демади, Мен аниқ жавоб олиш мақсадида, бирпас турганимдан кейин саволимни яна қайтардим. Лекин у ҳамон жим турарди... Ўша куни у ҳеч нарса демасдан чиқиб кетди.

Кейинги учрашувимизда Қасавара кўзимга жуда ювош тортиб қолгандай кўринди. Лекин ўзи жуда ҳам ғамгин эди! У қўлларини тиззасига қўйиб, жим ўти-

рарди, асаблари ҳам анча таранг тортган. Унинг ҳозирги кўриниши яқиндагина уйда ётиб, эрталаб бирга чиқиб кетаётганимдаги, худди эркакларга ўхшаб, «Шум кампир-ей! Ҳа майли, эсон-омон қутулдик-ку!..» деб қаттиқ-қаттиқ гапирган хотинга ҳеч ўхшамасди. Мен бўлсам беихтиёр ҳайрон бўлиб тикилиб турардим.

Биз аввал у-будан гаплашиб ўтирдик. Гапимиз тамом бўлгандан сўнг, Қасавара саросимага тушиб қолди. Биз иккаламиз ҳам асосий масала тўғрисида гапиришдан тортиниб, вақтни чўзавердик. Охири мен юрак ютиб сўрадим. Билсам, рози бўлган экан-у, шунини айтгани келган экан.

Қасавара билан тез кунда янги квартирага кўчиб ўтдик. Янги квартирамиз Курата заводидан анча узоқда эди, лекин Суяма ва Итолар электричкага бемалол пул топа олар эдилар, шунинг учун ҳам уйимга улар келиб турадиган бўлиб, келишиб олдик. Шундай қилиб, мен транспортга кетадиган пулни тежайдиган бўлдим, тез-тез қатнов хавфи ҳам анча камайди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Онам шаҳар районларидан бирида турарди. Суяма шу районга борганида кўпинча онамнинг ёнига кирар ва менинг аҳволларимни унга ҳикоя қилиб берар, менга онамдан хабар етказиб турарди.

Мен тўсатдан яширин ишга ўтиб қолганлигим сабабли севикли, жондан азиз онамга ҳам хабар беролмай қолдим. Ўша куни соат олтида навбатдаги учрашувга борганлигим эсимда. Мен шу пайтларда партия топшириқларини бажариб юардим-у, лекин реакция лидерлар бошчилиги қилган профсоюзнинг оппозициячи гуруҳининг аъзоси сифатида ҳали ошкора ишлаб юардим. Шунда мен билан учрашган дўстим ўша профсоюзда ишловчи Ф.нинг қўлга тушиб қолганлигини айтди ва, қўлга тушишининг сабаблари ҳали аниқ бўлмаса-да, менинг тезлик билан яширинишим кераклигини маслаҳат берди. Бу хабар мени эсанкиратиб қўйди. Чунки, Ф.нинг қўлга тушиши муносабати билан мен тўғримада гап қўзғаладиган бўлса, мени улар сариқ профсоюз радикал гуруҳининг оддий вакили деб қўя қолишмайди, компартия билан бўлган алоқам ҳам очилиши муқаррар. Мен унга: уйга бориб ишларимни бирёғлиқ

қилиб, янги ҳаётга яхшилаб тайёрланиб яширин иш-лашга ўтаман, дедим. Ҳамсуҳбатим (бу Мўйлов эди) гапларимга қулоқ солиб, мендан кулгандек: «Ростими?! Дўстим, ҳазил ҳам эви билан-да!» деди ва уйга қайти-шим ҳеч мумкин эмаслигини, уйдаги ишларинг кейин-чалик бошқа бирон одамга топширилар, ҳозир бошқа ҳеч иложи йўқ, шу усти бошинг билан дарҳол гум бўлишинг керак, деди-да: «Дўстим, бу студентнинг практикага жў-наши эмас»,— деб кулиб қўйди. Мўйлов жиддий, оғир пайтларда ҳам ҳазилини қўймайдиган одамлардан эди.

У бир қанча воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Бир ош-насининг яширин ишга кетадиган кечаси тунаш учун жойи бўлмаганлиги туфайли «бир кеча бир амаллаб ўтиб кетар» деган ҳаёл билан уйига қайтган экан, эрта-сига эрталабоқ уни қўлга туширишибди. Яна бир бошқа дўсти ҳақида ҳам гапириб берди. У ҳам изига одам ту-шиб, уйидан айғоқчилар кўз узмай юришган бўлса-да, чала қолган ишларини битказиш учун квартирасига қайтган экан, у ҳам қўлга тушибди. Мўйлов уйга бори-шим мумкин эмаслигига қандай бўлмасин ишонтиришга ва исботлашга ҳаракат қилмаётгандек эди. У ҳаётда уч-райдиган мисоллардан гапириб берди, холос. Бу одам жуда кўпни кўрган ва бунга ўхшаган мисолларнинг кў-пини билса керак.

Мўйловдан беш иен пул олдим (унинг бор пули шу экан) ва бир таниш эр-хотинникидан вақтинча бошпана топдим. Кейин билсам, Мўйлов тўғри айтган экан. Ўша куннинг эртасига эрталаб мени қамоққа олиб кетиш учун марказий ва район полиция бошқармасидан уйим-га жосуслар ҳамда полициячилар келибди. Ҳеч нарс-дан хабари бўлмаган онам жуда қўрқиб кетибди. У ме-ни уйда йўқ, кеча кетганича қайтиб келгани йўқ, деб жавоб берибди. Кейин менга, онангнинг бу сўзига, поли-циячилардан бири, уларнинг бошлиғи бўлса керак «Ҳа, демак, пайқаб қолиб, тезроқ қорасини ўчирибди-да...» деди, деб айтишган эди.

Шундан бери уйимда бирон марта ҳам бўлганим йўқ. Шунинг учун ҳам Суяма мендан салом айтиш учун уйга кирганда онам уни ўз ўғлидек қарши олиб, чой би-лан сийлаб унга шундай тикилар эмишки! «Биласанми, бундай тикилишларидан жуда ўнғайсизландим»,— деди Суяма бўйинини қашиб. У онамга уйдан кетгандан ке-йинги ҳаётиمنى гапириб берибди, бирпас жим қолса,

онам: «Кейин нима бўлди? Ундан кейин-чи?» деб сўрармиш. Онам мени ўйлайвериб кечалари уйқуси келмас эмиш. Онамнинг кўзлари киртайиб, чакка суяклари туртиб чиққанмиш, бўйни чўзилиб кетиб, бошини ҳам кўтара олмай, беқувват бўлиб қолибди.

Гапларининг охирида онам: «Ясудзи қачон уйга келади?» деб сўрабди. Бу саволга Суяма ҳеч нарса дея олмабди. «Қачон келади?..» У онамнинг озғин, ингичка бўйнига тикилганча тураверибди, аммо бор гапларни гапириб беришга юраги тоб бермабди. «Ҳа, ҳалиги!.. Балки, яқин ўртада...» деб қўя қолибди

Онам, албатта, мени тез-тез қамоққа олишларига аллақачон кўникиб қолган. Йигирма тўққиз кундан полиция участкаси камерасида ётиб чиққан вақтларим кўп бўлган.¹ Аввалги йили саккиз ой қамоқда ётган эдим. Онам овқат-повқат олиб бориб турарди. Ҳозир нима учун яшириниб юрганимни у яхши билади ва қилаётган ишимга ҳам хайрихоҳлик билан қарайди; у фақат бир нарсага: қаршилиқ кўрсатмасдан ўзимни, илгари вақтлардагидай, полиция қўлига топширишни хоҳламаётганимга ҳеч тушуна олмас эди. Бекиниб юришим кейинчалик бирон ёмон оқибатга олиб келмасин деб қўрқарди.

Балки баъзида мен онамга бераҳмлиқ қилгандирман, лекин бошқа иложим йўқ-да. Орқага қайтишга йўл йўқ ва бўлиши мумкин эмас, ишимиз шуни талаб қилади. Олтамиш ёшга кирган онам қандай қилиб мени тушунадиган ва менга раҳми келадиган бўлиб қолди, деб бир хил пайтлари ҳайрон қоламан ва охири: бу — биз яширин ишловчилар бошимиздан кечирадиган азоблардан ҳам қийинроқ руҳий кураш натижаси бўлса керак, деган хулосага келаман.

Онам бир камбағал деҳқоннинг қизи бўлиб, ёшлигида ҳатто бошланғич мактабга ҳам кира олмаган эди, яқинда тўсатдан хат-саводни ўрганмоқчи бўлиб қолди. Онам мен уйдалигимдаёқ, ҳарфларни ўрганишга киришган эди. У кўзойнак тақиб олиб котацу² устига кичкина пахтача қўяр, унинг устида мен ёзган қоғозларнинг

¹ Йигирма тўққиз кунга қамашдан полициянинг кўзда тутган мақсади, маълум пайтларда, масалан, 1 май, урушга қарши халқаро кун арафасида ишчилар ҳаракати арбобларининг «тутиб туриш» эди.

² К о т а ц у — уй ўртасида ўйиб қилинадиган ўчоқча. (Таржимон).

орқа томонига нероглифлар чизишни машқ қиларди. «Сиз ўзингиз нима қиляпсиз», деб сўраган эдим: бурлоғи йилли сени қамаб қўйишганида нероглифларни билмаганим учун сенга бирорта ҳам хат ёза олмадим, деди. «Фақат шундан хафаман...».

Ўйдан кетганимдан кейин тобора курашга берилиб кетдим. Онам ҳам буни тушунар, мени яна қамаб қўйишларини яхши биларди.

Шунинг учун ҳам шу кунларга тайёрланиб, нероглифларни ўрганаётган эди. Мен кетмасимдан олдинроқ ёзишни ўрганиб олганини кўриб жуда ҳайрон қолдим! Иероглифларни хунук ва бесўнақай қилиб ёзса-да, уларни бемалол ўқиш мумкин эди.

Онам Суямадан ўғлим билан кўришсам мумкин эмасми, деб сўрабди, ҳозирча учрашмаганингиз маъқул, деган жавобни эшитганидан сўнг: «Демак, хат юбориш ҳам мумкин эмас экан-да», деб қўйибди.

Суяманинг гапларини эшитган онам соғинганидан бу саволни берганини кўз олдимга келтирувдим, юрагим эзилиб кетди.

Суяма кетмоқчи бўлиб ўрнидан турганида, қўлига кимоно, кўйлак, труси, пайпоқ тугиб берибди ва бир оз кутиб туринг, деб, ошхонага кириб кетибди. Шу пайт Суяма унинг товоқ-қошиқларни шарақлатаётганини эшитиб: «ошхонада нима қилаётган экан?» деб ҳайрон бўлибди. Онам беш дона пиширилган тухум кўтариб кирибди-да. «Ҳозир тухум анча арзон,— дебди.— Олиб бориб бергин, есин!..» Тухумни Суяма, Ито билан бирга баҳам кўрдик.

— Ито, иккаламиз фақат биттадан тухум ейишимиз мумкин, бўлмаса кампирдан балога қоламан!— деб ҳазиллашди Суяма.

Ито унинг ҳазил қилаётганини тушунмагандай секин кўз ёшини артиб қўйди.

Суяма яна уйимга кирганида бу яқин бир-икки йиллар ичида уйга қайтмаслигимни айтиб қўйишни зарур деб топдим. У онамга менинг ҳаракатда қатнашишим ҳеч гуноҳ эмаслигини, ҳақиқий хоинлар эса анови полиция ва ҳоким синфларнинг малайлари эканлигини ва онамнинг ғазаби менга эмас, балки шундай чуқур қарама-қаршиликларга сабаб бўлаётган жамиятга қаратилиши кераклигини тушунтириши керак. Мен онамга бу каби муҳим ва мавҳум гапларни гапириб ўтирма-

нимдан кўра, очигини айтиб қўя қолишни маъқул кўрдим. Очiq ва тўғри гап кишининг продасини маҳкам қиладди. Оғайнимизнинг оиласига бир маҳбус бориб, ўғлингиз компартия билан алоқада бўлганлиги сабабли айбланди деб айтганда, онаси билан хотини, бизнинг эримиз, ўғлимиз бунақанги ифлос ишлар билан шуғулланмайдн, унга атайлабдан «бўлмаган айбни» қўяяпсизлар, «у ҳеч бир коммунист бўлган эмас!» деб ишонтиришга ҳаракат қилган эдилар. Онам оддий бир муштипар хотин, лекин мен тўғримда бундай ўйлашига мутлақо йўл қўймаслигим керак. У ўзининг бутун умрини бечораликда ўтказган, камбағаллик ва азоб-уқубатни бошдан кечирган. «Унга ҳамма нарсани яхшилаб тушунтирилса бўлгани, шунда у бизнинг ҳолимизга ақли етади» деб ўйлардим.

Суяма кейин менга: «онанг гапимни жимгина тинглади-да, охири: «Мен энди қариб қолдим, бугун бўлмаса, эртага қазо қилишим мумкин. Ўлимимдан олдин келиб кўра оладими?» деб сўраганини айтиб берди. Унинг бундай савол беришини билмаган Суяма нима деб жавоб беришни ҳам билмай қолибди. Бир қанча вақтдан кейин у яна онамни кўргани борди. Мен унга, агар онам ўлим тўшагида ётган бўлса ҳам, барибир, уйга қайта олмаслигимни айтиб қўйишни буюрдим.

— Бунақа дейишга қандай тилим боради!— деди бўшашиб Суяма.

Тўғри, бунинг онамга раҳмсизлик эканини тушунаман, тушунмаслигим мумкин ҳам эмас. Лекин ҳақиқатни гапириш керак, деб ҳисоблаган эдим. Ҳақиқат унинг дилида ҳоким синфларга қарши нафрат, сўнмас нафрат оловини ёқиши керак. Ахир онамнинг узоқ йиллик азоб-уқубатли ҳаёти уни шу кунга тайёрлаб келган. Шунинг учун ҳам мен Суямадан онам ўлим тўшагида ётган бўлганда ҳам барибир бора олмаслигимни ва бунга яна шу Япониянинг ҳозирги ҳукмдорлари гуноҳкор эканини айтиб қўйишни қаттиқ илтимос қилдим. Лекин шунга қарамай ўша кун Суяма билан учрашгани кетаётганимда юрагим жуда эзилиб кетди.

— Хўш, онамни кўрддингми?— деб сўрадим мен.

— Онанг илтимос қилди...

Онам ҳеч бўлмаса бир марта учрашиш мумкин эмасмикин, деб сўрабди.

Суяманинг гашига қараганда, кейинги вақтларда у

жуда ҳам озиб-тўзиб, ранги бир ҳолатда бўлиб қолган эмиш.

Бирдан Масаноскэ Ватанабэ' эсимга тушди. У яширин ишга кўчганида онаси ўғлининг дўстларидан: «Балки, энди уни бутунлай кўра олмасман?» деб сўраган экан. Дўстлари унга: «Ҳа, сиз энди уни кўрмайсиз» деб жавоб беришган экан. Ҳозир бу аёл фақат Ватанабэнинг онасигина эмас, бутун ишчилар синфининг волидаси бўлиб қолди.

Мен шунини Суямага гапириб бердим.

— Тўғри, дўстим, тўғри... Лекин адресингни айтишинг шарт эмас-ку. Бирорта кўчада учрашиш ҳам мумкин,— деб Суяма менга эътироз билдирди. У, кўринишидан, ҳали ҳам онам билан учрашганида олган таасуротини йўқотмаган ва онамнинг сўзларидан қаттиқ таъсирланган бўлса керак.

— Полиция қизиқиб турганда яна бирон фалокат юз бермасин?— дедим.

Лекин Суяма мени кўярда-қўймай онам билан учрашишга кўндирди. Биз эҳтиёт чораларини кўрдик. Шаҳарнинг бир четида учрашмоқчи бўлдик. Суяма ўша жойга онамни таксида олиб борадиган бўлди.

Белгиланган вақтда мен кичкина ресторанга бордим. Онам стулни сал четга қўйиб олиб бир ўзи ўтирар, чеҳрасида қайғу аломатлари сезилиб турар эди. У бирор бир мавлиятда киядиган энг яхши кимоносида эди: мен уни кўришим билан нимагадир юрагим ҳовлиқиб кетди.

Гапимиз ҳадеганда қовуша бермади. У стол тагидан бир тугунчани олиб менга узатди. Унда банан ва тухум бор экан. Суяма кетишга шошилиб қолди. У кетай деб турганида онам унга банан ва тухумдан олмаганига ҳам қўймай зўрлаб тутқизди.

Онам секин-аста гапга киришиб кетди.

— Охирги марта кўрганимдагига қараганда анча семирибсан...

Тушига мен озиб-тўзиб кетган, қамоқларга тушиб

ИШУ И.

Масаноскэ Ватанабэ— япон революционери, Япония партиясининг ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири. 1928 йили Тайванда полиция агентлари томонидан ўлдирилган. (Таржимон.)

азоб чекаётган бўлиб кўринар эканман; бундай тушлардан ярим кечаларда уйғониб кетар экан.

Кейин онам Ибараги вилоятидаги поччамдан биз ўзимиз сиздан хабар олиб, ёрдамлашиб турамиз, деган мазмунда хат олганини айтиб, мендан кўп ташвишланма, деди.

Гап шу тўғрида кетаётгани учун Суямадан айтиб юборганларимни энди ўзим айтмоқчи бўлдим.

— Биладан, биладан...— деди онам ёқимли кулиб.

Мен онамнинг ҳаяжонда эканини энди билдим: у қаттиқ ҳаяжонланганидан бошлаган гапини охиригача етказа олмас, ҳатто гапининг ярми оғзида қолиб кетарди.

— Сен билан кўришадиган кунни пойлайвериб эсим кетди, ҳар бир дақиқани санаб ўтказдим,— деб юборди охирда у,— мана сени ҳам кўрдим. Лекин, яна бир фалокат бўлиб шу ерда ушлаб олмасайдилар деб қўрқаяпман... Сендан бирам хавотирланаманки... Кел, хайрлаша қолайлик, тезроқ кета қол!

Ҳақиқатан ҳам, ёнимиздаги столларга бирорта янги одам келиб ўтирадиган бўлса, онам унга кўз қирини ташлаб:

— Мана бу одам сенингча хавфли эмасми?

Ёки:

— Мана шу одамнинг кўриниши хунукроқ-а...— деб қўярди.

Мен бўлсам, аксинча гапга берилиб кетганимни ўзим ҳам билмай онам билан уйдагидек гаплашаётган эдим, у мени бир туртиб:

— Сал секинроқ гапирсанг-чи. Тани-жонинг соғлигини билсам бўлгани...— деб шивирлади.— Сен билан учрашиб, бунчалик жоңсарақ бўлгандан кўра, сени кўрмаганим маъқул!..

Биз хайрлашган ҳам эдик, онам тўсатдан:

— Гапимга қулоқ сол, Ясудзи... Олтимишга кирдим... Билиб қўй, ёруғ дунёда ҳали кўп, яна йигирма йил яшамоқчиман, лекин бир нарса дейиш қийин, ёшим бориб қолган, бугунми, эртами кунинг етганини билмайсан киши. Сен бўлсанг аҳволим оғирлашганини эшитган заҳотинг келиб кўрмоқчи бўласан... Бундай қилиш мумкин эмас, эшитяпсанми! Эсингда бўлсин, ўлимимни а билдирманглар, деб ҳаммага тайинлаб қўйганман,— деди.

Одам ўлим тўшагида ётганида қизи ёки ўғли билан рози-ризалик тилашдан улугроқ орзуси бўлармикин? Қари онамнинг бу сўзлари юрагимни ўртаб юборди. Унинг гаплари юрак-юрагимга таъсир этганидан, сер-райганимча тураверибман.

Биз кўчага чиқдик.

— Сен хавотирлайма, бир ўзим ҳам етиб оламан....— деди онам.— Сен энди кетгин. Болагинам, ишқилиб, эхтиёт бўл!— у яна ҳаяжон билан давом этиб:

— Қадам ташлашинг жуда таниғлик-да! Бир кўрган одам узоқдан ҳам таниб олади... бир текис юришга ўргангин!— деди

— Ҳаммаям шунақа деяпти.

— Бўлмасам-чи! Сени дарров таниб олишлари мумкин.

Токи ажралишиб кетгунимизга қадар эшитилар, эшитилмас қилиб:

— Таниб қолишлари мумкин, таниб қолишлари мумкин!..— деб гапириб бора берди.

Ана шундай қилиб мен шахсий ҳислар, шахсий манфаатлардан йироқлашдим, онамдан узоқлашдим. Бундан бу ёққа, токи янги ҳаёт қурилгунга қадар (биз шунинг учун курашяпмиз, лекин бундай пайтнинг қачон бўлишини ким ҳам айта олади дейсиз) мен онам билан бирга бўла олмасман.

Шу кунлари Мўйловдан хабар келиб қолди.

Мўйлов беш кун полиция бўлимида ётибди. Шундан сўнг уни бош полиция маҳкамасига қарашли қамоқхонага ўтказиб юборибдилар. Биз буни Мўйловнинг ўзи билан бир камерада бирга ётган корейс ишчидан бериб юборган хатидан билдик. Хатда махфий учрашув кватирасидан уни қандай ушлаб олиб кетганликларини ҳали ҳам ўйлаб тагига ета олмаганлигини ва у қўлга тушиб қолганлиги сабабли ишмизни қайта қуришда ҳеч ҳовлиқмасликни, саросима бўлмасликни ва муросасозлик қилмасликни маслаҳат берган эди. Бу кейинги сўзлар алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Хатни ўқиб чиқиб, уялиб кетдик,— чунки биз жуда ҳам кәм иш қилдик. Дўстимиз огоҳлантираётган «ҳовлиқиш ва муросасозлик» ларнинг рўй бериши мумкин бўладиган даражада ҳам иш қила олмадик.

Мўйловнинг қариндошлари: ота-онаси, ака ва опалари бор. Улар орқали менинг номимга (бирга ишлайдиган ўртоқларгина биладиган номимга) яна бир мактуб юборибди. «Мен уларга ҳеч нимани айтмайман,— деб ёзибди у.— Бутун саволларига фақат «Билмайман» деб жавоб бераётибман».

Ҳаммамиз бу хатни ўқиб чиқар эканмиз: «Ҳа, ҳақиқатан ҳам Мўйловнинг жасорати сотқин Ота касридан шаънимизга тушган доғни ювиб, топ-тоза қилди» деб ўйладик.

Бизнинг қаторимизга ҳар қандай сотқинлар ва оппортунистлар суқулиб кириб, турли сотқинликлар қилсалар-да, партияимизнинг бутун фаолияти даврида олиб борган тўғри ва ҳақиқий революцион йўли бу ишларда аниқ ва равшан ажраб туришига биз шундан кейин яна ҳам кучлироқ ишондик.

Мўйлов сўроқ пайтида бирор сўз айтиш ҳам, партиянинг, душманга оғиз очмай жавоб бериш керак, деган темир интизомини бузишдир, сир айтишга мажбур қилувчи душман қонунлари олдида бош эгишдир, деб ўқидиргани ўқидрган эди. «Биз коммунистлар, партиялилар учун,— дерди у,— душман томонидан ўрнатилган қонун-қоидаларга эмас, балки партиянинг темир интизомига бўйсунуш тамомила қонунийдир». Энди унинг ўзи матонатли бўлиш нималигини амалда кўрсатди.

— Ёсико, сен Шаповаловни эшитгансанми?— деб сўради Суяма тўсатдан.

— Биламан. У «Марксизм йўлида» деган китоб ёзган.

— Яна «эсингда қолган воқиалар»дан гапирмоқчимисан?— деб кулиб қўйдим мен.

— Шаповаловни қўлга туширганларида у етти ойгача полициячиларнинг бирорта ҳам сўроғига жавоб бермаган,— деди Суяма.— У ўзининг китобида оддий партия ходими учун бундан қулайроқ йўл йўқ, деб ёзган эди. Ана шунинг учун ҳам у етти ойгача чидаш берган эди.

Бу сўзларни эшитган Ито:

— Менинг бир дугонам бор эди,— у тўғрида пьеса ёзилган, уни яқинда ишчилар театрида сахнага қўйишди.— У саволларга жавоб бермай, дадил тураверган, ҳатто исмини ҳам, турар жойини ҳам айтмай қутулиб кетган. Кўрдингми! Шаповаловдан ўтказиб юборган!

Қиз бу гапларни худди ҳамма синовлардан ўзи ўтгандай қилиб гапирарди, Суяма бўлса, жавоб тополмай қолган пайтлардаги одатини қилиб, бўйнини қашиб тураверди.

Биз, мабодо, қўлга тушиб қолсак, сўроқ пайтида жавоб бермасликка қасам ичдик. Ҳамма коммунистлар сўроқ пайтида ўзларини шундай тутсинлар, деб ячеикамиз мажлисида шу мазмунда қарор қабул қилиб, партия раҳбарларига маълум қилдик.

Мўйловдан Т. нинг номига яна битта хат келди. Бу хатдан биз Мўйловни бошқа полиция бўлимига ўтказганларини ва у ерда бир қанча одам уч кун қийнаб сўроқ қилишганини билдик. Унинг қўлини орқасига боғлаб, камеранинг шипига белидан осиб қўйишибди, жаллод бамбук пояси билан урибди. У ҳушидан кетиб қолганида унга сув сепиб ўзига келтириб, яна уришибди. Бир неча марта шундай қилиб кўришибди, лекин Мўйлов ҳеч нарса айтмабди.

Ито бу хатни ўқиб чиқиб, «аблаҳлар-е» — деб юборди. Уни ҳам полицияда икки марта яланғоч қилиб бамбук пояси билан калтаклашган эди.

Дўстларимизнинг курашдаги мардлиги бизни ҳам курашга чорлади. Мен чарчаган, уйқум келган пайтларимда, эртагача қилиб тамомлаш керак бўлган бирор ишни тугатишга ўзимни мажбур этолмайдиган бўлсам, қамоқда қийналаётганларни эслардим-да, уйқумни ўчириб, ишимни давом этдирардим. Турмадаги ўртоқларнинг қийналишларини ўйлаган пайтимда, тунларни уйқусиз ўтказиб чарчаганларим бунинг олдида ҳеч гап бўлмай қоларди. «Ҳозир уларга қандай азоб беришаётганикин? Ҳозир уларни роса қийноққа солишаётгандир?».. — деб ўйлаб, ўзимга-ўзим «ишлаш керак!» деб қўярдим.

Биз турмадагилар билан бир жон-бир тан эдик. Турма билан ташқари бир-бирига ҳеч ўхшамайди, лекин у ерда ҳам, бу ерда ҳам зolimларга қарши кураш ҳеч тинмайди.

БЕШИНЧИ БОБ

Ито вақтинча ишчиларнинг бир қанчаси билан дўстлашиб олди.

Заводдан олти юз ишчининг бўшатилиши ва уларга

ҳеч қандай нафақа бермасликлари кун сайин равшанлаша борди. Варақаларимизни ўқиганларидан кейин ҳамма буни тушунди. Ишчилар ташвишда қолди. Бу эса бизга қўл келди: Ито ва Суяма атрофига хайрихоҳлар тўплана бошлади, булар биз кутгандан ўнгайроқ ташкил топа бошлади.

Ишчи аёллар ишдан доим оч қайтишарди. Ито, Цудзи ва Сасаки (Цудзи ва Сасакилар бу тўғарақдагилар ичида энг дуруст ва ишончли қизлардан эдилар) кўпинча ҳаммалари бўлиб бирорта закускахонага ёки увраш сотадиган дўкончага киришни таклиф этардилар. Эртадан кечгача оёқда тик туриб ишлаб чарчаган ҳамма машиналар шовқин-суронида аранг қутулган қизлар тинч жойда ўтириб дам олишар ва ҳар бири ичидагини тўкиб-солишга ошиқиб суҳбат қилишарди.

Одатда Ито ва унинг дугоналари шундай йўл туттишарди. Булар ичида энг ботири Ито эди. Шунинг учун ҳам унинг закускахонадами, ошхонадами—«хавфли» нарсалардан гапираверишидан ҳеч ким ҳайрон бўлмасди. Цудзи ва Сасакилар баҳслашувчи ролини ўйнар эдилар. Улар Итога турли хил саволлар бериб, ҳатто унга қарши фикрлар ҳам айтар эдилар. Дастлаб улар ролларини унча ўхшатолмасдан, бир нарсани ҳадеб қайтариб гапираверар эдилар.

Бир марта «ёрдамчилар» ўзларини билдириб қўйишларига сал қолди ва биров билиб қолмадимикин деб қўрққанларидан баданларидан муздай тер чиқиб кетди. Лекин иш жойида бўлди ва учаласи закускахонадан чиқиб қарашса, қўрққанларидан терлаб кетишибди. Ишлари борган сари юришиб кетди. Итонинг «ёрдамчилари» уста бўлиб олганларидан кейин, закускахонага компаниянинг ҳурмати учунгина кирувчиларни ҳам ўз ёнларига торта бошладилар. «Ёрдамчилардан» сиёсий онги паст бўлган содда аёлларнинг психологиясини ва ҳамма хурофий одатларини яхши билиш талаб қилинарди.

Қизларнинг йиғилишиб олиб гапирадиган гаплари фақат кимнинг ким билан юриш нияти бор, фалон қиз фалон ишчи билан танишиб олдим ёки ҳали танишгани йўқми каби мавзулар атрофида борарди.

Қайси бир учрашувимизда Ито шунақа суҳбатлардан биттасини менга гапириб берган эди.

Парашют цехида ишловчи Кину-тян противогаз цехининг доимий ишчиси Иосимурдан ўтган ҳафта ишқий

хат олибди. У хатда Кину-тяндан яхшилаб гаплашиб олиш учун бир «холироқ жойда» учрашсак, деб илтимос қилган экан. Қизлар ишдан қайтганларида бу воқияни зўр бериб муҳокама қилибдилар. Ҳатто закускахонада ҳам аввалдагидек суҳбат мавзуси мана шу ҳодиса устида борибди. Кину-тян шу хатни олгандан кейин тўсатдан ўзгариб қолганини, ҳатто кичкинагина ойна сотиб олиб белбоғига қистириб қўядиган бўлганини ва дам ўтмай, ҳатто иш пайтларида ҳам унга қараб-қараб қўйишини гапириб, тортишар эканлар. Қисқасини айтганда, бу миш-миш ва ғийбатларнинг охири йўқ экан. Қизларнинг ичида ақллироғи Сигэ Кину-тяннинг унга очиқ-ойдин қилиб: «Заводда доим шовқин-сурон бўлгани учун у мен билан бошқа бир тинчроқ жойда гаплашмоқчи... Бундан ташқари, мен ахир уйга кечки сменадан кечқурун доим тўққиз-ўнларда чарчаб келсам, у бўлса ишдан соат еттида бўшайди, шундай бўлгандан кейин қандай қилиб учрашамиз ҳам...» деб айтганини гапириб берибди.

Кимдир ачиниб: «Бечора-е!» деб қўйибди.

Ана шундан сўнг «ёрдамчиларнинг» бири Сасаки гапга аралашиб:

— Демак, бизлар севгилимиз билан бирор соат бирга бўлишимиз, юрак сирларимизни ўртоқлашишимиз мумкин эмас экан-да,— дебди.

Ҳамма уни қувватлаб:

— Тўғри, ҳақиқатан ҳам шунақа бўляпти!— дейишибди.

— Йигитлар билан юриш қаёқда! Шундай ишлаганингдан кейин, дам олиш ҳам хаёлингга келармиди... Мен ҳам ҳар замон-ҳар замонда севгилим билан кинога тушгим келади. Тўғрими?— давом этибди Сасаки.

Унинг сўзларидан ҳамма кулиб юборибди ва уни маъқуллашиб:

— Жуда ҳам тўғри,— дейишибди.

— Тўғри! Агар иш кунини бир оз бўлса-да қисқартиршмаса, маошга қўшишмаса, демак, бундан чиқди, бир-биримизни севишимиз ҳам мумкин эмас экан-да!

— Очиғини айтганда, хўжайинларнинг биз билан муомаласи ҳаддан ташқари ёмон!

— Бугун цех мастеримиз нималар деганини биласизми? У дейдики: «Ҳозир ахир уруш бўлиб турганини биласизми?! Сизлар ўзингизни солдат деяверинг, ҳозир у-

бунинг юзига бормай ишлайдиган вақт... Борди-ю, уруш чўзилиб кетадиган бўлса, унда сизлар ҳам солдатлар оладиган ҳақ эвазига жон-жаҳдингиз билан ишлаб беришинглар лозим бўлади!..

«Буни эмиш, давлатимизнинг эҳтиёжи талаб қилармиш!» Кал иблисимизнинг гапини кўрдингларми!

Бу сўзларни эшитиб ҳатто Ито ҳам ишқ-муҳаббат ҳақидаги суҳбатнинг ишчилар ҳаёти ва хўжайинларнинг ишчиларга муносабатини муҳокама қилишга айланиб кетганини сезмай қолди. «Ёрдамчилар» ҳам бир оз эсанкираб қолишибди.

Шундан кейин гап, Ито ҳеч зўр бермаса ҳам, ўз-ўзидан компаниянинг хатти-ҳаракатига қарши чинакам ҳужумга айланиб кетди.

«Ҳақиқатан ҳам, шундай бўлиши керак!» деб ўйладим мен Ито бу воқияни ҳикоя қилиб берган пайтда. Уруш бошлангандан бери ишчилар ҳаддан ташқари сиқув остига олина бошладилар, иш ҳақи камайиб кетди. Ҳозирги аҳволда ишқ-муҳаббатга ўрин ҳам қолмади. Ишчилар бу фикрларини сўз билан ифода эта олмасалар ҳам, бу диққинафасликни ҳар бирлари сезиб турибдилар.

Энди, ҳамма қизларни биргаликда театрга олиб боришга кўндириш пайдан бўлиб юрибман, деди Ито.

Ишчи аёллар театрни Асакуса кварталдаги мюзик-холл ва ревюдан ёки бўлмаса Тиэдзо Катаоканинг¹ спектаклларида иборат деб билишарди. Лекин Ито бўлса «ёрдамчиларини» «сўл» театрларга боришга ундарди.

Мен Итонинг ҳисоботини эшитганимдан сўнг, унга ўз группасига эркак ишчиларни ҳам тортиш кераклигини маслаҳат қилдим. Агар Ито Суяма билан алоқа ўрнатиб олса, буни бажариш ўнғай бўларди. Эркаклар қатнашса группадагиларнинг руҳи кўтарилади. Бундан ташқари, мен унга группага ҳадеб вақтинча ишчиларнинг гина торта бермай, доимий ишчилардан ҳам тортишга ҳаракат қилиш кераклигини айтдим.

Итога бу фикр маъқул тушди.

Ишчиларнинг ишдан бўшатилишига яхши тайёргарлик кўриш учун шу кунгача чиқариб келган аввалги типдаги варақани тўхтатиш керак эди. Ҳар ҳолда улар

¹ Тиэдзо Катаока — артист. (Таржимон.)

варақадан кўра кўпроқ заводда чиқадиган деворий газеталарга ўхшарди. Биз энди варақани алоҳида, газетани алоҳида чиқармоқчи бўлдик.

Мен Суямадан газетага от топишни таклиф этганимда у кулги аралаш бурнини бужмайтириб: «Ишқий парашют» десак деди.

Газетага «Противогаз» деб ном қўймоқчи бўлдик. Бундан буён заводда ишламайдиган бўлганим ва бошқаларга қараганда бўшроқ бўлгаилигим учун, газета редакторлигини С. менга топширди. Мен Суяма ва Итоларнинг берган ахборотларига асосланиб, мақолалар ёзардим-да, алоқачи орқали босишга юбориб турардим. Ишчи-печатниклар билан боғланган бу алоқачилар эртасига азонда тайёр бўлган нусхаларини Итога олиб келиб беришарди. Мен ҳар кун Суяма ва Ито билан учрашардим ва газета атрофида қандай фикрлар борлигини эшитиб ва бу фикрларни ҳисобга олиб кейинги сонини тайёрлашга киришардим.

Суяма ва Итоларнинг берган ахборотларидан билсам, компания ҳам тезлик билан қарши чоралар кўраётган экан.

На ёрдам тўғрисида ва на яқинда бўладиган ишда бўшатиш тўғрисида чурқ этмай қўйинди. Бу ҳол хўжайинларнинг бошқа бир найранг ўйлаб топмоқчи эканликларидан далолат берарди. Улар бўшатиловчиларни илгаригидай ҳеч қандай ёрдам бермасдан, хамирда қил суғургандай, осонгина қутулиш пайидан бўлиб юрганликларига ҳеч бир шубҳа йўқ эди. Биз хўжайинларнинг ҳамма ниятларини олдиндан билиб олиб, уларнинг фикрларини ўз вақтида ишчилар ўртасида фош қилмасак, ишмининг ҳам бир пуллик қиймати қолмасди. Қураш тактикамизда бирорта ҳам ўзгариш ясамасдан аввалги усулда ҳаракат қиладиган бўлсак, оммадан орқада қолиш ва ажраб қолиш хавфига дучор бўлишимиз турган гап эди. Биз тактикамизда буржуазия ишлатмоқчи бўлган турли найрангларни ҳисобга олишимиз керак эди. Очигини айтганда, ўтмишда йўл қўйган хатоларимиз нималарни кўрсатарди? Бошда биз душманни доим қўрқувга солиб қўярдик-ку, лекин улар бизнинг планимизни билиб олишлари билан орқаворатдан бизга чаки беришарди. Биз бўлсак, душмanning қандай ва нима лар қилмоқчилигини ўрганиш ўрнига, кўпинча ўз билганимиздан қолмай, битта метод ва усулга ёпишиб олиб

иш кўраверардик. Бундай тактика ишлатилганда душман, албатта, ғалаба қилади ва охирги, ҳал қилувчи пайтда кутилмаганда бизга қаттиқ зарба беради.

Ито ҳам заводдаги аҳвол танглигини сезиб бир қанча марта: «Заводда нимадир тайёрланыпти-да... аввалги сафардагисига ўхшамайди-да!» деган эди. Аммо нимаси аввалгисига ўхшамаслигини унинг ўзи ҳам яхши билмасди.

Ито билан учрашганимдан бир кун кейин Суяма бир парча қоғоз олиб келди. Қоғозда мана булар ёзилган эди:

Э Ў Л О Н

Меҳнатда жонбозлик-кўрсатиб, завод ишининг муваффақиятли бажарилишига ҳисса қўшганлари учун компания номидан ҳамма ишчиларга миннатдорчилик билдираман ва компания билан бир қаторда корхонамизнинг ҳамма ишчилари бу нарсадан хурсанд бўладилар деб ишонаман. Урушда фақат жанг қилаётган солдатларнинг ўзи билан ғалаба қозониш мумкин эмаслигига завод ишчиларининг ҳаммаси яхши тушунишига шубҳам йўқ. Парашют, противогаз ва авиацион фюзеляжларни тез ишлаб чиқаришимиз ватан учун зарур — бусиз Япония урушда ғалаба қилолмайди. Шунинг учун ҳам компания, иш одатдагидан оғирланиб кетса-да, бутун ишчилар душман ўти остида ғалабага ишонч билан жангга кирувчи солдатлар сенигари, ўз бурчларини бажарадилар, деб ишонади.

Биз бу қисқа мурожаатномани ўқиб, заводимизнинг бутун ишчиларида жасорат туйғуси тўлиб-тошади деган умиддамиз.

Директор.

— Кураш янги, бир қадар мураккаб босқичга кўчди,— деди Суяма, менга атайлаб кўчириб келган эълонни ўқиётганимда. Ҳақиқатан ҳам, директорнинг мурожаати компаниянинг бундан кейинги мақсадлари нималигини билиб олишимизга ёрдам берди.


Заводда янги шов-шувлар тарқалди. Энди компания аввалги планларига қарамай, жасорат кўрсатган вақтинча ишчилардан икки юзтасини доимий ишга ўтказмоқчи бўлибди, шу сабабли ҳамма бор кучи билан ишлайверсин, дейишди. Бу хабар ишчилар ўртасида жуда тез ёйилди.

Суяма иккимиз ўзимизни қўярга жой топа олмадик. Бу шов-шувлар ишдан бўшатишга қадар ишчиларнинг бирлашишига ҳалақит бериш учун атайлаб тарқатилаётганини биз жуда яхши билардик. Компания одамларни, «Балки, сени доимий ишчига ўтказарлар» деган алдаш сўёсатини қўллаб бошлаган эди.

Мен Суяма ва Ито билан ҳар кун и учрашар эдим. Лекин бу учрашувлар кўпинча кўчада бўлганлигидан масалаларни икир-чикирига қадар муҳокама қилиш ва қандай чоралар кўришни гаплаша олмасдик. Шунинг учун ҳам ҳар ҳафтада бир мартадан мажлис ўтказмоқчи бўлдик. Мажлис учун жойни кўпинча Ито қидириб топар эди. Суяма ва Итолар ошкора иш кўрганлари учун уларга бундай мажлисларда қатнашиш унча қўрқинчли эмасди, менга эса нотаниш бир жойда икки-уч соатлаб чўзиладиган мажлисда қатнашиш жуда хавфли эди. Ҳар бир нарсасига синчиклаб, зийраклик билан эътибор бериш керак эди. Ито йиғиладиган жойимизни менга кўчада маълум қилар эди-да, шундан кейин аввал уй ва унинг атрофини айланиб чиқиб, танланган жой хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг, Ито ва Суяманинг орқасидан, лекин бошқа кўчадан борардим.

Мен уйга дарров кирмасдим, аввал атрофга назар ташлаб олиш учун бир жойни танлардим-да, уйни ва кўчани қайтадан бир яхшилаб назардан ўтказардим. Агар уйда ҳеч қандай хавф-хатар бўлмаса, Ито деразага дарров бирорта белги осарди.

Мен бир марта партиямиз органи бўлган «Байроқ» журнали ва бир қанча брошюраларни олиб, кун бўйи қизиб ётган асфальт йўлкалардан ҳовур кўтарилаётган кечки пайт кўчага чиқдим. Ўша кун и кечқурун навбатдаги мажлисимиз бўлиши керак эди. Йўлнинг ярмига келганимда тўсатдан муюлишда турган икки полициячини кўриб қолдим. Кейинги чорраҳага келганимда у ерда ҳам полициячилар туришарди, бунда улар уч киши эди. «Э, иш чатоқ-ку?»— деб ўйладим мен. Ёнимда сиёсий адабиёт бўлгани учун нима қилишимга ҳайрон бўлиб йўлимда давом эта бердим, лекин кейинги чорраҳада ҳам полициячилар турганини кўрдим. Уларнинг шайланиб, ҳатто энгак камарчасини ҳам тушириб олган ҳолда туриши мени жуда ҳайрон қолдирди. Ярим йўлдан орқага қайтиш ноҳўя ҳаракат бўлса-да, бундан бошқа иложим қолмаган эди. Мен қадамимни секинлатдим. Назаримда полициячилардан бири менга бир қараб олиб, мен томон юрмоқчидай бўлиб туюлди. Шу заҳотиёқ ўзимни худди адашгандек кўрсатиб, полициячига ҳеч бердим-да: «С. кўчаси шу атрофдами, биласизми?» деб сўрадим.



Полициячи менга шундай бир ёмон тикилдики, асти қўяверасиз.

— С. кўчаси ана у томонда.

— Раҳмат, раҳмат!— дедим-да, у кўрсатган томонга жўнадим. Бир неча қадам йўл юрганимдан сўнг бехосдан орқамга қарасам, полициячи бошқа иккита полициячи билан мен томонга орқасини қилиб бир нима тўғрисида суҳбатлашиб турардилар.

— Оббо, лаънатилар-е — деб юборибман брошюралар ва журнал турган қўйнимга бир уриб.— Улар сезиб қолганда борми, роса иш чатоқ бўларди-да! Олтмиш иен мукофотни қўлдан бердилар-а!

Бир минут ўйлаб турганимдан кейин, алоҳа уйга қайтишга қарор қилдим. Эртасига эрталаб газетадан билсам, ўша районда бировни ўлдириб кетишган экан. Бировларнинг касрига қоладиган вақтларимиз ҳам кўп бўлади.

Душманларимиз ҳар қандай аҳамиятсиз ҳодисалардан ҳам «қизилларни» қўлга тушириш учун фойдаланишлари бизга маълум. Улар ҳар доим: мана, тинтув кўп кутилмаган «қўшимча» натижалар бераяпти, деб ҳар гал шов-шув кўтарардилар.

С. менга чет эл журналларидан бирида: Японияда одамлар кечқурун уйларидан чиқиб, бемалол дам олиш, сайр қилиб юришдан маҳрум эканликлари, улар кафе-ларда ўтирганларида жандарма қўлига илиниб қолиш-дан қўрқиб бемалол гаплаша олмасликлари ҳақида ўқи-ганлигини айтиб берган эди. Жуда тўғри ёзишибди! Бу тартибларнинг ҳаммаси бизни қўлга тушириш учун жорий қилинмоқда.

Мен ҳамма вақт газеталарга диққат билан кўз таш-лаб борар ва кўчага чиқмасимдан аввал борадиган жойимда бирор ҳодиса юз берган-бермаганини текширар эдим. Айниқса полициядан яшириниб юрган қандайдир ўғри ёки қотилнинг тутилиши ҳақидаги мақолаларни жуда синчиклаб ўқирдим. Ана шунақанги мақолалар учраб қолса, доимо ўқиб юрадиган газетамга қониқмас-дим-да, Касаварадан турли хил газеталардан кўпроқ олиб келишни илтимос қилар ва ҳаммасини диққат би-лан кўздан кечириб чиқардим. Етти йилдан бери беки-ниб юрган бир айбдор ҳақида ёзилган бир мақола менга катта хизмат қилган эди. Эрталабки газеталарни ўқиш-ни одатда ҳодисалар бўлимидан бошлар эдим.

Яқинда менга ўхшаб ҳозир яширин ишга ўтган С. ва Н. лар билан социалистик мусобақа ўйнадим. Биз «беш йилга қадар қўлга тушмай омон юриш планини» ишлаб чиқдик. «Беш йиллигимизни» бажарган ва «Беш йиллик-ни олти йилга», «Беш йилликни етти йилга» чўза олган одам мусобақада ютган ҳисобланади. Бизнинг шиори-миз ана шунақа эди. Буни бажаришда тасодифларга эмас, балки ўйлаб, илмий асосларга суянган ҳолда ҳара-кат қилиш керак эди. Бир хил пайтлари Касавара буки-нист китоб дўконидан «Янги даврнинг ёш авлоди»га ўх-шаш журналлар олиб келиб ўқишга ундарди. Мен ҳам бир хил пайтлари вақт топиб бу каби олди-қочди роман-ларни диққат билан ўқиб чиқардим.

Бу воқиядан сўнг эртасига Ито билан учрашгани келганимда, у мени кўрган заҳоти:

— Шукур-э! Соғ-саломат экансан!— деб ҳовлиқиб гапира бошлади. Мени қўлга тушган бўлса керак деб, ўйлаган экан, чунки мен доим ваъдамнинг устидан чиқар-дим. У бирорта кўнгилсиз воқиа рўй берган бўлса керак деб хавотирланиб ташвишга туша бошлаганини айтди. Мен унга ёлғондан қилинган тревога ҳақида гапириб бердим ва кулганимча:

— Нега қўрқасан? Ахир менинг беш йилликни олти йилда бажариш мажбуриятим бор-ку.

— Буни-ку биламан-а, лекин шундай бўлса-да...— деб қўйди Суяма.

Кеча мажлисимиз бўлмай қолди. Шунинг учун Суяма жамма нарсани шу бугунги учрашувимизга тайёрлаб қўйди. Биз Итоникига йиғилишимиз керак эди. Чунки у бир-икки кундан кейин квартирасини алмаштирмоқчи эди. У турадиган уйда бир қанча квартирантлар бўлганидан, шароит айтарли яхши эмасди. Мен бу ерда яшовчилар кўриб қолмасин деб Итонинг хонасидан ташқарига чиқмасликка қарор қилдим. Борди-ю, биронта таниш билан учрашиб қолгудай бўлсам, чатоғи чиқиб ўтирмасин!

Курата заводида аҳвол тобора жиддийлашиб, жиддий олинув пайти яқинлашиб қолган эди. Ито яқиндагина ишга келган қандайдир бир йигит бугун эрталаб бир қизнинг қўлидан «Противогаз» ни тортиб олиб, юзига бир тарсаки туширганини айтиб берди. Авваллари заводда бизнинг варақа ёки газеталаримиз тарқаладиган пайтда ишчилар фақат мастерларидан қўрқар, биров-бировларидан эса ҳеч нарсани яширишмас эди. Қиз шунинг учун ҳам қўлга тушиб қолибди. Буни кўрган Ито нимадандир шубҳаланиб, бу янги ишчига кўз ташлаб юрадиган бўлибди. Шундан кейин бир хизматчи аёл Итога ҳалиги йигитнинг район «Ёшлар союзи»¹ нинг резервистларидан эканлигини айтибди. Маълум бўлишича, уруш бошланиши билан уни атайлаб заводга киритиб қўйишган экан. Ито бу одамга разм солиб юриб, иккинчи ва учинчи цехларда ҳам одамлари борлигини билди. Иш вақтида бир цехдан иккинчи цехга ўтиб дайдиб юрар экан. Мастер бўлса ўзини кўрмасликка солар экан. Бундан ташқари заводдаги «Тайсюто»² раҳбарлигида ташкил этилиб, ҳозир ҳаракатсиз ётган «Дўстлик союзи»³ ташкилотидан бўлган Ацута ва Киёкава билан ҳам йигитнинг алоқаси бор эканлиги маълум бўлди.

¹ «Ёшлар союзи» — фашистлар ташкилоти. (Таржимон.)

² «Тайсюто» — ўнг социал-демократларнинг оппортунистик партияси. (Таржимон.)

³ «Дўстлик союзи» — заводда ошкора ишловчи профсоюз ташкилотининг номи. (Таржимон.)

Шу пайтгача бирон бир иш қилмаган «Дўстлик союзи»нинг кейинги кунларда жонланиб қолгани жуда қизиқ. Бутун заводда: мамлакатимиз оғир кунларни бошидан кечирмоқда, бизга катта, шу билан бирга масъул иш топширилган, бу завод ишчилари саноатнинг бошқа соҳаларидаги ишчиларга қараганда кўпроқ қунт ва шижоат билан ишлашлари керак. Шунинг учун ҳам заводда ҳамма призивниклардан «Резервистлар союзи»нинг бўлими тузилса ёмон бўлмасди, деган миш-мишлар тарқалди (уни ким тарқатганлиги ҳозирча маълум эмасди). Дирекция ҳам бу ҳаракатни маъқуллаган кўрнарди. Лекин асосий ташаббус заводга яқинда «алоҳида буйруқ билан» қабул қилинган йигитлар қўлида эди. Уларни «Дўстлик союзи»да бўлган баъзи бировлар ҳам қўллаб-қўлтиқлаётган эди.

Бу таклифлар ишчилар ташаббуси билан бўлаяпти деб шундай тус беришга ҳаракат қилаётганларини жуда яхши билардик. Чунки компаниянинг ўзи ташаббускор бўлса, бу ёлғонга кишилар ишонмай қўйишлари мумкин эди-да!

— Цехдаги ишларинг қалай?— деб сўрадим Суямдан.

Уларнинг цехларида ҳали бунақа нарсалар борлиги маълум эмаслигини айтди; бир оз ўйлаб тургандан кейин ҳақиқатан ҳам кейинги кунларда уларда ҳам бир йигитча пайдо бўлганини ва ҳар вақт дам олиш пайтида зўр бериб уруш ҳақида ваъзхонлик қила бошлаганини айтиб:

— Итонинг гапини эшитиб, у йигитчанинг қилаётган ишлари эсимга тушиб қолди,— деди.

Суяма ишчилар шу кунга қадар дам олиш пайтларида ва бошқа вақтларда доим ё уруш ҳақида, ё бўлмаса умуман ўзларининг турмушлари ҳақида суҳбатлашишларини, уларнинг ҳар бири эшитган янгилигини айтишга ёки ўйлаган фикрларини ўртага ташлашга ошиқишларини айтди ва у, бу суҳбатларни хотирига келтирар экан, ҳақиқатан ҳам, ишчилар ўртасида мутлақо бошқача оҳангда гапирувчи, урушга эҳтирос уйғотиш учун агитация қилувчи айрим шахслар пайдо бўлганини хаёлига келтирди.

Суяма ва Итоларнинг ҳикояларидан кейин душманинг ҳужумга ўтганлиги маълум бўлди.

Ғалаба қилиш учун душман кучини билишимиз керак

эди. Энди меҳнат қилаётганлар устидан ҳадеб дағда-ға қила беришнинг ўзи етмаслигини ва ишчиларнинг заводга қандай келиб, қандай кетишларига қараб туриш учун кўчага оддий кийим кийган айфоқчилар қўйилишининг ўзи етарли эмаслигини ҳам тушунди. Душман бунни тушунгандан сўнг ташкилотимизга ишчиларнинг ўзларидан фойдаланиб зарба бермоқчи бўлди — душманнинг ишлата бошлаган янги, қўшимча қуроли шу эди. Шу сабабли «Дўстлик союзи» жонланган эди, шу сабабли заводда «Ёшлар союзи», «Резервистлар союзи» каби ташкилотларнинг бўлимларини тузишга уринмоқда эдилар. Лекин Курата заводининг армия учун қурол-аслаҳа тайёрловчи завод эканлиги ҳисобга олинса, бу союзларнинг заводда жуда яхши ўрнашиб олиш хавфи равшан бўларди.

Ҳозир бизни душман ҳар томондан ўраб олган деб айтиш мумкин — биз душманнинг ҳамма томондан қилган ҳужумини қайтаришимиз керак.

Суяманинг берган маълумотига қараганда, кейинги вақтларда заводда урушни ёқлаб олиб борилаётган агитация аввалгидагига ўхшамасди, илгарилари асосан «Императорга содиқлик, ватанга муҳаббат» ёки «Япония хитойларнинг адабини бериб қўяди» деган шнорлар остида олиб бориларди.

Энди: ҳозирги уруш аввалги урушга мутлақо ўхшамайди; унда «Мицуи» ёки «Мицубиси»¹ларнинг босиб олинган жойларда ўзларига катта-катта заводлар қуриши учунгина олиб борилар эди. Энди, пролетариатнинг «яшаши учун жой» топиш мақсадида уруш олиб борилмоқда. Маньчжурия қўлга киритилгандан кейин у ерда йирик капитал йўқ қилиниб, ўрнига янги давлат — ишчилар салтанати вужудга келтирилади. Ишсизлар Япониядан тўп-тўп бўлиб Маньчжурияга жўнайдилар, ана шундай қилиб, бизнинг мамлакатимизда секин-аста битта ҳам ишсиз қолмайди. Россияда битта ҳам ишсиз киши йўқ, бизда ҳам йўқ бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ҳозирги уруш пролетариат учун олиб борилаётган урушдир. Шу сабабли биз ҳаммамиз ҳам бизга ишониб бериб қўйилган участкада қўлимиздан келганича зўр бер

кўрқиб,

¹ «Мицуи» ва «Мицубиси» — Япониядаги икки соат олтин-листик концернларининг номл. (Таржимон).

риб ишлашимиз зарур, деб тушунтира бошладилар. Ҳозирги агитация ана шунақа эди!

Бир кун дам олиш пайтида «Дўстлик союзи» дан бўлган Ацута ва Кнёкавалар ишчи-резервистлар ва «Ёшлар союзи» аъзолари билан ҳозирги уруш ҳам асосан мустамлакаларни эксплуатация қилиш учун олиб бориляпти, деган масалада тортишмоқчи бўлишган эди. Шундай бўлсада Кнёкава: «Лекин бу уруш бошқа жиҳатдан пролетариатга ҳам фойдали, масалан, ҳарбий, кимё ва металлургия саноати соҳаларида ҳозир иш шундай жонланиб кетдики, қанча одам олинса ҳам, барибир, ишчи кучи етишмаяпти... Бу жонланишни, ҳеч бўлмаганда, «ҳарбий акция» деб аталувчи нарсанинг ўсишидан ҳам билса бўлади» деди ва давом этиб (бу нарсани у қаёқдан билди экан?) қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи «Тэй-коку каяку» компаниясининг акцияси авваллари тўрт иен бўлган бўлса, ҳозир тўққиз иен бўлганини, «Исикавадзима» кемасозлик компаниясининг акцияси авваллари беш иен бўлган бўлса, ҳозир йигирма иен туришини, снаряд ишлаб чиқариш учун зарур бўлган селитранинг баҳоси йигирмадан юз иенга чиққанини айтди. «Германия,— деди у яна,— жаҳон урушида ер билан яксон қилинди деб ҳисобланса-да, Крупп металлургия заводлари энди одатдаги тинч даврдагига қараганда ўн баравар ошиқ соф фойда келтирмоқда. Турмушимиз ҳамда давлатимиз уруш сабабли секин-аста яхшиланиб кетади. Демак, урушга бекордан-бекорга қарши чиқиш ҳам хато. Ундан мумкин қадар фойдаланиб қолишимиз керак...» Йигитчанинг фикри ана шундай эди. У «Ёшлар союзи» ва резервистлардан бўлган йигитлар билан тортишмоқчи бўлган бўлсада, охирида уларнинг фикри ўз-ўзидан бир ердан чиқди қолди.

Ишчилар дам олиш пайтида «Ёшлар союзи» аъзоларининг «Маньчжурия салтанати» ҳақидаги сафсаталарини бир эртак каби тинглашарди. Улар бу гапларга жуда шубҳа билан қараб, умуман ишонса бўладими?.. «Шундайликка шундайку-я, лекин одам ишонгиси келмайди-да!..» деб қўйишарди.

Мана, Кнёкаванинг гаплари вақтинча ишчиларга маъқул тушибди-ку. Одамлар бўлса мана бундай деб ўйлашарди: урушга бориш, ўлимга бориш ёки чўлоқ бўлиб қайтишнинг кимга ҳам кераги бор. «Маньчжурия салтанати»дан ҳали бизга бирон фойда бор-йўқлигини

ҳеч ким айта олмайди. Биз, ҳар ҳолда, шу уруш туфайли кўп йиллик ишсизликдан сўнг, охири ишга етишдик... Ё, нотўғрими!

Тўғри, вақтинча ишчилар ишдан бўшатилганда, уларга нафақа тўламасликларидан, иш вақтидан ташқари мажбуран ишлатишларидан, ҳамма барабар ишласа ҳам, доимий ишчиларга қараганда уларга кам ҳақ тўланишидан норози бўлсалар-да, уруш қийин аҳволимизни бир қадар енгиллаштирди, деб биллшарди. Лекин Киёкава сингари шахслар ўзини «ишчиларни ҳимоя қилувчи партия» деб атовчи «Тайсюто» партиясининг аъзоси эканлигини мутлақо унутиб, ўзи ҳам капиталист бўлиб қолгандай, акция баҳоси ошсайди деб ташвишлана бошлади, хўжайинларининг олдида эътибор қозониш учун атайлаб ўйлаб топган далилларни ишга солиб, ишчиларнинг, айниқса вақтинча ишловчиларнинг манфаатлари масаласида жуда усталик билан кўзбўямачилик илмоқда эди.

Кейин Ито гапириб, бундай фикрларнинг туб сабаби ҳамма ишчиларга тушунтириш зарур бўлганда биз да ношудлик қиляпмиз, душманимизнинг даъволари усталик билан фош этиб ташлай олаяпмиз деди ва:
— Одамга алам қилар экан, лекин начора!— деб хўрлиб қўйди.

Мен ҳам тўғри гапираётган бўлса керак, деб ўйладим. Ахир биз ҳозирги урушнинг ҳақиқий сирини жуда яхши тушунамиз, лекин очигини айтганда, буни халққа тушунтиришга, ишчиларнинг кундалик ҳаёти билан қандай алоқаси борлигини тушунтиришга қолганда нўноқмиз. Ленин, уруш масаласида ҳатто революцион профсоюзлар ҳам кўпинча хатога йўл қўйдилар, деган эди. Вазифаларимизнинг яна ҳам қийинлашиб кетишининг сабаби шундан, Киёкава ва Ацуталар кишиларнинг фикрини талғитиш учун атайлаб ишни бузишга уринмоқдалар.

Компания кейинги вақтларда иш кунини соат олтига қадар чўзди (аввал соат бешга қадар ишланарди), ҳатто соат еттигача қолдириб ишлатишга ҳам ҳаракат қилар эди. Вақтинча ишчилар ўзаро вайсашса-да, яна фалокат босиб доимийликка ўтказмай қўймасин, деб қўрқиб, ишни ташлаб кетмадилар. Лекин овқат емай соат олтига қадар ишлаш мумкин эмасди. Овқатланиш учун кетган вақтга ҳақ тўланмасди. Шундай қилиб, соат олтига қадар ишлаганларида иш ҳақлари камайиб кетди. Иш

ҳақининг камайиши тўғрисида ҳеч ким очиқ эълон қилмаган бўлса-да, дирекция айёрлик қилиб, иш ҳақини камайтириб қўйди. Одамлар дарғазаб бўлиб, бизни «жинни қилишяпти» дейишарди. Ито ишлайдиган парашют цехида хотинлар: «Агар овқатланиш учун кетган вақтга ҳақ тўламас эканлар биз қоронғига қолиб юрмаймиз» деб вайсай бошладилар.

Иш кунини ўн соатга айланди, лекин бу соатлар аввалги соатларга ҳеч бир ўхшамасди. Доймий ишчилар қаторига кириб олиш умиди ўз натижасини кўрсатди — ҳаммани бир лаҳза ҳам тўхтамай, жон-жаҳди билан ишлашга мажбур этди. Авваллари иш пайтида ишчилар ҳар замон-ҳар замонда бир-бирлари билан гаплашишлари мумкин эди. Кину-тян сингарилар бўлса баъзан белбоғидан ойнасини олиб, ўзига оро ҳам бериб қўярди. Энди бўлса ҳатто юзидан оқиб тушаётган терини енгини билан артишга ҳам вақт қолмади. Парашют заводида электр дазмол ишлатилганидан кишилар қоп-қора терга тушиб кетардилар. Тер томчилари ёзиб қўйилган парашют матосига дув-дув тўкиларди. Тайёр бўлган маҳсулотнинг сонига қараб туриб, компаниянинг белгиланган вақтдан олдин қирқ процент ошиқ фойда олганлигини билиш мумкин эди. Шундай бўлса-да, иш ҳақи аввалгидай қола берди. Албатта бу оғирликларнинг ҳаммаси ишчилар бўйнига тушарди. Шундай бўлса-да, ишчилар уруш билан заводдаги иш ўртасида от билан туяча фарқ бор дейишга ўрганиб қолган эдилар. Ишчилар ўзларини кун сайин кучлироқ эзиб бораётган азобга сабаб уруш эканини билмас эдилар. Шунинг учун ҳам, агар биз бу сабабни тушунтира оладиган бўлсак, унда улар Қиёкава ва «Ёшлар союзи»нинг ниятлари алдаш эканлигини билиб олардилар.

Бизнинг ячейкамиз ҳам энди асосий эътиборни нимага қаратиш зарурлигини тушуниб олди.

Қиёкава ва Ацутани ишчилар ўртасидаги таъсирдан маҳрум қилиш учун «Дўстлар союзи» мажлисига «Меҳнатни тезлатиш йўқолсин», «Иш ҳақини оширилсин», «Муомала яхшилансин» деган шиорлар киритиш керак эди. У ҳолда Қиёкава ва Ацуталар бу курашга бошчилик қилиш эмас, аксинча, унга зимдан халал беришга турли йўللар билан ҳаракат қилишларига шубҳаланмаса ҳам бўларди. Ана ундан кейин биз ҳаммага: улар ишчиларга душман, улар ишчиларнинг манфаатини ҳимоя қилмай-

ди,, деб очик-ойдин кўрсатиб берамиз. Шунинг учун ҳам биз «Противогаз»да заводдаги фашистларни ва социал-фашистларни қайта-қайта фош этишга қарор қилдик. Бу қарорни биз резолюциямизга ҳам киритдик.

Суяма гугурт ёқиб полга ташланган хат ва қоғозларни бирма-бир ёндириб ташлай бошлади.

— Мана шу ишларга қараб туриб, «ким кимни?» деган ҳал қилувчи жанг яқинлашганлигини кўрасан,— деди у.

— Тўғри. Биз ҳақиқий илмий йўл тутганимизда, мустаҳкам иродага эга бўлганимизда ва бу йўлимизни сўекин-аста, оғишмай амалга ошириб борганимиздагина талаба қилишимиз мумкин. Фашистлар ҳужумга ўтмоқдалар — ҳаёт-мамот учун кураш бўляпти!

Суяма менинг сўзларимга жавоб тарзида илжайиб қўйди.

— Демак, завод биз учун қалъа эмас, балки кураш майдони экан-да!

— Бу цитатани қаердан олдинг?

— Ўзимизники!

Кейинроқ, район партия мажлисида давлат ҳарбий заводида пистолет ва қилич билан қуроолланган жандарма билангина чегараланиб қолмай, заводнинг муҳим-муҳим жойларида ва цехга кираверишда ишчи кийимини кийиб олган жандармлар турадиган бўлганини эшитдим. Бу заводда ишлайдиган коммунистлар қамалибди. Қўлга тушишларининг сабаби кийимини ўзгартиб олган жандармлар бор эканлигидан беҳабар, уларни ишчилар деб, ўз томонларига ўтказишга агитация қилган эканлар. Бундай «ишчилар» ўзларини атайлаб онгли қилиб кўрсатадилар. Буниси ҳаммадан ҳам ҳавфли. Курата заводи аввал ҳарбий корхона эмасди, шунинг учун ҳам бу ерда жандарма тўғрисида гап ҳам бўлмасди. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, душманимиз бу хилдаги ифвогарликлардан ҳам қайтмайди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Соатимга қарасам, энди ўн бўлибди. Яна бир оз бўш вақтим бор. Бўйра устига чўзилиб олиб, у-будан эзмаланишга киришдик. Итонинг пардоз столига кўз қиримни ташлаган эдим, унда Касаваранинг қараганда кўпроқ

нарсалар: турли хил упа қутичалари, юзга сурадиган қизил, сариғ мой упа, ҳатто ҳаво ранги ҳам бор эди.

— Эҳе!— деб қўйдим мен.

Ито менинг қараётганимни кўриб қолиб, олдимга келди-да:

— Масхара қилгани уялмайсанми!— деди.

— Ито ҳар куни бир тусга киради, шундаям устаки, асти қўя берасан!— деб кулиб қўйди Суяма.— Кўргин, ҳаммаси «Мицукоси» ва «Мацудзакая»¹нинг совға қутичалари-я, кўплигини айтмайсанми! Ҳаммаси инъом қилинган нарсалар-а! Тўғриси айтганда, Итомизнинг иши жуда ўнгидан келаётганга ўхшайди! Одамнинг ҳаваси келар экан!

Хушқомат, ёқимли ишчи аёллар кўпинча мастерлардан, катта ёшдаги ишчилардан совға олиб туришарди. Цехдаги эркак ўртоқлари уларни кафега таклиф этишарди.

Ито бундай таклифларни, айниқса, ўзига хайрихоҳ бўлган ва ёрдамга ишониш мумкин бўлган йигитларнинг таклифини бажонидил қабул қиларди. Шундай ҳам бўлардики, заводдаги дўстларини у биринчи бўлиб бирор жойга таклиф этарди. Шунинг учун ҳам у ишга доимо ювиниб-тараниб борарди.

Шундай бўлгач, эркаклар ҳам кийим-бошларига эътибор қилиб юришарди. Ишчилар орасида яхши кийиниб юрувчи, истараси иссиқ йигитлар учраб қолганда, аёлларнинг унга муносабатига Суяма «бевосита» ва «аниқ» муносабат деб ном қўярди.

— Хўш, кейинги вақтларда бу соҳадаги ишлар қанча кетяпти?— деб сўрадим мен.

Суяма даҳанини ишқалаб кулиб қўйди-да:

— Ҳеч нарсанинг дарағи йўқ, сув қуйгандай!— деб жавоб берди.

— Ёси-тян ҳали «тайёр» бўлмаса керак? — деб қайтадан сўрадим Ёси Итога тикилганимча.

— Нима? — деб Ито ҳам қайта сўради. Бир лаҳзадан сўнг фикримга тушунди-да, ҳайрон бўлиб қолди (бу бир лаҳзагина давом этди), лекин дарров эс-ҳушини йиғиб олиб:— Йўқ, йўқ!.. Ундай эмас!— деб жавоб берди.

¹ «Мицукоси» ва «Мацудзакая» — Токиода катта-катта универсал магазинлари бор савдо фирмаларининг номи (Таржимон.)

— Ёси революциядан кейинги бировга муҳаббат қўйишим мумкин, дейди... Чунки бизнинг эркакларимиз маслак жиҳатидан марксист бўлганлари билан, уйлангандан кейин минг йиллар илгариги урф-одатларни қўмсаб қолишармиш... Бундай эр Ёсини қулликка солиб қўяди-да!— деб Суяма кулиб қўйди.

— Суяма, ҳаммани ўзига ўхшатыпти,— деб қўйди Ито совуққина.

— Ҳали кўнгилга ёқадиган дўст тополган бўлмасанг керак, шундайми?— деб қўйдим мен Итога қараб.

— Мен-чи, менга нима дейсан? Мен тўғри келмайманми?— деб сўради ундан Суяма бўйрада ўтирган жойидан қўзғалиб.

— Йўғ-е, юлдузинглар тўғри келмайди,— деб жавоб бердим мен.

— Яъни менга: у сенга тўғри келмайди демоқчимисан, шундайми?— айёрларча кулиб деди Суяма,— мени унга хайф кетасан демоқчимисан?

— Эҳе, бу уятсизни қаранг-у! Ўзини хаёлида кимман деб ўйлаяпти!— деб учаламиз кулиб юбордик.

Мен билан муносабатда бўлганларнинг ҳаммасини бир-бир хаёлимдан ўтказиб, буларнинг ичида Итога муносиби йўқ деган хулосага келдим. У борди-ю, ўзига бирорта дўст топомқчи бўлса, албатта, машҳур одам бўлиши керак. Уларнинг ҳаёти ҳам, агар ҳаётларини партия ишига бағишлаб, бир-бирига ҳамкорлик қиладиган бўлсалар, жуда гўзал бўлади. Шу кунга қадар мен Итонинг гўзаллигини ҳеч бир ўйлаб кўрмаган эканман, чунки у ўзини шундай жиддий, қаттиқ тутардики, биз бехтиёр унга ҳурмат назари билан қараб келардик.

— Майли, бу вазифани ўз устимга олишга тўғри келади... Сенга қулинг ўргилсин бир куёв топиб бераман...— деб ҳазиллашдим, аслини олганда, гапим ҳазил эмасди.

Ито жавоб ўрнига саросимага тушган ва хижолат тортгандай менга қараб қўйди.

Уйга кетаётиб катта йўлга чиққанимда такси олдим. Шофер, кўринишидан, яқин йўлдан олиб бормоқчи бўлди шекилли, бора-боргунча қандайдир пастқам кўчалардан юрди; лекин машина тўсатдан бир катта, гавжум, ёруғ кўчага чиқиб қолди. Мен ўзимни ёлғондан сал мастликка солиб, шляпамни бостириб олдим-да:

— Бу қанақа кўча?— деб сўрадим.

— Гиндза¹, — деб жавоб берди шофер.

Энди бу ташвиш камлик қилиб турувди! Менга бундай серқатнов жойлар ҳеч тўғри келмайди. Шундай бўлса-да, шоферга ҳеч нарса деёлмадим. Ўзимни унинг сўзига тушунмаганга солиб, шляпамни пастроқ бостириб олдим. Дарвоқе, Гиндзада қачондан бери бўлганим йўқ экан. Уйлаб қарасам, тўрт ой бўлиб кетибди. Ҳар замон-ҳар замонда атрофга қараб қўярдим. Охирги марта кўрганимдан бери анча-мунча ўзгаришлар бўлибди. Атрофимга қараб-қараб бордим, ҳатто қараб-қараб қўяётганимни ўзим ҳам сезмай қолардим.

Мен бир кун худди шундай воқияни бошимдан кечирган эдим. Ҳали ҳам эсимда: бу воқиа ўтган йили турмада ётганимда бўлган эди. Қўлим кишанлоғлиқ ҳолда турма машинасида судга олиб кетишаётганида кўрмаганимга ярим йил бўлган Синдзюку районидаги кўчаларга машина панжарасидан кўз ташлаб борган эдим. Ҳар бир уйга, ҳар бир лавҳага, ҳар бир машинага, тротуардан шошиб-пишиб кетаётган ҳар бир йўловчига тикилиб ўтиб борардим. Одамларнинг ҳар бирига худди биронта танишим ёки ўртоқларим учраб қоладигандай зўр бериб тикилишимни айтмайсизми. Якка хонага олиб бориб ташлаганларидан сўнг бир қанча кунгача кўзим оғриб юргани ҳали ҳам эсимда.

Тўртинчи кварталнинг муюлишида сигнал товуши эшитилди, қаршидаги трамвай столбасида қизил чироқ ёнди. Бир хил одамлар ўтиб кетаётиб машинанинг ичига қараб ҳам қўярдилар. Мен қўрқиб кетганимдан қотиб қолибман. Мабодо тўсатдан хавф туғилгудай бўлса, қочинишга қулай бўлсин деб эшик дастасидан ушлаб, бошимни энгаштириб олдим. Охири қўнғироқ яна жиринглади. Ўзимни бир оз енгил ҳис этдим, маҳкам сиқиб ушлаб олган эшик дастасидан қўлимни бўшатдим.

Бемалол айланиб юрган одамларга кета-кетгунча тикилиб бордим. Тўғрисиини айтганда, ҳаётимда энди бунақа сайр қилиб юришлар ҳеч бўлмаслиги ҳозиргина эсимга тушиб қолди. Бўш қолган вақтларимда нима қиларимни билмай, бекордан-бекорга шаҳарга чиқишим ёки уйдалигимда хоҳлаган вақтимда ўзимча ойнани очишим мумкин эмас, чунки мени кўча томондан кўриб қолишлари мумкин. Бу жиҳатдан ҳаётим турмадаги ўртоқлар-

¹ Гиндза — Токнодаги энг катта кўча (Таржимон.)

нинг ҳаётидан ҳеч фарқ қилмайдн. Бир хил жиҳатлардан ҳатто кўпроқ машаққат тортардим — кўчага чиқшим мумкиндек бўлиб кўринган пайтлар ўзимдаги бу истакни доим қайтариб туришга мажбур бўлардим.

Лекин булар ҳеч гап эмас, ахир, мен бу нарсалардан маҳрум бўлишим зарур эканлигини ўзим яхши биламан-ку. Аммо Қасаваранинг бунақа ҳаётга ўрганиши, жуда қийин бўлса керак. Ахир, унинг ҳам мен билан бирор жойга боргиси келади-да. Аммо бундай сайр-томошалар мен учун бутунлай ман этилган, у шу нарсадан хафа бўлиб юрса керак. Бунинг устига яна мана бу чатоқликни қарангки, у ишдан уйга қайтган пайтда мен чиқиб кетардим. Мен кундуз кунлари уйда бўлардим-да, учрашув учун нуқул кечки пайтлардан фойдаланардим. Шу сабабли биз ҳар замон-ҳар замондагина бирга бўлардик. Бир-икки ой ўтгандан кейин Қасаваранинг жаҳли чиққанлиги аниқ сезила бошлади. У норозилигини яширишга ҳаракат қилса ҳам, лекин жуда жонига тегиб кетгандан кейин чидай олмади шекилли, менга муносабати анча ўзгариб қолди. Шахсий ҳаётдан мутлақо умидини узган одамнинг ўз ҳаётининг кўп қисмини шахсий ҳаётга бағишлаган одам билан бирга яшаши жуда ҳам қийин бўлар экан.

— Бу ерга кўчиб келганимиздан бери бирон марта ҳам уйда ўтирмадингиз, бирон марта ҳам бундай кўчаларни айлаштириб келмадингиз!— деб Қасавара очиқ-ойдин айтиб қўя қолди.

Аввал мен Қасаварани ўз ишимизга торта олсам, бизни узоқлаштираётган бу совуқликни йўқотарман, деб ўйладим ва кўп мартаба бунга ҳаракат ҳам қилиб кўрдим. Лекин у билан бирга тура бошлаганимдан кейин билсам, у бу ишга тўғри келмайдиган одам экан. У жуда енгилтак, шу билан бирга ўзини тутат олмайдиган ўжар аёл эди. Мен унга кўпинча: «Жуда жаҳлинг тез-да...» дер эдим. Арзимаган гапга ҳам жаҳли чиқиб кетар, дарров хафа бўлар, маъюсланиб қоларди. Феъли-атвори бундай одамлар бизнинг ишимизга ҳеч тўғри келмайди.

Тўғри, у жуда оғир ҳаёт кечирар, тинмай меҳнат қиларди. Кун бўйи машинка тепасида ўтирарди-да (бу ишчилар синфидан жуда узоқ иш!) Уйга қайтгандан кейин овқат қилиш билан овора бўларди; дам олиш кунлари бўлса кнр юварди. Мен унга жуда ачинардим, лекин у

одат қилган бу ҳаёт йзидан чиқиб кетишга на ҳаракат қиларди, на бунга унда истак бор эди. Уни ўз йўлимизга тортай деб ҳаракат қилганимда, хоҳламади.

...Уйга етмасдан машинадан тушдим, икки остановка яёв юрдим-да, жин кўчалар билан уйга жўнадим.

Касавара ранги оқарган ҳолда уйнинг ўртасида ха-фа бўлиб ўтирарди. У мени кўриши биланоқ:

— Мени ишдан бўшатишди...— деб юборди.

Кутилмаганда бундай бўлишидан, нима дейишимни билмай, турган жойимда қотиб қолдим.

Касавара ҳеч қандай айб қилмаган бўлса-да, унга ишхонада «қизил» деган ном беришган эди. Шунинг учун унинг бошлиғи Касаваранинг аввалги квартирасига — унга кафил турган одамникига борган экан, аллақачонлардан бери уерда турмаслигини билиб олибди. Махфий квартирамнинг адресини ҳеч кимга айтмасликни қатъий буюрганым учун у ишхонасига бошқа жойга кўчганман, дебди. Бу нарса уларни шубҳага солибди, шу билан уни бўшатиб юборишибди.

Шу кунга қадар Касаваранинг маошидан квартирага тўлаб келардик ва қолгани менинг кундалик майдачуйда харажатларимга етиб турарди, ишимни бемалол давом этдириб, бир амаллаб кун кечириб турардим. Шу ваздан унинг ишдан бўшателиши менга қаттиқ зарба бўлиб тушди. Хуллас, шундай бўлгандан сўнг, ишдан бўшателиши учун мумкин қадар кўпроқ ёрдам пули олса яхши бўларди. Мен яширин аҳволда яшаганлигим сабабли унинг ёрдам олишига ҳеч қандай қатнаша олмас эдим. Шу билан бирга, бошлиқ Касаварага ўзи айбдор, у ҳақда полицияга хабар қилмаганимизга ҳам шукур қилсин, тўполон қилиб ўтирмай, «яхшиликча» кетгани дуруст деб тўнғиллаб қўйган эмиш.

Биз тўсатдан қийин аҳволга тушиб қолдик. Ҳаммасидан ҳам Касаваранинг ишдан бўшатилгани хўжайкага дарров маълум бўлиши ёмон эди.

Ишқилиб, турадиган квартирангиздагилар сизга ишонадиган бўлишлари керак, акс ҳолда, дарҳол шубҳа остида қоласиз. Шунинг учун ижара ҳақини бир амаллаб ўз вақтида тўлаб туришга қарор қилдим. Лекин бундай бўлганда рўзгор учун икки-уч иендан ошиқ пул қолмасди. Икки-уч иен бўлса ҳаш-паш дегунча та-мом бўлади. Касавара ҳар кун иш қидириб кетар, мен ҳам ҳар кун иш ўрта ҳисобда уч-тўрт марта кўчага чиқиб



турардим. Авваллари электричкада юрган йулимдан энди яёв юришга қарор қилдим. Шу сабабли кўпинча учрашув жойига бориш учун ўттиз-қирқ минут вақт кетарди; қайтиш учун ҳам худди шунча вақт керак. Бир хил пайтлари бориб келиш учун йўлга икки соат керак бўларди. Натижада иш унумсиз бўларди. Ҳар бир учрашган одамдан баъзида беш иен, баъзида ўн иендан сўраб олардим — бунга мен: «пул йиғиш компанияси» деб ном қўйган эдим. Яна беихтиёр аччиқ-аччиқ кулиб: э, воҳ, ўртоқларимиз ичида Суяма айтиб берган бирон-та Канда Хакудзан учрамади, деб қўярдим.

Суяма ва Ито менга раҳмлари келиб бир хилда элик сэн, бир хилда ўзларининг бир кунлик иш ҳақларидан бутун бошли бир иен бериб кетишар ва ҳар гал биз ошкора ҳаёт кечиряпмиз, пулсиз қолсак ҳеч гапмас, бунинг устига, хоҳлаган одамдан сўраб олишимиз мумкин деб менга тасалли беришарди.

Ўртоқларининг берган пулини ўзимга харажат қилишим мумкин эмас, деган хулосага келдим. Бу пулларни

иш билан транспортда қатнашга сарфлашга, лекин ҳар қандай қийин бўлганда ҳам овқатга сарфламасликка қарор қилдим. Бақлажон жуда арзон эди — беш сэнга йигирма-ўттизда берарди. Уй эгасининг хотини крахмал мисога¹ ботириб олинган бақлажонларни ошхонага уйиб ташлаган эди; мен эрталаб, пешинда ва кечқурунлари қорнимни шу билан тўйгазар эдим—эрталабки, пешинги, кечки овқатим ҳам бақлажон бўларди. Бир неча купдан кейин қарасам, мазам қочиб қолибди: зинадан чиқаётган пайтларимда нафасим қисилиб, бутун ҳамма ёғимдан тер қуйилиб кетадиган бўлди.

Ҳар кун бир хил овқат еганимдан, чарчаб, тўйиб овқат емасам ҳам, иштаҳамнинг мазаси йўқ эди! Охири шунга бориб етдимки, бақлажонни иссиқ сувга чаярдим-да, кўзимни чирт юмганча, тез-тез чайнаб юта берардим. Бу овқатнинг борлиги ҳам катта гап эди! Бир кун кечқурун учта учрашувга боришим керак эди, учаласига ҳам очлигини, яёв бордим, чунки бугун фақат бир марта—эрталабгина бақлажон еган эдим, ана ўшанда роса қийналдим! Яна бир кун бир ўртоқ билан учрашишга ваъдалашган эдик. Ундан ҳеч бўлмаса бир бурда нонга пул сўраб оларман деб ўйлаб борганимда, умидим бутунлай пучга чиқди... Бу ўртоқ,— унинг юз-кўзидан қийин аҳволдалиги кўриниб турарди,— ҳозир М. билан учрашишим керак, балки унда ҳеч бўлмаса бир озгина пул топилар, мен билан бирга бора қол деб таклиф қилди. Мен М. ни танир эдим, очлик азобига чидашга ҳеч тоқатим қолмаган эди, шунинг учун кўндим-қўйдим.

М. мени нон ва ёғ билан меҳмон қилиб ўзи: «Қаранг, бир бурда нон ва ёғ деб шундай мўътабар одам қўлга тушиш хавфидан қўрқмасдан шахсан ўзи менинг уйимга келибди-я... Қўлга тушиб қолганида роса томоша бўларди-да!» деб кулиб қўйди.

Мен ҳам кулганимча: «Дунёда нондан азиз нарса йўқ!» деган гапнинг ҳақиқат эканини биринчи мартаба тушуниб олдим дедим-у, лекин ичимда: бу аҳволнинг кўпга чўзилиши мумкин эмас, чунки яхши иш эмас, деб ўйладим. Ўзининг дадил ҳис этишиниг учун, мумкин қадар кўпроқ вақт полиция қўлига тушмаслигиниг учун ўзининг бунчалик уринтирмаслигини, бунчалик азобга қўймаслигини керак.

¹ Мисо — лўядан пишириладиган қайла. (Таржимон.)

Шу билан сўнгги чорани синаб кўрмоқчи бўлдим. Уша кунни кечқурун уйга қайтганимда ўзимни дадил тутиб, Касаварадан бирорта кафега официантликка киришга ҳаракат қилсанг қандай бўларкин, деб сўрадим.

Касавара чарчаган, ғамгин ҳолда ўтирарди: у кейинги вақтларда ҳар кунни иш қидириб келарди. Гапимни эшитиб у бирдан қаддини ростлади, кейин чехрасида маъюслик ва ғазаб пайдо бўлди. Мен унга кўзимни узмай қараб турардим. У жим ўтираверди. Менинг ҳам жим бўлишдан бошқа иложим қолмаган эди.

— Сен, балки, бу нарсани менинг ишим учун зарур дерсан, тўғрими?— деб сўради Касавара, мен ўйлаган оҳангда эмас, балки сокин ва мулойимлик билан. Мен унга бирор нима деб жавоб беришга улгурмасимдан оқ у бирдан:— фоҳишалик қилишим ҳам мумкин!— деб бақариб юборди.

Касавара бизнинг йўлимиздан боришни ҳеч бир ҳоҳламас, шунинг учун ҳам нима қилса, ҳаммасини сени деб қиляпман деб юрарди. Бундан бошқача ўйлашга ақли етмасди. Фидойилик!.. Фидойилик тўғрисида гапирадиган бўлсак, мен ҳам ўзимнинг бутун ҳаётимни умум ишига бағишламоқдаман. Мана, масалан, мен Суяма ва Итолар билан учрашаман, хайрлашганимиздан сўнг улар ўзларининг доимий, одатдаги тинч ҳаётларига қайтадилар. Мен бўлсам яна аввалги жойимга— зийракликни бир лаҳза ҳам бўшаштиришинг, ўзингга бир оз дам беришинг мумкин бўлмаган жойга қайтаман. Агар мени қўлга туширсалар, бир қанча йил турмада ётишим турган гап. Лекин бу машаққатлар кўп миллионлаб ишчилар ва камбағал деҳқонларнинг кун сайини тортаётган азоб-уқубатларининг учқунича ҳам келмайдн. Мен буни анчадан бери, ҳатто ёшлигимдан биламан. Камбағал ота-онам йигирма йил азоб-уқубатда ҳаёт кечирганлар. Шунинг учун ҳам бутун азоб-уқубатимни зарурат деб биламан. Мен бу жафони меникидан миллион марта оғирроқ жабр-ситами кўраётган халқни озод қилиш учун бўйнимга олганман.

Лекин Касавара бу нарсани тушунишга, бутун вужуди билан ҳис этиб кўришга лаёқатли эмасди. Ҳаммадан ҳам йўлида учраган бутун қийинчиликларни фақат менинг учун чекилган жафолар деб ҳисоблагани ёмон эди. «Сиз ажойиб одамсиз, мен нима, бир подон хотинман, холос. Шунинг учун ҳам мендек тентакнинг сизга фи-

дойи бўлиши табиий бир нарса!» дерди у. Ваҳоланки, мен ўз «шахсияти»дан ҳеч нарса қолмаган «шахсман». Шундай бўлгандан кейин, мен учун у ҳеч қандай жафо чекмаслиги аён бир нарса. Мен ташкилотимизнинг бир аъзосиман, холос ва уни доим эҳтиёт қиламан. Бизнинг асосий вазифамиз бўлса бутун пролетариатни озод қилишдир. Менинг вазифам бу ишни танимдан жоним узилгунча давом этдиришдир. «Ажойиб одам» ёки «қаҳрамон» бўлганлигим учун эмас, балки мана шу вазифамни деб, фақат шуни деб ўзимни мумкин қадар эҳтиёт қилишим керак. Касавара ўзидан бошқани билмаганлиги сабабли ҳамма нарсани ўз қаричи билан ўлчарди.

Мен у билан кўпинча шу тўғрида гаплашсам, жимгина тинглар, аммо менга бир оғиз ҳам гапирмай барвақт ётиб олар эди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Шу кун кечаси мен алламаҳалгача ўтирдим; завод газетасига мақола ёздим, район раҳбарларига бериладиган ҳисоботларни тартибга келтирдим, сўнг партия марказидан олинган брошюра ва материалларни ўқиб чиқдим.

Эртасига эрталаб соат ўнга қадар ухлаб қолибман. Кейинги вақтларда ўзимнинг жуда сезгир бўлиб қолганимга ҳайрон қоламан, бегона одам уйга кирди дегунча дарҳол пайқайман. Ўша кун ҳам, худди биров уйғотгандай, тўсатдан кўзимни очдим, бошимни кўтариб қарасам, айтганимдай, уйда участка полициячиси турибди. Уй дафтари текширгани келган экан. Бундай пайтларда яна мени чақирмасин, деб олдини олиб, бир бурда қоғозга ўзим ҳақимдаги маълумотларни ёзиб, хўжайкага бериб қўйган эдим. Полициячи ҳамма нарсани ипидан-игнасигача суриштирди. Хўжайканинг оиласи тўғрисида ҳам худди бир жинойтни текшираётгандай синчиклаб сўради. Бу менга қизиқ туюлди, кўнглим ғаш бўла бошлади. Пастдагиларнинг гапларига қулоқ солиб қоғозларим турган чамадонни ёпдим-да, секин-аста кийина бошладим. Полициячининг:

— Уйингизда одам турадими? — деган товуши эшитилди.

— Ҳа, туради...— деб хўжайка жавоб берди-да, сўнг

мен берган қоғозни олиб чиқиш учун бўлса керак, ёнда-
ги хонага кириб кетди.

Мен полициячининг:

— Бу ерда уларнинг аввалги турган жойлари кўрса-
тилмаган. Эр-хотинми? Бу қоғоздан улар қачон бу ерга
рўйхатга ўтганларини ҳам билиб бўлмайди... Балки, улар
рўйхатдан бутунлай ўтмаган бўлишлари мумкин?..—
деганини эшитдим.

Хўжайка нималардир деб жавоб берди. Яна полиция-
чининг:

— Эри ишламайди дейсизми?— деган товуши эши-
тилди.— Ҳозир уйдами?

«Ана холос, иш чатоқ бўлди-ку»— деб ўйладим.

— Ҳозир, қаёққадир, чиқиб кетувди...— деб жавоб
берди хўжайка.

Мен ўзимни бир оз енгил ҳис этдим ва яхшики, бир
амаллаб бўлса ҳам ижара ҳақини вақтида тўлаганман-а,
деб ўйладим.

— Ҳа майли, мен бирпасдан кейин келарман, ўшан-
да батафсил гаплашамиз...— деди-да, полициячи эшикка
қараб юргандек бўлди.

Урин устида ўтирар эканман: «Тўёғингни шиқилла-
тиб, жўнаб қол» деб қўйдим ичимда. Эшикнинг ғирчил-
лаб очилгани эшитилди ва шу пайт яна полициячининг
товуши қулоғимга чалинди.

— Ҳозирги замонда жуда эҳтиёт бўлиш керак... Тек-
шириб қарасанг, кўпинча турувчиларнинг «қизил» экан-
лиги маълум бўлиб қолади...

Бу сўзларни эшитдим-у, турган жойимда қотиб қол-
дим.

— Нима дедингиз?— деб қайта сўради хўжайка.

Полициячи нимадир жавоб берди, лекин мен англай
олмадим. Балки хўжайкага «қизиллар» ким эканлигини
тушунтиргандир. Текширув мазмунидан қандайдир
шубҳа борлиги сезилиб турар эди.

Шу куни учрашувдан қайтиб келаётганимда уйимиз
ёнидаги кичкина магазинчага полициячининг уй дафтари-
ни қўлтиқлаб кириб кетганини кўриб қолдим. Уша кўча-
дан бир квартал ҳам йўл юрмасимдан ён кўчадан яна
полициячилар чиқиб қолди. Бу гал улар икки киши
эди, уларнинг ҳам қўлтиқларида уй дафтари бор эди.
Кейинроқ С. билан учрашганимда полициячининг эрта-
лабки қадам равижидаси ҳақида гапирган эдим: у менга

сергак бўлиб туришимиз кераклигини айтиб, афтидан, полиция шахсий уйларда ижарада турувчиларни ялписига текширувдан ўтказадиган бўлган бўлса керак, деди. Полициячининг эрталабки келиши шу тайёргарликнинг бошланиши эканлиги турган гап.

— Душманлар неча бор бизнинг партиямизни «йўқ қилинди, унинг асоси янчилди», деб эълон қилдилар. Улар кўп тиражли газеталари орқали бу ҳақда жар солиб, йўлдан озган ишчиларни ўзларига оғдиришга, партиянинг оммага таъсир кучини сингдиришга уриндилар. Лекин улар кучлари борица бақириб: партия йўқ бўлди, деб эълон қилиб улгурмаслариданоқ, яна ҳамма ёқда партия иши авж олиб кетарди. Душман партиямизнинг ишини бузишга, уни йўқотишга қанча уринмасин, барибир, уни бузишга, йўқотишга кучсизлик қиларди. Айниқса уруш бошлангандан сўнг, нима қилиб бўлса-да, партияни кучсизлаштириш мақсадида 1 май ёки 1 август (урушга қарши халқаро кун) каби оммавий ҳаракатлар арафасида турли хил қабих йўлларни қўллаб кўрдилар. Бунинг учун улар бор имкониятларидан фойдаландилар, давлат ихтиёридаги ҳамма воситаларни ишга солдилар. Улар, биз партияни назар-писанд қилмаймиз, унга ҳеч эътибор бермаймиз, деб сўзда шундай деб ишонтирмоқчи бўлдилар, лекин бу ҳаракатлари, бу таъқиблари уларнинг ўзларини фош этади,— партиядан уларнинг даг-даг титрашидан, энг даҳшатли душманлигидан далолат беради, холос.

С. менга мамлакатимиздан ташқарида чиқадиган бир газета Япония компартиясини «ўзи кичкина-ю, лекин жанговар партия» деб ёзганини айтиб берган эди. Канда Хакудзан тарихи сингари ўтиб кетган нарсалардан гап сотишни яхши кўрган Суямадан фарқ қилувчи С. бу каби янгиликларни жуда яхши биларди. «Ҳақиқатан ҳам бу кичкина, лекин жанговар партия шундай кучга эгаки, ҳатто бутун бошли давлат машинасининг сиқувига ҳам бардош бера олади...— деган эди у.— Бардош беришгина эмас, ҳатто бу сиқувга қарши иш кўришга ҳам қодир!...» Шундан кейин у, бизга қараганда чексиз куч-қудратга ва имкониятга эга бўлган душман бу «кичкина, лекин жанговар партиянинг» асосини йўқ қилиш учун бор кучини ишга солишга мажбур, деган эди. Мана шунинг учун ҳам биз партиянинг оддий, кўзга кўринмас

аъзолари шуни доим эсда тутиб, партия иши учун ифтихор ҳисси ва масъулият билан ишлашимиз зарур, «Бу олижаноб ифтихордир!» деди шунда у ва биз иккала-миз ўша минутларда ўзимизни ҳақиқатан ҳам бахтиёр ҳис этдик.

Мана шу жавобгарлик ҳисси ҳозир энди тутиб олиш-ларига асло йўл қўйма, деб уқдириб тургандай эди.

Квартирангда аҳвол шунақа бўлса, бундан ёмонроқ хавф бўлмаса керак. Ахир, биз учаламиз: Суяма, Ито ва мен — Курата заводи ишчиларини 1 Май арафасида қўзғатмоқчи эдик. Олти юз одамни бўшатиш учун тайёр-гарлик кўриляётгани ҳисобга олинса, дадил ҳаракат қил-сак, иш бошлашимиз учун шароит қулай эди. Шундай бир пайтда полиция қўлига тушиб бўларканми! Бу ҳақи-қий сотқинлик бўлади-ку!

С. менга кейинги пайтларда ёстиғининг тагига икки-та дзори ва таёқча қўйиб ётадиган бўлганини айтган эди. Йўлда кетаётганимизда шу гап эсимга тушиб қо-либ, ҳар эҳтимолга қарши дераза тагидаги томга қўйиб қўйиш учун мен ҳам бир жуфт дзори олдим; аллақачон-лар, шундай қилмоқчи эдим-у, лекин бу ниятимни амал-га ошира олмаган эдим.

Суяманинг қоматини олисдан кўрдим-у, донг қотиб қолдим — бошининг ҳаммаси бинт билан ўралган, бир оёқлаб оқсоқланиб келарди.

— Кўргулигимни кўрдим! — деди у қўли билан бинт ўраб ташланган бошини кўрсатиб. Жароҳати қаттиқ оғриганидан у бугун учрашувга келмасликка қарор қилибди-ю, лекин намоёиш арафасида алоқани узиб қўйиш мумкин эмаслигидан бир амаллаб келибди.

Бу гап биз кўча-кўйда юрмадик, закускахонага кириб қўя қолдик. Суяма нима бўлганини батафсил гапириб берди.

Полициячилар пости керакли натижа беролмаётга-нини кўргач, завод бошқармаси «қизилларга ов» қилиш учун «ичдан», яъни ўз кучларидан фойдаланишга қарор қилибди, бунинг учун Ацута ва Киёкава бошчилигида «Дўстлик союзи»нинг аъзоларини ҳамда «Резервистлар союзи»даги ёш йигитларни сафарбар қилибди.

Бизнинг «Противогаз» газетамиз ва варақаларимиз уларнинг барча ҳийла-найрангларини тезлик билан фош этарди. Хўжайинлар роса жигибийрон бўлишди.

Кейинги кунларда компания яна армияга «садақа»

тўплашга киришди. Бу нарса заводда «бирдамлик муҳити»ни вужудга келтириш мақсадида қилинаётган эди. Хўжайинлар бу йўл билан заводга «қизилларнинг» кириб олишларидан ўзларини амин қилмоқчи бўлдилар. «Императорга садоқат, ватанга муҳаббат»ми, хуллас уларга ҳар нарса қўл келаверарди, ишқилиб, уларга хизмат қилса, фойда келтирса бас. Садақа йиғишни ишчи коржомасини кийиб олиб, парашют цехидаги бир қизнинг ёнидан «Противогаз» газетасини топиб олганлари учун уни калтаклаган ўша «Резервистлар союзи»даги йигитлар таклиф этишган эди.

Суяма «Дўстлик союзи» вакили Ацута ва Киёкаваларнинг ҳақиқий башараларини халқ олдида очиб ташлаш учун армияга садақа тўплаш кампаниясидан фойдаланмоқчи бўлди. Гарчи «Роното»¹ партияси ҳам демократик партия деб аталса-да, гўё урушга қарши чиқаётган бўлса-да, лекин амалда ишчилар манфаатини мутлақо ҳимоя қилмаслигини, сўздагина, хўжа кўрсинга имперналистик урушга қарши чиқишини ҳаммага тушунтириш керак эди. Ишчилар синфи буржуазиянинг турли хил найрангларининг ҳақиқий моҳиятини тушунишлари учун, урушга қарши муваффақиятли кураш олиб бора олиши учун биринчи навбатда ўнг оппортунистлар бошчилик қилаётган «Дўстлик союзи» каби иттифоқчиларнинг ниқобини йиртиб ташлаш зарур (улар четдан қараганда иттифоқчилар бўлиб кўринишлари мумкин).

Суяма Киёкавадан садақа масаласини «Дўстлик союзи»нинг умумий мажлисида муҳокама қилишни таклиф қилди. Ўзи бўлса дўстлари ва Итонинг дугоналари ёрдами билан бу муҳокамага ҳамма ишчиларни жалб этиш мумкин бўладиган тус беришга қарор қилди.

Суяма билан Ито мажлисга келишганида ишчилар ўртасида «Ёшлар союзи»дан бўлган йигитларнинг ҳам юрганини кўришиб ҳайрон бўлишди.

«Дўстлик союзи»га кўпроқ эътибор беришимизнинг сабаби шу эдики, ундагиларнинг кўп қисми доимий ишчилар эди. Суяма ва Итоларнинг дўстлари ичида эса доимий ишчилар бир-иккитагина эди, холос. Биз доимий ишчиларни ўз томонимизга оғдириб, уларнинг хайрихоҳ-

¹ «Роното» «Ишчи-деҳқонлар партияси» деб аталувчи, сўл социалистлар партияси. (Гаржимон.)

лигини қозонишимиз зарур эканлигини доим эсимизда тутар эдик, аммо бу жиҳатдан ишимиз жуда оқсар эди. «Дўстлик союзи» аъзолари ҳам кўп нарсани нотўғри тушунар эдилар. Агар шу мажлисда ҳақиқат кимнинг томонида: Суяма томонидами ёки Киёкава томонида эканини далиллар билан исботлай оладиган бўлсак, уларни ўз томонимизга оғдириб олиш имкониятига эга бўлар эдик.

Уруш бошланганига ярим йил бўлиб қолганига қарамай, шунча вақт ичида «Дўстлик союзи» ҳаммаси бўлиб атиги бир-икки мартагина умумий мажлис чақирибди. Бу жиҳатдан союзнинг кўпгина аъзолари ҳам норозилик билдиришган эди. Суяма биринчи навбатда ана шу одамларни ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлди. У ўз сўзини, ҳозир, қанча-қанча ишчи ва деҳқонлар зўрлаб урушга олиб кетилаётган бир вақтда, мамлакат ичида бўлса меҳнаткашларни сиқиб сувини ичишаётган бир пайтда, «Дўстлик союзи» биронта ҳам ҳақиқий, уюшқоқлик билан умумий мажлис ўтказмади, деб бошлабди.

— Бу,— дебди Суяма,— ҳақиқий сотқинликдир!

Бир қанча одам унинг сўзини маъқуллабди. Аммо, кейин қатъий пайт келганда улар иккилана бошлабдилар. Лекин мен сингари Суяма ҳам, реакцион профсоюз лидерларини фош этиб келганлардан эди. Уларнинг «иш методлари» ва «усуллари» бизга маълум бўлгани учун, иккаламиз оддий профсоюз аъзоларининг ишга аралашини нималигини яхши билардик. Суяма буларни айтиб берганида беихтиёр кулиб юборибман. Суяма ҳам менга қўшилишиб кулди-ю, лекин шу заҳотиёқ бойланган юзини ушлаб:

— Жуда оғриб кетди! — деб юборди.

Шундай қилиб, мажлисда армияга атаб садақа йиғиш масаласини муҳокама қила бошлабдилар. Киёкава сўз олиб, ҳозир Маньчжурияда жанг қилаётган солдатлар ҳам бизга ўхшаган ишчи ва деҳқонлар, бу солдатлар биз билан бирга ишлаган дўстларимиз. Шунинг учун ҳам союз бу мажлисни пролетар бирдамлигининг ифодаси деб қараганидан, ёрдам йиғишга ҳеч қандай қаршилик бўлиши мумкин эмас деб билади, дебди. Одамлар индамасдан бошларини қуйи солганча тураверишибди.

— Ўртоқларимиз корхоналарда ишлаган пайтларида капиталистлар уларни эксплуатация қилардилар, энди

урушда улар душман ўқидан ҳалок бўлаётибдилар. Ахир уларга биз ёрдам бермасак, ким ёрдам беради?..— деб Киёкава вайсай берибди.— Менимча, биз чақирқиққа жавобан армия учун пул тўплай оламиз. Бунинг нимаси ёмон, ахир!..— деб хулоса ясаган экан, бу гал ҳамма маъқуллаб, унинг айтганларига кўнгандек бошнинг қимирлатиб қўйибди.

Ана шундан кейин Ито гапга аралашибди.

— Буни қаранг, нима деган гап бўляпти...— деб бошлабди у ташвишланган қиёфада пешонасини тириштириб.

Кези келганда шунини айтишим керакки, «Дўстлик союзи»да ўндан ортиқ аёл бўлишга қарамай, улар бирон марта ҳам мажлисга қатнашган эмасдилар. Бу мажлисга ҳам фақат олтига аёл қатнашарди, буларни ҳам келишга Ито кўндирган экан. «Дўстлик союзи» мажлисига олти аёлнинг қатнашиши камдан-кам учрайдиган воқиа эди. Лекин аёлларнинг мажлисда сўзга чиқиши «Дўстлик союзи» тарихида бўлмаган воқиа эди. Ҳамманинг бирдан унга қараб қолгани шу важдан эди.

— Киёкава-саннинг сўзларини эшитганингда худди ҳақиқатдек туюлади,— деб давом этибди у,— лекин гапнинг пўсткалласини айтганда, унинг сўзлари худди ҳарбий министрининг нутқига ўхшаб кетади-я...

Ҳамма кулиб юборибди.

— Киёкава-саннинг ўзи ҳам, бошқа бирон кимса ҳам, барчамиз ҳам, ҳозирги уруш бизга эмас, капиталистлар ва помешчикларга фойда келтиришини жуда яхши биламиз. Бу уруш ҳамманинг ишчилар, ишсизлар, камбағал деҳқонлар фойдаси учун олиб борилаётган уруш бўлганда эди, ҳаммамиз бор пулимизни, ҳатто охириги тийинимизни ҳам армияга ёрдам учун берган бўлар эдик. Охириги кўйлагимизни ечиб берардик... Лекин бу уруш бунақанги уруш эмас-да!

Ито тамомлаб улгурмасданоқ «Ёшлар союзи»дан бўлган йигитлар унга халақит бериш мақсадида шовқин-сурон кўтара бошлабдилар. Шундан кейин Суяма унинг гапини қувватлаш учун Киёкава-саннинг айтган сўзларидан фойдаланиб:

— Тўғри, биз ишчиларни капиталистлар заводда эксплуатация қиладилар, капиталистларга керак бўлмай қолсак, дарров ишдан ҳайдайдилар; уруш бошлангудек бўлса-чи, биринчи навбатда фронтга — ўлимга биз-

ни жўнатадилар. Бизга ҳамиша капиталистлар учун қурбон бўлишгина насиб бўлади. Пул тўплашдан гап жетар экан, демак биз эмас, улар пул чиқаришсин! — дебди Суяма. Ҳамма бу гап ҳам тўғри деб, маъқуллагандай бу гал ҳам бошини қимирлатиб қўйибди.

— Улар бизни уруш учун пул беришга мажбур қилмоқчилар, — деб давом этибди Суяма, — ҳўш, бунинг улар учун нима зарурати бор? Бу ҳийлани ишлатишларидан мақсад шуки, улар кейинроқ бориб уруш бизнинг оладиган фойдамиз учун эмас, балки умумхалқ манфаати учун олиб бориляпти деб айтмоқчи бўладилар, албатта.

Шундан кейин Ито, Суяманинг сўзини давом этдириб, уруш бошлангандан бери ҳаётимиз ҳеч бир яхшилангани йўқлиги ва бошқа шунга ўхшашлар тўғрисида гапирибди.

Муҳокама бу томонга бурилиб кетганидан кейин Киёкава ўз шериклари билан ҳужумга ўтишдан ожиз бўлиб қолибди. «Ёшлар союзи»дан бўлган йнгитлар ҳам энди унга ёрдам бериша олмабди. Аммо биз бундай социал-фашистларнинг ҳақиқий башараларини билардик: улар асосий найрангбозликларини омма олдида эмас, балки улардан яшириб кўрсатишга ҳаракат қилишарди, шунинг учун ҳам биз биргина шу мажлиснинг натижаларига асосланиб туриб, катта ютуққа эга бўлдик деб ўйласак, жуда катта хато бўлишини тушунардик.

Одамлар мажлисдан тарқаб кетганларида «Ёшлар союзи»дан бир қанча одам Суямага:

— И-йе, дарвоқе сен «қизил» экансан-ку! Қани, бир минутга бу ёққа кел-чи! — дебди.

У ён кўчага қайрилишга улгурмасданоқ, улар ёпирилиб, калтаклашга тушибдилар.

— Улар уч киши эди. Хўп калтаклашди! — деб кулиб гапириб берди Суяма.

У Ито орқали кечаги мажлисда қатнашган «Дўстлик союзи»нинг ҳамма аъзоларига муюлишдан туриб қилинган бу хойнона ҳужум ҳақида хабар бермоқчи бўлди. Шундай қилинса, ҳақиқат ким тарафида эканини улар бошқа ҳар қандай далиллардан яхшироқ билиб олар эдилар.

Суяма билан кўришганимдан бир соат кейин Ито билан учрашдим. У армияга ёрдам бериш масаласида

қандай уруш чиқиб кетганини ҳамма ундан жуда қизиқиб сўраганини айтди. Шундай қилиб, ёрдамнинг маънисини ҳақида гаплашиб олишга янги ва қулай баҳона бўлганлигидан Ито жуда хурсанд эди. Бу ёрдамнинг асл маъносини кенгроқ қилиб, ҳаммага тушунарли сўзлар билан тушунтира олмаганидан Ито ташвишланиб юрарди, энди билса, заводдаги қийин ва оғир ишнинг ўзи ҳар қандай далиллардан кучлироқ таъсир этар экан. Шунча азоб-уқубат устига яна ишчиларнинг пулидан ҳам шилиб олмоқчи бўлишганини билиб, ишчиларнинг, Ито айтмоқчи, «тарвузлари қўлтиқларидан тушиб кетди». Шу ваздан компания маъмуриятининг ёрдам пули йиғиш ниятлари пучга чиқди.

— Назаримда Суямага ҳужум қилганларидан кейин заводда унинг обрўси бирдан кўтарилиб кетди; ҳалиги воқиа ҳаммани ҳаяжонга солиб қўйди. Лекин мас-тер унга ёмон кўз билан қарайдиган бўлиб қолди ва бу ҳол унинг учун хавфли...— деди Ито менга. Ёрдам пули йиғишни ўйлаб чиқаришдан бирон ёмон ниятлари борга ўхшайди. Компания «қизил»ларни аниқлаш ва билиб олиш учун шундай қилган бўлмасин яна,— деб қўшиб қўйди у.

Унинг тахмини тўғрига ўхшарди, мен ҳам бу фикрга қўшилдим. Шундан кейин у:

— Биз тузоққа илинганга ўхшаймиз... деди.

Бу сўзларни паришонлик билан айтиши мени жуда ҳайратда қолдирди, ахир, Ито оғир табиатли аёл эди-ку.

— Йўқ, сен хато қиялсан!— деб эътироз билдирдим мен.— Ахир, ўнлаб одамлар ҳақиқат ким томонида эканини кўриб олишди! Шу билан бирга, «Дўстлик союзи»га ҳам таъсиримизни кучайтириб олдик. Бу катта гап. Агар шу таъсиримизни мустаҳкамлаб ола билсак, биз жуда катта натижага эришганимиз бўлади. Ҳар қандай ишда ҳам қурбон бўлади... Лекин булар ҳаммаси охириги, ҳал этувчи пайтда албатта иш беради.

Ито бирдан қизариб:

— Тушундим! Албатта, шундай! Тушуниб турибман!— деди ва ўзининг одатдаги жиддий қараши билан гапимни маъқуллаб, бир қанча марта калласини силки-тиб қўйди.

— Бизга ҳам қуёшнинг кулиб боққан куни бўлар!— деб кулиб қўйдим.— Майли, ҳозирча Суяма калтак еган

бўлса ебди-да, бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлиб қолар!

Ито илжайиб қўйди.

Кейин у ўз группаси билан Цукидзининг «Кичкина театри»¹га борганлигини айтди. Бутун ишчи аёллар театр деганда «Кабуки»² ёки артистка Яэко Митани спектаклини тушунишар экан. Шунинг учун ҳам қизлар сахнада эркак ва хотин ишчилар пайдо бўлиб, жонли ҳаракат бошланиб кетганини кўрганларида жуда ҳайратда қолишибди. Спектакль тамом бўлганда ҳаммалари бу «театр эмас» дейишган экан, Ито: «бўлмаса нима экан» деб сўрабди. «Ҳаммаси худди ҳаётдагининг ўзи-ку» — деб жавоб беришибди қизлар. Ито: «Қизик эканми?» — деб сўраган экан: тўғри жавоб беришдан бўйин товлаб: «ҳа, қандай деса бўларкин...» деб жавоб беришибди. Томоша ҳар ҳолда уларга таъсир қилган шекилли, эртасига яланг Цукидзи театридан гап очила берибди.

Ўзини Итога яқин тутиб юрадиган кичкинтой Кимиян:

— Мени ишчи деб айтишганда бирам уяламани... Бу театрда бўлса, ишчи аёллар, аксинча, ўз ишлари билан фахрланар эканлар... Менимча, ҳаётда бундай бўлмаса керак!.. — дебди. Бир оздан сўнг яна: — Агар иш ташлаш бошланадиган бўлса, бошқалардан қолишмасдим, мен ҳам бошимни баланд кўтариб юардим!.. Лекин шундай бўлса-да, қўни-қўшнилар фабрика ишчиси деб тилга олса одам жуда уялади, дебди.

Ито дугоналаридан: «Хўш, яна бормай:изми?» — деб таклиф этган экан, улар рози бўлишибди. «Чуки бу театрда, — дейишибди улар, — ишчилар бизнинг мастеримизга ўхшаганларини боплаб адабини беришар экан...»

Ито бепарвогина жавоб бериб, бизларни, барибир, яқинда ишдан бўшатиб юборишади; агар бундан кейин ҳам шу зайлда жим ўтира берсак, ишдан бўшатишда ёрдам ҳам ололмаймиз; агар ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб уларга қарши чиқсак, иш ташлаш уюштирсак,

¹ Цукидзининг «Кичкина театри» — Японияда ўттинчи йиллардаги илғор театр санъатининг ривожига катта роль ўйнаган прогрессив театр (Таржимон.)

² «Кабуки» — XVII аср бошида ташкил этилган Япон классик театри (Таржимон.)

театрда кўрсатганларидек мастерларнинг таъзирини бериб қўйсак, қандай бўларкин? Нима дейсизлар?— дебди.

Бу фикр ҳаммага маъқул тушибди. Қизлар бир-бирларига илжайиб: «Жуда ажойиб иш бўларди-да» — деб қўйишибди ва ҳаммаси барабарига гапириб, мастернинг қандай адабни беришдан гап очишибди.

Ито уларнинг гапларига қулоқ солиб турса, Цукидзэ театри саҳнасида кўрсатилган йўлдан бормоқчи бўлганликларини ўзлари ҳам билмай қолишибди.

Итонинг таъсири остида унинг группасига «Дўстлик союзи»даги доимий аёл ишчилардан уч киши қўшилди. Бу аёллар ошкора иш кўрувчи профсоюз ташкилотидаги аҳволни билар ва ижтимоий-сиёсий терминология билан бир қадар таниш эдилар, шу сабабли улар Ито группасидаги қизларнинг хаёлларига ҳам келмайдиган сўз ва ибораларни кўп ишлатардилар. Дастлабки кунларда бу нарса улар билан вақтинча ишчиларнинг бир-бирларидан ётсирашига сабаб бўлди. Улар ўртасидаги муносабатни яхшилаш учун Итонинг турли йўл, имкониятларни ўйлаб топиши лозим бўлди. Ито менга:

— Иш китобда ёзилгандек силлиқ бормаяпти...— деб илжайиб ҳикоя қилди.

Биз ячейканинг мажлис кунини белгиладик. Ито мажлисбоп жой топишни ваъда қилди. Қатъий ҳаракатга тайёргарлик кўрадиган вақт ҳам келди.

— Сиз ҳали ҳам бақлажон билан кун кўряпсизми?— деб сўради Ито.

— Ҳа,— деб кулиб қўйдим мен.— Ҳечқиси йўқ, бақлажон менга фойда қиляпти.

Ито белбоғининг қати орасидан кичкина қилиб букланган қоғоз олиб менга берди. Бу унинг ҳисоботи бўлса керак, деган хаёлда чўнтагимга солиб қўйдим.

Уйда очиб қарасам пул экан — беш иенлик қоғоз пулни юпқа қоғозга ўраб қўйган экан.

САККИЗИНЧИ БОБ

Касавара кичкина чойхонага официантликка кирди.

Қатъий бир қарорга келганимиздан кейин, унга юрагим ачиди. Ҳар ҳолда ўртоқларимизнинг бир амаллаб кун кечирриш учун чойхона ёки шунга ўхшаган бошқа муассасаларга ишга киришга мажбур бўлишлари жуда хавфли нарса-да. Улар ўзларига қанчалик эҳтиёт бўл-

масинлар, барибир, ўша муҳит таъсирига берилиб кетганларини бйлмай қоладилар ва тез кун ичида ўзгариб кетадилар. Балиққа сув қанчалик зарур бўлса, бизни ўраб олган муҳитнинг ҳам бизга шунчалик катта аҳамияти бор. Бизнинг хотин-ўртоқларимиз биттагина қоринларини тўйғазиш учун (бир хил пайтлари эркак ҳам, аёл ҳам партия топшириғини бажарадиган бўлса, иккаласининг ҳам очдан ўлмаслиги учун), чойхонага ишга киради. Касавара ҳам ишга шундай кияпти, ҳолбуки у биз каби иродали эмас, борган сари пассивлашиб кетиши турган гап.

Бизнинг ҳаракатимизга Касаваранинг ҳеч хуши бўлмаса-да, лекин ҳарна қилиб бўлса ҳам, ишимни давом эттиришимга имкон топишим лозим эди, шу сабабли кўнгил бўшлик қилишга ҳақим йўқ эди.

Касавара ишга аввал уйдан қатнамоқчи бўлди. Иш оғир бўлганлигидан уйга чарчаб, ҳориб кечаси алламаҳалда қайтиб келди. Қўлидаги сумкасини бир четга ирғитиб, жой танлаб ҳам ўтирмасдан букчайганча бўйрага ўтириб олди. Гаплашгиси ҳам келмасди. Бир оздан кейин индамасдан мен томонга оёғини узатди. Ҳайрон бўлиб унга қарадим-да, оёғини ушлаб кўрдим. Тизза ва тўпиқлари шишиб кетган; оёғини йиғиб олай деган эди, тиззасидан қирс этган товуш эшитилди. Шунда мен:

— Куни билан тик оёқда юриш... ҳазил гап эмас, албатта!— деб юбордим.

Мен унга Итодан эшитган бир тўқимачилик фабрикаси ҳақида гапириб бердим. Бу фабрикадаги аёллар доим тик тураверганларидан оёқлари шишиб, охири станок олдида туришга мадорлари қолмас экан. Қизлар ўтириб олса, белларига этик билан тепиб, ишлашга мажбур қилар эканлар. Шуларни Касаварага ҳикоя қилиб бердим. Яна ҳамма азоб-уқубат фақат менинг бошимда экан деб ўйлама, бу азоблардан фақат бир ўзим қутулиб, озод бўламан деб йўл қидиришга ҳақинг ҳам йўқ, дедим. Оғир, толиқтирувчи меҳнат — бутун пролетариатнинг қисмати эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Касавара менинг сўзимни жим эшитиб ўтирар экан, бир оздан сўнг:

— Ҳа, тўғри айтасиз,— деб қўйди.

Мен Касаварани анчадан бери эркалашга ҳам қўлим тегмасди, тиззамга олиб, нозик елкасидан қучган эдим, бағримга кириб кўзини юмганича қимир этмай ўтирди.

Кейин Касавара ишлайдиган жойида ётиб қоладиган бўлди. Чойхона, афтидан, жазманлари бор бир хотинга қарашли бўлса керак. Чойхона хўжайкасининг уйи кечаси ёлғиз қолдиришга кўнгли бўлмасди; бундан ташқари, Касавара шу ерда, маоши ҳисобидан овқатланарди. Касавара квартира эгаларига: бир қанча кунга юртимга кетаётибман деб маълум қилгандан сўнг, ошхонага кўчиб борди. Унинг хўжайкаси маълумотли аёл бўлиб, у ё ўқитувчилар институтини, ё хотин-қизлар колледжини тамомлаган бўлса керак, инглиз тилини жуда яхши биларкан. Унинг бир қанча (учта бўлса керак) ўйнаши бор экан, галма-гал уларникида тунаб, уйга эрталаб қайтиб келар экан. Биттаси университет профессори, бири машҳур ёзувчи ва яна бири киноартист экан. Хўжайка уларникидан қайтиб келганидан сўнг ҳамма бўлиб ўтган ишларнинг икир-чикирларига қадар ҳикоя қилар, ўйнашларининг фазилати ва камчиликларини барала таққослаганида Касавара уялиб, ўзини қаёққа қўярини билмас экан. Шундан кейин хўжайка ётиб, соат икки-учларга қадар ухлар экан.

Мен эрталаб уйда ейишга овқат бўлмаган кунлари чойхонага борардим. Бу вақтларда овқатланувчилар жуда кам бўларди. Касавара нонушта тайёрлаб турган вақтда қориним ёрилгунча овқат ердим. У дастлаб бундан уялиб юрди-ю, лекин кейин-кейин ўрганиб кетди: «Бе, биз еган билан унинг давлати камаярмиди» дейдиган бўлди.

Ошхонанинг ўчоқ бошиси кичкина, тор ва зах эди. Мен чўққайиб ўтириб овқатни апил-тапил еб битирардим. Касавара:

— Афти-ангорингга қара!— дерди. У юқорида ухлаб ётган хўжайкани уйғотиб қўйишдан қўрқиб, овозини чиқармай гапирарди.

Лекин Касавара чиндан ҳам жуда ёмон муҳитда ишларди. Хўжайканинг кечирадиган кунлари ҳам, келувчилар ҳам—ҳаммаси ярамас одамлар эди. Аёллар хизмат қиладиган чойхонага келувчилар фақат чой ичишга келмас эдилар: уларнинг ичиде аёлларга тегишишни яхши кўрадиганлари ҳам жуда кўп бўларди. Буларнинг ҳаммасига чидаш, кўникиш керак эди. Қараб юрсам, бу шароит Касаваранинг жонига тегяпти. Мен уни бутунлай ўз ҳолига ташлаб ҳам қўя олмасдим. Имкон бўлганда унга ҳар турли китоблар олиб борардим, бутун

нотиклик санъатимни ишга солиб суҳбатлашардим, кўп нарсаларни тушунтирардим. Аммо бу суҳбатлар, уни аввалгидан ҳам оғирроқ ташвишга солиб қўярди; у бизни ўраб олган муҳит тўғрисида яхшилаб ўйлаб кўрмайдиган бўлиб қолганди.

Айтмоқчи, Касаварага кўп вақт беришга менда имконият ҳам йўқ эди, чунки зиммамдаги ишларни кечиктириб бўлмасди. Курата заводида шаронг кун сайин етилиб, аҳвол тобора оғирлашиб борганлигидан, мен Касаваранинг олдига фақат овқат ейиш ва электричкага озроқ пул олиш учунгина борадиган бўлиб қолдим. Ишлар борган сайин кўпайиб мушкуллашди; мен район, участка, завод ячейкаси топшириқларини бажарар эдим. Бир хил пайтлари бир кун ичида ўн икки-ўн учталаб учрашувларга боришим керак бўлиб қолди. Бундай пайтларда уйдан эрталаб соат тўққизда чиқиб, кечки соат ўнларда қайтар эдим. Уйга қайтаётганимда чарчаганимдан бўйинларим таёқдек қотиб қолганга, бошим қаттиқ оғриганидан ёрилиб кетаётганга ўхшарди. Зинадан бир амаллаб чиқиб, ечимасданоқ бўйрага мук тушиб ётиб олардим. Ҳаддан ташқари чарчаганлигимдан бўлса керак, аъзойимнинг бирор жойи ишдан чиққанга ўхшарди ва мен мадорсиз болалардек шу заҳотнёқ бўйрага юзимни қўйганимча ухлаб қолардим. Ақита вилоятининг деҳқони бўлган отамнинг ҳам ана шу тарзда ухлаб қоладиган одати эсимда: кўпинча даладан кела солиб кавшандоздан ўтар-ўтмас оёғидаги лойга қоришиб кетган похол чиппагини ҳам ечмай, муккаси билан ўзини ташлаганича, эртасига пешинга қадар ухларди. Отам ана шу зайлда ишлаб соғлиғининг мазаси кетди. Ижара ҳақи жуда қиммат бўлганлигидан, ижарага олган ердан ташқари, бўш ётган, бошқа деҳқонлар ташлаб кетган тошлоқ бир ерга экин эймоқчи бўлиб, текислай бошлаган эди. Отам бу тошлоқ ердан ҳеч бўлмаса тирикчилик учун бир озгина ҳосил олмоқчи бўлган эди. У охирида юрагини ишдан чиқариб қўйди... Бўйрага аранг етиб олиб, уйқуга кетар эканман, борган сари отамга ўхшаб бораётганимни ҳис эта бошладим. Лекин отам помешчикдан ижара ҳақини камайтишни талаб қилишни, ҳатто, ўйлаб ҳам кўрган эмас, аксинча, у бу аҳволдан қутулиш йўлини меҳнатдан қидирар эди. Ана шундай ишлаб, охири соғлиғидан айрилди. Бунга йиғирма йилдан ошиб кетди. Ҳозир аҳ-

вол бошқача — мен отамга ўхшамайман! Ҳа, мен ҳатто жонажон онамни ташлаб кетдим, онам ва акам билан бутунлай алоқамни уздим, ҳозир эса Касавара билан муносабатимни ҳам бу иш учун қурбон қилдим. Бу камлик қилгандек, соғлиғимга ҳам шикаст етказдим. Лекин буларнинг ҳаммаси отамга ўхшаб помешчик ва капиталистларга янада кўпроқ ишлаб бериш учун эмас, албатта! Ҳа, ҳақиқатан ҳам унга бутунлай зид бўлган иш учун шу йўлдан боряпман!

Ҳеч нарсам, ҳатто жиндак шахсий ҳаётим ҳам қолмади. Ҳатто йилнинг фасллари ҳам партияга бағишлаган ҳаётимнинг бир қисми бўлиб қолди. Йилнинг аниқ бир пайтида очилувчи гуллар ва гулловчи дарахтлар ҳам, табиат манзаралари ҳам, мовий осмон ҳам, ёмғир ҳам — ҳаммасининг менга ҳеч қандай аҳамияти йўқлиги турган гап. Агар ёмғир ёғаётган бўлса, мен жуда хурсанд бўламан, чунки учрашувга зонтик тутиб бориш мумкин бўлади, мени бировнинг таниб қолиш хавфи камаяди. Ёз тезроқ ўтиб кетсаяди, деб тураман. Лекин бу ёзни ёмон кўрганлигим сабабли эмас — ёзда юлқагина кимоно кийиб юришга тўғри келишидан, ҳаммасидан ҳам қадам ташлашим (шу ҳам жуда жонга тегдида) айтиқса таниш бўлиб қолган. Қиш тушаётган пайтда мен хурсанд бўлиб: «Мана, яна бир йил яшайман, ҳали тани-жоним соппа-соғ, бундан кейин ҳам ишни давом этдиришим мумкин!» деб ўйлайман. Лекин шуниси ёмонки, Токиода қишда ҳаво жуда очиқ ва ёруғ бўлади, бу эса мени анча қийнаб қўяди. Менинг ҳаётим ана шу тарзда ўтади, лекин бундан табиат билан мутлақо қизиқмайди, деган маъно чиқмайди. Мен ундан тез, аксинча, аввалгидан ҳам кучлироқ таъсирланадиган бўлиб қолдим. Энди табиатдан жуда бошқача таъсирланадиган бўлиб қолдим, бунга ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Бу ўтган йили турмада ётган вақтимдаги кечинмаларимга ҳам ўхшамайди. Мен йилнинг фасллари зийраклик билан идрок қиладиган бўлганлигимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бунинг сабаби ўзимни бутунлай бағишлаган ҳозирги ҳаётим эди. Авваллари, полиция мени изма-из қидириб юрмайдиган вақтларда мен ҳам ўзимнинг бутун кучимни пролетариат озодлиги учун бағишлаган эдим, лекин шунга қарамай, ўша пайтлари менда «шахсий» ҳаёт деган, нарсадан бир оз бўлса-да, сақланиб қолган эди. Мен бир

хил пайтлари ўша вақтларда ишлаган профсоюз ташкилотларидаги ўртоқларим Асакуса ёки Синдзюку кварталларида сайр қилиб, бемалол гаплашиб юрар эдим, сиёсий ҳаётда завод партия ячейкасининг аъзоси сифатида қатнашиб турсам-да, ошкора ҳаёт кечирувчи кишида табиий пайдо бўлувчи «кишилар билан муносабат» сақланиб қолган эди; мен кинога борардим (дарвоқе, кейинги вақтларда мен дунёда кино дейдиган нарсани борлигини ҳам унутиб қўйибман!), овқат ердим, сув ичардим ва буларнинг ҳаммаси ҳаётда мени қизиқтирган нарсаларнинг кўп қисмини ташкил этарди. Шахсий ишимни деб ячейканинг ишини бир-икки кун кейинга қолдирган вақтларим ҳам кўп бўлган. Ўша пайтлари менда онгсиз равишда шуҳратпарастликка берилиш, шуҳрат қозониш каби туйғулар бор эди ва агар ячейкадаги иш менинг обрўимни оширишга хизмат қилмайдиган бўлса, кўп вақт биринчи навбатда бу ишга эмас, балки мени кўпроқ қизиқтирган ишга киришардим. Замон ўтиши билан булар ҳаммаси ўзгарди, албатта; лекин шундай бўлса-да, мен ўша вақтлар партия аъзоси сифатида сутканинг бутун йигирма тўрт соатини партия ишига бағишладим деб айтолмасдим. Аммо бунга фақат менгина айбдор эмасман. Ипсон ҳаётдан ибрат олмас экан, ўрганиб бормас экан, у тез орада боши берк кўчага кириб қолади. Бир пайтлари менга қийин туюлган, муваффақиятсиз чиққан интилишларимнинг ҳаммаси маълум ҳаёт йўлига тушиб олганимдан сўнг, бутун шахсий алоқаларим узилганидан сўнг, партия ҳаётига бўйсунмаган ҳеч қандай интилишларим қолмагандан сўнг, энди жуда табиий ва жўн амалга ошадиган бўлиб қолганини кўриб, ҳайрон ҳам бўлиб қўйдим. Авваллари бир қанча йиллар сарфланадиган ишларни энди икки-уч ой мобайнида бажара оламан. Бошда бу янги ҳаёт менга оғирроқ туюлган эди. Ёшлигимда болалар билан сув тагида ким кўпроқ сузишга кимўзар ўйнаганимизда кўкрагимда ҳосил бўлган ва сўз билан айтиш мумкин бўлмаган оғирлик ва зўрқишга ўхшаган сезги ҳамон мени тарк этмасди.

Аммо мен ҳозир ҳам унақа, айтадиган даражада чиниқмаганлигим турган гап. Ҳар хил (Суямага қараганда бошқачароқ) цитата ва мисоллар келтиришни яхши кўрувчи ўртоқ С. менинг «ҳар кун партия ишига йигирма тўрт соат вақтим кетади» деган гапимга жавобан

бир марта «киши партия учун бир кеча-кундузда йигирма саккиз соат ишлаб, шунда ҳам чарчашни билмайдиган бўлиб олиши керак» деган эди. Ушанда мен бир кеча-кундузда қандай қилиб, йигирма саккиз соат ишлаш мумкин эканига яхши тушуна олмаган эдим. Мана энди бир кунда ўн икки-ўн уч учрашувга боришим зарур бўлган вақт келувдики, у айтган сўзларнинг маъносини тушуниб олдим. Кишининг шахсий ҳаёти ўз синфининг ҳаётига, халқ ҳаётига монанд келадиган замонларни ақалли бир оз бўлса-да яқинлаштириш менинг энг катта, энг эзгу тилагим бўлиб қолди.

Курата заводидаги вақтинча ишчиларнинг бир қисминини доимий ишчи қилиб ўтказишармиш деган овоза яна кенгроқ тарқала бошлади. Кўринишдан, компания охирги воситаларни ҳам ишга солган эди.

Бу ҳийлага зарба бериш учун биз ячейка ишини янгидан кўриб чиқишимиз зарур эди. Бир қанча янги аъзолар — доимий ишчилардан битта ёш ишчини (Суяма группасидан) ва икки аёлни — битта вақтинча ишчидан, битта доимийдан (Ито группасидан) қабул қилишимиз керак эди. Бизнинг илтимосимизга биноан ўртоқлар таржимаи ҳолларини ёзиб келишди. Мен бу таржимаи ҳолларни юқори ташкилотга олиб бориб, янги аъзолар қабул қилишга рухсат олдим.

Биз заводдаги аҳвол учун бу группаларнинг аниқ вазифаларини белгиладик, шу билан бирга Суяма ва Итолар қўлга тушиб қолгудай бўлса нима қилиш кераклиги тўғрисида ҳам аниқ план туздик. Чунки, иш бир кун ҳам тўхтамай давом этиши керак! Агар шундай воқиа юз берса, ячейканинг янги аъзолари Суяма ва Итонинг ўрнига доим учрашадиган жойга келишлари кераклиги тўғрисида олдиндан келишиб олдик. Партия ходимлари ўртасидаги алоқанинг узилиб қолишига, бир оз бўлса-да саросимада қолиш сабабли мустаҳкам раҳбарлик йўлининг бир лаҳза бўлса ҳам ўзгаришига ва дарҳол қарши чоралар кўрилмаслигига йўл қўймаслик керак эди. Бу — синфий хоинликнинг ўзгинаси бўлур эди. «Дўстларимизнинг қамоққа олинганликлари сабабли алоқа узилиб, белгиланган тадбирларни бажариш мумкин бўлмади» дейиш, бундай иш услуби мағлубиятчиликдан бошқа нарса эмас. Энг аввал бошдан бизга ҳеч қандай хавф бўлмагандек ва биз ҳам уни олдиндан кўра олмагандек! Бирор кишимизнинг қўлга

тушиб қолишини илгариданоқ аниқ биламиз. Демак, биз аввал бошданоқ иккинчи, учинчи мудофаа истеҳ-комларини тайёрлаб қўйишимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам «Дўстлик союзи»даги тортишувдан кейин Суяма жуда катта хавф остида қолди. У заводга борганида, бугун бўлмаса, эртага албатта қамоққа оладилар, деган фикр бошидан кетмасди. Ишда қўлга туширишдан осони йўқ. «Қани, бир минутга бу ёққа кел-чи...» дейишади-ю, шу билан тамом! Лекин кейинги вақтларда ташкилотимиз анчагина мустаҳкамланган эди, шунинг учун ҳам Суяма заводга боришини давом этдираверди. У хавф остида юарди, албатта, лекин шу билан бирга у цехда ўз фикрларини очиқ-ойдин айтиш имкониятига ҳам эга бўлиб олган эди; ишчилар унга яхши назар билан қарашарди, унга ишонардилар ҳам.

Ойнинг охирлари яқинлашиб қолди. Афтидан, компания ишдан бўшатишни 30 ёки 31-да ўтказмоқчи. Ким-кимларнидир доимий ишчи қилиб ўтказишга ваъда берилганига қарамай, шу кунга қадар ҳеч нарса қилинмаганидан, охири ишчилар бу нарсага ишонмай қўйдилар. Мен газетамизда бир мақола бостириб, унда бу ваъдалар идора ходимларининг ҳийласи ва биринчидан, ишлаб чиқаришни ошириш учун, иккинчидан, ишдан бўшатиш пайтида кўпчилик томонидан бўладиган қаршилиқни бостириш учун қилинаётган кўзбўямачилик, деб тушунтириб ўтдим. Мақоламда айтилган фикрлар ҳақиқат эканлиги ҳаммага аён бўлиб қолди.

Заводда вақтинча ишчилар кўпчилиқни ташкил этар ва улар ташкилотимизнинг асосий суянчиғи ҳисобланарди. Ишдан бўшатилувчиларнинг рўйхати эълон қилинди дегунча заводда уюшқоқлик билан қаршилиқ кўрсатишнинг сусайиб кетиши равшан бўлиб қолди. Қолган ишларнинг ҳаммасини шу икки-уч кун ичида ҳал этиш зарур эди.

Биз янги варақа ва хабарларда урушга қарши чиқиш зарурлигини доим ёзиб турдик. Агар ишчилар ишдан бўшатишга қарши чиқсалар, унда мен ишонтириб айтаманки,— бу ўринда мен Лениннинг сўзларини шунчаки қайтараётганим йўқ,— нима учун урушга қарши чиқиш кераклигини уларга «эртақдаги каби бир зумда» тушунтира олардик. Гап айниқса қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган завод устида кетаётган бўлгани-

дан кейин, шунинг ўзи онгли, аниқ бир мақсадни кўзда тутган курашга имконият ва шароит туғдирарди.

Ячейкамизнинг янги аъзоларига — Суяма ва Ито группаларидаги ёш ишчиларга ўз цехларини бараварига «Йўқолсин, ишдан бўшатиш!» шiori остида мажлисга қўзғатиш вазифасини топшириш керак эди. Муваффақиятга эришини учун Суяма варақаларни заводда ошкора тарқатиши керак эди.

Итонинг дугоналари ичида акаси завод бошқармасида ишлайдиган бир қиз ҳам бор эди. Унинг гапидан билсак, ишдан бўшатишни 31-да эмас (илгари ишчиларнинг қулоғига турли йўллар билан шу кунни қуйиб келган эдилар), балки илгарироқ ҳаракат қилиб, бўшатиладиганларнинг рўйхатини 29-да осиб қўймоқчи бўлишибди. Барча маълумотларга қараганда, ўша кунни заводга полициягина эмас, солдатлар ҳам келиши керак экан. Шунинг учун ҳам, қандай бўлмасин, иш ташлашни 28-да бошлаб, уларнинг олдини тўсишимиз лозим эди.

Аммо Суяманинг қўлга тушиш хавфи туғилиб қолди. Ито, кейинги кунларда кўпинча оддий кийим кийиб олган полициячи идорадан чиқиб, Суяма ишлайдиган иккинчи цехга кираверишда мастер билан бир нималарни гаплашадиган бўлиб қолди, деб хабар қилди.

Ота қамалган бўлса ҳам, заводда партия варақалари тарқатила берди; бир қанча марта «Противогаз» газетаси ҳам пайдо бўлди. Полициянинг Суямага шубҳа билан қараб қолганлиги турган гап эди.

Биз, бундан ташқари, қуйидагиларни ҳам кўзда тутишимиз зарур: ишчилар компартия на худога, на шайтонга ўхшайдиган қандайдир бир мавҳум нарсa, у қаерда эканлиги номаълум, қандайдир самовий бўшлиқда — «одамлар устида» ёки аксинча, қаердадир «ер тагида» яширин ҳолда мавжуддир деб ҳисоблар эдилар (тўғрироғи уларни шундай деб ишонтиришга ҳаракат қилардилар). Ҳақиқатда эса ишчиларда партиямизга меҳр ҳисси ва ишончни уйғотиш учун, коммунистлар оддий одамлардир, масалан, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган Суяма кабилар, шу ернинг ўзида ёнма-ён туриб ишловчи одамлар эканлигини кўрсатишимиз зарур эди. Шунинг учун ҳам мен Суяма ҳамманинг кўз олдида ошкора варақа тарқатиши керак деган қарор-

га келдим. Бу иш охирги, ҳал этувчи жанг учун зарур эди — ташкилотимизда Суяма бўлмаганда ҳам, барибир, кимдир варақани очик тарқатган бўларди. Оммани курашга фақат суиқасдчилик усуллари ишлатиш билан жалб этиб бўлмайди. Яширин, махфий ташкилотимизни мустаҳкамлаш билан бирга, биз очик пропаганда йўли билан ҳам ҳаракат қилишимиз зарур.

Биз бу тadbирларни муҳокама қилиш учун ячейканинг мажлисини ўтказишга ҳозирлик кўраётган эдик. Менинг планимни ўртоқлар муҳокама қилиб, бир қарорга келишсин, деб ўйлаган эдим.

Лекин Суяма ҳақида ўйлаганимда тўсатдан юрагим ўйнаб кетди. Компартия варақасини тарқатиш... Бутун тажрибамиз шунини кўрсатардики, қўлга тушиб қолса, камиди икки-уч йил ёки бўлмаса роппа-роса беш йиллик каторга турмасига ҳукм қилинарди. Мен одатда кўчага чиқишим билан ҳар нарсалар тўғрисида хаёл суришни тезда йиғиштириб, ҳар бир нарсани синчиклаб, кўздан кечириб борардим, — бунга мен одатланиб қолган эдим, — лекин бугун бутун хаёлим Суямада бўлиб қолганини сездим. Аммо бундай фикрларга бунчалик берилиш ҳам яхши эмас! Суяманинг ўзи ҳам ҳозирги шароитимизга ҳушёрлик билан қаради, бу қарорни қонуний ва зарурий деб билиши керак эди. Бизда бошқа илож ҳам, бошқа бирон йўл ҳам йўқ. Пролетариат озодлиги учун шу йўлни босиб ўтиш керак. Шундай экан, демак, «бу ўртоққа ҳаддан ташқари қаттиққўллик бўлмасмикан» ёки: «бу яхши эмас, ўртоққа одамнинг юраги ачийди» каби мулоҳазаларни мутлақо унутиш лозим.

Шундай бўлса ҳам, мажлис бўладиган жойга етганимга қадар жуда ҳафсала билан «ён дафтар»ни чиқариб кутилмаганда цитаталар ўқиб берувчи, кўнглимизни хурсанд қилиш учун ҳазилвонлик қилувчи Суяма кўз ўнгимдан бир лаҳза ҳам кетмади.

Суяманинг қадимий ошналари билан бирининг уйида учрашадиган бўлди (илгари ҳам шу ерда бир неча марта йиғилган эдик). Қоп-қоронғи йўлакда гетани ечдим-да, қўйнимга солиб олиб, иккинчи қаватга кўтарилдим. Фира-шира ёруғда Суямага кўзим тушди.

Ито деворга суяниб олиб оёғини уқалаб ўтирарди. Мен киришим билан пешонасига тушиб турган сочини

орқага бир силкитиб, ер остидан менга қараб қўйди. Мен у билан саломлашган эдим, у бошини секин қимирлатганича жавоб қайтарди. Заводдалигида у пардозни жуда қойил қилиб юрар, мажлисларга эса ҳеч бир пардоз-андоз қилмасдан келаверарди, бунинг кераги ҳам йўқ эди. Лекин бу сафар у жуда яхши кийиниб келган ва ҳеч қачон кўзимга у қадар чиройли кўринганмасди.

— Ўртоқ Ито доимий ишчилардан бир йигит билан учрашиб ҳозиргина қайтиб келди, уни ташкилотчиликка тортмоқчи,— деб Суяма бир оз пардоз берган Итони кўрсатиб ҳазил қилди.

Ито ҳар галгидай лом-мим демай ўтираверди. Суяманинг кейинги сўзларини эшитганда эса Ито, нима сабабдандир, менга кўз қирини ташлаб қўйди.

Мажлис бошланди. Суяманинг гапларини жуда диққат билан тингладим. У, ячейкамизнинг ўтган галдаги йиғилиши қарорига биноан умум цех мажлисини тайёрлапман, заводдаги вазиятга қараганда, ишдан бўшатиш тез кунлар ичнда бўлиб қолади, шу сабабли шовшинч чоралар кўришимиз зарур деди.

Ито қўшимча қилиб, илгари айтганимдай, ишдан бўшатиш 31-да эмас, балки 29-да бўлади, шунча кўп маҳсулот тайёрлаб қўйишдики, энди ишчиларни бўшатиш ҳам мумкин, шунинг учун ҳам индиндан қолмасдан (индини 28-бўлиши керак эди) қатъий ҳаракатга ўтиш зарур деди.

Ҳаммамизнинг фикримиз бир ердан чиқди. Энди ҳамма гап бу қатъий ҳаракатни қандай, қайси йўсинда ўтказиш кераклиги устида борарди.

Суяма бир оз ўйлаб туриб:

— Тайёргарлик кўрилган, ҳамма жанговар кайфиятда, энди биздан қандай бўлмасин, биринчи қатъий қадам қўйиш, оммавий ташвиқотни уюштиришимиз талаб қилинади...— у, бир оз жим бўлиб, сўнг яна давом этди,— биз ҳақиқатан ҳам жасурлик билан ҳаракат қила оламизми ёки иккиланиб қоламизми — ғалаба қилишимиз ёки енгилишимиз ана шунга боғлиқ,— деди.

— Ҳа, бизга фақат керосинга гугурт чақишгина қолди, деб айтиш мумкин... Гап саккиз юз ишчининг тақдирини ҳақида кетяпти!— деди Ито. Унинг чехраси одатдагига қараганда ҳаяжонли эди.

— Бу кейинги кунларда,— яна сўз бошлади Суяма,— тўғриси айтсам, ичимда анча жаҳлим чиқиб

юрдим. Шу кунга қадар биз фукумотоизм¹ давридан қолган сектачиликни йўқотишга ҳаракат қилиб келдигу, аммо, кўринишидан, бу сектачилик ҳали ўзимизга жуда ёпишиб олганга ўхшайди. Яна ишчиларни курашга олантиролмаи ўтирсак-а...— Суяма менга қараб қўйди.— Биронтамиз ишчилар олдида ошкора сўзга чиқишимиз керак, акс ҳолда, менимча, бутун ишларимизни ҳақиқий кураш деб бўлмади. Бошқача айтганда, амалий ишга ўтамиз, демоқчиман. Бу асло ўтакетган «сўлчилик» ҳаракатига интилибди деган гап эмас, тўғрими ўртоқлар.— Суяма, худди биров унинг фикрлари «ўтакетган сўлчилик» деб тортишаётгандек, охириги сўзларини алоҳида таъкидлаб айтди.

Биз курашимизда догмаларга асосланмасдан, балки мавжуд шароитнинг маънисини яхши тушуниб олиб раҳбарлик қилишимиз кераклигига имоним комил эди. Шунинг учун ҳам мен муҳокаманинг тўғри йўлдан боришини жим кузатиб ўтиравердим. Шундай бўлди ҳам. Ўртоқларнинг ўзлари масалага тўғри ёндошдилар. Суяма билан Итонинг курашимиз методи масаласини ёдлаб олинган ҳақиқатларга суяниб эмас, балки завод ҳаёти ҳар соатда олдимизга кўндаланг қилиб қўяётган вазифаларни муваффақият билан бажариш зарурати асосида ҳал этганлари ҳаммадан ҳам яхши бўлди. Бу нарса уларнинг икковларини ҳам табиий тўғри тушунчага олиб келди, чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам ишчиларга яқин туриб, улар билан бир хил ҳаёт кечиришарди, яқиндан алоқада бўлардилар. Бу назариянинг практикага мос келганини кўрсатадиган ажойиб мисол эди.

Мен Суямага сенинг нуқтаи назарингни ўнг оппортунистларгина ўтакетган сўлчилик қарашлари деб айтишлари мумкин, чунки улар бу каби айб қўйиш ёрдами билан ўзларининг таслимчилик моҳиятларини, разилликлари, қўрқоқликларини ниқобламоқчи бўладилар, дедим.

— Ҳақиқатан ҳам шундай!— деб жавоб берди Суяма.

¹ Фукумотоизм — йигирманчи йиллар охирида Япония компартиясидаги сўл оғмачилик бўлиб, бу оғмачилик Япониядаги революцион ҳаракатга катта эътибор келтирган; сўл оғмачиларнинг бошлиғи Фукумотонинг номи билан шундай деб аталган. (Таржимон.)

Шундан кейин мен ўз таклифимни айтдим. Ўртага бир оз жимлик чўкди, лекин бу жимлик бир лаҳза давом қилди, холос.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман...— деб Суяма жимликни бузди. Унинг товушида бир оз ҳаяжон бор эди, шундай бўлиши турган гап эди.

Мен Суямага қараган эдим, у:

— Бунини мен қилишим керак, албатта.— деди.

Мен маъқуллаб бошимни қимирлатиб қўйдим.

Ито лом-мим демасдан қотиб қолгандек, жимгина ўтирар, гоҳ менга, гоҳ Суямага қараб қўярди. Мен ундан сўраган эдим, у:

— Ро...зи...ман...— деб жавоб берди.

Суяма бўйра устида ётган сигарета қутичасини хаёл билан бурда-бурда қилиб йиртиб ўтирарди.

Қарор қабул қилинганидан кейин ўртага жимлик чўкди. Дераза тагидан ўтаётганларнинг оёқ товушлари. кечки дўкандорларнинг бақириб-чақиришлари эшитилиб қолди.

Шундан кейин биз қиладиган ишимизнинг ҳамма икир-чикирларигача маслаҳатлашиб олдик.

Кейинги кунларда завод бошқармасидагилар газета ва варақаларни заводга хотин-қизлар олиб кираётганини тушуниб олган эдилар. Шу пайтгача уларни дарвозада парвосизлик билан текширар эдилар, энди бўлса тинтув жуда жиддий ўтказиладиган бўлди. Ҳал қилувчи кун варақани олиб кириш вазифасини Итога топширдик. У этига ёпишиб оёқларигача бекитиб турадиган резинкалик рейтуз кийиб, варақаларни рейтузга жойлаб заводга олиб кириши, унга С. ўртоқ варақаларни эрталаб иш вақтига қадар етказиб келиши, Ито бўлса уларни кўча ҳожатхонасига кириб жойлаб олиши керак эди. Заводда ҳам белгиланган вақтда ҳожатхонага кириб Суямага топшириши керак. У бўлса варақаларни дам олиш учун томга чиққан оломон ўртасига сочиб юбориши лозим эди. Ҳаракат планимиз ана шундай эди.

— Балки, шу билан анча вақтгача кўришмасак керак...— дедим мен Суямага.

— Менинг иккита ошнам бор эди...— деди у бир воқияни эслаб. Иккаласи жуда қалин дўст эди. Биттасини ўн бешинчи мартда¹ қўлга тушириб, уч йилга ҳукм қилишди. Иккинчисини эса кейинги йили, ўн олтинчи апрел-

да¹ қўлга тушириб тўрт йилга кесишди. Мартда қамалган биринчиси энди озод бўлиб келганида, яна ўтган йили қамоққа илиниб қолиб, яна уч йилга кесишди. У, дўстини кўргиси келиб унинг озодликка чиқишини бирам кутдики! Уни иккинчи марта қамаб қўйганларидан кейин у: «Демак, дийдор кўриша олмас эканмиз-да... У билан учраша олмадим... Балки доим шундай бўлар!» деган эди. Ажойиб йигитлар эди-да!— деб тамомлади ва: — балки бу сизларга айтиб бераётган охирги воқиядир!..— деб қўшиб ҳам қўйди.

Ито ҳам, мен ҳам бехосдан илжайиб қўйдик. Лекин менинг илжайишим тўғри илжайишга эмас, кўпроқ башарани буриштиришга ўхшаб кетди.

— Бошимга қандай ташвиш тушмасин, лекин ячеикамиз ҳаёт бўлса, кураш давом эта беради, унинг томири яшай беради... Аммо сен ўзинг эҳтиёт бўл, яна уларнинг панжасига илиниб қолмагин! Улар сени қўлга туширсалар борми, бутун меҳнатимиз, ҳатто менинг мана шу ишим ҳам бекорга кетади,— деди Суяма.

Бутун кўриладиган тайёргарликларни бугун белгиланганимизга мувофиқ олиб боришга қарор қилдик-да, 26-куни кечқурун яна йиғилмоқчи бўлдик. Шундан кейин: «Энди кетиш керак!» деб ўрнимиздан қўзғалдик. Шу пайт уйнинг ўртасида турганимизча Суяма билан тўсатдан қўл беришиб хайрлашдик, буни ўзим ҳам билмай қолдим.

Суяма бўлса ёш болалардек ҳайрон қолиб:

— Бу нима?.. Сасаки, қўлинг мунча кичик!— деб қўйди.

Кўчада Суяма менга онамнинг олдига кирганлигини айтди,— у, балки, бундан кейин гаплаша оламанми, йўқми деб ўйлаган бўлса керак.

— Онанг, биласанми, ҳар кўргани борганимда борган сари кичиклашиб кетаётганга ўхшаб кўринади-я...

Аввалига унинг нима демоқчи эканини тушуна олмай, унга савол бергандай қараб қўйдим. Кейин бирдан тушундим-у, юрагим ачишиб кетди. Мен тўғримда эрта-кеч

¹ 1928 йил 15 мартда полиция бутун Японияда коммунистларни ёппасига қамоққа олган эди. Минглаб кишилар қамалган эди. (Таржимон.)

² 1929 йил, 16 апрель — ёппасига иккинчи қамоққа олиш куни. (Таржимон.)

ташвиш тортаётган онамни кўргандек бўлдим. Шунда Суямадан хафа бўлиб ўзимча: «бу гапга топган вақтини қаранг-у!» деб ўйладим ва атайин бепарволик оҳангида «Шунақами?» деб гапни бошқа томонга буриб юбордим.

Суяма билан хайрлашдик. Итонинг бир ўртоқ билан учрашиш вақтигача ҳали ярим соат бор эди, шу сабабли мени нарироққа кузатиб қўймоқчи бўлди. Иккаламиз 26-да Суяма учун кичик бир кечага ўхшаган йиғилиш ўтказиш ҳақида гаплашиб кетдик. Ито пирожний ёки бўлмаса ҳўл мева олиб боришга ваъда берди.

Ито, эркаклар сингари, катта қадам ташлаб юришга одатланган эди, лекин ҳозир ёнимда жуда майда қадам ташлаб борар, ҳақиқатан қадамлари жуда заифона эди. Биз хайрлашган ҳам эдикки, у бирдан: «Бирпас кутиб туринг...» деди ва кичик бир дўкончага кириб бир оздан сўнг қўлида ўроғлиқ нарсани билан қайтиб чиқди.

— Бу сизга...— деб ўроғлиқ нарсани менга узатиб, йўқ дейишимга ҳам қарамай, олишга мажбур қилди.— Кейинги пайтларда кир кўйлак билан юрадиган бўлиб қолдингиз, кийимларингиз роса эскириб кетди. Бунақа кийимдаги одамга полициячиларнинг дарров кўзи тушади.

Уйга келиб ўроғлиқ нарсани очиб қараб хаёлимда Ито билан Қасаварани бир-бирига таққослаганимни бирдан сезиб қолдим. Уларнинг иккаласи ҳам аёл, лекин шу кунга қадар уларнинг иккаласини бир-бирига қиёс қилиб кўриш хаёлимга ҳам келмаган эди. Аммо ҳозир иккала аёлни хаёлимда бир-бирига таққослаб кўриб, Қасаваранинг мендан қанчалик узоқлашиб кетганини ҳис этдим.

Бугун унинг олдида, чойхонага кирмаганимга ўн кун бўлди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Дам олиш пайтида Курата заводининг ишчилари доим қайтадан қурилган учинчи цехнинг томига чиқарди. Бир хиллари чўзилиб ётиб, офтоб нурида испишар, бир хиллари суҳбатлашишар, ҳазиллашишар, волейбол ўйнашар эди. Бугун бетон шийпонга қуёш кўзни қамаштирарли даражада нурини сочмоқда эди. Суямани ўртоқлари қўлга тушиб қолмасин, деб ўртага олиб ўраб-

бекитиб ўтиришган эди. У бирдан қаттиқ бақириб: «Ялписига ишдан бўшатишлар йўқолсин!» «Иш ташланглар!» деб оломон ичига бир пачка варақани итқитган пайтда соат роппа-роса ўн беш минути кам бир эди. Биринчи даста, кейин иккинчиси, сўнг учинчи даста варақа сочиб юборилди. Унинг кейинги сўзлари тўсатдан кўтарилган шовқун-сурон ичида кўмилиб кетди. Қизил, сариқ варақалар қуёш нурида товланар эди. Ишчилар тўсатдан бўлган бу нарсадан қўрққандай жойларида туравердилар, лекин бир лаҳзадан кейин ҳаммалари шовқин-сурон билан варақага ёпишдилар. Соқилмай қолган варақаларга ёпишиб, улар ҳам ўз навбатида варақа дасталарини юқорига иргитишарди. Аввалига томнинг биргина бурчагига ташланган варақалар тез орада олти юз одам тўпланган майдонга тарқаб кетди. Томдаги ҳар эҳтимолга қарши айланиб юрган соқчилар оломонга аралашиб кетиб:

— Ҳой! Ҳой! Ола кўрма!— деб овозларининг борица бақира бошладилар.

Айқаш-уйқаш тўполон ичида варақани бошлаб ким ташлаганини ҳам билиб бўлмасди, улар қаёққа қарамасин, ҳамма ёқда бир ишчи, ундан кейин бошқаси варақа сочаётганини кўришарди.

Соқчиларга томдан чиқиб кетадиган кичик эшикни тўсиб, варақани аввал ким ташлаганини бирма-бир сўраб ўтказишдан бошқа илож қолмади. Лекин ҳаммани бирма-бир сўроқлаб чиқиш учун дам олишга ажратилган бир соатдан кўпроқ вақт керак, у ҳолда иш кечикиб кетади. Йўғон бетон трубадан иш бошланганини билдирувчи гуудок овози эшитилиши билан ишчиларнинг овозида ғалаба садоси янграб ҳаммалари бараварига бақириб том эшигига ёпирилишган эди, соқчилар уларга йўл беришга мажбур бўлишди. Ито кейинчалик менга, Суяма, бу сур-сур тўполон ичида сира ҳовлиқмай, парвойи фалаксиз сскин-аста зинадан пастга тушиб кетди, деб айтиб берган эди.

Кейин мастерлар ҳаммадан: ким ташлаганини кўрмадингни деб сўрай башлабдилар. Аммо Суяманинг ташлаганини кўпчилик одамлар аниқ кўрган бўлсалар ҳам, айтмабдилар. «Ешлар союзи» корчалонлари ғазабланиб роса вайсашибди. Шу кунни Суяма ишлайдиган иккинчи цехда ва Ито ишлайдиган парашют цехида ҳамманинг руҳи кўтарилиб кетибди. Ҳатто бошқа корхона



ишчилари билан музокаралар ўтказиш ва ишдан бўшатишга норозилик билдириш учун компанияга вакиллар сайламоқчи бўлишибди.

Суяма билан Ито ишдан бирга қайтишибди. Итога Суяма:

— Бундай пайтларда коммунистларнинг ҳам кўзига ёш олиши гуноҳ эмас...— У кепкасини тез-тез тўғрилар, пастроқ қилиб кийиб олар, тез-тез юзидаги терни артар экан. У йўлда қайта-қайта уқдириб:

— Биласанми, бунақа бўлишини хаёлимга ҳам келтирган эмасдим. Омманинг қўллаб-қувватлаши мана шунақа бўлади! Бу мана шундай буюк бир иш!— дебди.

Шу кунни кечқурун мен Ито билан учрашим, у бўлса варақаларнинг тарқатилиши ҳақида ахборот бериши керак эди. Очигини айтганда, Ито билан бирга Суяма

ҳам келар деб мутлақо хаёлимга ҳам келтирмаган эдим! Итопинг орқасидан Суяма ҳам кириб келар экан, уйга кирган ҳақиқатан у эканлигига ишониб учун, худо ҳақи, унга аввал бир неча марта қараб олдим. Аммо меннинг олдимда турган Суяма эканига шубҳа бўлиши мумкин эмасди. Мен бунга ишонганимдан сўнг унга пешвоз чиқиб беихтиёр ўрнимдан турдим.

У менга барча воқияни батафсил гапириб берди. Суяма йўлда Итога айтгандай мен ҳам суянганимдан:

— Шу иш шарафига бир шиша пиво ичишимиз ман этилмаса керак!— деб қўйдим.

Учаламиз бир шиша «кирин» ичдик.

Аммо ҳал этувчи асосий тўқнашув эртага эди: шу сабабли биз ўзимизнинг курашга тайёрлигимизни қайта-қайта текшириб кўрдик.

Эртасига эрталаб ишчилар ҳар кунги вақтларида ишга келганларида компания уларни завод ҳовлисига қўймасдан, дарвозанинг ўзидаёқ икки кунлик иш ҳақини олдин бериб, тўрт юз ишчини ишдан бўшатиб юборди. Заводни йигирмага яқин полициячи қўриқлаб турди.

Полициячилар:

— Бу ерда бекорга санқиб юришнинг фойдаси йўқ, фойдаси йўқ! Уйингга жўна! Қани, нарироққа жўначи!— деб ишдан бўшаш нафақасини олган бўлсалар ҳам, завод дарвозаси олдидан кетолмай, саросима бўлиб юрган, қаққайиб турган ишчиларга бақирар эдилар.

Ҳисоб-китоб ўтказилаётган стол олдида катта эълон осиғлиқ эди.

«Ишдан бўшатишни 29-да ўтказиш мўлжалланган бўлса ҳам, компания бўшатилувчилар билан 27-да ҳисоб-китоб қилиб олинига мажбур. Аммо компания бирорта одамнинг ҳам манфаатига зарар етказишга йўл қўймасликка ҳаракат қилди; компания 29-дан икки кун олдиноқ ҳақларини тўлаяпти ва у, ишчилар бу ғамхўрликнинг қадрига етарлар, деб ишонади. Бундан ташқари, заводда ишлаб чиқариш ҳажми кенгайгандан кейин компания ишдан бўшатирилганларнинг биринчи навбатда ишга қабул қилиниш ҳуқуқларини эътиборга олишнинг ҳам билдиради. Дирекция ишчилар бунга ҳисобга оладилар деб ишонади».

Заводдаги вақтинча ишчилардан икки юзтасини доимий ишга қолдиришди — бунда ҳам компаниянинг қандайдир яширин маневри сезилиб турарди. Лекин, ҳар ҳолда, биз уларнинг ўйлаб қўйган планларини ўзгартиришга мажбур қилдик.

Ишдан бўшатирилганлар ичида Суяма ҳам, Ито ҳам бор эди.

Компания курашнинг ҳал этувчи пайтида қўли баланд келиб бизга кутилмаганда зарба бера олди. Суяма билан Ито шундай хафа бўлишдики, одам уларга қараса юраги қон бўлиб кетарди. Менинг ҳам хурсанд бўладиган ҳолим йўқ эди. Ахир, душманларимиз қандайдир тентак, лақмалар эмас. Энди биз дарҳол дадиллашиб, бундан сабоқ олишимиз, тузган режаларимизга қармай, бу ишқални кўриб, тарвузимизни қўлтиғимиздан туширмасдан, бу тажрибалардан кейинги жангларда фойдаланишимизни кўзлаб иш тутишимиз лозим эди.

Душманининг зарбаси бизни заводдан суриб чиқариб, ҳар тарафга тарқатиб юборди, аммо ячейкамизнинг икки аъзоси заводда доимий ишчилар қаторида қолди. Ишдан бўшатирилганларнинг ҳаммаси иш қидириб ҳар тарафга тарқаб кетди — булардан ўнга яқини Суяма ва Итонинг тўгарак аъзолари эди. Улар билан мустақкам алоқа ўрнатиб олишимиз керак, ана шу йўсинда кураш майдонимиз тораймай, аксинча, яна ҳам кўпроқ кенгаяди.

Душманларимиз, қўлимиз баланд келди ва уларнинг ишларини пучга чиқардик, деб ҳисоблашлари ҳам тўғри. Лекин шу билан бирга, улар ташкилотимизнинг уруғини ўз қўллари билан шамолга учуриб юборганликларини пайқамадилар.

Ҳозир, мана бу сатрларни ёзаётган пайтимда, ҳаммамиз: Суяма, Ито ва мен курашни янги, зўр куч билан давом этдирмоқдамиз.

1932 йил.

Юрико Миямото
ФУТИСО





БИРИНЧИ БЎЛИМ
БАНСЮ ВОДИЙСИ

I

Бу воқиа 1945 йилнинг 15 августида кечқурун юз берди. Қоэда деворига қадимий осма соат ўрнатилган емакхонада кечки овқатга дастурхон ёзмокда эди.

Айвондан жануб томондаги олис Андатаро тоғлари кўзга ташланади. Уша куни кечқурун Қоэданинг эри Юкио папирос тутунини бурқситиб Андатаро тоғларига узоқ тикилиб қолди.

— Нима қилдик, отаси?— деб сўради Қоэда, ундан.— Чироқни ёқиб қўйсаммикин-а? Ҳали ёруғ бўлса ҳам...

Юкио ҳеч вақт шошилмайдиган кишиларга хос бир ҳаракат билан хотинига ўгирилиб, унинг юзига диққат билан боқди.

— Бир оз тура турайлик. Бежавотирроқ бўлади...

— Сеннинг гапинг ҳам тўғри,— деди Қоэда ва яна тарелкаларни артишга киришди.

Хироко тўрт яшар жияни Кэнкитини столга ўтқазиб, унга тез-тез овқат едира бошлади. Болага овқат бериш билан банд экан, акаси Юкио билан кенойиси Қоэданинг

суҳбатига қулоқ солиб турди, улар эса бошига тушган ташвишдан ҳали ўзига келмаган кишиларга хос бўғиқ овоз билан гунгир-гунгир гаплашиб-гаплашиб қўйишарди. Уларнинг суҳбатида Хирокога бевосита алоқадор гаплар ҳам бор эди.

Бу ерда, мамлакатнинг шарқи-шимолий районларидан бирида, жазирама ёзнинг охирлари бўлишига қарамай ҳаво сурункасига бир неча кун жуда исиди. Қатқалоқ ерлар оппоқ оқариб, тарс-тарс ёрилиб кетди. Ҳар кун саҳар соат беш бўлиши билан ҳали жуда ёришиб кетмаган кўм-кўк осмонда, операцияга кетаётган, юки оғир бомбардимончи самолёт қўшилмаларининг гуруллаган товуши эшитиларди.

14 августда ҳам ҳар вақтдагидек, ҳаво тревогаси соат ўн бирдан кейиноқ эълон қилинди. Шундан кейин эрта-лаб соат тўртга қадар ғир этган шамол юрмаган ёз осмонида юзлаб «Б-29» бомбардимончи самолётлари тўда-тўда бўлиб тўхтовсиз ўтиб турди.

Радио орқали душман самолётлари Акита томон учиб кетмоқда, деб эълон қилишди, бироқ, бунга ҳеч ким ишонмади ҳам, бу эълон ҳеч кимни тинчлантирмади ҳам. Томини онласи билан эвакуацияда яшаб турган шаҳар яқинидаги ҳарбий истеҳком ва станцияга самолётлардан дастлабки бомбалар ташлаб бўлингандан бир неча минут ўтиб кетгандан кейингина ҳаво тревогаси берилган вақтлар ҳам бўлганди.

14 август кечаси Юкио билан Хироко мижжа қоқмай навбатда туриб чиқишди. Яширин хандак эшигиланг очик турар эди.

Ака билан сингил айвонда ўтиришар, анча кеч кўтарилган ой ёруғида узоқ-узоқлардаги паст-баланд адирликлар ғира-шира кўриниб турарди.

Америка самолётларининг бир тўдаси ўтиб кетиб, иккинчиси етиб келгунча ўтган оралиқда шаҳар ўт ўчириш командаси дружиналарининг овози эшитилиб қоларди. Айниқса бир аёлнинг бақиргани аниқ эшитиларди.

— Душма-а-ан! — деб бақирарди аёл, овозининг бо-рича.

— Мана шундай пайтларда Хироконинг юраги айниқса сиқилиб кетарди. Хавотирлик билан бақираётган аёлнинг товуши мана шу орадан, катта ҳовуз томондан келар ва қуюқ туман билан қопланган кенг далаларга тарқаларди. Овозига қараганда, бақираётган аёл ёш

жувонлардан эмасди, кўринишдан, аёл ўз бурчини ўйлаб шунчалик ҳаяжонланиб кетганди, бу товушни эшитиши билан Хироконинг кўзи олдиға беихтиёр эрининг қариндошлари турадиган шаҳар четидаги тунука томли кичик бир уй келди. Иссиқ кечада пашшахона ичида роса ағнаб ётгандан кейин кўзи энди уйқуга кетган гўдакларни, улар олдида турган, уйқудан юзлари шишган кампирнинг чеҳрасини кўзи олдиға келтирди. Ҳа, у уйда биронта ҳам эркак зоти қолмаганди...

Хироко Коэда уч боласи билан ётган пашшахонага кўз ташлади. Коэда ўзи ётган жойга ким яқин келса ҳам, у одам ҳар қанча эҳтиёткорлик билан келмасин, ҳар сафар хавотирлик билан :

— Нима гап? Нима бўлди? — деб сўрарди.

Ҳозир ҳам ташвиш билан:

— Отаси ҳам шу ердами? Бугун самолётлар бирам кўпки...— деди.

Коэданинг ёстиғи ёнида ёруғи ҳар томондан яхшилаб тўсиб қўйилган фонарь милтиллаб ёниб турарди; унинг ёруғи тревога кўтарилиб қолгудек бўлса, болаларни олиб чиқиб кетиш осон бўлсин учун остонага тушириб қўйилганди. Уйнинг қоронғусида Коэданинг кўҳлик чеҳраси оппоқ ёстиқда яққол кўзга ташланиб турарди.

Самолётларнинг сўнгги тўдаси шундай гулдурос билан ўтдики, худди ерни ёриб юборгудек бўлди. Улар узоқлашгач, атроф жимжит бўлиб қолди, Хироко қанчалик қулоқ солмасин, осмондан бошқа тик этган товуш эшитилмади. У ўзининг қанчалик чарчаб, мадори қуриганини ана шундан кейин сезди.

— Тамом бўлди шекилли,— деб қўйди у.

Коэда узун чолворда пашшахонадан эмаклаб чиқди-да, устки кийимларининг боғичини еча бошлади. Юкио бўлса ботинкасини ҳам ечмай остонада турар, папиросини қаттиқ-қаттиқ тортиб чекарди.

15 август куни жуда кеч туришди; нонушта қилиб бўлишмасданоқ сирена увиллаб қолди.

— Штурмовиклар! Штурмовиклар! — деб ҳаяжонланиб бақириб қолди кўчадан ўн икки яшар Синъити. У укаси Кэнкитининг олдиға югуриб борди-да, устки кийимини кийдириб хандакка олиб кетди.

Бундан уч кун илгари қирувчи самолётларнинг катта бир тўдаси кун бўйи шаҳар атрофидаги аэродром ва ҳарбий истеҳкомларни бомбардимон қилди.

— Ойи, тезроқ! Ҳозир бошланади! Ҳозир бошланади! — деб бақирди Синъити.

Коэда бетоб қизчасини қўлига кўтариб олиб, хандакнинг энг ичкари бурчагига тикилди. Бутун онла бир бўлиб қазинган бу хандакнинг чеккасини ҳозир ҳар хил ўтлар босиб кетганди.

Кэнкити хандакда ўтиравериб зернкканидан йиғлаб юборай деб турганини кўриб, Хироко кичкинагина бир ёввойи гулни узиб боланинг момиқдай қўлига тутқаздида, унга эртаклар айтиб бера бошлади.

Хандакда уч соатдан кўпроқ яшириниб ўтиришга тўғри келди. Соат ўн бир ярим бўлди деганда ҳамма ёққа бирдан жимлик чўкди. Хандак оғзида Синъити бинокль билан осмонни кўздан кечирав экан ҳайрон бўлганича:

— Ё ажабо. Йўқ, кетиб қолишибди-я! — дерди. Шу кунгача самолётлар бомбардимон қила бошласа то кун ботгунча тўхтамасди. — Ишонгинг ҳам келмайди киши...

— Овқатлангани кетишгандир. Қайтиб келишадиган ҳали.

Шундай бўлса ҳам ҳаммаларни анча енгил тортиб бирин-кетин хандакдан чиқиб емакхонада тўпланишди.

— Овқатланамизми? Ё аввал радио эшитамизми?

Радио орқали бугун чоштгоҳда муҳим ахборот эшитдирилади деб огоҳлантирилмоқда.

— Майли, эшитсак эшитайлик!.. Овқатни кейинроқ есак ҳам бўлаверади. Бугун нонуштани ҳам кечроқ қилган эдик. Сен нима дейсан, синглим?

— Розиман.

Синъити девордаги осма соатга қараб, приёмникни бурай бошлади. Кўп ўтмай императорнинг плёнкага ёзиб олинган овози эшитилди. Лекин овози ёмон эшитилар, бунинг устига мураккаб тузилган мавҳум гапларни ҳеч тушуниб бўлмасди. Императорнинг овозини ҳар вақт ҳам эшитиш насиб бўлавермасди, шунинг учун Синъити приёмник овозини тўғрилайман деб жонсараклик билан мурватларни бурарди. Ниҳоят, тўғрилади, овоз яхши эшитила бошлади. Ҳатто кичкина Кэнкити ҳам Коэданинг тиззасига ўтириб олиб диққат билан қулоқ солди. Шунда узоқдан эшитилаётган овоздан: «Потсдам декларациясини имзолашга мажбур бўлдик...» деган иборани эшитиб қолишди.

Айвонда турган Хироко бенхтиёр приёмник олдида отилди, унга қулоғини тираб эшита бошлади.

Императорнинг узундан-узоқ, дабдабали, тушуниб

бўлмас нутқидан иш сўзсиз таслим бўлишга келгани англашилиб турарди.

Хироко императорнинг сўзи тугаши билан акаси ва кенойисига қаради:

— Эшитдингизми? Тушундингизми?!

— Бу сўзсиз таслим бўлиш дегани!— деди Юкио.

Кейин радиодан министрлар кабинетининг баёноти эшитдирилди. У ҳам тугади. Шундан сўнг ҳамма жим бўлиб қолди. Бир қанча вақт ўтгандан кейингина Юкио:

— Ахир, бу зўр фалокат-ку!— деб юборди.

Бутун атроф-теварақ жимжит бўлиб қолганини Хироко ана шундан кейингина сезиб қолди. Жазирама август қуёши тик келган, теваарақ-атрофдаги далалар ва тоғлар офтоб ниссиғида қизиб ётибди. Шаҳардан ҳамон тик этган товуш эшитилмайди. «Қандай жимжитлик-а!», деб ўйлади Хироко яна.

Ҳа, 15 августнинг туш пайтидан бошлаб бутун Японияни сукунат босди, худди шу оғир жимжитлик чўккан пайтда тарих индамай ўзининг катта саҳифаларидан бирини очмоқда эди. Ахир, бутун мамлакатни, ҳатто шимол-шарқдаги мана шу кичик шаҳарчани ҳам ўз қаърига тортган жимжитликда қанча-қанча кишиларга, жумладан, Хирокога ҳам кулфат келтирган балонинг охириг минуталари ўтиб бораётган эмасмиди? Хироконинг бутун авзойи қалтирар, титроғини боса олмасди.

Ҳеч кимга сездирмай кўз ёшларини артиб олиб Қоэда Конкитини кўтариб айвонга чиқиб кетди. У тунги чолварини ҳали ечмаган эди; иш кийимини ечмаган бу она таърифлаб бўлмас бир тобеллик ва маъюсликнинг тимсоли эди.

Икки ёноғи қип-қизариб, ёниб турган Синъити кўзини отасининг юзидан олиб, Хирокога қаради.

— Уруш тамом бўптими, амма?

— Ҳа, тамом бўпти.

— Демак, Япония енгилибди-да?

— Ҳа, ўғлим, шундай бўлибди.

— Сўзсиз таслим-а, шу ростми?

Бу янгиликни бола шахсан ўзига тегадиган бир шармандалиқдек қабул қилгани юзидан шундай кўриниб турарди.

Хироконинг жиянига раҳми келар, ўзидан эса алла-нечук норози эди. Ахир, Синъити Япониянинг галаба қилишига қаттиқ ишонар эди-да!

Бир оз жимликдан сўнг Хироко секин гап бошлади:
— Син-тян!¹ Шу кунгача мактабда ҳам, кўча-кўйда ҳам — ҳамма эрда: «Япония ғалаба қилади», — деб юришарди. Шундай эмасми? Бу тўғрида кўпдан бери сен билан гаплашмоқчи эдим-у, аммо: «Син-тян ҳали ёш, мактабда бир гап эшитса-ю, уйда бошқа гап эшитса, қайси бирига ишонишни билолмай қийналади», — деб индамасдим. Шунинг учун шу вақтгача сенга айтмай келган эдим...

Ўн тўрт йиллик уруш мобайнида Юкио оиласи ҳалокат ёқасида умр кечирди. Аммо оиланинг кўрган зарари унча кўп эмасди. Оила бошлиғи Юкио арзимас бир жисмоний ожизлиги учун ҳарбий хизматдан озод этилди. Бу унинг ҳозирги ҳаётини олдиндан белгилаб қўйди. Тинч курилиш деган ишлардан мутахассис бўлган гражданинженери Юкионинг иқтисодий блокада йилларида бозори чаққон эмасди. Жамғарган пули оз эди, инфляция ҳам ўз таъсирини кўрсатди, шунинг учун Юкио бутун оиласи билан бу шаҳарчага кўчиб келди, бундан бир ярим йил муқаддам шу ерда бобоси дунёдан ўтди. Уларнинг эвакуациядаги ҳаёти ана шундай бошланди.

Уруш йиллари Хироко газета ва олий қўмондонлиkning ахборотларига ишонмай келди. У баъзан: «Ваҳшийлик бу!» — деб ўйлар, ўзини эса тобора кўпроқ ғам босарди. Хироко бутун ўйларини ўзига хос дангаллик билан акасига очиқ-ойдин айтиб юарди. Юкио баъзан унинг гапларини маъқуллаб: «Ҳа, худди шундай», — деб қўярди, трубкасини тутатиб. Баъзан эса: «Синглим, бу ишларга жуда жиддий қараяпсан. Биздек кишилар нима ҳам қила олардик? Ҳеч нарсa. Шунинг учун ҳам жимгина қулоқ солиб, бошқаларнинг сўзини эшитганимиз афзал», — дерди. Ўзи шундай дер эди-ю, кўз олди қоронғилашар, ўзини қандайдир ваҳима босарди.

Уруш чўзилган сари Юкио ўзини тез-тез мана шундай ҳис этадиган бўлиб қолди. Хироко Синъити билан гаплашадиган бўлса, бу Юкиони ҳаяжонга солиб қўйишини сезиб, айтадиган гапларини айтмай қўя қоларди.

15 август куни бирон ҳодиса бўлмай тинч ўтди. Тун кирди, бироқ шаҳарча жимжитлигини ҳеч нима бузмади.

Эртасига ҳам кун шундай тинч бўлдики, бунга одамнинг сира ишонгиси келмасди.

¹ Синъити деган исмин эркалатиб Син-тян дейишади. (Тарж.)

Хироко бутун уруш йиллари кийиб юрган узун чол-
ворини ечиб, Абасири қамоқхонасида ётган эри Дзюки-
тига хат ёзишга ўтирди.

Бобосидан мерос бўлиб қолган бу ёзув столи унинг
ёшлигида — бувиси ҳаёт вақтида қандай озода, бата-
риб турар эди; унда доим сув тўлатилган мис идишча-
да сув, хитой чиннисидан ишланган сиёҳдонда туш ва
бошқа ёзув анжомлари тартиб билан териб қўйиларди.
Энди эса стол устида ҳар нарсалар тартибсиз, қаров-
сиз ётарди. Дағал, жўн қоғозларга босилган, ҳаво ҳужу-
ми тўхтаган пайтларда машғул бўладиган Синъитининг
дарслик китоблари ва Кэнкити тишлаб ташлаган зогора
нон бурдалари сочилиб ётарди. Буларнинг ҳаммаси бу
ёш оиланинг бу ерга ҳали яхши жойлашиб олмаганлиги-
ни, ҳар нарса ўз жойида тартиб топмаганини кўрсатиб
турарди.

Хироко бир неча сатр ёзди-ю, перони нари суриб, ўй-
ланиб қолди. Балки урушнинг тамом бўлгани ҳақидаги
хабар фақат шипдаги кичик бир туйнукдан ёруғ тушиб
турган қамоқхонада ётган, мана ўн икки йил бўлиб-
дики, маҳбусликда умр ўтказаётган Дзюкитига ҳам
бориб етгандир. Токиодан Абасирига жўнатилишидан
олдин турманинг учрашув хонасида у Хирокога кулиб
туриб:

— Ҳечқиси йўқ... Эвакуацияда фақат ярим йил, узо-
ғи билан ўн ой турасан,— деган эди.

Дзюкити мағлубият тўғрисидаги хабарни, ҳойнаҳой
қувонч билан кутиб олгандир. Хироко хурсандликдан
энтикиб қолаёзди.

У шу кунгача эрига мингдан ортиқ хат ёзди. Бу хат-
лар цензурадан ўтарди. Шунинг учун хатдаги айрим
фикрлар, масалан, об-ҳаво ва табиат манзаралари
ҳақида ёзилган жумлалар орқали фақат эр билан хотин-
га маълум шартли белгилар билан гаплашиб тур-
шарди.

Ҳозир эса ўша шартли иборалар Хироконинг кўн-
глига сиғмай қолди. Ахир, у қачонгача шундай хат ёза-
ди! У билимқочи бўлган нарсани бир жумлага сиғдириб:
«Ажир, қачон келасан?»— деб ёзиб юбориш мумкин-ку!
Ос-т-да, Дзюкити қачон озод бўлади, ахир?

Жейинги ўн тўрт йил мобайнида Япония нацистлар-
дан кўп нарсаларни ўрганиб олди. Ҳатто шубҳали кў-
нган одамларни ҳам қамаб қўявериш усули ҳам.

қўлланила бошланди. Жамият тинчлигини сақлаш қонуни кишиларнинг ўлиб кетишига йўл қўймасди. Эндиликда Потсдам конференцияси қарорларига биноан кичкина Японияни бутун дунёдан ажратиб қўйган метин тўсиқлар дарҳол йўлдан олиб ташланиши лозим эди. Аммо мамлакат ҳукмронлари ўз мағлубиятларини ҳам аллақандай мавҳум иборалар билан маълум қилардиларки, оддий кишилар, завод ишчилари ва деҳқон меҳнаткашлар ҳатто гап нима устида бораётганига тушуна олмай қоладилар. Бу эса ҳукмрон доиралар қандай қилиб бўлса ҳам идора жиловини қўлдан бермасликка ҳаракат қилаётганликларини кўрсатар эди. Улар жамият тинчлигини сақлаш қонунини сақлаб қолиш учун қай даражада ва қандай ишлар қилмоқда эдилар? Ҳамма тажрибасиз кишилар сингари Хирокони ҳам ташвиш ва эҳтиёткорлик ҳислари келиб босди, шунинг учун ҳозир хат ёзишга ҳаёлини бир ерга тўплай олмади. Ахир, Дзюкитига ёзган хатида бир оғизгина қилиб: «Хурсандман» деб очиқ-ойдин ёзиб юбориш ҳам хавфли. Ўз фикрини Дзюкитига бундай очиқ-ойдин ёзиб юборса, ўз ҳаёти учун шундай ҳам қаттиқ туриб кураш олиб бораётган эрига зарар келтириши мумкин, бунга сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Хатнинг ҳар сатрида ундаги услуб, оҳанг жон талвасасида ётган кишининг томир уриши каби ўзгариб турарди. Сочи машинкада олинган, устига маҳбусларнинг кўкимтир кийимини кийган ва келажакка доим умид билан қараган Дзюкити жонли ҳиссиёт билан суғорилган бу хатни ўқир экан, кўзи олдига ўтган кунлар келади, бирга яшаган вақтлари, бир-бирларидан вақт ва масофа деган нарсалар орқали қанчалик ажратиб ташланган бўлмасин, жуда маҳкам боғланган ҳолда ўтказган ҳаёт йўллари кўзи олдида бирин-кетин жонланади.

Хироко ўтирган стол билан айвонни қоғоз ёпиштирилган тўсиқ ажратиб турарди, ҳаво ҳужумидан дарак бериб тревога кўтарилгудек бўлса, зарур бўлади деб, бу айвон эшигини ўтган куни кечқурунгача доим очиб қўйишарди. Бундан ташқари, айвондаги кийим-кечаклар тугилган тугун билан рюкзакни, озиқ-овқат тўлдирилган бидонни ҳам олиб қўйишганича йўқ эди. Дарча эшиклари қия очиқ бўлганидан ғира-шира уйга иссиқ куз қуёшининг нурлари тушиб, чамбарчас боғлаб ташланган бир корзинкани ҳам ёритиб турарди.

Хироко Абасирига, эри Дзюкити олдиға бормоқчи бўлиб юрган эди. Эркин касб эгаси, адабиётчи бўлган бу аёлнинг қаерга бормасин ихтиёри ўзида эди. Ундаги бу фикр июль ойи охириларида Сугамо қамоқхонасида ётган эрига ёзган хатларидан бири «Адресат Абасирига кўчирилди» деб ёзилган қамоқхона идорасининг қоғози билан қайтиб келганидан сўнг туғилди. Хироко кичик қоғоз парчасига суркашиб ёзилган «Абасири» белгисини ўқиши биланоқ, яшашдан бўлган мақсади ва келажак ҳақидаги умидлари номаълум вақтгача барҳам еганини тушунди.

У Абасирининг фақат номини биларди. Япония мамлакати қанчалик кичик бўлмасин, энди Хироко билан Дзюкити ўртасида қанча-қанча тоғ ва денгизлар тўсиқ бўлиб қолганди. Ҳаво ҳужуми кун сайин зўрайиб борар, яна аллақандай десант туширилмоқчи экани ҳақида шов-шувлар юрар экан, бу тоғу тошлар, денгизлар мени эримдан кўп йилларгача жудоликда яшашга мажбур этса керак деб ўйларди.

Хироко урушнинг охириги йиллари яшаб турган акасининг Токиодаги уйига оид майда-чуйда ишларни туғатиб, шарқи-шимолдаги мана шу кичкина шаҳарчага келганди.

У бир рун¹ узоқликдаги вокзалга бориб, ҳужжатларни тўғрилаб ҳам қўйди, Цугаро бўғозидан ўтишга билет берилишини кутиб йўлга тайёргарлик кўраверди.

Шарқи-шимолдаги бу шаҳарчада ҳам август келиши билан тизма тоғ ён бағирларидаги ўрмон дарахтлари сарғая бошлади. Демак, Абасирида ҳақиқий куз бошланган бўлиши керак. Охота денгизидан келадиган қор бўронлари йўлни бекитиб қўйгунча бир амаллаб Хоккайдога етиб олиш керак эди.

Бу ерларда ҳозир кечқурунлари ҳам саратондаги каби кун қизитиб турса-да, Хироко йўл корзинкасига совуқ ўлкаларда керак бўладиган кийим-кечаклардан танлаб жойлай бошлади.

Хироко нотаниш ерда — биронта ҳам таниши бўлмаган Абасирида қандай қилиб жойлашиб олишини ўзи ҳам тасаввур этолмасди. Сиёсий бошқарма чиновниги то кетгунингизча ҳеч ким билан ҳеч қандай муносабат ўрнатмаслигини керак, деб қайта-қайта огоҳлантирди.

¹ Массофа ўлчови — 3,927 км.

Бўғоздан ўтиб олишнинг ўзи анча мушкул иш бўлганидан оғир юк олиш бефойда эди. Бироқ у Абасирида яшашга қатъий қарор қилганди. Аоморига ҳаво ҳужумлари бўлганини ҳар эшитганда, оғир хўрсиниб қўярди. Аомори шаҳри ёнғин ичида қолган, Цугаро бўғозидаги транспорт воситаларининг жуда кўпи ишдан чиққан эди.

Хироко билет олганим замон йўлга чиқаман деб ёзган хатини конвертга солар экан ўйланиб қолди.

Хироко акасининг уйига келганидан кейин кўп ўтмасданоқ маҳаллий сиёсий полиция унга қизиқиб қолди, унинг олдига келган одамлар билан унинг қандай муносабатда эканини текшира бошлади. Коэдага, Хироконинг олдига келган одамларнинг исми билан ёшини ёзиб олишни тайинладилар, бунинг учун оила қўшимча гуруч олиб туради деб ваъда қилдилар. Коэда бунга сўзсиз рози бўлди.

Полиция ходими Хирокодан бу одамларни қаердан биласиз, булар билан қандай алоқангиз бор, деб суриштира бошлаган эди. Хироко уларнинг келиши мен билан эмас, балки гуруч билан боғлиқ деб жавоб қилди.

— Бу қанақаси бўлди?

Коэда уялиб бошини қуйи солди.

Бундай кўнгилсиз воқияларга ҳам қарамай, Хироко аввалгидек Абасирига кетиш ниятидан қайтмади. У конвертни елимлаш учун иккинчи хонага кирганида, ошхонадан нотаниш бир эркакнинг овози келарди. Қандайдир бир маст киши ғазабланиб гапирарди:

— Ҳа, ростдан ҳам бундай оғир вақтларни шу пайтгача кўрмаган эдик. Аммо бу ерга сира ҳам келолмайдилар!

Юкио суҳбатдошини тинчлантирмоқчи бўларди:

— Қўйинг, нима бўлса бўлавермайдими, вино ичишдан яхши иш борми-я. Падарига лаънат ҳаммасининг ҳам! Садқан гап кетсин улар! Яна биттадан кўтарайлик! Яхши вино экан. Қани, яна биттадан! Биргалашиб бир ичайлик!

Хироко гэтасини кийиб, ўрик дарахти тагидан ошхона томон ўтди. Айвон бурчагида уйиб қўйилган шохшабба ёнида Коэда картошка артиб, емакхонада бўлаётган гапларга қулоқ солиб ўтирарди.

— Меҳмонми?— деб сўради Хироко.

Коэда уялиб бошини ирғади.

— Ким ўзи?

— Ото Еда жаноблари.

Маълум бўлдики, у «Иқтисодини тартибга солиш» бўлимининг маҳаллий ходими экан.

Хироко кичкина Кэнкитини кўтариб олиб, хат ташлаб келиш учун муюлишдаги почтага қараб кетди.

Бу шаҳар яқиндагина кичик бир қишлоқ эди. Катта йўлдан кечагина ҳарбий юк машиналари ва мотоцикллар ўтиб турарди. Бугун эса улардан ному нишон йўқ. Бу йўллар оппоқ чағи билан қопланган, қимир этган жон кўринмайди. Оғир юк остида пастдак-пастдак, пачоқ бўлиб қолганга ўхшаб кетадиган уйлар орасида қовоқ ва бодрийг экилган экин далалари чўзилиб кетган. Узоқда Михару тоғлари кўзга ташланади.

Хироко ўт-ўланлар қоплаб кетган сўқмоқ орқали уйига қайтди. Эшик олдидаги криптомерия шохлари орасидан Юкионинг кўйлаги кўринди. У меҳмонни кузатиб қўймоқда эди, маст бўлиб қолган Ото жаноблари бўлса, унинг елкасидан қучоқлаб олган эди.

15 августдан бошлаб бутун мамлакатда кўнгил очадиган радио эшитдиришлар тўхтатилди. Қуролсизланиш муносабати билан кечаю кундуз ҳарбий хизматчиларга инструкциялар беришар, запасдагилар ва резервдагиларни огоҳлантиришар эди. Бундай расмий хабарлар орасида атом бомбаси зарбидан Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари бениҳоят вайрон бўлгани ҳақидаги ахборот эшитдириларди. Булар кетидан мамлакат экономикасининг стабиллиги ҳақидаги хабар эшитдириларди. Бундан мақсад, банкларга қўйилган пулларни оммавий равишда келиб талаб қилинишининг олдини олиш эди; кейин ер ва ўрмон министри гапириб, озиқ-овқат тўғрисида ташвиш тортмасликка чақирди. Кетидан маориф министри сўзлади; у янгидан яратиладиган тинч ва озод Япония ҳақида гапирди. Хироко яшаб турган шаҳарчада ҳам радио бетўхтов инструкция ва кўрсатмалар эшитдириб турди. Бу, афтидан, вужудга келган чидаб бўлмас даражадаги оғир жимжитликни бир оз бўлса ҳам енгиллатиш учун қилинарди. Ҳар бир уйда одамлар приёмникни ўчирмай, ҳамма хабарларни қулоқларининг қилиб эшитишар эди. Бироқ тингловчилар юзида ишончсизлик, иккиланиш белгиларини кўриш мумкин эди. Ҳукуматнинг халқни донм ғалабага, фақат ғалаба қозонишга чақириб, жиловлаб турган арқони тўсатдан узилиб кетгандек туюларди. Одамлар ҳали нима воқиа

юз берганини англаб олмаслариданоқ ўзларига янги қуллик занжири ҳозирланаётганини сезиб қолдилар.

Томни онласида ярим йиллик тапаффусдан сўнг электр нурлари яна чарақлаб кетди, электр нури ис босиб қолган устун ва пол тахталарини ёритди. Шип-остнидаги полкада сиркаланган мевадан бўшатиб, тўнта-риб қўйилган банка турганини ҳамма ана шундан кейин кўрди. Бундан ҳамма кулиб юборди. Хироко блузасини счиб, теннис майкасини кийди-да, ойна олдига келди. Электрнинг ёрқин нурида у ўзининг қандай ўзгариб кетганлигини энди кўрди.

Қудуқ олдидаги фонарь ҳам ёнди. Энди коридордан ўтиб кета туриб ёпиқ турган ойнавон эшикдан боғдаги ташлаб қўйилган гулзорни бемалол кўриш мумкин эди. Электр нури эски, қадрдон уйнинг ҳар бир бурчагини қайтадан ёритди. Электр нури миллионлаб хонадонлардан кетган, аммо, умрбод қайтиб келмайдиган кишилар ўрнини ҳам ёритади, шунини ўйлаб Хироконинг севинчи қайғу билан алмашинди.

Қоронғи кечада ярақлаб ёнган бу ёруғ чироқлар одамларнинг Япония раҳбарларининг ожизлигини ва ўзига ишончи қолмаганини яна бир яққол ҳис этишларига сабаб бўлди. Уша кунлари Кантаро Судзуки ҳукумати истеъфо беришга мажбур бўлди. Унинг ўрнини Хигасикунини ҳукумати олди.

II

Бир шохига ҳалқа ўрнатилган ўрик дарахти билан омбор томи ўртасига ингичка узун ходача ташлаб қўйилган. Хироко унга янги ювган кирларини ёймоқда. Коэда эса омбордаги картошкани сараламоқда. Бу йил ёмғир ҳадеб бсвақт ёгабериб, бутун райондаги картошка ва дон-дунлар чириб кетди.

Омбор олдида яланғоч белига дори пуркагич осиб олган Гохэй келиб, Коэдага картошкани қандай саралаш кераклигини кўрсатди.

Кўп ўтмай гап бошқа мавзуга ўтди.

— Кўп ажойиб ишлар бўляпти-да,— деди Коэда. Унинг сўзларида токиоликлар сўзига ўхшаш диққатни ўзига жалб этувчи оҳанг сезилиб турарди.

Шу маҳал омбор олдидан қўлида кир кўтариб Хироко ўтиб қолди.



— Синглим!— деб чақирди Коэда, уни.— Полкдан ҳамма нарсаларни ташиб кетишаётганимиз. Мол-мулкларни одамларга улашиб беришаётган эмиш. Одамлар ҳатто автомобиль билан келиб, бензин бидонларигача ортиб кетишаётган эмиш. Ё тавба!..

Улар эски посёлканинг жанубий қисмида туришарди, полк эса, шаҳарнинг шимолий қисмида жойлашганди. Гохэйнинг уйи ҳам ўша ерда эди. Солдатларнинг овқат егилари ёки чой ичгилари келиб қолса, шаҳар изғишар, жанубий чегарага жойлашган уйларгача, шунингдек, Коэданинг уйига ҳам кириб келишар, чой билан меҳмон қилинглари дейишарди. Аммо, 15 августдан кейин бундай изғиб юришлар тўхтади. Солдатлар бирин-кетин полк жойлашган ердан бир-бири ердаги темир йўл станциясига йўл ола бошладилар. Орқалаб олган юкнинг оғирлигидан бўлса керак, ифодасиз юзларини осмонга қилиб, ёш-у қари солдатлар катта йўлдан станция томон борардилар, бу станциядан узоқ-узоқдаги тоғ чўққиларигача кўриниб турган чиройли манзара очиларди. Катта йўл шундай Гохэй қўрғони ёнидан бошланар эди. Гохэй онласи ва қўшнилари бўлаётган ишларга деҳқонларга хос зийраклик билан эҳти солиб юришарди, уруш бошлангандан бери кўпгина нарсаларни сезиб ҳам қолишганди.

— Ҳамма хоҳлаганини олиб кетаётганмиш... Мол гўшти-ю, чўчқа гўштигача ташиб кетишаётганмиш.

Коэданинг бу гапидан тadbирли беканинг ўша одамларга ҳаваси келаётгани сезилиб турарди. Ахир, биронта оила ҳам гўшт сотиб ололмасди-да!

Коэданинг ёнида турган Гохэй унинг сўзларини эътиборсиз тинглаб турарди. Ниҳоят, у ҳам шу вақт ичида ўз кўзи билан кўриб, ҳайрон қолган нарсалари ҳақида айтиб беришга жазм қилди:

— Уйлаб кўринг-а! Энг олдин камчил нарсаларни олиб кетишаётган эмиш. Ахир, у ерда одеял дейсизми, этик дейсизми, совун, керосин, кийим-кечаклар дейсизми — ҳаммаси бор. Ана шунинг учун ҳам ўша нарсалар бизга етишмайди. У ердаги нарсаларни ўзингиз бир кўрсангиз эди!

— Нимасини айтасиз! Ахир, уларга: «Кўтарганингча олиб кет», деб рухсат берилибди. Баъзи бирларининг тугуни шундай каттаки, эшикдан олиб чиқиш у ёқда турсин, ҳатто жойидан ҳам қўзғатиб бўлмайди!

— Вой-бў... — деб қўйди бунга ҳавас билан Гохэй.

Коэда билан Хироко кулиб юборишди.

— Бўлмасам-чи, рост: «Кўтарганингча олиб кет», дегандан кейин, нима ҳам қилсин? Олиб кетади-да... Ким йўқ дерди? Бундай иш умрда бир бўлиб қолади.

Гохэй ўзи ҳам иштирок этган қандайдир бир воқияни эслаб қолди шекилли, хоҳлаб кулиб юборди.

— Хўп, мен полизга бораёй, бўлмаса, яна қовунларим чириб кетмасин.

Гохэй кетгач, Коэда билан Хироко бир қанча вақт жим ўтиришди.

* * *

Ҳаёт ўзгара борди.

Хигасикуни ҳукумати ҳар куни бир неча марта халққа мурожаат қилиб, қурола-аслаҳаларни, ҳарбий анжомларни талаб кетманглар, тартиб бузилмасин, бошлиқларнинг буйруғини бажаринглар, деб огоҳлантирарди. Бироқ бу огоҳлантириш бутунлай тескари натижа бера бошлади: солдатлар бунини талон-тороғга чақириқ деб қабул қилиб, қўлларига илинган нарсани ташиб кета бердилар, ҳар ким иложи борида кўпроқ олишга интиларди.

Бир неча кун ўтди... 15 августдан сўнг тиниб қолган кичик шаҳарчадаги ҳаёт секин-аста аввалги йўлига туша бошлади. Ҳар хил миш-мишлар авжига чиққан эди. Эҳҳе, у вақтда қандай шов-шувлар бўлмаган дейсиз!

Юкно Томиининг ҳовлиси ёнида кичик бир кулба бўлиб, бу Канскэларнинг ҳаммоми эди. Хироко ўша ерга чиқиб ювиниб турарди. 15 август кечқурун Хироко у ерга борганда бутун оиласи ўчоқ атрофида ўтиришар, ўчоқда ёнаётган тўпка бўлаги бўлса, сасиб ётарди. Чўмилиб бўлган ота-бола фақат трусикда, хўжайка Отомэ эса белигача бир парча латта ўраб олганча ўтиришарди. Ҳаммалари жимгина, оловга тикилиб, бошларини қуйи солиб ўтиришарди. Лекин ўшандан бери бу оиладагиларнинг кайфияти анча ўзгариб қолди. Энди улар тинмай ич қиладиган бўлиб қолдилар, қоронғи тушиши билан ота-бола қўл аравада дарахт тагига пималарнидир ташишарди. Козэда улар олдидан ўтар экан, Отомэга:

— Кеча аллавақтгача ишладингларми, тоза ҳаракат қилдинглар-да,— деб қўйди.

— Ҳа, анча овора бўлдик,— деди мужмалгина қилиб Отомэ ва қудуқ томон шошилди.

Мана шу арзимас, кичик, лекин анчагина маънодор фактлар Хирокога кишиларнинг қандай кайфиятда эканини англатиб турарди.

Томии оиласи яшаб турган қишлоқ маъмурий жиҳатдан шаҳар рўйхатига кирган бўлса ҳам, ўзи ҳали қишлоқ тусини йўқотгани йўқ эди. Тосимити Окубо кабинети томонидан тузилган янги ерлар очиш ҳақидаги программани амалга ошириб, Мейдзи ҳукумати бир неча юз тёбу¹ ерни ҳайдаб кўлдан сув чиқаришга қарор қилди. Бу ишга маҳаллий капиталистлар бош қўшиб, акция жамиятини тузиб, капитал жамғара бошладилар. Очилган қўриқ ана шу акционерлар ўртасида ажратилган маблағга қараб бўлиб олинди. Бу ерга Мейдзи² ўзгаришидан норози бўлган шарқи-шимолӣ районлардаги деҳқонлар кўплаб келиб янги ерларни корондага олиб ишлай бошладилар. Йиллар ўтди, аммо қишлоқда арендага ер олиб ишловчилар аввалгидек кўп, аммо, ўз ери-

¹ Тахминан бир гектар (тарж.)

² Япониядаги буржуа революция (1867—1868) (тарж.).

га эга бўлиб олган деҳқонлар эса саноқли эди. Қишлоқда аҳвол ҳозир ҳам ўшандай эди.

Даҳшатли уруш таслим бўлиш билан тугади. Бу аҳволдан аввалига ҳамма ҳайрон қолди. Хўш, ҳозир-чи? Ҳозир маҳаллий деҳқонлар қандай фикрда эканлар? Хирококи ана шу масала қизиқтирарди.

8 август кунин кечқурун радио орқали Совет Иттифоқи Японияга уруш эълон қилди, деган махсус ахборот эълон қилинди. Худди шу пайт Гохэй даладан қайтиб келиб, бирпас дам олгани Юкио айвонига энди ўтирган эди. Радио Шимолий Корея билан Маньчжуриянинг стратегик пунктлари тезлик билан эгалланаётганлиги ҳақида хабарни эълон қилди. Белигача очик, фақат иш чолвори кийиб ўтирган Гохэй уй томонга қараган эди, офтобда қорайиб кетган юзлари тердан ялтираб кетди.

— Мана энди, Япония тамоm бўлди!

Сўнгги ахборот тугагач, Хироко энг аввал ўзини ишонтириш учун деди:

— Ахир, бу гапларингиз асоссиз-ку. Владивостокдан Япониягача бўлган масофани бомбардимончи самолёт уч соатда босиб ўтиши керак. Агар улар ҳақиқатда ҳам Японияни йўқ қилмоқчи бўлса, нима учун улар Корея билан Маньчжурияни эгаллаб оляпти? Японияга ҳужум қилишга қулай шароит урушнинг бошланган пайти эди, ҳозир ҳам бу аҳвол ўзгаргани йўқ. Лекин менимча, бундай бўлмаса керак...

— Шундай бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол ҳақдир-сиз.

Гохэй чангдан қорайиб кетган сочиқ билан ёноқлари чиқиб қолган ориққина юзини арта бошлади. У Потсдам декларациясининг шахсий ҳаётига ҳеч қандай алоқаси йўқ, у ҳаётимда ҳеч нарсани ўзгартирмайди деб ўйлар эди. Гохэй Томии ерини ижарага олганди. Аммо у ҳозир ер ҳақида ҳам ўйлаётгани йўқ.

Кансукэнинг уйидагилар бўлса, оккупация қўшинлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мусодара қилмасмикин деган ташвишда эди. Кансукэ бир неча бор Хирокога ҳам шу тўғрида гапирганди. У фақат ана шуни ўйларди. У ҳам бировнинг ерини ишлашга олган, ҳозир ер тўғрисида ҳеч бир ўйламасди.

Халқ тарихида кескин бурилиш бошланди, бироқ маҳаллий деҳқонлар ана шу бурилишдан ўзларига қандай манфаат борлигини кўрмадилар. Улар гўё ўзларига

таниш бўлган эски қўшнқни янги оҳангга солиб айтилаётгандек тинглардилар. Уларни кўпроқ мол-мулк талови қизиқтирарди.

Кейинги кунларда гуруч ўрнида ейиладиган овқат—жўхорини тозалаб ўтирар экан, Коэда ўзининг юрагидаги дардини очди:

— Ҳозир ҳаммадан ҳам бизларга қийин. Ҳеч нарсага қўл ургинг келмайди.

Коэда рўзгор ишида ношуд аёллардан эди. Оила бошлиғи Юкиога келсак, уруш вақтида бирор фойдали иш қилмагандек, ҳозир ҳам шарт-шароит қаттиқ ўзгариб кетди деган баҳонани қилиб, ҳеч нима қилмасди. Оила ҳар қандай миш-мишлар орасида яшар, бу вақт ичида эса болаларнинг оёғи бир жуфт бўлсин, янги кийим кўрмади. Кўпинча Коэда болаларга бирор нарса олиб келиш учун тонг саҳарлаб велосипедда узоқ қишлоқларга жўнарни.

Гохэй ва унинг қўшнилари эса, бу вақтларда ғалати гаплар топиб келардилар. Бир қарасанг, Гохэй аллақадан бир неча кан¹ чўчқа гўшти топиб келдим деб қолар, бир қарасанг, бир банкадан ёғ беришди деб қоларди. Бу янги хабар Коэдага етиб келганда, озиқ-овқат тугаган бўлар ёки илгарироқ талабнома бериш керак эди, деган гап бўларди.

— Оббо, яна кечга қолибман! Эҳ, аттанг!—дерди Коэда, шунда офтобда қорайган юзи бирпасда қизариб кетар, кейин яна секин-аста ўз ҳолига қайтарди, аммо, энди бу ҳақда бошқа гапирмасди.

Бундай пайтларда Хироко келини Коэдага ачинарди.

Коэданинг яқин қўшнилари билан ҳам, қишлоқдаги узоқ қўшнилари билан ҳам муносабати умуман анча яхши эди. Унинг меҳнатсеварлиги ва ширинсўзлиги оиланинг оғирини енгил қилишда катта ёрдам берарди. Аввал ҳам шундай бўлиб келганди, ҳозир ҳам аҳвол шундай. Лекин ҳар ҳолда бу оила билан қишлоқдаги бошқа оилалар ўртасидаги фарқ сезилиб турарди.

Ҳамма гап Томиилар уйи казармадан узоқда бўлгани ва у ердан қиммат баҳо буюмлар, озиқ-овқатлар ташиб келаётганларидагина эмасди. Қишлоқ ҳаёти янги тусга кириб, Гохэйга ўхшаш рўзгордор одамларга янги

¹ Огирлик ўлчови, тахминан 3.75 кг. (Тарж.).

имкониятлар тугилди. Бироқ бу ҳаёт буларнинг ҳовли-
сидан ташқарида, атрофига оқ гуллар экилган зовур-
нинг ташқарисиди эди. Хироко, қишлоқ турмуши, қиш-
лоқ ҳаётидаги ўзгаришлар уларнинг уйи остонасига ке-
либ тўхтаб қолишини, булар оиласига кирмаслигини
яхши ҳис қиларди. Борди-ю, қишлоқ ҳаёти ўзгариб бош-
қа йўлга кириб кетганда ҳам, бу ўзгариш уларнинг ҳов-
лисига кирмаган бўларди.



Бунга сабаб, Коэда би-
лан Юкионинг шахсий
фазилати эмас эди, албат
та. Гап шунга келганда
Томии оиласининг аҳволи
бошқачароқ экани, унинг
на мактаб ўқитувчилари
оиласига, на оддий деҳқон
оиласига ўхшамаганлиги
сезилиб қоларди. Деҳқон-
лар ҳеч маҳал Томиилар
ҳам биз каби яшаяптилар
деб айтолмасдилар.

Хироконинг борган сари
Абасирига, Дзюкитининг
олдига кетгиси келарди.
Қишлоқда у ёлғиз ўзи,
сиёсий жиноятчининг хо-
тини бўлгани учун камта-
рингина ҳаёт кечиришга
мажбур эди. Бироқ, Хиро-
ко бу ерда ўз майли билан
яшади, у ҳаётдан узоқла-
шиб қолмади.

Япония ўзгариб борар-
ди, Хироко ҳам шу ўзга-
ришларни ўз мамлакати

билан бирга бошдан кечирмоқчи, ҳаётда ўз ўрнини
топиб олмоқчи ва эри Дзюкитига муносиб хотин бўл-
моқчи эди.

Аомори билан Хакодате ўртасида қатнайдиған па-
роходлар ҳаво ҳужумлари кучайган сабабли бир вақт
лар тўхтаб қолганди, ҳозир эса оддий гражданларни
олмасдан, фақат демобилизация этилганларни ташиёт-
ганлигини у эшитиб қолди.

Абасирига бориш учун корзинкага солиб қўйган кузги кимонони олиб қўйишга мажбур бўлди. У кимонони кийиб олиб, станцияга чиқар ва у ерда осиглиқ карта олдида узоқ-узоқ турарди. Ахир, уни Абасиридан картадаги бир энлик келадиган кичик денгиз бўлаги ва ингичка қуруқлик ажратиб турар эди-да. У худди қиргоқнинг энг четида туриб, қарши томондаги соҳилни кўраётгандек бўларди. Ё Аоморига бориб, у ерда бирон пароходни кутсамикан? Одамларнинг гапига қараганда, ёндириб юборилган Аоморида қайта қуриш ишлари бошланган, бараклар қурила бошланган, ҳаёт ўз изига туша бошлаган эди. Хироко Аоморидаги яқин бир қадрдонига ўзининг планлари ҳақида хат ёзиб юборди.

III

Токио кўрфазида, «Миссури» линкорида сўзсиз таслим бўлиш ҳақидаги актга қўл қўйилди.

Радио шартноманинг имзоланиш тартибини баён қиларкан, шу кун «Миссури» линкорида бир вақтлар коммодор Пэри¹ кемасида ҳилпираган юлдузлар расми солинган ва йўл-йўл чиқиқли худди ўша байроқ яна кўтарилганини хабар қилди. Радиокомментаторнинг овози куз қуёшининг заррин нурларига кўмилган шаҳарда узоқ-узоқлардан эшитилиб турди.

Қишлоқдан чиқиш билан ҳар томондан баланд тоғлар кўринади. Посёлка жамоаси уйининг думалоқ томида ҳам узоқ-узоқдаги тоғ тизмаси ва ундан берида ҳайдалган ерлар кўриниб туради, улар деҳқонлар кулбалари ва саройлар орасидан ранг-баранг тусда кўриниб туради. Кузнинг олтин либосига бурканган тоғлар қишнинг яқинлашиб келаётганлигидан дарак беради. Хироко ҳамон Абасирига интилади.

Мусаффо куз кунларининг бирида, тушки овқатдан кейин Томиилар дарвозаси олдидан Синъити бошлиқ бир тўда болаларнинг шовқин-сурони эшитилиб қолди. Қўлларига ёғоч ва болғачалар кўтариб олган болалар кўмушдек ялтираган бир буюмни юмалатишар ва: «Қайиқ! Қайиқ!» деб бақирар эди.

¹ Узоқ Шарқда АҚШнинг экспансионист сиёсатини юргизиш учун фаол ҳаракат қилган кишилардан бири. У, 1854 йилда ҳарбий куч ишлатиш билан қўрқитиб Япония ҳукуматини америкаликлар учун Хакодатэ ва Симода портларини очиб қўйишга мажбур этган эди (тарж.)

81
Ҳар замонда бир уни: «донг!» этиб даранглатиб таёқ билан қаттиқ-қаттиқ уриб қўйишарди.

— Ҳай, кўзингга қара! Қўлимга урдинг!

— Ундай эмас, Йосикава! Нариги томонидан ўт! Қани, кўтардик!

Бир неча бола Синъитининг командаси билан қайиқ деб фараз этилган буюмни тўнкариб юборди. Шу пайт жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган тўрт ёшлик Кэнкити қоқилиб йиқилди.

— Тўхтанглар! Кен-тян йиқилди!

— Қани, яна бир марта! Бўлди, ағдардик!

Кэнкити ирғиб ўрнидан турди-да, овозининг борича бақириб, яна «қайиқ» қа ёпишди.

Бу авиация бензини солиб қўйиладиган бак эди. Уруш вақтида ишлатилмай қолган бензиндан энди деҳқонлар фойдаланишар эди. Бу оқиш тусдаги баклардан бўёқнинг ёқимсиз ўткир ҳиди анқиб турар, йўл ёқалаб тизилган ҳар бир хонадонда ҳам шу ҳид бурунга уриларди.

Хироко айвонда туриб болаларнинг ўйинини кузатаркан, қотиб-қотиб куларди. Улар шундай қувониб ўйнашар эдики, ҳозир ўйиндан бошқа ҳеч нарсани ўйламасдилар. Бензиндан бўшаган бак тузуккина ўйинчоқ экан: уни тўнкариш, тарақлатиб чалиш, думалатиш мумкин. Катталар ҳам уни четроқ бир ерга элтиб ташланглар, деб буюришган.

— Қани, ол, қани!— деб болалар чувиллашиб бир неча бакни аравага уст-устига қўйиб юклашди-да, мактаб ҳовлисидан олиб чиқиб кетишди.

Уруш тугаши билан болаларнинг ўйини ҳам бутунлай бошқача бўлиб қолди. Илгари болалар қанчали қизиқ ўйин ўйнаётган бўлишмасин, ҳаво тревогаси бўлиши билан ота-оналар болаларини уйга қамаб олишарди. Бундай пайтларда Синъити кўпинча йиғларди...

Хироко болаларнинг ўйинини завқ билан кузатар, улар эса бутун дунёни унутиб ўйнашар, гоҳ ғуж бўлишиб тўпланишар, гоҳ яна тарқалишар, гоҳ чуқурча қазиб ичига тушиб олишар, гоҳ бак ичига тушиб олиб, ўзларини денгиздаги кемада сузгандек ҳис этишар эди. «Буларнинг ҳаммаси тинчлик бўлганидан!»— деб ўйларди Хироко.

Шу пайт почтальон эшик олдига келиб тўхтади-да, бир оёғини велосипед тепкисидан олиб ерга қўйди. Уни кўрган Синъити шоша-пиша қичқирди.

— Амма! Хат келди!

— Кимдан?

— Иссидадан.

Хат Хироконинг қайнонасида келган эди. У турган жойидаёқ заказ билан юборилган хатни очди. Қайнона хатни одатлагидек жуда қондасини келтириб: об-ҳаво ҳақида, кириб келаётган кўз ҳақида ёзган ва охири Хироконинг ҳол-аҳволини сўраган эди.

Хироко хатни йўл-йўлакай ўқиб бораркан, тўсатдан тўхтаб қолди, кўзини қоғоздан олиб, бошини кўтарди. Қайнонаси хатида Дзюкитининг кичик укаси Наодзининг Хиросимада бедарак йўқолганлиги ҳақида ёзган эди.

Июль ойининг ўрталарида, учинчи чақириқ вақтида Наодзи Хиросима шаҳридаги ҳарбий қисмга тушиб қолди. Хироко яқиндагина олган хатида Наодзини Япониянинг ичкарисидagi қисмларда хизмат қилаётганини эшитиб, қанча суянган эди. Наодзи тўртинчи августда жавоб олиб уйга келди. Лекин эртасига яна шошлинчи равишда ўз қисмга жўнаб кетди. Тўртинчи август эрта билан Хиросимада шу пайтгача кўрилмаган даражадаги кучли бомба портлади.

Аллаким бу ҳодисадан уч кун кейин Наодзини ўша ҳарбий қисмнинг юк машинасида кўрганлигини айтибди, аммо, бирор аниқ гапни ҳеч ким айтолмасди. «Ҳали умидимизни узганимизча йўқ, ҳеч бўлмаса, у ҳалок бўлган жойини топамиз»...

Хироко титраб кетди, аъзойи бадани терга чўмди. Дзюкитининг иккинчи укаси Синдзо ҳам мана тўрт йил бўлибдики, жанубий денгиз районларидаги фронтда хизматда.

Хироко Наодзининг хотинини, узун юзли, қадимий расмлардаги хонимларга ўхшаш бодом қовоқ ёш келин Цуякони эслаб, юраги жуда эзилиб кетди. Цуякoning ёш болалари бор эди!

Козда уйда йўқ эди: сабзи қндириб кетганига анча бўлганди. Уйнаётган болаларнинг овози борган сари кўтарилар, уларнинг овозидан шодлик ҳамда янги, тинч ҳаётнинг руҳи сезилиб турар эди. Хироко ҳўнграб йнглаб юборди.

Эндиликда Хироко ўз тақдирини қайнонасининг, Цуяко ва унинг болалари тақдирини билан бир деб ҳисоблай бошлади. Қайнона катта ўғли Дзюкити қамалгач, бо-

шига тушган ҳамма қийинчиликларга бардош бериб келарди Унинг олдида Синдзо билан Наодзи қолган эди.

Хироко муштипар қайнонасининг кейинги кунлардаги аҳволини кўз олдига келтириб, нима қилишини билмай қолди. У тўқима сават креслога келиб ўтирди, қўлидаги хатни олдидаги думалоқ стол устига қўйди.

Дзюкити бу хатга нима дер экан? Бечора она худди шу мазмунда ўғли Дзюкитига ҳам хат юборган, албатта.

Дзюкити Хирокога бир бориб, уйдагилардан хабар олгин деб хат ёзганига анча бўлди. Аммо қайнона яшаб турган шаҳарчани яқинда алоҳида ҳарбий район деб эълон қилишганди. У ерга борадиган ҳар бир автобусни қўлига «Жандарм корпуси» деб ёзилган боғич тақиб олган солдат кузатиб борарди. Бу ҳол Хирокони бир оз чўчитган эди. У хатни бошқатдан ўқир экан, ўйга толди: Абасрига, Дзюкитининг олдида боришга тайёрланаверсамикан, ё бу фикрнинг четга йиғиштириб қўйиб, қайнонасининг олдида борсамикан? Бунга Дзюкити нима деган бўларди?

Шу вақт Хироконинг қулоғига Коэданинг товуши эшитилди. Коэда уйга кириб Кэнкитини чақираётган эди. Коэда даҳлизга кирар-кирмас, Хироко унинг олди-га учиб чиқди ва ҳозиргина келган хатни унга узатди.

— Мана, ўқи бунин!

— Нима, бирор нарса бўптими?

Коэда хатга кўз югуртириб чиқди-ю, ранги ўчиб кетди ва бошини кўтариб, Хирокога савол назари билан қаради.

— Вой, янгажон! Энди нима қилдик?

— Ўша тарафга бориш керак. Дзюкити ҳам шундай деган бўларди.

— Қандай борасан?.. Бу нима кўргилик эди-я!

Кўп ўтмай велосипедда Юкио ҳам келиб қолди.

— Бир илож қилиб билет олиб бераман,— деб ваъда қилди у, хатдан хабар топиб.— Сафарга отланавер. Бир ўзингга бу юклар оғирлик қилади. Мен вокзалга велосипедда олиб чиқиб бераман.

Юкио синглисининг фикрларига ҳамма вақт ҳам қўшилавермасди, бироқ бу сафар дарров кўна қолди.

— Қандай етиб борасан?— деди Коэда.— Ҳозирги пайтда поездда ёлғиз кетишинг... ҳар ҳолда қўрқинчли!

— Ўзим ҳам чўчиб турибман.

— Иложинг қанча, бориш керак.

Хироко бу ерга — акасиникига келаётганда темир йўл азобини бир тортиб кўрган эди, бу сафар озроқ озик-авқатдан бошқа ҳеч нима олмасликка қарор қилди.

— Бу ердаги станциядан поездга чиқишнинг ўзи бир азоб! Токиога боргандан кейин иккинчи поездга ўтираман деб яна қийналасан!

— Аслида қай вақтда йўлга чиқиш барибир бўлса ҳам, ҳар ҳолда, тунги поездга қараганда кундузгисига чиққанинг дурустроқ.

Хироко айвонга чиқиб, сават корзинкасини очди-ю, ўйланиб қолди, у радиодан Хиросимадаги воқияни эшитган замон қариндошларининг соғлиғини сўраб хат ёзган эди. Бугунги шошилиш хат штампига қараганда ўи саккизинчида келган эди. Демак, Хироконинг хати йўлда, у йигирманчида етиб бориши керак.

Қайнона билан Цуяко Наодзи ҳақидаги хабарни 11—12 сентябрда билишганди. Фавқулодда уларнинг олдига Наодзи билан бир қисмда хизмат қилган ўртоғи кириб қолади.

— Наодзи келмадими?— деб сўрайди у.

— Йўқ, келгани йўқ. Унга нима бўлибди?

Наодзи онласидагилар унинг йўқолганлигини ана шундай билишади.

Хироко корзинкадан ҳамма буюмларни олиб, рўмоли устига қўйди-да, энг зарур буюмларини ажратиб ола бошлади. Корзинканинг остига аза куни кийиладиган кийимларини жойлади.

Хироко сафарга ҳозирланар экан, ўзига энг яқин бўлган кишиларнинг, оғир уруш йилларини бошидан кечирган оддий япон кишиларининг мудҳиш ҳаёти кўз олдида гавдаланди.

Демобилизациядан кейин Наодзи биринчи марта резервчилар сборига чақирилганда, Хироко билан қайнонаси атайлаб Сангидаги Бинхэй ибодатхонасига ибодат қилишга боришганди. Ёмғир уриб турарди. Улар ибодатхона майдонига кираверишдаги сувенирлар магазинидан зонтлик билан гэта сотиб олишди. Шамол зонтларни учуриб кетай, учуриб кетай дерди. Улар юздан ортиқ пиллапояли узун зинадан чиқиб, асосий ибодатхона эшигига яқинлашганларида Хироконинг тиззалари қалтираб ортиқча юришга мажоли қолмади.

Қайнона ёмғир қуйиб туришга қарамай, тумор сотиб олди ва ибодат қила бошлади. Бу ерга сиғингани келган ўнлаб эркак ва аёллар ҳам шундай қилишар эди.

Бошига бир парча ёғли қоғозни соябон қилиб олиб, ибодатхона атрофини юз марта айланиб чиққан оёқ яланг ёш бир жувон Хироконинг эсида қолди.



Улкан дарахт шоҳларига байроқчалар илинган. Одатда бу байроқчалар фронтга кетаётган йигитларга бериларди. Улар жангда солдатга ғалаба келтиради деб ишонардилар. Ёмғирда ивиб, ранги айнаб кетган бу байроқчалар дарахтларнинг қоронғи соясида жуда ғалати бўлиб кўринарди.

— Мен Наодзига байроқ олиб келсаммикан, деб ўйлаган эдим, яхши ҳам олиб келмаган эканман, — деди қайнонаси, Хироконинг қулоғига шивирлаб. Кекса аёлнинг соч ва қошларида ёмғир томчилари ялтирар эди.

Хироко Абаспирга отланиб, корзинкага буюмларни жойлар экан, жуда хурсанд кўринарди. Энди эса унинг қалбини бошқа фикрлар чулғаб олган эди.

Эртаси кунн Хироко дуч келган қийинчиликларни мардона енгилшга аҳд қилиб, шаҳар кўчаларидан ўтиб борарди; у кўчиш билан боғлиқ бўлган баъзи бир ишларни бажариши, озиқ-овқат талонини йўл талонига алмаштириши керак эди.

IV

Хироко вагонда бўш жой топишга муваффақ бўлди. Бироқ жойдан ажралиб қолмаслик учун қайта ўрнидан туролмади. Шунинг учун ҳатто уни кузатиб чиққан Коэда билан ҳам хайрлашолмади.

Поезд қўзғалиши билан оёғига обмотка ўраб олган баланд бўйли, ўрта ёшдаги кондуктор вагонга кириб, йўлда турганларни четга суриб: «Билетларингизни тайёрлашлар!»— деб талаб қилди.

— Бу иккинчи класс вагони,— деди у кимгадир.— Сиз босиб ўтган йўлнингиз учун яна уч баравар ортиқ пул тўлашингиз керак.

Ўртада жанжал кўтарилди. Кондуктор ўша киши билан уриша-уриша Хироконинг олдига келди. Хироко билетини кўрсатди. Кондуктор билетнинг орқа томонига қалам билан белги қўйди-да, кета туриб Хироконинг қўлидаги сумкасини қуруқ суяк бармоғи билан кўрсатиб:

— Буниси эскими?— деб сўради.

Хироко унинг нима деганига тушунмай, ҳайрон бўлди. У қўлидаги сумкага қаради. Сумканинг сариқ аста-рида ҳозиргина кўрсатилган билет кўриниб турарди.

— Нимани сўраяпсиз?

— Буниси эскими?

Кондуктор Хироконинг сумкасидан ишлатилмай қолган Токио шаҳар атрофи поездининг эски билетини олди-да, ўзини йўқотиб қўйган Хирокога ҳеч нима демай, нарига ўтиб кетди.

— Билетингизни кўрсатинг!

Ўша пайтларда маҳаллий газеталар ҳам, транспортларда билетсиз юриш авж олганлиги ҳақида ёзар эди. Бир маълумотга қараганда, катта станциялардан бирида ҳар кун икки юздан ортиқ билетсиз пассажирлар тўп-ланар экан, уларнинг сони кун сайин ортиб борарди.

Поезд жойидан қўзғалди. Кондуктор ҳам бир оз очилгандай бўлди.

Темир йўлчилар формаси кийиб олган кондуктор жуда чарчаган, ҳорғин кўринар, озғинлигидан ҳатто елка суяклари кийимидан туртиб чиққан эди. Хироко кондуктор Токио транспорти билетини нима учун олиб қўйганлигини тушунолмади, жаҳли чиқди, лекин унинг ҳолини кўриб ачинди. Темир йўл хизматчилари даҳшатли уруш йилларида бетинини ишлашди, кейин эса де-юбитузация, оккупация—хуллас, бечораларга тиним йўқ.

Хироконинг қаринисида денгиз офицери шинели кийган йигирма ёшлардаги бир йигит ўтирарди. У асабий кўринса-да, чеҳрасидан ғайратли йигит экани сезилиб турарди. Унинг ёнида кулча юзли бир ўспирин ҳам бор. Афтидан, у ёрдамчиси бўлса керак. Уларнинг юки жуда кўп эди. Офицер кондукторга қандайдир бир қоғоз узатди-да, кетидан дағалроқ қилиб бир нима деди.

Кондуктор қоғозни олиб, илгари ўтиб кетди. Шу пайт ҳозиргина кондуктор билан жанжаллашган йўловчи вагоннинг бошқа бурчидан одамлар орасидан ўтиб, кондукторнинг олдига келди.

— Ҳой, кондуктор! Нима десанг де, лекин сенга бир тийин ҳам ҳақимни ўтказмайман! Нима, ноҳақ гапирдимми! Эшитяпсанми?

Бу ярим ҳарбийча кийиниб олган йўловчи оёғига обмотка ўраб олган эди; кителининг тугмалари ечиқ, ичидан кўйлагини кўриниб турарди. У баланд товуш билан:

— Ҳой, кондуктор!— деб яна уни чақирди.

Кондуктор биров бир туртгандек ялт этиб унга қаради.

— Нима учун менга ёнишаверасиз! Айтдим-ку, ахир, сизга ҳеч қандай ғаразим йўқ. Қондани бузмаслик керак!

— Ҳозир ўзи ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетяпти-ку, қонда нима қилади! Иккинчи классли вагон эмиш, учинчидан ҳам хароб-ку.

— Худди ана шунинг учун—ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетгани учун ҳам тартиб-интизомни сақлаш керак. Император фармони нима учун чиқариб қўйибди!

Хироко ўзи кетаётган поезднинг оддий поездлардан эмаслигига энди тушунди. Бу — қочқинлар поезди эди!

Денгиз офицери ўрнидан туриб, қаёққадир чиқиб кетди, кейин яна қайтиб келди. Кўп ўтмай кондуктор кирди. У юкларнинг устидан ҳатлаб ўтиб, ҳалиги ёш офицернинг олдига келди.

— Қани, икки юзни чиқаринг!

Ранги оқариб кетган ёш офицер хафа бўлганча оёғларини ёзиб ўтирар эди. У катта кармонини олди-да, ичидан бир қанча янги ўнталик олиб, кондукторга узатди. Кондуктор унга аввалги олган қоғозини қайтариб берди.

— Энди сўрасам айбга қўшмаслар, нима учун менга шунчалик кўпол муомала қилдилар?

Ёш офицер ноқулай вазиятда қолди. У ўзини бунчалик ҳолатда қолишини асло ўйламаган эди. У кондукторга ўқрайганча алланарса деб секингина жавоб берди.

— Сурбет киши экансиз! Сизга нима ёмонлик қилдим? Арпангизни хом ўрдимми? Ахир, билетсиз кетаётган сиз-ку. Мен ўз вазифамни адо этяпман. Бунинг устига сўкиш ҳам эшитдим! Мен ниҳоятти билетингизни тезда расмийлаштириб олинг дедим, холос,— деди кондуктор офицерга нафрат билан қараб.

Офицер ҳам унга: «шу гапни бундан бир ой илгари қилганингда эди, кўрсатиб қўярдим сенга!» дегандек бир қараб қўйди.

— Ҳарбийларимиз сизга ўхшаган бўлгани учун ҳам Япония тор-мор этилди!— деди кондуктор ўкингандек бир оҳангда, унинг сўзлари офицернинг юзига тупургандек таъсир этди.

Хироконинг кондукторга ҳам, офицерга ҳам қарагуси келмасди.

Ёш денгиз офицерининг қаршисида петлицалари сўкиб олинган бир офицер ўтирарди. Унинг ёнида ярим ҳарбий формада яна бир йигит ўтирарди. У кўринишидан шарқи-шимолда бирор ҳарбий муассасани бошқарувчиси бўлган, ҳозирда у муассаса тарқатилгандир-у, бу киши Токиога қайтаётгандир. Хироконинг тўғрисига яна бир ҳарбий офицер жойлашган эди. Унинг ҳам петлицаси юлиб олинган эди.

Жанжал тугади. Хироко вагондагиларга аста-секин кўз югуртиб чиқди. Атроф турли буюмлар билан лиқтўла. Полкаларда, оёқ остида, йўлда, ҳатто ўтирадиган жойларда ҳам чамодон ва корзинкалар қалашиб ётарди.

Вагондагиларнинг ҳаммаси эркаклар. Ташқи қиёфаси-

дан ҳаммаси армияга алоқадор кишилар эканлиги кўри-
ниб турарди. Вагонда Хирокодан бошқа яна битта бо-
лалик хотин бор эди, холос.

Поезд бўм-бўш Насу паст текислигидан Токио томон
учиб бормоқда. Йўлда лоёй чаплаб, маскировка қилин-
ган поездлар учрарди. Мажбурий ишдан қайтарилган
солдат ва ишчилар билан тўла вагон ва очиқ платформа-
ли поездлар учрарди.

Темир йўл бўйида дарахтлари яқинда нари-бери ке-
силган дарахтзорлар, янги кесилган ёғочдан ясалган
ўрмон ичидаги қатор бараклар кўринарди. Ҳозир ботиб
бораётган сентябрь қуёши нурларида бу бараклар қури-
лишга раҳбарлик қилган қовоқ мия ва калтафаҳм киши-
ларнинг соқов гувоҳидек бўм-бўш ётарди.

— Бу иш уни бошлаганларга фойда келтирди,
холос,— деди Хироконнинг қаршисидаги ёши ўтинқираб
қолган киши,— мағлубиятга учраган бўлишса ҳам, ҳар
ҳолда фойдаланиб қолишди.

Офицер беҳуда пул сарф этилган бу катта қурилишга
кўз югуртирди. Аммо унинг назаридан ҳеч нарсани уқиб
бўлмасди.

Кекса киши жим бўлди. Бир меёрда чайқалиб, издан
изга ўтиб келаётган поезд Токиога яқинлашиб келарди.
Вагонда лик тўла одам, бироқ уларда умумий бир мақ-
сад йўқ. Ҳар вақтдагидек ҳар ким ўз дарди билан. Ҳар
ким ўзи тўғрисида, ўзининг бирдан ўзгариб қолган тур-
муши ва келажаги тўғрисида ўйлайди.

Бирор корхонада ишбошқарувчи бўлиб ишлаган
одамга ўхшаб кетган йўловчи комерция ишларида чиниқ-
қан корчалонларга хос тетиклик билан, ҳар замонда
армия офицерига гап ташлаб қўярди:

— Токиодаги Канада райони бомбардимондан анча
кам бузилибди. У ерда баъзан яхши китобларни топиш
мумкин.

Ҳарбий киши унга диққат билан бир қарайди-да, но-
аниқ қилиб:

— Шунақамми?..— деб қўя қолади.

Шу билан суҳбат бўлинади.

Бир оз нарироқда оқ шерсть носки, рангдор шим кий-
ган, қизил галстук, оқ камзулли бир олифта йигит ўти-
рарди. Уни бир кўришдаёқ жанубий денгиз районида
келган ўзига тўқ киши эканлигини пайқаб олиш мумкин.
Олифта костюми юмалоқ юзида акс этиб турган нафрат

ифодасига мос тушар эди. У вагондаги тартибсизликка совуққина ва такаббуруна назар ташларди. У ўзининг қандай қилиб шундай «паст» одамлар орасига тушиб қолганига ҳайрондек эди.

Хироко июль ойи охирларида кечки поезд билан Уэнс вокзалидан шарқ-шимоли тарафига сафарга чиққанини эслади. Ушанда поезд шундай тикилинч эдики, асти қўя-верасиз. Хотинлар йиғлашарди. Одамлар тўлқини уни суриб, вагонга олиб кириб қўйганди. Хироко кираверишда, кимнингдир юки устида ўтириб тонг отдирганди. Аммо ҳамма ҳаво ҳужумидан омон-эсон қутулиб қолай деган умидда эди. Ора-сира бир-бирлари билан гаплашиб ҳам қўйишарди.

— Ҳеч бўлмаса тоққача етиб олганимизда ҳам чакки бўлмасди.

— Қандай ойдин кеча-я! Шундай пайтларда одамнинг бир айланиб келгиси келади-ю, яна қўрқасан киши.

— Қўйинг, нималар деялсиз ўзи! Қўрққанга қўш кўрпнар дейдилар, биродар.

Кимдир бир қўшиқни хиргойи қила бошлади. Хироконинг ёнида ўтирган бир кекса киши иккинчи томондаги ёш қизга яқинроқ сурилиб ўтирди-да, унга ҳазил-мутоиба сўзлар қила бошлади, қиз бўлса унинг сўзини бўларди:

— Йўқ, йўқ! Қўйинг, бу нимаси ахир, ёш йигит эмас-сиз-ку. Қўйинг!

Одамлар қовурилган лўяни улашиб ейишди: Хироко-ни ҳам меҳмон қилишди.

Ҳозир эса поезддаги муҳит бутунлай бошқача эди. Петлицалари узиб олинган икки офицер Хироконинг орқасида туриб олиб, суянгичга ёнбошлаганча, атрофдагиларга эътибор бермай овозининг борица жаврашарди.

— Ямадо билан учрашдингми?

— У қолган бўлса керак.

— Йўғ-э! Нима қилишни билади у.

Шундан сўнг сўз Хироко тушунмайдиган тарзда ҳарбийчасига давом этди:

— Мен саккиз мингга яқин олдим...

— Шунақами!.. Дуруст, ёмон эмас.

Поезд Токио яқинидаги кичик бир станцияга келиб тўхтади. Хироко уриниб-сурилиб дераза орқали пастга қўшиб олди, кимдир унга ёрдам бериб юборди. Хироко

орқасига ўғирлиб қараган эди, кўзи унга ёрдам қилиб юборган кишининг қўлидаги оқ боғичга тушди, унга инглиз тилида «Харбий полиция» деб ёзиб қўйилган эди.

V

Аюдзавалар овқатхонасида электр нурини ташқари тушурмайдиган абажурни яна кўриш қандай яхши эди-я!

Хироко ўт ичида қолган Токиони ташлаб, Абасирига кетмоқчи бўлганида, шарқи-шимолга юк билан йўлга чиқиб бўлмаслиги маълум бўлиб қолди. Шундай бўлса ҳам бир неча китоб билан кичкина одеял олиб кетмоқчи бўлди. Хироконинг йўлга чиқишига Ацунко Аюдзава билан эри ёрдамлашиб юбордилар, улар Токиога яқин бир ерда туришарди.

Энди Хироко Абасирига эмас, балки, бутунлай қарама-қарши томонга, Дзюкитининг юртига кетмоқда эди. Хироконинг Аюдзавалар уйида қўниб ўтишдан мақсад — уларга ўзининг янги планлари ҳақида гапириб беришгина эмасди, бунга яна ўзининг ташвишларидан эзилгани, қариндош-уруғларининг ҳол-аҳволини ўйлаб турган ташвишлари, бегона одамлар жойлашиб олган кичик акасининг уйида тургиси келмаганлиги ҳам сабаб бўлди.

Хироко Аюдзавалар уйидан шарқи-шимол томонга жўнаш кечаси кетма-кет ҳаво тревогаси бўлиб турганди. Овқатхонадаги электр лампага ҳам фонарча шаклида қалпоқча кийгизилиб, маскировка қилиб қўйилган эди. Уйдагилар нур тушиб турган кичкинagina жойда давра тузиб овқатланишди ва гаплашиб ўтиришди.

Уй эгалари бу сафар ёруғ яхши тушсин деб абажурни ажойиб гуллар, шокилалар билан безаб қўйган эдилар. Эр-хотин Аюдзава дидли одамлар эди, ўзларининг кичкинagina уйларини яхшилаб жиҳозлаб қўйгандилар.

Улар абажурга алоҳида эътибор билан қарардилар. Уни қайта-қайта бошқатдан ясаб, электр нури атрофга тушмайдиган, айни вақтда, уйнинг ичига яхши ёруғ берадиган қилиб қўярдилар.

Албатта, булар арзимас ишлар, аммо, Хироко кейинги ойда кўпгина кераксиз, одамларга бошқалар таъсири остида ёпиштирилган кўпгина бемаъни ишларни кўрган ва Аюдзава онласидаги бу ўзгаришни кўриб хурсанд бўлди.

Токнода 15 августга қадар ва ундан кейин содир бўлган воқналар устида анча суҳбатлашилди. Хироко марказдан узоқдаги вилоят шаҳрида бўлганлиги учун бу ерда бўлган воқналардан беҳабар эди.

— Икки-уч кун ичида Токнодаги бутун ҳужжатларни ёқиб юборилди шекилли. Вой-бу, ердаги ишларни ўз кўзингиз билан бир кўргангизда эди!

Хирокога ўша тўс-тўполон кунларда ҳамма ёқни чала ёнган қоғоз парчаларни ва ер юзини кул босиб кетганини, ёш хотинлар дарров европача кўйлаклари-ни кийиб олиб, баланд пошна туфлида қоғоз куйиндилари ичида кўча кезиб юрганларинини ҳиноя қилиб берилди.

— Энди нима бўларкин?

— Хуллас, ҳамма иш Потсдам декларациясига мувофиқ борапти,— деди ишонч билан Юдзи.

— Илоҳо шундай бўлсин...— деб қўйди Ацуко.— Бизнинг иқтисодий институтимизда ҳам кўп нарсалар ўзгарди. Ҳамма планлар қайтадан кўрилди. Ҳар ким ўзига тема танлаб олди.

Гап кўпроқ Дзюкитининг бахтсизликка учраган кичик укаси тўғрисида борди.

Кечки овқатдан кейин шу яқин атрофдаги танишлар келишди. Хироко улардан бирининг гапини айниқса қизиқиб тинглади.

— Яmanoути-сан, сиз яна деҳқончилик қиласизми?

Сўнгги йилларда Хироконинг кўпгина дўстлари Токнодан шаҳар атрофидаги ерларга чиқиб кетишган эди. Бунинг асосий сабаби озиқ-овқатнинг етишмаслигида эди, албатта. Шаҳарда ҳақиқий иш билан шуғулланиш учун имконият тополмаган одамлар қишлоқда бир оз бўлса-да ўзларига яраша иш топишга интилардилар. Мағлубиятнинг моҳиятини яхши тушуна оладиган бу кишилар бундан кейин ҳам деҳқончилик қилишармикан? Наҳотки, улар бундан кейин ҳам, деҳқон бўлиб қолаверсалар?

— Мендан сўрасангиз, энди бўлди, бас. Сабзавотлар эжиш учун энди вақтим ҳам йўқ.

— Ҳамма ерда ҳам аҳвол шундай. 15 августдан кейин менинг экинларим ҳам бирдан қовжираб қолди.

— Мен эса қандай қилиб бўлмасин оиламга етарли картошка йиғиб оламан,— деди Ковамото, бармоқлари билан секингина кўзойнагини тузатар экан.— Анчагина

уруғ экдим. Ҳосили ҳам мўл бўлиши керак!

— Ҳа, ҳосили ёмон эмас!

— Боринг, ҳосилнинг учдан бирини ўғирлаб кетишсин, ўшанда қолган ҳосил олтмиш қанча бўлади. Ҳа, шунча ҳосил оламан.

— Уҳў!

Ковамото олиши керак бўлган батат ҳосилини айтиб бўлиб, яна келажакдаги катта-катта планлари ҳақида иштиёқ билан гапира бошлади.

— Ҳа, сиз олган помидорни еб тамом қилиб бўлмас!— деб кулиб қўйди Ацуко.

Йиғилган одамларнинг чақ-чақлашиб, бир-бирларидан тортинмай суҳбатлашиб ўтиришларидан энди нима бўлар экан, деб кутиб юрганлари сезилар эди, компас стрелкаси ҳам тўғри йўналишни кўрсатишдан аввал ана шундай у ёқ-бу ёққа тебраниб туради.

Сезгир Хироко бунини зийраклик билан тушуниб олди. Одамлар бундан ярим ой олдин мажбуран бошларидан кечираётган кунлар энди ўтиб кетди деб ишонар эдилар. Айни вақтда ҳар бири ўзининг янги ҳаётга тайёр эмаслигини биларди. Ҳар ҳолда Хирокога шундай туюларди.

— Ишқилиб, йўл танлашда янглишмасанг бўлгани, иш тез ва мақсадга мувофиқ юришиб кетаверади. Айтмоқчи, қамоқхоналардаги маҳбуслар Токнога қачон қайтар экан?

— Жамият хавфсизлигини сақлаш қонуни қачон бекор қилинади? Гап ана шунда.

— Ҳар ҳолда шу йил бекор бўлса керак. Бу йилдан қолмайди? Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

— Тезроқ қайтиша қолса эди. Тўғрими, Хироко?

Хироко бу гапларни эшитар экан, бутун борлигини сабрсизлик ўти қамраб олди.

— Бу ҳақда гапирмаганинг яхши, ярамни янги қилади,— деди у секингина, фақат Ацуко эшитадиган қилиб.

Ўтган шу ўн икки йил мобайнида Хироко ўзини жуда дадил тутди. Баъзан, мен ҳам одамларга ўхшаб эрим билан бўлсам, бирга яшасам қандай яхши бўларди-я, деб ўйларди. Ҳақиқатан ҳам Дзюкити билан бирга бўлса қандай қувонган бўларди! Бироқ Хироко иродасининг тўплаб бу орзуларини нари сурди.

Дзюкити қамоқда олти йил ётиб, етинчи йилга ўтганида нчак сини касалига чалинди.

— Умри оз қолди,— деб огоҳлантирди, Хирокони қамоқхона врач.

Врач беморининг умри қисқа қолганини ва унга касалхона режими зарурлигини прокуратурага маълум қилди. Бундан Хироко ҳам хабардор бўлиб қолди-ю, бормаган касалхонаси, маслаҳатлашмаган докторлари қолмади, бунинг учун у қанчадан-қанча пул сарф қилди!

Прокуратура врачнинг илтимосномасини рад этди. Бунга сабаб қилиб улар Дзюкитининг ўз сиёсий эътиқодларидан воз кечмаганини кўрсатдилар. Шундан сўнг Хироко адвокат билан прокурор олдига борди. Дзюкитини госпиталга ўтказишликни сўради, бўлмади.

— «Уртоқ» Исида бу ерга келган кундан бошлабоқ, ўз ҳаётини қурбон қилишга тайёр эди. Сизнинг койинишингиз фойда берармикан,— деди унга прокурор, тиржайиб.

Бундан бир неча йил муқаддам бу ердаги қизил ёғишдан қурилган Сугамо қамоқхонаси бузиб ташланган эди; ҳозир унинг ўрнида кенг ўтлоқ пайдо бўлган. Бир вақтлар бу ерда чой плантацияси бўлган бўлса керак. Ора-чора чой туплари ўсиб ётган шу ўтлоқ ўртасидан сўқмоқ йўл чўзилиб ўтган. Аввалги қамоқхона ўридан бир оз четроқда бетондан ишланган тўрт бурчакли янги қамоқхона қад кўтарган. Яқиндагина қурилган йўл ёқасидан унинг кул ранг бинолари кўзга ташланарди. Биринчи қарашда пайқаб бўлмаса-да, яқинлашган сари киши деворларининг нақадар баланд эканлигидан ҳайратга келарди. Баланд деворнинг одам бўйи баравар ерида торгина туйнукча бор эди. Хироко ҳар сафар шу ерга учрашиш учун келганда, соқчи келиб, тирқинш ёнидаги кнопкани босар, оғир дарвоза вазминлик билан девор ичига кириб, йўл очилар эди. Дарвоза жуда ҳам баланд эди. Хироко шу ерга келиб, эри билан учрашиш дамларини кутиб турган пайтида ўзини худди девор тагидан ўсиб чиққан нимжон кўкат каби ҳис этарди. Дарвозанинг баҳайбатлигигина эмас, унинг ёғишраб деворлар орасига кириб қойиб бўлиши ҳам қўрқинчли эди. Уларни қўзғатиш учун ҳар қанча куч сарф қилинса ҳам, ҳеч жойидан силжитиб бўлмайдигандай туюларди.

Дзюкитининг соғлиги оғирлашгач, Хироко бу темир дарвоза олдига озмунча турганин йўқ. Ҳар сафар дарвоза

тирқишидан қамоқхона назоратчисининг кўзи билан мўйлови кўринарди-да, у бир-биридан совуқ хабарларни айтарди.

— Маҳбуснинг аҳволи оғир бўлгани учун бугун учрашув бўлмайди.

— Аҳволи жуда ёмонми? Энди нима қилдим-а?— деб юборарди шунда Хироко.

— Йўқ! Унчалик эмас! Ҳали ўлганича йўқ...— дерди кулиб қамоқхона назоратчиси ва тирқишни ичкаридан ёпиб оларди. Хироко тоғдек девор тагидан зўрға нари кетарди. Эртаси кун эрта билан яна шу ерга келиб, девор остида термулиб турарди. Унинг кечаги сояси ҳамон шу деворда тургандек туюларди.

Дзюкити ўлмади. Кутилмаганда омон қолди. Дзюкитининг юраги, бутун борлиги ҳаётга қараб толпинган бир вақтда суд ранси ҳимоячи орқали унга тўсатдан бир таклифни ўртага қўйди. Дзюкити бунни Хирокога учрашув хонасида, иккаласи кўришган пайтда айтганди. Суд ранси Дзюкити ўз эътиқодидан ошкора қайтса, унинг ишини қайта кўриб чиқишини ва яхши даволаниш учун рухсат этишини билдирибди.

— Бир амаллаб мени сотиб олишмоқчи,— деди ўшанда Дзюкити.

У бу гапларни хотинига вазминлик ва жуда эҳтиёткорлик билан айтди. Аммо шунинг ўзиёқ Хироконинг бир неча кун ухламаслиги учун кифоя қилди. Дзюкити суд рансининг гапларини айтаётганда туйнукка яна яқинроқ келди ва Хироконинг кўзига у яна ҳам катта бўлиб кўринди. Бу таассурот Хироконинг кўз ўнгидан узоқ вақтгача кетмади.

Хироко нима бўларкин деб сабрсизлик билан кутди, тоқати тоқ бўлди. Бир кун Дзюкити гап орасида суд ранси ҳеч нима қилолмаганлигини айтди.

— Мендан бирор нарса кутишнинг ўзи ҳам ғалати бўларди-да,— деди Дзюкити кулиб.— Ҳеч ташвиш қилма, Хироко.

Бу сафар ҳам озодлик ҳақидаги илтимосга берилган жавоб аввалгисидек бўлди. Маҳбуснинг снёсий қарашлари ўзгармади дейишди.

Дзюкитига нисбатан бўлган бундай иккинчи шафқатсизлик Хирокога аввалгисидан ҳам қаттиқ таъсир қилди. Улим олдида турган кишига қамоқхона эшигини озгина бўлса ҳам очиб, гўё бутунлай очиб юборишлари

мумкиндай бир пасткашлик қилдилар. Буларнинг ҳаммаси майнинг иссиқ кунларида, маҳбуснинг қамоққа олинганига етти йил бўлгандан кейин содир бўлди.

Хироко энди ҳеч кўз ёши тўкмасликка аҳд қилди. У ғазаб билан тўлиб-тошган эди.

Ана шундан бери Хироко Дзюкитининг кучини, букилмас продасини қалбдан ҳис этди. Улар жуда оз вақт бирга бўлдилар. Хироко Дзюкитининг сийёсий фаолиятига аралашмаган эди. Шунинг учун ҳам эрининг характерини яхши билолмай туриб ажралишга тўғри келди. У эрига аввалгидек эшларга хос ҳурмат билан қаради. Дзюкити ўзини алдашаётганлигини хотиржамлик ва эҳтиёткорлик билан хотинига айтгандан кейинггина эри унга қамоқхона дарчасидан салобатли киши бўлиб кўринди. Бу, албатта, ўз эрини ҳаддан ташқари севганидан эмас, балки ундаги жасорат сабабли эди. Қамоқхона назоратчиларининг бераҳмлигига қарамай, Дзюкити ўзида куч топар ва янги синовлар қаршисида бардам турарди. У, Хирокога нисбатан анча кучли эди. Хироко шу вақтгача Дзюкитига шунчалик юракдан яқин эканлигини сезмаган эди. Аслида эса унинг борлиги ва бутун ҳаёли Дзюкити билан бирга яшарди. Фидокорлик ва ҳамкорликнинг янги манбаи топилди. Гўё улар бир-бирини қайтадан топишгандек бўлди. Бу Хироконинг қалбида янги дунё очди, ҳаётини янада бойитди.

Хироко ана шу ўйлар билан ўн икки йил яшади. Мана энди унинг Дзюкитиси қайтиб келади! Борди-ю, бирор сабаб билан келмай қолса-чи? Борди-ю, тўсатдан Дзюкитига бирор нарса бўлиб қолса, ё шарт-шаронт ўзгариб қолса?..

Хироко кутиши керак. Шунча вақт у тишини тишига қўйиб, қачон бўлмасин менинг Дзюкитим келади деб йўл кутди. Лекин у ҳадеб ўйлайверишни эп кўрмади. Чунки кўп ошиқиш аччиқ қайғуга олиб келиши ҳам мумкин.

Хироко дўстлари билан суҳбатлашар экан, кечки сайлга чиққан кишиларнинг оёқ товушига диққат-лақулоқ соларди. Бир велосипедчи қўнғироқ чалиб ўтди. Узоқ вақтдан кейин шаҳардаги ёз оқшомларининг шовқин-суронини қайта эшитиш яна ҳам ёқимли эди. Хироко елпугични тиззасига қўйиб, китоб полкасига суянганича хаёл суриб ўтирарди. Унинг ҳаёлидан Дзюкити ва оила суянчигини йўқотган қайиғонаси бирма-бир ўта бошлади.

«Қаерга келдик экан?»— деб ўйлади Хироко, уйқудан туриб юзини рўмолча билан артар экан.

Поезд эндигина катта бир станциядан чиққан эди, темир йўлнинг икки томонидаги қатор харобалар кўринад бошлади. Куз қуёшининг олтин нурида бу вайроналар бир хилда совуқ бўлиб кўринарди. Уни кўриб, авиация нақадар бераҳмлиқ билан иш кўрган-а, деб ўйларди, киши.

Поезд кўп ўтмай бўм-бўш ерлардан ўтиб, Токайдо районидаги қуюқ кўкаламзорга кириб борди.

Токио — Симоносеки скорий поездди, Токио вокзалининг темир тўсинларигина омон қолган кўприклари остидан чиққандан сўнг, вагон ойналаридан шундай манзаралар кўринад бошладик, уни ҳеч қачон табиат манзараси деб бўлмасди. Скорий поезд тўхтаган ҳамма шаҳарлар вайрон бўлган, Токио — Иокогама районини гапирмаса ҳам бўлади; фақат Атами курортигина омон қолган эди. Поезд тоғ ва адирлардан ўтиб кўм-кўк далада учиб борарди, аҳён-аҳёнда катта дарёларнинг темир кўприклари учрайди. Лекин атрофда сайёҳ кутган бирорта қизиқарли нарса йўқ, фақат хароба кетидан хароба келарди.


Аввал йўловчилар вагон деразаси олдида тўпланишди:

— Ахир, даҳшат-ку бу! Фақат Токио хароб бўлган десам... Шундай аҳволга келтириш кимга зарур бўлган экан-а.

Ярим кун ўтди, поезд ҳамон вайроналар орасидан ўтиб борарди, йўловчилар ҳам бу манзараларга кўникиб, энди ҳаяжонланмай қўйдилар. Ҳамма чарчаган эди.

Хироко уйқудан уйғонар экан, ўзини узоқ ухлаб қолгандек ҳис эта бошлади. Ён атрофдаги йўловчилар но-пушта қилиша бошлашди. Аммо нима сабаблидир бу Хирокога ёқмасди. Унинг соати йўқлигидан вақтнинг қанча бўлганлигини ҳам билолмади. Вагон ойнасидан кўринаётган манзаранинг бир хиллиги ҳали Токио районидан чиқмабмиз шекилли деган фикрга олиб келарди.

Хироконинг қаршисида тўладан келган, оқ шоҳи кўйлак кийган, оёғига обмотка ўраган гавдали бир киши ўтирарди. У, кўришишдан, бутун умри жисмоний меҳнат билан ўтган одам эди. У бамбуқ саватчадан дори солди-



ган шиша олди-да, кичкина стаканчага қандайдир суюқлик қуйиб, ён томонда ўтирган ҳарбий кийимдаги кишига мурожаат қилди:

— Қиттак-қиттак ичмаймизми? Қўрқманг, ёғоч спирти эмас.

Кителнини ечиб, оқ кўйлакда ўтирган офицер хушмуомалалик билан эътироз билдирди:

— Йўқ, раҳмат. Миннатдорман, лекин мен ичмайман.

— Шунақамн, кечирасиз бўлмаса!

Оқ кўйлакли киши бир кўтаришдаёқ стаканни бўша-тиб, иккинчисини қуйди; уни ҳам ичиб юборди-да, таомларга ёпишди. Бамбуқ саватчадаги кичкина тугунчаларда турли хил таомлар бор эди. У таомларни шошилмасдан чайнаб, маза қилиб ер, бироқ қўлидаги тугунчани ҳеч кимга кўрсатмасликка ҳаракат қиларди. Кўринишдан у пудратга ишловчи устага ўхшаса ҳам, яна алланарсаси ундай одам эмаслигини кўрсатиб турарди. Хироко унинг тез, ўткир назарига ва дилкашлигига диққат қилди.

Ҳарбий кийимдаги киши ҳам ўз дастурхонини ёза бошлади. У олдига уч юмалоқ пиширилган гуруч, сояга қўшиб пиширилган балиқ ва қаймоқ олиб қўйди. Юклар устида ўтирган ёш деншчик флягадан чой қуйиб, офицерга узатди. Бу оқ чинни идишча илгарн бирор расмий муассасаники бўлса керак: унда «маориф» ва «бош инс-

пекция» деб ёзиб қўйилган эди. Армияда бу белгилар «Жанговор тайёргарликнинг бош инспекцияси» деган мазмунни берар. Афтидан, офицер хизматдалик чоғида ҳар кун шу идишдан чой ичган бўлса керак.

Хироко офицернинг ҳозиргина ечиб қўйган кителига назар ташлар экан, худди шундай ҳарбий формалардан ўзиб олинган петлица ва погонларини эслади. Бу кителда фақат ҳар хил рангдаги орден планкалари қолган эди. Унинг қиличи ҳам йўқ, у вагонга қуролсиз чиқиб келди. Кулча юзли ёшгина денщик жой олиш учун ҳаммадан илгари вагонга чиқди, офицер келиши билан дик этиб ўрнидан турди-да, унга жой берди; негадир честь бермади. Токио вокзалидаги ғовур-ғувурда мана шу воқналар Хироко диққатини ўзига жалб қилган эди.

Уч юмалоқ гуручининг тузукини нонушта эканига ҳар қандай киши ҳам эътироз билдирмайди. Чиннидаги ёзувдан офицернинг ҳарбий хизмати аниқ биллиниб турар ва бунга олдидаги нонуштаси ҳам мос тушар эди.

Хироко бундан уч кун аввал шарқи-шимолдаги кичик бир шаҳарчадан Токиога келганди. Ўшанда ҳам бир ёш офицер у билан бирга келган эди. Хироко офицернинг кондуктор билан жанжаллашгани ва уларнинг бир-бирларини ҳақорат қилганларини нафрат билан кузатган эди. Ёш офицер жанжалдан ранглари оқариб, титраб кетган ва нонуштасини очиб, деншиги олдига овқат суриб: «Ол!» деб тўнғиллаганди.

Нонуштаси шу кунлар учун жуда камёб ва сифатли овқатлардан иборатлигидан, ҳамма йўловчиларни ҳам хайрон қолдирган, диққатини жалб этганди. Бу эса солдатни хижолатга солди. Офицер атрофдагиларнинг авзойига тушунди шекилли, «бунинг нимаси ёмон, ахир»! — дегандек елкасини қисиб қўйиб, шошиб-пишиб овқатини ея бошладди.

Ҳозир Дзюкитининг ватанига борар экан, Хироко шарқи-шимолдан Токиога келаётганидагидек поездда аёл кишилар оз эди.

Поезд жуда тиқилинч эди; етти-саккиз соатлик йўл бўлса-да, йўловчиларнинг кайфияти жуда ёмон эди. Уни қочоқлар поездди деб атаса бўларди. Армияга алоқадор кишилар, демобилизация қилинганлар бир-бирларини туртиб, тартибсиз равишда поездга чиқиб олишган эди. Улар кўтара олгунча юк олишган, талон-торож қилиб орттирган нарсаларининг ҳаммасини олиб кетишга

тиришишарди. Бир-бирларидан, атрофдагилардан уялмай, мана шундай пайтларда қўлга тушадиган ўлжалар ҳақида гаплашишарди.

Уч кун ўтди. Лекин энди Токиодан Токайдо райони бўйлаб кетаётган поездни ҳеч ҳам қочоқлар поездидеб бўлмас эди. Йўловчилар капитуляциядан қутулиб, янги даврда яшаётган кишилардек туюларди. Булар, қўлларига мол-мулклари билан, уларни талаб олган ердан тезроқ узоқлашишга шошилаётганлари йўқ эди. Булар уйларига етиб боргач, Япониядаги туғилган янги шароит кўндаланг қўйган янги вазифаларни адо этмоқ учун тайёр эдилар.

Хируконинг ёнида госпиталнинг оқ халатини кийган бир ярадор ўтирар, унинг чап оёғи тиззасининг устидан кесиб ташланган эди. Юк ташувчи бўлса керак, бир киши унга ёрдам бериб, катта ёғоч яшикка солинган протез оёқни вагонга кўтариб чиқди. Вагоннинг нариги томонида ҳам бир қанча ярадорлар бор эди, лекин уларга қаровчи биронта ҳамшира, на санитарка кўринарди. Бу беморлар шикастланган жойларини авайлаб, ён-веридагилардан гоҳ уни, гоҳ буни илтимос қилишар ва ҳар гал узр айтиб қўйишарди.

Хируконинг иккинчи ёнидаги киши нонушта ўрнига сухари кемириб ўтирарди. Бу ярадор билан жанговар тайёргарлик бош инспекциясининг офицери қарама-қарши ўтирар эди. Уларнинг суҳбатидан маълум бўлдики, энди кучга тўлган вақтида оёғидан ажралган бу йигит Кюто университетидagi бир факультетни тамомлаб, Кюсюдаги тоғ рудаси компаниясида хизмат қилган экан. У сухарини курсиллатиб ер экан, Шимолий Хитойда яраланганлиги, ҳарбий госпиталда бир ярим йил ётиб чиққани ва кейинги вақтлардаги, айниқса, мана бу урушдан сўнгги айқаш-уйқаш вақтлар ҳақида гапириб беради.

— Санитарлар устидан ҳазил қилиб кулганимизни ўзлари ҳам сезишмасди, — деди, у кулиб ва қўли билан америка журнаlinesи трубка қилиб соғ оёғига уриб қўйди.

— Аввало ишончни йўқотмаслик керак, — деди оқ шойи кўйлакли киши. — Оёқсиз ҳам киши бахтли бўла олади. Буни эсдан чиқармаслик керак! Ҳеч қачон умидсизликка тушманг. Мен шу ёшга киргунимча кўп ишларни кўрдим. Бунда гап кўп, ҳеч хафа бўлманг. Шунинг-

дек хотинингизга писбатан аввалгидек муомалада бўлинг. Агар ўзингизни одо бўлдим энди деб ҳис этсангиз, унда иш тамом. Унда хотинингиз ҳам сизга бошқача муомала қила бошлайди. Буларни мен ўз тажрибамдан биламан!

Хироко кўк чолварини ва студентлик вақтидаги эски ипли ботинкасини кийиб олган эди. У нонушта қилиб бўлиб, оқ кўйлакли кишидан:

— Сиз Манжурияда нима иш қилар эдингиз? Армияга алоқангиз бормиди? — деб сўради.

— Ҳа, бироқ бевосита эмас.

Жанговар тайёргарлик бош инспекциясининг офицери ўзига таниш бўлган ҳарбий кишиларнинг исмини эсга олар экан, оқ кўйлакли киши: «Э, сиз ҳам уни танийсизми? Бунн қаранг-а!» — деб қичқирарди, бу билан у Манжурияда таниш-билишлари кўплигини билдирмоқчи бўларди.

Офицер «Япония императорининг меросхўрлари ҳақида» деган брошюрани олиб қўйди-ю, ўқимади. Унинг кўзлари қисилиб, боши солиниб, киприклари бир-бирига жинслашиб кетаверди. Ўрта ёшлардаги бу кишининг маънос юзюда шафқатсизлик белгилари кўриниб турарди. Ингичка лабларида қон йўқ эди. Кўринишдан, у ичдан пишган, ички кечинмаларини ҳеч кимга сездирмайдиган одам эди. Ҳаракатсиз, қимир этмайдиган бу инқобга ўхшаган юздан унинг нима ҳақда ўйлаётганини биллиб бўлмасди.

Нагоя шахридан ўтилгач, вагон ичи чанг-чунг, терлаб келаётган, демоблизация қилинган солдатлар ва уларнинг буюмлари билан тўлиб кетди.

Шўх ҳазил қилиб келаётган бир оёқли солдат поезд уйига яқинлашган сари, ҳазилини қўйиб, сабрсизлана бошлади. Унинг хотини ва болалари Кнотода, эвакуацияда яшардилар. У икки йиллик айрилиқдан сўнг ўз уйига қайтгач, бир оз дам олишни ўйларди.

— Ишқилиб телеграммани ўз вақтида олишган бўлсин-да!

У Хирокога қайрилиб қаради:

— Ҳозир, менингча, телеграмма икки кунда бормаса керак, тўғрими?

— Тўғри, ҳозир телеграмма масаласи жуда чатоқ.

Шарқи-шимолӣ шаҳарчадан Токнога юборилган те-

леграмма Хироконинг Аюдзавалар уйида турган ўша кунлар нчида ҳақиқатан ҳам келиб етмаган эди.

— Нима қилдим энди? Қўлимда юким бўлмаганда ҳам, бир амаллаб етиб олардим, лекин бу билан...

Шундай деб, у полкадаги протез солинган ёғоч яшикка қаради.

— Сиз тушадиган станция келганда, ҳаммамиз ёрдам берамиз, у ёнга эса, станция хизматчиларидан бирортаси келиб қолар. Юкларни вақтинча камерахраниенига берасиз, кейин киши юбориб олдириб кетарсиз.

— Катта раҳмат сизларга! Шундай қилишга тўғри келади.

У қўли билан бошини ушлаб, асабий кулиб қўйди.

— Биринчи марта ёруғ дунёга чиқяпман. Госпиталда ётган чоғимда бутун ён-атроф ўзимиздақа ногиронлар билан тўла эди. Уларга қарашга ҳам қурқасан киши... Менинг эса бир оёғим йўқ, холос, ҳечқисси йўқ!

У бир оз тинчланиб, папирос чекди.

— Мана энди менинг ногиронлигим сезилади. Бир оёқ билан ўғлимни дурустроқ қучоқлай олмайман ҳам, кўтариб қўлимга ололмайман ҳам, у ҳозир беш ёшга кирди.

Хироко унинг бу гапларидан хотини ҳақида ўйлаётганлигини тушунди ва ҳамроҳига астойдил далда бергиси келди.

— Агар сиз ўтирган жойингизда ўғлингизни қўлингизга олсангиз ҳам у қувона беради, ишонаверинг бунга. Онасининг бўлса беш ёшга кирган ўғлини кўтаришга кучи етмайди.

У бир оз жим туриб, қўшиб қўйди:

— Ҳеч бир ташвиш тортманг! Ҳаммаси яхши бўлиб кетади!

— Муҳаббат беқарор бўлади. Келажакдаги ҳаётим қандай бўлишига ақлим ҳам етмай қолди...

Агар муҳаббат беқарор бўлганда Дзюкити билан Хироко ўз туйғунларини ўн икки йиллик ҳижрон чоғида сақлаб келармидилар? Хироко қандай қилиб бўлмасин юраги ҳам селига тўлиб-тошган шу бечорани овутмоқчи бўлди. Хироко бу ҳақда ўйлар экан, унинг хаёлидан келини Цуяко ўтди. Эҳтимол ёшгина Цуяко Наодзидан айрилиб, икки ёш бола билан қолгандан кўра, ўлган эрини бутунлай унутгани яхшироқдир? О, қандай даҳшатки, жанг майдонида мажруҳ этилган киши бунинг устига

устак ўзининг суюкли ёр эканига ҳам ишончини йўқотса! Катта чидам, катта матонат керак бунга! Агар тетиклик манбан бўлган булоқлар эртакларда бўлмай, ҳаётда ростдан бор бўлса эди, Хироко ўз қўли билан ундан сув олиб, бу оёқсиз ногиронга ичирган бўларди.

Киотога яна бир соатлик йўл бор эди. Бир оёқли солдат қаршиида ўтирган жанговор тайёргарлик бош инспекциясининг офицерига яна мурожаат эта бошлади:

— Мен Киотода тушиб қоламан. Хайрлашув олдида менга нималар тилайсиз?

Қўлларини қовиштириб ўтирган офицер бир оз қизарди. Энди унинг юзи ниқобини эслатмас, балки ундан хайрихоҳлик ва ҳатто сал-пал уялгани сезилиб турарди.

— Сиз ўз қадрингизга етиб яшашга ҳаракат қилинг,— деди у, ўйланиб.— Ғайратли бўлинг. Ғайрат-шижоатли бўлиш ҳамма нарсадан афзал!

— Ташаккур, раҳмат сизга!..

Шу пайт поезд тепаликни айланиб ўта бошлади. Унинг шамолида даладаги ўт-ўлан ва гуллар тебранар эди

Бир оёқли киши бирдан сўз бошлади:

— Энди Япония империясининг миллий жиҳатдан ўзига хослиги ҳақидаги барча китобларни яширмақ даркордир-а?

Хироко ҳайрон бўлди. Наҳотки ҳар бир майда-чуйда нарсаларни ҳам кишиларга, албатта, айтиб туриш керак? Наҳотки, аввал мана бундай китобларни беркитган эдингиз, энди мана бундайларини беркитинг деб айтиш керак бўлса?

Афтидан, бу савол жанговор тайёргарлик инспекциясининг офицерини ўйлатиб қўйди. У ҳайрон бўлиб суҳбатдошига қаради ва бир оз жимликдан сўнг кескин жавоб берди:

— Биз доим ўз миллий руҳимизни ҳимоя қилиб келдик, бундан кейин ҳам ҳимоя қиламиз.

Бир оёқли киши ўзича бир нималарнидир ўйлади-ю, яна жим бўлди. Афтидан, у бошқа жавоб кутган бўлса керак. Ахир у ҳадеб, «биз» деган сўзни махсус урғу билан айтиб турган бу одамга нима ҳам дея оларди? Шу билан фикр алмашув тугади. Улар тарихий ўзгаришлар даврида тўсатдан учрашиб қолган, бутунлай бошқа-бошқа даврда яшаган икки киши сингари бир-бирларига ҳеч нима деёлмай ўтиришарди.

Бир оёқли солдат бошини қуйи эгиб жим ўтирар эди.

Оиласи билан учрашув соати минут сайин яқинлашиб келмоқда, у борган сари тинчсизлана бошлади. Ниҳоят, поезд Киото вокзалига етиб келди. У қўлтиқтаёқ билан платформага тушди-да, жонсарак ҳолда кутиб олувчиларни қидириб атрофга алаиглай бошлади.

Поезд Осакага келди. Бу ерда жанговар тайёргарлик инспекциясининг офицери билан деншчик поезддан тушишда оқ кўйлакли киши вагон деразасидан бошнинг чиқариб, ёнғинда ҳам бутун қолган платформада кетаётган офицерга қаради. Сўнгра ўз ўрнига ўтириб:

— Уни кутиб олгани жуда кўп одам келибди-я!— деди.— Мўътабар шахс бўлса керак. Балки биронта генералдир?...— деди у, товушини пасайтириб, яна қўшиб қўйди:— Афтидаи, катта лавозимда ишлаган бўлса керак. Ўзи ҳам, кўринишидан ҳамма ишни мустақил бажариб ўрганган кўринади.

Унинг ҳарбий кишига нима учун бунчалик жонкуярлик билан муносабатда бўлганлиги мана энди маълум бўлди.

— Хўш, бу ергача соғ-саломат келдик. Буёғи қандай бўлади энди? Айтишларига қараганда. Санъё йўлида ақлга сиғмайдиган қизиқ воқиалар бўлаётганмиш. Поезд бирон марта бўлсин ўз вақтида етиб бормаган эмиш.

У шимининг чўнтагидан соатини олди-да, неча бўлганлигини билиш учун, унга қаради ва қўполлик билан керишди; ҳарбий киши кетганидан кейин у ўзини анча эркин сеза бошлаган эди.

Хироко кетаётган бўлимдаги лампочка куйиб қолган эди, поезд Осака вокзалидан жўнаши билан ҳамма ёқ қоронғилашди.

Поезд кичик станциялардан ўтган вақтларидагина ундаги чироқ нурлари вагон ойнасидан ичкарига липиллаб тушар, шундагина бу ерда ўтирганлар ва айқаш-уйқаш бўлиб ётган буюмлар кўриниб қолар эди. Бунинг устига ён томондаги дераза ойнаси синиб қолган эди.

* * *

Дзюкитининг онаси Тонори Ички Япон денгиз соҳилидаги шаҳарчада яшарди. Илгари бу ерга ярим доира шаклида қурилган Санъё темир йўл магистрали келар эди. Ҳозир эса, бу магистраль тик қилиб қайта ишланган ва шимолга, Токуяма шаҳригача чўзилган эди.

Токио вокзалидаги справочний бюрода Хирокога Сн-моносеки скорий поезднинг Ивакуни станциясига эрта билан соат тўртда етиб келишини, мана шу ерда бошқа поездга ўтиши кераклигини айтишган эди.

Хироко илгари бир неча марта Дзюкитининг юртига борганди. Бундай пайтларда у Хиросимада поезддан тушиб, бошқа поездга ўтарди: вокзал олдидаги ресторанда еган устрицанинг ҳиди билан шаҳарни машҳур қилган янги узилган лимонлар ҳамон Хироконинг ёдида эди. Шунингдек, шаҳарнинг кўриниши, одамлар билан тўла тор кўчалари ва денгизга бориб қуйиладиган дарё устига қурилган кўприклар ҳам унинг хотирасидан чиққани йўқ. Энди эса, бу шаҳарда Наодзи ҳалок бўлди...

Хироко бу қоронғи вагонда гоҳ ухлаб кетар, гоҳ яна уйғонарди. ойнаси синган деразадан эса шамол ғувиллаб кириб турарди. У негадир яна Хиросимага тушиб ўтгуси келди.

Хироконинг оқ кўйлакли ҳамроҳи ҳам бошқа поездга ўтиш учун Хиросимада тушиши керак экан.

— Бўлди... Тушадиган бўлсангиз, секин ҳозирланаврайлик.

Хироко елкасига рюкзакни осиб, йўл устида мудраб ўтирган одамлар орасидан, юклар устидан ўтди-да, қоқила-қоқила ташқари чиқадиган эшик олдида келди. Тамбурда ҳам, ҳожатхонада ҳам, ҳатто вагон зиналарида ҳам эркаклар, аёллар юклари олдида ўтириб келишарди.

Тонг ёриша бошлади. Ёмғир шивалаб турарди. Кул ранг тусдаги нам тутун орасида поезднинг ён-верида арчазор ва ўт билан қопланган тепаликлар кўрина бошлади. Ёмғир эса ҳали-вери тинадиганга ўхшамасди.

Кўринишдан поезд тепаликка кўтарилаётган бўлса керак, юриши секинлашди. Кейин бирданига тўхтади.

— Қизиқ, юқори кўтарилаётган жойида тўхтади-я, — деди оқ шойи кўлакли киши, хавотирлик билан атрофга аланглар экан.

— Хиросимага ҳали узоқми?

— Ҳали анча бор. Ҳозир Мимотомацу районидамиз. Яна бир соатдан кўпроқ юрилади.

— Жуда тез келдикми дейман...

Поезд қасир-қусур қилиб жойидан қўзғалди. У аввал секин юриб бориб, кейин тезлашди. Поезд одатдаги тез-

лигига етгач, қаттиқ қичқирди-да, бирдан секинлашиб, яна тўхтаб қолди.

— Яна нима бўлди? Авария бўлдимми дейман? Эҳ, аттанг.

Кенг елкали, ҳарбий фуражка кийган ўттиз ёшлардаги бир киши деразадан бошини чиқариб темир йўлга қаради.

— Ҳа, Мимотомацу экан. Орқа томонга яна бир паровоз уланди. Ҳамма вақт шундай қилишади.

Поезд қалин ўт билан қопланган, арчалар ўсиб ётган кичик бир тепа олдига келиб тўхтади. Шивалаб ёғаётган ёмғирга ҳам қарамай бир неча йўловчи вагон зинасидан ерга сакраб тушди.

Поезд тўхтаган жойидан қўзғалмайдиганга ўхшарди. Хироко елкасидаги рюкзакни олиб, бир амаллаб оёғининг орасига, ерга жойлаб қўйди. Оқ кўйлак кийган ҳамроҳи ҳам қўлидаги юкни ерга қўйди-да, соатига қаради.

— Оббо, нима қилдик энди. Икки соат кечикдик-а.

Бу сўзга ҳеч ким жавоб бермади. Дағал сочлари ҳурпайиб тикка ўсган бир корейс йигит гоҳ Хирокога, гоҳ ўзининг юкига суянганча тик туриб мудраб борарди. Унинг орқасида яна бир корейс қўли билан юзини беркитиб, коптокдек бўлиб ўтирар, вагоннинг бу қисмида кетаётганларнинг деярли ҳаммаси корейслар эди.

Қўшни бўлмада ҳам чироқ йўқ эди. Тонг отар пайтда тушган туман вагон ичини яна ҳам зимистон қилиб юборди. Дим ва қоронғи бўлишига қарамай вагон ичи гавжум эди. Эркак ва хотинларнинг қувноқ товушлари эшитилар, ҳамма корейс тилида гаплашар эди. Улар ўзларининг уй бисотлари билан ўз ватанларига, ҳозир мустақилликка эришаётган Кореяга қайтиб кетишмоқда эди.

Бошқа бир хонада эса, аксинча, йўловчилар чарчокдан мудраган ҳолда қоронғида сукут сақлашар эди. Бу икки ҳолат Хирокога, айниқса, равшан сезилди, ҳар икки бўлма ўртасида турган Хироко бутун вужуди билан бу кишилардаги икки хил кайфиятни англади. Корея йўли олис, унга етгунча ҳам қанча-қанча қийинчиликларга учрайдилар. Лекин мана шу қоронғи бўлмада қандайдир жонланиш бор эди, одамларнинг эркин нафас олаётганлиги сезилиб турарди. Улар йўл-йўлакай нималарнидир кавшашар, тўхтовсиз гапиришар эди. Гўё

улар шундай йўл юришни, тунда бир вагон бўлиб кетишни орзу қилишгандек туюлар эди. Хироко бутун борлиғи билан улар томонга интилар, уларнинг ғала-ғовурини эшитгиси келарди.

Хироконинг тик туриб қолганлигини кўриб, оқ куйлакли ҳамроҳи уни яна ухлаб қолмасин деб ўйлади шекилли:

— Ухлаб қолманг тағин, хатарли,— деб огоҳлантирди.

— Раҳмат. Хавотирланманг.

Оқ куйлакли киши Гэйби темир йўл тормоқларидан бири томонидаги аллақандай қишлоққа кетаётган эди. У ерда кичик укасининг бола-чақаси истиқомат қилишарди. Укасининг иккита қизи ҳозир катта бўлиб қолган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

— Хайрият,— деди у,— мен омон-эсон етиб келдим... Энди укамникига кирсам, унга оз-моз пул берсам деган фикрдаман.

— Пул, урушда ортдирилган пул... Бу пул қанча-қанча кишилар ёстиғини қуритди!— деди Хироко ундан тап тортмай.

— Бемаъни гап! Менинг биттагина кичкина заводим бор эди. Бир йилда атиги уч юз минг даромад қилдим. Шу ҳам гап бўптими!

Оқ куйлакли йўловчи бу сўзларни жиддий равишда, ҳеч қандай киноясиз айтди.

Хироконинг олдида турган корейс ёнидаги кишиларни туртиб-суртиб, энгашиб ташқарига қаради-да, бир сакраб ерга тушди. Бирдан поезд силжиб йўлга тушди. Қўрққан одамларнинг товушлари кўтарилди:

— Тезроқ! Тезроқ чиқ!— деб бақаришарди унга корейс тилида.

Корейс сакраб вагон зинасига чиқди, лекин поезд талоқ-туруқ қилиб яна таққа тўхтади. Ҳамма кулиб юборди. Уша гавжум, қоронғи қўшни купеда бир қизнинг янгроқ овози эшитилди; у Ариран тоғи ҳақидаги бир қўшиқни айтар эди.

Ариран, Ариран, Ариран!

Уша тоғлар оша ўтамиз...

Бу қўшиқ бутун атрофга янгради. Кишилар ашуланинг куйига мослаб тебрана бошлашди. Купеда эркак ва хотинларнинг ғовур-ғувури, кулгиси, қари-картангларнинг йўталган товуши эшитила бошлади.

Қиз ўз қувончи ҳақида фақат қўшиқ билан ифода этиш мумкин бўлган шодлигини куйлар, унинг овози қоронғи вагондан узоқ-узоқларга тараларди.

Хироко қўшиқни диққат билан тинглади, кўз олдида эса, поезд тўхтаган тепалик устида қарағайлар қаторлашиб кетган эди. Қарағайларнинг қорамтир илгичка илгалари бу ёмғирли ҳавода кўзга аранг чалинар эди.



Хироко ер ости йўли — туннелгача ёмғирда юриб борди. Хиросима вокзалидан фақат шу ўтиш жойигина соғ қолган экан. Бу ерда ҳамма ёқнинг бутунлай куйиб кетганлиги ҳақидаги гаплар муболағасиз тўғри чиқди. Энди на Хиросима шаҳридан ва на вокзалдан асар қолганди. Вокзал бошлиғи ўз идорасини боши берк темир йўлга ўтказиб қўйилган бир вагонга кўчирибди. Барча кишилар шикастланган жойларни тиклаш, ҳаётни қайта йўлга қўйиш билан банд.

Хироко кассанинг қаерда эканлигини билмай, орқасидаги рюкзак билан анча сарсон бўлди. Ниҳоят вагон пиллапоясида турган ёш темир йўл хизматчисини кўриб қолиб, ундан:

— Иватга поезд қачон жўнайди?— деб сўради.

— Соат олтидан қирқ минут ўтганда.

— Олти-ю, қирқда дейсизми?— деб жавобни тўғри эшитганлигини текшириб кўриш учун, яна такрор сўради у.

Мимотомацуда уч соатча тўхтаб қолган поезд, бу ерга соат саккизда келган эди. Темир йўлчи айтган поезд эса аллақачон жўнаб кетган. Хироко уни янглишди шекилли, деб хаёл қилди-да, ўз қулоғига ишонмай яна сўради:

— Олти-ю қирқ — эрталабки олти-ю қирқми?

— Олти-ю қирқ дедимми, эрталаб бўлади-да. Буни ҳар қандай аҳмоқ ҳам билади!

Кўринишдан ўн тўрт-ўн бешларга кирган темир йўл ходимининг ўнг қўли йўқ эди. Кўк камзулининг калта ениги ориқ елкасида осилиб ётарди. У зинапояда оёғини кериб туриб, номигина қолган бу вокзалда адашиб қолган йўловчиларнинг бемаъни саволларига дағаллик билан жавоб бериб, аламдан чиқарди.

Хироко вайрон бўлган бу шаҳарда, вокзалсиз стан-

цияда, айниқса мана бу тирранча боланинг олдида навбатдаги поездни кутиб ўтиришни истамади. Ёмғирда яна қайтиб келиб ўз вагонига чиқди.

— Ие, қолмадингизми?

— Йўқ, Ивакунигача борадиган бўлдим.

* * *

Хироко Ивакуни станциясига келиб тушгач, атрофга назар солди. Темир йўл излари нарёғида янги кесилган, ҳўл ёғочлардан қурилган будка турар эди. Будка олдида темир йўлчилар кўринарди. Хироко қайрилиб денгиз томон қаради. Бу ерда бир вақтлар мовий. Ички денгиз бўйида баланд иморатлар қад кўтарган эди. Ҳозир эса сунъий шойи фабрикасидан ҳам, авиазаводнинг оқ биноларидан ҳам, ёқилғи сақланадиган армия складидан ҳам асар қолмабди. Фақат, варонка шаклидаги сон-саноқсиз чуқурлар, тупроқ уюмлари ва ҳар томонда сочилиб ётган темир-терсакдан бошқа нарса кўринмасди. Чуқурлардаги сувлар эса сасиб кетган эди.

Хироко ва бошқа бир қанча йўловчилар баланд яккачўп устида поезд кутишар эди. Улар олдида паровозлар, товар ва пассажир вагонлари айқаш-уйқаш бўлиб, оёғи осмондан бўлиб ётар, уларнинг баъзилари пачоқ бўлган, баъзилари ёниб кетган, баъзиларининг томи йўқ, баъзиларидан фақат бир ҳовуч темир қолган эди. Ёмғир тинди. Аҳён-аҳёнда рюкзак устига томчилар тушиб турарди.

Тун ҳам ғарб томонга қараб йўл олди-ю, теваарак-атроф эса ҳамон ўшандай ёқимсиз ва мудхишлигича қолаверди.

VII

Хироко тоғ бағрида, қамишзор орасига жойлашган кичик станцияда поезддан тушди.

Унг томонда Хирокога таниш омбор. Кўча паст томонга қараб чўзилиб кетган. Ҳамма нарса аввалгидек ўз жойида. Ут ўчирувчилар саройи ҳам, кўча охиридаги мануфактура дўкони ҳам илгаригидек турибди. Хироко буларни кўриб, енгил тортгандек бўлди, кетидан яна маъюсланиб қолди. Наодзи иккинчи марта ҳарбий йиғинга чақирилганда, у ана шу шаҳарчага келган эди. Хироко ўшанда станциядан ўтиб келаётганида ўт ўчи-

рувчилар насоси олдида бир тўда соғлом, бақувват йигитларга дуч келганди. Улар орасида Наодзи ҳам бор эди. Наодзи Хирокони кўриши билан ўртоқларининг суҳбатини бўлиб қувонч билан, унинг олдида югуриб келганди. Энди эса, сарой олдида ҳеч ким йўқ, атроф жимжит.

Хироко кимсасиз ингичка кўча бўйлаб юриб кетди. Ярмининг ойнавон эшиги қоплаган сартарошхона, боққолик растаси, шоли тегирмони, эрта ёпилиб қолган озиқ-овқат дўкони, меҳмонхона — буларнинг ҳаммасини бир-бир назардан кечириб борди. Хироко йўлда давом этар экан, гарчи кўчада ҳеч ким бўлмаса ҳам, уни кимдир кузатаётгандек туюлди, кимдир унинг оқ чолворини, студентлик вақтида кийган учи тўмтоқ ботинкасини ҳамда бошқаларниқидан ажралиб турсин учун чашиб қўйган қизил духобали рюкзagini кўздан кечираётганини ҳис қилди.

Кўча тугаб, Дзюкитилар ҳовлисидаги омбор кўриниб қолди. Омборнинг девори оппоқ бўлиб шўралаб кетибди.

Хироконинг нафаси тикила бошлади. Қачонлардир шу омбор билан уйнинг олдида халойиқ тўпланган, байроқлар осилган эди. Шунда Наодзини биринчи бор фронтга жўнатишганди. Наодзи ғурур билан қоматини тик қилиб турган, мана шу йўл устида акаси ва онаси билан суратга тушган эди.

Тамаки дўкони томонга очилган дарча ҳозир ёпиқ, у кир, яғири чиқиб кетган парда билан тўшиб қўйилган. Фақат битта ойнавонли эшик очиқ, холос. Қираверишда ёғоч тахтага «Фронт жангчисининг уйи» деб ёзиб қўйилган.

— Яхшимисизлар... Ҳеч ким борми?— деб сўради Хироко, дўконга аста-секин кириб.

Кўмир, кунжара, дон солиб қўйиладиган қоплар турадиган илгариги ёғоч тўшама устида энди ҳеч нарсаси кўринмайди. Катта тарозилар бир бурчакка суриб қўйилган, фақат ифлос устунлар кўзга ташланади. Қачонлардир бўёқ моллари турган иккинчи томон ҳам бўм-бўш. Фақат, оёқсиз тўқима стол турарди, холос. Ёзув столининг кўриниши унга бирор кишининг ўтириб хат ёзишидан дарак бермасди. Дўконда ҳеч ким йўқ. Хироко бутун вужуди билан, илгари ҳаёт қайнаган бу уй ташландиқ жой бўлиб қолганлигини ҳис қилди.

Хироко кираверишдаги узун, тор даҳлизни ажратиб турган, омонат ўрнатилган тўсқични очди. Ошхонага кириб, бу ерда ҳам бирон кимсани учратмади. Эғнидаги чолворини столга илаштириб, Хироко бир вақтлар Наодзи бу ерда тўполон қилиб гоҳ кулиб, шовқин-сурон кўтариб, шошиб-пишиб нонушта қилар ва овқатланар эди. Хироко уйнинг ичига қараб:

— Ҳой, ким бор? Уйда мисизлар?— деб чақирди ва яна қаттиқроқ қилиб:— Саломалайкўм!— деди.

Қаердандир тўсатдан Цуяко пайдо бўлиб қолди.

— Тушимми ё ўнгим!— деди у.

Цуяко кейинги учрашганларидан кейин сира ҳам ўзгармаган эди.

— Уйдаямидинг? Қандай кирганимни билмадингми?

Унинг саволига жавоб бермай, Цуяко югурганча уйга кириб кетди.

— Буви! Буви! Токиодан меҳмон келди!

Шу замон хурсанд бўлиб, йўталиб Тонори чиқиб келди.

— Ҳозир келдингми?

— Поезд уч соат кечикди.

— Жуда яхши қилибсан, қани, уйга кир!

Хироко бир қарашдаёқ қайнонасининг ўзини анча олдириб қўйганлигини сезди. У бутунлай ўзгариб кетибди, аввалги очиқ, қувноқ чеҳрасидан асар ҳам қолмабди. Елкалари ҳам кичрайиб, ўзи букчайиб қолибди.

— Наодзи тўғрисидаги гапларни эшитгандирсан... Энди нима қиламиз-а?

— Юборган телеграммам келдими? Мен уни сиздан хат олган кунимнинг эртасигаёқ юборган эдим.

— Йўқ, телеграмма келгани йўқ. Шундайми. Цуяко?

— Йўқ, ҳеч нима олганимиз йўқ.

Цуяко бу сўзни шундай қатъий қилиб айтдики, гўё бундай телеграмманинг берилиши ҳам мумкин эмасдек эди.

Хироко қайнонаси ва Цуяко билан суҳбатлашаркан, дардига дард қўшилди. Наодзи ҳақидаги бахтсиз хабарнинг келганига бир ойдан ошди, лекин у ҳаётми ё йўқ — ҳеч ким билмасди. Ҳатто онаси ҳам, хотини ҳам ундан умид узишган эди.

Жон аччиғида уни қидириб, аччиқ-аччиқ кўз ёшлари тўкканларидан сўнг мана шундай ғамгин кунлар

етиб келди. Энди бўлса Цуяко ҳам, қайнонаси ҳам болалар билан овунадиган бўлиб қолдилар. Савдо-сотик ҳам қилмай қўйдилар, уларникига четдан ҳеч ким келмайдиган бўлиб қолди.

Хирокони кўришлари билан қариндошларининг жудолик алами яна кучайди, аммо аввалгидек қаттиқ қийналмадилар.

Цуяко эрини қидиргани борганлари, уни тополмай қайтиб келганларини гапириб, юрагидаги дарду ҳасратини ўртага тўкиб солди, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади. У озмунча қийинчиликни бошидан кечиргани йўқ. Буларга Хироко ачинар, аммо на чора, унинг қўлидан нима ҳам келарди?

Она билан Цуяко Наодзининг ақлли, хушмуомала, ғайратли, ишчан йигит эканлигини қайта-қайта ёдга олишди.

— Ўзи бундай одам камдан-кам туғилади...

— Наодзи пулни кўп топар эди,— деди Тонори,— тежаб ишлатсак, бундан кейин болаларни катта қилиб олгунимизча ҳам етиши мумкин.

Тонори бир оз тўхталиб сўнгра узоқ ўтмишдан ниманидир эслагандек яна давом этди:

— Ниҳоят Дзюкитидан ҳам хат келди. Шундай суюндимки. Хат келганига ҳам шукур қилдим. Бундай жойдан хат чиқаришнинг ўзи қийин... Тартиби ниҳоятда қаттиқ!..

Дзюкитининг оиласига жамият тинчлигини сақлаш қонунига биноан у қамоқда номаълум вақтгача қолади, деб маълум қилишди. Абасири қамоқхонасига уни шу йилнинг июнида олиб келишганди. Унинг онасига Сугамо қамоқхонаси ёниб кетгач, ўғлини кўчиришганини хабар қилишган эди. Хироко қайинбўйиларини доим тинчлантиришга, далда беришга уринарди, катта ўғли қамалиб қолиб, отаси палаж бўлиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганда ҳам, Наодзи билан Синдзо армияга кетаётганда ҳам қўлидан келганича қайнонасини тинчлатишга ҳаракат қилганди.

Дзюкитининг онаси Токионинг аввалгидек жонли ҳаётини кўз олдига келтиргани учунми, Хироконинг ёнғин ва вайроналар ҳақидаги ҳикоясига ишонгиси келмади.

Хироконинг ёзувчи сифатида беш йилдан бери асар ёзиш ва нашр эттиришдан маҳрум эканлигини эса,



қариндошлари унга
ёрдам берадиган
одам йўқлигидан
деб тушунардилар.

Цуяконинг икки
ва тўрт ёшлардаги
икки ўғилчаси пол
устиди қогоз қайиқ-
ча билан турли ранг-
га бўялган кубик-
ларни ўйнаб ўтири-
шар эди. Шу йил-
нинг сентябрида
пойтахтдаги мага-
зиндан Хироко олиб
келган бирдан-бир
болалар ўйинчоғи
шу кубиклар эди.
Ўйнаётган болалар-
нинг ёнидаги ёстиқ

устиди Хироко олиб келган совға — юбка ва белбоғлик
иккита мато турарди, у бунн ўз рюкзагида ғарби-ши-
молдаги шаҳарчадан келтирган эди.

Кечга яқин Цуяконинг кичик синглиси Сигэно мак-
табдан қайтиб келди. У майда қадамлар ташлаб, уй
орқасидаги йўл билан келди-да, ошхона орқали уйга
кирди. Унинг эғнидаги оддий матодан тикилган кофточ-
каси ботаётган қуёш нурида ялтираб кўринар эди.
Қиз уйдагилар билан сўрашиб улгурмасданоқ, Цуяко
қўполдан қўпол қилиб унга иш буюрди:

— Сигэно! Ваннага ўт қўй!

Болалар билан ўйнашиб ўтирган Хироко Цуяконинг
бу муомаласидан ҳайрон қолди. Бу Цуяконинг одатда-
ги муомаласи эди шекилли. Сигэно китобини уйга қўй-
ди-да, чурқ этмай ташқарига чиқиб кетди.

Ўйнинг орқа томонидаги тоғ бағирларида ўсган
қалин дарахт новдаларида қуёшнинг сўнгги нурлари
ўйнарди; станциядан юк поезд вагонларининг издан
изга ўтиб тарақ-туруқ қилгани эшитилиб туради. Бу
товушлар денгиз бўйига жойлашган бу кичик шаҳарча-
нинг сокин ҳавосида олис-олисларга тарқалади. Ошхо-
нада ёнаётган шох-шабба нси димоққа урилади. Бун-
дан бир йил бурун ҳам, бу ерда худди шундай манзара

хукмрон эди. Лекин Хироко Исида уйида ҳаёт кескин ўзгарганини сезди.

Хироко Токиодан жўнаб кетишдан олдин совға олиш учун Гинза проспектидаги Мицукоси магазинига борди. Савдо-сотиқ ўт тушган магазиннинг бир бўлимида олиб борилар эди. Бу бўлма фанер билан нарибери қилиб ажратилган, стеллажларда эса қоғозга ўралган лаб помадаси ва қутичаларда упалар қалашиб ётар эди. Америкаликлар учун алоҳида ажратиб қўйилган бурчакда миллий буюмлардан нусхалар, ҳар бир курортдаги кичик-кичик совға дўконида ҳам топиладиган арзон моллар қўйилган эди. Бу ерда қайин тахтачаларга расво қилиб ишланган раққоса аёл тасвири, Фудзи тоғи манзараси, ярқироқ арзон елпугичлар турарди. Бу витриналарда илгари вақтлардаги туристлар учун ишланган Котё чаларидан репродукция қилинган шохин қоғозларнинг асала ёнган бир тўдаси ётар эди. Откреткаларда эса эртакларда тасвир қилинган сандикдан мўралаб турган уч кўзли монахрасми солинганди. У ерда аллақандай нимага кераклигини тушуниб бўлмайдиган, темир буюмлар, арқонлар, тасмалар ва устаралар ҳам бор эди. Ҳўл тахта ҳиди анқиб ётган, сал-пал ёритилган бу магазин витринаси худди катта шаҳардан дарё соҳилига олиб чиқиб ташланган чиқиндиларни эслатарди.

Токиога яқиндагина келган америка солдатлари гур этиб ёрдек қоронғи магазинга киришарди-ю, шу оннинг ўзида яна қайтиб чиқишарди. Магазинда сотиб олишга арзигудек бирор нарсанинг ўзи йўқ эди.

Хироко витриналардан бирининг олдида турганида америкалик ёш офицерлардан иккитаси магазинга кирди. Улар ҳам бошқалар сингари магазинга шунчаки бир кириб қолишган эди. Офицерлардан бири ёйиб қўйилган товарларни кўздан кечира бошлади. У нимага ишлатилиши маълум бўлмаган бир темир буюмни қўлига олиб у ёқ-бу ёғини бирпас айлантириб кўрди-да, бошини қимирлатиб, яна жойига қўйди. Афтидан, у жуда ажабланган бўлса керак. У Хироконинг ёнидан ўта туриб секин, аммо аниқ қилиб:

— Ҳа, японлар ҳақиқатда тор-мор бўлибди!— деб тўнғиллади.

Чет эл кишидан тасодифий эшитган бу сўз Хироконинг юрак-бағридан ўтиб кетди, сира эсидан чиқмайдиган таъсир қилди.

Хироко қариндошларининг уйпга келгандан бери ҳаёлидан ўтмишда кўрган воқиялар кетмади. Айниқса бир воқиа унинг эсидан сира ҳам чиқмасди: у бир вақтлар ҳурпайиб, қийналиб кетган бир чумчуқ кўлмакка тушиб қолиб, бутун кучини тўплаб, бошини баланд кўтариб, қанот қоқиб сувдан чиқишга ҳаракат қилганини кўрган эди.

Бахтсизлик оила таянчи бўлган Наодзидан жудо этди. Уйда қолган аёллар ҳаёти энди қуруқ, мазмунсиз ўтарди; бахтсизлик рўй берган дастлабки кунлардаги дил хасталиклар ҳам тарқалган эди. «Ҳа, катта бахтсизлик... — деб ўйлади Хироко.— Улар Наодзини йўқотиб, қайғуни ҳам, ташвишни ҳам сезмайдиган бўлиб қолибдилар...»


VIII

Хироко бу шаҳарчага биринчи марта бундан ўн икки йил муқаддам, январь ойининг биринчи кунларида келган эди. У янги йил байрами тугашини ҳам кутмай Токиодан йўлга чиқди. Дзюкитининг Хироко билан турмуш қурганига йигирма кун бўлди деганда, у қамоққа олинди. Ёш келин, аёл боши билан эрининг олдига қатнайвериб оёқдан қолди, бунинг устига Дзюкитига олиб борган иссиқ кийим-бошни қабул қилишга махфий полиция рухсат бермади. 1933 йилнинг феввалида эса, полиция участкаларининг бирида ёзувчи Такидзэ Кобаяси қийнаб ўлдирилди. Хироко унинг номинигина эшитган эди, холос. Шунингдек қамоқда ётган жуда кўп маҳбуслар ҳам ўлдирилди.

Қаҳратон қиш кунлари етиб келди. Шунда ҳам Дзюкитига кийим-кечак бериш ман этилди. Бу эса қамоқда унга қандай муомала қилинаётганини кўрсатар эди. Хироко қайтиб чиққан тугунчани маҳкам қучоқлаганча полиция участкасидан чиқиб, қоронғи ва совуқ бетон зинадан аста-секин тушиб келар экан, уни Дзюкити ҳаётмикин деган ўй безовта қилар эди. Эҳтимол, маҳбуснинг онаси полиция инспекторидан илтимос қилиб сўраса, у ҳақиқатни айтар, Дзюкити қамоқдами ё дунёдан умрбод кўз юмиб кетганми?.. Шунинг учун ҳам Хироко ўшанда тезлик билан қайнонасининг олди-га кетишга қарор қилди.

Хироко Киотодан ғарбдаги районларга сира борма-

ган эди. Шунинг учун у темир йўл бўйидаги манзараларга суқланиб боқди. Кўм-кўк Ички денгизнинг текис юзида тескари акс этаётган тоғларнинг кўм-кўк манзараси, денгиз қўлтиғидаги ёғочлар, суратлардаги хитой кемаларига ўхшаган елканли кемалар ва бухтада турган кемаларнинг ўрмондек мачталари, буларнинг ҳаммаси Хироконинг диққатини ўзига тортди. Шимоли-шарқда учрамайдиган тошларнинг оппоқлиги, бир-бирига уланиб кетган уйлар ва тор-тор кўчалар унга қизиқ туюлди. Дзюкити яшаган ўлканинг бу ажойиб ўзига хос манзараси Хироконинг эсида сақланиб қолди.



Хироко қўлидаги кичик чамадон билан вагондан тушганда, одатда январь ойида ёғадиган майда қор ёғаётган бўлиб, бу оппоқ қор учқунлари Хироконинг сочи билан қўнғир шарфига учиб тушарди. Эрининг уруғлари унга фақат станциянинг номини айтишган эди. Шунинг учун Хироко станция хизматчисидан Исидалар уйига борадиган йўлни кўрсатиб юборишни илтимос қилишга мажбур бўлди.

Уша вақтда оила турмуши анча дуруст эди. Улар гуруч, ёғ, туз, цемент, ўтин, ёғоч, кўмир, мохорка, бўёқ ва шу каби моллар билан савдо қилишар эди. Наодзи билан Синдзо юк ташувчи машинада ишлашар, мол келтиришарди. Отаси бетоб бўлишига қарамай, ўз соғлиғига яраша қимирлаб турарди. Дзюкитининг отаси билан онасини Хироко: «ота», «ойи» дейиши уларга қизиқ туюлди. Чунки Хироконинг қайнонаси анча ёш кўринар эди. Дзюкити бўлса хотини билан унинг ота-онаси олдига

ҳали келолмаганди: уни полиция таъқиб остига олган, Дзюкити улардан яшириниб юарди.

Хироко эрининг уйига биринчи келаётган йўлдан аҳён-аҳёнда автобус ўтиб турар эди. Шиддат билан ўтган автобуслар чекка вилоятлардаги каби атрофни расво қилиб ўтар, Исидалар дўконининг ойнавон эшигини, қўшниси Савадалар эшигини лойга белаб ўтарди. Автобуслар бу кўчадан бир кунда бир неча марта қатнар, пастаккина томларини бузиб юборгудек бўларди.

Кўп ўтмай Наодзи ҳақиқий ҳарбий хизматга жўнади, хизматдан муддатни тугатиб қайтди, лекин у яна ҳарбий хизматга чақиртириб олинди ва Шимолий Хитойга юборилди. Уша пайтда Япониянинг ҳар бир бурчида ўғилларимиз жангда ғалаба қозонсин деб туморлар тикиларди; станцияларда ва кўчаларда қоғоздан ясалган кичик байроқчалар осиб қўйиларди.

Отаси вафот қилганда Наодзи уйда йўқ эди. 1920 йилда иқтисодий кризис бошланган пайтда синиб қолган Дзюкити оиласи кетма-кет қарз тўлаб келди, кейинчалик яна ўзини тутиб олди.

Ҳарбий хизматни ўташ навбати Синдозга ҳам келди. Уч йил деганда Наодзи уйига қайтиб келди, бироқ уйда на катта акаси Дзюкити, на кичик укаси Синдзо бор эди. Онаси топиб қўйган Цуяко деган қизга уйланди.

Хитой билан Маньчжуриядаги босқинчилик уруши ўша пайтда тобора кенг авж олиб бораётган, ҳаётда кескин ўзгаришлар рўй бераётган пайт эди. Савдо-сотиқ устидан назорат қилиш оғирлигидан савдо бирмунча қийинлашган эди. Пастаккина тоғлар, ўрмон ва водийлар ўртасидаги катта йўл бўйига жойлашган, юқори ва қуйи деб ажратилган қишлоқча денгиз бўйидаги яна бир қишлоқ билан қўшилиб, шаҳар деб аталадиган бўлди. Бу эса оддий турмушнинг ўзи талаб қилган, табиий қўшилишлардан фарқ қиларди, чунки ҳаётнинг ўзи шундай бўлишни ҳали тақозо қилмаган эди, қишлоқларнинг бири-бирига қўшилиши ва уларни бирдан шаҳар деб аталиши ҳарбий мақсадда қилинган эди. Янги ташкил этилган бу шаҳарга Токуямадан беш ри масофадаги ҳарбий йўч қурила бошланди. Ҳарбий юкларни ташиш ҳаракати учун алоҳида белгиланган йўлнинг бўлиши картага ҳарбийлар чизган чизик бўйича қурилмоғи лозим эди.

Бундан тўрт йил муқаддам Хироко қайнонасини кўргани келганда, у ана шу янги йўлдан анча нолиган эди.

— Кўрган кунимиз қурсин! Йўлни баланд қилиб қуришганини қара, машинаси томдан баланд юради-я!

Лекин бу нолишларнинг ҳаммаси Наодзидан хавотир олгани учун эди. Бироқ Наодзпни ҳарбий хизматга иккинчи марта чақиришиб, уни Япон ороллари-дан жўнатишлари олдидан, у кўричак касали билан оғриб қолди; хизмат қилиши керак бўлган резерв бўлими кейинчалик жанубий денгизнинг қайсидир бир оролида бутунлай ҳалок бўлиб кетди.

Тор кўчадан эртаю-кеч тинимсиз ўтиб турган автобуслар, юк машиналари ва бошқа хил транспортлар зўрға турган Дзюкитилар уйини ларзага келтирар эди. Иккинчи қаватдаги дарчадан темир йўлда узоқ туриб қолган солдатлар билан тўла эшелонлар, солдатларга чой билан овқат улашиб юрган маҳаллий ватанпарвар хотин-қизлар кўриниб турарди.

Янги қурилган ҳарбий шаҳар марказий қурулхонага айланди; бу ерда ишлаш учун қўшни қишлоқлардан ёшлар, ўспиринлар, қизлар сафарбар этилган эди. Ҳар кун и эрталаб ва кечки пайтда қўшни қишлоқликлар Дзюкитилар уйи олдидан бир вақтда велосипедда гуж бўлиб ўтишар эди. Ҳар бир автобусда оёғига этик кийган, узун қилич осиб олган жандармларни учратиш мумкин эди. Уларнинг енгиди «Жандармерия» деб қизил иероглиф билан ёзилган боғлагич бор эди. Улар қаерга кетяпти-ю, қаердан келяпти, буни ҳеч ким билмасди. Лекин ҳар бир автобусда жандарм, албатта, бўларди. Уша қишда Америка билан уруш бошланди.

Хироко бу ерга эндиги келганида, иккинчи қаватдаги уйнинг деразасини очиб, қайнонаси нолиган ўша ҳарбий йўл қурилиб битганини кўрди. Йўл ҳақиқатда шундай баланд қурилган эдики, уй орқасидаги мева дарахтларининг учи блан баравар келарди. Йўлдан катта зовур билан ажратилган Дзюкитининг уйи омон қолганди, Бироқ атрофдаги экин далалари ва бутун ерлар ўйдим-чуқур қилиб ўйиб ташланган, ер эгалари эса узоқ тоғ томонга кўчириб юборилган эди. Янги йўл картада чизилган чизиқнинг худди ўзидек тўғри тушганди.

Ҳамма ишни ҳарбийлар бошқарарди. Наодзи йиғил-лишга албатта, келиши керак эди, келди ҳам.

Кейинчалик автобуслар эски тор йўлдан ҳам, қишлоқ чеккасида қурилган янги йўлдан ҳам юрмай қўйди. Тез-лик билан гуруллаб ўсган Ҳарбий шаҳарча аввалги қиш-

лоқни бир четга сиқиб чиқарди, қишлоқ катта ҳарбий йўл бўйидаги бир ташландиқ жой бўлиб қолди. Эллик хонадондан иборат қишлоқни энди «Эски шаҳарча» деб аташарди.

Қуролхонадан шаҳар томон кетаётган юк машиналари янги йўлдан тез-тез ўтиб турарди. Уларнинг баъзилари ёқилғи бочкалари, баъзилари эса ёғоч ортиб ўтар эди. Баъзан эвакуация қилинган кишилар ҳам юки билан тоғ томонга ўтардилар. Буларнинг биронтаси ҳам «эски шаҳарча»лик эмасди. Урушнинг тўс-тўполон бўлиб кетган сўнгги кунларида ёқилғи ва ёғочларни четга сотдилар, аммо бу ишни қишлоқда яшовчи кишилар эмас, қуролхонага алоқадор одамлар қилди.

Цуяко билан қайионасига Наодзининг йўқлиги жуда билиниб қолди, Наодзи ҳозир ҳаёт бўлганда, уларнинг эшиги олдидан ҳозирги тўс-тўполонда бу молларнинг жуда кўпи буларнинг анча-мунчасига эга бўлиб қоларди.

Исидалар оиласида тартиб бениҳоя яхши ўрнатилган, оилада фақат эркаклар: уч ўғил билан ота ишлар эди. Аммо оила бошлиғи Тонори эди: унинг кўп йиллик тажрибаси оиланинг синиб қолишдан сақлаб қолди, бутун қарзларини тўлай олдилар. Унинг ишнинг кўзини билишига, ғайратига ҳамма қойил қоларди. Шу хотиннинг пишиқ планларини эркаклар бажаришарди. Эндиликда ҳаёт бутунлай бошқача бўлиб кетганди. Дзюкити кўпдан бери уйда йўқ, Наодзи ҳалок бўлди. Синдзо ҳарбий хизматдан қайтиб келмади. Савдо-сотик ишлари тўхтаб қолди. Бундай шароитда Тонорининг кучи ҳеч қаерга етмай қолди.

Хироко иккинчи қаватда, ёшлигида Дзюкити турган хонада дам олди. Хироко ётган уйнинг деразаси шарқ томонга қараган эди. Ошхонанинг деразаси ҳам шу томондан очиларди. Ўша томондан тўрт яшар Акионинг жаҳл билан бақириб:

— Емайман, емайман! Емайман дедимми, емайман!— дегани эшитиларди. Шу пайт катта кишининг оёқ товуши ҳам эшитилди.

— Нима дейсан бўлмаса, Аки-тян? Қаттиқ дединг, юмшатиб пиширдим. Ўжарлик қилмай е энди!

Болалар шу пайтгача гуруч ё буғдой нон еб келишар, нон гоҳида қаттиқ, гоҳида ҳаддан ташқари юмшоқ бўлиб пишарди. Хироко бу ерга келиши биланоқ кичкина Акионинг:

— Емайман!— деган норозилигини эшитганди.

Бир нима тушиб кетгандай тақиллаган овоз эшитилди.

— Аки-тян!— Цуяконинг овозидан жаҳли чиққани билиниб турарди.— Нега қулоғингга гап кирмайди-а? Шошмай тур сени...— деди-ю, жим қолди. У: «Сени адангга айтмасамми»— деб дўқ урмоқчи эди, бўлмади, хўрсиниб қўя қолди. Кейин бўшгина қилиб:— Тўғриси, сени нима қилишимни ҳам билмай қолдим,— деди.

Яна оёқ товуши эшитилди: Цуяко қаёққадир кетди. Ошхона жим бўлиб қолди. Акио бир ўзи қолган эди. У ниманидир полга иргитди-да, нон кавшай бошлади.

Акио овқат олдидан ўзини ҳар томонга солиб, атрофга қарай берар эди. «Овқат емайман!»— деб кўпинча стол устига қўлидаги овқат тайёқчасини отиб юборарди.

— Бу нима қилиқ? Овқат ҳам емайсанми?— деб Тонори қулоқсиз набирасидан ўпкаланарди, жаҳли чиқар, қовоғини соларди.

— Дзирога қара, овқатни қандай яхши ейди! Сен ундан каттасан-ку, Акио! Унга ўрнак бўлишинг керак. Шундай қилаверсанг, холанг сенга Токиодан совға олиб келмайди, билиб қўй.

Акио Хирокога қараб кулиб қўйди.

— Кашанинг ўзи бемаза-да...

У яна бир марта олдидаги товоққа қаради-да, лўяли ёвғон овқатни кўргач, такрорлади:

— Емайман! Бундан картошка яхши, картошка ейман.

Бувиси билан онаси енгил тортиб, бир-биринга қараб қўйишди.

— Шундай деб айта қолмайсанми!

Акионинг олдида тарелкада буғи чиқиб турган картошка қўйишди.

Хироко бу ерга охирги марта келганида Акио кичкинагина, уч ойлик, қорачадан келган тетик чақалоқ эди. Ўзи марҳум бобосига ўхшарди. Ўшанда Хироко Акиони қўлида кўтариб туриб расмга тушиб, Дзюкитига юборган эди. Хироконинг ўзи боласиз эди, жиянларини ҳаддан ташқари яхши кўрарди, бутун бўш вақтларини шу болаларга сарф қиларди.

Овқатланиш хонасидаги кичик шкаф тепасида Наодзининг сурати осиглиқ эди. У расмга чўмиладиган ли-

босида оёғини бир-бирининг устига ташлаб, дум-дума-лоқ жуда ёш Акиони қучоқлаб тушган эди. Отаси ўғлининг бужмайган юзига меҳр билан боқиб турибди. Фотограф отасининг ўғлига бўлган муҳаббатини усталлик билан акс этдира олганди. Цуяко мана шу расмини ўғли Акиога кўрсатиб, отаси ҳақида гапириб, уни тинчлантирмоқчи бўларди-ю, бундай қилолмасди.

Цуяко Наодзи ҳаёт вақтида ҳам гап келиб қолганда, бу бола узоқ яшамайди дерди. «Агар унга ҳар кун кетма-кет овқат бераверсанг, албатта, овқат егиси келмай қолади. Рангининг синиққанлиги ҳам шундан. Бола нонуштани ҳам, тушки овқатни ҳам маълум бир вақтда ейиши керак»,— деб таълим беришарди унга.

Энди, озиқ-овқат танқис бўлиб қолган бир пайтда, айниқса ўшандай тартиб ўрнатиш яна ҳам зарур бўлиб қолди. Бироқ, Цуяко бундай қоидаларга қулоқ солмасди.

— Бекор гап ҳаммаси...— дерди у.

Акиони фақат аёллар тарбия қилишаётгани учун ҳам инжиқлиги кундан-кун ошиб борар, оилада қаттиққўл, болага туриб қарайдиган биронта эркак қолмаган эди. Илгари қайнона билан келин оила таянчи Наодзига суянар эдилар. Энди эса улар Акио атрофида парвона бўлишар, унинг қош-қовоғига қараб қолишганди: гоҳ унинг кўнглига қарашади, гоҳ уришиб беришади-ю, кетидан яна эркалатишади.

Хироко ўз хонасида ётар экан овқатланиш хонасидаги шовқинга қулоқ солар ва оила бошлиғи бўлмагач, бахтсизликнинг оила турмушида қандай кўринишларда акс этиши, оилада ҳаётнинг бошқача йўлдан кетиши ҳақида ўйларди. Уруш келтирган фалокат «эски шаҳарча»да, Исида оиласида, асосий таянчдан маҳрум бўлган оила ҳаётида равшан ва бевосита акс этди. Поезд ғарб томонга чопиб борар экан, Хироко йўл-йўлакай бутун мол-мулки куйиб кул бўлган одамларни кўрди. Урушнинг мудҳиш изини ҳамма ерда учратиш мумкин эди. Бу из, Япониянинг миллий мустақиллиги, ўзига хослиги ҳақидаги китобларни яшириш керакми, деб ташвишланиб сўраган бир оёқли солдатнинг кўзида ҳам акс этганди. Бу изни «эски шаҳарча»да ҳам, Япониянинг ҳар бир бурчагида ҳам, жудоликни бошидан кечирган юз минглаб қишлоқларда ҳам кўриш мумкин эди.

Хироко қўлини чаккасига қўйди; аччиқ кўз ёшлари

ёстиққа бирин-кетин оқиб туша бошлади. У Потсдам декларациясида «ҳарбий жиноятчилар» деган сўзни биринчи марта ўқиганида, бу ифодада шахсан ўзига ҳам бундай дахлдор мазмунли борлигини ўйламаган эди. «Ҳарбий жиноятчилар раҳмсиз равишда қаттиқ жазога тортилишлари керак,— деб ўйларди энди у,— адолат шуни талаб этади».

IX

— Бувиси, бувиси!— деб чақирди Цуяко ва қайнона-насига бир нима деди. Кампирга қаратилган бу мурожаатда одатдаги мулойимлик, меҳрибонлик ўрнига, аллақандай киноя, аччиқ бор эди. Хироко кейинги келганда буни тез пайқаб олди. Цуяко илгари ҳам қайнона-насига бувиси деб мурожаат қилар эди. Ўзининг ширин сўзлари билан Цуяко ҳар кимни ҳам ишлата олади деб ҳазил қиларди Хироко. Тонори келинининг бу хусусиятини одатда унинг ёшлиги ва ожизлигидан деб биларди. Ҳозир ҳам илгаригидек бувиси деб муомала қиларди-ю, лекин сўзлари қандайдир совуққина эди, қайнона билан чиқишмоқ зарурлигидан айтаётгани сезилиб турарди.

Хироко қайнона-насига ширин сўз билан муомала қилса ҳам, меҳрибонлик кўрсатмаган Цуякога ҳам, қайнона-сининг ўзига ҳам раҳми келди.

Мана шу чекка шаҳарчада ўтказилган Цуяконинг тўйи кечаси, ресторанда Хироко қайнона-наси билан ёнма-ён ўтирган эди.

Тўйбоши келиннинг қўлидан етаклаб олиб келди. Унинг жуда ҳашаматли қилиб ўрилган сочи ва июнь ойининг бошлари бўлса ҳам, эгнига кийиб олган қишқи қора юбкасини кўриб Хироко ажабланди. Хироко келиннинг кийимларини кўриб, ўзи ёзлик кимонода бўлса ҳам терлаб кетди. Сочининг оғирлигидан бошини қуйи солиб келаётган келиндан олдин унинг сепи солинган аравача келарди. Ана шу сеп билан бегона оилага кириб келаётган ёш қизнинг тақдирини ўйлаб, урф-одатларнинг кучи олдида Хирокони қўрқув босди.

Қўшни хонада патефон қўйиб юборишди, халқ куйи ёзиб олинган эски пластинка янгради. Қўшиқ садоси остида қадаҳлар кўтарилди. Эсдалик учун расмга тушишди. Шимолний Хитойдан йиғирма кун илгари қайтиб келган Наодзи эгнидаги қора кимонода терлаб кетган

эди. Расмга тушиш олдидан Наодзининг оёғи увишиб қолди, у оқсоқланиб қолганда Хироко унга стул келтириб қўйди, Наодзи қийналиб сурилди. Стулга келин ҳам ўтирди. Фотограф унинг ёқаларини тузатиб қўйди. Наодзининг тўйи расмий урф-одатда тўқинлик билан ўтди, лекин буларнинг вилоят шаҳрига хос кулгили бир жиҳатини ҳам бор эди.

Бир йил ўтгач, иккинчи чақирикда Наодзи яна армияга жўнаб кетди...

Хироколар Наодзини кузатиш учун келганда, Акио туғилган, Цуяко қайнонасини ойи деб эмас, бувиси деб атайдиган бўлган эди. Цуяко анча тўлишиб қолганди. У ҳазил қилиб, Наодзи тўй куни оқсоқланиб қолганда, мен оёғи ногирон бўлса керак деб ўйлабман, деди.

— Шунчалик янглишган эканман, юриш у ёқда турсин, чопар ҳам экан, — деб кулди Цуяко.

Хироко ҳам унга қўшилиб кулди, лекин Цуяконинг шундай нозик пайтда ҳам мана шундай арзимаган нарсаси эътибор бериши қизиқ туюлди. Бу унинг характери кўрсатиб турарди.

Кампирнинг бошига чиқиб олган Цуяконинг унга қўпол муомала қилиши, невараларига қарашни бутунлай унга ташлаб қўйиши Хироконинг ўйлашича, йўл қўйиб бўлмайдиган эди. Қайнона, афтидан, буларнинг ҳаммасига тушунарди-ю, жиззаки келиннинг, икки набирасига она бўлган Цуяконинг тинчлигини бузишни истамасди.

Турмушнинг бундай икир-чикирларини тўғри тушуна олсин учун Дзюкитига қандай хат ёзса экан, унга қандай тушунтириб берса экан?

Хироко деразадан белига Дзирони боғлаб олиб, катта кўчага чиқиб кетаётган қайнонасини кўриб қолди. Бу кампир ўз болаларини кўтариб катта қилганига қанча вақтлар бўлган, ҳозир эса у орқасидаги набирасини зўрға кўтариб кетяпти. Хироко буни кўриб қайнонасига ачинди.

‘ Мана бу туйғуларни Дзюкитига қандай етказа олади? У ҳаммасини билиши керак деган қарорга келди, Хироко. Дзюкити оила бахтини қайта тиклаши учун, онаси билан Цуяконинг, унинг болаларининг турмушини яхшилаши учун, бу гапларнинг ҳаммасини билиш керак. Оилада тартиб ўрнатиш учун бир эркакнинг бўлиши сувдан ҳам зарур. Хотинлар бусиз анча қийналиб қолишди. Эркак кишисиз туришга ўрганишлари, буни одат қилиш.

лари лозим эди. Тонори билан Цуякони бунга ишонтира оладиган, уларнинг турмушини ўз изига солиб юборадиган сўзларни фақат Дзюкити айта оларди.

Хироко суюқ, рангсиз сиёҳ билан Абасирига хат ёзар ва ким олдин келар экан, Дзюкитими ё етти йилдан бери олдинги позицияларда ҳизмат қилиб юрган Синдзоми деб ўйларди. Капитуляция бўлганидан бери бир ой ўтди, газеталар билан радио Жанубий денгиз оролларида ҳарбий қисмлар бирин-кетин қурол-аслаҳасини ташлаб, таслим бўлаётгани ҳақида хабарлар бериб турарди. Хироко Синдзо хизмат қилаётган бўлим командири зора ақлли одам бўлса, мағлубиятга учраганларини эшитиб баъзи бошқа офицерлар сингари у ҳам, ўз қўл остидаги кишиларни тоққа, егани ҳам ҳеч бало йўқ ваҳший ҳайвонлар маконига олиб кетмас деб ўйлар эди. Гарчи Синдзо Дзюкитидан бошқачароқ бўлса ҳам, қайтиб келса, онлага таъсирини ўтказа олган бўлар эди.

Қайнона ҳеч кимни безовта қилмай деб, эҳтиёт билан зинадан секин-секин юриб юқори чиқди. У стол олдида ўтирган Хирокони кўриб:

— Эҳ-ҳа, уйғоқмидинг, ҳали ухлаганинг йўқми?— деди.

— Йўқ, ухлаганим йўқ. Бирпас дам олсанг-чи, ойи? Ёстиқ берайми?

— Йўқ, йўқ! Керак эмас!— деди қайнона ва Хирокога қараб худди махфий сир айтаётган кишидек секингина:— Нуико келди,— деди.

Хироко ажабсинган бир тарзда қайнонасига қаради. Нуико Дзюкитининг холаваччаси бўларди. У Хироко билан бирга Токиода бир ярим йилча бир уйда турган, улар опа-сингилдек бўлиб қолишган эди. Хироко менинг келганимни эшитиб, кўргани келибди шекилли деб ўйлади.

— Яхши келибди!— деди Хироко ва пастга тушишга шошилди. У Нуико келгани ҳақида қайнонасининг шивирлаб гапирганини ҳам унутди.

Хироко тўғри овқатхонага тушди. Бу ерда Нуиконинг ёлғиз ўзи ўтирар эди. Авзойидан Нуико кўпдан бери шу ҳолатда ўтирганлиги кўриниб турарди. Хироконинг юраги аллақандай бир орзиқиб тушди.

— Саломатмисан, Нуико? Келганингга анча бўлдимми?

Нуико кутилмаган савол берган Хирокога бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқди ва хотиржамгина жавоб қилди:

— Ҳа... Бир соатдан бери шу ердаман...— деди Нуико, очиқ чехра билан унга кулиб қараб.

— Менинг келганимни айтишибмиди?

— Йўқ, келганингдан сира хабарим йўқ, эди. Шу бугун кечаси тушимда Наодзини кўрдим. Шу туш мени минг хаёлга олиб борди, бир хабар олгани келган эдим.

Нуико бир ярим ри йўлни пиёда босиб келган эди.

Нуико тушини айтиб берди. Тушида Наодзи Миёси қишлоғида эмиш. Тушида бўлса ҳам ана шу исмни яхшилаб эслаб қолибди. Уйғонган замон қўшнисиникига югурибди, унинг справочнигини олиб картага қарабди.

— Бун қаранг-а!— деди Нуико, Хирокога қуюқ қошларини чимириб, тушининг ўнг келганлигига сира ишонгиси келмасди.— Ҳақиқатан ҳам шундай Миёси деган жой бор экан. Миёси Хиросимадан Гэйти темир йўл тормағидан борилса, икки соатлик йўл экан.

— Анавини қаранг-а! Миёси деётганинг қанақа жой экан ўзи?

— У ерда касалхона бор дейишади.

— Ҳарбий касалхонами?

— Йўқ, ҳарбий касалхона бўлмаса керак. Ҳар ҳолда, у ёққа Цуяко билан бир бориб келсам ёмон бўлмас дейман.

Тонори жим ўтириб, буларнинг гапига қулоқ соларди.

— Миёси деганинг Цуяко қидириб борган Тоёдадан бутунлай бошқа томондан бўлса керак. Шундай эмасми?— деб сўради у.

— Тоёда темир йўлнинг Намбу тармоғи томонда!

— Цуяко! Цуяко! Бу ёққа бир қара!

Орқасида ухлаб қолган Дзиро билан Цуяко кириб келди.

— Яқинда сен бориб келган қишлоқнинг номи нима эди? Тоёда эди шекилли?

— Ҳа.

— Штабда сенга Миёси қишлоғи тўғрисида ҳеч нима дейишмаганмиди?

— Эсимда йўқ.

— Нуико ана шу жойни тушида кўрибди. Уша ерга бориб қидириб кўрмаймизми? Нима дейсан?

Цуяко бошини кўтариб, ич-ичига тушиб кетган кўз-

лари билан Нуикога, сўнгра Хироко билан қайнонасига қаради.

— Штабда ҳам айтишган эди... Ярадорларни даволаш учун ҳар томонга, Тотторидаги Сисасигача жўнатишган экан. Бирор кишининг қаерда ва қай аҳволда эканлигини аниқ билиш учун, бир йилча вақт керак дейишади.

Ҳозирда Тоёдадан бошқа томонга кўчиб кетган, тоғдан икки ри узоқликдаги бошланғич мактабга жойлашган штабда шахсий варақалар регистратори китобини очиб, Цуякога Наодзи енгил ярадор бўлган деб ёзилган жойни кўрсатган. Иккинчи китобда эса, Наодзи бедарак йўқолган деб илова қилинган эди.

«Ҳеч ким ҳеч нима билмайди»,— деб ўйлади Хироко ва Тоёдага ўзи боришга қарор қилди. Тўғриси айтганда, бориб Наодзини ахтариб кўриш ҳақида кечаёқ, бу ерга келиб, бу ердаги аҳволни кўргандаёқ ўйлаб қўйган эди.

— Яна бир бориб кўриш керак! Эртага Тоёдага ўзим бориб, ҳаммасини билиб келаман. Мен билан борасанми, Нуико? Миёсини ҳам суриштириб кўрамиз. Керак бўлса, у ерга ҳам борамиз. Бўптими?

— Ҳамма қийинчилиқни ўз устинга оляпсан, барака топ, болам!— деди шивирлаб қайнона.

— Ҳеч қийинчилиғи йўқ! Ишқилиб, ҳаракатимиз зое кетмаса бўлгани. Токиода жуда кўп ишларни кўрдим... Бу ерга келатуриб ҳам...

Хироко суянчиқсиз қолган Цуяко билан қайнонасининг Наодзидан бутунлай умид узишганини Дзюкитига ёзиб юборишга юраги дов бермасди.

— Қалай! Ё сен ҳам борасанми, Цуяко?

— Қайдам, бошим қотди...

— Цуяко борса, қийналиб қолади.

— Бўлмасам, Хироко борсин. Гапни чўзиб ўтириш бефойда... майлими, Цуяко?

— Майли, бора қолсин.

Шундай қилиб, бир қарорга келишди. Тонори Дзюрони орқасига олди-да, билет олиб келиш учун станцияга кетди.

Қайнона қайтиб келадиган вақт бўлганда, ёмғир ёға бошлади.

— Ана холос, ёмғир қуйиб юборди! Ҳали эртага ҳам ёғади энди. Бемаҳал ёғиб қолди-да!

Нуико ҳам дераза олдига келди. Қийим-кечак ёйилган айвонча устидан ёмғир шовиллаб оқиб тушар эди.

— Ҳа, ёмғир кучайяпти,— деди у, ерлик кишиларга хос ишонч билан.

— Бувим зонт олмай кетганди-ку.

— Олгани йўқ эди.

Хироко йўлакни қидириб, ёмғирда тутадиган бирон-та зонт тополмади.

— Цуяко! Зонт қаерда?

Х

Қаергадир ғойиб бўлган Цуякони қидириб топиш-гунча, Нуико полкадан эски бир зонт топиб, Тонорининг йўлига чиқиб кетди.

Эсаётган қаттиқ шамол қорамтир ёмғир булутларини жанубдан шимолга, тоғ чўққилари томон ҳайдар эди. Булутлар оқими борган сари тезлашар, ёмғир эса селга айланиб борарди, тунука томларда оқ кўпиклар пайдо бўларди. Ёмғирдан яқин ўртадаги тоғ тизмалари ҳам кўринмай қолди. Кўчалардаги ҳаракат эрталабдан бошлабоқ тўхтаган эди.

Жазирама иссиқда ёниб ётган вайрона Токиодан эндигина келган Хироко ёз ёмғирини гашт билан томоша қилар, тоғлар этагида ҳосил бўлган кўлни, шариллаб қуйиб ётган ёмғирни маза қилиб томоша қиларди.

Хироко билан Нуико эрта соат тўртдаги поезд билан жўнайдиган бўлишди. Ёмғир шундай қуйиб бердики, улар йўлга чиқсакмикан ё йўқми деган мулоҳазага келиб қолишди. Электр чироқлар ёниб турган овқатхонадан, тарновлардан тушаётган сувнинг овози эшитилиб турар, бу эса селнинг яна ҳам жадаллаётганидан хабар берарди.

— Нима қилдик? Ёмғир ҳам авжига олди...

Ичкарида Дзирони ухлатаётган қайнонанинг овози эшитилди.

— Кун ҳам тоза исиганди, анчадан бери ёмғир ҳам ёғмасди.

Сочларини тараганча Цуяко чиқиб келди:

— Станциядан у ёғига икки ри пиёда юриш керак. Шу ёмғирда бориб бўлармикан!

Улар кундуз кун жўнайдиган поездда кетамиз деб,

бу кеча қолишди, лекин соат ўн бўлди, ўн икки бўлди ҳамки, ёмғир тинмади, аксинча, зўрайиб кетди.

Нунко Хироконинг чолворини ямар, болаларга пешбанд тикарди, ишлаб ўтирар экан, у хавотирлик билан ёмғирда қоронғилашиб кўринаётган кўчага қараб-қараб қўярди.

— Энди нима қилдик, ё йўлга чиқаверамизми, а?

— Нима деяпсан ўзинг! Борди-ю, кетолмай қолсак-чи? Яна шу ёмғирда қайтиб келамизми?



— Кетганимиз яхши эди-да!

— Нимаси яхши?

— Ҳар хил ўйларга бориб ўтирмасдик...

Улар олдида Цуяко ҳам, қайнона ҳам йўқ эди. Хироко билан Нунко ўзаро у ёқ-бу ёқдан секин-секин гаплашиб ўтиришарди. Нунко Исидалар уйига ҳар келганим-

да, сўрашиб бўлмасимданоқ Цуяко қайси поезд билан қайтиб кетасан деб сўрайди, деб ҳасрат қилиб қолди.

Цуяко бетобмиди, ё одам ёқтирмасмиди, ҳар ҳолда, меҳмонни чиқиштирамайди, Наодзи бор вақтда ҳам шундай эди. Меҳмон бўлмаса, овқат пиширмай, бор нарса билан тамадди қилиб ўтиш мумкин-да.

Ёмғир тинмади. Кеч кирди.

— Иш чатоқ! Челақдан ағдаргандек қуйяпти... Цуяко, кел, чироқ ўчмасдан овқатланиб оламиз.

Тун ҳам ўтди. Хироко тушида ҳам ёмғир овозини эшитиб чиқди.

Кечаги ёққан қаттиқ ёмғирда тоза бўлиб қолган дарахтлар ҳам, уй ва деворлар ҳам бугун ивиб кетгандек рангсиз, қулаб кетаётгандек жонсиз туюлар эди.

Хироко иккинчи қаватдан темир йўл томонга қаради. Унинг ёнига қайнонаси ҳам чиқди, уларга темир йўл ва тоғ этакларидаги қамишзорлар кўриниб турарди. Хироко шошиб-пишиб ўша қамишзор орасида яшириниб ётган Суймусэгава дарёсининг ирмоқларини ахтара бошлади.

Бундан олти-етти йил муқаддам ҳам Хироко бу ерга ёмғир палласида бир келган эди. Ўшанда шу дераза орқали ҳалиги ўриб-йиғиб олинмаган, қорайиб кўринган сули бошоқлари, эски ўзандан сувнинг чиқиб келиб, экинзорларни босиб кетаётгани кўриниб турарди, даладан сув бир неча кунгача аримас, сулининг қоп-қора бошоқлари сув юзидан чиқиб турарди.

— Катта бахтсизлик бўлди... Эсингдами, тоғдаги дарахтларни қулатиб кетган, илдизини ювиб кетган эди. Ўша пайтда сув не ишларни қилмади.

— Бу сафар далани сув босмаса керак деб ўйлайман.

— Кошки эди.

Исидаларнинг уйи катта йўл ёқасида эди, унинг ёнида уч бурчак шаклидаги экин майдони ҳам бор. Қоридор пештоқиға ёмғирдан сақлаш учун қўшимча соябон қурилганди. Баъзан ёмғир қаттиқ ёғиб, сел келган пайтларда сув будда расми солинган тоқчаларга тушиб, ундан шувиллаб ерга оқиб тушар эди. Уйнинг ҳамма ерига жом билан челақ қўйиб ташланган, унинг атрофида Акно билан Дзиро айланишиб юришарди.

Болаларнинг тўполони билан ёмғир шарроси Хирокога ўзининг болалик чоғларини эслатди. Ёмғир қаттиқ

ёққан кезларда уларнинг уйи қоронги бўлиб қолар эди. Чала ёпиладиган эшик ва деразалар орасидан ёмғир томчилари тушар, ойнавон айвонга сув тўпланар эди. Хироко билан унинг икки укаси деразадан бошини чиқариб, ким ёмғирда бошини кўпроқ тутиб туриш ўйнашар, айвонга чиқиб, сув ичида бир оёқлаб сакрашар эди. Кундузи бўлса ҳам ташқарининг нимқоронғилиги, ёмғир шовқини, ёзнинг дим ҳавоси, буларнинг ҳаммаси кичкина Хирокони зериктириб юборар, шунинг учун у ўзини ҳар томонга ургиси келарди. Болаларнинг уйида ёниб турган жинчиноқ, ер қимирлаган пайтда қочиш осон бўлсин учун ойнага қўйиб қўйилган тахтани зўрға ёритар эди.

Минут сайин ўчиб қолиши мумкин бўлган электр нурида кечки овқатни ҳам еб бўлишди.

Соат тўққизларда қўшни ҳовли Савадаларникига чиққан Цуяко югуриб келди-да, зонтни кираверишга қўйиб:

— Бувиси! Сув кўтариляпти!— деб бақирди.

Тонори шошиб қолди:

— Нима деяпсан! Сув тошқини бўлмаганига ҳам кўп йиллар бўлганди.

— Эсингдами, ўтган йили қандай безовта бўлган эдик?

— Сув кўтарилиб боряпти! Мен келгунимча анча кўтарилиб қолди.

— Нима қилдик экан? Агар нарсаларни йиғиш керак бўлса, кечаси туртунгандан кўра, вақт ғаниматида чироқ ўчмай, йиғиштириб қўя қолайлик...

— Ҳалибери тинмайдиганга ўхшайди.

— Ҳа, осмоннинг таги тешилганга ўхшайди!

Хироко ҳали сув тошқинини кўрмаганди-ю, лекин тайфун нималигини биларди. Бир куни тун бўйи ухлаёлмай чиққан, яшикдек кичкинагина уйнинг иккинчи қаватини учуриб кетгудек қўзғалган қаттиқ бўрон сира эсидан чиқмайди. Лекин у сув тошқинига дуч келмаган эди. Шунинг учунми, уйга сув кириб кетади дейишганида тушуниб турган бўлса ҳам, бунга ишонмади.

Хироко билан икки ёш жувон орқа хонадаги пол устида, қайнонасининг атрофида ўтиришар эди. Энг олдин Цуяко ўрнидан туриб, ишга тутунди.

— Болаларни ухлаб ётганида олиб чиқаверсаммикин?

Тонори ҳам ўрнидан зўрға турди.

Болаларни иккинчи қаватга олиб чиқишгач, кўрпа-ёстиқни ташиб олишди. Цуяко яна пастга тушиб, индамасдан бочкани думалата берди. Унинг бутун авзойи ёрдам бераётган хотинлардан норози эканлигини билдирар эди.

Хотинлар ўзлари турадиган уйдаги стол устига бўйраларни олиб чиқишди, дўконхонадаги бочкалар устига ёпилган тахта устига ҳам бўйра ташлашди.

— Бувиси! Шу ерда ёғ идиш бор эди-я.

Идишларни ҳам йиғиштиришди, кўйлакларни корзинкага солиб, юқори токчага олиб қўйишди.

Энди дўконда йиғиштирилмаган нарсა қолмади. Хироко диққат билан ошхонага назар солди. Ёмғир яна ҳам зўрайган эди, Сигэно ошхонада бирдан қўрқув ичида бақирди:

— Вой! Буя!

— Нима қилди?— деб Тонори ошхона томон шошилди.

— Сув келиб қолди!

● Электрнинг хира нурида сувнинг кўпайиб бораётгани билиниб турар, сув уйнинг ҳар томонига тарқалаётгандек кўринарди. Хироко қоронғида милтиллаётган сув сатҳида Акионинг кичик кавушчаси сузиб юрганини кўриб қолди. Унинг кетидан йўлакда қолган бошқа кавушлар ҳам сузиб юрарди. Беш минут ўтар-ўтмас йўлакда сув тизза баравар кўтарилди; сал кўпайса, бутун уйни сув босиши турган гап эди.

Хотинлар сув сатҳининг кўтарилишини кузатиб тур шарди; улар бирдан ташқарида ёмғир секинлаганини сезиб қолишди.

— Ана, ёмғир ҳам тинадиган бўлди! — деди Хироко, севинч билан.

— Хайрият, ишимиз энди юришиб кетади.

Ниҳоят сувнинг кўтарилиши тўхтади. Сув ўртасида қолган йўлда юриб келиб, йўлакка Савада кирди. Унинг эғнида лозим билан бир кўйлақдан бошқа ҳеч нимаси йўқ эди.

— Ана, холос! Бўйраларни олдингларми? Яхши! Сизларга қарашгани келган эдим. Ҳеч ташвиш тортманглар.

— Саваданинг касби темирчилик эди, унинг ўғиллари резерв ҳарбий қисмда бўлиб, яқинда қайтиб келишган эди.

— Нима бўлди ўзи? Тўғон-пўғон бузилиб кетдимми?

— Бу йил ўзи киши кўрмаган воқеалар бўляпти.

Хироко кичкинагина кўчма печка, қозонча, патнус ва идиш-товоқларни иккинчи қаватга олиб чиқди.

— Бирпас дамингизни олинг!— деди у ва овқат қилишга киришди.

— Пилигимиз қаерда қолипти?

— Шкафда бўлиши керак, юқори токчасида.

— Ҳозир электрни ҳам ўчириб қолишади.

Нуико пилик, ёғ ва тарелкалар олиб чиқиш учун пастга тушиб кетди.

— Сув яна кўтарилибди!

— Ойи, сен бир оз ётиб, дам олсанг бўларди,— деди Хироко.

— Йўқ, ҳечқиси йўқ. Яна нималар бўлишини ким билади, дейсан.

— Ҳаммамиз ётиб дам олсак, ёмон бўлмасди.

Қайнона ёзилган тўшак устига ечинмасданоқ ёнбошлади.

— Ёмон жойлар экан.

Болаларнинг ёнига Цуяко ҳам ечинмай ёнбошлади.

Шу пайт электр ўчиб қолди.

Нуико қаердандир топиб келган шамни ёқишди.

Ётган одамларнинг сояси деворга катта-катта бўлиб тушар эди. «Яхшиям Нуико келган экан,— деб ўйлади Хироко,— жонимизга оро кирди, одам кўп бўлса, киши кишига далда ҳам бўлади...».

Ёмғир ҳамон ёғар эди. Хироко чўзиб кийимларини алмаштириб, оёғини чўзиб ётди. Шу пайт пастдан кимнингдир сув ичида юриб келаётгани эшитилди, кетидан хотин кишининг овози келди:

— Сингилларим! Ётиб қолдингизми?

— Бу Савада бувим!— деб Нуико эшикни очиб қаради.

— Ҳа, сенмисан, Нуико! Сув яна кўтариляпти...— Цуяко билан қайнона бу сўзни эшитиб, сапчиб ўринларидан туришди.

— Нима? Яна кўтариляптими-а?

Цуяко пастдаги токчада қолган ичида кийимни бор корзинкаларни юқорига олиб чиқа бошлади. Савада ота билан ўғли уларга ёрдам беришди. Пастдан чамадон, қути ва жавонларнинг тортмаларини юқорига олиб чиқишди. Шу орада Саваданинг уйидан катта кўвачада гуруч билан ун олиб келишди.

— Безовта қилдим, малол келмаса, шуни вақтинча сизникига қўйиб турсам бўладими?

Уйнинг ўртасида қалашиб ётган чамадон ва яшикларни кўриб, Хироконинг эсига гуруч ва бошқа хил озиқ-овқатлар келиб қолди. Шу вақтгача ҳамма кийим-бош, бисот, қиммат баҳо нарсаларни асраб қолишни ўйлашди; озиқ-овқатларни нима қилиш керак? Токиода ҳаво ҳужуми бошланганда аввало озиқ-овқатни сақлаб қолишга ҳаракат қилнарди. Исидалар уйида эса, озиқ-овқат айвондаги баланд токчада турганлигини Хироко кўрган эди. Сув сал кўтарилса, ҳаммасидан ажралиб қолишлари турган гап. Хироко озиқ-овқатларни олиш кераклигини айтмоқчи бўлди-ю, лекин Цуяко бошчилигида кийимли яшикларни у ёқдан-бу ёққа олаётганликларини кўриб, индамади. Балки бу вилоятда озиқ-овқат кўпдир, пойтахтдагилар сингари оч эмасдирлар? Ҳар ҳолда ҳамма Цуяконинг сепи, Наодзи ва болаларнинг кийим-бошлари сувда қолмасин деб, ро-са жон куйдиришди.

Яшикларни жойлаштиргунча ўн минутча вақт ўтди. Сув борган сари кўтарила берди. Пастда шовқин-сурон эшитилди.

— Ҳой, синглим! Ёрдам беринглар! Тушиб кет-япти!

Қандайдир бир синадиган буюм ерга тушиб синди. Мохорка-табак витринаси айланиб, сув юзида юза бош-лади.

— Ҳолимиз не кечади энди?— деган қайнонанинг овози эшитилди.

Жавонни ҳам сув кўтариб, аста суза бошлади.

Зина учига ўрнатиб қўйилган шамчироқ сув юзига хира нур ташлар, бундан сувнинг яқин келиб қолган-лиги кўриниб турарди.

— Ўҳў, шу ергача чиқдим!

Шилта-ю шалаббо бўлиб кетган Савада қўрқув тўла кўзларини юқорига, Хирокога тикди. У белигача сув ичида турар эди.

Сув ҳайдаб келган Савада ва ўғли иккинчи қа-ватгача чиқишди.

— Энди бошқа паноҳ топишни ўйлаш керак. Бу уйнинг қулаб кетиши мумкин.

— Йўқ, бу даражага бормаса керак. Айтмоқчи... Агар сув кўпая берса, уй ҳақиқатан ҳам чидаш бермайди, пойдевори жуда бўш. Шу кичкина уйда баланд-паст аёл-эркак бўлиб етти киши бор эди; улар ҳўл оёқлари

билан болалар ухлаб ётган тўшакнинг четини босиб олишганди.

Хироко кўча тарафдаги деразани очди-ю, қаттиқ қўрқиб кетди. Энди кўча йўқ эди. Қора осмон остида мудҳиш манзара. Гоҳида ажралиб, яна қўшилаётган булутларнинг хира ёруғида ивиб кетган Савадаларнинг лой томи кўринади; унинг пастиди катта лойқа сув оқими ҳукм сурмоқда. Қоп-қора сув жим оқса ҳам, минут сайин кўтарилиб борарди, йўлда учраган бор нарсани ўзи билан бирга олиб кетарди. Энди қайнона билан болаларнинг ғамини емасликнинг иложи йўқ. Хироко уларнинг ҳаётига ўзини жавобгар ҳис этди.

— Яқин ўртада биронта қайиқ йўқмикин?

— Бу ерда қайиқ нима қилсин!— деди жаҳли чиқиб Савада.

Довюрак Тонори аччиқ билан шундай деди:

— Бир гап бўлар, қўрқманглар... Агар фалокат босиб, сув кўпайса бир илож қилармиз.

Сўнгра бирдан нафаси тиқилиб:

— Бас! Етар. Борди-ю, уй қулаб кетса, шу ерда ўламиз!— деб бақариб юборди.

Шамнинг бир меёрда тебранаётган хира нурида, сочилиб ётган лаш-лушлар ичида ҳаммани ваҳима босди.

Хироко деразадан янги йўл томон қаради. Бу томонда сув озроқдек кўринди; катта оқ йўл сув юзида сузган лента каби кўриниб турарди. У дарров бир қарорга келди:

— Шу томонга чиқамиз. Нарвон қаерда, Цуяко?

— Бувиси, Нарвон қани?

— Арқон нарвонни оламиз,— деди Нуико ва яшикдан уни ола бошлади.

— Яхши! Макото, жон болам, нарвонни боғлагин!

Бир зумда Савада ўғли билан деразадан нарвон ташлаб, паст томга тушиб олишди.

— Цуяко! Онам билан болаларнинг кийимларини рюкзакка сол!

Хироко ўз рюкзакига қайнонасининг қоғозлари билан тўда кичкина папкасини солиб олди-да, Нуиконинг орқасига осиб қўйди. Цуяко Акиони, Сигэно эса Дзирони кўтариб олишди.

— Мана бу иш маъқул! Секин юринглар! Эҳтиёт бўлинглар! Тойиб кетманглар!

Деразадан томга аввал Саваданинг хотини, сўйгра қайнона, унинг кетидан Цуяко билан Сигэно чиқишди. Исидаларнинг уйи паст-баланд қилиб қурилган, ошхона томининг нишоби шарқ томонга қаратилган эди. Томдан нарвон орқали уй орқасидаги экин майдонига тушилар эди.

— Ҳамма чиқдими, синглим?

Хироко томга чиқиб олгач, Нуико шамни ўчирди, дераза эшигини беркитиб уйдан чиқди. Нарвон осилиб турган томдан сирпаниб тушиш керак эди. Нарвонда Макото турарди. У пастда турган отаси билан бошқаларнинг тушишига ёрдам берарди.

— Эҳтиёт бўлинг, бу ер чуқур экан. Қўрқманг, қўрқманг!

Хироко ёш Макотонинг совуқдан қалтираб кетган ҳўл қўлига суяниб нарвондан тушди. Оёғи лойга ботиб кетди.

— Буви, қаердасан?

— Шу ердаман. Юқорини, йўлни сув босмабди.

Катта йўлда кўлмаклардан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Йўл бўйидаги шағалларни босиб ўтиб тепаликдаги ибодатхонага етиб олишди.

Ибодатхона ичида шамлар ёқилган, ичкарида юрган одамларнинг сояси кўринарди. Бу ерга бир тўда корейслар оиласи йиғилган экан. Корейслар Исидаларнинг уйи олдида; икки дарё оралиғидаги уч бурчак шаклдаги ерда деҳқончилик қилишар эди.

Тонори улар билан ҳол-аҳвол сўрашди.

— Энди бизнинг ётишга уйимиз ҳам, ейишга нонимиз ҳам йўқ.

Бунда ҳеч қандай муболаға йўқ эди.

Ҳаммалари ғуж бўлиб олишиб, шалаббо бўлиб кетган кийимларини ечишди. Макото Нуикодан чўмилганда киядиган кийимини олиб, кийиб олди. Улар ибодатхонадан олинган одеялга ўралиб олишди.

XI

Ажойиб тонг отди. Ҳаво шундай мусаффо эдики, кечаси бўлган ишларга кишининг ҳеч ишонгиси келмасди. Хироко ҳамроҳлари билан ибодатхона жойлашган баландликдан тушиб, янги йўлга чиқди-да, уни кесиб ўтиб, қияликдан пастга тушгач, Исидалар уйи олдида тўхтади. Кечаси сув тошқини натижасини кўриб, Хироко

ҳайрон қолди. Қишлоқ четидаги уйлар қулаб тушган, баъзи бир иморатларнинг устунигина қўққайиб қолган эди. Илгариги кўча ўрнида эски анжомлар, ивиб кетган кийим-кечаклар тартибсиз сочилиб ётар, болалар пешбанди олдида қотиб қолган сариқ оёқли икки оқ хўроз ҳам сув ичида бўкиб ётарди.

— Дарё тормоқлари орасидаги уч бурчак шаклдаги ерга жойлашган корейс хонадонлари вайронага айланган, деярли ҳаммаси тупроқ билан кўмилиб кетган эди. Уйларни ювиб кетган сувлар йўл бўйидаги чуқурчаларда, ҳар хил изларда ва турли тўсиқларда тўпланиб қолган, ҳозир бир қанча қариялар бу тўсиқларни олиб ташлаш билан авора эдилар.

Тунда қоп-қора бўлиб кўринган сув, энди Саваднинг уйи олдидан сарғиш бўлиб оқар эди. Хироко кимнингдир кавишини кийиб борар, унинг оёғи ҳар қадамда қаттиқ ерга тегар эди. Уйларнинг атрофида ва ҳатто томларда бутун қишлоқнинг жамғариб қўйган ҳар хил нарсалари, озиқ-овқатлари йиғиб қўйилган эди. Қуёш нури остида ердан ва гўнгли тупроқлардан ифлос буғ кўтарилар, атрофга ёқимсиз ҳид тарқалар эди. Хироко кечаги сув босиб ётган кўча билан бугунги кўчани солиштириб кўрган эди, даҳшатли бир таассурот пайдо бўлди, у ўзини ҳар қадамда учраётган тўсиқларни енгиб гўё денгиз ёки кўл тагида бораётгандек ҳис этди.

Кўча таниб бўлмас даражада ўзгарган эди. Исиданинг дўкони олдида ёғоч тўсинлар йўлни тўсиб ётар, тўсинлар атрофига эса, турли хил нарсалар тўпланиб қолган эди: аллақаердан оқиб келган ёқилғи бетони, эски ёзув столи, бир буфетнинг синган парчалари, шохшаббалар, ҳатто велосипедгача бор эди. Бу ерда оқ патли хўрозлар ҳам кечаси кириб ётган яшиклари ичида ўлиб ётарди.

Исиданинг омборида бутун қишлоқнинг нарсалари: бир неча ўн қоп писта кўмир, бир неча юз боғ шохшабба сақлаб қўйилган эди. Кечаги сув шохшаббаларни эшик олдида олиб келган; боғламлар шишиб эшик олдини тўсиб қўйган эди.

— Юз боғга яқин шохшабба оқиб кетибди!— деб чамалади Тонори.

— Балки, боғламлар шу яқин орада тикилиб қолгандир?

— Қўйсанг-чи! Тиқилиб қолармиди!

Хироко қайнонасининг ҳаммадан ҳам хўжаликқа қайғираётганини сезди. Улар ётган жойларини супуриб-сидириб, ибодатхонадан ҳаммадан кейин чиқиб келишган эди. Уларнинг қўшниси Савадалар тонг отишини кутмай, пол устида ухлаб ётган болалар ёнидан авайлаб ўтиб, ёмғирда чиқиб кетишганди.

Уйда сув шундай кўтарилгандики, болаларнинг марҳум отасининг шкафда турган расмига етишига оз қолибди.

Сигэнонинг ўртоқлари ёрдамга келишди. Пол остидаги пойдеворни сув ювиб кетибди, орқа эшик олдида катта-катта лой-кесаклар уюлиб ётар эди. Полнинг тахталарини кўчириб дарёда ювиш, сув остида кўпчиган бўйраларни қуритиш керак эди. Омбордаги гуруч ва турли сабзавот ҳам ивиб қолганди. Тузлар эриб кетганди. Бир неча йилдан бери сарғайиб ётган, чанг босган қоғоз боғламлари, корзинкалар ва шулар каби бошқа буюмларни сув оқизиб кетибди.

Хироко томга чиқиб бутун ҳўл кийимлари ва эн нарсаларни ёя бошлади. Атрофда эскириб кетган аллақандай латта-путталардан чиқаётган ҳўл ҳиди димоққа урар эди.

Шу куни эрта билан барча эркак ва хотин-халаж ўз томига чиқди. Куз ҳавоси тиниқ, мусаффо эди. Бўйралар устига ивиган кўрпа ва кўрпачалар солинган, озиқ-овқат ёйилган эди. Қишлоқ аҳолиси кўчада ҳам ишлар, айрим кишилар эса, орқасига юк ортиб, индамай дарё томон боришар эди.

Тушга бориб, дарё этагида бир қанча хонадон бузилиб кетгани, одамлар нобуд бўлгани ҳақида хабар тарқалди. Тоннел бузилиб, Санъё темир йўли тармоғида ҳаракат тўхтабди, Миядзима яқинидаги ҳарбий денгиз санаторияси қоя-пояси билан бирга денгизга қулаб тушибди.

— Йиғлай десак, кўз ёши ҳам қуриди!— деди қайнона шивирлаб, ва иш орасида тушиб кетган сочларини тўғрилаб қўйди.

Сув тошқинига янги ҳарбий йўлнинг қурилгани сабаб бўлган эди. Атрофдаги тоғлар жануб томонга қараб пасайиб келади, бир неча тизма ҳосил қилиб, оппоқ қум билан қопланган денгиз соҳилига келиб уланади. Шарқ ва ғарб томони тоғ тизмалари билан ўралган Суймусэгава дарёсининг ирмоқлари бўйлаб юқори ва қуйида

қишлоқлар жойлашган. Том барабар баландликдаги янги ҳарбий йўл худди тўғондек шарқий тизма бўйлаб бир неча рига чўзилган. Илгари тоғ билан қишлоқ орасида қўриқ ва экинзор ерлар, ботқоқликлар бўлиб, бу ерлардан дарёнинг бир қанча ирмоқлари оқиб ўтар эди. Бу ирмоқлар икки қишлоқни сув билан таъмин этиш билан бирга, ортиқча сувни олиб чиқиб кетарди. Янги қурилган йўл буларнинг ҳаммасини бирдан йўққа чиқарди. Бу йўл қурилиши вақтида корейс ишчилари арава-ларда тупроқ ташиб, шағаллар келтириб тўқдилар. Ўрмонларни ваҳшийларча кесиб, йўқ қилиб юборишди, тўғонларни ремонт қилишни сўнгги йилда ҳеч ким эсига ҳам олмади. Шунинг учун ҳам тоғдан оққан ёмғир суви қишлоқни босиб кетди. Қурилиш иши тугаб ҳарбий йўл баланд бўлиб кўтарилгач, қишлоқ унинг олдида кичкина бўлиб қолди. Шу пайтгача Суймусэгава соҳилдан чиқиб, бутун экин майдонларини сув босарди, лекин юқоридаги хонадонларга зиён етказмасди. Янги йўл пайдо бўлгандан кейин ғарб томондан келадиган таҳдидга барҳам берилгани билан шарқ томонидаги тоғлардан оқиб тушган сувларни тўғон бўлиб тушган бу йўл тўсиб қололмасди, шу сувнинг қишлоқни босиб кетиш хавфи бор эди.

Хироко билан Тонори қуриштиш учун уйдаги бўйра-ларни ҳатто меҳробдаги эски будда ҳайкалини ҳам кўчага олиб чиқишди, қознқлар қоқиб, арқон тортишди. Қишлоқнинг ҳамма ерида ер буғланиб ётар, чиринди ҳиди анқир эди. Кўчага қозонларни олиб чиқиб, кечаси сувга чўкиб ўлган хўрозларни пишира бошлашди.

Эртаси куни Тонори дурадгорларни чақиртириб келди. Ишдан чиққан бутун нарсаларни тузатдира бошлади. Ҳар куни йўлга гиламларни олиб чиқишар, молларни офтобга ёйиб ташлаб, пол ва поёндозларни ювишарди. Тушиб кетган деворларнинг сувоқларини тузатиш учун сувоқчи чақиришди. Сигэно ва Нуико сувоқчининг хотини билан ишлашди.

Хироконинг назарида, бу ишлар жуда тез бўлаётгандек эди. Аслида буларнинг ҳаммаси қайнонасининг ғайрати эди. Тонори болаларга қараб турсин деб, бир вақтлар ўз болаларига энагалик қилган кампирни ҳам айтиб келди.

Хироко иккинчи қаватда ҳўл нарсаларни ёяр, сира адо қилолмас эди. Булар орасида Сигэнонинг тежаб-тер-

габ иш кўрадиган ота-онаси бундан бир неча йил муқаддам янги йилга тиктириб берган оддий шоҳи кўйлаги ва тўйга атаб тиктириб қўйилган Нунконинг кўйлаги ҳам бор эди. У кўйлакларни очиб ёйган сари уларнинг ранги бир-бирига уриб кетганини кўриб, чиройли кийимларнинг бузилганига ачинар эди. Аммо Наодзи, Цуяко ва болаларнинг биронта кийим-боши ҳўл бўлмаган эди...

Хироко совға қилиб олиб келган қайнонасининг устки кимоно камзули ҳўл бўлиб, қорайган ва ундан нам ҳиди анқир эди. Хироко том остига уни ила туриб наровондан оғир қадам ташлаб чиқаётган оёқ товушини эшитди. Иккинчи қаватга қайнонаси чиқиб келди. У хонага кириши билан очиқ турган дераза орқали томларга қаради.

— Ҳамма ёқни увода босиб кетди!..

Қайнонаси Хироконинг ёнига ўтирди, у бепиш қолгани учун ўзини ноқулай сезар эди. У бошқа хотинларга ўхшаб тамаки чекмасди. Қайнона бир оз жим туриб, сўнгра гап бошлади:

— Сенга ачинаман, Хироко, шунча узоқдан бизни деб келдинг-у, мана бунақа машмашаларни кўриб ўтирибсан...

— Нималар деяпсан, ойи? Аксинча, ойижон, қайта-нга қилишга иш тополмай, хижолатман ўзим.

— Сен келдинг-у, анча қаддим тикланди. Бағримда бўлганинг яхши.

Тонори иккинчи қаватга, Хироконинг ёнига чиқдим, бирор сабаби бўлиши эҳтимолдан узоқ эмасди. У кейинги вақтларда анча чўкиб қолганди, янги йўл томонга қараб, қуришти учун олиб чиқиб қўйилган, илгарини будда расми солинган меҳробни кўрди; узун йўл ўртасида турган бу меҳроб одамнинг кўзига ғалати кўринар эди. Лекин қайнона бошқа нарса тўғрисида гап бошлади.

— Бир кетига олса, бахтсизлик уст-устига келаварар экан,— деди у, паст товуш билан. Кўзларида ёш кўринди.— Наодзи ҳалок бўлди... Сув тошқини... Сўнгги вақтда бирон ёруғ кун бўлмади-бўлмади-да.

Ўша, сув тошқини бўлган кечадан бери «Наодзи бўлганда эди» деган иборани на Тонори, на Цуяко тилга олишди. Уйнинг сув остида қолиши, уй жиҳозларининг ивиб кетиши ва бошқа ҳодисалар ўтган қайғуларни эсга олишга ҳам имкон бермади. Хироко ниҳоятда чарчаган қарни аёлининг ботиб бораётган қуёш шуъласида ғам босиб ўтирганини кўриб юраги эзилди.

— Турмушни қандай қилиб яхшилаш кераклигига ақлим ҳам етмай қолди.

— Бу нима деганинг ойи?— деб Хироко ҳайрон бўлиб қайнонасининг кўзига боқди.— Шу пайтгача нима қилиш кераклигини яхши билар эдинг-у. Ҳозир ҳам ишлар биндойдек боряпти. Деворларгача суваб олдингиз-ку.

— Ниманки қилма Цуякога ёқмайди. Қачон қарасанг, жаҳли чиққани-чиққан. Кўрмайсанми шунча одамни иш қилдиргани олиб келибмиз-ку, лоақал бир овқат қилиб бергиси келмайди-я. Эркаксиз яшаб бўладими? Оилада ҳаммамиз ожизалармиз.

Цуяко катта ишларга, катта харажатга қарши эди: «Ўз кучимиз етганча ишларни қиламиз»,— дер эди. Хўш, ўз кучи билан қаёққа борарди. Цуяко кўзини ердан узмай тунд юрар эди. У Сигэно билан Нукога иш буюрар, қайнонасининг маслаҳатига сира кирмасди. Болалар оёқ яланг кўчада чопиб юришар эди. Цуяко атрофдагиларнинг танбеҳига, болаларга ҳеч бўлмаса кавишини кийдириб қўйинг деб берилган маслаҳатга ҳам қулоқ солмасди. Ўзи ҳам яланг оёқ юрарди.

Цуяко кўп қийинчиликларни бошидан ўтказиб, заифлашиб қолди. Эрининг ўлими, сув тошқини — бу бахтсизликларнинг ҳаммаси уни анча чўкдириб қўйди. Оила бошлиғининг йўқлиги аниқ бўла борган сайин, ўз уйи, ўз мулкига ўзи эга эканлигини англаган сайин, тажрибали, ғайратли қайнонасига бўлган муносабати ўзгара борди. Уйдаги аҳвол мушкуллаша борди.

Бу ҳолни англамоқ учун Цуяконинг юзига, унинг ярим ёпиқ киприклари орасидаги ёниб турган кўзларига қарашнинг ўзи кифоя эди. Кун бўйи меҳнат қилиб чарчаган аёллар кечаси қора чироқнинг хира нурида қатор ухлаб ётишар, фақат Хироко ухламас, унинг юраги оғир қайғуга ботар эди.

Темир йўлнинг Санъё, Курэ ва Санъин тармоқлари ишдан чиққан, унинг тузатилишидан дарак ҳам йўқ эди. Энди Хироко Токиога қайтишдангина эмас, Нуко билан Наодзини қидиришга боришдан ҳам маҳрум бўлиб қолди.

Ҳар куни маълум бир вақтда қишлоқнинг орқа томонидаги темир йўл бўйлаб, доғ-дуг, чала қуриган кийим-кечаклар кийиб олган кишилар турна қатор тизилиб ўтишар, улар орасида корзинка кўтарган катталар, ёшлар, ҳатто болалар ҳам бўлар эди. Поездлар юрмай қўйганидан Дзюкитига хат юбориб ҳам бўлмасди. Оса-

кадан келиб турадиган газета ҳам келмай қолди. Сув тошқинидан маҳаллий радио трансляция станцияси ҳам ишдан чиқди.

Кун сайин ҳаёт бир хилда зерикарли бўлиб борди. Ҳеч қандай сабабсиз дилснѐхликлар бўлиб турар эди. Ҳатто Хироко ҳам кейинги кунларда чарчаган хотинларнинг онлавиий низоларига беихтиёр аралашиб кетадиган бўлиб қолди.

Авзойи бузуқ Хироко саройдаги моғорлаб кетган, ҳўл қоғозлар солиб устига шолча ташлаб қўйилган катта корзинка олдига келди. Унинг кўзи конвертлардан биридаги таниш ѐзувга тушди. Хироко Дзюкитининг йирик-йирик қилиб ѐзилган хатини таниди. Хатлар Дзюкитининг марҳум отаси Рюкити Исида номига ѐзилган эди. Икки ойдан кўпроқ вақтдан бери эридан хат олмай, ундан алоқаси узилиб қолган Хироко хатларни секин кўлига олди. Хатлардан бирида Дзюкити озроқ пул юборишни сўраган, бошқасида эса, уйга қайтишини яна орқага сурилганлигини ѐзган эди. Учинчи хатида Токнодаги университетга кириб, қандай қийинчиликда ўқиётганини, руҳан ўзига бегона қариндошлариникида туришнинг қийинлигини ѐзган эди. Орадан бир қанча йиллар ўтгач, ўқилган бу хатларда ѐшлик гурури, мешчанлар ҳаѐтига нафрат билан қараган ѐш йигитнинг бутун дунѐқараши баѐн этилган эди. Хат Хирокода катта таассурот қолдирди. Ўша вақтда йигирма яшар бўлган Дзюкитининг ѐнида ярим чақа ҳам пули йўқ эди, аммо у ѐш эди, келажакдан умиди катта эди. Ҳозир у ўттиз саккиз ѐшда, қамоқда, Абасирига сургун қилинган. Аввалги Дзюкитидан ҳеч нарса қолганми? Қолган, албатта — Хироко учун Дзюкити аввалгидан ҳам афзал, ҳали кўп ишлар қилиши лозим бўлган кишидек эди.

Хироко эски хатларни ўқиб чиққач, юраги сиқилди, газетасиз, радиосиз, поезд юрмайдиган бу қишлоқда ортиқ тура олмаслигини сизди.

15 августдан сўнг Япония ҳаѐтида янги оқим жўш ура бошлади. Бу оқим зўр оқимга айланиб, турма деворларига бориб урилди. Сиѐсий маҳбусларни ичкарига маҳкам беркитиб қўйган турма эшиклари гўѐ қарсиллаб кетгандек эди.

Нунко қанчадан-қанча ювилган кўйлакларни кўтарганча янги йўлдан тушиб келди. У Хироконинг эски хатларини ўқиётганлигини кўриб, ўзини оқлай бошлади:

— Яхши ҳамки тегмаган эканман, кеча ташлаб юборишимга оз қолиб эди-я...

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ,— деди Хироко шивирлаб, қизни тинчлатиш учун.

Дзюкити қачон озодликка чиқади? Бу савол Хирокони борган сари безовта қилар эди. Хироко дод солиб йиғлагиси келар, лекин ўзини босарди. Чунки Хирокога қараганда Цуяко ёш бўла туриб, ундан оғир кунларга дучор бўлди. Унинг умид билан кутаётган кишиси энди қайтиб келмайди.

Сув тошқинининг тўртинчи куни ҳамма нарсалар қуритилиб бўлди.

— Мана энди ишлар тамом бўлди,— деди Нуико, Тонорининг кўйлагини тахлар экан.— Кечқурун уйга кетаман энди.

— Уйга кетаман?

Бир-икки кунга келган Нуико бу ерда бир неча кун қолиб кетди. Сув тошқинида ивибгина қолмай, дераза ошиб жон асрашга мажбур бўлди. Ҳамма ёқни саранжомлашда катта ёрдам қилди. Энди уни ушлаб қолиш тўғри бўлмас эди.

— Мен ҳам бирга кетаман, бўптимиз?— деди Хироко бирдан ва илгаридан гаплашиб қўйган кишидек Нуикога қаради. Бундай қарорга келишига сабаб уйдаги муҳитнинг мушкуллиги эди.

— Бўпти! Савако жуда хурсанд бўлади...

— Рост, бирга кетамиз!

Бу суҳбат куннинг биринчи ярмида бўлиб ўтди.

Туш маҳали келган Цуяко энг олдин қуриган кийимлар йиғиб олинган арқонга қаради.

— Мана, ҳамма нарсани қуритиб бўлди ҳам.

— Имконият борица қуритиб олдик. Қолган-қутган баъзи нарсаларни кейинроқ қуритилса ҳам бўлади.

Овқатдан сўнг Цуяко сўраб қолди:

— Нуико! Бу сафар анча хизмат қилдинг. Уйга қачон кетмоқчисан? Анча кун туриб қолдинг бу ерда...

Хироко беихтиёр кулиб юборди.

— Анча туриб қолдинг дейсанми?.. Ҳар ҳолда, тўғрисини очиқ айтиб қўя қолдинг,— деди у, ўпка аралаш ва яна қўшиб қўйди.— Мен ҳам Нуико билан Тахарагача пиёда кетсам дейман. Нима дейсан, Цуяко?

— Бизни кечир! Бу ерда бир оз азият чекаётган бўл-

санг керак. Тахарадаги уй ҳам озода, овқатлари ҳам ду-
руст.

— Гап бунда эмас. Поездлар юрмаяпти ҳозир. Бари-
бир мен ҳозир кетолмайман. Шунинг учун Тахарада
бир оз турсам дейман.

— Ундай бўлса, майли, бемалол!

Хироко уй ва овқат деган сўзларни эшитиши билан
ўйга толди; бундай гаплар унинг хаёлига ҳам келмаган
эди. Холасининг уйида уни ўзига жалб этган нарсаси —
хушмуомала қилиб, самимий қарашлари эди.

Хироко Тахарага борсаммикан ё бормасаммикан деб
ўйлаб ўтирар экан, соат учларда унинг олдида Цуяко
кирди.

— Нуико қачон кетади?— деб сўради у, ундан тез-
роқ қутулишни истаётгани шундай сезилиб турарди.—
Сен ҳам Тахарага кетасанми?

— Нега бунчалик шошиласан, Цуяко? Аввал қайно-
намиз билан маслаҳатлашиб кўришимиз керак.

Хироко пастга тушиб, қайнонасига ўз мақсадини
айтди, ундан маслаҳат сўради.

— Нима ҳам дердим, майли, бор!.. Балки шундай
қилганинг яхшироқдир. Шу аҳволда бу ерда туриш қийин.

Хироко билан Нуико йўлга отланишганда Цуяко ош-
хонада эди.

— Хайр энди, биз кетяпмиз!— деди баланд овоз би-
лан Хироко, йўлакдан туриб.

Цуяко индамади, қайрилиб ҳам боқмади.

XII

Улар юз қадамча жойни тез-тез юриб ўтишди, Хиро-
конинг кайфи эса анча кўтарилган эди. У кулар, кулган
сари қадами секинлашарди, аҳён-аҳён ҳазил-ҳузул сўз-
лар айтиб қўярди.

— Рост-а, қизиқ!.. Иккаламиз уйдан кўчага улоқти-
рилган иккита ошқовоққа ўхшаймиз.

Нуико ҳам тўхтаб, қотиб-қотиб кулади.

— Бас, бўлди қил. Нуико! Кўп кулма, юролмай қола-
сан бўлмаса! Бошинг ҳам оғриб қолади...

Улар янги ҳарбий йўлдан — қишлоқ аҳолиси учун
қайғу ва фалокат рамзи бўлиб қолган йўлдан боришар
эди.

Исидалар уйи қаршисида яхши шиббаланган янги йўл, қишлоқдан чиқиш билан мазаси қочди. Мана, улар тахта тиладиган завод олдидан ўтишди, йўл эса, бадтар ёмонлаша борди. Унча яхши шиббаланмаган йўл юк машиналари қатновида шундай ўйилиб кетган эдики, ҳамма ёқ ўйдим-чуқур бўлиб ётар, ғилдираклар ўқигача ботиб кетадиган бўлиб қолганди. Янги тоннелнинг чап томони қулаб тушган. Илдиридан суғурилиб, ағнаган катта дарахт кўчага кўндаланг тушиб ётарди. Хироко тоннелдан ўта туриб, унинг деворларига қараган эди, ваҳима босди. Қуруқ ерга ўрнатилган плиталар зўрға турарди. Катта қилиб ишланган ғиштли устун юмшоқ лой ичида йиқилмай, қийшайиб қолганига қараб ажаб қолардинг киши.

Улар тоннелдан ўтиб, водийга чиқишди. У ерда шо-шилинич ишланган ҳаво ҳужумига қарши ниқоблаб қўйилган барак типидagi пастак-пастак иморатлар кўринди. Йўл ёқасида бир томони зовурга ботиб қолган бир қанча ҳарбий юк машиналари ётарди, уларни ёмғир остида қолдириб кетишган эди.

Нари боришган сари яна йўлнинг тобора мазаси қоча берди.

Уч томони пасттаккина тоғлар билан ўралган, бир баланд ерга қурилган тўртта янги барак кўринди, уларнинг дераза ва эшикларида кесаки бўлса ҳам, ром ва эшиклар қўйилмаган эди. Шу ерда кесилган ёғочлардан қурилган деворлари аллақачон тушиб кетган эди. Тоғ ўртасидаги, ёзнинг кечки шабадаси ҳам тегмайдиган, қуёш нури ҳам фақат ботиш олдидангина бирпас тушадиган бу барак ўткинчиларга ёмон таъсир қилар эди.

— Наҳотки шу ерга одам қўймоқчи бўлишган бўлса?

— Бу ерда ишга сафарбар қилинган ёшлар учун ётоқхона қуришганди.

— Бу баракларни ким қурган, ахир?

— Қурулхона,— деди Нунко. Унинг товушидан қаҳр-газабини зўрға босиб тургани сезиларди.— Бу атрофда қурулхонага тааллуқли бўлмаган бирор нарса йўқ.

Бу сўзлар Хирокога «йўқ» деб эмас, «бўлиши мумкин эмас» дегандек эшитилди.

Улар узоқ-яқиндаги баланд-паст тоғларга, салқин қарағайзорларга суқланиб боқиб боришар эди. Атрофда денгиз соҳилларидаги тоғлик районнинг типик манзараси ястаниб ётарди. Тинч, осуда жойларга мажбуран қу-

рилган бу ҳарбий йўл беҳаё, бешарм босқинчига ўхшаб кетарди. Бу район аҳолисининг ўзи қачонлардир солиб олган йўллари оддий, тор йўллар бўлиб, улар тоғ этакларидан, дарё бўйларидан, паст-баланд тепаликлар орасидан ўтар эди.

— Даҳшат-а!— деди Хироко, чуқур хўрсинар экан, янги йўлни кўриб.— Бу йўл одамларга фақат фалокат келтирди.

Хирикони яна ғам босди; Исидаларининг уйидаги ғамгин воқналар ҳам худди шу ҳарбий йўл туфайли бўлган эди.

— Менга қара Нуико,— деди Хироко.— Цуяконинг бу феълени эшитишса, Тахарада хафа бўлишади. Айниқса бугунги қилиғига чидаб тура олмадим. Ахир, бўлмаса, уни ўғлига хотин қилиб Тонорининг ўзи танлаб олиб берган. Бундай оғир пайтда айниқса қайнона хафа бўлса керак. Тўғрими?

— Албатта. Бўлмаса-чи!

— Қайнонам бечора шундай қийналяптики, унга раҳмим келиб кетди. Цуяконинг: «бувиси!» «бувиси!»— деб чақирганини эшитсам, тирноғимнинг остигача зириллаб кетади. Буларнинг ҳаммасини, қулт этиб ютиб кетишга қанча сабр-тоқат керак, эҳ-е! Мен буни ҳеч кимга айтмоқчи эмасман! Нима дейсан?

— Мен ҳам кампирга жуда ачинаман.

— Унинг сабр-қаноати ҳурмати, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз оча кўрма. Хўпми?

— Яхши.

— Цуякога ҳам қийин. Уни уруш адо қилди! Уруш!

— Ҳа, тўғри айтасан.

Улар бир қанча вақт жим кетишди.

Узундан-узоқ чўзилган уруш шу ерда туғилиб, шу ерда ўсган қанчадан-қанча ёшларни ҳар томонга тўзи-тиб юборди. Уларнинг ўрнига янги йўл ёқасидаги қишлоққа бошқа вилоятлардан, ўз қадрдон ерларидан ажратиб олинган бегона кишилар олиб келинди, уларнинг хоҳиши, орзу умидлари назар-писанд қилинмади. Хотинлар эридан ажратилди, оналар болаларидан, қизлар севгилиларидан ажраб, бу ерга келган кишиларни кўриб, ўз бола-чақалари, қариндош-уруғларини эслашадиган бўлди. Келгинди одамлар кўринган нарсани талаб ола бошладилар. Нарх-наво ошиб кетди. Эркаклар ҳар ўтган хотин-қизга бошқа кўз билан қарай бошладилар. Маҳал-

лий хотин-қизлар уларга эҳтиётлик билан муомала қилдилар, лекин шу дамни ганимат биллиб, ўшаларга тегиб кетишди. Баъзи қизлар эса келгиндилар билан ўз тақдирини боғлашни истамасди. Нуико ҳам ана шундай қизлардан эди. Энди ўн етти-ўн саккиз ёшдаги ёш қизлар Нуиконинг ўртоқлари бўлиб қолди. Нуико йигирма бешга кирган бўлса ҳам, турмушга чиқмасди. У катта акаси армияга кетгач, ҳаво ҳужуми вақтида томининг учиб кетган черепицасини ўзи тузатадиган бўлди.

Янги йўл тоннелдан чиқини билан корейсларнинг янги қишлоғи кўзга ташланарди. Иккита корейс чол бир уй олдида чўққайиб олиб, узун трубка чекиб, бўғиқ товуш билан гаплашиб ўтиришар эди. Улардан бирининг боши мато билан ғалати қилиб боғланган, қора боғичи эса сариқ камзулининг устига тушиб турар эди. Хироко чолга кўзи тушиши билан суратларда кўрган Пхеньян чеккаси деган расм, ё Корея шаҳарларидан бирини тасвирлаган расм кўз олдига келди.

Тоғ ва экин далалари устидан тикка тушган янги йўл бориб-бориб, шарқдан ғарб томонга тик кетган, янги қурилган катта магистрал билан қўшилади. Юк машиналарининг қинғир-қийишқ гилдираклари бутун лойни мана шу ерга, бутун ҳарбий заводларга борадиган кенг асфальт йўлга олиб чиқиб ташлар эди.

— Ана энди, йўлимиз анча енгиллашадил

Улар Нуико айтган катта йўлдан боришар экан, Хироко кўп кутилмаган нарсаларнинг гувоҳи бўлди.

Тоғ тизмалари орасидаги кичик кўллар ҳам йўқ бўлиб кетибди. Илгарилари бу тоғ тепасида уйлар, сув тўғони ва электростанция бор эди. Энди эса бу ерлар харобага айланган. Йўл бўйида қалин брезент ёпилган машиналар, электр станциясининг моторлари ётар эди. Унг томонда хира, кўкимтир қурулхона қад кўтарган, унинг ҳам атрофи тушиб кетган эди. Бутун атрофдаги арчалар илдиз-пилдизи билан суғуриб ташланган. Катта асфальт магистралининг у ер-бу ерида лой ва тўпланиб қолган кўлмаклар кўзга ташланади.

Катта йўл бўйига катта вивескалар осилган қатор меҳмонхоналар, ресторанлар қурилган, улардан нарида узун-узун қилиб қурилиш идорасига қарашли, барак типдаги бинолар қад кўтарган. Бу ердаги тиниб-тинчимаган, пулга тўймаганлар 15 августдан сўнг гойиб бўлишди. Хироко ҳамроҳи билан ойналари синиб кетган

бўш уйларни кўриб ўтди. Узун йўлчаларда йиқитилган чинорлар ётар, янги кавланган тўнчалар уларнинг аввалги ўринларини кўрсатиб турарди. Буларни бундан бир неча кун илгариги довулда бўлганини ҳам, ҳаво ҳужуми вақтида бўлганини ҳам айтиш қийин эди. Чинор барглари лойга сочилиб, сўлиб қолган. Ўтиб турган кишиларнинг юзидан уларнинг толиққани акс этиб турарди.

Кенг майдонга чиқишгач, Хироко беихтиёр:

— Ҳамма ёқ жуда ўзгариб кетибди-я!— деб юборди.

— Илгари бундай эмасди,— деб жавоб қилди Нуико.

Нуиколар уйи яқин қолган бўлса ҳам, бу ўртада одам яшашлиги сезилмас эди. Маҳаллий аҳолининг ён томондаги тор кўчаларга сиқиб чиқаришган эди. Ҳаво ҳужумидан маскировка қилинган катта асфальт магистрал тўғри қўрхона дарвозасига олиб борар эди. Майдонда «Ясуда банки» деган вивескали иморат ажралиб турарди.

— Беркми?

— Йўқ, ишлаяпти.

Қаршида қўрхонанинг ахлат ташлайдиган корзинкага ўхшаб кетадиган вайроналарни кўриниб турар эди.

Хироко магистралдан чорраҳада бурилиб, бир неча қадам босгач, эски жойларнинг қандай ўзгариб кетганлигини кўрди: бундан ўн йил илгари келганда, ўзи сайр қилиб юришни яхши кўрган хиёбонларни, Дзюкитининг турли байрам муносабати билан ўтказилган ўйинларда иштирок этиб борган қишлоқ кўчаларини танимай қолди.

Шаҳар марказида янги замон типига катта-катта ойнавон иморатлар кўзга ташланарди. Мива банки шу ерда эди. Бу кичик шаҳарда қанча банк бор? Бу банклар аввалгидек ишлаб турибди.

Бир чеккадаги эски вилоят шаҳрининг бунчалик ўзгариб кетиши, ҳаво ҳужуми вақтида арсеналнинг маҳв этилиши шаҳарнинг тикланишидаги биринчи қадам бўлган эди. Маҳаллий аҳолининг ҳаёти бундан анча олдин бузилганди. Бу ерда бошбошдоқлик роса ҳукм сурганди. Одамлар одатланиб қолган ҳаётини ҳам ўша бошбошдоқлик бузди, ўқдек тик катта йўлни ҳам ўша бошбошдоқлик қурди, аммо ҳеч бир ишни ҳам охирига етказолмай кунпаякун бўлиб кетди. Бу ерда нима бўлаётганини тушунган ҳар бир кишининг дилини сиёҳ қил-

ган бу ишларнинг ҳаммаси ясама гурур, ичи пўк нарсалар эди. Ҳеч кимга кераги бўлмаган асфальт магистрал, мангуга жувонмарг қилинган; кўм-кўк барглари лойга беланган чинорлар, ҳеч нарсага ишлатиб бўлмайдиган каттакон иморат, фақат унинг биринчи қаватида сўнгги пайтда почта ишлаб турибди, холос.

Бу ерда кўп аҳоли яшар, лекин ҳақиқий ҳаёт йўқ эди. Май ойиданоқ кўчаларда янги қўшиқлар янграй бошлади:

Япония мамлакати — гуллар дийри;
Июль-августларда кулга айланди,
Сентябрь-октябрда ўзганинг юрти.¹

Ҳар бир автобусда ҳали ҳам жандарм юрарди, кўчаларда эса аллақачон мана шу қўшиқ янграрди. Кишилар ўзларининг алданганликларини, ҳақорат қилинганликларини қўшиқда мана шундай куйлашар, унда яна аччиқ нола садоси ҳам янграр эди.

XIII

Чаққон, ғайратли ўқитувчи қиз Савакониинг иш столидаги ҳамма нарса жой-жойида эди. Қизил ва гунафша рангли снѐхлар солинган снѐхдонлар тартиб билан териб қўйилган, япон-инглиз, инглиз-япон луғатлари, иероглифлар луғати бир томонга тахлаб қўйилган, бирталай ёзилган қоғозлар иккинчи томонга чиройли қилиб йиғиб қўйилган; шунингдек бу ерда педагогика, психология, табиѐт фанларига оид китоблар ҳам бор. Ўртага қўйилган вазадаги хитой оқ астра гули стол устини безатиб турибди.

Хонаниннг иккинчи томонида Савакога пардоз столи вазифасини бажарадиган бир оёғи синиқ бошқа стол қўйилган. Унинг устида упа-элик билан помада турарди. Хирокога бу уйдаги муҳит ёқиб тушди, чунки бу ерда ёшлик руҳи акс этиб турарди.

Саранжом-саришта қилиб қўйилган столни кўрсанг, кишининг завқи келади. Хироко Токиода, кичик укасининг уйида турган чоғида ёзув столи ҳам йўқ эди. Баъзан Хироко овқат еб бўлгач, идиш-товоқларни бир четга суриб қўйиб, Дзюкитига хат ёзган чоғлари ҳам бўлган.

¹ Ўзганинг юрти — «босиб олинган», «қамал қилинган» юрт маъносига. (Таржимон.)

Фукусима вилоятида ёзув столининг ўзи мутлақо йўқ эди. Кимга ҳам керак эди дейсиз. Хироко Абасирига бориш учун Аоморидан Хакодатега борадиган йўлнинг тузатилишини ҳар кун и пойларди. У ўзининг бу мақсадларини тиззасига тахтача қўйиб ёзарди, тахтача топилмаган тақдирда ҳам хат ёзишни тўхтатмаган бўлар эди.

Эски, қирилиб кетган стол турган уйнинг бутун кўриниши бу ерда турган кишининг бугунги кун кечаги куннинг давоми эканини, эртаги кун эса бугунги кундан тугилишини яхши тушунганлигидан далолат берар эди.

Сўнгги ярим йил ичида Токиодаги ҳаёт сиреналарнинг ёқимсиз товушидан доим бесаранжом бўлиб турди. Хироко ҳозир бўлаётган воқиаларни ўзи хаёлида орзу қилиб юрган келажак билан сира ҳам боғлай олмай, ҳайрон эди.

Фукусимада Хироконинг келажак ҳақидаги тасаввур и шимолга жўнаш вақтини кутиш билан узвий боғланган эди. Бу оила аъзолари — Хироко ҳам, ҳатто Коэда ҳам, эртанги куннинг албатта келишини билишарди, бироқ Коэдадан эртанги кун қандай бўлади деб сўрасангиз, у сизга ҳеч нарса деб жавоб беролмаган, ҳайрон бўлиб қараб қолган бўларди. Бу оила оқим сари сузиб борар, тўлқинлар тебратиб юборса ҳам ўз мувозанатини сақлаб борарди, лекин бу ҳол бирор сув ости қоясига урилгунча давом этиши мумкин эди, холос.

Ҳовли орқасидан оила тинчлигини бузиб ўтган символистик ҳарбий йўл туфайли Дзюкитилар уйида ҳозир қайнона билан Цуяконинг ҳаётига эртанги кун турлитуман ташвишлар билан кириб келаётган эди.

Еш ўқитувчи қиз Саваконинг ёзув столи олдида харобалар орасидан қандайдир бир янги нарса униб чиқаётгани, у ҳозир заиф ва секин-аста етилиб келаётган нимжон сувга ўхшаган ўзига йўл очиб бораётгани сезилиб турарди. Ўша янги нарса кичкина ва оддий бўлса ҳам, ўзининг оддийлиги билан мустаҳкам эди. У нуқул харобалар ичида юрган кишиларга мадад берар, уларда ишонч ҳосил қиларди.

Савако жасур қиз эди. У ҳаво ҳужуми вақтлари кўпинча самолётларнинг овозига қулоқ солиб турарди: «Ойи, бугун уйда қолса ҳам бўлади», — дерди. Бу эса унинг ёшлигинигина эмас, қалбида ўсиб бораётган қаршилиқни ҳам кўрсатар эди. Бу қаршилиқ сезилмасдан, кун сайин ортиб борар, ҳаётидаги шодликни оши-

риб борарди. Савако келажакни қандай тасаввур этарди? Хироко бу тўғрида у билан бир оғиз ҳам сўзлашган эмасди. У бундан олдинги келганида, сочлари қирқилган, денгиз шамолида қўл ва юзлари қорайиб кетган бир студент қиз эди. Савако педагогика институти ётоқхонасида дугоналари билан қандай оч қолганларини гапириб куларди. Унинг ўша вақтда баҳор келиб қор остидан янги чиққан навдадек ингичка қомати энди тўлишган, ундан ёшлик ҳусни барқ уриб турарди. Овозлари ҳам ёқимли бўлиб қолибди. Дид билан кийинган, бу қорача ўқитувчи қизнинг камгаплиги ва камтарлиги ўзига айниқса ҳусн бўлиб тушарди. Саваконинг кўпгина қизларга хос бўлмаган хотиржамлиги, ўз қадрига етиши Хирокога ёқарди.

Хироконинг қаддини кўтариб турган келажакка бўлган ишонч эндиликда Потсдам декларацияси, жиноят кодекси ёки бу ҳужжатларнинг айрим параграфлари деган тушунчалар билан боғлиқ бўлиб қолганди. У бугунги кунда содир бўлаётган айрим майда-чуйда ҳодисалар орасидан эртанги кунни кўрмоқчи бўларди. Денгиз тўлқинлари билан олишиб сузиб бораётган киши, бу тўлқиннинг нариги ёғида кенг денгиз ястаниб ётганини билганидек, Хироко ҳам шу кундалик майда ишларни енгиб борар ва Дзюкити айтган эркин келажак томон интилар эди.

Ёшлик барқ уриб турган Савако атрофидаги муҳитдан Хирокога ҳозирги кунда жуда зарур бўлган музика эшитилиб тургандек туюларди. Қиз маънавий жиҳатдан бойлиги, барқарорлиги билан холаваччаси Дзюкитига ўхшаб кетарди.

Кўп вақтлардан бери Хироко энди ҳафсала қилиб бир неча америка романларини ўқиб чиқиб, энди шу китоблар ҳақида тақризлар ёзмоқда эди. Японияда сўнгги вақтларда чет эл адабиётига тузукроқ танқидий обзорнинг босилиб чиқиши мумкин эмасди.

Хироко уйда, ҳовлига очиладиган дераза олдида қўйилган ёзув столи ёнида ўтирарди. «Соат беш бўлгандир»,— деб ўйларди у.

— Салом,— деди ошхона томондан шошиб-пишиб кириб келаётган Савако.— Эҳ, сенмидинг, опажон!

— Кўришадиган кун ҳам бор экан!— деди Хироко, очиқ юз билан.— Қаердан келяпсан?

— Зап келибсан-да!

Савако кийимларини алмаштириб олгач, басавлат ўқитувчидан кўра ёшгина қизчага ўхшаб қолди.

— Қалай, саломатмисан?— деб қўйди у яна ва Хиронинг ёнига келиб ўтирди.

— Чарчамадингми, Савако? Ишларинг қалай?

Савако унга ўғирилди. Унинг юзи қорайган, ўзи чиниққан эди.

— Чарчадингми дейсанми? Йўғ-э, чарчаш нимаси!— деб бурнини жийириб кулди у.

Савако бешинчи синфга муаллима эди. Унинг ўқувчилари Фукусима вилоятидаги бешинчи синфда ўқийдиган Синъити ёшидаги болалар эди. Япония таслим бўлгач, болаларга тарих, она тили, география фанларини қандай ўқитиш кераклигини ҳеч ким билмасди. Шунинг учун ҳам Синъити ва бошқа болалар қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланардилар.

Савако ўқитадиган болалар ҳам шундай ишлар билан машғул эдилар. Ҳозирда улар картошка қазинмоқда эди.

— Шуниси ҳам дуруст, бундан бошқа нима иш қилишарди!— деди ҳазил билан Нуико, синглисига.

— Йўқ, нега ундай дейсан! Болаларнинг ўзига ҳам картошка керак. Мана шуниси ҳам яхши!

Ўқувчилар олтинчи синфни тугатгач, ўрта мактабга ўтишлари керак, ўқитувчилари эса, дарсларнинг ҳоли шу бўлса, улар нимани ўқиб ўрганади, деб ҳайрон бўлишар эди.

— Болалар билан ишлаш менга жуда ёқади. Уларни яхши кўраман. Бир нимани тушутираётганингда шундай мўлтиллаб қараб туришадик-ки! Ота-оналар билан бир иш қилгунча, болаларини ўқитган минг марта яхшироқ...

Савако ишлайдиган бошланғич мактаб вайрон этилганди. Элликдан ошиқ кап-катта бўлиб қолган болалар илгари кўрхонанинг ошхона ётоқхонаси қошида бўлган битта хонада тиқилиб ўтиришарди. На стул, на стол бор эди. Ўқувчилар тахта полда ўтиришар, энгашиб, бошларини эгиб, бир-бирининг орқасига тахтача қўйиб хат ёзишар эди.

— Кишининг раҳми келади... Ярим соатдан сўнг болалар бўғилиб, юзлари қизариб кетади. Йўқ, бунга эътиборсиз қараб бўлмайди!

Савако ва бошқа ёш ўқитувчилар мактаб директори

ҳамда арсенал маъмурияти билан гаплашиб кўришди ҳатто шаҳар бошқармасига ҳам боришди. Улар болаларни ўқитиш учун шароит яратиб беришни, омбордаги мактаб жиҳозларини беришни, ошхоналарни ишга солишни, хуллас, мактабни сал бўлса ҳам ўз ҳолига келтиришни илтимос қилишди. Директор бутун масъулиятни арсенал маъмуриятига ортди, у ердагилар эса, бор буюмларни шаҳар ихтиёрига берилган деб жавоб беришди. Шаҳар бошқармаси эса, молия министрлигига мурожаат этинглар, деди. Молия министрлиги эса, Токиода эди.

Кун тартибини Савакониң ўзига ўзгартишга тўғри келди. Ўқувчиларнинг ярми арифметика ўрганиб ўтирган бир пайтда, иккинчи ярми очиқ ҳавода физкультура қилар, жисмоний меҳнат билан шуғулланарди. Ўқитишнинг бундай усули ўқитувчидан кўп вақт, куч талаб қилса-да, ўқувчиларнинг аҳволини энгиллатарди. Бошқа ўқитувчилар ҳам ана шундай ҳийла ишлатиб, дарс берардилар.

Тахарада радио эшитса бўларди. Оила аъзолари фақат аёл кишилар бўлишига қарамай, улар соат тўққизда бериладиган сўнгги ахборотнинг биронтасини ўтказмай, албатта, эшитишар эди.

Бир куни кечқурун Савако ишдан қайтганда мактаб хрестоматиясини олиб келди, Хирокога «Қатта Токио» сарлавҳали ҳикояни кўрсатиб, деди:

— Бу ерда Токио ҳақида кўп нарсалар айтилган, лекин пойтахт ҳозир бундай эмас, бутунлай ўзгариб кетган. Қайси районлар омон қолганини билмайман. Болаларга тўғриси айтмасанг бўлмайди.

Хироко картани олиб ёзди-да, 1945 йил ёзида Токио қандай аҳволда эканлигини сўзлаб бера бошлади. Токио Савако қизил шоҳи кўйлак кийиб, опаси Нуико билан ўйнаб юрган вақтларида унга олиб беришган болалар китобчасида қандай тасвирланган бўлса, хрестоматияда ҳам худди ўшундай тасвирланган эди.

Осакадан газеталар ҳам кела бошлади. Газеталарни Курэ темир йўли орқали келтириларди. Синъё йўли ҳали тикланганича йўқ эди. Тоғнинг қулаши ва Хиросима йўлидаги тоннелнинг бузилганлиги ишни анча огирлаштириб юборганди.

— Роса аксига олди-да! Эртами-кечми, ахир бир кун Миёсига бораман. Бу фикримдан қайтганим йўқ!— деди Хироко.

— Шошма...— деб уни қайтара бошлади холаси.—
Бориш учун аввало дадил бўлиш керак. Қачон борсанг
ҳам, у ерда уч-тўрт кун туришинг керак бўлади.

— Ҳечқиси йўқ, бир амаллаб жойлашиб оламан.

Хироко қайнонасидан тинчимас эди. У ўзини Таха-
рада қанчалик яхши сезса, қайнонасини шунчалик ўй-
лар, уни шу ерга олиб келиб, дам олдиргиси келарди.

Курэ темир йўлида ҳаракат тиклангандан бери Хи-
роко тинчсизлана бошлади. У Миёсига тезроқ бориб
қайтсам, сўнгра бу ердан кетсам дер эди.

Катта асфальт магистралдаги почта бўлими орқали
Абасирига заказной хат юборди. Бунни у шунчанки ўзи
ни овутиш учун қилаётганини ҳам яхши биларди. Хи-
роко қўлида сумкаси билан тор кўчадан секин-аста
юриб борар, эрталаб соат ўнлардан ошиб қолган эди.
Балиқфурушнинг бамбук деворида кумушсимон балиқ-
лар қизиб ётар, муюлишдан сал нарироқдан, яқинда
шовқин-суронли кўча бўлган бу ердан банк иморати-
нинг нарёғидан катта куйган корзинкага ўхшаб кетган
арсеналнинг темир конструкцияси кўриниб турар эди.
Сентябрь ойи, денгизнинг иссиқ шамоли эсади, арсенал-
нинг хира зангори деворлари орқасидаги қатор қуриб
қолган арчалар узоқдан кўзга ташланади. Соҳилдан
қўлтиққа томон уч тахта кенглигида тўлқин тўсар қўйил-
ган. Балиқчилар қайиғи турадиган бу тўлқин тўсар-
ларга кечалари ҳарбийлар тўпланади. Ҳар кеча шу ер-
дан торпедалар сувга туширилади. Улимга маҳкум этил-
ганлар бошқарган торпеда қайтиб келмайди. Лекин
торпедалар очик денгизга ҳам чиқолмайди. Бу торпеда-
ларнинг кўпчилиги конструктив етишмовчиликлар са-
бабли йўлда портлаб кетади. Шундай бўлса ҳам кеча-
лари ҳарбийлар тўсиқ олдида айланишиб нималардир
қилишни қўйишмайди. Маҳаллий аҳоли бу ерда нима-
дир қилашаётганлигини билиб, эшик-эликни маҳкам
ёпиб олишар, нима бўлаётганини яхшироқ билишга ҳам
қизиқмас эди. У ерга чет кишининг кириши ман этил-
ганди, бу ерда бўлаётган бутун ишлар сир сақланарди.

Ҳокимият бу ерда икки юз минг аҳолидан иборат
йирик шаҳар қуришни мўлжаллаганди. Бу асоссиз
планлар барбод бўлгач, зўр билан йиғилган аҳоли тар-
қаб кета бошлади; аввало арсенал маъмурларининг уйи
бўшаб қолди. Қолган аҳоли ўттиз минг ҳам чиқмас эди.
Бу ерда яшовчилар ағдарилган қоя остидаги катта йўл

бўйига тарқоқ жойлашган уйларда туришарди. Бу йўл ўт босиб кетган дала ўртасигача борар ва кутилмаганда узилиб қоларди. Энди булар олган ёрдамлари билан кун кечиришарди.

Хироко уйга олиб борадиган йўлга бурилиши билан йўлда тушиб ётган ингичка, узун, оқ балиққа кўзи тушди. Хироко бунинг қандай балиқ эканлигини билмасди. Балиқ тирик эди. Афтидан бирор балиқфурушнинг корзинкасидан тушиб қолган эди: «Денгиз яқинидаги кўчаларда қизик ўлжалар учрайди!»— деб ўйлади Хироко, балиққа қараб. Камзул кийган ва қўлида портфель кўтарган бир киши яқинлашиб келди. У ҳам балиқни кўриб тўхтади-да, унга қарай бошлади. Сўнгра энгашиб, балиқнинг думидан ушлаб олди ва нарироқда турган Хирокога иккиланиб қаради.

— Қимирлаяпти, олиб кетинг уни!— деди кулиб Хироко.

Ҳалиги киши индамай, балиқни яна ҳам баландроқ кўтариб кўра бошлади. Кейин бир қарорга келгандек, балиқни олиб йўлга қараб кетди. Бу киши ўтмасдан олдин бу ердан калта куртка кийган яланг оёқ бир чол ўтган эди. Балиқ ўшанда ҳам йўлда ётган эди. Чол уни нега сезмади экан? Уни камзул кийган, қўлида портфель кўтарган шляпали киши олиб кетди. У енгилгина кулиб, Хироконинг фикрини билмоқчи бўлди.

Нунко уйдан чиқди. У сабрсизлик билан қўл силтар эди.

— Нима бўлди?

— Тезроқ келсанг-чи!

XIV

Нунко Хироко билан шошилиб ичкари кирди. Уйдаги бўйра устида бир газета ётар эди. Нунко газетадаги мақолалардан бирини кўрсатиб:

— Буни қара, нима дейсан бунга?— деди.

Хироко шошиб-пишиб мақолани ўқиб чиқди. Мақолада Потсдам декларациясига биноан яқин кунларда жамият хавфсизлигини сақлаш қонунни бекор қилиниб, шу қонун асосида қамоққа олинган барча сиёсий маҳбуслар озод қилинади дейилган эди.

— Қандай қувончли гап! Демак, Дзюкити ҳам яқинда қайтиб келади!— ошхонадан қўлини артганча хола кулиб

чиқиб келди.— Станцияда газета роса талаш бўляпти. Ҳамма хурсанд!— деди у.

Хироко холасининг бу севинч хабарига жилмайиб бўлса ҳам жавоб қилмади, у шундай бир оҳангда гапирдики, Нунко унга ҳатто ажабсиниб қараб қолди:

— Ҳали яна ўйлаб кўриш керак, бу ишларнинг кети нима бўларкин. Ҳозир бунга бир нима деб бўлмайди.

Хироко газетага тикилиб қаради.

— Қамоқдагиларнинг ҳаммаси бу ерда кўрсатилган параграфлар билан озод бўлолмайди. Дзюкити ҳам фақат жамият хавфсизлигини сақлаш қонунин билан қамалган эмас, унга бошқа айбларни ҳам тўнкашган.

Газетадаги жамият хавфсизлигини сақлаш қонунин билан қамоққа олинган сиёсий маҳбуслар озод қилинади деган сатрлар Хирокони ҳаяжонга солди. Дзюкити бир неча йиллар мобайнида планли равишда партия ташкилоти орасига сиёсий полиция томонидан тўхтовсиз юбориб турилган айғоқчиларни фош этишда айбланган эди. Соғлиги унча яхши бўлмаган бир айғоқчи бир кун сирли равишда ўлиб қолади. Дзюкити устидан бўлган судни аслда шунинг хуни деса ҳам бўларди.

Хироко суд давомида давлат тузумининг қонунлари қанчалик шафқатсиз, қабиҳ эканини биринчи марта ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитди. Судьялар кўра билатуриб адолатдан юз ўгирдилар. Судьялар одилликнинг кўчасига ҳам кирмадилар. Дзюкитига нисбатан айниқса шафқатсизлик кўрсатдилар. Бир айб билан айбланган бир гуруҳ ўртоқлари орасида фақат Дзюкити муддатсиз қамоққа ҳукм этилди. Унинг бир ўзига қанчадан-қанча жиноятлар ағдарилди. Хироко буларнинг ҳаммаси темир кишан каби Дзюкитига оғир азоб бераётганини ҳис этарди. Агар Дзюкитининг асл иш фаолиятини олиб қаралганда, унинг ҳеч қандай айби йўқ эди. Аксинча, айғоқчилар ва уларнинг устозлари, уларга раҳбарлик қилаётган ҳукумат вакилларининг сиёсий кураш методи қабиҳ эканлигини ўзлари аниқ кўрсатдилар. Хироко ўшанда ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳали татиб кўрмаган, лекин жамиятдаги камчиликларни тузатишга интилаётган ёшларни нима учун жиноятчи деб аташларига тушунолмаган эди.

Хироко ўтган ўн йилдан ошиқроқ вақт ичида қанчадан-қанча қийинчиликларни бошидан кечирмади дейсиз. У қайнонасининг оғирини енгил қилмоқ учун, руҳи-

ни кўтармоқ учун, унда ўғлининг озод бўлиб қайтишига ишонч ҳосил қилмоқ учун кўп маънавий куч сарф қилди.

Энди эса, Хироко газетадаги жамият хавфсизлигини сақлаш қонуни бўйича қамоққа олинган жиноятчилар озод қилиниши ҳақидаги мақолани ўқигач, саросимада қолди. Потсдам декларацияси қабул қилинганда Хироко севинган эди. У: «Дзюкити қачон қайтиб келади, қачон? Бу янгиликни у қандай қабул қиларкин?»— деб ўйлаган ва уни қалтироқ босган эди. Хироко Абасирига бориб, эрини қарши олиб, у билан бирга денгиздан сузиб ўтишни орзу қила бошлаганди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди, ҳадемай орадан бир ой ўтди: Хироко шубҳа остида қолди. Ҳокимият Потсдам конференцияси қарорларини амалга оширолмайдиган давлат қўлида қолаверди. Жамият, хавфсизлигини сақлаш қонуни ман этилармикин? Қачон? Қандай қилиб? Худди мана шу масалалар кўпдан кўп одамларни ҳаяжонга соларди. Ун миллионлаб кишилар келажакка умид билан қарар эди.

Қамоқ эшикларининг очилиши аниқ бўлгач, Хироко ўзини боласи ўт ичида қолган онадек ҳис қила бошлади. «Дзюкити, Дзюкити! Ҳамма чиқади, Дзюкити-чи?»

Хироко қўлидаги газета билан секин-секин стол олди-га яқинлашди-да, унга ўтирди. Нуико билан холасининг ҳам кўнгли бузилиб, иккаласи икки томонга чиқиб кетишди.

Бир қанча вақт ўтгач, Хироко ўтирган ўрнидан қимирламай Нуикони чақирди:

— Нуико, шу ердамисан?

— Ҳа, шу ердман! Нимаиди?

— Бир хизмат қилгин, почтага бориб кел.

Хироко Нуикога конверт устига қизил сиёҳ билан «жадал жўнатилсин» деб ёзилган иккита хат бериб юборди.

— Ҳар эҳтимолга қарши Цукамото билан Нагатага хат ёзиб юбордим. Нагатадан зарур бўлиб қолса, Дзюкити олдига бориб келишни илтимос қилдим.

Цукамото Дзюкитининг ёшликдаги дўсти эди, уни оиладагиларнинг ҳаммаси яхши билишарди. Адвокат Нагата кўп йилдан бери энг мураккаб сиёсий ишлар билан шуғулланиб келарди. Хироко буларнинг ҳар иккисига хат ёзиб, газетада босилган мақола тўғрисида га-

пирар, Дзюкитинин озод қилиш учун нималар зарурлигини сўрарди. Хироко Нагатага ёзган хатида Абасирига бориши керакми ёки йўқми; борди-ю, бориш зарур бўлса, вақтни ўтказмай, йўл харажатларига Цукамотодан пул олиб, дарров жўнаб кетишини илтимос қиларди. Хироко ҳар эҳтимолга қарши, Токиода бўлмаган вақтимда зарур бўлиб қолиши мумкин деб, Цукамотога бир оз пул қолдириб кетган эди.

Нунко шу онда почтага жўнади.

Хироко бу ерда қолиб, тўғри иш қилаётибманми, деб ўйлар эди. Бир неча йиллар тергов ишлари давом этганида ва кейинчалик Дзюкитининг иши кўрилганда, Хироко қонунларга тушунмаган ҳолда ўз ақл-идроки билан фикр юритди ва чоралар кўрди. Ёзувчи бўлгани учун зеҳни анча ўткир эди. Бу борада Дзюкити учун кўнгилсиз бўлган янглишиш ва хатоларга ҳам йўл қўйди.

Хироко кичик бир хонада ётар эди. Бир неча кундан кейин октябрь ойи ҳам келади, лекин бу ерда ҳали ҳам пашшахона ичиде ётишади. Ой кўтарилиб, бамбуқлар қора соя ташлади.

Бир вақтлар Табасида кичик бир ресторан бўлган эди. Ҳовли томондаги оқ деворларида тушъ билан чизилган суратлар осиб қўйиларди. Ҳар йили шу ресторанда Рюноске Акутагава хотираси учун адабий кеча ўтказилар эди. Япония интеллигенцияси тарихидаги бурилиш даврларидан бири тўғрисида Рюноске Акутагаванинг ижоди ва вафотига бағишлаб ёзилган Дзюкитининг мақоласи матбуотда эълон қилинди.

Хироко узоқ бир чет мамлакатдаги меҳмонхонада Дзюкитининг шу мақоласи билан очилган журнални ўқиб чиқди. Хироко ўшанда ўзини қандай сезган эди? Дзюкити унинг ҳаётида қандай ўрин тутишини ўйлаганмиди? Ёшлик шукуҳи билан ёзилган мақола босилгандан тўрт йил кейин қамоққа тушиб қолишини, муддатсиз қамоққа юборилишини билармиди? Нима бўлганда ҳам у яшар, ишлар, ҳар қандай қийинчиликни енгишга тайёр эди, Хирокога уйланишни орзу қиларди...

Дзюкитининг иши юзасидан ҳукм эълон қилинадиган кун эрта билан соат ўнда Токио ҳаво ҳужуми хавфи остида қолгани маълум бўлди. Нагата белгиланган соатда судга бориб телефон қоқди-ю, лекин алоқа узилиб қолди. Бирпасдан кейин радио орқали ҳаво ҳужуми қайтарилди-ю, ammo ҳали хавф бор деган хабар эълон қи-

линди. Шу он яна телефон жиринглади. Нагата суд мажлисининг бошланаётганлигини билдириб, Хироконинг тезлик билан етиб келиши зарурлигини айтди.

— Жўрттага қилишяпти шекилли! Оиласининг судга етиб келолмаслигини билишади-ку,— деди жаҳл билан Хироко.

— Мен чўзишга ҳаракат қилиб кўрдим. Нима бўлганда ҳам тезроқ етиб келинг.

Уйдан суд бўлаётган жойга бориш учун бир соат вақт зарур эди. Аввал пиёда, кейин трамвайда, ундан сўнг яна пиёда юриш керак эди. Бу йўлни тезроқ босиб ўтиш, тезроқ етиб боришдан бошқа чора қолмаган эди. Хироко учинчи қаватдаги залга зинадан елиб чиқаётганда, ҳарсиллаб нафаси тикилиб қолаёзганди.

Мажлис бошланган, узунчоқ юзли суд раиси нима-нидир ўқиётган эди. Дзюкити биринчи қаторда ўтирибди. Ҳар вақт маҳбусдан узоқроқда турадиган соқчилар бу сафар маҳбуснинг ўнг ва чап томонида, у билан бир скамейкада ўтиришибди. Хироко Нагатанинг орқасига бориб ўтирди. Залда атиги бир неча киши бор эди, холос.

Суд раиси ҳукмни ўқирди. Хироко уни эшитган сайин ҳаяжони ортар эди. Шунча йилдан бери нима учун тергов олиб борилди, очиқ суд нима учун ташкил қилинди? Бундан мақсад нима? Дзюкити ва унинг ўртоқлари ҳақиқатни тўғри кўрсатиш, нарсаларга объектив баҳо бериш учун курашдилар. Суд раиси ўқиган ҳужжатда на ишнинг характеристикаси на реал фактлар кўрсатилган эди. Айбнома асосан яна ўша бундан бир неча йил аввалги ҳолича қолибди. Фақат олдин қотиллик ўйлаб қилинган деган таъбир тасодифан бўлган иш деб тўғриланибди. Дзюкити қандай далил ва исботлар келтирмасин ишни олдиндан ўйлаб қўйилган ҳолича олиб боришмоқчи бўлиб уринишаётгани кўриниб турарди.

Хироко буларга тушунди, лекин шу он юрагини қўрқув босди. «Ўзи эллик ёшларга бориб қолган одам бўлса,— деб ўйларди у,— бир университетни ҳам битирган кўринади, хотини, бола-чақаси ҳам бўлса керак, шундай одам мана бунақанги бемаъни ҳукмни қандай ўқиркин?»

Суд раиси ишнинг мазмунини ўқиб тугатди, орага чўккан жимликни бўлиб яна овозини баланд қўйиб: «Муддатсиз каторга ишларига ҳукм қилинади» деб ҳукмни эшитдирди. Кейин яна қуруққина қилиб тез қў-

шиб қўйди: «Агар маҳбус суд ҳукмидан норози бўлса, бир ҳафта ичида шикоят қилиши мумкин».

Суд чиновниклари ўрнидан барабар туришди. Дзюкити ҳам турди. Хироко ҳам жойидан қўзғалди, лекин ўзини қилаётганини сезмас эди. Лекин доим ранги оппоқ Нагатанинг юзи Хирокога ўша пайтда ўгирилиб қараганда қизариб-бўзариб кетган эди.

Раис кетидан суд чиновниклари дам олиш хонасига кириб кетишди.

Дзюкити ўгирилиб қаради-ю, Хирокони кўриб, кулимсираб қўйди. Бу унинг одатдаги табассуми эди; табассумидан истеҳзо сезилиб турарди. Унга қараб Хироко ҳам кулимсиради. Бироқ унинг табассуми тезда сўнди. Хироко ўзи ўтирган скамейкадан ўтиб Дзюкити томон юрди. Маҳбуснинг икки ёнидаги соқчилар унинг йўлини тўсиб, бир қадам олға ташлади. Хироконинг юзи ва бутун гавдасида унинг ички кечинмаси акс этар эди: Буни сезган Дзюкити хотинини тинчлатмоқ учун яна бир кулимсираб қўйди.

— Хўп, майли... Индингача хайр,— деди у, ҳам Хироко, ҳам адвокатга эшитдириб, кейин қўлидаги катта сават қалпоғини¹ кийиб олди. Бу воқиа шанба куни бўлиб ўтди.

Ўша пайтда Хироко ўзининг қандай ҳолга тушганини билмаса-да, тўсатдан қип-қизил бўлиб кетган Нагата-нинг юзи, кўп йиллик касаллиги ва офтоб кўрмагани натижасида ранги оқариб кетган Дзюкитининг юзи ҳамда аввалгидек кўз қарашлари, истеҳзоли табассуми бир умр эсида қолди.

Ҳозир бамбук соя ташлаб турган пашшахона ичида ётганида ҳам, тун ярмида эрининг ўша назари, ўша табассуми Хироконинг хаёлидан ўтди. Дзюкитининг юзи оппоқ ёстиқ устида кўриниб кетди. Дзюкити сочини ол-дирмаган кезлари унинг узун сочи доим пешонасига тушиб турар, тез-тез қўли билан сочини силаб, текислаб қўярди. Хироконинг қўли эрининг сочига тегмаганига қанча йил бўлдийкин?

Дунёда «шафқатсизлик» деган сўз бор. Шафқатсиз ҳақиқат бор. Агар ҳозир жамият хавфсизлигини сақлаш қонуни ман этилиши муносабати билан сиёсий маҳбус-

¹ Япон турмаларида маҳбусларга саватга ўхшаб тўқилган қалпоқ кийгизиб олиб юриш азалдан расм бўлган. (Таржимон.)

лар озод қилинса-ю, Дзюкити билан унинг дўстлари қамоқда қолаверса, мана бу шафқатсизлик, ўтакетган шафқатсизлик бўлади...

Ахир, шу пайтгача бўлиб келган ҳукумат ишларини шафқатсизлик деб бўлмасдими, бундан ортиқ яна қандай шафқатсизлик бўлиши мумкин?

Дзюкити тўғрисидаги ўйлар ҳижрон азобини тортиб ётган Хирокони ухлатмади; гўё тўшак яхши ёзилмагандек ўрнидан туриб ўтирди.

Уш икки йил ичида Дзюкити билан бирпас-бирпас турган Хироко эрининг паришон бўлганини бир марта ҳам кўрмади. Хироко Дзюкитини ҳар кўргани борганда, унинг юзига тикилар экан, ўз қайғусини унутар, ўзини тетик ҳис этарди. Ёз кунларининг бирида, Дзюкити ичак сили касали билан оғриб қолган пайтда, учрашув хонасига зўрға етиб келди, ҳатто стулга ўтиришига ҳам ҳоли келмай, таппа ўзини ташлади. Хироконинг кўзига унинг сочлари сийраклашган ва боши ялтираб қолганга ўхшаб кўринди. Эртаклардаги арвоҳларнинг сочини одатда шундай тасвирлашарди. Ҳа, бу арвоҳлар эди. Хироко кўзини катта очиб қараб турарди. Дзюкити ҳатто ҳозир ҳам, бир оёғи гўрда бўлса ҳам кулимсираб турарди, ана шу табассум Хирокони ўзига келтирди. У Дзюкитини кўрди дегунча ўзини тинч, хотиржам сезарди.

Баъзан Хироко туннинг қўрқинчли, уйқусиз ўтишини олдиндан билар эди. Ахир, Дзюкити ҳам шундай тун ва кетидан узундан-узун кунларни кечиради... Кунлар ва тунлар бирин-кетин ўтиб борарди, Хироконинг назарида улар ғалати кемага тушиб қолишгандек туюларди. Тўлқинлар уриб турарди, кема олға сузиб боради: қайтмас вақтлар ўтиб борар, ҳаёт ўзгарар, Дзюкити бўлса ҳамон қамоқда эди.

Ой ғарб томонга оға бошлади. Пашшахонага тушаётган бамбук сояси бир оз нари сурилган. Узоқда тоғ этакларидаги корейслар ўз ватанларига кетиш олдиндан базм қуришган эди. Олислардан эсиб келаётган шамол уларнинг қўшиқ ва чапак товушларини зўрға олиб келарди.

XV

Хироко студентлик чоғидаги ботинкасини кийиб, орқасига рюкзак осган ҳолда Дзюкитилар уйига қайтиб келганда озиб, қорайиб кетган эди.

Тахарада у кўпроқ куладиган бўлди, анча тўлишиб қолди. Эрта билан ўрнidan тургач, кўзгуга қараб ҳазил аралаш:

— Уҳў, яна сал семирсам, гўзал бўлиб кетар эканман!— дерди.

Энди эса уйқусиз тунлар бошланди. Хироко осуда ухлаган кечалари ҳақида гапирарди-ю, мижжа қоқмай чиққан кечалари ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасди. Уйқусиз кечаларни билмаган инсон борми ўзи дунёда? Айниқса уруш бошлангандан буён. Уруш тугаса ҳам, миллионлаб кишилар уйларига қайтгани йўқ. Уларнинг ота-оналари, хотинлари эндиликда қандай яшаш ҳақида даҳшат билан ўйлайдилар.

Дзюкити қамалган пайтда ҳам Хирокога ўхшаган хотинларнинг сон-саногини йўқ эди. Улар қамоқхона дарвозаси олдида тўпланишиб, ўзаро суҳбатлашар ва эрларнинг нима учун қамалганини бир-бирларидан сурштиришар эди.

Хироконинг, снёсий маҳбус хотинининг турмуши Япониядаги миллион-миллион хотинлар турмуши олдида кўзга кўринмай қолди. Бу хотинларнинг эрлари зўрлик билан мажбурий равишда армияга олинди. Уларни кемаларга ортишар, кемалар эса қўлтиқлардан ўтар, океанда сузиб юрар, экваторга етиб борарди. Солдатларга улар ўтирган машина қаерга боришини ҳеч ким айтмасди. Солдатга милтиқ билан орқасига осиб оладиган қопчиқ бериб, олиб кетишарди. Улар на маҳбуслардан, на солдатлардан истак-илтимосини сўрашгани йўқ. Уларнинг тақдирини яна бир жиҳатдан бири-бирига ўхшарди, йўлга чиққандан сўнг борди-ю, орқага қайтгуси келиб қолса, қайтишолмасди. Биронтаси ўз хотинига мақсад ва ўйларини айтолмасди, ўз ҳаёти ҳақида ёзишга ҳам рухсат йўқ эди. Турмада ҳам, армияда ҳам ички аҳвол бошқаларга номаълум эди. Қамоқ билан армия фақат ташқин томондан фарқ қилса ҳам, аслида у ерда ҳам, бу ерда ҳам бир хилда жабр-жафо ҳукмрон эди. Бундай оғир шароитда фақат кучли одамларнинг омон қолиши мумкин эди.

Хироко турмуш тажрибасидан Япония аёллари қўлидан келса-келмаса, уй-рўзғор бошлиғини бўлишга мажбурлар деган қарорга келди. У шундай хотинлар ҳаёти ҳақида қисса ёзмоқчи бўлди, бу тема кўпчиликка яқин бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин бир монелик бор эди:

бундай қиссани нашр этдириб бўлмасди. Хироко ҳақиқатни тўғри кўрсатган бўлар, қисса қаҳрамонларининг кўрган-кечирганлари бошқа кўпчилик хотин-қизларга тушунарли бўларди-ю, лекин нашр этдирмаслик учун асос яна кўпаяр эди. Қиссада Хироконинг кайфияти акс этиб ишни бадтар бузган бўларди: шу пайтгача император, ватанпарварлик, фаровонлик ва бахт ҳақида ҳозиргидек кўп бақиринмаган бўлса ҳам, у урушга хайрихоҳлик билдиролмаган бўларди. Ниҳоят у эзилаётган халқ эрки учун, босқинчиликка қарши курашган инсон, сиёсий маҳбуснинг хотини эди.

Хироко ёш қизлар тақдирин ҳақида, уларнинг ҳаёти, муҳаббати, шодлиги ҳақида, янги турмушга чиққан қизларнинг ўз ёридан ажралиб қолгани ҳақида ёзмақчи бўлди, лекин унинг асарларини босишга рухсат беришмасди. Барча адабий ўйларини, ўзининг қоғозга туширмақчи бўлган фикрларини Дзюкитига ёзган хатларида баён этиб турди.

Шу кунларда Хироко Япониядаги миллион-миллион хотин-қизлардан ўзини бахтли деб ҳис этди. У Дзюкитининг қаерда эканлигини аниқ биларди. У белгиланган қондага риоя қилиб бўлса ҳам, ҳар ҳолда эри билан учрашиб туриш имкониятига эга эди. Дзюкити ҳали терговда бўлган пайтда унга ўз қўли билан танлаган кийим-кечак ё бошқа нарсалар етказиб туриши мумкин эди, ундан кейин эса, эрига хат ёзиб, ундан хат олиб туриши мумкин эди.

Неча минглаб хотин-қизлар бундан оғир аҳволда эди. Улар ҳатто эрларининг қаерда эканликларини ҳам билишмасди. Хотинлар эридан хат олган чоғида, унинг хатини ўқиб турганида ўзи ҳаётми ё йўқми билишмасди. Хироко уларнинг бу ҳолини тасаввур этиб, сесканиб кетди. Гарчи солдат хотинлари икки-уч йил, кўпи билан тўрт-беш йил айрилиқда бўлсалар ҳам, Хироко ўн йилдан ортиқ вақтдан бери эридан айрилган бўлса ҳам, ўз қайғусини солдат хотинларининг қайғусига таққослолмасди.

Ҳа, Япония хотин-қизлари уйқусиз тун нима эканлигини билишар эди...

Бир неча кун ўтгач, газетада Хирокони ҳаяжонга солган яна бир хабар босилди. Мақолада чет эл мухбирларидан бири марказий қамоқхонада бўлиб, немис фашистлари услубида қурилган турманинг махсус бир

бўлимда тутиладиган маҳбуслар олдига кириб Кюити Токуда, Иосно Сига ва бошқа снёсий маҳбуслар билан суҳбатлашгани ёзилган эди.

Хироко хабарни қайта-қайта ўқиди.

Газетадаги совуқ, қуруққина сатрлардан маҳбусларнинг томир уриши сезилиб турарди. Киши кўз олдига шижоат билан гапирётган забардаст кишиларни келтириши мумкин эди. Улар темир панжараларга ёпишиб кўчаларга термулганча кутишмоқда... Уларнинг кўзлари ёнмоқда...

Хироко йиғлаб юборди, анча вақтгача ўзини тутолмади. Унинг хаёлида ҳамма одамлар кириб келаётгандек бўлди, гўё уларнинг овозини эшитди-ю, ўзига таниш бўлган бир овозни эшитмади. Нега унга қадрдон ўша ягона кишининг овози эшитилмайди?

Дзюкитининг кўзларини қачон кўради у?

Қўшни хонада Нуико жимгина иш тикиб ўтирар эди. Хироконинг орқа томонида қадимий жавон турар, ёнида тошойна осиглиқ эди. Хироко ўрнидан туриб, ойна олдига борди, кўз ёшларини артиб, юзига диққат билан қаради-да:

— Нуико! — деб чақирди.

— Нима гап?

— Қизиқ! Қачон чиройлироқ бўлай десанг, хунук бўлиб кўринасан киши.

— Наҳотки?

— Йўқ, гап унда эмас. Дзюкитининг келиши аниқ маълум бўлса эди... Аниқ бўлганда эди...— у шу сўзлик бир неча марта такрорлади.— Токиогача пиёда кетар эдим. Лекин ҳозирча ҳеч гапдан дарак йўқ. Туриб-туриб шубҳаланиб қўяман. Руҳим тушиб кетди...

Нуико ҳамма нарсани тушунган катта кишилар каби ётиғи билан унга тасалли бера бошлади.

— Ташвишланишингга ҳеч қандай сабаб йўқ, Ҳадемай поездлар ҳам юриб қолади, ишлар юришиб кетади.

* * *

6 октябрь куни газеталар одатдагидек тушга яқин келди. Нуико билан хола ошхонадаги омонат плиткада нимадир пиширишар эди.

Хироко қўлида газета билан стол олдига ўтирди. Аввал у газета сарлавҳаларига кўз югуртиб чиқа бошлад-ю, саҳифанинг ярмига келганда тўхтаб қолди, юзи

бирдан ўзгариб кетди. Газетада сиёсий маҳбусларнинг озод қилиниши ҳақида маълумот босилган эди. Бирлашган қўшинлар штабининг буйруғи билан 10 октябрғача озод қилиниши керак бўлган маҳбуслар фамилиясининг рўйхати эълон қилинган эди.

Рўйхатдаги озод бўладиганлар ичида марказий қамоқхонадан бириинчи бўлиб, яқинда чет эл мухбири суҳбати эълон қилинган Кюити Токуданинг номи турарди. Хироко рўйхатдаги фамилияларга тез-тез кўз югуртириб чиқди: «Озод қилинадиганлар: «Дзюкити Исида (Абасири)». Озодлик! Озодлик! «Абасирилик Дзюкити Исида». Демак, Дзюкити қайтиб келади!

— Нуико! Нуико!— деб овозининг борича чақирди у.

Нуико қўлини артиб ичкари кириб улгурмасиданоқ, Хироко унинг енгидан тортди:

— Нуико! Қара, қара!

— Вой! Озод бўпти! Озод бўпти!

— Ҳа, энди ишонса бўлади. Хайрият, ниҳоят озодликка чиқади!— деди Хироко. У ҳам кулар, ҳам йиғларди.

Уларнинг қаттиқ-қаттиқ гаплашишганини эшитиб, хола ҳам югуриб келди; унинг қўли ун эди.

— Нима гап? Келади дейсизларми-а? Озод бўлиб-димми?

— Ҳа, мана қара!— деб Нуико газета сатрларини кўрсатди.

— Қани, қани?

Хола диққат билан мақоланинг ҳаммасини ўқиб чиқди.

— Ҳа, бу сафар келиши аниқ!

— Мен бу ерда тинчгина ўтиролмаймам,— деди Хироко, унинг юзида ташвиш ва ожизлик аломатлари сезилди.— Бу ерда: «Ўнинчигача бўшатилин»— дейилган. Уни Абасиридан саккиз ё тўққизинчиларда чиқади дейлик, унда Токиога ўн уч-ўн тўртинчиларга етиб келади. Мен ҳозироқ жўнаб кетишим керак.

— Балки у аввал Фукусимага борар?

Ҳамма имкониятларни ўйлаб муҳокама қилдилар. Агар Хироко шарқ томонга жўнаса ҳар қандай қилганда ҳам, эри бу ёққа ўтса, ўзи у ёққа ўтиб кетган бўларди.

— Ҳар нима бўлса ҳам, Токиога қайтишим керак,— деди ниҳоят Хироко,— эҳтимол, Токиода алоқа бюроси союзи тузилган бўлса.

Қайси бир куни газетада бир адвокатнинг контораси

илгариги сиёсий маҳбусларнинг алоқа пункти бўлади деб хабар қилинган эди.

— Станцияга ҳозироқ жўнайман. Агар иложини қилсам, шу бугун тунги поезд билан жўнаб кетаман.

— Лоақал гуруч пишгунча шошма, олиб кетасан. Бошқа ҳеч нима йўқ!

— Хўп, хўп...

Хироко Савакога салом айтиб, Нуико билан уйдан чиқди.

Улар келган йўлларида қайтишди. Хироко, ҳовлиқар, гапирмас, бор кучи билан олга интилар эди.

Нуико баъзан қадамини секинлатиб қолар эди:

— Бир оз секинроқ юрайлик.

Хироко ҳамроҳим менинг чарчаб қолишимдан қўрқипти деб, уни юпатарди:

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ...

— Йўлнинг учдан бирини босиб ўтдик-ку!

Улар тоннелга етиб келишганда, Нуико сўз қотди:

— Бу ёғи қирқ минутли йўл қолди.

— Пиёда юрсанг анча узоқ экан-а, йўлга кўп вақт кетаркан,— деди тоқатсизлик билан Хироко.

Улар бу йўлдан биринчи марта юриб келишганда Хироко атрофга назар ташлаб келган эди. Гоҳ ўқдек тўғри йўлга, гоҳ атрофидаги бузилган харобаларга қарарди. Энди қайтишда эса бутун борлиқ: яқин орадаги далалар ҳам, бараклар ҳам, тоғ тизмалари ҳам унга бир бутун зангори гиламга айланиб кетди. Улар секин кетишаётгандек туюлса ҳам, атрофдаги манзара тез-тез ўзгариб турди.

Қишлоққа кираверишдаги кичик тепалик устида Тагасан ибодатхонаси қад кўтарган. Яқинда бўлиб ўтган сув тошқини ва ёмғир суви зина ёнини ўйиб кетибди, салгина сирғанчиқ ер пайдо бўлиб қолибди. Бу ерга қишлоқ болалари йигилишган эди. Улар тагига чанага ўхшатиб, ёғочми-фанерми қўйиб олиб, шовқин-сурон билан тепадан сирпаниб тушишарди. Улар орасида Акио ҳам бор эди. У шундай қизиқиб ўйнар эдики, ҳатто шундай ёнидан ўтган Хироко билан Нуикони ҳам сезмай қолди.

— Шундай лойда-я!— деб кулиб тўхтади Нуико.

Хироко Акиони ва пастда кўринаётган уй томларини кўриб, яна беихтиёр ўзига келди, илгариги фикрлари эси-га тушди. Бу «эски посёлка»нинг томлари эди. Бу

ерда ўзи соғинган яқин одамлари ҳеч вақт қаптино келмайдиган, бузилган ҳаёти ҳақида ўйлайдиган одамлар яшайди. Бу ердаги оғир мусибатда қолган хотинлар бу севинч хабарга қандай қарайдилар? Хироконинг авзойи ўзгарди, руҳи тушди. Ҳа, энди Хироко ўз севинчини айтиш учун бошқачароқ сўзлар топмоғи, бағри қон бўлган хотинларга оғир ботмаслиги, ўлган эрини эслатмаслиги учун бошқача йўл тутмоғи лозим.

— Нима қилди, опажон! Чарчадингми? Жуда тез келдик-да.

Чарчаган Хироко Исидаларнинг уйига орқа йўл билан секин кириб келди. Орқа хона тўсиқ билан ажратиб қўйилган. Дўконнинг тахтаси ҳам йўқ эди.

Шкаф орқасидан қайнонаси чиқиб келди.

— Салом, салом! Қандай очилиб кетибсизлар-а!

Хироко бош эгиб, салом берди.

— Ойи, бугунги газетани ўқидингми?

— Дзюкити қайтиб келяпти. Мен ўша заҳоти сенга телефон қоқмоқчи бўлдим-у, телефон ишламади. Яқинда келади энди!

— Уинчигача дейилган. Балки у ердан бугун йўлга чиқар.

— Қандай қилиб келади? Бир ўзи кела олармикан?

Хирокони ҳам худди ана шу ўй ташвишлантирар эди. Ҳақиқатда ўн икки йил қамоқда ётган касал маҳбус Дзюкити Абасиридан қандай қилиб ёлғиз қайтади-ю, қандай қилиб озиқ-овқатсиз ҳозирги расво поездларда юради? Буни ўйлашнинг ўзи даҳшат эди...

— Токиодан битта-яримтани юборишар. Мен бар-бир, улгуролмайман. Нима ҳам қила оламиз.

— Ундай бўлса, яхши...

Қўлида Дзирони кўтариб, Цуяко кириб келди. У Хироко ва унинг ёнида ўтирган Нункони кўриб:

— Газетани кўрдингларми? Қандай қувончли хабар!.. Табриклайман!— деди.

— Ҳа, қувончли хабар! Ҳаммага баробар қувонч. Раҳмат!

Цуяконинг оёғида гэта, ўзи бир оз оринқираган, лекин хотиржамроқ бўлиб кўринди.

— Буви! Билет олиш керак.

— Ҳа, ҳа! Ҳозир станцияга бориб келаман.

Қайнона станция бошлиғи олдига бориб, Дзюкитининг келаётганини айтди ва саккизинчидан бошлаб

Курэ темир йўли орқали юра бошлайдиган поездга билет олиб қайтди. Хироко ҳар эҳтимолга қарши билетни Аоморигача олишни илтимос қилганди. Маълум бўлишича, еттинчида Курэга америка қўшинлари келганлиги учун йўл ҳаракати тўхтатилган экан.

— Нима ҳам қила олардик. Эртагача кутишга тўғри келади.

Тонори хурсанд бўлиб кулди:

— Станция бошлиғи мени табриклади. Ҳатто ҳамдарлик билдирди. «Дзюкити қанча оғирликларни бошидан ўтказди-я!»— деди.

Дзюкитининг номи онасига шодлик келтирмай қўйганига қанчадан-қанча вақтлар бўлди-ю. Бунинг устига, унга хавф солаётган ҳар хил қонунларни ўйлаб, юраги сиқилар эди.

Кечки овқат пайтида Тонори кўпдан бери юрагида сақлаб юрган дардини очиб солди:

— Қани энди шу кунларни отаси ҳам кўрса эди! Тахарадаги амакиси кўрса эди. Наодзи ҳам кўпинча: катта акам бўшаб келса, турмушимиз яхшиланиб кетар дер эди. Шундайми, Цуяко?

— Ҳа, шундай дер эди.

— Хироко! Дзюкити келгач, сизлар ҳеч қаерга кетмайсиз, тўғрими? Бу ерга кўчиб келасизлар,— деди у, куйиниб келинини кўндирмоқчи бўлиб,— иккаланг хоҳлаганча тураверасан. Сен асарларингни ёзасан, Дзюкити шаҳар бошқармасига ишга кирази. Энди яшаймиз! Бу ер ёмон эмас, тўғри, баъзан сув тошқини бўлиб туради.

Ун икки йил қамоққа бардош бериб келган Дзюкитининг энди келиб шаҳар бошқармасида ишлаши ҳақидаги ўй онанинг ўзига ҳам кулгили туюлди. Ҳамма хоҳолаб кулиб юборди, бунга онанинг ўзи ҳам қўшилди. У ўғлининг келишидан ғоят хурсанд эди.

Цуяко ҳам кулди, сўнгра ўрнидан туриб, йўлга улбул тайёрлаш учун ошхонага чиқиб кетди.

Хироко Цуякога ачинди. Цуяко тинчлик вақтларда, одатдагидек турмуш кечириб юрган кезларда ёмон хотин эмасди, бахтсизлик уни шундай одам ёқмас қилиб қўйди. Бу борада унга ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмас,— ҳаёт шуни тақозо қиларди. Цуяконинг бу ҳолига Хироко жуда-жуда ачинди.

Хироко қайнонаси билан ёлғиз қолганда, унинг тиззасини ушлаб, шундай деди:

— Сенинг ҳозирги аҳволингни ўйлаб, сўз тополмайман. Ҳамма нарсa ўзгариб кетяпти. Бир севимли ўғлинг ўрнига иккинчиси келяпти.

— Тўғри айтасан, қизим,— деб кампир чуқур хўрсинди. Сўнгра узоқдаги арчалар ўсиб ётган тоғ чўққиларига қараб, оналарга хос меҳрибонлик билан:— Ҳали Спидзо ўғлим ҳам бор. Унинг ҳоли не кечди экан? Балки оч қолгандир?— деди.

XVI

Хироко бир парча қизил бахмал лента чатиб белги қилиб қўйилган сеткадаги рюкзакни бошига қўйиб, яна йўлга чиқди. Рюкзакда ихчам қилиб ўралган иккита қоз боғламда нонушта ва битта катта банка бор эди. Битта боғламда ҳар эҳтимолга қарши олинган гуруч, иккинчисида эса, янгигина янчилган ун бор эди. Хироко бир вақтлар Дзюкити уйда ёпиладиган нонни соғинганлигини ёзиб юборганини эслаб, аввало эрини ана шу нон билан меҳмон қилгуси келди. Лекин бунн Цуякога айта олмай, секингина Нуикога шипшитди. Нуико қоврилган буғдойни гуручга аралаштириб яхшилаб янчди. Юмалоқ банкада эса, дўсларининг Дзюкитига совғаси — қанд бор эди. Шунингдек рюкзакда қайнонаси бериб юборган бир жуфт ботинка ҳам бор эди. Бу ботинкани Спидзо Марказий Хитойнинг қайсидир бир магазиндан олиб келган эди. Сетка ичидаги рюкзакда бор нарсалар ана шулар эди.

Хироко бу томонга кийиб келган ўша кийимида, ҳаворанг чолвор билан студентлар ботинкасини кийиб шарққа кетаётган поездда ўтирар эди.

Яхши ҳам ўшанда унинг Абасирига бормагани. Аксининг Токиодаги уйи ёнғин пайтида омон қолган эди, бу Хироко билан Дзюкитига катта паноҳ бўлади. Бу участканинг фақат шимол томонидаги девори ёниб кетган, ҳовлидаги сийрак дарахтлар орасидан узоқдаги куйган яланглик кўрилиб турар эди. Гарчи газ билан водопровод ишламаса ҳам, ҳар ҳолда уйда ҳаёт кечирини мумкин эди. Икки киши яшашни мумкин! Бу «икки киши» ибораси киши қулоғига қандайдир ғалати эшитилади. Дзюкити Хирокога уйланиб, икки ой ҳам бирга турмади. Бу икки ой ҳам кичкинагина уйда, келдикетди билан бесарапжом жой эди. Эндиликда куйиб кул

бўлган бу уй Хироконинг ҳозир кетаётган акасининг уйидан бир неча юз метр нарироқда эди.

Хироко ёлғизликда кўп йил бир ердан иккинчи ерга кўчиб юрди. Шароит уни бир ерда уй қилиб ўтиришга имконият бермади. У турган ҳамма уйлар 1945 йилда ёниб кетди.

Эҳтимол Дзюкити кимонога ўхшаш халат кийиб, қўлида кичик бир тугунча билан, суд вақтида кийиб юрган туфлиси билан қайтиб келаётгандир. Балки унинг гэтаси ҳам йўқдир.

Хироконинг бисотида китоблари озайиб қолган, китоб шкафидан бўлак ҳеч нарсаси қолмади. Оғир кунларда китобларнинг кўпини сотиб юборди; борди-ю, бир кун келиб ўз уйимда яшасам керак бўлади деб асраган стол-стул, кўрпа-ёстиқ ва шу каби баъзи бир рўзгор буюмларигина қолганди, холос. Рўзгори ана шундай, арзимас эди.

Хироко ҳеч нарсанг йўқми, демак ҳамма нарсанг бўлиши керак, деб ўйларди. Дзюкити ўн йилдан кўпроқ қамоқда бўлди, шу вақтда нимани ҳам сақлаб қолиши мумкин эди? Дзюкити энди озод бўлади. Бутун қийинчиликлар унутилади.

Поезд бир меёрда тақиллаб борар экан, Хироконинг фикрлари бир-бирига чалкашиб кетар, поезд уни келажак сари олиб чопар эди.

Бироқ соат тўртларга бориб вагонда ёқимсиз гаплар тарқалди: Курэ йўлини сув ювиб кетган эмиш, поезд кечикиб борармиш, лекин Сувадан у ёғига ўтмасмиш. Сува билан кейинги станция — Михара ўртасидаги пўлат кўприк бузилган, уни тузатиб бўлмасмиш.

— Иш чатоқ! Мана шу кўприк билан кейинги станция ораси қанча йўл?

— Ярим ри келади.

— Қачон етамиз у ерга? Кечиксак керак-а?

— Одатда поезд соат олтидан сал ошганда борарди. Агар бундай тўхтаб-тўхтаб юрадиган бўлса, тўққиздан олдин боролмаймиз.

Емғир томчилай бошлади.

Хироко гапга қулоқ солар экан: «Нима ҳам қилардим, пиёда кетавераман...» — деб ўйларди.

Дзюкитининг уйида у, деразадан темир йўл кўтармаси ёқалаб пиёда юрган йўловчиларни кўрган эди. У ҳам ўшалар каби кетаверади-да, Михара станциясида тунайди.

— Иш ёмон, иш чатоқ...— деди яна унинг қаршисида ўтирган киши. У кўзини узмай деразадан ташқари қарар эди. Ташқарида ёмғир ёғиб кеч кириб бормоқда эди.

— Сиз нима қилмоқчисиз?— деб мурожаат этди у Хирокога.

— Михарагача пиёда бораман. У ерда кечани бир амаллаб ўтказарман.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз!— деди бояги киши, худди қўрқинчли бир нарса эшитгандек.— У ерда озмунча одам бор дейсизми. Ўтиришга ҳам жой топиламас дейман! Сиз нима қилмоқчисиз?— деб сўради у, Хироконинг ёнида ўтирган кишидан.

— Бир амаллаб жой топаман. Мен бу ерларга иш билан кўп келганман,— деб жавоб қилди у, хотиржамлик билан.

Хироко билан суҳбатлашган қизил юз, ўрта бўйли киши поезд Сувага яқинлашган сари кўпроқ бесаранжом бўла бошлади.

— Сувадан бир оз нарироқда менинг танишларим бор. Ўшанинг уйида тунайман. Марҳамат, истасангиз бирга боришимиз мумкин. Тағин кўнглингизга бошқа гап келмасин.

Хироко хаёлидан: «Михара станциясида тунай олармикинман?» деган фикрлар ўтди. Лекин у ҳамроҳининг нима учун бунчалик қистаётганлигига тушунмас эди. Балки у ёлғиз қолган аёл кишига ёрдам бериш ўрнига бошқа хил хаёлларни ўйлаётгандир.

— Станциядан унча узоқ эмас. Агар уй ёқмаса, яна қайтиб кетишингиз мумкин. Ўғли бор, кузатиб қўяди.

Поезд Сува станциясига келиб тўхтади. Йўловчилар юklarини қидиришиб, шовқин кўтаришганда ва тўполон билан вагондан ёмғир ёғиб турган қоронғи ташқарига чиқаётганда Хироко ҳамроҳи борлигини ўйлади.

Станция қоронғи эди. Баланд жойга осилган битта фонарь атрофни зўрға ёритар эди. Йўлни ёритиш учун на чироқ, на провонник бор. Ёлғиз фонарнинг нури платформани ёрита олмас, ёмғирда келаётган йўловчилар сояси кўзга липиллаб зўрға кўрннар эди. Ҳамма ёқ остин-устун эди.

— Қаерга юрамиз?

— Ҳеч нарса кўринмаяпти.

— Бу ёққа, бу ёққа!

Қоронғида қўрқиб кетган бир хотиннинг:

— Сэньё-тян! Сэньё-тян!— деб қичқиргани эшитилди.

Хироко қоронғида туртиниб, оёғи билан зинани пайпаслай бошлади. Зина тепаликка олиб чиқарди; бу зинадан одамлар бир-бирини қувиб чиқишар эди. Хироконинг ҳамроҳи у билан бирга чиқди.

— Йўлни кўряпсизми? Бу ердан ўтса бўладими?— деб сўрарди у.— Кўзнинг нури хиралашса, шундан ёмон йўқ экан... Йўл борми бу ерда?



Шундай қилиб, тикка зиналардан тепаликка чиқиб олишди.

Бу ерда қишлоққа томон кетадиган сўқмоқ кўринди. Ён томонда анҳор сувининг овози эшитиларди. Ёмғирда ивиган одамлар орқасидаги юклари билан йўлдаги кўлмак сувларни шалпиллатиб боришар эди.

— Қаердасан?

— Тўғрига юр!

— Мен ҳеч нарсани кўрмаймман!

Одамлар жаҳл устида бир-бирини туртиб, Хироко билан унинг ҳамроҳидан ўтиб кетишарди. Яёв кетаётганларнинг биронтаси ҳам бир-бири билан иши йўқ. Қучли, бақувват йигитлар орқа-ўнгига қарамай олдинга шошилишар эди. Хироко ҳамроҳининг кўзи ногирон эди, у ҳеч нарсани кўрмасди. Нима учун Хирокони ўзи билан кетишга бунчалик қистаганига у энди тушунди.

«Қизің,— деді ұзича Хироко,— кўзи кўрмаслиги учун мен ожизани ҳамроҳ қилиб олган экан-да».

Ен атрофида олчалар ўсиб ётган тепаликдаги йўл ҳам, ундан кейин чиқишган кенг асфальт кўча ҳам қоронғи эди. Одамлар тунги ёмғир ваҳимасидан эмас, балки тунги йўловчилардан ҳайиқиб, дарчаларини беркитиб олишган. Фақат аҳён-аҳёнда учрайдиган дарча туйнукларидан тушиб турган нур ҳўл ерини ёритиб турар эди.

Хироко юк машиналари ўйиб юборган чуқур изларига тўпланган сув ичига бир неча марта тушиб кетди.

— Эҳтиёт бўлинг, бу ерда кўлмак бор экан!— деб огоҳлантирарди у, ҳамроҳини.

— Раҳмат.

Йўл эмас, турган-битгани ўнқир-чўнқирликлар эди...

— Бу томондан юрманг, сув босиб кетибди.

— Эҳ, киши кўзи кўрмагандан кейин қийин экан. Сиз бўлмасангиз роса қийналар эканман. Катта раҳмат сизга!

Улар ёмғир остида юравериш узун кўприк олдига келиб қолишди. Хироко бундан бир неча йил муқаддам Күрә йўли орқали Токиога борганини эслади. Ўшанда поезд Күрәга етмасдан узун темир кўприкдан ўтганда, вагон ойнасидан эса дарёнинг денгизга қуйиладиган ерида шунга ўхшаш тик кетган узун кўприк кўринган эди. Улар ҳозир орқадаги рюкзаклари билан чарчаган ҳолда олға энгашиб, қўлдаги зонт билан ёмғирдан яшириниб, худди шу кўприкдан ўтиб боришар, бошқа кўприк бузилган эди.

Ниҳоят, Михара шаҳрига етиб келишди. Бу ер ҳам шаҳар четидаги каби қоронғи эди. Чорраҳага етиб келгач, Хироконинг ҳамроҳи тўхтади ва зонтдаги ёмғир томчиларини силкитди.

— Ғоят миннатдорман! Шу ерда, ўнг томонда, кино будкаси борми?

— Бир нима борга ўхшайди.

— Оқ бўлиб кўриняптими?

Хироко ўша томонга диққат билан қараб туриб жавоб қилди.

— Оқ шекилли. Аркка ўхшаган бир нарсa кўриняпти.

— Демак, етиб келибмиз. Қўнадиган жойимиз шу орада бўлиши керак, шу орада...

У йўлни танимоқчи бўлиб олдинга юрди, муюлишга бориб, деразадан ёруқ тушиб турган уй олдида тўхтади. У Хирокодан уйнинг номери ва хўжайиннинг фамилиясини ўқиб кўришини сўради.

— Хўш, хўш... Раҳмат! Энди буёққа юрамиз.

Улар яна йўлга тушишди. Икки томон қатор деразали уйлар. Хироконинг ботинкаси сувда шалоплар эди. Ҳамма ёқ сув. Қадам қўйган сари сув кўпаяр, юриш хавфли эди.

Шу пайт ҳамроҳи кичик эшикли бир уйнинг олдида тўхтади.

— Эҳтимол шу ерда бўлса керак... Мики Мурава деб ёзилганми?

— Табличка бор, лекин қоронғи, ҳеч нима кўринмайди.

— Қарамасак ҳам бўлади. Шу ер!— деди у, ишонч билан ва остонага қадам қўйди.

— Э, жаноб бошлиқ!

Енгил кимоно кийган эллик ёшлардаги бир аёл пешвоз чиқди.

— Нима қилди сизга?.. Бемаҳалда... Эсон-омон келдингизми? Ҳай-ҳай!.. Марҳамат, киринг ичкарига.

— Яхшимисиз, опа? Безовта қилганимиз учун кечиринг...

Даҳлиз қуруқ; бу ерга сув чиқмабди. Аёл Хирокога эътибор бермаса ҳам, унга шубҳа билан қараб-қараб қўяр эди. Эркак Хирокони ҳамроҳим деб таништирди ва унга меҳмонхонани кўрсатиб қўйишликни илтимос қилди.

— Э, нима деяпсиз!.. Ҳозир одамлар шундай кўп келадиган бўлганки, меҳмонхона соат олтиданоқ тўлиб бўлган.

Хироко ботинкаси билан чолворини ечди, улардан сув оқиб тушар эди. Аёл тунаш учун уй тўридан жой берди. «Бўлим бошлиғи жаноблари! Бошлиқ жаноблари!»— дер эди ҳар сўзида аёл, эркакнинг ҳўл бўлиб кетган пайпоқ ва қўйлақларини айвонга ёяр экан. Лекин у Хирокога сиз ҳам ўз нарсаларингизни ёйинг деб айтмади. Унинг ўрнига ҳамроҳи айтди.

Уйда атиги иккита хона бор эди. Кўринишдан, унинг уйни саранжом тутиши, ҳамма нарсани тежаб ишлатиши сезилиб турарди. Хироко бўлиб ўтган гап-сўзлардан ҳамроҳининг биронта компанияда бўлим бошлиғи эканини, бу хотин эса взнос йиғувчи эканини тушунди.

Аёлнинг ўғли яқинда армиядан келиб, заводда ишлар экан. Бир кишининг онла тебратиши қийин, шунинг учун у ўғлига қайлиғ ахтариш ҳаракатида эди.

Хироко ўз тўғрисида батафсил гапириб ўтирмади, фақат тезроқ Токиога етиб бориши кераклигини айтди. Уй эгаси ҳам содда, бошдан-оёқ хотинлардек қийинмаган Хирокодан эзмалик қилиб гап сўрамади. У ҳам «қилмиш қидирмиш»,— деб ўйлади-да, у аёлдан хафа ҳам бўлмади.

Сува билан Михара ўртасида одамлар пиёда юрә бошлагандан бери кичкина Михара шаҳрида кунига ўн мингдан йигирма минггача одам тўхтар эди. Ҳаво ҳужумидан омон қолган Михара шаҳри Курэ ва бошқа йирик шаҳарларни бирлаштирадиган асосий нуқтлардан бири бўлиб қолди. Сув тошқинидан кейин одамлар оқими ундан ҳам кўпайди. Тунда бир неча киши тунамаган биронта уй йўқ эди. Уй эгаси бояги аёлнинг айтган гапларини эшитиб, Хироко тепаликка чиқиб келаётган пайтдаги одамларни, йўл бўйидаги уй деразаларининг тирқишидан тушиб турган нурларни, уй бекасидан, тунаб кетишга рухсат беришини сўраб, оёқ тираб туриб олган демобилизация қилинган солдатларни эслади.

* * *

«Ҳар ҳолда взнос йиғувчи аёлнинг уйида тунаганим яхши бўлибди»,— деб ўйлади Хироко, эрта билан Михара станциясига келгандан кейин. У эртароқ жўнайдиган поезд билан кетмоқчи бўлди.

Чекка шаҳарчадаги кичкина станция йўловчилар билан тўла эди. Улар тонгги ёмғир салқинида станцияда лой кечиб юришар эди. Кеча Хироко тунашни мўлжаллаган кутиш залида эса оёқ қўядиган жой йўқ. Одам ва юклар орасида биронта скамейка кўринмайди.

Станциядаги одамлар тўдаси ичида кутгандан вагонга чиққан маъқулроқ эди. Кеча ўн иккида жўнаши керак бўлган поезд тонг отса ҳам, ҳамон жўнамас эди. Вагон ичида эса демобилизация қилинган тўртта солдат декчада қайнатилган гуручни туширишар, бир-бири билан ҳазилкашлик қилишар эди.

Хироко кечадан бери қуримаган чолворини ечиб, вагон ойнаси олдидаги темир рейкага илиб қўйди, ивиб кетган ботинкасини ечиб бир чеккага қўйди-да, оёғини тагига йиғиб ўтириб олди.

— Роса ивибсиз ўзи ҳам. Қаерга кетяпсиз? — деб сўради бир солдат.

— Токиога қайтиб кетяпман. Ҳали бери силжирми-кан ўзи бу поезд?

— Худо билади,— деб киноя билан илжайди очниқ ёқа, соқоли ўсиб кетган бир солдат. Суҳбатдан унинг европа виносининг ҳамма номларини, танца тушини билиши сезилиб турар эди.

— Поезд, билишимизча, кеча кечқурун жўнаши керак эди. Майли, ҳечқиси йўқ... Сабр қилиш керак.

Бироқ соат олти яримда кутилмаганда поезд Михара станциясидан йўлга чиқди.

— Кетдик!

Бўлим бошлиғи хурсанд бўлиб кулди ва вагон ойнасига қаради:

— Иш жойида энди! Омадимиз келгани, поездга илиндик!

Унинг Осакага бориши керак эди. Хотиржам бўлгач, жойлашиб ўтириб олди-да, кўзларини юмди. Кўрган киши кўзининг ногирон эканлигини пайқамас эди.

Хироко хаёлан аллақачон Токиога етиб борган эди. Йўлдаги бутун тафсилотлар: взнос йиғувчи нотаниш хотиннигида тунагани ва бошқа майда-чуйда қийинчиликлардан сира хафа бўлмади. Японияда уруш тугагандан кейин сафар қилишнинг энгил бўлмаслиги ҳаммага аён ўзи.

Поезд Окаяма районида ўтиб борарди. Вагон ойнасидан ажойиб манзаралар кўзга ташланади. Имиллаб кетаётган поезднинг икки томонини сув босиб кетган. Далалар бир неча кундан бери сув остида ётибди. Шолиларнинг оппоқ пуч бошоқлари бош эгиб ётар, ёмғир ва шамолда сув бетиде жонсиз тебранар эди. У ер-бу ерда сув ичида деҳқонларнинг кулбалари қўққайиб туради. Сув шунчалик чуқурки, бир уйдан иккинчи уйга қайиқсиз ўтиб бўлмасди. Тоғ яқинидаги баландлик жойларда Дзюкитилар қишлоғидаги каби уй асбоблари, кийим-кечаклар лойга қоришиб ётар эди.

Далада чурқ этган овоз эшитилмайди. Атрофда лойқа сувдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Афтидан, бу атрофда яшовчилар қаттиқ истиробда қолишган бўлса керак.

Хироко қўлларини қаттиқ қисиб, вагон ойнасидан ўтаётган мудҳиш манзарадан кўз узмай борарди. Поезд секин юрар, кўп жойда тўхтаб-тўхтаб қоларди.

Темир йўлни ҳам сув босганди. Поезд ғилдираклари орасидан сувлар шовиллаб сачрарди. Гоҳ-гоҳ паровоз буғига сувнинг овози қўшилиб кетарди.

Бир амаллаб Химедзи станциясига етиб олишди. Йўловчилар ойнадан бош чиқариб, пастда юрган темир йўл хизматчиларидан йўлнинг нарёғи қандайлигини сўрашар эди. Поезд бу ердан нари бормаиди деган овоза тарқалди. Ҳамма бир ирғиб тушди, шов-шув кўтарилди. Платформада поезд бўйлаб қизил фуражкасини орқароқ суриб олган станция хизматчиси келарди. У бепарволик билан:

— Вагондан тушинглар! Поезд нарига бормаиди!— деб такрорларди.

Хироконинг қаршисида ўтирган киши ўрнидан ирғиб турди ва деразадан бошини чиқариб, командирлар каби темир йўл хизматчисини чақириб тўхтатди:

— Ҳой, биродар! Шунчаки айтиб ўтган билан бўладими? Одамлар анча йўл босиб келяпти, ҳаммаси чарчаган. Вагонга кириб дурустроқ тушунтир буларга.

Ҳар томондан буни маъқуллаган овозлар эшитилди. Темир йўлчи платформада тўхтади, лекин йўловчиларнинг ғала-ғовури тўхтамади. Шундан кейин у ярим қоронғи вагонга кириб шундай деди:

— Сув тошқинидан йўл бузилганлиги учун, поезд шу ерда қолади. Вагонни бўшатишингизни сўрайман.

Йўловчилар темир йўл хизматчисига савол бера бошлашди, лекин унинг ўзи ҳам йўлнинг қаери бузилган, қачон тузатилади — буларни билмас эди.

— Иложимиз йўқ. Чиқиш керак.

Хироко билан ҳамроҳига командирларча гапирадиган киши ҳам қўшилди. Унинг эғнида яхши костюм, жуда ажойиб пальто, қўлида эса саквояж билан картон коробка бор эди.

Емғир ёғиб лой бўлиб кетган платформада усти брезент билан ёпилган посилка ва хатлар уюлиб ётар эди. Хироко Тахарадан Дзюкнитига тезлик билан ёзиб юборган хатим ҳам, эҳтимол, шу ерда ивиб ётгандир деб ўйлади. Уларни жўнатиш ҳеч кимнинг ёдига ҳам келмас эди.

Платформадаги аҳвол ҳам Михарадагига ўхшар эди. Лекин шаҳарнинг кўпчилик қисми, жумладан станция бинолари ҳам ёниб кетган. Хироко ва унинг икки ҳамроҳи бошиқа йўловчиларга қўшилиб, вақтинча

вокзалга суқиб қўйилган қўпол тахта олдига келишди. Бу ерга темир йўлнинг қаери қанчалик бузилганлиги ҳақида эълон ҳам ёпиштириб қўйилмаган. Унинг қачон тузатилишини ҳам ҳеч ким билмас эди. Навбатчидан сўраб, барака тополмасдинг.

— Сиз ўз йшингизга бефарқ қараяпсиз, бу сизнинг вазифангиз. Телефонингиз нима қилиб турибди бўлмаса!

— Телефон йўқ. Ёниб кетган,— деди хотиржамлик билан темир йўлчи ва Хироконинг янги ҳамроҳига шундай ўқрайиб қарадики, гўё: «қанақа аҳмоқсан ўзинг!»— демоқчидек эди.— Телеграф ҳам анчадан бери ишламайди,— деди у яна ўша вазиятда, папирос чиқитқисини ҳўл ерга ташлаб.— Радиоприёмник ҳам йўқ... Кечирасизлар, бу ерда туриш мумкин эмас. Ташқарига чиқинглар!

Янги ҳамроҳ тунагани бошпана топишда ёрдам берсин деб полицияга мурожаат қилиш кераклигини айтди. Бир неча юз йўловчи станцияда нима қиларини билмай довдирашар—узоқдан вайрона Хакуродзё қалъаси кўзга ташланар эди.

Ёнғин олган кенг кўчадан шаҳар бошқармаси томон кетишди. Шаҳарнинг қуйи қисмида виллис ва юк машиналари ёмғир сувини атрофга сочиб ўтишар эди. Америка ҳарбий полициясининг штабига кираверишда бошига оқ каска кийган, қуюқ сариқ қошли бир солдат октябрь ёмғири остида бегона юрт «Нетејі, Јрап»¹ да турар эди.

Уч киши бўлиб зинадан кўтарилиб, полиция бошқармасига чиқишди. Янги ҳамроҳ инглиз тилида «Справкалар бюроси» деб ёзиб қўйилган ойнага энгашди-да, тирсагини ойна остидаги чиқиб турган тахтага тираб туриб, йўловчиларнинг дардини гапира бошлади. Ўрта ёшлардаги полициячи унга жавоб қилди:

— Жуда, жуда ачинаман, афсуски, бу ерга ҳар кунининг минглаб йўловчилар келади.

У энгашиб, бошқа бир ходимдан ниманидир сўраган эди, у ҳам ҳеч кимни жойлаштира олмаслигини айтди. Шаҳарнинг барча меҳмонхоналари сув тошқинидан захмат чекканлар билан тўлиб кетган эди.

¹ „Нетејі Јрап“ —«Ҳинмедзи Япония» (Инглизча).

— Илтимос қиламан, бизни бир амаллаб жойлашти-
ринг,— деди янги ҳамроҳ.

У гапириб туриб чўнтагидан портсигарини олиб
шошмасдан папирос чека бошлади. Бутун важоҳати:
«Сизларни ҳам меҳмон қилишим мумкин!» дегандек эди.
У гўё бирор бир майхонада савлат тўкиб тургандек па-
пирос чекарди.

Хироко бир чеккада турарди, у рюкзагини ерга қў-
йиб, янги ҳамроҳини қизиқиш билан кузатар эди. Унинг
нафис тикилган костюми бу одам сув тошқини билан
ёнғинни кўрмаган деб ўйлаш мумкин эди. «Ажабо, касби
нима экан бу кишининг?»

Ногирон бўлим бошлиғи уларнинг гапидан ҳеч нима
чиқмаслиги маълум бўлгач, ташивишлана бошлади-да,
ўзича:

— Шу ўртада биринчи қурилиш компаниясининг
филиали йўқмикин-а?— деб қўйди.

— Илгари шу яқин орада бор эди.

— Биринчи қурилиш компаниясимми?

— Компания мавжуд бўлса, аввалги ўрнида, эҳти-
мол, вақтинчалик бирор биноси бордир,— деди бир
хизматчи қиз суюниб, гўё келгиндиларга ёрдам бермоқ-
чи бўлгандек.

— Илгариги ўрнидами?— деб енгил тортиб сўради
яна ногирон ҳамроҳ.— Биринчи қурилиш компанияси
демоқчимисиз?

— Ҳа, аввалги ўрнида деяпман.

— Филиали очиқми?

— Ҳа, ишляпти

— Раҳмат, раҳмат,— деди у ва орқасига рюкзагини
илиб, ҳамроҳларига шундай деди:— Мени шу ерда кутиб
туринглар. Агар конторани топсам, ётадиган жой топил-
ди деяверинглар. Ҳеч қаерга кетмай, мени шу ерда ку-
тинглар.

У тезда қайтиб келди.

— Кутдириб қўйдимми, кечиринглар. Юринглар кон-
торага! Ҳеч нима қилмайдн, бир амаллаб сиғамиз.

Полиция бошқармасидан бир неча ўн метр нарида
«Биринчи қурилиш компанияси» деган вивеска осиб
қўйилган барак бор экан.

Бир-бирига ўхшамаган уч сайёҳ идорага кириб, кал-
та столлар олдидан бири-кетини ўтиб, филлал директо-
ри билан саломлашдилар.

— Фамилиям Исида. Сизии анча безовта қилганимиз учун узр сўраймиз,— деди Хироко.

— Майли, майли... Қўлдан келганча ёрдам бераман. Маълум бўлишича, Хироконинг ногирон кўзли ҳамроҳи худди шу компаниянинг Хиросима районидаги бўлим бошлиғи экан.

Қандайдир бир ёш йигит уч йўловчини ёмғирда канал бўйидаги кимсасиз кўчадан эски шаҳар томон бошлаб кетди.

Кўкка бўй чўзиб турган баланд минорали Хакродзё қалъаси Хироконинг ёдига тушди; Химедзидан темир йўл билан келувчиларнинг ҳаммаси узоқдан ана шу қалъани томоша қилиб келар эди. Эски каналдаги сув зангори тусга айланган. Канал четидаги қари толлар ёмғирда энгашиб қолган. Улар кўприкдан ўтишди. Дарё бўйидаги кўчани сув босган эди. Зонт кўтарган бир хотин кимоносини баланд кўтариб, сувдан бир амаллаб ўтиб олди.

Йўловчилар қуруқроқ жой ахтариб тор муюлишдаги бир уйга кириб қолишди.

Кираверишда тутиб қўйилган омонат тўсиқни кўрибоқ бу ерда тунаш мумкинлиги сезилиб турар эди. Бу ташлаб қўйилган оддий уй бўлиб, ичига кириб кўрган киши бу ер меҳмонхона эканлигига ҳеч ишонмас эди.

Илгари етиб келган демоблизация қилинган солдатлар кираверишга ботинкаларини ечиб қўйишганди, булардан намиққан тери ҳиди анқиб турарди.

Хирокони иккинчи қаватдаги деразаси ҳовли томонга очиладиган бир хонага олиб киришди. Яқинда бу ерда ёшгина қиз турганлиги маълум бўлиб турарди. Хонада шокилалари осилган дастурхон ёпилган пардоз столи, унинг устида бир каробка упа. Бир метр кенгликдаги эски айвон панжара билан ўралган; айвондан Саяма тоғи кўриниб туради; унинг юмалоқ чўққисида қоровул будкасига ўхшаш кичик бир нарса қурилган.

Ўртадаги ингичка зинадан ваннахонага ўтилади. Зина устидаги томдан чакка ўтиб ётарди, коридорга сув йиғилиб қолган, томиб ётган чакка овози эшитилади. Пастки қават катта-кичик хонадан иборат бўлиб, унда бир оила турарди. Улар келган кишилардан уялишгани ҳам йўқ.

Хироко ён-атрофга қизиқиш билан қараб, ўйлашиб қолди: «Тўққизинчи октябрь. Агар Дзюкити қа-

моқдан шу бугун чиқса ҳам, барибир, у келгунча мен Токиога етиб боришим мумкин. У тўрт-беш кун йўл юради». Хироко ташвишланмаса ҳам бўлади, чунки шимолдан Токиога олиб борадиган темир йўл бузилган эмас, у томонда сув тошқини бўлгани йўқ. Хироконинг рюкзагига уч килограммча гуруч солиб олгани яхши бўлди.

Хироко барча тўсиқларни енгиб, борган сари Токиога яқинлашиб келарди. Тўсиқлар уни қўрқита олмади. Дзюкити ҳам Токиога ана шундай қийинчиликлар билан етиб боради. Улар Токиодаги уйда учрашадилар. Хироко учрашув онларини тинчгина ўйлай олмасди. Учрашув соатлари яқинлашиб келаётган сари бу тўғрида хотиржам ўйлаш қийин эди. Агар поезд уни бир кечада Токиога элтиб қўйганда, у Дзюкити келгунча қолган соатларни ўтказолмай қийналган бўларди. Хироко ўз жойида чидаб ўтиролмай, Аоморига жўнаб кетса, эҳтимол, Дзюкити билан учрашолмаган бўларди.

Йўлда янгидан-янги чиқиб келаётган тўсиқчиликлар, ҳамроҳлар Хирокони анча тинчлантирди, фикрини чалғитди. Хаёл Хирокони яна Токиодаги учрашув томон олиб кетарди. Хироко қийинчилик билан енгиб ўтган бу тўсиқчиликларни ўн йилдан ошиқ интизорлик билан, бутун вужуди ва қалби билан кутган шодлик кунга бир муқаддима деб билди.

Хироко билан ҳамроҳлари кирганда, тинчиб қолган қўшни хонадан яна шовқин овози эшитилди. У ерда Кореядан келган, демоблизация қилинган бешта солдат жойлашиб олган экан. Улар шу ердаги бошқа солдатлар билан тез аралашиб кетишди. Уларнинг ичида ўткир овозли гапдон киши ҳам бор эди, уни отахон дейишарди.

Кўп ўтмай юқорига фартуғ кийган хўжайин хотин чиқди. У янги келганларнинг номларини ёзмади ҳам.

— Фақат мана шу бошпана қолди, холос. Кўрпатўшак ва бошқа буюмларни олиб кетишган. Ҳамма ёқ эскириб кетган. Қийин, лекин қанча турсангизлар, бемалол.

Гуручларни ўртага қўйишди, хўжайин хотин уни ошхонага олиб чиқиб кетди. Янги ҳамроҳнинг қўлидаги катта коробкадаги нарса қўзиқорин эканлигини кўриб, Хироко ҳайрон қолди.

— Мен бугун Осакага етиб оламан деб, гуруч олга-

ним йўқ эди. Қарз қилиб турасизлар. Эртага бирор ердан топиб келаман.

Окаямадан келтирилган қўзиқоринлар гуручга мос тушди.

Овқат столи олиб кирилганда, янги ҳамроҳ ўрнидан туриб, тахмондаги саквояжни очди.

— Қиттак-қиттак қилсак нима дейсизлар-а?— деб сўради у.

— Нима дедингиз? Борми сизда?

Бўлим бошлиғи унга хурсанд бўлиб қаради.

— Бўлмасам-чи, бор. Одамларнинг кайфини кўтариш менинг касбим ўзи.

У спиртли шишани олиб, стаканларга қуйди-да, сув билан аралаштирди.

— Яхши! Бу ажойиб иш бўлди!

Бўлим бошлиғи кичик стаканни ишонқирамай олиб, япон сакэсини ичган каби, озгина-озгинадан хўплаб ича бошлади.

— Қандай ичяпсиз! Бирдан кўтариб юборинг!— Мана, қаранг.

— Ростданми? Одат-да, ўрганиш...

Янги ҳамроҳ стаканни оғзига олиб бориб, худди мусаллас ичгандек, ичкиликни бирдан ютиб юборди.

— Хоним! Нега сиз ичмайсиз?

— Бу борада мен сизларга ўртоқ бўлолмайман,— деди Хироко.— Айбим шуки, оғзимга ҳам олмаганман.

Янги ҳамроҳ Осакадаги машҳур қаҳвахона хўжайини экан. У ўзининг касби тўғрисида гапириб, гоҳо ўзи устидан ўзи кулар эди. Бу одам университетни тугатиб, қандай қилиб майхона хўжайини бўлиб қолганини ўзи ҳам билмасди, лекин иши ўзига жуда маъқул эди.

Дарчаси кўча томонга очиладиган хонада улардан олдин бошқа бир хотин кириб жойлашиб олган экан. Хироко шу хонага кириб ётишга ижозат сўради ва тонг отгунча ўша хотин билан бир одеялда ётиб чиқди.

Хироко эрта билан қўшни хонага кириб, беихтиёр кулиб юборди. Эркаклар кир пахта тўшак устида, маъюс ҳолда шипга қараб ётишар эди. Уларнинг устидаги тор, калта кўрпа кўндаланг қилиб ёпилган эди. Ушоққина бўлим бошлиғи, ҳар ҳолда, кўрпа ёпиб ётибман деса бўларди, лекин новчадан келган қаҳвахона хўжайинининг ориқ оёқлари ва оқ кальсони кўрпадан чиқиб ётар эди.

— Бу кўрпада тоза совқотгандирсизлар?

— Йўқ, унчалик эмас...

Уларнинг ухлаёлмай чиқишгани ўз-ўзидан маълум эди.

Улар нонушта қилишди. Нонуштадан сўнг эркаклар ёмғирнинг гоҳ тиниб, гоҳ ёғиб туришига қарамай, поезднинг юриш-юрмаслигини билиб келиш учун станцияга қараб кетишди.

Хироконинг ёлғиз ўзи қолди, унинг руҳи бир оз кўтарилди. «Бугун ўнинчи октябрь, деб ўйлади у.— Катторгага абадий ҳукм қилинган Дзюкити қамоқхона эшиги очилиб, у ердан чиқиб келаётганда ўзини қандай ҳис этаркин? Неча йиллардан бери биринчи марта озодликка чиққандан кейин ташлаган ҳар бир қадамидан роса завқ қилса керак». Хироко ўзининг бир йил қамоқда ўтирганидан кейин тўсатдан озод бўлганда қандай аҳволга тушганини эслади. Гўё қамоқ кишанлари зулматда қолиб, озодлик қуёши балқигандек туюлган эди. Дзюкитига ҳам энди мана шундай ҳамма нарса янгича кўрина бошлайди: ўн йилдан кўпроқ ўзи маҳрум бўлган ёруғ дунё унинг кўзига ёниб кўринади. Унинг ниҳоятда ҳолдан кетгани ва буни яшириш учун бошини мағрур кўтариб, Токиога қайтиб келаётгани яна Хироконинг кўз олдидан ўта бошлади.

Ҳа, у Хироконинг олдига қайтиб келмоқда. Бу шаклшубҳасиз. Лекин, ҳар ҳолда... Хироко қўшни хонадаги солдатларнинг зериккандан коридорда у ёқдан-бу ёққа ўтиб юришганига, ҳавонинг аксига олгани ҳақида гапираётган гапларига қулоқ солди, унинг ҳам хаёлидан кўп нарсалар ўтар эди. Хироко Токиога қайтиши билан Дзюкитининг қайтиб келиши ўртасида катта фарқ бор. Хироко фақат эри ҳақида ўйлайди. Эри тўғрисида ўйлаш ва бутун ҳаётини унинг йўлига тикиб қўйгани— Хироко ҳаётининг энг муҳим томони эди. Дзюкити Токиога, Хироконинг олдига қайтиб келмоқда, унинг қандай шошилиш билан келаётганини Хироко тасаввур эта олади. Ҳар ҳолда... Хироко Дзюкити интилаётган улкан ҳаётнинг фақат бир бўлаги, холос. Дзюкитининг турмада ўн йилдан кўп бўлганлигини яхшилаб ўйлаб кўрганда бу ўз-ўзидан ойдн бўлмайдими? Хироко Дзюкитисиз қандай умр кечиришини ҳам кўз олдига келтиролмас эди. Дзюкитининг ҳаёти эса Хироко бўлмаганда ҳам ҳеч ўзгармай давом эта берар эди. Хироко шунча узоқ йиллар ана шу ҳақда ўйлади.

Бундан етти йил илгари уни пролетар адабиёти ассоциациясида иштирок этишда айблаб, уч йил қамоққа ҳукм этилгани хаёлидан ўтди. Дзюкити ўз судига тайёрланиб бориш билан бир қаторда, Хирокога қўйилган айблар билан ҳам танишиб чиқди. Ўшанда Хироко адабиётнинг синфийлигини охиригача очиб беролмаган эди. Дзюкити қамоқдалик чоғида хотинининг қайси йўл билан кетаётганини, қандай камчиликларга йўл қўйган-у, қайси томонини ҳимоя қилиш кераклиги ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрди ва Хирокога ёзган хатларида ўз фикрларини баён қилди. Хироко эридан кўп нарсаларни ўрганди. Ўзи йўл қўйган, арзимас камчилик бўлиб кўринган нарсалар Дзюкити нуқтаи назарида унинг хотинидек одам учун катта хато бўлганини Хироко тушунди.

Дзюкитининг Хирокога чидам билан муносабатда бўлиши, муравват кўрсатиши Хирокосиз яшай олмайди деган гап эмасди, албатта. Аксинча, Дзюкити Хирокосиз ҳам ишлай олади, лекин Хироко Дзюкитисиз яшай олмас эди. Дзюкити бунга яхши биларди, шунинг учун ҳам хотинига шундай муносабатда бўларди. Хирокога таалуқли нарсаларни уқиб, тушуниб шахсан ўзиникидек деб билишида муҳаббати унга катта ёрдам берди.

Қўшни хонадаги солдатлардан бири юраги қисилганидан керишиб қаттиқ бир эснади-да, томоқ қирди:

— Оҳ, қани энди шу пайтда маза қилиб бир ичсанг!

— Шунга айт, Кореядан келаётганимизга худонинг ўзи шоҳид. Уйга борамиз-у, роса тўйиб ичамиз деб ўйлаган эдик. Мана энди Осака олдида ўралашиб қолдик! Икки кун-а!

Йиғитларнинг овози бу сафар яна ҳам жаранглаб, жиддий эшитилди, Хироко яна ўз ўйи билан банд бўлди. Шунча оғир йилни босиб ўтишга, ўзини дадил тутишга, ҳозир эса, икки киши бўлиб ҳаёт кечиришлари тўғрисида қувонч билан ўйлашига нима ёрдам берди? Албатта, Дзюкитига бўлган муҳаббати-да. Бу муҳаббат уни руҳлантирди, унга қувват бериш-лади ва келажак ҳақида орзу қилишга ундади. Дзюкити унинг қўлидан етаклаб, бутун тўсиқлардан олиб ўтди.

Хироко Дзюкити билан Токиода учрашганда, унга айтадиган биринчи гапи барча қилган яхшиликларини учун чин юракдан миннатдорчилик билдириш бўлади.

Қўшни хонада нимадир жаранглаб ерга тушди.

— Онламининг ҳозир қаерда эканлигини ҳам билмайман, урушда бир-биримизни йўқотиб қўйдик...

Суҳбатдошларнинг биронтаси чурқ этмади.

— Нима, нотўғри гапиряпманми? Худди шундай бўлди!

— Ҳа... тўғри...

— Ҳали ёшсизлар, дунёга энди келяпсизлар! Мен элликка бориб қолдим. Ўйлаб кўринг-а! Энди ўлдиришса ҳам урушга бормайман.

— Энди уруш бўлмайди.

— Тўғри... Бошқа уруш бўлмайди!

«Отахон» одамларнинг вақт ўтгандан кейин тўғри хулосага келганликларини билдирмоқ учун, пиқиллаб кулиб қўйди.

Хироко ўзи ҳақида ўйлаб ва қўшни хонадаги гаплар билан алаҳсиб, вақтнинг қандай ўтиб бораётганини сезмас эди.

Хонага биринчи қурилиш компаниясининг дастёри — ёшгина йигитча кириб келди ва қаҳвахона хўжайини поезд борлигидан фойдаланиб, Окаямага қайтиб кетмоқчилигини, қўзиқоринларни шу ерда қолдириб, саквояжни олиб бориб беришни илтимос қилганини айтди.

Йигитча кетгач, Хироко ярим хароба меҳмонхона ичида бир ўзи қолди. У сёдзини суриб, атрофга қаради. Сасаяма тоғида аллақандай оловлар милтиллайди, қаердадир том орқасида калхатнинг чинқирган товуши эшитилади. Ёмғир майдалади, калхат ҳам учиб осмонга кўтарилди. «Ҳаво юришиб кетадиганга ўхшайди», — деб ўйлади Хироко. Бироқ тўсатдан шамол туриб, ёмғир шовқуни кўтарилиб, атрофдаги муҳит яна ўзгариб қолди.

Совуқ тушди. Хироко рюкзакдан хаорисини¹ олиб, юпқа кимоно устидан кийиб олди. Кўп ўтмай ўз ҳамроҳини жўнатиб, бўлим бошлиғи ҳам келди. У тарвузи қўлтиғидан тушган кишидек кўрнар эди.

— Иш чатоқ. Жуда ҳам чатоқ... — деди у, хонага кириб. — Йўлнинг тузатилишига ҳеч умид боглаб бўлмайди. Йўлнинг Акасидан у ёғи тузатилган, лекин Акасигача йўл йўқ, тузатилмаган. Илгари бир кечада қилинадиган иш энди бир неча кунга чўзиляпти. Одамларни қизиқтирадиган нарсанинг ўзи йўқ: на нон бор, на овқат.

¹ Устки калта кийим.

Ремонт қилиш учун материал йўқ. Қисқаси бир нима кутиш қийин. Иш чатоқ!

Бўлим бошлиғи бир неча кун илгари Осакадан телеграмма олиб, ўз оиласига қайтиб кетаётган эди. Энди у Хиросимага ҳам қайтиб кетолмайди: қаҳвахона хўжайини кетган Окаяма поездди охирги поезд эди.

— Бир амаллаб Акасига бориб олиш керак.

— Ҳа. Эртага эрта билан юк машинасини ахтариб кўраман. Ҳар эҳтимолга қарши қўшниларимиз — солдатларни ҳам бирга олиб кетиш керак, йўлда бирор ҳодиса юз бериб қолиши мумкин-да! Лекин юк машинаси Акасигача борармикан? Какогава районида катта сув тошқини бўлган дейишади.

Ҳақиқатда ҳам Акасига кетишдан бошқа илож қолмади. Ҳаво айнаганча ўзгармади. Гоҳ тиниб, гоҳ ёғиб, кечқурун селга айланди. Шунда филнал директорнинг уйдан киши келиб, бўлим бошлиғини меҳмонга таклиф этиб кетди.

— Эътироз билдирмасангиз, мен ўша ерда ётиб қоламан, — деди ҳамроҳи Хирокога ва чиқиб кетди.

Кўп ўтмай электр ҳам ўчиб қолди. Хироко ёлғиз ўзи қоронғи уйда Сасаяма тоғларидан келаётган шамол овозига ва қиялаб ёғиб, дарча ойналарига урилаётган ёмғир овозига қулоқ солиб ўтирди. Уйдан чакка ўта бошлади. Палосга оғир томчилар енгил тушар эди.

Бирдан зинадан чиқиб келаётган одамнинг сояси деворга тушди. Уй бекаси шам олиб келаётган эди. У шамнинг ёруғи уйга ҳам тушадиган қилиб коридордаги токчага қўйди. Хироко ўтирган уйга катта жом қўйилган эди.

Хироко ўтган кеча ухлаган қўшни хонага яна чиқди. Хонада упа-эликларнинг ҳиди димоғига ургач, одеялнинг ичига кириб ўралиб олди. Лекин шипдан чакка ўта бошлади.

— Нима қилдим-а? Бу нимаси? Бу ҳолда ухлаб бўлмайди.

— Бу ёмғирда ҳамроҳим қайтиб келмайди. Ўзимнинг хонамга чиқай. Девор тагидами, бирор жойда ухларман.

— Наҳотки у ер шунчалик ҳўл бўлса?

— Хўп, майли ҳечқиси йўқ, бир амаллайман.

Қиялаб ёғаётган сел бир оз пасайди. Лекин уйда тоғорага тушаётган чакка овози тўхтамади. Хироко

оёғи билан пайпаслаб кўриб, палоснинг қуруқ ерини топди. Сўнгра коридордан кўрпа олиб келиб, ўша ерга ёзди.

Қўшни хонадаги солдатлар ухлашмаган эди; улар коридорни ажратиб турадиган тўсиқни суриб қўйиб, шамнинг хира нурида гаплашиб ётишар эди. Кейин уларнинг биттаси ашула айта бошлади. У гўё Корейянинг қайсидир бир казармаси ёнидаги ўтлоқда, оёғини чалиштириб, икки қўлини боши остига қўйиб, осмонга қараб ётиб қўшиқ айтаётгандек эди. Ёмғир шовқинида, қоронғи меҳмонхонада, мамлакатнинг бир бурчидаги Химедзи шаҳрида у ашулани кетма-кет айтар эди. Бу қўшиқ патефон пластинкасидан эшитиб юганда эса коладиган ашулалардан эмас, халқ қўшиқлари эди.

Коридорга қўйилган шамдан тушаётган хира сарғиш нур тўсиқ тирқишидан ўтиб, кўрпа четига тушиб турар эди. Қўшиқ айтаётган солдатнинг товуши яхши эмасди-ю, лекин у чин юракдан куйларди, бу эса тингловчиларнинг баҳрини анча очарди. «Отахон» ҳам ҳар замонда куйга мослаб қарсак уриб қўяр, ҳамда оғизда сямсисан чалган киши бўларди, бу эса қўшиқни яна ҳам жонлантирарди.

Қўп ўтмай қўшиқ айтаётган кишига унинг ҳамма дўстлари ҳам қўшилиб кетишди.

— Яна бир яхши қўшиқ бор. Биласизми?

У бошқа қўшиқни бошлади. Шу аҳвол бир соатдан кўпроқ давом этди. Солдатларнинг бетамиз ашуласидан битта ҳам айтишмади. Хироко шу қўшиқларни эшитиб ётиб, ухлаб қолди.

11 ноябрь куни Хироко эрта билан соат еттида уйғонди. У ўрнини йиғиштира туриб: «Нима бўлса ҳам шу бугун жўнаб кетиш керак»,— деди.

Кечаги селдан кейин иккинчи қаватдан Сасаяма тоғи устидаги эрталабки куз осмони кўм-кўк бўлиб кўринар эди. Бироқ ғарбда қорамтир булутлар сузар, ҳавонинг узғариб қолиши ҳеч гап эмасди.

— Бугун жўнар эканмиз-да!

Қўшни хонада юкларни саранжомлаш бошланди, боғич темирларининг шарақлаган овози эшитилди.

— Кампирга айтинг, нонуштани тезроқ тайёрласин.

Хироко ювиниб бўлгач, гуручдан нонуштага ҳам, йўлга ҳам етадиган қилиб ажратиб олди-да, паства тушди. Узун, торғинна ошхонада хўжайин хотиннинг қизи билан

келнин гўё биринчи марта ошхонага кирган кишидек уймалашар эди. Улар меҳмонхонадаги ҳар бир кишига алоҳида декчада гуруч пиширишар эди.

Хироко уларга бугун кетажagini айтиб, нонуштани тезроқ тайёрлаб беришни илтимос қилди-да, ўз хонасига қайтди. Хироко бўлим бошлиғи келганда рюкзакларини йўлга ҳозирлаб турган эди. Унинг юзи чақнаб турар эди.

— Салом! Кечирасиз мени. Чинакам тўшакда шундай мириқиб ухладимки... Бу нимаси, наҳотки чакка ўтган бўлса?— деб у хонадаги жомга ишора қилди.

— Ҳа. Кечқурун электрни ўчириб қўйишди. Мен бошқа хонага ўтиб ухламоқчи бўлдим-у, яна келиб шу ерда ётдим. Хўш, юк машинаси топдингизми?

— Ҳа, юк машинами...— Бўлим бошлиғи, негадир ишончсизлик билан гапирар эди.— Идорагача борайлик-чи бир гап бўлар, ўйлаб кўрамиз.

— Бўлмасам, тезроқ нонушта қилайлик.

— Мен нонушта қилиб келдим.

— Бўлмаса, мен тезроқ бўлишим керак экан. Пастда ҳар кишига алоҳида нонушта тайёрлашяпти, уймаланиб ётишибди...

Хироко ошхонага тушди. Бешта бола пишаётган овқатлардан озгина бер деб ўралашиб юришибди. Дўкондор хотин кириб келди.

— Гуруч пишгунча нарсаларни тайёрлаб қўяйлик.

...Ярим соатдан сўнг дастёр йигитча ўз велосипедига бўлим бошлиғининг юклари билан Хироконинг рюкзagini олиб, идорага олиб кетди. Хироко юқорига гуручни қосончаси билан олиб чиқди-да, тез-тез еб, қолганини юмалоқлаб тугиб олди.

Улар кўчага чиққанда ёмғир тинган, лекин булутлар сузиб юрар эди. Кўприк олдида сув кўчадан силжибди. Хакуродзё канали бўйида эса эрталабки сокинлик ҳукм суради. Кенг қирғоққа ётқизилган тош плиталар узоқ ёққан ёмғирда чиннидек бўлиб қолган.

Қурилиш компаниясида Акасига машина боролмаслиги маълум бўлди. Ниҳоят улар соат 11 да Химедзидан Какогавага жўнайдиган поезд билан кетишга қарор қилишди. Какогавадан Акасига етти ри пиёда юриш керак эди.

— Хўш, қалай? Етти ри юра оласизми?— деб сўради бошлиқ.

— Ҳа, ўнгай эмас. Сиз ҳам Осакага кетяпсиз-ку, Акасигача бирга кетишимиз мумкин. Етти рини бир кунда босиб ўтармиз. Олга юриш анча енгил, ҳар ҳолда. Етиб оламиз.

Поезд имиллаб юрар, уларнинг жиғибийрони чиқиб, ҳа деганда темир йўл кўтармасига қарашарди. Ғамхўр бўлим бошлиғи Хирокони Акасига етиб бора олармикин деб ташвишланарди.

— Сиз билан кетиш маъқул бўлар эди-я. Лекин йўлда бирор сабаб билан тўхтаб қолсак, қийналиб қолармикинсиз дейман, кечаси дурустгина ухлай олмагансиз.

— Бу ҳақда ўйламасангиз ҳам бўлади. Шу ергача ҳамроҳ бўлиб келганингиз ҳам етар. Энди бу ёнига кучингиз етганча кетаверинг, менга қараманг. Шундай бўлсин! Энг яхши ҳамроҳ ҳам, бора-бора дардисар бўлиб қолиши мумкин. Бунақа пайтларда тортишиб-нетиб ўтиришнинг ҳожати йўқдир дейман.

Какогава станциясида ҳамма вагондан тушди. Ҳаяжон билан атрофга алаңлаб, перрондан ўтгач, станция олдидаги майдонда иккита юк машина турганини кўришди.

— Мана бу иш яхши!— деган овозлар эшитилди.

Хироко ҳам, бошқалар қатори, ич-ичидан қувонди. Акасига пиёда борамаи деб айтиш осон эди-ю, аммо бориш қийин гап эди.

Шоферлар йўловчиларни ўн кишидан қатор қилиб, ҳар бир машинага уч қатордан одам ўтқазишди. Ҳар бир йўловчидан икки иендан пул олишди. Бу тартибдан ҳамма мамнун бўлди.

— Ҳозир қайтиб келиб, қолганларни олиб кетамиз,— деб ваъда беришди шоферлар.

Хироко бошлиқ билан бирга иккинчи машинада кетди.

Химедзида, Какогава станцияси олдини сув босган ўтишнинг иложи йўқ эмиш деган гапларни эшитган эди. Бу нотўғри бўлиб чиқди. Машиналар дам ўтмай эски почта йўлидаги қишлоқни ортда қолдириб, тўрт томони бепоён катта йўлга чиқиб олди. Хироко шоферлар нима учун Акасигача оз ҳақ олишди экан деб ўйлаши билан машина юришини секинлатди-да, тўхтади.

— Биз шу ергача олиб келамиз. У ёнига бошқа машина билан кетасизлар.

— Бу қанақаси? — деб сўрашди жаҳли чиққан киши-лар.— Яна қанча пнеда юриш керак?

— Уч юз метр. Бу ерда кўприк бузилган.

Йўловчилар бошқа машинадан кеч қолмаслик учун бир-бирини қувиб олдинга кетишди. Ҳақиқатда кичик бўлса ҳам тез оқар дарё ғишт кўприкни оқизиб кетган эди. Кўприкнинг қолган-қутган темир-терсагига ва тахталарга тиралиб, қумли қоплардан иккинчи соҳилга ўтиб олса бўларди. Тахтадан тахтага сакраб, дарёдан ўтиб олишди. Бу томонга, орқасига қизил велосипедни кўтариб олган почтабон ҳам ўтди. У томонда иккита «Виллис» турар, иккита америка солдати ҳар хил кийимдаги японларнинг чамадон ва бошқа буюм кўтариб, бузилган кўприкдан қандай қийналиб ўтаётганликларини томоша қилиб, қаттиқ-қаттиқ гаплашиб туришар эди.

Бу ерда машинага ўтириш тартибсиз бўлди, бу иш аввалгисидек яхши ташкил қилинмаган эди. Тақсимот-чининг тажрибасизлигидан одамлар учтадан-тўрттадан бўлиб туришди.

Хироко бўш яшик устига чиқиб, оёғини бортдан оширд-ди-да, бир амаллаб кузовга чиқиб олди.

Йўлнинг икки томонидан одамлар тўп-тўп бўлиб келишар, уларнинг узоқдан келаётганлиги кўриниб турар эди. Грузовикда, Хироконинг олдида шофернинг кабинасини ўшлаб, бир йигит билан бир қиз келар эди. Улар бири-бирига ёпишиб олишган эди. Қиз тиниқ ҳаво ранг сви-тер ва йўл учун ноқулай бўлган пошнаги амиркон туфли кийиб олганди, шамол қизнинг сочини тўзитиб ўйнардди. Йигит бош яланг, эгнида янги костюм, оёғи остида (қизнинг буюмлари бўлса керак) бир чамадон турар эди. Уларнинг иккови гўё ёлғиз ўзи кетаётгандек туришарди. Қаршидан турган қаттиқ шамолдан чўчиб, йигит костюмини ечиб, қизнинг елкасига ташлаб кўйди. Қиз костюмнинг баъридан тутиб турарди. Йигит қизни қучоқлади. Улар машинада олға қараб чайқалиб боришар, гўё дунёга келиб бир-бировидан бошқа ҳеч кимни кўрмагандек туришар эди.

Хироко рюкзакдан рўмолча олиб, шамолда тўзғиган сочларини танғиди.

Ун минут ўтар-ўтмас бу машина ҳам тўхтади. Йўл бузилган, у ёққа юриб бўлмас эди. Кейинги машинагача яна икки ри юриш керак. Ҳамманинг кайфи бузилди.

— Шуларнинг ҳаммаси бор-йўғи икки кунда бўладиган иш-ку! Шунчалик ҳам бемаънилик бўладими! Бу қандай гап! Машинага тушаётганингда олдиндаги йўлнинг қанақанчилигини айтишмайди.

Хироко бу гапларнинг ҳақлигига амин эди. Ҳақиқатда ҳам бундан буён нима бўлишини, буни ҳеч ким билмасди. Ҳамма фақат бугунги куннинг қайғуси билан, келажакни ўйламас эди. Бундай эътиборсизлик фақат йўлдаги машинада эмасди, ҳамма жойда: идораларда ҳам, армияда ҳам, қамоқда ҳам аҳвол шундай эди. Оддий япон халқини мана шундай кризисга дучор қилиб ҳар бир кишини жон қийноғига солиб қўйдилар. Хироконинг ҳам аччиғи чиқиб кетди.

Хироконинг ҳамроҳи арава топиб келди. Арава хўжайини ўғли билан ўн иендан олиб юкларни олиб бориб беришга рози бўлди. Пиёда йўловчиларнинг юкини ташиб бериб маҳаллий аҳоли ҳам пул ишлаб олди.

Химедзидан узоқлашган сари ҳаво очила борди. Фақат орқа томонда, улар жўнаб кетган ерда қора булут кўринар эди. Тепа устига кўтарилиб, яна пастга тушиб кетган катта йўл қуёш нурида ялтиллаб кўринарди; ўткинчиларнинг оқ кўйлаги аниқ кўриниб турарди. Чанглар ёмғирда ювилиб, бир текисда йўлга соя тушди.

Хироко оёғидаги студентлар ботинкаси билан бедана юриш қилиб борар эди.

— Хоним! Аравани ушлаб олинг, юришингиз енгиллашади. Йўқса, қолиб кетасиз,— деди Хирокога ҳамроҳи.

Акасига, яъни унинг уйига яқинлашиб боришган сари у Хирокога кўпроқ далда берар эди.

Юкларни аравага ортишган эди. Одамлар араванинг атрофини ўраб, пиёда боришарди. Бундай группани олдинда ҳам, орқада ҳам кўриш мумкин эди. Йўловчилар оқими борган сайин кўпайиб борди.

— Бир кунда анча пул ишлаб олишади.— Ҳозир шундақа пайт!— деди Хирокога ҳамроҳи.

Бошини сочиқ билан танғиб олган аравакаш аравани тортиб борарди, йўл пастликка томон йўналгани сабабли аравакаш терламас эди. Қияликдан пастга эса у одамларни четлан, деб огоҳлантириб қийқириб аравани ғизиллатиб олиб тушди:

— Хой, эҳтиёт бўлинг! Қочинглар!

— Йўлда қанча одам бор-а...

Хироко кучини йиғиб, орқада қолмасликка ҳаракат қилди. Нафаси қисилар эди. Хироко ҳолдан тойиб, энди бир қадам ҳам босишга мадори қолмаганида, аравакаш бирдан йўл чеккасига чиқиб, шотисини туширди. Бу ерда яна бир неча арава турар, одамлар тўпланган, улар юкларни олиб қўйишар эди. Эллик метр олдинда одамлар тизилишиб машина кутиб туришарди.

— Шу ергачами? — деб сўради бўлим бошлиғи.

— У ёғига машина олиб боради.

— Шундайми? Яна уч ри эмиш!

Ўзи бир ри ҳам юришгани йўқ. Лекин аравакашнинг қанча масофага олиб келгани Хирокога барибир эди, чунки у араванинг тўхтаганидан мамнун, бошқа юролмас эди.

— Энди бошқа аравага ўтмай, Акасигача шуниинг ўзида борсак яхши бўларди.

Одамлар бесаранжом бўлиб, юк машинасини кутишар эди. Ҳеч қандай навбат, ҳеч қандай тартиб йўқ. Одамлар етти қатор, саккиз қатордан бўлиб туришар эди. Бир қанчаси юкнинг устида ўтириб нок чайнардди. Буларни олиб кетиш учун бир қанча машина керак, одамдан бир соат ўтса ҳам, машинадан ҳамон дарак йўқ эди.

Баъзан Акаси томондан демоблизация қилинган солдатлар билан тўла юк машиналари ўтиб қоларди, одамлар олдиндан ўтганда лик тўла машинадаги ёш солдатлар қийқириб қўйишар эди. Бу машиналар учиб ўтар ва тезда кўздан ғойиб бўларди. Машина кутувчилар алам қилганиданми ё ҳаваси келганиданми, ҳар ҳолда сўз отиб қолишар эди.

— Ўтаётганларнинг ҳаммаси корейслар!

Уруш вақтида ёш корейс йигитларни Япон армиясига зўрлаб хизматга олишарди, ҳукумат эса, улар ўз истағи билан хизмат қилмоқда деб эълон қилганди. Қайси бир йигитнинг ота-онаси бунга қарши чиқса, уни қамоққа олишарди: Хироко бу можароларни кўп эшитганди. Киши ўз ватанига қанот қоқмайди дейсизми? Куз кунларида Япониянинг ҳар бир кўчасида корейслар тўла юк машиналар охириги тезликда ғизиллаб, елиб борарди.

Қўёш уфққа оға бошлади, соялар узун-узун йўл ташлади, аммо машинадан дарак бўлмади. Афтидан олдинда ҳам машина кутиб турганлар бўлса керак, ўшалар тугиб қолганга ўхшайди. Тартибсизлик бўлаётган жойда бу

ҳол ажабланарли иш эмасди. Тартибсизликдан ташқари яна шоферларнинг найранги ҳам бор, улар Осака-Кобэ каби серқатнов районлардаги сингари ҳийла ишлатишадди. Машинага кўз тикиб турган бир неча юз кишининг биронтаси ҳам ваъда қилган юк машинаси шу пайтгача нима учун келмаганлигини билмас эди.

Бўлим бошлиғи қўл соатига қараб олди-да, Осакадан жўнайдиган маҳаллий поездга етиб боролмаслигини билиб, ташвишлана бошлади. Агар соат тўққиз яримгача Осака вокзалига етиб боришолмаса, бугунги ҳамма ҳаракат ва бутун ўйлари зое кетади.

— Бу ерда қанча турсак, тураверамиз. Илтимос, менинг юкларимга қараб турунг.

У қатордан чиқиб, орқа томондаги аравалар турган жойга қараб кетди. Шу пайт Хироко ажойиб тантанали бир юриш билан келаётган солдатларни кўриб қолди. Улар ўн беш ёшлар чамасидаги ўспиринлар отряди эди. Уларнинг эгниларида бир хил кийим, юзларидан адо этаётган вазифаларининг ифодаси акс этиб турарди. Улар худди ер остидан чиққандек кутувчилар олдида бирдан пайдо бўлиб қолишди. Қўпол арқон билан боғланган орқаларидаги бошлари барабар бўлиб турган оғир юк кўкрак қафаси орқали чандиб боғланган, қўллари эса новдадек шалвираб осилиб қолган эди. Улар олдинга энгашиб, зўрға юриб боришар эди. Ўзидан катта юкни қандай кўтариб боришяпти экан? Кўринишидан, бу кичик солдатлар, орқасидаги юклари билан Акасида келишмоқда эди. Уларнинг юзида ҳорғинлик аломатлари акс этар эди. Ҳаммаси бир хил ҳарбий кийим кийган. Машина кутувчиларни ҳаммадан ана шу нарса ҳайратда қолдирди.

— Бу нима гап ўзи? Қаранглар?

Бир неча киши қатордан чиқиб, уларга яқинроқ борди. Ўттиз ёшлардаги оқ кўйлак, мош ранг шим ҳамда четр кийиб олган бақувват бир киши Хирокога рўпара келганда бақириб, англаб бўлмайдиган сўзлар билан команда берди. Сўнгра бамбукдан қилинган хипчинини кўтариб ёш солдатлар орқалаб келаётган юкларга ура бошлади. Эшак қамчи товушини эшитиши билан қадамларини тезлатгандек, улар ҳам қадамларини тезлатишди, орқаларидаги юк билан роса ҳам лўкиллаб кетишди. Ҳаддан ташқари кўп ортилган юк уларни ерга букиб қўйган эди. Хироко қараса: болалар бошларинини олдинга

чўзиб, қўл силкиб боришяпти. Уларнинг кир бўйниларидаги қон томирлари ўйнаб чиқиб кетган эди.

Юзлаб кишилар ана шу ўспиринларнинг аҳволини кузатиб турар эди. Улар қатор-қатор бўлиб ўтишди. Охирги саф ўтиб бўлгач, кимдир секингина:

— Кичкина солдатлар...— деб қўйди.

Хироконинг аъзон бадани қалтираб кетди: «Кичкина солдатлар! Худо ўз папоҳида асрасин, илоҳо эсон омон етиб олинглар» деди у.

Ҳарбий формадаги ўсмирлар ҳали ўтиб бўлмаган эди ҳамки, Хироконинг ҳамроҳи ҳовлиққанча келиб қолди. У кичкина солдатларга эътибор ҳам бермади.

— Хоним! Тез юринг, тез! Арава топдим. Акасингача борадиган бўлдик!

Хироко рюкзакини олиб, унинг кетидан эргашди. Аравага юкларини қўйиб бир қанча одам ўтирар эди, Хироко оёғини арава ўқига қўйиб, аравага ёпишди ва бир амаллаб чиқиб олди-да, қандайдир тугунча устига ўтирди. Унинг ёнида олтинш ёшлардаги кампир ёшгина қизи билан ўтирарди. Бўлим бошлиғи араванинг олдига жойлашиб олди.

— Ҳамма ўтирдими? Қўпайиб кетибсизлар-ку. Иш қилиб арава ағдарилиб кетамаса гўрғайди.

Ҳамма кулиб юборди. Кишиларнинг руҳи кўтарилди. Баъзилар бир-бирига суянишиб яхшироқ жойлашиб ўтиришди.

Арава бирталай юк билан секин йўлга чиқди ва машина кутиб турувчилар олдидан юриб ўтди.

— Ҳой, қаранглар! Кетишяпти... Ҳозир юк машинаси келиши керак!

Бир неча юз метр олдинда бир тўда одамлар турар, афтидан, улар шоферга икки-уч ҳисса ортиқ ҳақ тўлашга рози одамлар эдилар. Кичкина юк машинаси бирпасдан кейин келиб, уларни олиб кетди.

— Навбат кутиб туришибди, ярим кечада ҳам кетолмайсан киши! — деди аравакаш.

У бу ерга бир кунда бир неча марта қатнаб, энди уйига кетаётган эди. От бошини қуйи солиб, думи билан пашшаларни ҳайдаб, зўрға оёқ босарди. Аравакаш ёнида борар, отга ачиниб қамчи ургиси келмасди. «Акасига барибир соат олтигача етиб борамиз»,— деб ўйлаб шовилмас эди.

Химедзидан жўнашгандан бери кун бўйи Хироко

аравадан машинага, машинадан аравага ўтиб, яёв юриб, чарчади. Шунинг учун ҳам у энди аравада оёғини болаларча осилтириб ўтириб чайқалиб борар эди.

Йўлнинг икки томонига Бансю паст текислигига ботиб бораётган куз қуёшининг шуълалари тушиб турар эди. Ғарб томонда, узоқдан тоғ тизмалари кўрнанади. Кўк юзида енгил оқ булутлар сузиб юрарди. Хироко аравада тебраниб ана шу тоғ ва булутларга осуда боқиб борар эди.

Бундай куз кунда Бансю яланглигига тасодифан келиб қолгандек бўлди. У шарққа, Дзюкити томон кетаётган эди. Араванинг секин юриши унга ёқарди. Бансю паст текислигининг қандайдир ўзига хос кўрки бор эди, у Хироко яшаган Канто паст текислигига ҳам, поездда ўтиб кета туриб кўргани Насуно паст текислигига ҳам сира ўхшамас эди. Бансюнинг кўрки узоқларда кўзга ташланиб турган чўққили тоғлари, ҳайдалган ерлари ва кечки осмонининг гўзаллиги билан ажралиб турарди. У ер-бу ерда майда кўллар ярқираб кўрнанади.

Иккита ёш корейс юкларини аравага қўйиб, ўзлари арава кетидан боришар: улар чопонларини ечиб, энгларини шимариб олиб, ҳуштак чалиб боришар эди. Улар иноқ дўст бўлсалар керак, чиройли оқ тишларини кўрсатиб хушчақчақлик қилиб боришар, донм корейс тилида сўзлашиб, ҳазил қилишар, кулишарди.

Хироко сафар пайтида кўрган корейсларнинг ҳаммаси ғарб томонга, фақат ғарб томонга, бўғоз томонга қараб борар эди. Лекин бу корейслар эса шарққа қараб кетмоқда эди. Уларни олдинда шодлик кутаётгандек гоҳ олдинга, гоҳ орқага ўтиб ашула айтишар эди.

Куз қуёши енгил шамол остида тоғ бағирларига, дала ва қишлоқларга ҳамда Бансю паст текислигидаги дарахт новдаларига олтин нур сочар эди. Арава ўнқир-чўнқирлардан ўтиб секин юриб борар, унинг гижирлаши корейс йигитларининг қувноқ кулгисига қўшилиб кетар эди. Бу эса Хироконинг ўйлари билан қўшилиб кетди. Унинг сезгиси кескинлашган эди. Хироко ўтиб бораркан, Акаси қарағайзори фондаги катта қизил заводнинг харобасига, қишлоқдаги кичик уйларга қаради ва уларни бир умрга ёнда сақлаб қолди. «Бутун Япония янги келажакка, янги ҳаётга, олға томон шундай ҳаракат қилмоқда»,— деб ўйлади у.



ИККИНЧИ ҚИСМ

ФУТИСО

I

Лаборатория ўртасидаги стол усти ҳар ҳил нарсалар билан тўлиб кетган: турли-туман пробиркалар, ичига шиша таёқча солинган мензуркалар, колбалар ва яна қандайдир қопқоқли шиша идишлар унга бир тартибда териб қўйилган. Токчаларда нима учундир ишлатилиши лозим бўлган, эгилган шиша найчалар осиб қўйилган.

Октябрь ойи қуёшининг кечки нурлари бу шиша идишларга тушиб, уларнинг атрофида енгилгина ранг-баранг соялар ҳосил қилган.

Клиника Мусаси водийсидаги дарахтзор ичига жойлашган. Лабораторияда чуқур жимлик ҳукм суради; фақат газларнинг вишиллашигина бу сукутни бузарди, холос. Бу товуш эса, бурчакдаги токчада қайнаётган эритмадан чиқмоқда.

Столнинг бир четидаги электр плитка устига темир ғалеирча қўйилган бўлиб, унинг ичига паррак қилиб қирқилган батат солинган. Плитканинг ёнгинасида пиёлалар, оғзи очилган консерва банкаси, уй нони турибди. Ёп-ёруғ бу хонага кирган ҳамоно қовурилган бататнинг ҳиди гуп этиб димоққа уради.

— Бўгандир энди.

— Йўғ-е, бир оз қовуриш керак.

— Мана қарагин, бу ери куяётганга ўхшайди.

— Қани?

Дзюкити устига материя қопланган стулни столга яқин суриб олиб, қовурилаётган бататга қараб турибди.

Эгнида қандайдир дўсти совға қилган, арзон материядан тикилган узун, эски костюм. Оёғида Дзюкитининг юртидан Токиога қайтишда Хироко олиб келган ботинка. Умр бўйи қамоққа ҳукм қилинган Дзюкити, ўн икки йил деганда Абасири турмасидан ўнинчи октябрда озод бўлди. Унинг устарада топ-тоза қилиб қирилган бошидан ҳали соч чиқиб ҳам улгурмаган.

Хироконинг эгнида калта енгли хаори ва жигар ранг чолвор. Думалоқ табуреткага амонатгина ўтириб, у ҳам бататнинг қовурилишини томоша қилмоқда.

— Мана энди тайёр бўлди.

— Вуй, ширинлигини! Хироко, еб кўргин-а!

— Абасирида ҳам бататни едингизми?

— У ердами? Йўқ, нуқул картошка ердик. Турмага қарашли экни майдони бор эди, бунда маҳбуслар ишларди.

— Картошка бўлсаям бемалолмиди, берганларига қорин тўярмиди? Энгил ямашни қачон ўргандингиз?

— Абасирида-ку хийла дуруст бўлди. Токиодаги Сугамо қамоқхонасида охириги кунлари, айниқса, овқатдан қисишди. Эндигина оғзимга овқат тегди деганингда товоқ бўшаб турарди.

Ёлғиз камерада Дзюкити ямоқчилик қила бошлади. Маҳбусларнинг илма-тешик бўлиб кетган курткасини, пайпоғини, қўлқопини ямаш унинг вазифаси эди. Иш нонушта тарқатишдан тортиб то кечки овқатни тарқатиб бўлгунча давом этар, кундузи бир оз дам оларди, холос. Дам олиш кунлари, байрамларда маҳбуслар ишдан озод қилинар, шунда улар қамоқхонадаги бор китоблардан ўқиши мумкин эди. Аммо шу кунлари овқат камроқ бериларди. Китобни оч қолиш ҳисобигагина ўқиш мумкин эди. Очлик дам олиш кундаги хурсандчиликнинг белига тепадиган бир чора эди. Қамоқхонадаги тартиб-қоидаларга биноан бу маҳбусларни тузатишдаги бир тадбир эди.

* * *

Хироко ҳам бататдан тотиб кўрди.

— Эҳ-ҳа, ҳақиқатан ҳам жуда ширин нарса экан.

— Ширин бўлади дедим-ку!

Бу кун улар клиникага шощганликлари учун, уйда нонушта қилолмагандилар. Уларнинг дўсти врач Ёсиока

Дзюкитининг соғлигини текшириб кўрмоқчи эди. Улар ўзлари билан консерва ва нон олиб келишган. Бататни уларга Ёснока берди, ўзи эса зарур иши борлигини айтиб, чиқиб кетди.

Онласи эвакуация қилингандан кейин Ёснока лабораторияга кўчиб келди. Уй-рўзғор ишларини ҳам унинг ўзи қиларди. Бир чеккада унинг каравоти турарди. Каравотнинг тагига кўмиб қўйилган туруп ва яна қандайдир бошқа сабзавотлар тупроқ орасидан кўриниб турар эди. Кўрнинишдан Ёсноканинг ўзи ҳам лабораториянинг жонли жихозига айланганга ўхшарди.

— Ёснока — кун¹ ҳаяллаб қолди-я.

— Ҳа, улар кимнидир кузатмоқчи шекилли. Бирор ярим ёки бир соатлардан сўнг келса керак.

Шу пайт эшик тақиллади ва хонага оқ халатли ассистент кириб келди. Уй бурчагида қайнаётган эритмага қаради-да, яна чиқиб кетди. Афтидан, бу дори тайёр бўлгунча вақти-вақти билан келиб хабар олиб туриш керак экан.

Ассистент жуда хушмуомила эди. У кирарди-ю, яна тезда чиқиб кетарди. Шундай бўлса-да, у ҳар гал кирганда Хироко негадир ўзини ноқулай сезарди.

Ҳақиқатан ҳам, улар ҳозир столнинг бутун бошли бир бурчагини эгаллаб олиб, фақат бататни ўйлашар, гўё дунёда бўлаётган ишларни ҳам унутган эдилар. Хироко, октябрь қуёшида ярақлаётган шишалар билан тўлган ва дорн-дармонларнинг ўзига хос ҳиди анқиб турган бу лабораторияда ўзларининг ортиқча эканликларини яхши тушунар эди. Бу айниқса, ассистентнинг кўзига яққолроқ ташланса керак, чунки у ҳар кун муттасил шу хонада бўлади; бу ердаги нарсаларнинг ипидан-игнасигача ҳаммасини билади.

Ниҳоят, батат ҳам тайёр бўлди. Хироко бурчакдаги водопроводдан чойнакни тўлдириб келиб плитка устига қўйиб қўйди. Шунда у лабораториядаги бундай батареблик, саришта-саранжомликнинг кундалик ҳаёт-турмушда ҳам қанчалик зарур эканини тушуниб етганди. Қатта стол устидаги пробиркалар биринчи қарашда палла-партиш қалаштириб ташлагандек кўринса-да, аслида улар тартиби билан териб қўйилган, ҳар бирининг

¹ Кун — исм ва фамилия охирига қўшиладиган суффикс. Бу ўринда дўстона муомала-муносабатни кўрсатиб туради. (Таржимон.)

устига ёрлиқ ҳам ёпиштириб қўйилганди: бу пробиркаларнинг шакллари ҳам жуда ажойиб эди.

Дзюкити Хироконинг стол устидаги нарсаларга қизиқсиниб тикилаётганини кузатиб турар эди.

— Ҳар ҳолда, иккаламиз бирга бўлсак яхши-да! — деди Дзюкити Хирокога, у ўз жойига — думалоқ курсисига келиб ўтирар экан.

Хироко Дзюкитига ялт этиб қараган эди, унинг ўсиқ киприклари остидан тикилиб турган жозибадор кўзларига тўқнаш келди-ю, қўлини ўз Дзюкитисининг кенг слкасига беихтиёр ташлади. Дзюкитининг эғнида бегона одамнинг кийими.

Дзюкитининг самимий қалб сўзлари Хирокога дунё дунё маъно англатар эди. Бу сўзларда қувонч акс этарди. Бу ҳол икковлари бирга эканликлари сабабли эди, — кейинчи — буёғини Хироконинг ўзи жуда яхши биларди. Шунда Дзюкитининг хаёлига қамоқ, ўн икки йиллик қамоқ ва шу йиллар ичидаги қайғули кунлар тушиб кетди.

— Биласанми, бу балки сенга қизиқ туюлар-ку, лекин ана шу айрилиқда ўтган кунларим зерикарли бўлган эди, деб ҳам айтолмайман.

— Ҳа, шундай бўлиши ҳам мумкин...

— Тўғрисиям-да, бирор марта ҳам сиқилмабман-а.

У яна нимадир демоқчи бўлиб Хирокога тикилган эди, шу пайт узр сўраб эшикдан Ёсиока кириб келди. Ёсиока паст бўйли, қора қош бир киши эди.

— Бугун талабаларимиз — медицина ҳамширалари жўнаб кетишаётган эди, шунинг учун бир оз кечикиб қолдим.

Меҳмондорчиликдан қолган овқатларга назар ташлар экан:

— Хўш, батат қанақа экан? Жуда ейишлик эканми? — деди.

— Бирам мазали эканки!

— Жуда соз. Бу ўзимизнинг деҳқончилик. Бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам батат экади.

Уруш авжи қизиган йиллари, унинг қўл остидаги одамларнинг аҳволи оғиралаша бошлагач, қандай қилиб бўлмасин клиникани сақлаб туриш ва илмий ишларни давом этдириш мақсадида ҳаммани деҳқончиликка жалб қилган эди, унинг бошчилигида бўш ётган кўп ерларга экин экилган эди.

— Қани энди ишимизга киришсак ҳам бўлар.

Дзюкити ўрнидан тура пиджагини ечиб ташлади.

— Шошманг ҳали, кабинетга кирамиз.

— Ҳа-я, рентген у ёқда-ку...

Хироко Дзюкитига қараб:

— Мен ҳам сизлар билан бирга кирсам бўладими?— деди.

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ!— деб қаршилиқ кўрсатди Дзюкити.

— Ҳа, майли, майли, у кирмайди,— деб кулиб қўйди врач.

Хироко Дзюкитининг нимадан ташвишланаётганини тушунар эди. Ахир Дзюкити шунча йиллардан буён унинг касалини тўғри аниқлаб бера оладиган бирорта ҳам врачни учратган эмас. Қамоқхона врачлари «сиёсий жиноятчилар» камерасига мўралашдан олдин назоратчига қараб доим бирдай:

— Бу қандайларидан? Тавба қилганлариданми? — деган саволини берад эди.

На иложки Дзюкити тишини-тишига қўйиб бўлса-да, бу дардга чидам бериб келди, бошқа иложи йўқ эди. Ҳақиқатан ҳам, қамоқда орттирган ўпка касалининг қай даражага бориб етганини ҳозир ўзи ҳам аниқ билмасди. Балки, касали у ўйлаганидан ҳам оғириқ бўлиб кетгандир. Шунинг учун ҳам у Хирокога ортиқча ташвишга солиб қўймасликни ўйлаб, врач билан ёлғиз суҳбатлашишни истарди.

— Мен шу ерда қараб тураман, сиз кираверинг, кираверинг...

Оёғида хонаки туфли, кичкина жуссали Ёсиока, халатининг барларини ҳилпиратиб, йўлакда тез-тез юриб кетди. Дзюкити ҳам секин, аммо катта-катта қадам ташлаб докторнинг ёнида борарди. Хироко эшик олдида унинг орқасидан тикилиб қолди.

* * *

Дзюкитининг одимлаши ўзига хос: у шошмасдан катта-катта қадамлар ташлайди, гавдаси бир оз лапанглайди. Бундан ташқари у юрганида елкасини сал қимирлатиб қўяр, бу унинг ўзига хос одати эди. Юриш-туришидаги бошқа томонлар эса кўп йиллаб умри қамоқда, ёлғиз камерада ўтган бошқа одамлардан фарқ қилмасди деса бўлади.

Илгарилари жуда енгил, қушдай учиб юрадиган

Хироко ҳам, қамалди-ю янгича одимлайдиган бўлиб қолди. Назоратчи аёл уни очиқ, ҳавога олиб чиққанида, маҳбуслар киядиган соябони кенг шляпасини бос-тириб оларди-да, худди ана шундай салмоқли қадам ташлаб, ошиқмасдан, бемалол юрар эди. Шляпанинг ўзи ҳам тез юришга халақит берар-ди, чунки похолнинг ингичка толалари сочга ўралишар, у эса тортилиб оғритар эди. Соябоннинг ўзи эса кўзга тушар, йўлни кўришини қийинлаштирарди. Бу одат эса аслида, камерадан ташқаридаги вақтни пложи борича чўзиш мақсадида ўйламай-нетмай ордтирилган эди. Ҳар сафар бир йўналишда, маълум бир жойга, маълум бир вақтда ва аниқ бир мақсадда, яна ҳар сафар турма ҳовлисининг маълум бир томонидан юрилар эди. Шу сабабли қамалганлар, айниқса якка камерадагилар, бундай сайрни нитизор бўлиб кутардилар ва унинг қад-рига етардилар, ҳар бир янгиликни, ўзгаришларни тўла-тўқис билиб олишга ҳаракат қилардилар.

Бу одат уларга шу қадар сингишиб кетганки, қамоқ-дан чиқишгач ҳам, шу алпозда оғир қадам ташлаб юрадиган бўлиб қолишган.

Дзюкити Абасири қамоқхонасидан Токиога қайтиб келганида сочи устарада қирилган, бош яланг, эғнида арзон кўк матодан тикилган кимоно, кимононинг усти-дан эса халат, оёғида эса ўтган йили Хироконинг ўзи тикиб берган мош ранг табиси¹. Қўлида газетага ўроғ-лиқ сафар талонига олган озиқ-овқати.

Ана шу йўлдан уни шимолга олиб ўтганларига тўрт ой бўлган эди. Ушанда унинг қўли кишанлоғлиқ, эғнида кўк кийим; оёғида чипта кавуш, орқасида эса чамадонни билан икки полициячи уни бошлаб борар, қорни ўлардай оч эди. Полициячилар берган қовурилган лўя нима бўла-ди дейсиз, сувнинг ёмонлигидан қорни оғрир, қўлидан кишан ечилмасди.

Дзюкити ўн икки йил деганда Токио кўчаларига энди шу 14 октябрь эрталаб чиққанди. Шаҳардаги вай-роналар ичида у адашиб қолди. Хироконинг акасиники-ни топгунча (Хироко акасиникида турарди) шаҳарда роса икки соат сарсон бўлди. Дзюкити вокзалдан чиқиб тўғри икки қаватли кичкина уйни қидириб кетди. Хиро-кога уйлангандан сўнг шу уйда турганди. У пайтлари

¹ Та би — матодан тикилган пайпоқ.

вокзалдан келишда бу уйни осонлик билан топиш мумкин эди. Уйни топишда тепаликка қурилган бошланғич мактаб-биноси яхши белги эди. Дзюкити кейинчалик Хирокога уйим деганимда негадир дарров ўша икки қаватли кичкина уйимиз кўз олдимдан ўтадиган бўлибди, деган эди. Унинг бу гаплари Хирокога қаттиқ таъсир қилди. Улар бу уйда икки ой ҳам яшай олмадилар, кейинги ўн икки йил ичида эса Хироко турар жойини жуда кўп ўзгартирди. Лекин ҳар гал у янги жойга кўчиб ўтар экан, Дзюкитига хат ёзиб, қасрда туришни, уйнинг қанақалиги, унинг атрофи, ички тузилишларини батафсил баён қиларди. Ҳатто уйнинг тузилиш планини ҳам чиғиб кўрсатарди. Дзюкити Хироконинг барча ишларидан воқиф эди. У Хироконинг ҳозир акасиникида эканини ҳам биларди. Хироко унга кўчанинг ному-ю, уй номерини ҳам хабар қилганди-ку. Дзюкитининг ўзи ҳам бир маҳаллари — Хироконинг ота-онаси ҳаёт пайтида бу уйга бориб-келиб турарди. Шундай бўлса-да, ўзларининг аввалги икки қаватли уйлари Дзюкитининг ёдидан чиқмасди, шунинг учун ҳам Токиодаги харобазорлар ичига тушиб қолиши билан, шу уйни қидиришга тушди. Лекин бу уринишлар беҳуда эди, чунки бу уйнинг аллақачоноқ кули кўкка совурилганди.

Дзюкити уйга келган кунидан бери ғалати бир одат чиқарди, буни фаҳмлаб қолган Хироко эса, туриб-туриб ташвишга тушарди. Дзюкити негадир, одамлар билан кўпроқ аралашинишга, аввалги дўстларини қидириб топишга ва янги дўстлар ортдиришга интилар эди. Келган заҳотиёқ, ҳали улар ҳол-аҳвол сўрашиб улгурар-ўлгурмас, ундаги бу қизиқиш зоҳир бўла бошлади. У Хирокодан:

— Қўшниларимизникига ўзим чиқиб сўрашиб чиқа қолаймикан?— деб сўради. Хироко турадиган уйда булардан бошқа яна уч оила, жумладан ёнғиндан сўнг кўчиб келган Хироконинг таниши турар, бу киши башқа қўшнилари билан бирга Хирокога қўшилишиб вокзалга чиққан эди. 13 октябрда улар, Дзюкити шу бугун келиб қолар, деган умидда ярим кечагача платформада қолиб кетишганди.

Хироко Дзюкитини биратўла ҳаммаси билан таништириб чиқа қолай деган эди.

Хироконинг таниши даҳлизнинг ёнидаги уйда турарди.

— Кечаги илтифотларингиздан жуда миннатдорман,— деди Хироко унинг олдида кирар экан.— Буни қа-

ранг-а, эндигина умидини узай деганимда ўзи эшикдан кириб келса бўладими... Мана, танишинглар, Исидида...— деди-да, орқасида турган Дзюкитини таништирди.

Йўлдан келиб, ҳали энгил-бошларини алмаштириб улгурмаган Дзюкити, одатга биноан, ергача эгилиб, соддагина таъзим қилди.

— Саломалайкум! Йўқлигимни билдирмай, қарашиб турганингиз учун, кўрсатган яхшиликларингиз учун кўпдан-кўп миннатдорман.

Бу гапираётган киши қаёққадир бирор нш билан кетган одам эмас, балки кўп йиллар давомида тириклар рўйхатидан ўчириб ташланган, борса келмас жойга жўнатилган, оилага, жамоатчилик қучоғига яна қайта келган бир кимса эди. Қанча-қанча оталар, эрлар, агар бахтлари ёр бўлиб, урушдан эсон-омон ўз кулбасига қайтса, биродарларига ана шундай таъзим қилардилар.

Хироко икки букилиб салом бераётган Дзюкитига ён томонидан қараган эди, бирдан томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди-ю, бор кучини тўплаб, энгашиб турган Дзюкитининг қаддини кўтарди ва «Яна кўришармиз» деб уни уйдан олиб чиқиб кетди.

Яқиндагина, қамоқдалигида уни ҳеч ким ва ҳеч қандай куч икки букилиб таъзим қилишга мажбур қила олган эмасди. Шунинг учун ҳам энг қаттиқ жазоларни тортган эди. Ўша Дзюкити мана бу кун остонадан ичкарига қадам қўяр экан, у эмас, балки кўпроқ унга таъзим қилиш лозим бўлган кишилар қаршисида софдиллик ва чин қалбдан соддагина таъзим қилди.

* * *

Дзинскэ Ёснока Дзюкитидан кўра Хирокога яқинроқ дўст эди. Ўпка касали мутахассиси Ёснокадан Дзюкитининг касали тўғрисида Хироко неча дафъа маслаҳатлар ҳам сўраган эди.

Улар ўртасидаги ҳақиқий дўстлик 1942 йил саратонидан бошланган эди. Айтишларига қараганда, олтинчи саккиз йилдан бери бунақа иссиқ бўлмаган экан.

Пирл-Харборга ҳужум қилинган куннинг эртасига эрталаб Японияда бир қанча юзлаб урушга хайрихоҳ эмас деб гумон қилинган кишилар қамоққа олинган. Шўқамалганларнинг ичида Хироко ҳам бўлиб, бутун қишини

ва ўша иссиқ ёзини у Сугама қамоқхонасида ўтказган эди.

Хироконинг териси жуда нозик эди. У ётган камера ҳаддан ташқари дим бўлганлигидан, кийимлари жиққа ҳўл бўлиб кетар, муттасил терлайверганидан эса, баданининг гоҳ у ери, гоҳ бу еридан қон чиқиб кетарди. Врач қон чиққан ерларига тиш порошоги сепишни буюрарди. Лекин бу билан унинг дарди енгиллашмасди. Баданидаги ана шундай майда-майда қонли нуқталар борган сари кўпая борди. Фақат қўл кафтлари, товони, лабларигина соғ эди, холос.

Бир кун ҳушидан кетиб, камеранинг ўртасига йиқилиб тушди; уни шу аҳволда уйига жўнатдилар.

У икки кун деганда ўзига келади. Кўзини очган ҳамона, дунё кўзига бошқачароқ — гўзалроқ кўринди. Кўзини очди-ю, боши устида энгашиб, меҳрибона илжайиб турган Ёснокани кўрди. Ҳа, у кулимсираб турарди, қора қошлари учар, садафдай тишлари унинг қорачадан келган юзига ярашиб тушган эди. Лекин Хироконинг кўзига унинг юзи нима учундир ўрдакнинг тухумидек кичкина бўлиб кўринарди. Гўё у Ёснокани узоқдан кўраётгандай эди. Лекин унинг Ёснока экаплигини ҳам, аниқтаниқ биларди.

Хироко илжайиб, унга бир нима демоқчи бўлди. Миясига бир фикр келди: булар ҳаммаси қамоқхона камерасида бўлиб ўтди-ку!.. Ўшанда бошим гир-гир айланиб, қулоғим шанғиллаб кетди... Е ажабо; қандай қилиб бу ерга, ўз уйига келиб қолди экан. Ёснока бу ерда нима қилиб юрибди? Мана Ёснока унинг қошида, шунинг учун ҳам, ҳозир у ўзини яхши ҳис қиляпти. Тушимни, ўнгими?

Лекин яна унинг хаёли чалғиша бошлади. Шу он ўзидаги бор кучни тўплаб, бу туш эканлигига ўзини ўзинишонтарди. Ҳа, бу шунчаки туш ва бунга хурсанд бўлишнинг ҳожати йўқ. Бу ерда ҳеч қандай Ёснока бўлиши ҳам мумкин эмас...

Унинг кўзига Ёснока яна қайта кўрингувча қанча вақт ўтганини у билолмади. Энди унинг кўзига Ёсноканинг юзи росмана бўлиб кўринди. Унинг қулоғига Ёсноканинг:

— Хўш, қалай, энди дурустмисиз? Мен — Ёснокаман! Танияпсизми? — деган товуши чалинди.

Хароратнинг баландлиги, қон қуйилиши — булар ҳам-

маси таъсир қилган бўлса керак. Шунинг учун ҳам дастлаб Ёсоқанинг юзи унга кичкина бўлиб кўринган.

Хироконинг шунчалик соғайиб кетишига, қолаверса шу одам сабаб бўлди. Дзюкити буларнинг ҳаммасини биларди, Хироко уни ана шу врач Ёсокага қаратмоқчи эканини ҳам сезарди.

Дзюкити қамоқдан қайтиб келганида соғлиги деярли яхши эмасди, лекин шунга қарамай, ўша кунгёқ уни кўргани келган дўстлари билан қўшилишиб шаҳар четдаги районлардан бирига жўнади. Улар бу ерда яна ўз ишларини бошлаб юбордилар. Дзюкити у ёқда анчагина вақт қолиб кетди, қайтишда эса йўлдан адашиб, ҳориб-чарчаб уйга аранг етиб келди.

— Сен ўзингни бир врачга қаратишинг керак,— деди Хироко. — Қасалинг оғирми-енгилми билиш керак. Бусиз мумкин эмас, — жиддий, қошини кериб, таъкидларди.— Ёсоқанинг олдига борамиз. Ахир, бундан кейинги турмушимизнинг қандай бўлиши сенинг соғлигингга боғлиқ. Шунини тушуняпсанми?

— Майли, юр, борсак бора қолайлик, — деди у ва тўсатдан бир нарсга эсига тушиб.— Бу, ярамас Кикурэ...— деб тўнғиллаб қўйди.

Кикурэ — қамоқхона врачини бўлиб, у бир вақтлари қайси бир қамоқхонадан Сугамога ишга ўтказилган, Дзюкити бўлса у билан нима ҳам бўлиб айтишиб қолган эди. Шунинг учун Кикурэ ундан аламини олиш мақсадида суд пайти Дзюкитини жинни деб эълон қилган эди.

— Ахир, мен, сенга яхшиликдан бўлак нарсани раво кўрмайдиган бир кишининг олдига олиб бораман-ку. Борасанми, йўқми?—деб туриб олди Хироко.

Ун икки йиллик қамоқдаги бутун шароит умрининг эгови бўлди. Дзюкити ҳам бу ерда ажал билан неча марта-лаб яккама-якка олишган эди. У қамоқхонадаги безгакни, ичак силлини, тифни енгди. У азоб чекар, уни эса четдан туриб кузатишар, қани бугал ҳам қутулиб кетармикан, деб пойлашар эди. Аммо Дзюкити ҳамма нарсани ҳам енгарди, қиличини яланғочлаб турган ўлимдан ҳам устун чиқарди.

Ҳозир ҳам унинг соғлигини текшириб кўриш учун тайёр бўлган Ёсока пайдо бўлиши билан пиджагини шоша-пиша ечиб ташлаши ҳам унинг ички ҳаяжонини кўрсатиб турар эди. Оббо, Хироко-э, буларни бир қарашнинг ўзидаёқ тушунди-қўйди-я!

Дзюкити ўзининг қайтиб келганига қанчалик хурсанд бўлган бўлса, Хироко ҳам шунча хурсанд эди, чунки Хироко ҳам шу йиллар ичида ақли ва қалби кўрсатиб берган бурчни бажаришда қуролини бир лаҳза ҳам ташламади. Мана энди ўтган азоблар эвазига тақдирланяпти. Ундан миннатдор бўлган кишилар кам эмас.

Япония ваҳшийлик занжиридан халос бўлди, ҳаёт ўз талабини қўя бошлади. Дзюкити қалбида ҳаёт нидоси жаранглади. Ундаги бу нидо ҳаётнийлиги ва соддалиги билан шунчалар ҳам янгроқ! Бун кўриб хурсанд бўлганидан Хироконинг кўзига ёш келди.

Дзюкитининг қалби келажакка ишонч, софдиллик, ажойиб беғаразлик билан тўла; бу хислат унинг ҳар бир ҳаракатида, юриш-туришида мана ман деб турарди. Энди Хироко Дзюкитининг дилкаш, нисонни севучи қайноқ қалби кишилар билан эркин, самимий суҳбатга қанчалик ташна эканини, шу ўн икки йил ичида ўзининг ёшлигидан ажраб, етуклик даврини бошлаганини жуда яхши тушуна бошладди.

Дзюкити ўтмиш ҳақида гапиришни хушламас, Хироко бўлса ҳамма гапни бошқа одамлардан эшитар эди. Дзюкити билан турмада бирга бўлган дўстлари унга ўхшаб 10 октябрда озод бўлганларидан сўнг Токио атрофидаги районлардан бирига жойлашиб олдилар ва янги ҳаёт ксчира бошладилар. Бир кун Хироко ҳам Дзюкити билан шу районга борди. У ерда Хироко аёллар ҳаракатининг бошлиғи билан учрашди; у, бу аёлни авваллари ҳам танир эди. Ана шу аёлдан қамқхонадаги нобуд бўлган дўстлари ҳақида кўп гапларни билиб олди. Миясиро қамқхонасида Масанти Исикава ҳалок бўлганини эшитди. Айтишларича, дастлаб унинг тишлари уваланиб туша бошлаган, лекин нажот келадиган жойи бўлмаганидан ўз ҳаёти учун ўзи курашган, қаттиқ овқатларни қўлида бўлса-да, майдалаб еган, лекин соғлиги кундан-кунга ёмонлашган. Ниҳояти унинг оғирлиги ўттиз олти килограммга тушган. Шундай қилиб, ажал уни ўз қарига тортган экан. Дистрофиядан бутун бадани пасод бойлаб кетган Дзюн Тосака ҳам худди оламдан шу тахлитда ўтган эмиш.

Бу ҳикоялар уларнинг қувончини барбод қилиб юборди, Хироко бу аёл ҳикоясини йиғлай-йиғлай тинглади...

Хироко ўрнидан туриб водопровод олдига борди-да, идиш-товоқларни ювишга киришди. Ойнадан бинонинг ҳали битмаган ички деворлари кўриниб турар эди. Деразаларнинг ўрни куз оқшомида ташвишли боқарди.

Тўсатдан йўлакда Ёсноканинг овози эшитилди ва шу заҳоти эшик олдида Дзюкити пайдо бўлди. Шўшиб-пишиб боғланган галстук бир томонга қийшайган, чеҳрасида қувонч барқ урар эди.

— Хўш, нима бўлди?— деб унга томон отилди Хироко.

— Кутганимиздан ҳам яхши.

— Ростданми?

— Бахтингизга касал ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетибди,— деди Ёснока сигаретини чека туриб.— Ҳозир эт битиб кетибди, фақат Исида-сан эҳтиёт бўлиб юрадиган бўлса, ҳамма иш жойида бўлади.

— Афсус! Исидага ўхшаганлардан эҳтиёткорликни кутишнинг ўзи ақлга тўғри келармикин,— деб кулиб юборди Хироко. — Ҳечқиси йўқ, шунинг ўзи ҳам катта гап. Мен жуда хурсандман. Раҳмат, минг раҳмат сизга! Хироко стул суяничиғига ташлаб қўйилган Дзюкитининг пиджакини олиб:

— Қани, энди кийинмайсанми? — деди.

— Ҳа, кетамизми?

— Шу, ўпкасининг юқорисини яхшилаб кўролмадим-да, ўмров суяги халақит берди. Майли, кейинги сафар буни ҳам текшириб кўрамиз,— давом этди доктор,— қон томирларнинг деворлари бир оз кенгайган. Чамамда, ҳаммаси ҳам айтарли дуруст эмас. Лекин Исида-сан ўз соғлигини шунчалик яхши биладики, бу тўғридан хавотир олмаса ҳам бўлади. Хироко, биз иккаламиз бунга гувоҳмиз.

Врач қон томирлар деворининг кенгайиши нима эканлигини ва уни қандай даволаш зарурлигини айтиб, март ойида яна бир келиб, кўрсатиб кетишни қатъий тайинлади.

II

Улар қўл ушлашиб, ўрмоннинг сўқмоқ йўлларида уйга қайтишди. Ўрмонни эса кечки туман бутунлай қоплаб олган эди.

— Чарчадингми?

— Йўқ!

— Бу ерга келганимиз яхши бўлди...

— Албатта, мана энди ҳамма нарса равшан бўлди.

Дзюкити қамоқдан келгандан бери улар бирор жойга якка-якка боришга қўрқардилар, чунки Дзюкиги ҳали бу кўчаларни яхши билмас, адашиб қолиши мумкин эди.

Шаҳар четидаги трамвайда кун кеч бўлиб қолганиданми, одам айтарли, жуда кўп эмас эди. Дзюкити трамвайнинг тутқичидан ушлаганча ойнадан атрофдаги ғирллаб ўтаётган ўрмонларга, экинзорларга тикилиб борар эди. Қаёққа боргинг келса — боравер! Ёнингда Хирокоинг бор, ўйна, қувна... Бошқа одамлар учун бу шунчалик лаззат бағишламаслиги ҳам мумкин, аммо буларга ҳамма нарса ўзгача кўринар, қараб тўймасдилар. Дзюкити ойнадан ғизиллаб ўтиб бораётган чексиз дала-ларга тикилиб, шу тўғрида ўйлар экан юраги бирдан орзиқиб кетди.

Унинг атрофдагиларга эътибор ҳам қилмай бир қўлини Хироко елкасига қўйганча:

— Бирга бўлишимиз қандай яхши-я! — деб шивиллаганини Хирокогина эшитди.

Хироко чўчиб унга қаради. Ҳозир Дзюкитининг кўзига ўша ойнадан кўринаётган даладан бошқа ҳеч нарса кўринмасди, ҳатто ёнидаги Хирокони ҳам пайқамаётгандай эди. Овози ва қўл ҳаракатидангина вужудини тўлдирган ҳаяжонни англаш мумкин эди: ахир бу одам дунёга янгитдан келди-ку!

Кейин улар яна ўрмондан юришди. Қоронғилик қуюқлашиб борарди.

— Бу гал қанақа бўларкин?

— Трамвайга чиқиб олишни ўйлаяпсанми?

— Бу трамвайда ҳам одам кам бўлса жуда яхши бўларди-да.

— Қайдам, вақт ўтди. Қийналсак керак.

Остановкада одам айтарли кўп бўлмаса-да, лекин трамвай барибир тўлиб келди.

— Энди нима қилдик? — деб сўради ҳайрон бўлган Хироко олдинда турган Дзюкитини оҳиста туртиб. — Нима қиламиз? Одам камайишини кутадиган бўлсак, бир соат туришимиз керак.

Дзюкити нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб турар эди.

— Чиқишга уриниб кўрайлик-чи, бўлмасам жуда кеч бўлиб кетади, — деди-ю, Хироко Дзюкитини бор кучи билан вагонга қараб сура бошлади.

Дзюкити бўлса битта-яримта одамнинг оёғини босиб олишдан қўрқиб ҳанг-манг бўлиб тўхтаб қолди. Шу пайт трамвай бирдан юриб кетди-ю, уни қаттиқ силтаб юборди. У бундай тиқилинчга, йўловчилар орасидаги ур-сурга ҳали кўникмаган эди. Ажабо, шундай новча одам ур-йиқитга, уни эзиб ташлаётганларига қарамай, жим турса-я, қараб туриб раҳминг келаркан. Ҳозир Дзюкитининг кўзига ўзиданам бурун Хироко кўринарди. Бу тиқилинчда жуда эзиляпти, деб қандай бўлмасин уни муҳофаза қилишга ҳаракат қиларди. Лекин унинг бир ўзи бунча кучга қарши туrolмади, шундан сўнг Хироко уни юпатиш учун, мен қийналаётганим йўқ, яхши турибман, дейишга мажбур бўлди.

Улар Икэбукуро остановкасида навбат кута-кута электричкага билет олишди. Вагонда тасодифан бир бўш жой чиқиб қолди ва Хироко Дзюкитини шу ўринга ўтиришга мажбур этди.

— Сен ҳали ўрганганинг йўқ ва менга қараганда ҳам кам қувватсан.

Ҳақиқатан ҳам Дзюкити жуда чарчаган, ҳолсизланган кўринарди.

— Жуда ҳам қорним очиб кетди,— деди у кулиб.

— Қорнинг очдими? Ўзиям анча вақт бўлиб қолди-да.

— Бундан буёқ бирор жойга борадиган бўлсак нонуштанигина эмас, кечқурунгини ҳам оволишимиз керак бўлади.

— Шунақа қилишга тўғри келади.

Ўртага жимлик чўкди. Бу жимликни биринчи бўлиб Дзюкити бўлди.

— Хироко!

— Лаббай?

У қўл ушлайдиганга осилиб туриб, унга томон энгашди.

— «Бир бўлак ер» деган ҳикоя бўлармиди?

— Ҳа.

Дзюкити Рюноске Акутагаванинг натуралистик мактабга хос ҳикояларидан бирини эслади.

— Ҳикоя эсингда борми?

— Сал-пал бор. Нима учун бунга сўраяпсан?

Нима сабабдан шундай тиқилинчда ўша ҳикоя унинг эсига тушиб қолдйикин?..

— Ана ўшанда бир бева хотиннинг туну кун тинимсиз меҳнат қилиши, лекин бахтсизликдан қутула олмаганлиги ҳикоя қилинарди.

— Ҳа, шундай эди шекилли.

У бир дақиқа жим бўлиб қолди-да, сўнгра Хирокога тикилганча секин:

— Сенинг характерингда ҳам қандайдир ўша бевани эслатувчи тинимсизлик бордек кўринади. Сен ўзинг шуни сезасанми?—деди.

Хироко ҳайрон бўлганича эрига тикилиб қолди.

— Менда-я! Менда «бева хотинларга хос тинимсизлик» бор, «беваларга хос тинимсизлик»...— Бу сўзлар унга шундай қаттиқ тегиб кетдики, аламига чидай олмаганидан кўзига ёш келди. У ҳаяжонини сездирмасликка ҳаракат қилиб эридан секингина сўради:— Сенга муносабатимда шу нарсани сездингми?

— Йўқ менга нисбатан эмаску-я, умуман айтмаманда...

— Демак, умуман, тинимсиз эканман-да?..

— Ҳа.

Хироко ўйланиб қолди. Шу бугун шифохонага боришгани, бугун эрталабдан кечгача қилган ишларини бир-бир эслади.

Қамоқдан келганидан бери мана шундай бирга-бирга юришни у орзу қилмаганмиди? Ахир у нима қилдики, эри унда «бева тинимсизлиги»ни пайқасин. Қайси бир ножўя ҳаракати билан уни шу фикрга олиб келди экан? Хироко шу бугунги эрталабдан бери бўлиб ўтган воқиаларни хотирида қайта тиклади, лекин эрининг бундай дейишига нима мажбур қилганини билолмади. «Бева тинимсизлиги»... Ҳаёт йўлидан суриб чиқариб ташлаган, бахтсиз, бечора бева турмуши билан унинг турмушини бирон-бир ўхшаш жойи борми? Не бир балоларнинг оғзидан қайтиб келган Дзюкитидан шуни кутганмиди? Агар Дзюкити уни тўғридан-тўғри уришиб ташлаганда ҳам бунчалик алам қилмаган бўларди. Хироко йиғисини босолмади. Ўлганнинг устига кўмган деганларидек елкасига катта халта осиб олган қандайдир бир киши унинг орқасига туртиб юборди.

— Нима бўлди?— деб сўради Дзюкити Хироконинг жим бўлиб қолганидан ва юзини кенг, узун енглари орасига яшираётганидан ҳайрон бўлиб.— Сени хафа қилиб қўйдим-ми?

Хироко ҳа дегандек бошини қимирлатди.

— Ие, ростданми? Нимага хафа бўласан?

— Шунча йил ўлиб-тирилиб меҳнат қилдим, бировга

хор-зор бўлмай дедим, одамларнинг маломатига қолмай дедим. Шунчалик қилсам ҳам сен бўлсанг..»

Хироко Дзюкитининг ёнида ўтирган одам уларнинг гапига қулоқ солаётганини фаҳмлади. Сўнгра агар гап яна давом этадиган бўлса, йиғисини босолмаслигини сизди.

Дзюкити шу гапини келиб-келиб шу тикилишда айтадими-я?» Хироко базўр ўзини босиб, енгги остидан Дзюкитига имлади:

— Бундай гапларни бу ерда гапириш ноқулай, тушунапсанми? Тушайлик, сўнг гаплашамиз.

— Эҳ-ҳа, шунақами...

Ана шундан кейингина Дзюкити Хироконинг аҳволини тушунди ва айбдорларча илжайиб қўйди.

— Дарвоқе, нега энди тўсатдан бу гап хаёлингга кела қолди?— деди Хироко.

— Ҳеч-да, тўсатдан келгани йўқ, илгаритдан шунини ўйлардим. Айтмоқчи, бошқа гап қуригандай ҳадеб шунини чўзаверамизми?

— Поездда бундай мавзуда сафсата сотиш ҳамманинг ҳам хаёлига келавермайди,— деб зўр-базўр илжайиб қўйди Хироко.— Бунинг устига иккаламизнинг ҳам қорнимиз оч, тўғрими? Шунинг учун ҳам мен йиғлаяпман-да,— деб ҳазиломуз кўзидаги ёшнинг артган бўлди.

Улар фарб томонга қараб кетган асфальт кўчага чиқиб олишди. Кўчанинг икки ёқаси ҳам пастлик бўлиб, йўлнинг ён-вери тош билан ишлаб чиқилган эди. Кечки ёнра-ширада икки қиямаликни бир-бирига улаб турувчи темир йўл кўпригининг шарпаси аниқ кўринар, бу эса у томонда шаҳар бор эканидан дарак бериб турар эди.

Бу ерда қадимги ер тузилишининг излари сақланиб қолган. Излар шундан иборат эдики, у пайтлари Токио бўғози Асакус атрофларига чўзилиб кирган эди. Асакус ясси тоғи эса денгиздан бир оз баланд Мусаси паст текислиги билан тугарди. Водийда жойлашган Оку райони ва ясси тоғ вайрон этилган эди. Кўчанинг икки томонида қийшайиб ётган сим ёғочларни, уларда ёниб кетган симлар осилиб ётганини, у ер, бу ерда иссиқдан эриб тўдалашиб қолган асфальт дўнглари учратиш мумкин эди. Бошқа бир жойда эса эриб кетган темир тўп-ланиб ётар эди. Бу йўлдан қоронғида юрган йўловчилар бир-бирларига урилиб кетишлари ҳам турган гап эди.

— Қоронғилигини қара-ю!— деди бу йўлдан шошиб юришининг оқибати яхши бўлмаслигини англаган Дзюкити.— Чарчамадингми?

— Йўқ, чарчаганим йўқ. Қоронғи бўлгани билан, йўл яхши-ку.

Хироко бу йўллардан қандай қилиб қўрқмасдан юрган экан-а?

Мана энди улар иккаласи кетяпти, Дзюкитисининг ғамхўр овози эшитилиб турибди. Ахир, бу йўллардан худди шундай кечалари Хироконинг бир ўзи неча марталаб ўтган эдику?.. Орқасида тўрваси, шоровари ботинка ичига тикиб олинган, қўли эса тинмай ҳаракатда: одам қўлини қимирлатиб юрса чўчишнинг ҳам нималигини сезмас экан..

Хироко ҳозир кета туриб ўша пайтлари шу йўлдан юрганлари эсига тушиб кетди ва электричкада Дзюкитининг айтган гапининг асл маъносига энди-энди тушунгандай бўлди.

— Ҳалиги гапимиз... Поезддаги гапимиз эсингдами?— деди.

— Ҳа, айтмоқчи! Беваларга хос тинимсизликми?

У, бу сўзни худди атайлаб қайтаргандек бўлди.

— Биласанми, Дзюкити, нима учун мени унақа хотинларга ўхшатаётганингни дастлаб тушунмадим. Нега шундай деганингга мана энди секин-аста тушуна бошладим? Ҳақиқатан ҳам менда қандайдир бир...

Ўз фикрини тушунтириш учун Хироко гапни ўша йўлдан бошлади. Мана ҳозир улар иккаласи бирга кетишаётганда Хироконинг юриши ҳам бошқача, кайфияти ҳам яхши. Авваллари шу йўлдан якка ўзи юрганидаги ҳис-туйғуларига ҳозирги ҳис-туйғуларини мослаб бўлмасди. Унда бир ўзи эди, тезроқ уйга етиб ола қолай, деб жони борича югурарди.

— Беваларга хос тинимсизлик деб менинг нимами кўзда тутаётганингни ўйлаб-ўйлаб тополмадим.

— Бу гапларни бекорга шунчалик ўзингга олдинг. Шу пайтгача бир ўзинг эдинг, муттасил ёлғиз турдинг, бунинг албатта, сенга таъсири бўлган. Тўғриси айтганда, фақат шу сабабли бу хислат сенда пайдо бўлган. Лекин энди бутунлай бошқача бўлади, тўғрими?

— Ҳа, тўғри айтасан.

Ҳақиқатан ҳам, уларнинг ҳаёти мана шу икки ҳафта ичида бошқа йўлга тушиб олди. Шу пайтгачами?.. Шу

пайтгача, шунча йиллар давомида орқага қайтса қайтдики, олдинга силжимади.

— Биласанми, мен бу фикрларни қандай баён этишни билмайман, лекин доимо бир нарсага: сенга яқин бўлишга, сенга лойиқ рафиқа бўлишга интилардим; ана шунинг учун ҳам сен айтгандек тинимсиз бўлган эдим...

— Ўша вақтдаги шароит шуни талаб қиларди. Ҳамма нарса, ҳатто ҳаёт асоси ҳам емирилаётган эди; ўзингни сақлаб қолиш учун, худди шундай тинимсиз бўлишинг керак эди.

Улар гап билан овора бўлишиб, баландликнинг ярмига чиқиб қолишганини ҳам сезмай қолишди. Дзюкити тўсатдан тўхтади.

— Менга қара, бу ўша тепалик эмасми?

— Қайси тепаликни айтяпсан?

— Аввалги уйимизга борадиган йўлдаги тепалик бор эди-ку, ўшами? Эсингдами, донм шу йўлдан ўтар эдик. Ие, шошма-шошма, у нимаси?

— Ана ўша тепалик — биз ўтадиган тепалик.

— Йўғ-э? Шу аввалги тепаликми-а? Ахир, аввал у жойда жуда кўп дўкончалар бор эди-ку...

— Ҳа борликка-ку, бор эди, аммо энди улардан номи-пишон ҳам қолмади. У жуда қия бўлганидан, унга чиқиб-тушиш ҳам қийин бўларди.

— Шундайми?— деди кўзларига ҳам ишонмагандек атрофга қараркан. Кейин нимагадир тушунгандек:— Хаҳ-ҳа энди билдим! Токнога қайтиб келган куним, ўша саҳар пайти худди шу тепаликка келдим-да, тўғри боряпти деган хаёл билан кетаверибман. Қарасам, ҳамма ёқ ўзгариб кетибди, ахири адашиб қолдим.

Ўша кун улар жуда кеч овқатланишди. Кечки овқатдан сўнг Дзюкити такка қўядиган ёстиқчага ўтириб олиб (бу уй авваллари меҳмонхона эди. Ҳозир улар бу уйдан ҳам емакхона, ҳам меҳмонхона сифатида фойдаланардилар. Ёстиқ ҳам ўша пайтдан қолиб келар эди), қадимги таомлардан бўлган хаттайкони¹ зўр иштаҳа билан ер, Хирако бўлса унинг ёнгинасида унга термулиб ўтирарди. У фақат бугун эмас, балки бошқа вақтларда ҳам у билан бирга бўладиган бўлса, ўзини қандай-

⁷ ¹ Хаттайко — шакар қўшиб қовурилган бугдой уни.

дир жуда бошқача ҳис этар эди. Мана у, унинг Дзюкитиси барча қатори очиқ кўнгил, овқатдан ҳам, хотинидан ҳам, дўстларидан ҳам доимо кўнгил тўқ Дзюкитиси!.. Шундай оддий бир кишини хавфли хоин деб ўн икки йил камерада сақладиларми? Нимага асосланиб бундай қилдиларикини? Ҳукмдорлар шунини истагани учунми? Агар, ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, бундай тентакларча ўзбиларманчиликка чидаб бўлмайди.

— Яна ейсанми?

— Йўқ, қорним тўйдн.

Бу ўн икки йиллик ҳижрон кунларида улар фақат хат орқали бир-бирларидан хабардор бўлиб турдилар. Бу хатларнинг ҳаммасида ҳам юрак сўзлари ўз аксини топгани билан, хатга ҳамма нарсани ҳам ёзавериш мумкинмиди?

Шунинг учун ҳам Хироко кўпинча туйғулари ва кайфияти ҳақида ёлгон-яшиқларни ёзар, Дзюкити эса буларга ишонарди ҳам.

— Биласан-ку, қалбакилик, ясама ҳаракатни ўзимга эп кўрган эмасман. Агар сенга бирор қилиғим ёқмаётган бўлса гапларинг менга оғир ботса-да, ўтинаман, тортимасдан гапиравер. Менинг тўғримда бирор фикринг бўлса, ичингда қолиб кетмасин...

— Сен ўзинг нималар деяпсан? Уйлаб гапираяпсанми?

— Ҳозирга қадар ўйламай гапираётган эдим. Бундан буён ишга тушиб кетасан, бемалол ўтириб гаплашгани ҳам вақтнинг бўлмайди, ҳа, дегин. Вақт борида очиқ гаплашиб олайлик, токи кейинчалик кўнгилда хиралик қолмасин.

— Тушундим, ҳаммасига тушундим.

Дзюкити чуқур эски креслога ўтиб ўтирди, Хироко бўлса кичкина курсчасини олиб келиб унинг яқинига қўйди ва унга ўтириб олиб сичқонлар тешиб кетган халтани ямашга тутинди. У ямоқни ёпиштира бошлаган ҳам эдики, унга тикилиб турган Дзюкити бирдан:

— Ямоқни ичидан қўйиш керак эди-ку?— деди.

У бу гапни шунчалик ишонч билан айтдики, ҳатто Хироко кулиб юборди.

— Сен қаердан биласан?

— Ахир мен шунча вақт бекорга ямоқчилик қилиб юрувдим-ми? Мен топган беш иену ўн саккиз сэнни сен нина билан ҳеч вақт тополмасдинг. Қани мен-

га бер-чи, бир ямаб кўрай. Қара, мен қандай қотир-вораман!

У халтани олиб тескарисини ағдарди-да, унга ямоқ қўйди. Ямоқни чап қўлининг бош бармоғи ҳамда кўрсаткич бармоғи билан кўкрагига қисган ҳолда пинани эркакларга хос куч билан ўтказиб чоклай бошлади. Чиройли бўлмаса-да, лекин жуда тез тикар эди.

Хироко илжайганча лабини қимтиб турар экан, бехосдан лабини тишлаб олди. Дзюкити бўлса ишга берилиб кетганидан, қалин қошлари чимирилиб, ҳатто кўзини ҳам кўриб бўлмасди. Хироко унинг орқасида ҳамон тикилиб турар эди. Қамоқхонанинг баланд деворига қурилган кичик-кичик деразалар орасидан кўриниб турадиган булутлар оқими ва Охота денгизидан эсган шабаданинг овози кириб турадиган панжарали туйнукчалар унинг кўз олдида гавдаланди. Бу туйнукчалардан бирининг тагида сочи устарада олинган, эғнида маҳбуслар кийими Дзюкити ямоқ ямаб ўтирибди. Бу одамнинг қалбида нималар кечаётганлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ! Ҳар куни эрталаб унга қучоқ-қучоқ увадаси чиққан энгиллар келтирилади! Қонун хоҳиши ана шундай! Атроф эса жимжит... Ҳар куни аҳвол худди шундай, худди ана шундай... Э, воҳ бу қандай раҳмсизлик!

Дзюкити ҳеч нарсадан хабарсиз, севинч билан охириги чокни ҳам тикиб тамомлади. Аммо у тамомлагунча Хироконинг юраги жуда орзиқиб кетди.

— Қани, бир кўрай-чи!

У халтани олиб кўрди. Чокни машинанинг чокига ўхшамаса ҳам, лекин бир текис бўлиб жуда пишиқ тикилган эди.


— Хўш, қалай, дурустми?

— Жуда яхши. Лекин бундан сўнг қўлингга нинча ушлаганингни кўрмай.

Хироко ўрнидан туриб сиёҳдонни олиб келди-да:

— Мана ҳозир боппаймиз—деб, халтани олиб ямоқнинг устига числони қўйди ва: «Ямоқчи Дзюкити Исидадан эсдалик», деб ёзди.

Шундан сўнг у иккинчи қаватга чиқиб жой сола туриб яна бурунги ишларни хаёлидан ўтказа бошлади. Унинг эсига яна ўша икки сўздан иборат «беваларча тишимсизлик гапи тушиб кетди, лекин энди бу сўзлар унга мутла-



қо бошқача туюлды. Ахир, бұ сұзларни унинг эри, унинг Дзюкитиси айтди-я! Бұ сұзларни чинакамига бева қолған миллионлаб япон аёлларига ким шунчалик юракдан айтарди? На чора, ахир аёлларга бұ тинимсизликни ҳаётнинг ўзи тақдим этди; ҳатто бұ хислатдан фахрланса ҳам арзийди. Фақат шуниси борки, бұ хислат аёлларни ҳамма вақт ҳам гўзал қилиб кўрсата-вермаса керак. Аммо ҳаётда чиниққан бұ беваларга бир оз ёқимлироқ бўлинг, сал ширин сўз бўлинг, деб ким айта олади?

Дзюкитига тунги кимоносини берар экан, Хироко эркаланиб унинг фамилиясини тилга олди.

— Исида! Биласанми сенинг «беваларча тинимсизлик» деганинг эсимга тушадиган бўлса, анову чиндан ҳам бева бўлиб қолған аёлдан уялаётгандек бўлиб кетаман. Кимни айтаётганимни билипсанми? Цуя-тян-чи.

Цуяко Дзюкити укасининг хотини эди. Укаси эса, Хиросимада дом-дараксиз йўқолған эди.

Энди Дзюкити Токнога яқин бўлган районларга тез-тез бориб турар, уникига ҳам меҳмонлар тез-тез келиб турар эди.

Шу куз ичи сир сақланган масала ҳам ойдинлашди. Тарихий ҳақиқат сув кўпинги каби, юзага қалқиб чиқиб қолди.

Брошюра тарзида Сига¹ ва Токудалар² фамилияси билан чиққан «Акахата» газетаси Дзюкити келганидан сўнг бир оз ўтгач, кенг жамоатчиликнинг муҳокамасига ташланди. Одамлар бу воқналарга турли муносабатда бўлар, баъзилар унга ишонч боғлар, баъзилар ўз талаблари билан чиқар эди. Бир хил кишиларни газета қаноатлантирар, бир хиллари эса норози бўлар эди. Лекин газетани ўқишга муяссар бўлган ҳар бир одам унга бетараф бўлиб қололмас эди, у ҳақда, албатта, бирор фикр айтар эди. Бу гапларнинг оҳангидан у ёки бу одам ана шу ўн йил ичида қандай яшадн ва бу йиллар уни қандай натижага олиб келганини билиш мумкин эди.

Дзюкити Токнонинг чалкаш кўчаларига, тиқилинч трамвайларига ҳали яхши ўрганмаганлигига қарамай, ҳаёт борган сари жиддийлашарди. У кўп вақтлардан бери ҳаракатсиз яшаганлиги сабабли, кечқурунлари оёқ кийимини ечар экан, оёғи шундайм оғрир эдики, додлаб юборгундай бўларди.

— Мазам кетяптими дейман?

— Нима деб ўйловдинг! Шу йиллар ичида иккала-мизнинг учрашувимизга неча соат кетганини биласанми? Ҳисоблаб чиқдим: ҳаммаси бўлиб 189 соат, яъни 8 суткадан камроқ. Қара, кўрдингми, бир суткада қанчалик кам ҳаракат қилгансан...

Бир куни эрталаб Хироко одатдагидан кечроқ турди. кечқурун уларникига меҳмонлар келишганди.

Дзюкити газеталарни варақлаб, нималарнидир блокнотига ёзиб олиш билан овора эди.

Хироко Дзюкитига нонушта ўраб беришга ҳам улгургани йўқ эди, Дзюкити соатга ўғирилиб қараб, бирдан:

¹ Сига — Япония коммунистлар партиясининг машҳур арбобларидан бири.

² Кюити Токуда — ЯКП собиқ бош секретари. 1954 йили ўлган.

— Хироко, соат тўғри юряптими?— деб сўраб қолди.

— Тўғри бўлса керак.

— Радиони бура-чи!

Хироко радиони қанчалик қунт билан бурамасин, гапирмади — танаффус эди.

Дзюкити қоғозларни тезда йиғиштириб кийина бошладди.

Хироко шошганича нонуштани коробкага солар экан:

— Бирпас тура тур, мен ҳали тайёрлаб бўлганим йўқ...— деди.

Бу куни улар иккаласи ҳам бир томонга боришлари керак эди. Хироко овқат столи олдида уймаланар экан, Дзюкити яна уни чақирди.

— Бу ёққа қара, бунингни эплотмаяпман.

У манжетининг запонкасини тақолмай қийналар эди. Чунки қамоқда ётавериб европача энгилларни кийишни ҳам эсидан чиқариб қўйганди-да: у галстукни туголмас эди. Бу ишларга у қанчалик нўноқ бўлмасин, барибир, буларни тақиб юриш шарт эди. Бундан ташқари манжетни тақишда янглишган бўлсалар керак, одатдаги запонкалар негадир тўғри келмасди.

Хироко дўстлари совға қилган кичкина, чиройли запонкаларни, бу арзон кўйлакка ярашмаса-да, тақиб қўйди. Шундан сўнг маълум бўлдики, запонка нотўғри тақилган, ёқа қийшайиб турибди.

Хироко эрининг атрофида парвона бўлар экан, Дзюкити хотини тўсиб турган соатга чўзилиб қаради-да, бирдан бақириб юборди.

— Жуда кечга қолдим-ку! Тўққиз яримга қадар уйдан чиқиб кетишим керак эди.

— Йўлингга икки соат кетадими? Бу қанақаси? Олдинроқ айтиб қўймайсанми! Мен бўлсам бугун ҳам сен одатдаги вақтда кетасан деб ўтирибман. Хироко тугмаларни қадар экан, шошганидан ярим ҳазил, ярим жиддийлик билан баланд бўйли Дзюкитини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга айланишга мажбур қиларди.

— Қани бу ёққа айлан-чи,— деди ёқани ўрнатар экан, Хироко.— Энди бу ёққа,— деб галстукни ҳам тақиб қўйди. — Бу қанақаси, запонкани тақолмайсан! То-за нўноқ эрга йўлиққан эканман-да!

Ахири ҳамма иш битди, бундай ўзоқ тайёргарлик жонига теккан Дзюкити ташқарига шошилди.

— Мен-чи?— деди унинг кетидан Хироко.

Лекин Дзюкити унинг сўзига қулоқ ҳам солмай, йўлида давом этди.

Шундан сўнг Хироко яна чақирди:

— Қачон келасан? Ҳар кунги вақтдами?

Дзюкити дўстлари совға қилган кепкани пешонасига тушириб кийиб олганча, катта-катта қадамлар ташлаб индамай борарди. У бамбук поясидан тутилган тўсиқ орқасига қайрилиб, кўздан ғойиб бўлди.

Хироко бўлса ҳамон ўша Дзюкити узоқлашиб, кўздан йўқолган томонга — дарахт шохлари шитирлаб турган томонга тикилганча турар эди. Ана шундай қилиб у индамай кетди-қолди. Шундагина Хироко ўз эрига кўпол муомала қилганини тушунди. Унинг кафтлари ёнар кўнгли эса музлаб кетгандек эди.

Хироко шаҳардан соат бешдан кейин келди. Уйга кирмасданоқ, у:

— Исида келдимми?— деб сўради, уларнинг юмушларига қарашиб турадиган қўшнисидан.

— Ҳали келгани йўқ.

— Ҳалним-а?

— Овқатларингиз қозонда... Уйда меҳмонингиз бор!

Ҳақиқатан ҳам уйда Хироконинг ёшгина бир амакиваччаси ўтирар эди. Олдига дастурхон ёзиб, Хироко йиғитчадан Сахалиндаги қоғоз ишлаб чиқарувчи компаниялардан бирида ишловчи отаси, ватанга қайтгач онаси, опаларининг сиҳат-саломатликлари ҳақида сўради.

Кўп ўтмай зинапоядан чиқиб келаётган Дзюкитининг ҳам оёқ товушлари эшитилиб қолди.

Хироко уни кутиб олишга турди.

— Салом!

Дзюкити индамасдан бир оёғининг товонини иккинчи оёғининг учига тираб туриб оёқ кийимини ечди, сўнг кепкасини олиб бош кийим турадиган токчага қўйди. У одатда бош кийимини ҳам, қоғоз солинган папкасини ҳам олиб, ёнида турган Хирокога узатарэди. Баъзида жуда чарчаб келадиган бўлса, кун бўйи елкасини эзиб юборган пиджагини ҳам дарҳол ечиб узатар эди.

— Бугун эрталаб анча кечга қолдингми?

— Ҳа, сал кам бир соат.

Дзюкити уйга кириб меҳмон билан нари-бери сўрашди-ю, ҳозиргина келган журналларни варақлашга тушиб кетди.

— Кийимларингни алмаштириб олганингда бўларди...

Дзюкити бўлса эшитмагандек портфелидан қолган нонуштасини олиб ейишга тушди.

— Ўзи тинчликми? Кел, биз билан овқатлан.

— Ҳечқиси йўқ, шунинг ўзи ҳам бўлади.

Хироко ҳаяжонини ичига ютиб, тишини тишига қўйди, қариндоши билан суҳбатлашиб овқатланиб берди.

Дзюкити:

— Мен ҳонамга чиқа қолай — деди-да напкасини кўтариб, иккинчи қаватга кўтарилди.

Хироко нима қилишини билмай қолди.

Қулай фирсат бўлиши билан у ҳам юқори қаватга чиқиб кетди. Дзюкити стол олдида ўтирар эди. Столда очилиб ётган китоблар, уларнинг ёнида эса, қўйлак ва пиджаги ётарди.

Хироко унинг кийимларини вешалкага осиб қўйди.

— Сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима.

— Йўқ бир гап бўлса керак. Илгари бунақа одатинг йўқ эди. Сенга нима бўлди?

У Хирокога орқасини ўгириб ўтирар ва уни кўришга ҳам тоқати йўқдек кўринарди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Шу бугундан бошлаб ўзимга тегиншли ишларни ўзим қилишга аҳд қилдим.

— Бирор гап бўптими?

— Шу бугун кўп нарсаларни мулоҳаза қилиб кўрдим. Ҳозирги кўнгача ўйламай-нетмай сенинг меҳнатингдан фойдаланибман. Қарасам, ёмон ўрганиб қолаётганга ўхшайман. Сенинг кўзинга қўлидан иш келмайдиган дарди бедаво бўлиб кўринарман деб ўйлайман.

Хироко титраб кетди. Ахир у шунчаки ҳазиллашиб айтган эди-ку, демак, у қаттиқ ранжибди!

— Мени кечир! Ахир, шунчаки ҳазиллашиб айтган эдим-ку.

— Йўқ, мен уни ҳеч бир ҳазилга йўйганим йўқ. Ҳа, майли, бу дунёда эрларидан кўнгли тўлган аёллар ҳам бор... Мен эса ҳали кўп нарсани ўрганишим керак экан. Шулар ҳам иш бўптими. Қамоқхона менга ҳамма нарсани ўргатди...

Хироко ҳаяжон ичиди уни қучоқлаб олди.

— Ўзи нима гап? Бу ерда қамоқхона аралашиб нима

қилади. Мен ҳеч нарса тушунмаяпман,— унинг хўрлиги келиб йиғлаб юборди.

Ё раббий, Дзюкитини онласидан шунчалик совутган нарса нима бўлдикини? Хироко ҳаяжонланиб кетгандан оёқлари чалишиб бўйрага ўтирди ва бошини Дзюкитининг тиззасига қўйди:

— Ахир, ўйласанг-чи! Ўртамиздаги муҳаббат иплари шу қадар заиф, арзимаган бир куч билан узилиб кетадиган бўлса, шунча йил азоб-уқубатларни енгиб кела олармидик? — деб сўради Хироко.

Мана эрининг кўзига у тошюрак бўлиб кўрнпяпти, эри унинг хизматига муҳтож эмас. Хўш, шундай экан унинг эрига бўлган муҳаббатидан нима маъно чиқди? Демак, Дзюкитида ҳақиқий муҳаббат эмас, балки қандайдир арзимас ҳирслар бўлиб, мана шуларгина уни Хироко билан бирга яшашга ундайди. Бу аҳволда ҳеч маҳал турмушидан мамнун бўлолмайди. Хироко-чи, у доимо ўзини камситилган, хўрланган ҳис қилади.

— Бу ҳаддан ташқари уятсизлик,— деб унинг сўзини бўлди Дзюкити.

Хироко бўлса йиғи орасида унга йўқ деган маънода бошини қимирлатиб қўйди.

— Нима? Мен ҳали сенга уятсиз ҳам бўлдимми?

Хироконинг ҳеч нарсани тушунгуси келмасди. Кўз олдини тўсиб турган булут тарқаб кетгандай. Дзюкитида бирданига шундай кўнгил қолишлик ҳиссининг пайдо бўлиши мумкин эмас. Улар узоқ вақт бирга яшадилар. Йўқ, бунинг бирор сабаби бўлиши керак. Улар иккови ҳам оқ кўнгил, самимий одамлар; кўнгилсиз, ясама онла қуриб, бири айниса иккинчиси йўлга соладиганлардан эмас. Агар Дзюкитининг кўнгли шунчалик совутган бўлса, Хироко ҳам унинг қошида қололмайди.

Мана Хироко Дзюкити оёғига бош қўйиб қон-қон йиғламоқда, лекин Дзюкити уни нари итариб ташлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Мана шунинг ўзи ҳам уларни боғлаб турган қандайдир бир ип борлигини кўрсатмайдими? Хироконинг ҳозирги руҳий азоби, балки ўша ўн икки йиллик жудоликнинг нидоси! Ҳозир Дзюкити вужудини қамраб олган аламли хаёллар ҳам ўша ўн икки йил тортган жабру ситамлари таъсири эмасми?

Хироконинг хаёлига бир фикр тўсатдан келди-ю, ундаги изтироб ҳам, ҳаяжон ҳам тезда сўна бошладиган ва Дзюкитининг қўлини ушлаб:

— Гапирсам майлими?— деди.

— Марҳамат.

— Сени хафа қилиб қўйганлигим учун ўзим ҳам қаттиқ изтироб чекапман, худо ҳақи, ишон. Гуноҳимни кечир.. Ҳа, сен жуда узоқ вақт қамоқда бўлдинг. У ерларда бир-бирига астойдил ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш деган гап бўлмайдн. Олдингда дўст бўлиб кўринса-да, орқангдан сени ёмонлайдиган қабиҳ, маккор одамларни кўп кўргансан. Уларнинг сотқинлигига ҳам учрагансан.

. Дзюкити индамади.

— Сен ҳар ерда доим қўллаб-қувватлаб юбориш дейдиган нарсага тушунасанми? Шундай одамлар ҳам борки, гапларига, муомаласига қарасанг, бир тентак дейсан. Лекин шунақалар жонингга оро киради. Мана шуларга ҳар қачон ва ҳар вақт ишонинш керак.

Дзюкити ҳамон жим турар эди.

— Сенинг Хироконг ҳам, фақат, ҳар қачон ва ҳар ерда мадакоринг бўларман деб ўйларди, шуни тушунишинг керак,— деди Хироко йнғи аралаш.

Дзюкити зарб билан унга ўгирилди-ю, кўзларига тикилиб қолди. Хайрият, яна Хироко сига қаради. Хироко унинг юзини икки қўли орасига олиб:

— Демак, энди тушундингми?— деди.

— Агар сен мени севсанг, нега энди шундай сўзларни айтдинг?

— Қайси сўзларни? Ношуд эр деганимнимми?

— Худди ўшани.

— Ахир она ҳам ўз боласини эркалаб, баъзи-баъзида, оҳ, ношуд бола-эй, дейдику, ёки йўқми?

— Кечирасан, айтишда ҳам айтиш бор-да, сен уни бутунлай бошқача қилиб айтдинг!

Хироко унга диққат билан тикилди. Дзюкитининг юзидаги ажинлар ёзилиб, чиройи очила бошлади, унинг кўз қарашларидаги самимият янада барқ ура бошлади. Буни кўрган Хироко қувончи ичига сиғмай, йнғлаб юборишига оз қолди.

— Хайрият, аслига қайтыпмиз...— деб шивирлади Хироко.

— Ким?

— Биз иккаламиз.

Дзюкити ҳамма нарсани тушуниб турган бўлса-да, негадир, яна ишонмай сўзида давом этди:

— Майли-ку, Хироко, ҳар ҳолда ўша гапинг ҳазил эмасди!

— Шунақами?— деди Хироко. Лекин бу билан у кечирим сўраяптими ёки айбига иқрор бўляптими тушуниб бўлмасди.— Демак, тинимсиз бева деганингдан мен хафа бўлган бўлсам, менинг бу сўзимдан сен хафа бўлибсан-да. Шундаймасми?.. Зарари йўқ. Бир оз сабр қилсак, ҳаммаси ўз аслига қайтади,— деди у ва Дзюкитини бир оз хурсанд қилиш учун сўзида давом этди:— Лекин сен бундай ҳужумга жудаям уста экансан-да.

Хироко қаттиқ ҳаяжонланса, одатда бўшашиб кетар эди. У Дзюкитининг тиззаларини силар экан:

— Кушнузукун бекорга шунчалик изтироб ўтида қовурилибсан-да,— деди.

— Йўғ-э,— деди Дзюкити.— Уйга келаётиб шу хаёллар миямда ғужғон ўйнай бошлади. Хаёлимда худди уйим ҳам, оилам ҳам йўқдек бўлиб кўринди.

Уйим йўқ... Бу сўз Хирокога жуда кўп воқиаларни эслатди. Дзюкити билан бирга қамалган дўстларининг кўпчилиги хотинларидан ҳам, болаларидан ҳам ажраганлар. Уруш ҳамма нарсани яксон қилди, вайрон қилди... Инсонпарварлик ҳам, инсоний ҳис-туйғулар ҳам ҳаммаси оёқ ости қилинди. Ахир бу каби азобларни Хироко ҳам ўз ҳаётида тотиб кўрмадими? Ҳар гал уни қамоққа олганларида, ҳатто назоратчи аёл ҳам, «Дзюкитидан воз кеч»... деб таъкидламасмиди.

У эрининг тиззаларига яна ҳам қаттиқроқ ёпишиб олди.

— Кел энди, яраша қолайлик!— Хироко эгилган жимжилогини эрига чўзди.— Тавба қилдим, энди сени ҳеч бир хафа қилмайман. Лекин сен ҳам ўша гапларингнинг бундан буён қайтармасликка ваъда бер,— деб жим бўлиб қолди.

«Ҳаётни заҳарловчи, вақти келса, уни поймол қилишга ҳам тайёр бўлган душман кучлар ҳали мавжуд»—деб ўйлади Хироко Дзюкитига янада яқинроқ ўтирар экан.

Лекин, энди ҳеч ким уларга очикчасига ҳужум қилишга журъат эта олмайди, аммо эски яранинг ўрни ҳали ҳам битиб кетгани йўқ, уларнинг асари сезилиб турибди. Хироконинг қўлига Дзюкитининг тиззасида нимадир қаттиқ унади—бу яранинг ўрни эди. Мана булар, қийноқларнинг, бамбук таёқларининг бир умрга қолдирган изларидир. Дзюкити не-не азобларни кўрмаган.

Дзюкити ёзув столида ишлаб ўтирар, Хироко бўлса хонтахтага энгашганча унинг қўлёзмаларини оққа кўчирар эди.

— Оёғим совқотяпти,— деди у, кун шунчалик қизитаётганига ҳам қарамай оёғининг совқотишига ҳайрон бўлиб.

Ноябрнинг бошларида ҳаво очиқ эди: Дзюкити айвондан уйга тушиб турган қуёш нурига бенхтиёр мафтун бўлди.

— Дарвоқе, ҳозир хризантемаларнинг¹ айни гуллаган пайти,— деди Хироко унинг оёғига жун одеял ёпар экан.

— Бу ерларда бўлса ҳамма нарса куйиб хазон бўлди. Бизнинг гулхонамизда биронта гул ҳам йўқ!

Улар уйининг атрофи ҳозир қип-қизил чўлга айланган эди. Шунинг учун ҳам бу кеч куз кунлари осойишта туюлар эди. Кечалари Табата томондан паровозларнинг пишқиргани ҳам аниқ эшитиларди.

— Кўмиримиз кўпроқ бўлганда, қандоқ яхши бўларди. Қачондан бери кўмир бўлсайди дейман, қани энди уни топишнинг иложи бўлса!

— Қўявер, шуни ҳам ташвиш қилиб юрибсанми, совуқ тушса қалинроқ кийиниб оламиз-қўямиз, тамом!— деб қўйди Дзюкити қўлидан ручкасини ҳам қўймасдан; яна ишга киришиб кетди.

Дзюкити неча йиллар на бир иссиқ кийим, на бир иссиқ овқат кўрди. Шунинг учун ҳам ҳозир у овқатни иситмасдан емас, совуқлигича ейиладиган сабзавотдан тайёрланган таомларни ҳам иситса мазалироқ бўлади деб, плитка устига қўяр эди.

Шундайгина ёнида нимадир доимо биқиллаб кайнаб туришини яхши кўрарди. Гўё, бу унга қайноқ ҳаётдан далолат берармиди.

Хироко ҳам Дзюкининг бу истагини яхши тушунарди.

— Биласанми, шу кейинги вақтларда чойга жуда ўч бўлибман-да,— дерди Хироко чойнакни плитка устига қўяр экан.

— Мен ҳам, авваллари унча ишим йўқ эди,— деб жавоб берди Дзюкити.

¹ Хризантема — маданий ва ёввойи декоратив ўсимлик.

— Энди мана яхши ичяпмиз, ичмаям иложимиз қанча, ахир чойдан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ-да! Бир пайтлари шама молга берилар эди, кейинчалик одамлар ейдиган бўлди.

— Мен ҳам қамоқда шама едим. Одам бирам егиси келиб кетар эдики, ўша бўлмаса, ҳеч чидаб туролмасди киши.

Улар яна ишга берилиб кетишди. Шу пайт Хироко кўчираётан нарсасининг бир жойига келиб тўхтаб қолди.

— Бу жумланинг давом қани?— деди у Дзюкитига, кўп жойлари чизиб, ўчириб қайта ёзиб ташланган варақни узатар экан.

«Потсдам декларацияси принципларига асосан..» Хўш, давом...— Дзюкити жумлаларини кўздан кечира бошлади.— Ҳа мана бу ерда экан: «Шу кундан эътиборан бутун кучни сарфлаб...»— ва бу сўзларнинг ёнига қалин қилиб чизиб қўйди.

— Шунча нарсани ташлаб кетадимми? Ўзинг ҳам ёзиб ташлайверибсан-да!

Яна жимлик чўкди.

Хироко жуда яхши котиб эди. У бўш қолган вақтларида пастга тушиб овқат тараддусини кўриб чиқар, чой тайёрлар, кўчирадиган нарса тайёр бўлгач, яна ишга ўтирар эди.

Дзюкити Хироконинг чиқиб кетганини ҳам, қайтиб келганини ҳам пайқамасди. У бир ишга тушса жуда берилиб, шошмасдан ва бутун фикрини бир жойга тўплаб ишлар, нималарнидир ўчирар, тўғрилар, қайта ёзар эди.

Хироко тирсагига тиралиб олганча чуқур хаёлга чўмди. Пишиб, тоза қуриган буғдойнинг дони ўнғайлик билан чоридан ажрагани сингари, фикрлар ўз-ўзидан қўйилиб келиб, оқ қоғозга енгилгина тушувчи бу қувончли ва фойдали меҳнат завқини у ҳеч бир ҳис этиб кўрганмикан?

Хироко тўғрисидаги, эшикларни ланг очик, ерга учга бўйра ташлаб қўйилган уйга тикилиб ўтирарди. Уйнинг кечки қуёш нурлари тушиб турган шимолӣ девори тагига йиғма каравот қўйилган. Хирокога буклаб йиғиб қўйилган бу темир каравотнинг ажойиб қилиб тўқилган, лекин эндиликда занглаб ўзининг аввалги ялтироқлигини йўқотган пружинаси ҳам аниқ кўриниб турар эди. Хироко бу каравотни Абасирига — Дзюкити олдига ке-

таётганда шу ерга қўйиб кетган эди. Ана ўшандан бери шу жойда чанг босиб ётибди.

Бир кун Дзюкити каравотни кўриб қолиб:

— Ётишга қулай шекилли, дам олиш пайтлари фойдаланса бўлар,— деди.

Лекин Хироко бу каравотни уйга олиб киргуси йўқ эди. Чунки бу каравот Хирокога кўчма аввалги иккинчи қаватдаги ўша пастдаккина уйларини эслатарди. Шарқ томонда панжарали ойна, жанубидаги кўчма девори бўлса балконнинг панжараларигача борарди. Ойна тагидаги каравот устига катак-катак оч ҳаво ранг чойшаб ёпилган, юпқагина ёстиқ қўйилган эди. Уйдан чиқишда — ўнг томонда ёзув столи: каравот ва стол ўртасида торгина йўл. Тушдан то кун ботгунча кун тушиб туради. Ҳатто бамбук парда ҳам офтобнинг тифини қайтаришга ожизлик қиларди. Қуёш нурлари унинг тирқишларидан ўтиб, эскириб кетганидан қорайган бўйра устига, столга, каравотга тушиб турар, уйда майда-майда тўзонлар учиб юрар нимашингдир куйган хиди келиб турарди. Уйнинг ҳавоси дим, қизиган қуёш бўлса, ҳамон куйдирмоқда.

У Мэдзиро маҳалласидаги уйда тўрт йилгача шу алпозда яшади. Хироко иш қиладиган бўлса доим бошига сочиқни ҳўллаб боғлар, баъзи вақтлари мана ўламан, ана ўламан дейдиган аҳволга ҳам келиб қоларди. Ташқаридаги сўрига кир қуритадиган супача қилинган эди, унинг устига футисо¹ ўти ўтказилган катта тувак турарди.

1941 йилнинг саратон кунлари.

Шу йилнинг январиданоқ Хирокога адабиёт ишлари билан шуғулланишни ман қилишди, шу сабабли унинг тирикчилиги ҳам жуда оғирлашиб кетган эди. Дзюкити шу пайтлари Сугамо турмасида бўлиб, у Хироконинг битта ўзи жуда қийналиб кетди, акаси — Юкионикига кўчиб боргани яхши бўларди, деган хаёлни кўнглидан ўтказди. Лекин бундай қилиш осон гап эмас. Чунки Хироко қариндош-уруғлари билан борди-келдини узганига йигирма йил бўлди. Уларнинг ҳамдард бўлишларига ишониш қийин эди, чунки улар: бошига шунчалик сав-

¹ Футисо — йўл ёқаларида ўсадиган ўт. Японлар бу ўтни тувакка солиб уйларини ясатадилар. Баъзида футисонни кадзэспригус — шамол ўти, деб ҳам юритадилар. Чунки футисоннинг барглари жуда ҳам ингичка, майин бўлганлиги учун, енгил эсанг шамолга ҳам ҳилпираб туради.

донинг тушининга Хироконинг ўзи сабабчи, дейишарди. Ночор аҳволга тушгач, мадад истаб яна уларнинг олди-га қайтиб боришдан оғир иш йўқ? Дзюкити бўлса ўзининг хатларида: Хироко, сен жуда калта ўйлаяпсан, одат-қондаларга ортиқча эътибор бериб аканг неча бор таклиф қилса ҳам, қулоқ солмаяпсан, деб қайта-қайта ёзарди.

Хироко асарларини эълон қилиш эса бир неча бор тақиқланган, бир марта қарийб, бир йилдан ортиқ чиқаришмаган. Ўша пайтлари бу мусибат кўпгина ёзувчиларнинг бошида ҳам бор эди. Хироконинг дўстлари ҳам қийин аҳволда яшар эдилар. Ўша кезлари кўпгина ёзувчиларнинг қалбида исён ўти алангалана бошлаган эди. Хироко бундай ғам-андух ичида ёлғиз эмаслигини яхши билар, юрак дардини тинглайдиган ҳамдардлари борлигидан хурсанд эди.

Ўшандан бери уч йил ўтди, кўп нарсалар ўзгарди да жарлик пайдо бўлди.

Уларни кескин икки лагерга бўлган нарса жамоат тинчлигини бузмаслик ҳақидаги қонун бўлди. Бу лагерлардан бирини Хитой ва Манъчжурия фронтларида актив ҳаракат қилаётганлар, моддий жиҳатдан «гуллаётган»лар ташкил этса, иккинчи лагерда эса уларга қарши ёлғиз Хироко турар эди. Бўм-бўш қирғоқдаги биргина қоятош кучли тўлқин урилишларига ана шундай чидаш беради.

Аммо моддий қийинчиликларга қараганда руҳий азоблар ортиб тушар эди. Ташвишларига Дзюкитиси билан ўртоқлашса бўлади-ку, лекин ҳожати бормикин? У ҳозир қандай ёрдам бериши ҳам мумкин? Бир дақиқалик учрашувлар, фақат шу дамлардагина Хироко бир оз енгил тортар, хурсанд бўлар, куларди. Хотинининг ҳеч бир ташвиши йўқдек хурсанд, тинмай гапиришини кўрган Дзюкити ҳам қувонарди. Аммо Хироко эри билан хайрлашиб қамоқхонадан чиққан ҳамон, қаёққа борсам экан деб ташвишга туша бошлар эди.

Хироконинг кўнгли тортиб борадиган дўст-ёронлари жуда узоқда туришарди. Юконикида турсаммикан?... Ахир уларнинг оиласида бошқа дунё, бошқа ҳаёт. Хаёллар оғушида Хироко яна ўша Мэдзиро маҳалласидаги уйига қайтиб келар эди. Ўз уйинг — ўлан тўшагинг, дегапларидек, нима бўлса ҳам ўзининг уйи-ку!

Лекин иккинчи қаватдаги бу уй ҳамон дим, иссиқ!

Матбуотда чиқиб ҳуқуқидан маҳрум бўлгани учунми, ёзув столи ҳам ортиқчадек туюла бошлади...

Бир кун кечқурун Хироко зеркиб кетганидан бир айланиб келиш учун кўчага чиқди. Йўлда у бамбук парда билан соя қилиб қўйилган гул магазинига дуч келди, шундайгина оёқларининг тагида — тротуарда футисо ўтказилган тувакчалар турар эди. Тўйғазиб сув берилган гнёҳ баргларида сув томчилари милтираб турар, электр нурида янада кўм-кўк бўлиб кўринар эди. Негадир Хироко битта тувакдаги гулни сотиб олгиси келиб қолди. У сотиб олди ҳам. Хуфтондан кейин — магазин ёпилгандан сўнг унинг гулини уйига келтириб беришди. Хироко гулни ойна ташқарисидаги кир қуритадиган сўрига қўйиб қўйди. Сўри қачонлардан бери бўш ётар, чунки тинч даврлар ўтиб, Хироко кир қуритиш каби уй юмушларини қилмай қўйганига кўп бўлганди. Хироко бир қанча кун гулга канда қилмай сув қўйиб турди. Аммо Хироконинг ташвиши ортиб, турмуши оғирлашган сари футисо тақдири ҳақида кам ўйлайдиган бўлиб қолди. Бу пайтлар ёз иссиғининг авжига минган кунлари эди. Гулнинг барглари қурий бошлади. Хироко унга раҳми келиб ҳар замон, ҳар замонда бир қараб қўядиган бўлди.

Ҳозир Хироко ўша ёз нима билан тирикчилик қилгани, қандай қилиб яшаганини эслай олмайди. Аммо бошқа бир нарса: Сугамо қамоқхонаси олдидаги остановка яқинида гуллаб ётган хачи¹ эсида яхши сақланиб қолган. Баъзан электричка кучли шамол кўтариб ўтган пайтлари тепаликни қоплаб кетган хачи гуллари бир томонга бош эгиб енгил-енгил тебранишар эди. Дилгир кишига ҳар бир нарса таъсир этгандек Хирокога ҳам тўла, эзилган кўнгли худди шундай ўйнагандай бўлди. Хироко мана шу йиғиб қўйилган каравотда кўп вақтини ўтказган эди. Ана шунинг учун ҳам уни кўрар экан 1941 йил ёзининг иссиқ кунлари, ўшандаги танҳолиги эсига тушар эди...

Бир кун тонг пайти Хироко ўринда ётганида зина билан уйни ажратиб турадиган сурма тўсиқ тирқишидан фетр шляпа кийган бир одамнинг мўралаётганини кўриб қолди. Бу махфий полициянинг агенти эди. У уйга ҳам-

¹ Х а ч и — миртага ўхшаш шохли бута.

момининг эшигини бузиб кириб, Хирокони қамоққа олиб кетмоқчи экан. Хироко дўстларидан уйни кузатиб туришни илтимос қилиб, чиқиб кетди. Футисоси эса сўри устида — жазирама иссиқда қовжираганича қолаверди.

Лекин Хироконинг ёдида худди футисога ўхшаш яна бир бошқа ўсимлик яхши сақланиб қолган эди. Бу жуда кам учрайдиган ўсимликлардан бўлиб, ўзи ҳам сербарг, сершоҳ эди. У Сугама қамоқхонасининг 10-сон аёллар камерасидаги ойна олдида турар эди. Тувакка солинган футисонини ойнага жуда ҳам яқин қўйилганидан унинг барглари ҳилпирай ҳам олмасди. Хироко гулдан кўзини олмай, уни кузатиб ўтирар, лекин ҳатто кечаси ҳам гулнинг бирорта япроғи силкинмас эди.

Ёз шундай иссиқ келдики, кўпдан буён бундай бўлмаганди. Қамоқхона биноси чунонам қиздики, сал бўлса ёниб кетай деди.

Хироко шуларни эслар экан, ҳалқумига бир нарса тикилаётгандек бўлди. Дзюкитига буларнинг ҳаммасини қандай ҳикоя қилиб бериш мумкин?

Дзюкити қамоқдан келганидан бери Хироко эркин нафас ола бошлади, шунча йиллардан бери ҳаётини таҳликага солиб келган юрак сиқилишни касали ҳам бир оз бўшашди. У ўз бошидан кечирган азоб-уқубатларни, қўрқувларни энди тан олди.

Хироко ўрнидан туриб Дзюкити олдида борди-да, унинг қўлларини тўсатдан ушлади.

— Сенга нима бўлди?

— Мен ёзишим керак! Шундай қилиш керакки, мен яна ёза олай... сендан ўтинаман!..

Хироконинг чехрасидаги кучли ҳаяжонни кўрган Дзюкити бирдан кулиб юборди.

— Ҳа, майли, ўзингни бос!.. — У, қўлидан ручкасини қўймаган ҳолда жуда усталик билан, худди гипноз қилаётгандек унинг пешонасини оҳиста силлай бошлади.

— Ахир буни мен ўзим ҳам айтган эдим-ку! Эҳтиёт бўл, янглишма! Менинг гапларимни бу сафар тўғри тушу!

Кейинги кунларда бирин-кетин янги-янги адабий гуруппалар пайдо бўла бошлади. Ун йил илгари бирга ишлаган ёзувчилар, шоирлар, танқидчилар қайта бирлашдилар. Япониянинг ҳақиқий овози яна янграй бошлади.

Хироко йўлга тикилганча борар эди. Чунки яқиндагина бир амаллаб янгилаб олган, нари-бери қоқиштириб қўйган ёғоч кавушининг учини кўп ўтмай яна очилиб қолган эди. Энди сал эҳтиёт бўлиб юрмаса бўлмайди. Қия тепалик устидан ўтиб борадиган йўлга тош тўкилган бўлиб, ҳозир унинг устини билқиллаган тупроқ қоплаб ётар эди. Чап томон паст текисликдан иборат, ундаги ўсимликларнинг барглари эса сарғая бошлаган.

Хироко яна ҳам секинлашиб эҳтиётлик билан юра бошлади. Секин юришининг сабабини фақат оёғидаги кавушининг халақит беришида эмас, балки бугунги саёҳатнинг одатдагидан бошқачароқ эканлигида эди. Шунинг учун ҳам Хироко ўзини ҳар галгидан бошқачароқ ҳис этарди.

Хироко Консигавага борадиган йўлдан Дзюкитининг олдига кетаётган пайтлари ўзини қандай ҳис этган бўлса, ҳозир ҳам шундай ҳис этар; у пайтлари нима мақсадда бу томонларга келишини яхши билар ва ундан бўлак нарсга ҳақида ўйлай олмаса ҳам қаёққа кетаётганлигини биров сезиб қолмасин учун ҳаракат қиларди.

Ҳозир ҳам унинг қалбида ўша ярим унутилган туйғулар пайдо бўлди, лекин буларнинг сабабини мутлақо бошқача. Мустақиллик жамияти жойлашган ерга олиб борувчи йўл оддий қишлоқ йўли деб ҳисобланмасди. Кимки бу Мзодлик жамиятига яқиндагина озод этилган коммунистлар жойлашганлигини эшитган бўлса, бу йўлга ҳам бошқача қарар, ундаги учраган йўловчига ҳам бошқача назар ташлар эди. Уларнинг чеҳрасидан дўконга шошмаётганлигини кўриниб турарди. Бу ерда ҳар бир инсон тақдирига алоқадор янги бир куч ташкил топаётганини ҳамма ҳам билар эди. Ер ости темир йўлидан ўтиб тепалик ён бағрига бурилиб кетувчи йўлдан кетаётган Хироко ҳам худди шу кайфиятда борар эди. У қаёққа кетаётганини яхши билса ҳам, атайлаб кўрсатгисин келмас, шунинг учун ҳам бутун хатти-ҳаракати ва одимида тенглик сезиларди.

Дарахтлар орасидан янги бино кўриниб мўлжалга етай деб қолган ҳам эдики, кимдир уни чақириб қолди. Бу аёл товуши чап томондаги қалин кўкаламзор ичидан келган эди. Хироко тўхтаб атрофга тикила бошлади.

— Мен бу срдман! Сени кута-кута энди ноништага ўтиргандим,— деди барала Макико Сэгава кўкат ичидан кўтарилар экан. У бир қўли билан ёш болани ушлаб турар, бир қўли билан кутилмаганда Хироко келиб қолганидан яхши ўралмай қолган овқатли тугунчани бағрига босиб турарди.

— Эҳе, бутун йўлтўсарлар шу ерда экан-ку,— деди кулиб Хироко.

Макико кўп йиллардан бери Сайтама қишлоғида яшар ва у дугоналари билан жуда кам учрашар эди.

— Сен билан бу ерда учрашишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

— Жуда яхши бўлди-да! Бунн қара, сени кўрадиган кун ҳам бўларкан-ку! Дзюн-тян, бу ҳўв ўша ёстиқлик холанг, эсингда борми? — деб сўради Макико ўғлидан.

Хироко Макиконикига меҳмонга келганида унинг ўғлига ёстиқ отиб ўйнашарди. Бу ҳазил Дзюн-тянга жуда ёқар ва ўшандан бери Хирокони «ёстиқлик хола» деб юрар эди.

— Мен дугоналаримдан бугун бу томонларга келишинингн эшитдим-да, уйига барибир боролмайман, уни йўлда пойласам қандоқ бўлар экан, деб ўйладим. Шу ер менга қулай, бу ердан Кокубундзи остановкасигача трамвай юради. Ҳаммадан ҳам учрашганимиз ажойиб бўлди!

Улар тепаликдаги йўлдан, боланинг оёғига қараб, битта-битта қадам ташлаб боришарди.

— Хироко, кўринишинг анча тузук-ку...

— Сен-ку жудаям яхшисан! — деб жавоб берди Хироко кулги аралаш унинг тўлишган қоматига ишора қилиб.

Улар охириги марта баҳор пайтларида—ҳаво ҳужуми авжига минган кезларда учрашган эдилар. У пайтлари Макиконинг турмуши жуда оғир, қўрқинчли эди. Чунки Сайтамада яшаш жуда хавфли бўлиб, бунинг устига озиқ-овқат масаласи ҳам чатоқ эди. Лекин у пайтлари Макико фақат тирикчилик ҳақида қайғурмади. Унинг эри Тайдзи Сэгава бир кунн ўзидан-ўзи урушнинг ҳам тугаши аниқ бўлиб қолди деган эди. У кейинги пайтларда камгап кўриннар, уйга жуда кеч қайтар, ҳатто унинг қаерларда юришини ҳеч ким билмас эди.

—Эримнинг бошига яна аввалгидек кулфатлар тушадиган бўлса борми, ҳолимиз не кечаркин. Бу нарсани ўйлашнинг ўзи бир даҳшат! — деган эди. Макико сўнгги марта учрашганида. Унинг офтобда қорайган, сепкил босиб кетган юзидан ташвишга тушаётгани сезилиб турар эди.— Балки, нима қилаётганини унинг ўзи биларку-я, лекин шу...

Бир маҳаллар Сэгава университетда бирга ўқиган Сиро Тамаи деган студент билан улфат бўлиб қолган эди. Студентлар ҳаракатининг раҳбари Тамаи ҳар жиҳатдан ҳам жуда ажойиб одам эди. Нима ҳам бўлди-ю, бир кун уни қамаб қўйишди. Дарвоқе уни шу маҳалгача қамамасдан, эркин қўйиб қўйишганининг ўзи ҳам қизиқ эди. Шунинг учун ҳам Сэгава, Тамаини бўлмаганда беш-олти йил алоҳида камерага ташлаб қўйсалар керак, деб ўйлаганди. Кейинчалик маълум бўлишича, Тамаининг амакиси юстиция министри экан; у кўп ўтмай чиқиб келди, аммо у билан ош-қатиқ бўлган одамларнинг шўри қуриди, ҳаммаси жавобгарликка тортилди. Сэгава бир ярим йиллик қамоқни яқиндагина тамомлаб келган эди. У бир амаллаб заводга кириб энди ишга киришган ҳам эдики, бирдан уни яна қамоққа олишди, энди унга уч йил беришди. Унинг ҳеч қандай айби йўқлигини билганлар жуда аччикишди. Хайриятки, уни фақат уч йилгагина кесишди. Макико эри келгунча бир амаллаб ўғлини тарбиялаши керак эди. Унинг учун бундан бошқа чора ҳам қолмаган эди. У қайнонаси ҳамда иккита қайинсинглиси билан бирга турарди. Бундай катта оилада жуда қийналиб яшарди. Қичкина қайинсинглисининг ўз оиласи бўлиб, унинг ўзи ҳам, эри ҳам Сэгаванинг фикрлари билан келиша олмасдилар.

Хайрият, ўтган қиш Сэгава қамоқдан бўшаб келиб Сайтамада ишга жойлашиб олди.

Хироко Макико билан охири марта Токионинг вайрон кўчаларида бундан бир неча ойлар илгари учрашган эди ва ўшанда ҳам ҳозиргидек ёнма-ён юриб, ўзларининг ишлари ҳақида бир-бирларига гапириб бергандилар.

— Сенга қийинлигини, Макико, яхши биламан,— деган эди ўшанда Хироко.— Лекин у жасур Сэгаванг бир кун бориб, ҳеч нарса билан иши йўқлигини, фақат яхши ота ва ҳақиқий умр йўлдоши бўлиш орзусида эканини айтади ва шунида у сенинг кўз-ўнгингда бир шахсиятпа-

растга айлана бошлайди. Эҳтиёт бўл, яна ўшанда ўз ишингдан афсусланиб юрмагин!

— Ҳа, балки шундай бўлар,— деди Макико оғир нафас олар экан. У эрининг кайфиятини яхши билар, унинг олижаноб ниятларига ишонар эди. Лекин шундай бўлса-да, мабодо уни яна қамоққа оладиган бўлсалар, унда бу гапни кўтара олмайдигандек кўринар эди.

— Йилнинг охирларига бориб мен бутунлай уйда ўралашиб қолсам керак, иккаламиз узоқ вақт кўришолмасмиз деб ўйладим, шунинг учун ҳам бугун... Мана буни холангга совға қиламиз-а,— деб сумкадан майда хризантем гул дастасини олди-да, менга узатди.

— Вой, бу гулнинг ҳидини қара! Раҳмат! Мен буни Исндага олиб бораман, у бетоб ётибди.

— Унга нима бўлди? Касали оғир эмасми?

— Ҳа оёғининг мазаси йўқ. Оғрияпти! Ўзининг чарчагани етмагандек, уйга боргунча минг марта адашадди, янглишиб уйни аранг топади.

Улар чорраҳага етдилар. У ердаги сим ёғочга «Мустақиллик жамияти» деб ёзиб қўйилган. Ундаги стрелка қаёққа қараб юриш лозимлигини кўрсатиб турар эди.

Тупроғи билқиллаб ётган йўлга автомашина ғилдираги чуқур из қолдириб кетган ва бу йўл нарироқдаги сўқмоқни қоплаб олган ўтлар устидан илон изи ҳосил қилиб, охири бинонинг дарвозасига бориб уланган. Дарвоза олдида бир юк машина турар, калта жемпер кийиб бошини боғлаб олган бир қанча ишчилар бўлса машинадан янги-янги, аммо бир оз қўполроқ ясалган столларни туширишар эди. Столлардан, янги бўлгани учун смола ҳиди ҳам келиб турар эди. Тўғриси айтганда, бу ердаги ҳамма нарса: фақат мебелгина эмас, балки қурилишнинг ўзи ҳам янги эди. Атрофи бамбук поя билан ўраб олинган бу ердаги уй қурилиши эндигина бошланган бўлиб, ҳамма ёқда пайраҳалар сочилиб ётар, қиринди ҳиди келиб турар эди.

Бу бино аввалига Хонгэндзи бутхонаси томонидан қурилди. Бу ерга қамоқдан бўшаб келган «сиёсый айбдорларни» тўплаб, «ғоявий қайта тарбиялаш» иши олиб борилади деб мўлжалланган эди.

Тепаликлар ўртасига жойлашган бу уй Кокубундзи останковасидан анча узоқда эди ва унга озод бўлган коммунистлар йиғилишган эди. Улар жамоат тинчлигини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонуннинг чиқиши муносаба-

ти билан давлат ихтиёрига ўтган кўрпа-ёстиқларини ҳам, озиқ-овқатларини ҳам ва бошқа керакли майда-чуйдаларини ҳам турмадаликларидаёқ қайтариб олган эдилар ва бу нарсаларининг ҳаммасини машинага ортиб туғри шу ерга олиб келиб туширишган эди.

Дзюкити турмадан битта тугунча билан қайтган эди. Унда Япония герби тасвирланган битта совун идиши, тиш чўтка солинган қоғоз пакетча, эскириб кетган темир йўл картаси ва маҳкам қилиб боғлаб қўйилган ҳужжатлар бор эди. Шу ҳужжатлар ичида икки дўстининг: «Турмадан озод бўлишинг билан бу ерга келавер, турар жой тайёр» деган мазмундаги телеграммаси яхшилаб тахлаб қўйилган эди. Хироко телеграммани бир кўришидаёқ Дзюкитининг телеграммани олган пайтидаги аҳволини тасаввур қилди. Бу каби телеграммалар ҳамма ёққа: Абасирга ҳам, Миясирога ҳам юборилган эди. «Уй-жой» сўзи айтилса ана шу эркинлик жамияти тушинилар эди.

Деворлари энди-энди қурий бошлаган, уичалик катта бўлмаган икки қаватли бино кенг майдоннинг ўртасида қад кўтарганди. Куз қуёши уни ўз бағрига олган. Дарвоза билан уй ўртасида майдонча бўлиб, унга ходалар ва тахталар тахлаб қўйилган. Бу тахта уюмлари олдида ўн бештача аёл тўпланишиб туришар, эгиларидаги кийимлари турлича бўлиб, қўлларида тугун-пугунлари, кўпларининг қўлларида болалари ҳам бор эди. Хотинлар бир нималар тўғрисида жуда берилиб суҳбатлашардилар: болалари каттароқлари эса узоққа кетиб қолишмасин деб, улардан кўз-қулоқ бўлиб туришар, баъзилари европача кийинган бўлишларига қарамай, одатимизга кўра, ёш болаларини орқаларига боғлаб олган эдилар. Уларнинг тўпланиб туриши худди экскурсиядан қайтган мактаб болаларини кутиб олиш учун чиққан оналарга ва опа-сингилларга ўхшаб кетарди.

— Бу ерда мажлис бўляптими?— деди, Макико юришини секинлатар экан, паст овоз билан. Мен мажлисга эмас, сени кўргани келган эдим.

— Йўғ-э, бугун ҳеч қандай нарса бўлмайди, хотининг жам бўлсин! Мен билан юр.— Хироко бугун жамоат ишларида қатнашишга истак билдирган аёлларнинг дастлабки учрашувлари бўлишини Дзюкитидан эшитган эди.



— Ие, бу Исида-сан эмасми?!— Тўпланиб турган хотинлар орасидан бир ёш аёл Хироко олдига келди.

— Кўзингиз тузалиб кетдими?— унинг олдига яна бошқа бир аёл келди. Бу аёл бир пайтлари Хироконинг кўзи иссиқдан оғриб қолганини билар экан шекли.

Хироко бу аёлларни таниди. «Ие, сиз ҳам шу ердасиз!» деган овозини эшитиб унинг олдига бошқа аёллар ҳам шоша-пиша келишаверди.

Бу аёлларнинг кийимлари ҳам, ҳаётда босиб ўтган йўллари ҳам турлича, бир-бирига ўхшамасди. Улар уруш даврида танишган эдилар. Улар бир-бирларини боғлаб турган ипни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қи-

лардилар; ана шу ипгина буларни шу ерга тортиб келган эди.

Ходалар олдида тўпланиб турган аёлларнинг чеҳрасида қандайдир тантана ва ҳаяжон барқ уриб турарди. Уларнинг чеҳраларида соддаликни, шу билан бирга, бир оз вақтдан кейин қандайдир бир янгилик бўлишини кутиб турганларини ҳам уқиш мумкин эди. Аёллардаги бу кайфият бу уйда дунёга келаётган муҳит билан, янги ҳаёт билан жуда мос тушарди.

— Нима бало? Мана соат икки ҳам бўлай деяпти,— деди бир аёл тўсатдан, қўл соатига қарар экан.

Ҳақиқатан ҳам, соат бирга белгиланган мажлис ҳанузгача бошланмаган эди. Уша аёл:

— Бориб билиб келмасам, бўлмайди,— деб эшикка қараб юриб кетди.

Кўп ўтмай бир мўйловдор пакана киши билан бирга қайтиб келди. У киши қўлини белига тираб, тўпланганларга мурожаат қилди.

— Токуда-сан райондан келган ўртоқлар билан суҳбатлашяпти. Улар билан суҳбатлашиб бўлгач, бу ерга чиқади. Тушунарлими?— У яна қайтарди:— Токуда-сан бўшаши билан мажлисни бошлаб юбораверамиз.

Унинг товуши қандай жарангдор-а, деб қўйди ўзича Хироко, юзи сипсиллик, бирорта ҳам ажин тушмабди. Мўйлов қўйишга уни нима мажбур қилдийкин? Ёши ноаниқ бу кишининг қиёфасида қандайдир қизиқ бир хислат сезилиб турар, ўзини эса, жуда бошқача тутар эди. Ахир қамалган одамларга мўйлов қўйдирмас эдилар-ку! Қимки мўйлов қўймоқчи бўлса, аввал рухсат сўраши лозим эди. У одам бундай басавлат мўйлов қўйиш учун қанақа илтимоснома ёзган экан? Инсон ҳеч бўлмаганда мўйловини ўз ихтиёрича қўйиш ҳуқуқига эга бўлиши лозимлигини ёқлаб чиқиши учун бу одам ро-са курашгандир. «Мўйлов... Бу унинг биринчи ўлжаси бўлса ҳам ажаб эмас»,— деб ўйлади-да, кулиб юборди.

Кўринишдан, бугунги мажлисни уюштириш мўйловли кишига топширилган эди. Чунки у бирпасдан сўнг яна эшик олдида пайдо бўлиб, ҳаммани уйга таклиф этди. Макиконинг боласи билан киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмай иккиланиб турганини кўриб:

— Қани, тортинмай кираверинг, марҳамат!— деди.

Одамлар иккинчи қаватга чиқиб йўлакнинг охиридаги икки томони кенг деразали уйга киришди. Хотин-

лар девор ёнига, учта эркак эса тўрроққа жойлашдилар; фақат киравериш бўш қолди.

— Хуш келибсизлар! Ҳали ҳамма ёқ бесаранжом, тартибга солиб улгуролмадик,— деб Кюнти Токуда хотинларга мурожаат қилди-да, очиқ турган деразага орқасини ўгириб, кичик курсичага ўтирди. У жанубликларга ўхшаб димоғида гапирар эди.— Кечирасиз, сизларни кутдириб қўйдик!

Ҳамма хотинлар икки букилиб, баравар салом бердилар-да, сўнг бу ярим ҳарбийча кийинган, сочи тўкилиб кетган, номи эса катта шуҳрат қозонган одамнинг башарасига тикила бошладилар.

— Мана шу йиллар,— деб давом этди Токуда,— гоҳ чет мамлакатларда санқиб юришга, гоҳ турмада ётишга мажбур бўлдим. Эрим билан бор-йўғи, етти ойгина яшадим. Шу сабабли мен аёллар қисматини яхши биламан, деб айтолмайман. Лекин бу нарса шундай ҳам маълум: сизларнинг, япон аёлларининг ҳаёти жуда ҳам огирдир! Сизлар қанча-қанча азоб-уқубатлар тортдингиз, ҳоридингиз, энди пичоқ бориб суякка етди, тўғрими?

Хотинлар жим тинглашар эди. Лекин уларнинг қалб ойнаси бўлган кўзларидан: «Ҳа ҳаётимиз огир, ҳаддан ташқари огир!» деган маънони уқиш мумкин эди. Бунн орқасидаги боласини олиб тиззасига ўтқазган аёл қарашидан ҳам, Макико сингари боласини ёнига ўтқазиб олган аёл қарашидан ҳам, қалбида янги ҳаёт тўлқинини ҳис этган бошқа аёллар қарашидан ҳам уқиш мумкин эди.

— Менимча, биз эркаклар сизларни қаттиқроқ севишимиз, сизнинг тўғрингизда қайғуришимиз лозим, Булар қанчалик қийин бўлсада, сизларнинг ҳаётингизни ўзгартиришимиз, енгиллаштиришимиз, дурустроқ қилишимиз лозим.

У булардан ташқари Япония тарихида аёлларнинг тақдири қандай бўлганлиги, демократиянинг турли даврлари ва уларда аёлларнинг ўйнаган роллари ҳақида гапирди.

Кичик уйнинг ланг очиқ деразасидан хонага ёруғлик тушар, шабада эсар, бу эса туманли куз кунларининг кеч пайтини эслатар эди.

Деразадан ташқарида ироқ-ироқларда кўз илғарилғамас тепаликлар, чўзилиб кетган дарахтзорлар, улар устидаги бепоён осмон кўринарди.

«Бу гапираётган баланд бўйли, бақувват кишининг портретини ишламоқчи бўлган рассом, албатта, ана шундай фонда тасвирлар эди,— деб хаёлидан ўтказди Хироко Токудага тикилар экан.— Сўнг пешона, чакка сочлари тўкилиб кетган бу одам тез-тез ва кескин гапирар, гапирганда ҳам қўлининг кўрсаткич бармоғини мурожаат қилаётган одамга етказишга интилгандай туюлар, овози қўнғироқдек ва янгроқ, кўзи эса жанубликларникига ўхшаш қисқроқ эди. У қанчалик шижоат билан гапирса, кўзи чарақлаб кетар, юз тузилиши ички шижоатидан дарак бериб турар эди.

Билимдонлиги, ўткир сўзлиги нутқига ҳам гўзаллик бахш этиб турар, баъзан қиёфаси ўзгариб, чеҳрасида ажойиб соддадиллик барқ урар, ана шу пайт унинг лаблари юракдан чиқувчи кулгини ифодаларди.

«Агар рассом бўлганимда ўзига хос хислатларга ва ҳаракатларга эга бўлган кишининг портретини қандай қилиб ишлаган бўлардим? — деб ўйлади Хироко.— Токуданинг портретини ишлаш учун бир суртганинг умрбод ўчмайдиган қадимий, яхши бўёқ бўлиши лозим. Юзини қизғиш жигар ранг бўёқда, кўз гавҳарлари аниқ ажраб турсин учун, атроф қовоқларини тим-қора ранг билан, бурнини бир оз йўғонроқ бериш керак. Портрет битгач, устидан умрбод ўчмайдиган қадимий лак суриш керак. Бу образ куч, ақл, ирода симболи бўлиб хизмат қилиши лозим. Унинг портрети Япониядаги машҳур кишиларнинг портретлари орасида яққол ажралиб туриши лозим!».

Бу одам кўпни кўриб, кўп нарсани билгани, ажойиб хислатларга эга бўлгани учун ҳам, ҳамманинг эътиборини қозонган эди. Унинг гаплари қанчалик кескин, қўпол бўлмасин, бу аёлларга қаттиқ ботмасди, акс ҳолда унинг гапларини бажонудил эшитар, айтганларини тўғри деб топардилар ва хайрихоҳлик билдирардилар. У шунчаки баджаҳл кўринса-да, ўзи самимий ва содда одам эди. Тўсатдан унинг ғазабга келиши Хирокога ҳозиргина ўтдан олинган қип-қизил темирни эслатди. Унинг оташин, ишонч тўла сўзлари Хироконинг юрагини ёндириб яна тинчлайтирар, гўё ўзи яралаб яна ўзи даволар эди! «Ҳақиқатан ҳам бу инсоннинг портрети учун қадимий асл лак бўлиши, ёмғирда қолганда ҳам сув юқтирмайдиган, устидан том-

чилар силлиққина оқиб кетадиган лак бўлиши лозим» деб ўйлади Хироко.

Уйда аввалгидек сокинлик ҳукм сураб, аёлларнинг бутун вужуди қулоққа айланган эди. Диққатни бўлиб юборишдан чўчиб, ҳатто қимирламасдилар ҳам. Шу ўтиришда улар бир-бирларига ўхшаб кетардилар. Аммо ҳар бирининг юзига тикиладиган бўлсангиз, буларнинг тақдирлари бир-бириникига ўхшамаслигини биламиз. Улар босиб ўтган оғир, машаққатли ҳаёт йўли бир-бириникига ўхшамайди.

Оналар ҳар замон-ҳар замонда энгашиб болаларига: «Ўғлим, жим ўтир, ахир сен кап-катта боласанку» деб шивирлашар ва қўлларини болаларининг кичкинагина елкасига қўйиб олиб, нотиқнинг гапларини диққат билан эшитишар эди. Улар ўзларининг ким эканликларини, ўз ҳаётларини билишга зўр иштиёқ билан интилаётганларини чеҳраларидан ҳам билиш мумкин эди.

Токуда гапини тамомлагач навбат аёлларга келди. Биринчи қарашдаёқ бу аёлларнинг мажлисга биринчи марта қатнашмаётганликларини сезиш мумкин эди. Уларнинг жим ўтириб эшитишлари, диққат билан тинглашлари ҳам шунинг кўрсатиб турарди. Сўзга чиқишга келганда ҳали улар бунга ўрганмагандилар. Ўн йил давомида ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб кетганди. Шунинг ҳам таъсири бўлиши керак.

Мажлисга келганлар орасида яқинда Хитойдан келган бир аёл ҳам бор эди. У биринчи бўлиб Хитой хотин-қизлари ҳаёти ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Хироконинг номини тилга олишди. Хироко япон хотин-қизлари ҳаёти ва 1932 йилдан сўнгги маданий ҳаёт ҳақида қисқа гапириб берди. У ўз нутқини, «Айтмоқчи бўлганимни ўзингиз ҳам мендан яхшироқ биларсизлар, аммо ўн саккиз йил озодликдан маҳрум бўлган Токуда-сан буларни биладими, йўқми бу бизга номаълум!» — деб бошлади.

Мажлис аҳли аста-секин жонланиб, овозлар эшитила бошлади.

Иккита секретарь сайланди. Биттасига йигирма ёшлар чамасидаги тўладан келган ёқимли аёлни, иккинчисига эса стенографияни билувчи, жамият ишлари билан кўпдан бери алоқадар йигирма беш ёшлардаги бошқа бир аёл сайланди. Мажлис охирида навбатдаги йиғилиш куни белгиланди.

Аёллар ўртасидаги иш ана шу тарзда бошлаб юборилган эди.

Мажлисга қатнашган аёлларнинг кўпи турмадан бўшаб келган коммунистларнинг хотини эди. Улар оилалари билан ана шу уйнинг ўзига жойлашган эдилар. Аёллар зинадан тушар эканлар мажлисдаги гапларни зўр қизиқиш билан муҳокама қилар эдилар.

— Ҳой Нагаэ-сан, уйга тиқилиб ўтираверасанми, бундоқ очиқ ҳавога ҳам чиққин-да!— деган кимнингдир товуши эшитилди.

— Ўзим ҳам шундай деган эдим, кўрмайсанми...— деди. Ҳавоб берган Нагаэ-саннынг ўзи эди шекли.

Мажлистан сўнг хотинларнинг кўпчилиги ҳар кунги ишлари билан ошхона-ошхоналарига тарқаб кетишди. Яқиндагина қурилган ошхонанинг цемент поли тозалигидан ярақларди. Ўртадаги йўл босилавериб чанг бўлганди. Ҳозир бу ерда иш қайнаган: биров насос билан сув чиқаряпти, яна кимдир ўтин ёряпти.

Ташқарига қоронғи тушиши билан эшик тепасидаги электр лампочка ёнди. Хироко ташқарига чиқиб улгургани йўқ эди ҳамки, ҳовлида турган ёшлар ичидан бир киши ажраб чиқиб, у томон илжайиб кела бошлади. Хироко бир зум ўзини йўқотиб қўйди, лекин унинг юзига қаттиқ тикилганча қўлини чўзиб бақириб юборди:

— Эҳе, кимни кўряпман!

Бир маҳаллар,— Тинч океандаги уруш бошланмасдан олдин Хирокола музика ҳаваскорлари жамиятининг абонементи бор эди ва уларнинг концертларига бориб турарди. Концертда у кўпинча Яманума фамилиялик бир йигитчани учратарди. Баъзан концертдан сўнг бу йигитча Хироконикига кириб чой ичиб кетарди. Ўша пайтлардаёқ, у ўзининг баъзи бир хусусиятлари билан ажралиб турарди, бу эса келажакда ундан олим чиқишини кўрсатиб турарди. Суриштириб келишса Хироконинг дўстларидан бирининг ўғли билан яқин таниш экан. Бунга қаранг-а, тақдир ҳаволаси билан улар ўша кезлари концертда учрашиб қолишибди.

«Демак, бу ерда Яманумага ўхшаган одамлар ҳам бўларкан-да!»— деб ўйлади Хироко. Кўринишича, дарвоза олдида тўпланишиб турган ёшлар шу ерга яқин жойда турсалар керак. Ямонума ҳам шулар билан бирга бўлса керак.

— Эҳ-ҳе, кўришганимизга қанча йиллар бўлди,— деди Хироко.— Ишларингиз қалай? Дурустми?

— Исида-сан соғ-саломатми? — Яманума аввалгидек ёқимли ва мулойим эди.— Яна кўришармиз?

— Ҳа, ҳа, албатта! Хўп, саломат бўлинг,— деди-да, уни кутиб турган дугонасига етиб олди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, кичик Дзюн-тян бўлса чарчаганидан оинасининг орқасида мудраб борар эди.

— Кечирасан, сен бу одамни яхши танийсанми? — деб сўради Макико пичаннинг ҳушбўй ҳиди анқувчи ҳавода нафас олиб йўлдан боришар экан.

— Нима десам экан... Нимайди?

— Биласанми, менимча, у Сэгава билан дўст эди шекилли. Лекин, яна ким билади, дейсан.

Бугунги кун, худди оналар ва болалар учун байрам кунидек, жуда ажойиб эди. Хироконинг хаёлида бугун эрталабдан кечгача қаердандир юқорилардан кадрилиа куйи эшитилаётгандай, кўз ўнгида эса қадимий танцаларда бирин-кетин айланиб ўтаётган ошиқ-маъшуқларни кўраётгандек бўлди. Дўстлар давраси... Ҳа, бу ердаги ҳаётни, ундаги жонланишни фақат байрамга тенглаштиришгина мумкин эди.

— Биласанми, бу ер худди Нух пайғамбарнинг кема-сига ўхшайди.—деб кулиб қўйди Хироко.—Ҳа ҳақиқатан ҳам қандайдир бир ўхшашлик бордек кўринади. Бояги мўйловни айтмайсанми! Сен уни пайқадингми?

— Ҳа, балки, ўхшаса ҳам бордир,— деб кулди унга жавобан Макико. Унинг орқасидаги Дзюн-тян уйғониб қимирлай бошлади.

Олдинда кимдир электр фонари билан борар эди; фонарнинг узун-узун нурлари гоҳ дарахт шохларига, гоҳ дарё ёқасидаги дўнгларни қоплаб олган ўт-ўланларга тушар эди.

VI

Чап оёғининг бўғими лат еб, Дзюкити бир ҳафтача азоб тортди. Хироко қуёш нурига фарқ бўлган хонага жой солиб берар экан Дзюкитига:

— Тобинг қочиб ётиб қолганинг, албатта, яхши бўлмади, ҳечқиси йўқ. Бир оз бўлсада дам олволдинг-ку, тўғрими?

— Ҳа, тўғри айтасан.

— Энди сенга қараб турадиган одамнинг бор. Сал

ўзингни бетоб ҳис қилсанг — дарров ётиб, дамингни ола-
вер! Шундай кунларга етишганинга ҳам шукур қил.

Хироко Дзюкитининг бир-икки кун уйда бўлишини
истарди.

Хироко мустақиллик жамиятига бориб келганига уч
кун бўлди. У Макико совға қилган хризантемани вазага
солиб қўйганди. Мана шу вазанинг сувини алмаштир-
моқчи бўлиб турганда, уни бирдан Дзюкити чақириб,
ўзининг суд процессига алоқадор эски ҳужжатларни то-
пиб беришни илтимос қилди.

— У ҳужжатлар турганмикан?

— Турмай қаёққа боради, келишимда олиб келган
эдим-ку! — деди Дзюкити.

Хироко ён томондаги уйнинг қаеригадир қўйилган
қоғоз пакетчани қидирар экан, у ип билан боғланган
бир қанча пакетчаларни очиб кўрди. Улар орасида катта
конверт унинг эътиборини тортди. Конвертнинг орқа-
сига бинафша рангли печать билан: «Ватанпарвар ада-
биётчилар жамияти» деб ёзилгани аниқ кўриниб турар
эди. Конверт ичида унинг ҳикояларидан бирининг қўлёз-
ма нусхаси бор эди.

Ҳужжатларни топди-да, ҳалиги катта конвертни ҳам
қўшиб олиб чиқди. Дзюкити ҳужжатларни кўздан кечи-
риб бўлгунча кутиб туриб, сўнг унинг қўлига ҳалиги
катта конвертни узатди.

— Бунга қара яна нима топдим.

— Нима экан? «Ватанпарвар адабиётчилар жами-
яти»? — деди у печатга шубҳали назар ташлаб.

— Ичини қара-чи, нима бор экан?

Дзюкити қўл ёзмага кўз югуртириб чиқди, ундаги,
«Уша кунги қор» деган сарлавҳагина Хироконинг қўли
билан ёзилганди, холос.

— Сен биронта одамга нусхасини кўчириб беришни
илтимос қилувдингми?

— Биласанми, бу жамият уруш йиллари ҳикоялар
тўплами чиқазмоқчи бўлган эди. Шу жамиятга аъзо
бўлганлигим учун, бирор нарса беришимни илтимос
қилишганди. Ушанга юбуровдим, кейинроқ бир жиҳати
тўғри келмаганлигини айтиб, қайтариб юборишди.

— Демак, ҳикояни ўзинг юборган экансан-да?

— Ҳа, ўзим юборган эдим.

— Шунинг учун атайлаб нусха кўчиртирган эдингми?

— Бўлмасам-чи?

Дзюкити илжайиб қўйди. У яна қўлёзмага тикила бошлади.

— Эсингда бўлса, бу воқиа ўша хотин-қизлар журналада бир неча ҳикояларимни, агар буларни ҳикоя деб ҳисоблаш мумкин бўлса, бостирганимдан сўнг бўлган эди. Бу ҳам ўша ҳикоялардан биттаси.

— Ҳм...

У қўлёмани нари итариб қўйди.

— Бошқалар ҳам асарларини ўзлари юборишганимиди?

— Шундай бўлса керак.

— Шундай қилиб тўплам чиқдимми?

— Билмадим... Ишқилиб ўша тўпламни ўз кўзим билан кўрганим йўқ.

Дзюкити Хирокого тикилганча индамай турар, у бўлса Дзюкитининг бундай, одатдан ташқари қаттиқ хўмрайиб тикилишига бардош бериб, тик қараб тураверди.

— Хироко эсингда борми? Шу жамиятдан чиққин, деб мажбур қилганларим эсингдами? Ўшанда сен бўлсанг мени «реал шароитни тушунмайсан» деб енгмоқчи ҳам бўлган эдинг...— У охирги сўзни Хирокони масхара қилаётгандек, унинг овозига тақлид қилиб гапирди. Ўша хунук воқиалар ҳали Дзюкитининг эсида эканда.

— Эсимда бор, албатта. Шунинг учун ҳам бу конвертни сенга кўрсатгани олиб келган эдим!

— Нега ўшанда менинг сўзимга кирмовдинг? Мен нотўғри гапирганимдими? Уни-муни қўй, ишқилиб взынос тўламайпсанми?

— Тўламай қўйдим! Бошқалар ҳам тўламай қўйдилар шекилли.

Бир пайтлари Хироко адабиёт ва санъат ходимлари Ассоциациясига аъзо эди. Эндиликда у Ватанпарварлар адабий ташкилотига айланди ва Хироко ўз-ўзидан унга кириб қолди.

— Агар ҳикоянгни қайтариб бермай, қабул қилганларида борми, ўзингда йўқ хурсанд ҳам бўлар эдинг-а?— деди Дзюкити ва истеҳзо билан жилмайди.

— Аввалам бор ҳикоямни босиша қолсин деб ўлиб-қутулганим йўқ, сўнгра уни босишганда ҳам ёмон бўлмасди. Ахир ўша пайтлари...

Ҳозир ўша пайтлар ҳақида Дзюкити билан гаплашгуси келди. Шунинг учун ҳам, конвертини олиб чиқди.

Уруш авжига миниб, Ахборот комитети¹ разведкаси маориф, маданият соҳаларини, ёзувчиларни ва уларнинг асарларини уруш мақсадига бўйсундириш юзасидан қаттиқ контроль ўрнатди. Хироко ва унинг қаламкаш дўстлари бошига оғир кунлар тушди. 1941 йилнинг январиди унинг асарларини эълон қилишни қатъиян тақиқлаб қўйишди: Бу эса Хироконинг ўз фикрларига қаттиқроқ ишонч ҳосил қилишга олиб келди. Шундай қилиб уларнинг бу чоралари ҳам улар ўйлаган натижани бермади. Хироко ёлғиз бўлгани билан моддий қийинчиликлар уни чўчитмади. У бошқа нарсадан қўрқарди. Вазият кескинлашган, ҳамма жонини ҳовучлаб турган бир пайтда, адабий ташкилотни ташлаб кетиш кишини яна ҳам яккалатиб қўярди. Хироко шунинг учун ҳам адабий ташкилотдан кетмоқчи эмасди.

Осмондан қилинган ҳужумнинг қанчалик қўрқинчли бўлишига қарамай, бомбадан яширинадиган жойда сен билан бирга бошқалар ҳам бўлса унчалик ваҳимага тушмайсан киши. Ахборот комитети номи остида адабиёт соҳасидаги олиб борилган ҳарбий ҳужумни ана шундай осмондан қилинган ваҳший ҳужум билан тенглаштириш мумкин эди. Хироконинг бир ўзи бу ишларга қарши чиқишдан чўчиди. У одамларни севар ва улар билан доим бирга бўлгиси келар эди. Мана Дзюкити ҳозир унга ярим ишончсизлик, ярим истеҳзо билан қараяпти. Ўша вақтда балки «Ватанпарварлар жамияти» даги чиновниклар ҳам унинг ҳикояларига худди шундай қараган бўлишлари эҳтимол. Чунки унинг ҳикоялари улар талабига ҳеч бир жавоб бермас эди. Бу жамиятни ёзувчилар бошқармасди — ҳатто у одамларни чиновниклар деб ҳам бўлмасди: улар тажовузорлар, жосуслардан иборат эдилар!

— Биласанми, Хироко, ўша йиллари сенинг бу каби масалаларга совуққонлик билан қарашинг мени жуда ҳам ҳайрон қолдирар эди. Ахир ҳамма нарса кундек равшан эди-ку! Ўшанда мен нима учун, шундай азиз кишининг — эрининг бўйнига сиртмоқ солаётганлар орқасидан эргашяпсан, бирор ўйлаганинг борми йўқми, билишга ҳам қизиқмадим.

— Жуда тўғри гапиряпсан. Нима сабабдан кейинги

¹ Ахборот комитети давлат томонидан 1936 йили сўз ва фикр эркинлиги устидан фашистларча тажовузни жорий қилиш учун ташкил этилган эди.

пайтларда мен билан мулоҳим гаплашяпсан, деб ҳайрон бўлардим.

Хироко қамоқхонага Дзюкити билан учрашгани борганида ҳам эри унга ўша гапларини такрорлар, у шу жамиятдан чиқишини қатъий, лекин босиги билан тушунтирарди. Дзюкити бу маслаҳатни ҳар учрашувда қайтарар эди. Хироко ҳам ҳар гал ўша эски далил ва вазларни такрорлашдан бошқа иложи қолмаган эди.

— Биласанми, ҳамма гапни сени суд қилишгандан сўнг тушундим...

— Шунақами?

— Эсингдами, сен доимо: «Кеманг кетаётган йўлни тўғри йўл, деб ишонч билан айтишдан завқлироқ нарса бўлмаса керак!» дердинг. Қирғоқдаги машъаллар қанча ўзгармасин, сен кемангни у томонга бурмайсан. Сен уни очиқ денгизга — ўз йўлингга қараб йўллайсан. Кемангнинг ана шундай бўлишини истар эдинг... Суд процесси тамом бўлганидан сўнг мен Эхадода бўлдим. Уша ерда мен ҳамма нарсага тушундим. Ўзим ҳам сезмаган ҳолда очиқ денгизга қараб сузиб кетибман, мана энди ўз йўлим—йўналишим бор. Менга берган маслаҳат ва фикрларинг учун мингдан минг раҳмат!

Уша кезлари Хироконинг опаси Исумикавада эвакуацияда эди. У кичкинагина уйда яшар; уйининг сурма девори ҳам, бўйраси ҳам йўқ эди; хуллас унинг ҳаёги чий ортидаги малика ҳаётига ўхшаш эди. Хироко уникида бир неча кун бўлди. У эрта саҳарнинг ёқимли ҳавосидан ором олар, кечқурунлари шам ёруғида овқатланар, нўхот гулларини ва энди кўкариб чиқаётган қарағай ниҳолларини маза қилиб томоша қилиб ўтириб денгиз тўлқинига қулоқ солар, кир идиш-товоқларни қудуқ ёнида тозалаш билан машғул бўларди.

Ана шу уч-тўрт кун ичида ўтмиш яна кўз олдида жонлана бошлади. Жонланганда ҳам мутлақо бошқача жонланди. Шунча йил давомида бошидан кечирган азоб-уқубатлар худди бир қарағай смоласи томчисига, шудринг томчиларига ўхшар ва улар чакиллаб томиб унинг қалбини емираётгандай бўларди.

— Сен Чеховнинг хотинига ёзган хатини ўқиганми-сан?— деб сўради тўсатдан Хироко.

— Эсимда йўқ, ёдимдан кўтарилибди.

— Чехов ажойиб қалб эгаси бўлган. У хотинига ёзган хатларида ҳамма вақт; сен рассом бўлсанг

ҳам, актриса бўлсанг ҳам ўз йўлингга эга бўлишинг ва бунга эришишинг лозим деб уқтирарди. Мен баъзи пайтлари бу сўзларни узоқ-узоқ ўйлаб кетаман... Балки, Книппер бу сўзларини ўзича тушунар, бу сўзлар остида у индивидуалликни, ҳар бир санъаткорнинг ўзига хос хислатларини тушунар эди. Ахир санъаткорнинг бу йўли — ўз-ўзидан мавжуд эмас, уни тарих белгилайди; у тарих билан яқиндан алоқадор. Шундай эмасми? Бинобарин бундай йўл ўз-ўзидан вужудга келмайди: унинг турли-туман элементлари бор. Бу элементларни бир-бирига, ўша йўлга мослаш учун ўткир фаросатли маслакдош зарур. Бу масалада фақат жасорат ва ақл билан чегараланиб бўлмайди. Бунда ақл ва ҳиссиёт бирлиги, ҳа, ҳақиқий ақл ва ҳиссиёт зарур.

Хироко Дзюкитининг ёнгинасида ўтириб, унинг энгил-бошларини ямар экан ана шундай зўр завқ билан баҳслашар эди. Аммо Дзюкити ҳозир унинг гапини оғзидан олмас эди, чунки у ёстиқ ёнига қоғозларини қўйганча аллақачонлароқ уйқуга кетган эди.

VII

Дзюкити касал бўлиб ўн кун уйда кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олди. Шу кунлар ичида тепаликлар орасига жойлашган Мустақиллик жамиятига янги-янги одамлар кела бошлади. Жамиятда иш қайнар, унинг овозаси эса секин-аста шаҳарларга ҳам ёйила бошлади.

Бир куни эрталаб Дзюкити ишга жўнашдан олдин Хироко қўлига бир қоғоз берди.

— Биз энди янги жойда ишляпмиз. Нонуштани ўша жойга олиб чиқиб беролмайсанми?

— Қаерга дейсан? Янги жойга?

— Ҳа янги жойга.

— Майли олиб бориб бераман!

Қоғозга Дзюкити ишлайдиган янги жойнинг плани оддийгина қилиб чизилган эди. Аввалги электросварка техникуми биноси планда «Акахата» газетасининг редакцияси қилиб кўрсатилган эди.

— Менга бу қоғозни қолдириб кетсанг, ўзинг адашмай топиб бора оласанми?

— Топа оламан. Ахир у Ёёги остановкасининг шундайгина ёнида-да.

— Мана бу ерга борганингдан сўнг иккита йўл келади, сен мана бу чап томондагига юргин.

Белгиланган вақтда Хироко Ёёги остановкасига келиб қўлида нонушта солинган пакетча билан трамвайдан тушди. У бу ерларда бор-йўғи бир-икки марта бўлган эди, шу сабабли бу ерларни яхши билмас эди. Шу ерга келганда у қоғозда кўрсатилган айирма кўчани қидира бошлади; бир оз ўйлаб туриб, Дзюкити катта асфальт кўчани айтган эди, деган хаёл билан тўғрисидаги кўчанинг чап томонидан юриб кетди, Дзюкити редакция шундайгина остановка ёнида деб айтган бўлсада, у Дзюкитининг айтган биносига ўхшаган бирорта бинони учратмади. Мана уйлар ҳам орқада қолиб, ибодатхонанинг боғлари ҳам кўрина бошлади. Хироко иккилана бошлагач, кўчадаги савдогар билан гаплашиб турган бир аёлдан сўрамоқчи бўлди. Бу аёл олдига узун фартук тутиб олган, кўринишдан уй бекасига ўхшар эди. Хироко ундан тўла-тўқис маълумот олди: у ўша говни айланиб ўтиб, чапга бурилиши ва полиция будкаси олдида борганда яна чапга бурилиши, сўнгра қўп-қўруқ шудгордан ўтиб ўт тушган уй кўрингунгача юриши лозимлигини тушунтирди. Ундан ҳам ўтиб, ўнгга бурилиши керак эди. Ўша ерда қад кўтарган икки қаватли бино аввалги электросварка техникуми эди.

Дзюкитининг айтишига қараганда, бино чап томонда бўлиши керак эди, аслида эса ўнг томонда экан! Хироко иккиланмасада, илгарига қараб токи узоқдан иероглифлар билан «Акахата» газетасининг редакцияси» деб ёзилган узун қоғозни кўргунча юраверди. Икки тавақали эшикка осилган вивеска унинг ҳуснига ҳусн қўшиб турар, эшик эса ёпиқ эди.

Хироко эшикка етиб боргунча: «Акахата» редакцияси!», «Акахата» редакцияси!» деб ичида такрорлаб бораверди.

Японияда бу каби вивескани ўткинчилар биринчи марта кўришлари эди. Илгари «Акахата» газетаси борлигини билганлар ҳам, унинг редакцияси ва типографияси қаерга жойлашганлигини билмас эдилар. Тўғри, бундан ўн йиллар илгари баъзи одамлар типография шаҳар складларидан бирида яширин иш кўришини билар эдилар: қандайдир бир айғоқчи ҳатто типографиянинг қардаллигини ҳам билиб олган эди. Ана шундан сўнг Дзюкити ва унинг дўстларига ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган бўҳтонлар ёғдира бошлаган эдилар.

Дзюкити дўстлари ичида типография ишларида қат-

нашган бир шоир ҳам бор эди. Уни ҳам қамаган эдилар. У ўн бир йилдан сўнг ёруғлиққа чиқди. Дзюкити ва унинг дўстларидан бурун бу вивескани кўрганда ўша шоир каби одамлар қандай ҳаяжонланган экан? Ҳа, улар ҳақиқатан ҳам қувондилар, ғалаба қилдилар! Уларнинг севинч ёшлари милтиллаган кўзлари Хироконинг кўзига кўриниб кетди.

Ахир яқинларда ҳам полициячи агар бирор хотинни «Акахата» газетасини тарқатаётганида ушлаб олдиган бўлса қанча-қанча азоблар берар эди; лекин у аёллар бўшаб келганидан сўнг яна «Акахата» газетасини тарқатаверар эдилар.

Хироко ичкарига кирадиган эшикни очиши билан худди қандайдир бошқа дунёни кўрадигандек уни секин торта бошлади. Шундайгина кираверишда кичик хона, ундан сўнг устунли ярим қоронғи вестибюль бошланади. Ичкарида ҳеч зоғ йўқ. Хироко секин-аста юриб чапга бурилди ва зинадан иккинчи қаватга кўтарилди. Бу бино қачонлардан бери фойдаланилмасдан ётарди; бир пайтлари бу ерда кичикроқ кино-театр жойлашган эди, кейинчалик у ўқув юрти учун мослаштирилган. Иккинчи қаватдаги эшик кир, чизиб ташланган, краскалари кўчиб кетган эди. Бинонинг ўзи ҳам жуда ғалати қурилган эди: деразалари жуда кам, борлари ҳам коридорга қаратиб қурилган, ўртада зал; ўнгда — зинанинг ёнида кичкинагина уй бор эди.

Хироко коридорнинг ўртасида турганича Дзюкитини қаердан қидиришга ҳайрон бўлди. Жимжитлигидан бу бинсда ҳеч ким йўқдек эди. Унинг димоғига залдан дим, зах, қаровсиз қолган бинонинг ҳиди келарди. Залнинг бир бурчагида бир қанча одам озодлик ҳаракатида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган бугунги маросим учун трибунани безашга плакат ёзмоқда эдилар.

Буларнинг орасида Дзюкити кўринмас эди.

Зинадан икки йигитча секин-аста чиқиб келишди. Улар Хирокога тикилганча, уни ёнлаб ўтиб, зинанинг ўнг томонидаги уйга кириб кетишди. Уйда бошқалар ҳам бордек эди, аммо Хироко уйга киришга ботина олмади.

Хироконинг ёшлик пайтлари архитектор отаси бир эски гиштин уйда ўз конторасини очган эди. Кичкина Хироко қалби бу эшик ёнида қандай изтироблар чекмаган! Ҳам ҳурмат, ҳам ҳаяжон, ҳам қизиқишни ҳис этган эди. Шундайгина пастдаги қўнғироқнинг тутқичини

пастга тортиши билан, шу заҳоти хизматкор пайдо буларди-да, Хирокони отасининг қошига бошлаб, олиб кириб кетарди. Конторада қандайдир, худди елим ҳидига ўхшаш ҳид анқир эди. Хироко отасининг рухсатсиз подвалга қарашга ва ундаги сувли челақда сузиб юрувчи рангли суратларни кўришга ҳам ботина олмасди.

Ана шунинг учун ҳам, Япония тарихида биринчи марта ёруғликка чиққан коммунистлар газетаси редакцияси жойлашган бу уйнинг кир деворлари, ноқулай хоналари, дим ҳавоси Хирокога, унинг ёшлик пайтини отасининг контрасидан олган таассуротларини эслатар эди.

Шу пайт коридор охиридаги муюлишда тўсатдан Дзюкити пайдо бўлиб қолди. Хироко унга яқинлашди:

— Бу ер ифлос бўлгани билан, жуда яхши экан!

Дзюкити илжайганича Хирокони ҳалиги иккита йнгитча киргаң уйга бошлаб кирди. Бу уй ҳам бутун бино сингари бўм-бўш эди. Уй ичида нари-бери қоқиштириб қўйилган стол ва стуллар турар, стуллардан бирида қандайдир бир нотаниш одам ўтирарди. Хироко унинг озғин бўйинини ва қора пальтосининг ёқасининггина кўрар; столнинг нариги томонида яна бир одам ўтирарди. Бу Миясиро қамоқхонасидан Дзюкитидан бир оз кейинроқ бўшаб келган дўсти эди. Хироко у билан қўл беришиб кўришди. Хироконинг кўзига у суд пайтидагига қараганда ҳам озиб кетгандай, юз ёноқлари бўртиб чиққани учун, узунчоқ юзи бир оз кенгайганга ўхшарди.

Дзюкити Хирокодан нонушта олиб келдигини дсб сўради-да:

— Келинг, пича тамадди қилиб олайлик,— деди дўстига қараб.

— Мен ҳам олиб келганман,— жавоб қилди у.

Улар столга ўтиришди; Хироко нонушта солинган пакетчани очиб, ундан қовурилган балиқни олди-да, уч бўлакка бўлиб қўйди.

Улар овқатланиб ҳам бўлмаган эдилар, эшик олдида бир одам келди. Бу қайсидир газетанинг мухбири бўлиб, афтидан, учрашиш ҳақида Дзюкити билан олдиндан келишиб қўйишган экан шекилли, дарҳол ишдан гаплаша бошлашди. Сухбат тугагач папирос чекишга тушдилар.

— Шу яқин кунлар ичида мен Токуда-сан ва Сига-санлар билан учрашдим,— деди мухбир,— орангизда яна Сатоми Хакамада-сан деган одам ҳам бор экан. У, қанақа одам? Афсус, ҳали у билан ҳеч учрашолмаяпман...

Хироко Дзюкитига айёрларча қараб қўйди. Дзюкити кулди-да, ҳамсуҳбатига тикилганича:

— У худди шу ернинг ўзгинасида,— деди.

— Не, демак мен уни кўрсам бўлар экан-да?

— Ҳа, мана шу рўпарамизда ўтирган одам ўша ўртоқ Хакамада бўлади...

Шунда Дзюкитининг дўсти ҳам кулиб юборди — у мухбир билан рўпарама-рўпара балиқ еб ўтирарди.

— Кечирасиз... Демак?

Мухбир довдираб қолганидан ўзини йўқотиб қўйди шекилли, ўриндан туриб кўрпичини ҳам унутиб, оёғини стули тагига тортиб олиш билан чекланди қўйди.

— Биласизми, бошқа партиялардагига қараганда сизларнинг партиянгизда раҳбарлик ишлари бошқача принципга асосланган. Уларнинг ҳамма ишларини бир қарашдаёқ билиб олиш мумкин, аммо коммунистларга келганда эса... Хўп майли хайр!— деди-ю, визит карточкасини узатганча у Дзюкитига таъзим қилиб чиқиб кетди.

Декабрь бошларида биринчи марта очиқ равишда съезд чақирилди. Бу съезд тўртинчи съезд бўлсада, аслида Япония коммунистлар партияси тарихида бўлаётган биринчи очиқ съезд эди. Бу ҳам «Акахата газета редакцияси» деб очиқдач очиқ ёзиб қўйилганидек бир гап эди.

Съезд олдида бутун оммавий муассасалар фаолиятини жонланиб кетди. 1945 йилнинг қишида Япония озодлик ҳаракати қайта жонланиш баҳорини бошидан кечирди.

Хироко завод ва муассасалардан келган ёшлар билан тўла залга кирганда кеч пайти бўлиб, кўчада совуқ шамол эсиб турарди. «Сиз гапириш ҳуқуқига эга бўлдингиз» номли фильм қўйилаётган эди. Кинода яна қайта озодликка эришганлар ҳақида, жамоат тинчлигини сақлаш қонунини ҳақида, бу қонуннинг халқ бошига келтирган оқибатлари ҳақида ва бу қонуннинг бекор қилинган кунини ҳақида ҳикоя қилинар эди.

Бу — Сэндзи Ямамото¹ ни ўлдирishга Такидэн Кобоясини қотилларча азоблашга, Масаноскэ Ватанабэ ва бошқаларини қурбон қилишга йўл қўйган қонун эди.

Шу пайт тўсатдан экранда Кобоясининг жонсиз чеҳраси катта қилиб кўрсатилди. Хироконинг бутун бадани титраб кетгандек бўлди, унинг кўз ёшлари дув-дув оқар-эди. Таниш, қадрдон чеҳра... Бир лаҳзадан сўнг унинг

¹ Сэндзи Ямамото — машҳур япон марксист.

кўз олдида Кобоясининг опаси пайдо бўлди.— У ўғлининг жасади устига ўзини ташлаб «Вой, ўғлим! Сени нима қилиб қўйдилар!»— деб йиғлаганича ўғлининг чаккасидаги жароҳатни авайлаб силай бошлайди.

Кадрлар бири-кетини ўтиб бормоқда. Мана, шу қонун асосида қамоққа ташланган бошқа бечора тутқунлар; улар томошабинларга қамоқхонанинг кичкина, қоронги тўйнуқлари орқасида кўринмоқдалар.

Аммо бу қонуннинг умри қисқа! Экранда бир забардаст қўл пайдо бўлиб «Махсус полиция» деб ёзилган вивескани йиртиб ташлайди. Бундан сўнг «Хавфли фикрлар текширув бўлими» номли вивеска ерга улоқтирилди.

Томошабин кўз олдида яна қамоқхонанинг кўримсиз дарвозаларни.

«Мана, ахир, кутилган дамлар ҳам келиб, камера-нинг эшиги очилди»— деб дикторнинг овози эшитилади ва қамоқхона деразалари секин-аста очила бошлайди. Шу заҳотиёқ ундан озод бўлганлар ёпирилиб чиқа бошлашади. Олдинда байроқ ҳам ҳилпираб келар эди. Уртада Токуда, унинг ёнида Сига ва бошқалар бўлиб, Хироко уларни бир-биридан яхши ажратиб ололмади. Уларнинг ҳаммаси хурсанд ҳолда, қўлларини баланд кўтарганча томошабинлар олдига, Хироко олдига келмоқдалар, борган сари кучга тўлмоқдалар. Уларнинг ёнида— сафнинг бир томонида озод бўлганлар орасидаги юришга ҳоллари келмаганларни суяб келмоқдалар. Мана кадрлар бутун кучларни билан қаёққадир интилаётган одамларни орқа томондан кўрсатди. Байроқлар одамлар боши узра ҳилпирар, «вассё, вассё»¹ овози эса жаранглаган товушларга жўр бўлар эди. Колонналардан эшитиладиган оёқ товушларни ҳамма ёқни ларзага келтирарди.

Одамлар ҳам худди денгиз тўлқини қирғоққа бориб урилиб яна қайтгандек саф-саф бўлиб ўтиб бормоқда.

Барабанлар товуши ва мингларча одамларнинг «вассё, вассё» сидан уларнинг оёғи остидаги ер ҳам ларзага кела бошлади. Хироко бўлса ҳўнг-ҳўнг йиғлар эди: уни ҳозир ҳеч ким йиғидан тўхтатолмасди. Ахир, фақат Хироко йиғлаётгани йўқ-да; атрофдагиларнинг ҳаммаси йиғламоқда. Хироко экранга тикилганча ундан ўтиб бораётган кишиларни, унинг вужудини ларзага келтирганларни кузатар эди.

¹ «Вассё» — «бир-икки, бир-икки» маъносида.

Экранда тўсатдан икки тасвир пайдо бўлди. Хироко — узоқлашиб бораётган колонналар фониди миллий кийимдаги қандайдир кишининг шарпасини кўрди. Унинг қўлида тугунча, оёғида чипта шиппак. Шарпа борган сари катталашиб борди; у одам бир ўзи шошмасдан, аста-секин Хирокога қараб келар эди. Атрофда эса ҳали ҳам юриб борувчилар овози, бир хил ташланаётган қадамлар товуши билан жаранглар эди. У кишининг эғнидаги кийимларини ҳам Хироко энди аниқ кўра бошлади, ана шундан сўнг бу илжайиб келаётган, боши устарада қирилган одам Дзюкити эканлигини таниди.

«Сиз гапиринш ҳуқуқига эга бўлдингиз» фильми бўлса, томошабинни ҳамон узоқ-узоқларга — ҳаёт қайнаган жойларга олиб кетаётган эди: мана митингда япон ишчилари нутқ сўзламоқда, мана япон аёллари гапирмоқда. Дзюкити бўлса ҳамон жонланган кишилар ўртасидан юриб келмоқда.

Экранда Хирокога таниш бўлган нимадир тўсатдан пайдо бўлди: ия, ахир бу ўша кечаги бино эшиги тепасига ёзиб қўйилган иероглифлар-ку. Мана қийшиқ-қинғир ҳолдаги қўпол иероглифлар бир қаторга терила бошладди. Ҳа, бу: «Япония коммунистлар партияси!» экан! Қандайдир бир бинокор катта тахтани йўниб унга бу ёзувни туширар, унинг қўллари титраганидан иероглифларини қўпол ва қийшиқ ёзмоқда. Аммо шунга қарамай, у ёзув ҳозир гўзал, кўримли эди. Унинг кўриниши худди хунукроқ, мўйловдор одамнинг ўткинчиларга кулиб, илжайиб туришини эслатар эди. Хироко ҳам илжайиб турар, аммо уялганидан кимоносининг еңги билан юзини пана қилиб олган эди. Авваллари япон аёллари чехраларидаги кулгини бегонадан яшириш учун шундай қилардилар.

Кечагина эшик тепасига вивеска осилган бу бино эшиги олдида бугун одамлар ишлашмоқда. Уларнинг орасида мўйлов қўйиб олганлари ҳам жуда кўп. Энди мўйлов қўйиш ҳам одат тусига кирди. Дзюкитининг устарада қирилган сочи яна майса бўлиб чиқа бошлади, унинг сочи ҳали жуда калталигидан Хироко силаганда, қўлларига худди тикандек қадалади.

Кеча кун бўйи бу бино олдидан одамлар аримади. Япония коммунистлар партиясининг тўртинчи съездига тайёргарлик кўришаётган эди.

1946 йил.

Утако Ямада

ХАЁТ!





I боб

Бу воқиа қоронғи тунда бўлиб ўтди. Уша куни кечасидаги ҳамма нарса ҳам: мен умримда сира кўрмаган нозу неъматлар — қўлимдаги олма ҳам, пряник ҳам, уйимизда одатдан ташқари кўтарилган тўс-тўполон ҳам ўша вақтда мен кичкинагина қизчани жуда овунтирган. Ғоят қувонтирган эди.

Мана ҳозир ҳам вагоннинг қоп-қора ойнаси, унда акс этиб турган қўлимдаги қип-қизил олмалар кўз олдимда. Поездда сафарга чиқиш билан, тўғрироғи, кечаси қишлоқдан қочишимиз билан — онламиниз бошқа бир ҳаёт йўлига кирди.

1928 йил сентябрнинг охирида ғоят шошилиш ва айни вақтда қўни-қўшинларимиз сезиб қолмасин деган ҳадикда жуда эҳтиёткорлик билан, Қурао тоғи этагидаги туғилиб ўсган қишлоғимизни ташлаб чиқдик.

Тоғ отар пайтда мўлжалланган манзилга етаёзган эдик — поезд С. шахрига яқинлашиб борар эди.

... Вокзал денгиз ёқасига жойлашган бўлиб, атроф балиқ гарамлари билан тўлиб-тошган эди. Улар энди-гина кўтарилиб келаётган қуёш нурида кумушдек ялтираб ранго-ранг товланади. Энди шу ерда яшарканмизда! Суюнганимдан сакраб-сакраб ўйнагим келиб кетди-ю, бунинг ўрнига: «Вой-буй, балиқларнинг сассигини қаранглар!»— деб юбордим.

Хуллас, балиқ ҳиди тутиб ётган мана шу шаҳарчанинг энг чеккасидан — тоғ этагидан ижарага уй олдик. Агар станциядан ўнгга қараб сал юрсанг соя¹ ва мисо² сотадиган катта боққоллик дўконига чиқасан. Тоққа борадиган йўл мана шу ердан бошланиб, боққолликдан узоқлашган сари йўл бўйидаги уйлар камайиб боради. Тиккага қараб кетган йўл қирлик тепага олиб боради. Тепанинг ўнг томонидаги кўм-кўк дарахтлар орасидан эски ибодатхона минораси бўй чўзган. Тепанинг устида эса иккита дўкон бор; бирида — туз ва бошқа майда-чуйдалар, иккинчисида эса, фақат гуруч сотилади. Дўкон олдида водопровод колонкаси бўлиб, у шу атрофдаги бир қанча хонадонларни сув билан таъминлаб туради.

Биз жойлашган уй боққолларники эди. Бу дўконлар ўртасидан ингичка сўқмоқ бошланади, бу сўқмоқ тўғри бориб бир неча поғонали тош зинапояга бориб туташади. Зинапоялар нари-бери қилиниб қўйилгани учун бири паст, бири баланд. Худди мана шу ердан тик қоялар, сўнг тоғлар бошланиб кетади. Зинапоянинг чап томонидаги кенг сайхонликда бизнинг тоққа ёпиштириб қурилган, нари-бери солинган кўп хонали бараклардан иборат қишлоқчамиз жойлашган. Бу ерга сира кун тушмайди. Бунинг устига шамол ҳам эсмайди. Бу уйларда ўз юртида ёриб-ёлчимаган, фақат атроф районлардан келган кишилар ижарага туришарди. Муҳтожлик уларни иссиқ ўринларини ташлаб келишга мажбур этган. Лекин улар бу ерда ҳам ночорликдан қутулолмасдилар.

Бизники чеккадаги иккинчи уй. Унинг поли ҳам, шипи ҳам қоп-қора ис босиб кетган, ёриқ-тешиклар сон-саноқсиз. Хонанинг биттаси олти бўйрали, иккинчиси эса тўрт ярим бўйрали³, уйнинг орқасида эса ошхонага

¹ Соя — хитой лўяси.

² Мисо — лўядан тайёрланадиган зиравор.

³ Японияда хоналарнинг катта-кичиклигини нечта бўйра солиниши билан ўлчашади. (Таржимон.)

Ўхшаш яна бир хона бор. Мана шу хоналарга ўн кишилик оиламиз: бувим билан бобом, дадам билан ойим ва биз, олти бола сиғиши керак эди.

Ўвлигимиз каталакдай тор, қадам босишинг билан қўшни ўвлигининг деворига пешонанг тегеди. Уйимизнинг орқасидан оқавалар тушадиган ариқ ўтади. Ҳожатхонамиз ҳам худди ўша ерда, иккита зина кўтарилиб унга чиқасан. Ёғингарчилик кунлари ариқча тўлиб-тошиб кетади, ифлос сувлар шундайгина айвонимиз тагидан оқиб ўтади. Уйимизнинг бошқа томонига тақаб отхона солинган. Чунки қўшнимиз извошчи-да, доим отининг ер тепиниши баҳазўр эшитилиб туради, от ҳар ер тепинганда, тахта девор орасидаги ёриқлардан ха-шақ-хушаклар учиб чиқарди.

Энг ёмон офатларни эса, баҳорги ёмғир олиб келарди. Зовурдан чиққан ифлосларга отхонанинг шалтоғи қўшилиб, ҳамма ёқни юриб бўлмайдиган ифлос балчиқхонага айлантириб юборарди. Бир бизнинг ўвлигимиз эмас, бутун ён-атрофимиз ҳам одам юролмайдиган бўлиб кетарди. Нафасни бўғадиган даражада иссиқ, қўланса ҳид, пашша ва чивинлар галаси то қиш тушгунча кишига тинчлик бермасди.

Мен ўшанда тўртинчи синфда ўқирдим. Ҳар куни онамга ёлвориб дердим: «Онажон, қишлоғимизга қайтиб кетайлик, ўзимизнинг жойимиз бу ердан минг марта яхши-ку. Энди мен катта бўлиб қолдим, сизга ёрдам қиламан».

Лекин мен ота-онамни қишлоқдан қувлаган нарсачилик эканини, шунинг учун у ер энди уларга бегона бир жой бўлиб қолганини кейинроқ, анча-мунча нарсачилик етадиган бўлиб қолганидан сўнг тушундим.

Отамнинг саломатлиги яхши эмасди, у йўталгани йўталган. Ҳамма уни бўғма касали бор дерди. Оғир ишга ярамаганидан отам денгиз бўйига олиб борадиган йўлдаги кўприк олдида кичкина дўкон очмоқчи бўлиб қолди. Дўкончада ёсмиқ ва шакардан тайёрланган «коганэяки» — обаки сотардик. Мактабдан озод бўлдим дегунча, қарашмоқ учун сумкам билан тўғри отамнинг олдида чопардим. Қишнинг совуқ кунлари савдо жуда яхши бўларди. Обакини кўпроқ балиқчилар оларди. Улар дўкончамиз олдида келиб: «Роса совуқ бўляпти-да!» — деб тўнғиллашиб қўярдилар. Тўғриси айтганда, обакиннинг баҳоси унчалик қиммат эмасди. Жуда ши-

рин, битта обаки бир сэн турарди. Бир хил пайтларда бир қанча ёшлар тўсатдан пайдо бўлиб: «Қани, бир иснинг ҳаммасига обакидан беринг!»¹— деб қолишарди. Шунда молимиз етмай, нима қилишни билмай шошиб қолардик. Қанднинг кўп кетганлигидан унча фойда қолмасди. Сал тежайдиган бўлсанг, савдонинг мазаси бўлмайди. Отам иккимиз қанча уринмайлик фойданинг мазаси бўлмади. Охири, уч ойдан сўнг бу савдодан воз кечишга тўғри келди.

Отам уйга кириб қолди. Тиимай йўталгани йўталган эди. Тирикчилик учун ҳеч нарсамиз қолмаганидан кейин, онам ишга киришга мажбур бўлди. У шаҳар марказига жойлашган балиқ заводига ишга жойлашди. Бир кун ичида қанча-қанча балиқларни ёриб, ичак-чавоғини тозаласа ҳам, оладиган иш ҳақи ҳаммаси бўлиб қирқ сандан ошмасди. Шундай бўлса ҳам онам жони-жаҳди билан ишлай берарди. Бувим билан бобом бу қашшоқ рўзгоримизни терватишда бизга ёрдамлашар эди. Шунинг учун онам ўзининг бу арзимас маошини бобомнинг қўлига келтириб берарди. Қатта акам колледжни тамомлаганидан бери бир компанияда дастёрлик қиларди. Лекин оладиган ҳақига бир ўзининг қорни зўрға тўярди. Хуллас, онамнинг қарамоғида аввалгидек тўққиз жон бўлиб, турмушимиз жуда ночор эди. Оч яшардик...

Бешинчи синфга ўтдим. Отам юк ташувчилар артелига ишга кирди. Артелдагилар ортилган балиқларни қирғоққа тушириш, бир жойдан иккинчи жойга ташиш каби ишларни бажарар эдилар. Лекин бир ой ўтмасданоқ артель ёпилиб қолди. Шунда бир раҳмдил одам отамни темир-терсакларнинг кўтара савдоси билан шуғулланадиган бир савдогарга ёлланиб олишига ёрдам берди. Отам қўлида тўқмоқ ва лом билан дўкон олдига уйиб ташланган темир-терсакларни битталаб ажратиб, хиллаб тахлар эди. Лекин оғир меҳнат тез кунда таъсирини кўрсатди: у янада кўпроқ йўталиб, кун сайин ёзиб кетаверди. Уч ойдан сўнг ишдан бўшашга мажбур бўлди.

Отам бу гал узоқ ишсиз юрмади — у консерва заводига ишга жойлашди. Онам ҳам ўша ерга ишга кирди. Оиламиз аҳволи энди сал тузалай деб турганда онамнинг кўз ёрийдиган пайти келиб, ишдан бўшашга маж-

¹ Сэн — чақа, юз сэн бир нинга барабар.

оур бўлди. Учигини айтганда, туғишига икки кун қолгунча ишлай берди. Мен кенг пешонали, майин жинглак сочли чақалоқ — сингилчалик бўлиб олдим. Энди биз ўн бир жон бўлдик. Лекин онам бир оз соғайиб, сўнг ишлаш кераклигини ўйламади ҳам. У яна балиқ заводиди ишлай бошлади. Онам қанчалик ҳаракат қилмасин барибир, муҳтожлик бизни тобора бадтар бўғарди.

Оилани иккита нонхўрдан халос этиш учун, бувим билан бобом узоқда турадиган бир қизиникига жўнашга қарор қилишди, ўзлари билан кичкина укамни ҳам олиб кетмоқчи бўлишди. Улар йўл ҳозирлигини кўришга ётиб йиғлашар, тинмай: «Харуо, турмушингиз яхшилаб кетиши биланоқ бизга хат ёзасан. Майли, бу йилча бизни бошқалар боқиб турар»,— деб тайинлашар эди.

Бувимнинг қўлида тугун ушлаб турганини кўришим ҳамон жон-жаҳдим билан:

— Бувижон, яқинда мен кўп пул топадиган бўлман. Ана шунда сизга хат ёзиб юбораман!— деб бақириб юбордим.

Бувим жавоб ўрнида менга қараб бир кулди-ю, шу заҳоти яна юзини бужмайтириб олди. Шу пайт менинг ҳам алланучук, бурним қичишиб кетди.

Қариялар жўнаб кетиши билан рўзғор ишлари менга қолди.

Азонда туриб гуруч ва қайла пиширар эдим. Онам заводга кетарди, ундан кейин мен ҳам китоб-дафтарларимни олиб, синглимни орқамга опичиб, мактабга жўнардим. Қолган уччала укаларим ҳам тўполок билан мактабга отланишарди.

Отамнинг яна мазаси қочиб, қайтадан оғриб қолди, яна уйга кириб олди.

Мен чақалоқни бир кунда икки марта эмизгани олиб борардим. Онам кўпинча бир чеккага балиқ соладиган яшик устига ўтириб олиб, уялганидан бошини кўтармай, цемент захига ҳам қарамай боласини эмизарди. Бир хил пайтлари чақалоқ эмаётиб ухлаб қоларди. Онам бўлса, ишга шошгани учун бармоғи билан унинг лунжига секин-секин уриб қўярди.

Заводда иш мавсумли бўлгани учун тез орада тугаб қолди. Бундан сўнг онам ўтинчилар билан ишлай бошлади.

Ўрмонга борадиган йўл мактабнинг ёнгинасидан ўтиб, ундан нарида қир ва ботқоқлик водий бўйлаб ке-

тарди. Катта ва кичик ботқоқликлар кўп эди. Бириси зангори, баъзи бири худди юзини занг босгандай кўри-нади. Ботқоққа оёқ тиқиш билан балчиқ қайнаб чиқади, дарров сув бўтанага айланади. Шунга қарамай, бу ерга ҳар ёқдан болалар чўмилгани келишарди.

Ана шу ердан йўл шимолга бурилиб, кейин баланд тепаликка чиқиларди. Бир оз юрилгандан сўнг ўрмон бошланарди.

Бу ерда ўнтача эркак-хотин ўтинчилар ишларди. Эркаклар катта дарахтларни ағдаришарди, хотинлар эса шохларини кесиш, боғ-боғ қилиб боғлардилар. Бир боғ ўтинга икки сэн ҳақ тўлашарди. Агар шох катта бўл-са, уни арралаб, майда-чуйда қилиб ёрардилар, кейин тўплаб, арқон билан маҳкам қилиб боғлардилар. Бу оғир меҳнат хотинларни ҳолдан тойдириб қўярди, бунинг устига, арқон ҳам ишчиларнинг ўз ёнидан эди. Куни билан ишлаб зўрға йигирма беш-ўттиз боққа етказишарди.

Соат бир бўлганда мен мактабдан чиқардим, синг-лимни опичлаб ўрмонга йўл олардим. Йўлга йигирма ми-нут вақт кетарди. Онамнинг олдига келганимдан кейин пичоқ ва эски аррани олиб ишга киришиб кетардим.

Энг муҳими шохларни кесиш, кейин у ёғи осон — шох-нинг устига чиқиб бир сакрасанг, ўша заҳоти қарсиллаб синиб кетаверади. Яқин бирор ерда, дарахтга белбоғи билан боғлаб қўйилган кичкинтойимиз ўтирарди. У ме-нинг сакрашимни яхши кўрарди ва ҳар сафар сакрага-нимда қиқирлаб куларди. Боғлаган ўтинимни онамни-кига қўшиб қўярдим, кейин кечқурун бошлиқ келиб дафтарига ёзганини кўриб севиниб кетардим. Бир боғ ошиқ бўлса ҳам ҳарна, деб зўр бериб ишлардим.

Ҳаво очиқ бўлиб, ҳар томондан қушларнинг сайра-гани эшитилиб турган пайтларда одамлар чурқ этмай, куйиб-пишиб ишларди. Шамол порт томонидан кема-ларнинг овозини олиб келарди. Қаёққа қараманг — кўз илғамас яланглик, пастда иланг-биланг чизикдек соҳил чўзилиб кетган. Узоқда оппоқ маяк, яшил оролчалар. Ҳаммасидан денгизни айтмайсизми — қанчалик улкан, бепоён, бетиним, жони ичига сиғмаган шўх боладек чайқалиб мавж уриб туради.

Кечқурун онамдан бир соат илгари уйга қайтардим. Келишда катта бир боғлам шохни орқалаб, устига сингилчамни миндириб олардим. Синглим кичкина оёқча-сини елкамдан осилтириб, қўлчаси билан бўйнимдан



маҳкам қучоқлаб олар эди. Шу ҳолатда уни ушлаганимча йўлга тушардим. Баъзан бир хил қўшниларимиз мени мақташарди, аммо болалар масхара қилишарди. Улар олдимга тушиб олиб: «Алвасти, алвасти»—деб қичқиришарди, укамни бўлса «маймунча» деб масхара қилишарди. Яхшими-ёмонми, ишқилиб, ярим йиллик ўтин ғамлаб қўйгандим.

Катта акам дастёрликни ёқтирмай, уйимиздан сал наридаги темир йўл станциясига ишга ўтди. Дастлабки вақтларда унга жуда оз ҳақ тўлашди. Отам ҳамон ўнглана олмас, илгаригидек оғригани оғриган эди.

Бир кун кечкурун акам унга ўзингизни докторга кўрсатинг деб маслаҳат берди. Отам буни кескин рад қилди: «Егани ҳеч нимамиз йўқ-ку, энди докторга ҳам югурайликми... қўй, бўғма ҳам касал бўптимиз»,— деб кўрпага ўралиб мингирлади у.

Отам одамлар орасида мулойим, ювошдек кўринса ҳам, уйда бутунлай тескариси — сержаҳл, дарғазаб одам эди. Жиндек кўнглига ёқмайдиган иш бўлса, шундай бақириб берардики, биз болалар ҳаммамиз бурчакка тикилиб, нафас олишга ҳам қўрқиб ўтирардик. Бундай вақтларда мен отамни айбламасликка ҳаракат қилардим: соғлиги ёмон бўлса, ишлай олмаса, рўзгорининг мазаси бўлмаса, у қандай қилиб ширинсўз, мулойим бўлсин!

Онамиз эса жуда бебаҳо — хушмуомала, хушфеъл аёл эди. Отам қанча ғазабига олмасин, сира ҳам сўз қайтармасди. Баъзида онамнинг бундай итоатгўйлигидан отамнинг ҳатто жаҳли ҳам чиқарди: «Аҳмоқ, тонг отди деб қўйсанг, бас — кун ботгунча ҳам қаддини кўтармай ишлайверади!»— дерди-да, гурс этиб, мушти билан солиб қоларди.

Бир кун ювош-мўмин онамиз ишга жўнашдан олдин отамнинг бошига келди ва кир кўрпанинг бир ёнини кўтариб, қўрқа-писа унга: «Кечирасиз, отаси, оз-моз ишлашга қурбингиз етмасмикан-а?— деди.

Отам онамнинг юзиги шапалоқ билан чунонам қўйиб юбордики, бечора учиб кетди. Бирпасдан кейин онам егани ул-бул олиб, индамай уйдан чиқиб кетди. Шу-шу онам отамга иш тўғрисида оғиз ҳам очмади.

«Ҳечқиси йўқ, бир оз сабр қилсак, келгуси йилга яхши бўлиб кетамиз»,— деб ўйлардим мен ва зўр бериб ишга киришардим.

Афсус, турмушимиз беш бадтар оғирлашиб, умидлар пучга чиқаверди. Оила деб, отам-онам, иниларим деб ўзимни аямаларга урмадим. Баҳор бўлиши билан қўзиқорин, қар хил емишли кўкатлар тергани борардим. Кузда эса ёнғоқ териб, ўтин ҳозирлардим. Бир боланинг қўлидан қанчалик иш келади дейсиз, аммо мен ундан зиёдроқ, пишиқроқ қилардим. Ёнғоқнинг талабгори кўп бўлади. Шунинг учун акам ишда тутадиган понисини олиб, кечалари ҳам ёнғоқ тергани борардим. Камида беш се¹, ҳосил кўп бўлган йиллари ундан ҳам кўпроқ

¹ Се — 1,6 килограммга тенг. (Таржимон).

ёнгоқ йиғиб қўярдим. Утинга мактабимиздан наридаги тоққа чиқардим. Қўлимда узун бамбуқдан калтагим бўлиб, унга худди портдаги юкчиларнинг илгагига ўхшатиб, бир букилган темирни маҳкам боғлаб қўйгандим. Шу илгагим билан қуруқ шохларни илиб, жон-жаҳдим билан пастга тортардим. Шох синиши билан чеккага қочардим. Унинг қарсиллаб ерга тушишига қараб турардим. Шохлар ерга тушдими, у ёғи осон. Ошпичоқ билан калтакалта қилиб кесиб, бир текис қилиб тахлардим, сўнг боғлаб, боғни орқамга орқалаб, ҳайт деганча, уйга жўнардим. Ўрмонда иш тўхтаганда мен худди шу йўл билан ўтин қилиб келардим.

Денгиз яна бошқа бир хил нарсалар инъом қиларди. Тошқиндан сўнг қарабсанки, соҳилда денгиз карами кўпайиб кетади. Фақат қўлда узун таёгинг бўлса бас, саватингни карам билан тўлдириш кўп меҳнат талаб қилмайди. Ҳаммасидан ҳам «асарикай» қисқичбақаси теришни айтмайсизми! Худди шу аҳволда бутун кунларим меҳнат, фақат меҳнат билан кечарди.

Қўшни балиқчилик қишлоқларида еса бўладиган «нори» деган сув ўти ўстиришарди. Уларни олиш жуда машаққат бўларди. Ҳамма ёқ билчиллама ботқоқ. Сал алқисанг, ботқоққа йиқилиб кетасан. Мен йўғон катта тахта олиб, оёқларимга тасма билан боғлаб олардим. Лижага ўхшаган бир нарса ҳосил бўларди. Шу алфозда атрофда сузиб юрган сув ўтларини йиғардим. Буларни шўрвага солсанг ҳам, қовурсанг ҳам бўлаверарди. Бу оиламизнинг энг хуш кўрган таомларидан эди.

Мактабга боргим келмасди. Тўртинчи синфда бизни эркак ўқитувчи, бешинчи ва олтинчида бўлса аёл ўқитувчи ўқитди. Иш деганда биров олдимга тушолмасди-ю, лекин ўқишга қолганда мазам йўқ эди. Тўғриси айтсам, ўқишга вақт ҳам йўқ эди. Ҳамма вақт дарсга синглимни опичиб келардим. Дарс вақтида йиғлаб юборса, дарс эшитиш ҳам бир ёқда қолиб кетарди. Шу сабабдан мактабда бир-икки соатдан ортиқ бўлолмасдим. Шунингдек, менинг қай аҳволда яшашим билан ҳеч ким ҳеч вақт қизиқмасди ҳам. Муаллимимиз фақат бойларнинг болаларига, ёки бўлмасам, яхши ўқийдиган болаларга ғамхўрлик қиларди, холос, қолганлар билан иши ҳам йўқ эди. Фақат ҳар замонда бир, онам уйда қолган кезларда, синглимсиз мактабга келардим, шундагина хо-

тиржам ўқий олардим. Лекин олдинги дарслардан орқада қолганим учун барибир ўртоқларимга етиб ололмасдим. Болалар мени кулги қилардилар, ўқитувчимнинг жаҳли чиқарди. Шунинг учун мактабга бориш хушимга ёқмас, у ерда ўзимни бегона ҳис қилардим. Бу балки порт шаҳарида турганимиз учундир, ундай десанг, ўқитувчимиз кўпинча менга қўпол муомала қиларди. Унинг оғзидан фақат: «Утако, қапи, тур ўрнингдан!», «Утако, чўчқа, бор, синфдан чиқ, сенга айтяпман!»— деган сўзларни эшитардим, холос.

Бунинг устига, аксига олиб, у ҳар уришганида юзим ғалати бир тусга кирардики ўқитувчимиз мени жилмайиб турибди деб ўйларди-да, бадтар жаҳли чиқарди. Аммо бундай пайтларда кулиш қаёқда дейсиз. Ҳар вақтдагидай кўнгилчан, оддий бола кўринганим учун, ўзимдан ўзим эзилиб, изтироб чекардим. Шундай бўлса ҳам коридорда турганимда бундан унча хафа бўлмасдим. Ўқишда олдинда бўлмасам нима қипти, мана ишда менга бас келишиб кўришсин-чи! Қалбимнинг энг чуқур жойидан бир овоз гўё: «Майли, ахир, сен меҳнат қиласан-ку, Утако!»— дегандек бўларди.

Бир куни — олтинчи синфдалигимда — рақс дарси бўлаётган эди. «Тоғ устида, қуёнчалар кўп ерда» деган ашула мақомига мослаб ўзимиз чапга эгилиб, ўнг қўлимизни эса бошимиздан юқори кўтариб ўнгга эгдик. Ўқитувчимиз қаторларни айланиб ўтиб, бирдан менинг рўпарамда тўхтади: «Эй, Ута! Нимага ўхшайсан ўзинг? Товба, тўнканинг ўзи-я!»— деб мени четга туртиб чиқариб, ўйнаётган болалардан ажратиб қўйди. Иложим қанча, бошимга тушган оғир меҳнат мени шунақа дағаллаштириб, гавдамни эгилиб-букилмайдиган қилиб қўйган бўлса, нима қилай; ўзим ёш, бўйим пастак бўлса ҳам, суягим йўғон, мускулларим бақувват. Мен рақс қилаётганларга қараб туравердим, лекин юрагимни нимадир эзарди. Аммо кўнглим чўкмади. Ҳа, мен чиройли рақс қила олмайман. Нима қилибди? Чиройли эгилишни ҳам билмайман. Нима бўлибди шу билан?— Ишда-чи, бошқалар ҳам менга ўхшаб катталардай бир ишлаб кўрсин-чи! Ҳа, мактабда ўзимни яккаланган, хўрланган ҳис қилардим, лекин ташқарида, бошқа вақтларда ўзимни бамаъни ва дуруст одам деб билардим. Бувим билан бобомнинг сўзлари ҳам тез-тез қулоғимга эшитилиб кетарди: «Утако илмсиз, ҳам нонини топа оладиган қиз.

Тикувчилик ҳунарини ҳам биллиб олсайди; оилага ёрдамчи бўлиб етиляпти, баракалла!». Бу сўзларни мен анча вақтгача эслаб юрдим...

Бизга енгил бўлсин деб, узоқдаги қизиникига кетган чол-кампирнинг қайтиб келганига ҳам, ярим йилча бўлиб қолди.

Ўрмонда иш тўхтади, бироқ иваси¹ ови бошланиб кетди. Оиламиз деҳқонлардан кўпгина похол сотиб олди, ундан баллиқ соладиган қопчиқ тўқиларди. Ярим қоронғи уйда бувим билан отам зўр бериб нохолларни саралар, укаларим эса боғ-боғ қилиб тўплашарди. Онам шу уйиб қўйилган похолдан бир қучоғини олиб ишга жўнардди. Уни эрта тонгдан то қоронғи кечгача тўқирдилар. Мен синглимни эмиздиргани олиб борардим, у ерда онамга ёрдам қилардим. Тузланган иваси тоғлари кўз олдимизда камайиб борарди. Оҳ, бу иш шундай чаққонликни талаб қилардики, асти қўясиз, аммо мен тез тўқишда катталардан сира қолишмасдим.

Маълумки, иваси мавсуми кеч кузга тўғри келади.

Онам билан уйга қайтганимизда, аллақачон кеч кириб, қоронғи тушган бўларди. Фақат хитойча угра сотадиган дўкончадан ёқимли нур кўриниб туради. «Утако, кел-э, болам, очикиб ҳам кетгандирсан»,— дерди онам ва секин елкамдан қучоқлаб, дўкончага олиб кирарди. Биз ундан донм бир хилда беш сэнлик угра оши сотиб олардик. Онамнинг эркалатиши ва иссиққина угра ошдан кўнглим кўтарилиб кетарди. «Она, азиз онажон, дунёда сендан ҳам меҳрибонроқ киши йўқдир!»— деб тобора кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Трамвай тўхтайдиган жойда катта нон дўкони бор эди. Биз дўконга кирардик, укаларим ва бошқаларга беш сэнлик нон сотиб олардик.

Аммо иваси мавсуми ҳам тугади. Энди похолнинг ҳам кераги йўқ эди. Янги йилгача кун ўтказиб келиш учун, чол билан кампирлар қиз ва ўғиллариникига жўнаб кетишди. «Иккита нонхўр камайса ҳам катта гап»,— деб ўзларига далда беришарди улар.

Онам ҳар кун ишга кетарди. Синглим оз-моз буламиқ ейдиган бўлиб қолди, шундай бўлса ҳам, онамсиз

¹ И в а с и — Узоқ Шарқ денгизида бўладиган бир хил майда чавақ баллиқ.

барибир тез-тез йиғлашини қўймасди. Аммо уни овутиш йўлини топиб олдим. Буламиқдан соққа қилиб, туз сепаман-да, синглимнинг оғзига солиб қўяман. Бу ишим дуруст чиқиб қолди. Йиғлади дегунча, дарров оғзига овқат тикаман. Аммо синглим бир кун шундай қаттиқ йиғладики, овутишнинг ҳеч иложи бўлмади. Онам ишдан қайтганда бўлган воқияни айтдим. Онам кўнглида хавотир олган бўлса ҳам эртаси кuni яна ҳар сафаргидай ишига кетди. Синглим бутунлай ўзгариб қолгандай эди — онам туни билан мижжа қоқмай, ёнида ўтириб чиқди. Эртасига онам ишга ҳам боролмади, кечқурун иситмада ёнаётган болани докторга олиб борди.

Онам тезгина қайтиб келди, кўзларида жиққа ёш эди. Юрагим шувиллаб кетди. Сингилчам онамнинг орқасида, кўзлари очиқ, қотиб қолгандек ҳарактсиз ётарди. Онам йиғлаб туриб отамга докторнинг: «Кечиқиб-сизлар, ҳеч қандай ёрдам беролмайман!»— деганини айтди. Икки кундан кейин синглим жон берди. Жасадчаси устида ювош, камсухан онамиз фарёд уриб йиғлади. Бу ҳўнграш жимжит, қоронғи уйимизда шу қадар қаттиқ эшитилардики, овозини ҳатто кўчадан ҳам эшитса бўларди.

Мен куйганимдан ўзимни йўқотиб қўйган эдим, қўрқув юрагимни қаттиқ эзарди. Отам синглимнинг кўзини беркитаман деб шунча уринса ҳам бўлмасди, кўзлари сира юмилмасди. Бу қора кўзчалар юмилишни истамасди, улар худди таъна билан менга қараб тургандай бўларди. «Ҳаммасига мен айбдор, овқатни кўп бериб қўйдим, дурустроқ қарамадим». Қайғу-алам, қўрқув, пушаймон, юрагимни, ўн уч яшар қизнинг юрагини қийнаб азоб берарди.

Бир ой ўтди ҳам, онам марҳума учун аза тутишини қўймади.

Мен: «Қандай тасалли берсам экан, нима қилиб кўнглини кўтарсам экан»,— деб ўйлардим.

Бир кун кечқурун сувга чиққанимда колонка олдида қўшниларимиз гуруч ювиб ўтиришган экан.

Нимасини айтасан, гўдакка раҳминг келади,— дейишарди улар.— Лекин боласи битта ўша эмас-ку, ота-оналарини тангри ёрлақаганидан унинг жонини олган. Уни энди барибир тирилтириб бўлмайди. Ундан кўра қолганларининг шуқурини қилиши, уларнинг саломатлигини ўйлаши керак.

«Жуда тўғри,— деб ўйладим мен,— онамни мана шундай деб юпатиш керак».

Қўлимда челак ошхонага кириб қўшнилардан эшитганимни онамга айтдим. Бу гапдан онамнинг кўзларидан маржон-маржон ёшлар оқди, бошини қуйи эгди.

— Қамбағалнинг боласи ҳам ўзига азиз. — Унинг бўғиқ йиғисидан, бечораликдан ўксиш, алам ва изтироб, оҳанглари эшитилиб турарди.

Шундан кейин мен синглим тўғрисида гапириб, уни ойимнинг эсига сира солмайдиган бўлдим.

Бироқ қувончли онларимиз ҳам бўларди. Кечқурунлари онамнинг эртакларини тинглардик: уч опа-сингил ҳақидаги эртакда кичкина сингил ота-онасини хурсанд қилиш учун тулкига эрга чиқади ва ўрмонда яшайди; яна бошқа бир эртак — қўзичоқ ҳақида бўлиб, унда ота-онасининг гапига кирмаган бир қўзичоқнинг бўрига ем бўлиши ҳақида ҳикоя қилинарди. Онам эртак айтиб бермагунча ухламасдик. Лекин эртакларнинг хили кам эди, шу сабабли ҳадеб бир хилдаги эртакларни эшита берардик. Шундай бўлса ҳам, булар бизни қувонтирарди, фақат шулар билан овуниб ухлаб қолардик.

Кўп ўтмай мен бошланғич мактабни тугатдим. Битириш маросимидан сўнг икки кун ўтмасданоқ шаҳар чеккасидаги консерва заводида ишлай бошладим. Ишчилар ҳаммаси бўлиб қирқ киши эди. Менга кунига эллик беш сэндан ҳақ тўлашарди. Менинг вазифам консервани яшикларга териш ва уни қопқоқлайдиган сўнгги операцияга ташиб келиш эди.

Бу консервалар четга чиқаришга белгиланган бўлиб, асосан тунц балиғидан тайёрланар ва зайтуң мойи билан ош тузи аралаштириларди, яшикни кўтариб кетаётганимда, албатта, банкадаги ёғ тўкилиб ҳамма ёғим мой бўлиб кетарди, энг қалин фартуғ ҳам ёрдам бермади. Ишчилар ичида энг ёши мен бўлганим учун тушликда ҳам тинч қўйишмасди: ҳали батат олиб келишга, ҳали шириникка юборишарди.

Уч ой ишламасданоқ завод ремонтга ёпилиб қолди. Уйда қолганимга уч кун бўлмаёқ, яхши кишилар чўриликка кириб олишим учун кўмаклашдилар.

Бу вақтда ҳарбий заводлар ривожлана бошлаган эди. Катта акам ота-онамнинг қаршилиқ кўрсатишига ҳам қарамасдан темир йўлдаги ишини ташлаб, Кавасакидаги заводга ишга кириб кетди. Онам ва укаларим билан бирга

мен ҳам акамни станциягача кузатиб бордим, ўша ердан тўғри янги хўжайинимникига жўнадим.

Улар ўрта ёшдаги бефарзанд кишилар бўлиб, унча катта бўлмаган бир верфилари¹ бор эди. Уларнинг қўлида кема дурадгорлари ва бошқа ишчилар ишлар эди.

Бу менинг биринчи марта уйдан йироқда яшашим эди. Шунинг учун ҳам уйни жуда соғинардим. Айниқса оқшомлари диққат бўлар, онамни кўргим, ёнида бўлгим келарди. «Ёлландингми — кўникишинг керак», — деб ўзимни ўзим овутардим.

Хўжайинимнинг боласи йўқлигиданми, ҳар ҳолда улар менга яхши муомила қилишарди. Азонда, соат бешда туриб, кечаси ўн бирда ётиб ухлардим. Менга беш ярим иен маош тўлашарди. Уйимизнинг ижара ҳақи ҳам худди шунча эди, шунинг учун мен олган маош ана шу чиқимни қопларди-турарди.

Ўзимга бир чақа ҳам қолдирмасдим. Баъзида қўлимга беш, ўн сэн тушиб қолгундай бўлса, эҳтиёт қилиб юрар, кейин онамга юборардим.

Бу қилганим учун О-Бон² байрамига кимоно олиб беришди.

Ҳаётимда биринчи марта чинакам кимоно кўришим эди. Бу янги кийим мени шундай қувонтирдик, ҳатто ётганимда уни бошимга қўйиб ётардим.

Янги ишга анча кўникиб қолдим. Бир кун кечқурун тўсатдан акам кириб келди. Куз пайтлари эди, кундузи онамни тутқаноқ тутганини айтди. Мен шундоқ қотдим-қолдим. Уйга шошилдик. Хайриятки, бу вақт онам анча тузук бўлиб қолган экан. Отам ҳозиргина доктор келганини, онамнинг сал-пал боши айланиб, кўзи тинганини айтиб кетганини хабар қилди. Онам бўйра устида кўрпага ўралганича ётарди. Гоҳо кўзини сал-пал очиб қўярди. Мен ёнгинасида ўтириб, ундан кўзимни олмасдим. Бутун юзлари: пешонаси ва кўзларининг атрофи, ёноғидан иягигача ажин босиб, буришиб кетган эди. Қош оралиғида бир неча чуқур чизиклар пайдо бўлган эди. «Мана, оғир меҳнатнинг излари! Шўрлик онам! Йўқчилик хароб қилди сени. Машаққатли меҳнатдан бошқа на уйқини билдинг, на ҳордиқни». Кўз ёшларим юзимдан оқиб, тиззамда турган қўлимга тушарди. «Йўқ, йиғламаслигим керак, уйғониб қолса нима бўлади...»

¹ Кема ясайдиган ва тузатадиган ишхона.

² Улганларни хотирлайдиган будда байрами.

Кечга яқин онам ўзига келди. Қўшнилар кўргани чиқишди, узумнинг сувида беринглар дейишди. Ёнимда ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўйган тўқсон сэн пулим бор эди. Дарҳол магазинга югурдим. Уруш вақти эди, дўконлар бўшаб қолган, узум сувини топишнинг сира иложини қилолмадим. Уйга қайтиб келганимда, онам нима ҳақдадир секин-секин гапираётган эди. Унинг тили зўрға айланарди, шундай бўлса ҳам ўзимни дадил тутдим. Ҳалиги тўқсон сэнимни онамнинг қўлига бердим.

Балки, кўнглингиз бирор мазалироқ нарсани тусар?— дедим мен. Бу гапимни эшитиб, кўзларига ёш тўлди.

Онам тез соғая бошлади, бироқ мен ундан йироқда яшаганим учун барибир хавотир олардим. Нега хавотирланмай, бори-йўғи бир мартагина докторга кўрсата олди, холос. Оҳ, қани энди пулимиз бўлсайди... Мен бу тўғрида жуда кўп ўйлардим, бироқ ўн уч яшар қизнинг қўлидан нима ҳам келарди?

Ноябрь ойида маошнинг олган куним пулимни отамга бера туриб:

— Камбағал бўлсак ҳам, ҳар ҳолда, сизлар билан бирга тургим келади,— дедим.

Онам соғайиб қолди, унча-мунча ишга ҳам яраб қолди. Янги йил яқинлашиб келарди. Уч кун қолди деганда онам хўжайинимизнинг олдига келиб, менга жавоб беришларини, ҳақини тўлашларини илтимос қилди. Онам ўзи ҳам, отам ҳам менга ачинаётганини айтиб, қизимиз ўзимиз билан бирга турсин деди. Хўжайинларим ҳам мен билан хайр-маъзур қилишни бошда хоҳлашмади, лекин улар жуда шафқатли одамлар эди. Шунинг учун розилик беришди. Янги йил арафасини уларникида ўтказдик, сўнг дарҳол ўз уйимизга жўнадим.

Орадан уч кун ўтгандан кейин, мен балиқ бозоридаги артелга ишга жойлашдим. Шароити яхши эди: кунига олтиш сэндан ҳақ тўлашар, қўшимча равишда яна истаганимча балиқ ҳам олардим. Ҳаммаси ҳам яхши-я, бироқ ҳаммоллар ўзларини жуда бебош туттилар эди, ана шуниси менга ёқмасди. Балиқ ташиш авж олган пайтларда улар билан бирга муз юклашга тўғри келарди. Шундай кунларда нўоят ҳолдан тояр, лекин бўш келмас эдим, чунки ёшлигимдан бунақа оғир ишларга кўникиб қолгандим. Тўғриси айтганда, шунча эркакларнинг ичида бир ўзим ишлаганим учун уялардим, бироқ иложим қанча, қўниқдим, ахир ишлаб пул топишим керак!

Бозорча яқинида музхоналар бор эди. Онам ана шу музхоналарнинг энг каттасида ишларди. Ишимиз олдин-ма-кейин тугарди, баъзида мен онамни кутиб турардим, уйга бирга қайтардик. Онам ишлайдиган музхона ҳақиқатан ҳам ўз оти билан чинакам музхона эди. Узунасига ҳам, кўндалангига ҳам темир найлар тортилган бўлиб, улкан бир электр машинаси унга ток орқали аммиак юбориб турарди. Бу ердаги одамлар қишки иссиқ кийимларда ишлашарди. Улар балиқларни, ичидан рух қопланган яшикларга тахлар ва музхонадаги стеллажларга элтиб қўйишарди. Ҳар бир стеллаж темир найдан қурилган токчаларга ўхшаш нарсга бўлиб, шипгача тақалган эди. Музхона ичдан яхшилаб пўкак қатлами билан қопланган, сиртдан эса яна рухланган эди. Темир найларнигина эмас, ҳатто бутун музхонанинг ичини қиров қоплаган эди. Қўл теккиздинг, магнитдай чиппа олади. Сал-пал яхлатилган балиқлар солинган яшикларни, сув тўлатилган катта-катта бакларга жойлаб қўярдилар, балиқлар яхшлаб яхлангандан кейин, уларни яшиклардан олиб, совуқ музхонанинг ўзига тахлашар эди. Совуқнинг соғлиққа зиёни бор эди. Одатда, музхонанинг совуқ йигирма даражадан ошадиган жойларига асосан эркакларни юборишар эди, лекин балиқ кўп келтирилган пайтларда хотинларни ҳам юборишаварарди. Бу эса тез-тез такрорланиб турарди, онам ҳам ўша ерда ишлашга мажбур эди. Шундай вақтлар ҳам бўлардики, онам қўлига иссиқ қўлқопларини кийиб, пахталик курткага ўранарди-да, эски шимларни устма-уст кийиб, оларди. Бундан ташқари яна устидан икки қават похол чипта ҳам ёпиниб оларди. Гоҳ бели, гоҳ боши оғриб қолар, лекин бунга эътибор беришга вақти йўқ эди.

Бир неча йиллик танаффусдан сўнг ниҳоят отам кузда шаҳар маҳкамасига ишга кирди. «Мана энди биз ҳам бемалолроқ яшарканмиз»— деб ўйладик ва ичдан қувониб қўйдик.

Бироқ, онам тўсатдан ётиб қолди. Уч кун ўтди. Уйга қайтиб, остонадан ҳеч нарсадан хабарсиз:

— Салом!— деб овозимнинг борича қичқирибман.

— Жим, шовқин солма,— деб жаҳл билан силтаб берди бобом.

Бундай қарасам, унинг рангида ранг қолмабди.

Уй ярим қоронғи, онам ётган тўшак атрофига бутун оиламиз тўпланган. Ҳеч ким чурқ этмайдди. Отам қўлла-

рини кўксига қўйган ҳолда кўз ёши тўкиб онамнинг бошида турибди.

Юрагим ўйнаб, оёқларим чалишиб кетди.

Бувим кўз ёшларини оқизиб:

— Утако, онанг жон беряпти, ахир!— деб шивирлади. Онам беҳуш, хириллаб нафас оларди.

— Келинглр ҳаммамиз: «Онажон» деб чақирамиз,— деди отам.

Укаларим овозларининг борича қичқирдилар, аммо мен қичқиролмадим. Кўз олдим қоронғилашиб кетди, ичичимдан қандайдир ғайри инсоний фарёд туғён урарди.

Маълум бўлишича, мен ишга жўнаганимдан кейиноқ сал ўтмай, онамни тутқаноқ дарди тутиб қолган экан. Доктор чақиритибди, у миясига қон қуйилган, бемор эртагача етадими-йўқми дебди.

Кўзимдан дув-дув ёш тўкдим, отамдан: нега менга хабар қилмадинглар, деб сўрадим. Лекин кимни айблаб, кимга аччиқ қилишимни билмасдим. Турмуш жуда оғир эди, бир кун ҳам ишдан қолмасликка ҳаракат қилардик.

Бироқ онамнинг юраги бақувват экан, у икки кундан сўнггина жон берди. Бу вақт ичида Кавасакидан акам, узоқдаги қариндошларимиз ҳам етиб келишди. Онам эндигина қирқ учга, кирган эди.

Шу кеча кўз юммадим, тонг отгунча унинг жасади ёнида йиғлаб ўтирдим.

— Олдини олганимизда, даволаганимизда, балки ўлмасмиди!..— деган бир фикр менга сира тинчлик бермасди. Даволатиш қаёқда дейсиз!.. Доктор бор-йўғи икки марта келиб кўрди: ўтган кузда бир марта, ҳозир ўлими олдидан бир марта. Отам бундан беш кунгина аввал биринчи маошини олиб келган эди! Бечора онам дунёга келиб ҳеч нима кўрмади. Бир умр йўқчилик, оғир меҳнатдан эзилиб ўтиб кетди... Бу аччиқ хаёллардан юракларим пора-пора бўларди.

Қўшниларимиз чиқиб марҳумани ювишди, тарашди, кийинтиришди. Отам азага йиғилган бегона одамлардан истиҳола қилиб ўтирмай, худди тирик одамга мурожаат қилгандек, марҳума онам тобути ёнида: «Пешонанг шўр экан! Менга турмушга чиқиб, ҳеч ҳаловат кўрмадинг...»— деб йиғларди. Онамни отамнинг маошига олинган, тас-



малари чиройли гэтада¹ тобутга солишди. Дафн маросимига борганлар куз қуёшининг нурлари остида қишлоғимиздан тоққа олиб борадиган йўл билан, аста-аста боришарди.

11606

Мусибатларнинг қанчалик оғир бўлишига қарамай, уйда ўтириб кечирган дарду аламинини ёзишни хаёл ҳам этолмасдим. Бир ҳафтадан сўнг ишга чиқдим.

Онам энди йўқ... Аммо барибир бунга кўниколмасдим, ҳар сафар ҳувиллаб қолган уйга қайтар эканман, кундан-кунга қайғу-алам мени, кемириб бораётгандай бўларди. Менга, ўн беш яшар қизчага, она меҳри, эркалаб-суюшлари зарур бўлган бир пайтда уйимиз худди эгаси кўчиб кетгандай, ҳувиллаб қолган эди, уйда фақат шамол сайр этарди.

Мен тинмай ишлардим, Деярли ҳар кунни балиқ ортилган кемалар келиб турар, таниш балиқчилар сахийлик қилиб, бизни балиқ билан мўл-кўл таъминлаб туришарди. Кечқурунлари бобом балиқларни олиб кетгани албатта келар ва кечки овқатга кечикиб қолмаслиги учун, дарҳол уйга шошиларди.

Бир кунни ҳар сафаргидек бобом олдимга кирди, ўша кунни ҳаво совуқ бўлиб, қаттиқ изғирин жон ачитарди, пешиндан кейин эса майдалаб қор ҳам ёға бошлади. «Мени совуқ чалганга ўхшайди» — деди бобом. Дарров уйга бориб, ётинг деб тайинладим.

Ишдан қайтиб келиб қарасам, бобом иситмада куйиб-ёниб ётибди.

Кечаси йўтал унга шундай азоб бердики, охири доктор чақиришга тўғри келди. Доктор ўпкаси қаттиқ шамоллабди деди, бир неча укол ҳам қилди.

Эрталаб бобомнинг аҳволи яна ҳам оғирлашди, ҳарорати кўтарилиб борди. Яна доктор чақириш ҳам мумкин эди-ю, лекин бобомиз қари бўлгани учун, уни қутқариб қолишга барибир кўзимиз етмасди.

Вақтни ғанимат топиб, қариндошларимизга хабар қилдик, улар етиб келишди.

Бобом уч кундан кейин жон берди. Атрофида эса ҳамон бир умр унинг изидан қолмаган қашшоқлик ҳукм

¹ Гэта — оёқ-кийим.

сурарди. Уша қаҳратон қиш куні бўрон ўкирар, денгиз кўпириб қайнар эди. Бу ҳодиса учинчи декабрь, онамнинг ўлганига роппа-роса икки ой бўлди деганда содир бўлди.

Бобомнинг қўллари катта-катта бўлиб, томирлари ирғиб чиққан эди. Баъзида, олов олдида бирга ўтириб қолсак, у оловга яқинроқ сурилиб оларди-да:

«Бу қўлларим озмунча меҳнат қилмади, лекин ҳаётда сира ишим ўнгидан келмади»,— деб қўярди.

Бобом оиладаги иккинчи ўғил бўлиб, ёшлигидаёқ отасидан бир парча ер олиб, ажралиб чиқиб кетган эди. Оила тезда катталашиб бораверди, ҳаш-паш дегунча бирин-кетин етти фарзандли бўлди. Бу бир парча ер билан буларнинг қорнини тўйғизиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Шу сабабли бирор чақа ортиқроқ пул ишлаш ниятида кирмаган кўчаси қолмади: қароллик қилди, йўл қурилишида ишлади, дамбанинг ремонтида қад букди, пиллафурушлик қилиб кўрди, қишлоқмақшилоқ юриб атторчилик қилди.

Улкан бир оила ёлғиз бувимнинг ўзига қоларди: у бўлса похол кавуш тўқишга, арғамчи эшишга, бўйра тўқишга ва бошқа талай ишларни қилиб юборишга улғурарди. Ҳаммадан ҳам бувим уйимиз атрофида толчивиқ ўтказар, у ўсгандан кейин супурги боғлаб, сотиш учун бозорга олиб борарди. Бувим шўрликнинг бутун умри оғир меҳнат билан ўтди. Бу кўрғиликлар устига дадам ҳам болаликдан нимжон бўлиб ўсди. Охирида онла еридан ҳам, уйидан ҳам ажраб, шаҳарга бутунлай келиб қолди. Бу ҳодисалар бобомга оғир ботди, буни ўзига шармандалик деб билиб, қаттиқ изтироб чекди. Чол бир умр, бирор луқма лаззатли таомни тотишга, бирор марта кино кўришга муяссар бўлолмади. Унинг биргина орзуси бор эди. «Ҳеч бўлмаса, бир марта маза қилиб радио эшитсам»,— деб орзу қиларди. Афсуски, шу орзусига ҳам етишолмади.

Марҳумнинг юзидан фақат битта ҳис ифодасини ўқиса бўларди — у ҳам бўлса тақдирга тан бериш: унинг пешонасига гўё: «Қамбағаллик — қисмат»,— деб ёзиб қўйилгандай туюларди.

Онам билан бобомнинг деярли бир вақтда ўлиши бутун онламининг довдиратиб қўйди, бу оғир мусибатга кўникиб кетгунимизча талай кунлар ўтди.

Юкчилар артели қошидаги балиқ бозоринда уборшица

бўлиб ишлай бошлаганимга ҳам бир йилча бўлиб қолди. Армияга олиш давом этар, артелнинг ёшроқ ишчилари бирин-кетин кетиб турарди. Турмуш шундоқ ҳам оғир эди, уруш эса яна ҳам кўпроқ кулфатлар олиб келди. Шундай вақтлар бўлардики, бугун бир янги киши ишга келди, эртасига қарабсизки, ишга тушиб улгурмасданоқ ё фронтга, ёки бўлмаса мажбурий хизматга жўнатиларди. Гўё одамлар ҳам бутунлай бошқача бўлиб қолгандай эди: юкчилар ўртасида қимор ўйини, ичкиликбозлик авж олган эди, маст ишчилар артель тамғаси босилган коржомага ўралиб олардилар-да, қаттиқ хуррак тортиб уйқуга кетардилар.

Гоҳида аҳмоқона ҳазиллар қилишар, менинг устимдан ҳам кулишарди. Мен қўрққанымдан қичқириб юборар ва улфатларнинг қийқирув-кулгилари остида қочиб қутулардим.

Бахтимга менга ҳимоячи топилиб қолди. У Томэ деган чол эди. У бу бебошлардан ҳайиқмас, уларни тергаб турарди.

Чол бир ўзи, сўққабош яшарди. Хотини ўлган, ўғли «Япон-Хитой конфликтининг»¹ биринчи кунларидаёқ фронтга кетиб, ҳалок бўлган эди. Чол оғир ишларга ярамас, аммо ўз донолиги ва дилкашлиги билан ҳамманинг ҳурмат-эътиборини қозонган эди. Нима бўлди-ю, бир кун тушлик овқатдан кейин бекор бўлиб қолдик, балиқ ортган кема ҳали келганича йўқ эди,— шунда Томэ-сан мен билан гаплашиб ўтириб:

— Утако, неча ёшдасан? Ўн олтига киргандирсан-а? Қилаётган ишинг қизларнинг иши эмас,— деб қолди.

Очиғини айтсам, бундай фикр ўзимнинг ҳам хаёлимдан бир неча бор ўтган эди. Ташвишга тушиб, ўн саккизга кирганимда нима қиламан деб ўйлардим. Чолга минг-минг раҳмат. Унинг ёрдами билан иш жойимдан сал наридаги арғамчи эшиш фабрикасига ишга кириб олдим.

Бу кичик фабрика шаҳарнинг ғарб томонидаги тепаликка жойлашган эди. Тўғрироғи, бу унча катта бўлмаган бир барак эди, холос. Ўртасига похол янчадиган янчиқ қўйилган бу баракнинг чор атрофига похол ғарам қилиб уйиб ташланганди. Худди шу ернинг ўзида яна

¹ Япон қўшинларининг 1937 йилда Хитойга бостириб кирганини Японияда яна шундай дейишади. (Таржимон.)

бешта йигирув ва иккита пардозлов машинаси ҳам турарди. Ишга янги келганларни аввал янчиққа қўйишарди. Икки букилиб ишлашга тўғри келар, одам дарров чарчаб қолар, белинг шундай қотиб қолардики, қаддингни кўтаришга ҳолинг келмасди. Бир ойдан сўнг ишга янги одам келди. Уни менинг ўрнимга қўйишди, мен йигирув машинасига ўтдим. Бу машина шундай тез айланардики, унга қарадинг дегунча бошинг ҳам айланиб кетарди. Шунинг учун ҳам унинг талабгорлари кам эди. Бир минут ҳам қўлим ишдан бўшмасди, пешма-пеш похол ташлаб аранг улгурардим. Лекин ишдан сира қўрқмасдим. Ишбай асосида ишлардик. Шунинг учун ҳам дойим кўпроқ ишлаб, кўпроқ ҳақ олишга ҳаракат қилардик, мен эрта азондаёқ келиб, кеч соат олтилардагина қайтардим. Катталар тўқиган арқоннинг ўн икки канига етмиш сэн ҳақ тўлашарди. Лекин мен еттита ишчининг ичида энг ёш ва бақуввати бўлганим учун бошқалардан кўра кўпроқ ишлардим. Бир кунга бир иендан бир иен-у йигирма сэнгача пул ишлардим. Бу мен учун катта пул эди, бундан ғоят қувонардим.

Энди онлада уч киши ишлардик: маоши камроқ бўлса ҳам, отам шаҳар бошқармасида ишлар, синглим эса — консерва заводида. Турмушимиз бир оз яхшиланиб қолай деди.

Бироқ, бу орада уруш кучайиб кетди. Саккиз ой ишлар-ишламасимданоқ фабрика ёпилиб қолди. Армияда отларни боқиш ва бошқа ҳарбий эҳтиёжлар учун похол керак бўлиб қолди. Шу сабабли похолнинг нархи кўтарилиб, арқон ишлаб чиқариш даромад бермай қўйди. Қаранг-а! Энди яхши жой топдим деганда, яна янгидан иш қидиришга тушиш керак эди!

Мана, шу кезларда қишлоқлик танишларимиздан бири мендан қишлоққа, ишлаб келиш учун бормайсанми деб сўраб қолди. Бу гап мени ўйлантириб қўйди; тўйиб овқат ейишни яхши кўрардим, бир ўтирдимми бас, ҳар қанча бўлса ҳам келтиравер дердим, ахир уруш бўлиб турган давр эди, озиқ-овқат тобора танқислашиб борарди.

— Гапнинг рости, иши оғир-у, лекин овқат истаганингча,— деди у, мени қизиқтириб.

Мен шунисига қизиқиб, тезда қишлоққа отландим. Қишлоқ Курао тоғи яқинида, дарё соҳилида эди. Айни иккинчи пичан ўроғи бошланганди.

Тонг қоронғисида уйқудан туришга тўғри келар, даладан эса қоронғи тушгандагина қайтиларди. Бунинг устига қуртга солиш учун барг ҳам кесиб келишим керак эди. Кун ора даладан сабзавот йиғиб, шаҳардаги бақ-қолга олиб тушардим. Кейин ўғит ғамлаш мавсуми келиб қолди. Мен аравачага бочка ортиб, кунига уч мартадан шаҳарга бориб кела бошладим. Камоли чарчаганимдан оёқда туришга ҳолим келмай қоларди.

Дехқонларнинг кўпини урушга ҳайдашар, ишчи кучи етишмасди, шунинг учун ҳар томондан ёрдамга чақирувчилар кўп эди. Ёзнинг энг қизиқ кунларида учинчи пичан ўрими ва ёзги қурт боқиш бошланди. Дехқон оиласида тиним йўқ эди. Ёгин-сочин бўлиб қолса, қурт уйқуга кирганда тагига солишга похол, бордон, кўмирга чипта қоп тўқирдилар.

Болаликдан суягим меҳнатда қотган, шундай бўлса ҳам, деҳқонлар қисматининг қанчалик оғир эканлигини кўриб, ҳайратда қолардим. Бу одамлар шодлик нималигини билмасдилар — ёғингарчилик кунларда ҳам, ҳаво очиғида ҳам ҳамма вақт меҳнат қилишар, фақат меҳнат қилишарди! Ҳаммадан ҳам келин шўрликларга жабр эди. Бир ўзи шунча ишларни эплаганига ақлинг ҳайрон қоларди. Қарасанг, тушки овқатдан сўнг эркаклардан тортиб қайнана, қайнагачиларгача ҳаммаси ётиб дам олишади, тўғри келган жойда чўзилиб хурракка тушади. Келин шўрлик бўлса, идиш-товоқларни йиғиштириб қўйиши, уларни ювиши, болага қараши, кир ювиши керак. Кунни бўйи бирпас ўтиришга вақти йўқ, кечқурун эса ҳаммадан кейин ётади. Ярим кечагача яна алланималарни тикиб-ямаш билан овора бўлади.

— Бир йилда бир ёки икки марта ота-онамизни кўриб келишга рухсат беришади, кўрганимиз шу, — дейишарди шўринг қурғур аёллар.

Шоли сепиш, ўташ жуда кўп вақтни оларди. Офтоб чунонам қизитардики, елкаларингги куйдириб, оғриқ пайдо қиларди. Тиззагача лой сувга ботиб ишлардик, оёқларимиз остида майда-майда балиқчалар тўда-тўда бўлиб ҳар томонга қочиб қоларди. Биз уларни шундай қўл билан тутиб олишни ҳам ўрганиб олдик. Тутардикда, шу заҳоти белимизга осиб олган саватчага ташлардик.

Шоли гуллайдиган пайт келди. Ҳар йили ҳосилни йиғиб олиш олдидан дарёда иш бошланади. Қирғоқлар-

ни сув ювиб кетмасин учун сепоялар қилинар, ариқларни тозалашарди. Шунда ҳар бир оила пастак бамбукларни кўпроқ кесиб олишга ҳаракат қилар, уларни ерга тиқиб ихота қилишга ишлатардилар. Сув қайтганда эса балиқлар ўзини қуёш нуридан яшириш учун, барглар орасига қочардилар. Ҳар қайси тўсиқ олдида шовқин-сурон кўтариларди. Чунки деҳқонларда балиқ сотиб олишга пул бўлмас, мана шундай кунларда улар пайтдан фойдаланиб ярим йилга етиб берадиган лаққа ва илон балиқларни ғамлаб олишарди.

Бу пайтларда қишлоқ атрофларида катта байрам қилишарди. Хўжайинининг қизи билан қўшни қишлоқлардан бирига бордик. Худди шу вақтларда тўғон қурилиши бошланган бўлиб, портлатиш ёрдами билан тоғдан тупроқ кўпориб олишаётган эди. Тоғда тулкилар жуда кўп бўлиб, улар тез-тез қишлоққа келиб, дам товукларни, дам кичкина чўчқа болаларини ўғирлаб кетарди. Портлатишлардан қўрққан тулкилар чўзиб-чўзиб вингилларди. Шу кеч иккимиз тоғ йўлидан кетаётганимизда уларнинг қўрқинч чиққириқлари эшитилиб турди. Байрамга жуда кўп одам йиғилганди, ўйин-кулги қизиганидан уйга қайтишни ҳам унутиб қўя ёзгандик. Уйга қайтаётганимизда, йўлда ҳеч бир жон кўринмасди. Адиргача чопиб келиб олдик. Тун қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди, бунинг устига яна ҳалиги тулкиларнинг тинмаганини айтмайсизми. Қўрққанимиздан баданимиз жимирлашиб кетди. Орқа-олдимизга қарамай чопамиз. Бир вақт қарасак, айрилишдан чиқиб турибмиз. Йўлдан адашганимиз аниқ, қўшни қишлоққа олиб борадиган йўлга кетиб қолибмиз. Борган сари нотаниш жойлар. «Бизни тулки сеҳрлаб, йўлдан адаштирган»¹ деган хаёлга келдик. Бир томондан, қўрқамиз, иккинчи томондан, совуқ — ахир, тун аёз эди-да — хуллас, иккаламиз ҳам йиғлаб юбордик. Бирдан орқамизда милтираган ўт кўриб қолдик. Бизда жон қолмади. «Войдод, тулки қуваяпти! Ёрдам беринглар, қутқаринглар!» — деб қичқириб юбордик ва жонимиз борича қочиб бердик. Ҳалиги олов бўлса орқамиздан қолмасди.

— Бу нима янгилик? Наҳотки бу Утако бўлса, — деган товушни эшитиб қолдим.

¹ Японияда «тулкининг йўлдан оздириши»га ишониш кенг тарқалган.

Ўғирилиб қарасам — қўшнимизнинг ўғли.

Соат бирларга яқин уйга етиб келдик. Ўнгача биздан хавотир олишибди, қишлоқ тўс-тўполон бўпти. Еш-яланглар бизни қидиришга тушишибди. Хуллас, бўлганимизча бўлдик!

Куз келиши билан йиғим-терим бошланди, кечки пилла ҳам етилди. Қайси оила ишдан шошиб қолса, ўша қўшнига ёрдамга чопаман. Шолипоя қуруқ бўлса ҳам бир нави эди, лекин сув қўйилганида ишлаш жуда машаққат! Тўла сув, баъзида белинггача чиқади.

Ўришдан кейин янчиш бошланди. Менинг зиммамга гуруч қопларни ташиш тушди. Қишлоқдаги абжувоз кўпчиликники эди. Лекин уруш туфайли ёнилғи етишмасди. Бундай вақтда гал келишини кутиб туроласанми? Шоли янчишда оғир тегирмон тошидан фойдаланишга тўғри келарди, машинага нима етсин. Бу оғир меҳнат жуда кўп кучни оларди.

Деҳқонлар ҳосилни йиғиштириб олиши билан мудҳиш давр: солиқ тўлаш даври бошланарди. Мен хизмат қилиб юрган деҳқон қишлоқда ўзига тўқ деҳқонлардан ҳисобланарди. Чунки унинг хизматкор сақлашга қурби етарди. Солиқ тўлангандан кейин ҳам, унинг оиласи гуручдан зориқмаса керак. Лекин қишлоқда шундай оилалар ҳам бор эдики, сотиш у ёқда турсин, ҳатто оилага егулик ҳам гуручи қолмасди. Мабода қишлоқнинг саккиздан бир бўлган солиқни тўлай олмаса, қишлоқ советининг оқсоқоли ишга аралашиб, шовқин кўтарарди. Тегирмон орқасидаги кулбада яшовчи чол кучи келмайдиган беҳад кўп солиқни тўлай олмай, ақлдан озиб қолди.

Қақир далага қалин қор чўкди, шолипоялар муз билан қопланди. Тўй-томошалар палласи келди. Тўғри, эркакларнинг деярли ҳаммаси фронтда эди — илгаригидек файз, вақтичоғлиқ бўлмаса-да, қишлоқда келинлар ҳақида ивир-шивир гаплар юрарди. Келинчак ўлардек қайсар, ўтакетган хунук бўлса ҳам, бунга ҳеч ким мутлақо эътибор қилмасди, ишқилиб келин молдай ишласа бўлгани эди! Ишдаги ғайратимни кўришиб, менга ҳам совчи қўя бошлашди, лекин мен қишлоқда қолишни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Тун қоронғисида туриб, даладан эса юлдузлар чиққандагина қайтасан. Бунда нима ҳаловат? Ҳосил йиғиб олингандан кейин ҳам, егулик гуруч қолса майлику-я, лекин қаёқда дейсиз! Ҳатто бор сабзавотини ҳам шаҳарга олиб бориб сотишади-да, йил бўйи чиқин-

дилар билан кун кўришади. Деҳқон шўрлик ҳайвондан ҳам хароб яшайди! Келинчакнинг ҳаёти эса ундан ҳам бешбадтар... «Майли, ҳар қанча оғир иш бўлса ҳам шаҳарга қайтаман»,— деган қарорга келдим ва янги йилга бир оз вақт қолганда хўжайиним жавоб бергиси келмаса ҳам, уйга қайтишга отландим. Қишлоқда саккиз ой ишлаб, нима бўлса ҳам шу кунгача қилган меҳнатим деҳқон меҳнатидан енгилроқ, экан деган хулосага келдим. Хизмат ҳақига эллик иен пул, беш сё гуруч ва бир ки-йимлик газлама олдим. Шу билан хайрлашдик.

Шаҳарга айтинги йил арасида етиб келдим. Уруш туфайли бутун дўконлар бўшаб қолган. Шунга қарамай, оппоқ қор билан қопланган кўчаларда йўловчилар шошилиб юришар, велосипед жаранги эшитилиб қоларди. Уйга қоронғи тушганда келдим. Оиламиз жам бўлиб, хира электр ёруғида овқатланиб ўтиришган экан. Мени кўриб қувониб кетган бувимнинг сиражин юзларидан кўз ёшлари оқиб туша бошлади. Орадан саккиз ой ўтган бўлса ҳам, ҳамма нарсга аввалгидай, ўзгармаган эди. Кавасакидан катта акам эндигина келиб турган экан. Кўришмак бўлибди, операциядан сўнг бери-бери касали билан оғриб қолибди. Уч-тўрт кунга, дам олиб келгани жавоб бериб юборишибди.

Янги йилни арзигудай бўлмаса-да, жуда хурсанд кутиб олдик. Байрам кунларида дам олдим-у, дарҳол иш қидиришга тутиндим.

Уруш бўлса ўз йўли билан боради. Жанубий денгиз районида жуда кўп халқ ҳалок бўлиб кетди. Сафдан чиққанлар ўрнини янги солдатлар тўлдириши керак эди шеклли, шу сабабли бўлса керак, тинмай повестка билан одам чақириб туришарди. Бизнинг поселкадан ҳам беш киши фронтга кетди. Кўплар мажбурий хизматга — ҳарбий заводларда ишлашга жўнатиладди. Эртами-кечми менга ҳам навбат келиб қолишини ўйлаб, шаҳар чеккасидаги ҳарбий денгиз қарамоғидаги қурол-аслаҳа заводига ишга жойлашишга қарор қилдим. Таржиман ҳолимни акам ёзиб берди, нероглифларни жуда чиройли қилиб ёзарди.

Ишга янги кирган ҳар бир киши бир ҳафталик тайёрловдан сўнг, цехларга бўлиб юбориларди. Ўттиз кишидан фақат беш кишини, шу жумладан мени ҳам хизматчи сифатида бош идора ҳузурида олиб қолишди. Афтидан, одамларнинг тузукроқларини танлаб олишган эди. Мени

ҳам шулар ичига тушиб қолишимнинг сабаби аниқ таржимаи ҳолим чиройли ёзилган эди. Тўғриси, бундан мен ўзим ҳам чўчиб кетдим.

Лекин буни мен эмас, акам ёзган деб очиқ айтишдан негадир тортинардим, ҳижолатдан қандай қутулишни билмасдим.

Уч кун давомида биз янги жойга кўникишимиз керак эди, идорада лақиллаб юриб вақт ўтказдик. Шу чоққача мен фақат оғир меҳнатни билардим. Бош идора хизматчисидай, олижаноб бир ишга дуч келганимдан қўрқув ва ҳаяжондан гоҳ қизишиб кетардим, гоҳ совуқ тер босарди. Чунки мен ақалли «префектура» деган энг осон иероглифни ҳам тўғри ёза олмасдим-да. Бўлмади, охири бурчакда ўтирган, ёши анчага бориб қолган бошлиққа бориб учрашдим, бу вазифани барибир уддалай олмайман, мени бошқа ишга ўтказиб қўйинг, деб илтимос қилдим. Бу сўзим уни бир оз ажаблантирган бўлса ҳам, ҳадемай механика цехига хизматчи қилиб ўтказди.

Бу ерда тартиб, албатта, бош идорадагидек эмас, лекин ҳамма ёққа плакат ва шиорлар ёпиштирилиб ташланган эди. Уларда: «Саксон миллионли японларнинг қалби бир», «Сўнгги нафасимизгача хизмат қиламиз» ва шунга ўхшаш шиорлар ёзилган эди. Менинг вазифам пулемёт деталлари ва бошқа қисмларни олиб бериб туриш, накладнойларни йиғиб олиб, уларга муҳр бостириш учун идорага чопиш эди. Деталлар оғир, иш жадал бўлса-да, иш орасида ёзув ва ҳисоб машқ қилишга бир оз бўлса ҳам вақт топа олардим.

Ишга кирганимга икки ҳафта бўлганда, портловчи моддалар ишлаб чиқарувчи цехда авария бўлди. Бу тушликдан кейин, одамлар энди ишга тушган пайтда юз берди. Портлаш шундай қаттиқ бўлдики, унинг зарбидан анча йироқдаги ўқ-дори омборлари ҳам бирин-кетин портлаб берди. Йиғирмага яқин киши ҳалок бўлди, кўпгина киши яраланди.

Бошлиғим яккам-дуккам соқолли Ода деган кекса киши бўлиб, у кўнгилчан, хушмуомала одам эди. У мен билан шундай яхши муомала қилардики, одамгарчилик бундан ортиқ бўлмайди. Заводда ҳам худди армиядагидек қаттиқ интизом жорий этилганди. Сал нарса бўлди-ми, дарров яширин полицияга рўпара қилишади. Бизда унга ёмонлик билан донг чиқарган Судзуки деган одам бошчилик қиларди! Заводдагилар ҳарбий трибунага

тушиб қолишдан жуда қўрқишарди. Мени ошхонага ўтказишгандан сал кейин нима бўлибди-ю, ҳалиги Ода деган чол бензиндан бўшаган шиша идишни яшириб уйига олиб кетибди. Бу тўғрида гап-сўз бўлиб қолиб, тергов бошланди. Полициячилар уни шундай уришибдики, бечора ақлдан озиб қолди, кўп ўтмай ўлиб кетди. Бу воқнадан сўнг анчагача Оданинг чехраси ва мулоҳим жилмайиши менинг кўз олдимдан кетмай юрди.

Икки ойдан сўнг заводга сафарбар қилинган мингга яқин студент қизлар ишга келишди. Улар мен билан бир хил вазифани бажаришарди, лекин мен бир кунга етмиш сэн олардим, студент қизлар бўлса, ҳатто мендан кичиклари ҳам бир изн пул олишарди. Вақтида ўқиб олмаганим учун яна бир ўқиндим. «Нима бўлмасин бирор ҳунарнинг бошини ушлашим керак» деган қарорга келдим. Худди шу вақтда мана шу завод ошхонасида ишлайдиган бир ўртоғимга учраб қолдим. «Нима қилай,— деб ўйлардим мен:— билим ололмадим, тикишга уста эмасман, ҳеч бўлмаса пишириш-куйдиришни ўрганай». Бу ҳақда бошлиғимга айтдим, эртасигаёқ мени бошқа жойга ўтказишди.

У ер юқори мансабдаги амалдорлар ошхонаси эди. Шу вақтгача бу кишилар менга жуда бошқача, оддий кишилар тоифасига ҳеч ўхшамайдиган, алоҳида кишилардай туюларди. Энди билсам, худди бизга ўхшаган энг оддий одамлар экан. Улар орасида ёмонлари ҳам бор эди: бундайлари доим норозилик билан бир нарсалар деб тўнғиллаб туришар, сира кўнглини топиб бўлмасди; шунингдек, яхшилари ҳам бор эди. Ошхона—идора эмас, азонда — соат бешда уйдан келганимизча кеч қоронғида қайтардик. Саҳару мардонлаб туриш осон иш эмас, лекин ортиқча ишлаганимизга қўшимча ҳақ тўлашарди. Шунинг учун ҳеч нарса билан ҳисоблашмай ишлайверардим.

Бир ойга ўттиз икки изн ҳақ олдим, илгариги маошимдан анча ортиқ эди бу!

Халтачага пулни солиб, рўмолга тугдим-да, электрчкага югурдим. Бувим билан отамни бир хурсанд қилай деб ўйладим. Вагон ҳар вақтдагидек тиқилинч эди, бир илож қилиб чиқиб олдим. Тушмасимдан олдин ҳалиги тугунчамни шунчаки ушлаб кўрдим, қарайманки, пул йўқ. Электрчка тўхтади, тушдим. Платформада яна тугунчамни қараб кўрдим, лекин пулдан ном-нишон

йўқ. Оёқларим чалишиб, платформанинг ўзигаёқ таппа йиқилдим. Бошим гир айланарди. Ўзимга келганимда, тепамда станция навбатчиси турарди, у мендан нима бўлди деб сўрарди. Платформа бўшаб қолди. Ўрнимдан туриб қарахтлигимча йўлга тушдим. Уйга қандай етиб келганимни билмайман. Остонага қадам қўйишим билан, аламимдан ҳўнграб йиғлаб юбордим.

Қўрққанидан жон-пони қолмаган бувим менга югурди.

— Қаранг, ахир эрта тонгдан қора тунгача бир ой ишлаб топган пулнинг ҳаммаси-я!— деб уйимдагилар олдида ҳасратимни очиб солдим.

«Йиғласанг-йиғламасанг, энди баринбир пулинг қайтиб келмайди. Пешонамизда боридир-да»— деган қарорга келдим ва охири тинчландим.

Шу вақтда ўртанчи укам Харуо колледжни ташлаб, меҳнат мажбуриятини адо этиш учун мана шу заводга келиб қолди. Озиқ-овқат масаласи кундан-кун бадтарлашди. Баъзи вақтларда беш кишининг қорнини қандай қилиб тўйдиришга ақлинг етмасди. Бутун оиламиз тинмай меҳнат қиларди. Лекин олиб-сотарлардан нима ҳам харид қила олардик? Хуллас, биз қанча тиришмайлик қашшоқлик бадтарроқ халқумимиздан оларди.

Кузда повестка келди — катта акам фронтга чақирилганди. Қўшниларимиз чиқишди, қанчалик оғир бўлишига қарамай, акам билан хайрлашиш учун қуруқ чиқмай ул-бул совға олиб чиқишди.

Жўнашга бир кун қолганда ака-сингиллар ҳаммамиз олтига бўлиб кинога бордик. «Кўл бўйидаги манзил» деган картина қўйилаётган эди. Унда бир келишган, навқирон йигит касал бўлиб ўлади, унинг севгилиси — дунёда тенги йўқ гўзал бир қиз,— кўл бўйида зўр қайғуда кезиб юриб, мунгли куйларди. Бу куй юрагимнинг энг теран ерларига етиб борди, чунки у куй, қайғу-ҳасрат ифодаси эди. Бирпасга бўлса, ҳам, бутун борлиқни — акамнинг кетишини ҳам, қашшоқлигимизни ҳам унутдим.

Эртаси кун эрталаб акамни фронтга жўнатдик. Шунда бизнинг лой, бадбўй кўчамиз ҳам бир пастга жонланиб кетди. Мэр ва қишлоқ оқсоқоли келишди. Улар башанг кийинган бўлиб, чехраларида табассум ўйнардди. Мэр жанговар табрик билан мурожаат қилди, атрофдагилар бунга «банзай» деб қичқириб жавоб қилишди. У вақтдаги замон ўзи шунақа эди.

Худди шу таитана пайтида ошхонада йиғлаб ўтирган бувим гэтасини оёғига кийиб-киймай, бирдан уйдан чиқа солиб, нарироқда турган акамнинг бўйнига осилиб олди. У ғайри табиий оҳангда:

— Ҳой Сугуру, урушда ўлимдан бошқа нарса бўлмайди! Ўзингни эҳтиёт қил, соғ бориб-саломат қайтиб кел! — деб йиғлаб берди.

Одамлар шошиб қолишди.

Ахир, ҳозиргача ҳамма нарса ўз йўсини билан бўлаётган эди. «Жонимиз ватанга фидо», «Ўлимга тик борамиз» деган чақириқлар ҳавода янграётган пайтда бирдан ҳамма нарса бузилди.

Отам қаттиқ изтиробда қолган эди.

— Бўлди, бас, она! У ҳаммасини тушунди! — деди у.

Мен оломон ичида эдим, мен ҳам ноқулай аҳволга тушдим. Охири синглим билан иккимиз бир илож қилиб бувимни акамдан айнириб олиб, зўрға уйга олиб кирдик. Акамнинг кўзларида ёш йилтираб кетди.

Кампирнинг йиғлаганини кўчадагилар кўрмасин деб, сурма тўсиқни бекитдим.

Акамни ўраб олган бир тўда одамлар тепаликдан тушиб шаҳар томон йўл олди.

Худди шу кезларда Атадаги қўшинларимизнинг ҳалокати, жанубда Гвадалканар районида мағлубиятга учрагани ҳақида хабар келди. Буларнинг ҳаммаси машъум хабарлар эди. Токиога ҳужум қилиш жадаллашди, поездлар ярадорлар билан тўлиб тошган эди. Самолётлар Окубагача ҳам етиб келарди. Бу ҳужумлар дастидан электричкалар тўғри келган жойда тўхтаб қолар, одамлар поезддан тушишар, поезд бригадалари ўнқир-чўнқирларга, кавакларга қочиб кетишарди. Пиёда юришга тўғри келар, артиллерия отишмаларига йўлиқиб, бундан қутулиш учун ўрмонларга қочишарди. Ҳали ишга қўл урмасингдан ҳаво тревогаси сигнали берилади. На осойишталикни, на бир дақиқа дам олишни биласан. Заводимиз энг муҳим объектлардан бўлиб, жуда катта жойни ишғол қиларди. Ҳар қанча маскировка қилишмасин, завод барибир душмanning ҳужум нишонига айланганди. Доим ваҳимада яшардик. Эрта-лаб уйдан чиқиб кетаётиб, кечқурун саломат қайтишга ҳеч кимда ишонч йўқ эди.

Бир куни тушки дам олишдан сўнг шундай бўлди. Бундан олдин уч кунгача бизни бомбардимон қилишма-

ди. Ҳамма бир оз ўзини босиб олган эди. Тўсатдан радно Фукусимо тарафга душманнинг ўн бешта самолёти кетмоқда, деб хабар қилиб қолди. Осмонга қарасак — худди ўша ўн бешта самолёт тепамизда. «Эҳе, бизникилар жуда тез ҳаракат қилишибди-ку», — деб кимдир кесатиб қўйди, лекин ҳали сўзини тугатмасданоқ атрофга ўқ ёғилди. Радиодан: «Ҳамма хандоқларга!» — деган буйруқ берилди. Лекин ошхонадан ҳеч ким қочишга ботинолмади — нақ тепамизда отишарди. Портловчи моддалар цехидан шлём кийган бутун бир колонна — мингтача киши отилиб чиқди. Қўрқувдан эсимизни йўқотиб қўйдик. Бирдан ёнимиздаги идора биносида қаттиқ гумбурлаш эшитилди. Энди «тамом бўлдик» деб ўйладик! Ошхонада қолиш хавфли эди, мен жон-жаҳдим билан шундай олдимда турган катта холодильникичига ташландим.

Ҳар бир портлашдан сўнг фельдфебель ошхона эшигини ёпиб турди. Одамларнинг ранги ўчган, ўзини йўқотиб қўйганди. Кимдир қўрқув остида пичирлаб «Наму Амидабуцу!»¹ дуосини чалакам-чатти ўқирди, биров, қозон ёки дераза тагига бекинмоқчи бўларди. «У ер хавфли!», «Қоч! Ет!» — деб қичқирарди фельдфебель.

Отишма кучайиб борди, нимадир гумбурлаб кетди ва бирдан ҳамма ёқ жимиб қолди. Самолётлар узоқлашиб кетди. Одамлар секин-аста ўзига келиб, тўплана бошладди. Омборхона билан идора вайрон бўлибди. Идорада иккита хизматчи ҳалок бўлибди. Мабодо портловчи моддалар цехига бомба тушганда борми, менга ҳам шуларнинг йўлини берарди деган фикр хаёлимга келиб, вужудимни қўрқув босди.

Ҳали ўзимизга келмасданоқ яна тревога кўтарилди. Бу сафар мен ҳалиги даҳшатли цехдан нарироққа — хондаққа қочдим.

Саратоннинг иссиғига қарамай ҳаво ҳужуми эҳтимолига қарши одамлар заводга қалин кийимда келишарди. Бундай ҳужумлар тобора кучайиб борарди, чунки бизнинг шаҳримизда катта доклар² қурилмоқда эди.

Ҳар куни мамлакатимизнинг ҳамма районларида катта талафотлар юз бераётгани ҳақидаги овозлар келиб турарди.

¹ «Оҳ, будда Амида, шафқат қил!»

² Док — кемасозлик устахонаси.

9 июлга ўтар кечаси бизга қўшни бўлган катта шаҳар қаттиқ бомбардимон қилинди. Портга қараб отилган ёритувчи снарядлар кечани кундуздай қилиб ёритиб юборганди. Шаҳар тепаси кечаси билан яллиғланиб турди. Эртасига заводга ўша шаҳардан келадиган одамлардан ҳеч бири ишга чиқмади. Бомбардимон вақтида дугоналаримдан биттаси ҳалок бўлганини кейин билиб қолдим. Бошқа заводлардан ҳам кўп одамлар ҳалок бўлибди.

Бироқ, кишилар бундай ҳодисаларни анча совуққонлик билан кутиб оладиган бўлиб қолишган эди.

Япониянинг куни битди деб ўйларнинг киши, худди шу кунларда бирдан уруш тўхтади деган хабар келиб қолди. «Ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб мардонавор ҳалок бўламиз» деб яқингинадагина такрор-такрор айтмасмидик. Уруш кутилмаганда бирдан тўхталиб қолди.

Ҳеч ким ишлашни хаёлига ҳам келтирмай қўйди. Заводнинг ҳар бурчагида ичкиликбозлик авж олди. Фақат капитан ва лейтенантлар ҳужжатларни кавлаштиришар, омборларда тартиб ўрнатишарди.

Аммо кўп ўтмай янги ташвиш туғилди — заводни ёпадилар деган овозалар тарқалди. Ҳар ким энди нима бўлади, бундан кейин нима қилиш керак, деб ўйлай бошлади.

Америка армияси мамлакатни ишғол қилишидан олдин сафарбар этилган ишчиларнинг биринчи навбати бўшатилади деб эълон қилинди. Залга ўша вақтда заводга олинган мингга яқин студент қизларни тўплашди, лейтенантлардан бири сафсата сота бошлади.

— Япония мағлубиятга учради. Америка бугун-эрта мамлакатни ишғол қилади. Ҳар бир кишининг олдида: энди нима қилиш керак? деган савол туғилади. Япон хотин-қизлари ўзларининг бутун жасоратларини кўрсатсинлар! Лекин иззат-нафснинг таҳқир этилгани учун бирдан-бир муносиб жавоб — дарҳол жондан кечишдир! — деб нутқ бошлади-ю, лейтенантнинг кўзларидан ёш оқиб кетди.

Шу пайт студент қизлар бирин-кетин зални ташлаб чиқиб кета бошладилар, зал бирпасда бўшаб қолди. Залнинг бир бурчагида ёлғиз мен қолдим. Лейтенант бўлса худди уруш ҳали ҳам тамом бўлмагандай, шундай чиранчоқлик билан ваъзхонлик қиларди.

Мен ҳам пиқ этиб кулиб юбордим-у, залдан чиқиб кетдим.

Биз укам иккимиз биринчи галда ишдан бўшати- ганлар қаторига тушиб, саккиз юз иен пул билан эсда- лик учун битта оқ парашютни олиб, завод билан хайр- лашдик. Сал вақт ўтмай, завод бошлиқлари кўпгина қим- мат баҳо буюмларни яшириб қолган эмиш деган овоза- ларни эшитиб қолдик.

Ишдан бўшатиш кунимнинг эртасига бир ўрто- ғим маслаҳати билан пристанга яқинроқ ердаги кички- на балиқ корхонасига ишга жойлашдим. Бу ерда тузлан- ган каракатица¹ тайёрланарди. Бунда олтига хотин ва уч эркак ишлаб хўжайин билан ўн киши эдик. Уруш тўхтагандан сўнг озиқ-овқат масаласи шундай оғир- лашдики, пеш тузланган каракатицамиз пеш сотилиб турди. Тайёрлаб етқиза олмасдик. Хоккайдодан роса тузланган шўр каракатица келтириларди. Каракатицани сувга солиб бўктирардик-да, сўнг уни қиймалардик. Хўжайин истаганича яна сув қўшарди. Барибир шундай бўлса ҳам, харидорлар сон-саноқсиз эди.

Заводдан унча узоқ бўлмаган ерда, япон балиқ ком- паниясининг бирига қарашли музхоналар бор эди. Ҳозир у Америка армияси ихтиёрида, унда озиқ-овқат сақла- нарди. Музхонани кечасию кундузи америка солдатла- ри қўриқлаб турарди.

Бир кун кечқурун мен, хўжайин ва яна битта ишчи дўқонда ўтирган эдик, гандираклаб бир америка солда- ти кириб келди-да, стаканга тўлдириб вино қуйди. Шу пайт у мени кўриб қолиб, қува кетди. Чап бериб қоч- моқчи бўлган эдим, лекин қўлимдан тутиб олди. Инглиз- чани билмасдим. Бу барваста йигитнинг чангалида ту- риб жон халпида, бурчакда ўтирган хўжайинимга қараб: «хўжайин, ёрдам беринг!» — деб бақирдим. У бўлса ҳеч нарсга кўрмагандек, индамай ўтираверди. Солдат бўлса зўрлаб оғзимга вино қуймоқчи бўларди. Мен уни итариб ташладим. Ахир, кучли эдим-да, бунинг устига солдат маст эди. У гандираклаб кетиб, цемент полга йиқилиб тушди.

— Аҳмоқ! — деб юбордим.

Буни эшитиб, у сакраб ўрнидан турди.

¹ Юмшоқ баданли денгиз моллюскаси.

— Нима? Аҳмоқ? Аҳмоқ дедингми? — деб ўшқирди. «Безориликни қилиб қўйиб яна жаҳли ҳам чиқади», — деган фикр хаёлимдан ўтди. Шу оннинг ўзида солдатнинг пистолетга қўл узатаётганини кўриб қолдим. Юрагим шув этиб кетди. Лекин ўзимни дадил тутиб, хўжайиним ўтирган томонга ишора қилдим, «Аҳмоқ» деб уни айтдим, деб ишора қилган бўлдим. Дўкондан ўлар-тириларимга қарамай қочиб чиқдим. Қарасам, ўтган-кетган тўпланиб бизга қизиқиб қарашаяпти.

Хўжайиним ва ўша пайт дўконда ўтирган ишчидан қаттиқ хафа бўлдим, уларни қўрқоқ деб сўқдим. Кейинчалик улар биз аралашсак, иш зўр жанжалга айланиб кетарди, деб ўзларини оқлашга уриниб кўрдилар. Буларнинг гапига энсам қотиб, уларга нафрат билан қарардим.

Шу орада треска овлаш мавсуми ҳам келиб етди. Зиммамизга уларни нимталаш иши тушди: калласини кесиб, ичини тозалардик-да, учга бўлардик, сўнг уни тузланса ҳам, қуритилса ҳам бўлаверарди. Афтидан, хўжайинимнинг даромади анчагина эди. Заводга яқин жойга янги уй қуриб олди.

Бир кун уйга қайтмоқчи бўлиб турсам, хўжайиним тўсатдан олдимга келиб, юр, уй-жойимни бир кўриб кетсан деб қолди. Қаердаги хилват ерлардан бошлаб, ниҳоят уйига олиб борди. Ўзим даҳлизда турибман-у, ҳамма ёқда яп-янги нарсалар, тахталардан смола ҳиди анқиб турибди, менинг устимда эса жулдур чолвор билан бувимнинг эски кимоносидан тикилган коржома. Ўзимдан ўзим бир хил бўлиб кетдим. Хўжайин чой тайёрлади. Хотини бўлса ошхонадан бери келмади.

Хўжайиним бирдан қулоғимга пичирлаб:

— Ута-тян, ўн минг иен бераман, менга ўйнаш бўлсанг-чи! — деб қолди.

Жуда довдираб қолдим, унга қарайману, лекин қулоқларимга ишонмайман. У бўлса яна ўзиникини маъқуллади:

— Ўн минг кам десанг, йигирма минг бераман. Ҳозироқ олдингга нақд қўяман.

Нафасим ичимга тушиб кетди. Кейин ўзимга келиб дедим:

— Ҳа, тўғри, мен бир бечора қизман. Бир қаричлигимдан бери меҳнат қиламан, нимаики иш тўғри келмасин, ҳазар қилмадим. Агар ўйнаш бўлишни истаганимда, аллақачон гейша бўлиб кетган бўлардим.

Жуда хўрлигим келиб кетди, кўзларимдан дув-дув ёш қуйилди, эшикка отилдим. Хўжайин бўлса орқамдан ёлвориб:

— Хоҳламасанг, бу сенинг ишинг, лекин айтиб қўяй, сир шу ерда қолсин,— деди ва менга юз иенлик қогоз узатди.

Мен унинг қўлини итариб ташладим-да, телбаларча уйдан югурганимча чиқиб кетдим.

Агар хўжайин ўша номаъқулчилигини яна такрорласа, албатта, ишдан бўшайман деб кўнглимга тугиб қўйдим-у, ишга бориб-келиб юравердим. Шу бўлди-ю, хўжайиним бу ҳақда сўз очмади. У менга ишониб қолган эди, ҳатто ишчиларга иш тақсимлайдиган ҳам бўлиб олдим, аммо маошим бир чақа ҳам ошмади.

Устига устак урушдан кейинги пулнинг қадрсизланиши жуда тинкамизни қуритарди. Пуллимиз емишимизга ҳам етмасди. Бир неча марта қўшимча ҳақ сўрамоқчи бўлиб пайт пойлардим. Вақт эса ўтиб бораверди, хизматдошларим алмашиниб, ўрнига янгилари келиб турди.

Булар етмагандек бошимизга яна бошқа ташвиш тушди: синглим ишлаётган консерва заводида бир яшик консерва йўқолибди, уни гўё синглим ўғирлаган деб, ундан ёзма изоҳ беришини талаб қилишибди. Ишдан қайтиб келсам, отам билан синглим ҳадеб жанжал қилишяпти.

— Уларга айт, ахир, ўлимдан хабарим бор, аммо бу ишдан хабарим йўқ дегин,— деб гап уқтирарди отам.

— Барибир ҳеч ким гапимга ишонмайди. Ахир, яшик менинг рўмолимга ўралган экан, уларни ишонтиролмайман,— деб куйиб-пишиб йиғларди синглим.

Яшикни бошқа бир кишининг ўғирлагани аниқ эдию, лекин синглимнинг рўмолига нима мақсадда ўраб қўйилгани номаълум эди. Балки бу тасодифдир. Синглимнинг рўмоли ҳам ўз навбатида бирор киши томонидан ўғирланган бўлиши мумкин. Эҳтимол, ишчилар орасида уни яниб юрганлар бордир. Нима бўлса ҳам, ҳар ҳолда, ундан гумон олишиб, ёзма изоҳ талаб қилишибди.

Синглим кам гап, ювош, бўш-баёв бўлса ҳам, лекин жиддий қиз эди.

Эртасига эрталаб у ишга бормайман деди. Отам билан бувим уни қанчалик алдамасин, қанчалик тасалли бермасин, барибир, қайсарлик билан ўз айтганида туриб олди.

Мен бўлсам гап сени бўшатиш ҳақида кетаётгани йўқ, фақат изоҳ сўрашяпти, холос, деб уни ишонтиришга уринардим. Отамиз тирикчилик ишларига омил эмас эди, мени эса маслаҳатгўйликка арзитмасди... Ёнимда катта акамнинг бўлмаганлигига кўп аттаинг қилдим! Шу воқиядан сўнг синглим уйда ишсиз қолди, тез орада дағал ва бетга чопар бўлиб қолди. Яхши одамлар ҳам топилди, уни ишга жойлаштириб қўймоқчи бўлишди. Лекин у буларга қулоқ ҳам солмади. Бу ҳам етмагандек, синглим дайдийдиган одат ҳам чиқариб олди. Бир вақт, қарабсизки, унинг жазманлари ҳам пайдо бўлиб қолибди.

Укам Харуо ҳарбий заводдан бўшагандан сўнг, ёнимиздаги америка ҳарбий қисми ҳузурида бир ишга жойлашди. Отамни ҳамон нафаси қисар, тез-тез ётиб олар ва шаҳар бошқармасидаги хизматига боролмай ҳам қоларди. Синглим ҳам ишламас, шунинг учун мен тинмай ишлашим керак эди.

Бу атрофда қизлардан танишларим жуда кўп эди. Уларнинг ҳаммаси камбағал оиладан бўлиб, биз неча марталаб бўш вақтларимизда биргалашиб далага: ўтин, мева-чева тергани борардик. Кутилмаганда мен чиройли европача кўйлаklar кийиб, ясаниб олган ўртоқларимни тез-тез учрата бошладим. Масала равшан эди: улар фоҳиша бўлиб кетган эдилар. Бизнинг шаронтимизда фоҳиша бўлмоқ ажабланарлик ҳол ҳам, айб ҳам ҳисобланмас эди.

Илиқ баҳор кунларининг бирида синглим менинг олдимга — заводга ҳовлиққанча келиб қолди ва отамнинг қон қусаётганлигини айтди. Шу заҳоти уйга чопдим. Отам кўзларини ярим юмганча тўшакнинг бир четида ётар; ёстиқларига қон сачраган эди.

Отам менинг қаттиқ ҳаяжонланганимни кўриб деди:

— Нафасим қисди-да... қаттиқ йўталдим, сўнг қон келди, ҳеч нарса бўлмайди.

Мен унинг сўзларига ишондим. Сил касали деганда кўз олдимга ранглари захил, бемажол кишилар қиёфаси келар, бақувват кўринган отамнинг бундай касаллик билан оғриши, ақалли, хаёлимга ҳам келмаган эди. У ҳозир ўзи учун энг зарур нарса — тинч, хотиржам ётиш деб бизни ишонтирди. Чиндан ҳам сал ўтмай ўзини дуруст сеза бошлаб, ишга чиқиб кетди.

Бу воқнадан кейин бир неча кун ўтгач катта акамизнинг фронтда ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар келди. Отам унинг қайтиш хаёли билан яшарди. Энди бўлса руҳи шундай тушиб кетдики, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди, ҳатто овқатга ҳам боқмай қўйди. Бувим эса, қора хатни кўксига босиб бўзлаб йиғларди. Бу ғамдан қўлларим бўшашди. Кўз олдимда акамни фронтга жўнатган кун манзараси жонланди. Хайрлашиш олдидан бориб кўрган киномиздаги қўшиқ куйлари ёдимга тушди.

Ўртанчи укам ёнимиздаги аккупацион қисмга хизматга кирганидан бери, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Афтидан, бебош йигитлар тўдасига қўшилиб кетганга ўхшайди.

Катта акамизнинг ўлганлиги ҳақидаги хабарни эшитгандан кейин эса, ҳафталаб ҳам уйга бош суқмайдиган бўлиб қолди. Оқибат шу даражага бориб етдики, отамдан ҳам ҳайиқмай қўйди. Ҳеч ким унга бас келолмасди.

Синглим бўлса... У ҳақда, кечалари дайдиб, йигитлар билан юради, деган дув-дув гаплар юрарди. Мен ўзимни қаерга қўйишимни билмасдим. Укам ҳаяллаб қолиб кетган пайтларда, агар синглим уйда бўлса, уни ҳам ёнимга олиб, вақти-бемаҳалига ҳам қарамай, бебош Харуони қидириб кетардик. Қидирмаган еримиз қолмасди. Кабареларни, динсингларни, порт қовоқхоналарини, ҳар хил шубҳали одамлар тўлиб-тошган жойларни қидириб чиқардик. Лекин уни топиб бўлармиди? Баъзида уни тополмай, қуруқ бўйимиз қайтиб келсак, уйда ўтирган бўларди. Укамнинг қилмишларини ҳамма билар, отам номус қилганидан ҳатто вақт-бевақт кўчага ҳам чиқолмай қолган эди.

Бу ҳам етмагандек, бошимизга яна бир янги кулфат тушди: синглим ғойиб бўлиб қолди. Бирор эркак билан қочиб кетган, деб гумон қилсак ҳам, у ҳақда аниқ бир нарсa билмасдик. Фақат девор жавонда унинг усти-бошларидан баъзи бирлари тугилган икки тугунча қолган эди, холос.

Кунларим нуқул меҳнат билан ўтарди, яшаш ҳам жонга тегиб кетган эди. Баъзан шу қадар хаёлга берилиб кетардимки, қилиб турган ишимни қўлимдан тушириб юборганимни ҳам сезмай қолардим. Ойим, бобом, акам — ҳаммасининг йўқлиги, у дунёга кетгани етмаганидек, яна иним билан синглимнинг мана бундай шар-

мандалик қилиши жуда ошиб тушди. Бу менга қашшоқ-лигимиздан ҳам бадтарроқ алам қилди, уқубатли меҳнатдан ҳам оғирроқ эди.

Отам синглимнинг бедарак кетганини яширмоқчи бўлди. Турмушимизда кундан-кун ташвиш ва ғам орта борди.

Бир кун кечқурун яна инимни излашга чиқдим. У бир неча кундан бери қорасини кўрсатмасди. Қандай қилиб пристанга бориб қолганимни билмайман. Кўз олдимда зулмат қоплаган қоп-қора денгиз, тиргакка таянганимча унга қараб қолдим. Шу онда қалбим қандайдир енгил тортгандек бўлди, бошим ҳам гангхуш айлана бошлади. Денгиз мени шундай ўзига тортар эдики, гўё бағрига тортиб кетмоқчидай туюларди. Худди шу маҳал кўчада шовқин-сурон кўтарилиб қолди, мен томонга бир тўда одамлар яқинлашиб келаверди. Улар орасида иним ҳам бор эди. Унинг қўлидан ушлаб олдим-да, шу ернинг ўзидаёқ койиб кетдим. Бу сафар у итоаткорлик билан ўртоқларидан ажралиб қолди, иккимиз уйга кетдик. Кўз ёшларимни дув-дув тўкиб, мен унга насиҳат қила бошладим. Бу кеча уйдагиларнинг гапини бўйин товламай, жимгина эшитганлигидан ҳаммамиз ҳайрон қолдик, бувим билан отам бир оз кўнгли тинчиб барвақтроқ ётиб ухлашди. Аммо эртасига эрталаб ҳамма иш яна янгидан бошланди. Иним яна пул сўради, кейин эса, марҳума онамнинг иккита кимоносини ўғирлаб, уйдан ғойиб бўлди.

Октябрь ойининг ўрталарида акамнинг хоки солинган қутича келди. Уни олиш учун отам борди.

Бирданига йигирма бир қутича келтирилган бўлса ҳам, лекин бу гал жангчиларнинг хокини ҳеч қандай дабдабасиз, жимгина қарши олинди. Афтидан, америка армиясидан тортинишганга ўхшайди. Шаҳар бошлиғининг қисқагина нутқи билан иш тугаб, ҳар қим ўз қутичасини олиб уй-уйига жўнаб кетди.

Катта акамдан қолган нарса бор-йўғи шу кичик бир қайин қутича бўлди. Қутича қоронғи, ҳувиллаб бўшаб қолган уйимиздан ўрин олди.

Синглимнинг бедарак кетганига бир ойча бўлиб қолганда, бир куни эллик ёшлар чамасидаги бир нотаниш аёл уйга кириб келди. Гарчанд биз у хотинни биринчи кўриб туришимиз бўлса-да, у ўзини ниҳоятда дағал тутди. Гўё синглимиз унинг мўминтой ўғлини қаёққадир

илиқтириб кетган эмиш. Бизни айбдор қилиб, оғзинга келганини қайтармади. Унинг сўзларидан илиб қолганим шу бўлдики, бу хотин қаердадир шу орада балиқ бозоридан унча узоқ бўлмаган бир жойда яшар, гап унинг учинчи ўғли ҳақида борарди. У бизни ўлгундек ҳақорат қилди, сўнг ўғлини қайтариб беришимизни талаб қилиб, жўнаб кетди.

Бошимизга тушган кулфатларнинг чеки йўқ эди. Ишга кетаётиб йўлда ҳамма вақт шулар ҳақида ўйлардим. Бебош укам айнимасдан аввал ўз вақтида бошланғич мактабни яхши тамомлаганди, ўқишини яна давом эттиришга имконият туғдириб беришимизни сўрайвериш эси кетганди. Лекин уни ўқита олармидик! Эҳ, ўз вақтида уни ўқитмаганимизга эндиликда қаттиқ ўкинардим. Синглимнинг бахтсизлигига ҳам биринчи сабаб, бизнинг ана-шу камбағалчилигимиз эканини англадим ва икки тошнинг орасида бўлса ҳам даромади кўпроқ ишни қидириб топишга аҳд қилдим. Бир ёқдан ўлиб беришяпти, иккинчи ёқдан бузуқликнинг қурбони бўлишяпти, оила кўз олдимда ҳалок бўлмоқда эди. «Ҳеч бўлмаса кичкина укамни ўқитиб, одам қилай», деб кўнглимга қаттиқ тугиб қўйдим.

Худди шу пайтда хўжайинимнинг дўсти-ўғит заводининг эгаси ишхонамизга тез-тез келиб турадиган бўлиб қолди, келиб у ёқ-бу ёққа разм соларди. Менинг ишим унга ёқиб қолди. Бир куни у мени ўз заводига кириб ишлашга даъват қилди. Бу гапнинг тепасида хўжайиним йўқ эди, шу сабабли унинг олдида ўзимни бир оз гуноҳкор сездим. Ҳамма гап маошда-да, янги хўжайин кўпроқ пул тўлашга ваъда берди. Ўйлаб кўриш учун бир кечага муҳлат олдим ва эртаси кун хўжайинимга ишдан кегимимни маълум қилдим. Хўжайиним мени йўлдан урган ким эканини фаҳлмади-ю, ғоят жаҳли чиқди. Чор-ночор кўнишга рози бўлди. Мен унинг кўнглини топишга қанчалик уринмайин, ҳисоб-китоб вақтида қора чақа қўшиб бериш у ёқда турсин, ҳатто тўрт кунимга ҳақ тўламади ҳам.

Янги жойда ярим сасиган балиқлар уюм-уюм бўлиб ётарди. Кечқурундан бошлаб қозонда сув қайнатиш ва унга ҳалиги балиқлардан йигирма саватини солиб юбориларди. Балиқлар ярим соатча қайнатишларди. Таги куйиб кетмасин учун уни доимо курак билан кавлаб туриларди. Сўнг темир дастага бириктирилган сим тўр

ёрдами билан қозондан сузиб олиниб, бочкаларга соли-
нар ва оғзи маҳкамлаб ташланарди. Бочканинг оғзи
винтга ўхшаш айланма қопқоқ билан ёпиларди, бу ишни
бир киши уддалай олмасди. Шу сабабли биз ҳаммамиз
жам бўлиб биргаликда зарб билан: «Қани, сурдик!». «Қани, бурдик»,— деб, қопқоқни бараварига бураб
беркитардик.

Кечаси аллавақтгача ишлаб уйга бир аҳволда қайтар-
дик. Ахир, оладиган маошимиз ортиқча қиладиган меҳ-
натимизга боғлиқ эди. Шу сабабли биз ўлар-қоларимиз-
га қарамай ишлардик.

Эртаси кун босмадан чиққан балиқлар механик йўл
билан майдаланар ва ундан кейин икки, уч кун офтобда
қуридиларди. Бу иш ҳам кўп вақтни оларди. Эртадан кеч-
гача тинмай ишласанг ҳам улгуриб бўлмасди. Хўжайин
муомалада жуда қаттиқ қул бўлиб, қаддингни рост-
лагани қўймасди. Биронтасининг ўтирганига кўзи туш-
дими, шу ондаёқ шовқин кўтарарди. Ўзи семиз, башара-
си худди маймунга ўхшаб кетадиган одам эди у.

Хотинининг ҳам ундан камлик ери йўқ, ўлгудек шанғи
эди. Заррача тартибсизликни кўрдими, шундай шовқин
солардики, қулоқларингдан ўтиб кетарди. Унинг олдида
хўжайин ҳам чурқ эта олмасди. Фақат уникини маъқул-
лашни биларди, холос.

Бир вақт иш охирида, ҳамманинг тинкаси қуриб қол-
ди. Шунда аввалги: «Қани, ағдардик! Сурдик! Қани,
бурдик»,— дейиш ўрнига биров: «Горилла, бур! Нусха
сур!»,— деб юборди.

Кулги билан бўлиб, тонг яқинлашиб қолганини ҳам
билмай қолибмиз. Соат учлардагина ишни тўхтатдик.

Бу ерда мен ўз тенгқурим, Сэт-тян деган қиз билан
дўстлашдим. У ҳам худди мен каби доим қашшоқликда
яшарди, на менда, на унда этик олиб кийишга пул бор
эди. Шу сабабли оёқяланг ишлардик. Оёғимизга балиқ
суяклари кирмаган кун йўқ. Ишдан қайтаётиб оёғимизни
зўрға судраб боссак ҳам, бир-биримизга қараб кулгани-
миз кулган эди. Аммо кечалари оғриқнинг зўридан миж-
жа қоқмай чиқардик.

Сэт-тян одамжон, соддадил бир қиз эди. Ўзи қорача-
дан келган бўлса ҳам кўзлари катта-катта, шахло бўлиб,
юз тузилиши бежирим, қадди-қомати келишган, хипча-
гина бўлиб, ўзи машинадай ишлар эди. Негадир, у бир-
дан йўқ бўлиб қолди, ишга ҳам келмай қўйди. Илгари бу

ҳақда менга ҳеч нарса демаганди. Бир кун шаҳарда уни тасодифан учратиб қолдим, эғнига европача башанг кўйлак кийиб олган эди.

— Мен Жо билан тураман. Меҳмон бўлиб кел! — деб таклиф қилди у, гўё ҳеч нарса бўлмагандек сира тортинмасдан, соф кўнгиллик билан. У билан хайрлашганимдан сўнг, орқасидан қаттиқ уҳ тортиб анчагача қараб қолдим.

Тўғри, заводимизнинг маоши, кўп заводларникига қараганда бир оз бўлса-да, ошиқроқ эди. Лекин бунинг ҳиссаси бурнимиздан чиқарди.

Мабодо бирпас иш бўлмай қолса ҳам, барибир дам ололмасдик, хўжайин сават тўқитарди, яшик михлатарди. У фақат фанер сотиб оларди, холос, яшикни биз ишчилар ясардик. Шундай қилиб, яшик ҳам тайёрини сотиб олгандан арзонга тушарди.

Синглимнинг бедарак кетганига уч ойча бўлиб қолди. Қиш кирди. Бир кун озиб-ёзиб дам олиб, уйда қолган эдим, эшикдан миршаб кириб келди. У синглимни қандайдир бир эркак билан Асамуси иссиқ булоқлардаги бир меҳмонхонада ўзларини ўлдирмоқчи бўлиб турганларида қўлга тушганларини айтди. Синглим ҳозир назорат остида эканини ва бирор одам юбориб, уни тезда олиб келиш зарурлигини айтибди.

Буни эшитган замоним ўзимни йўқотиб қўйдим, кейин отамни чақириб келиш хаёлимга келиб қолди. Отам ишда эди.

Отам шу заҳоти миршабхонага бориб, адресни аниқ билиб келди ва шу куни кечасиёқ поездда жўнаб кетди.

Икки кундан кейин отам синглимни олиб келди. Синглим бир бурчакка кириб олиб, индамай ётаверди. У ҳомиладорга ўхшади. Афтидан, отам ўзича, фақат биргина йўл қолган, у ҳам бўлса — уни тезроқ эрга беришга ҳаракат қилиб кўриш керак деган қарорга келганди. Бу орада у куёвникига ҳам бориб келганга ўхшайди, чунки яқиндагина келиб кетган ўша жанжалкаш хотин бизникига яна кириб келди. У кечки пайт келганди, синглим унинг олдига кўришгани ҳам чиқмади.

— Билиб қўйинг, қизингизни деб ўғлим шу кўйга тушди, ҳа! — деб бақирарди у, атайин ҳамма эшитсин учун.

Охири аниқ бўлдики, булар иккови фақат Асамуси меҳмонахонасидан бир-икки минг қарздор бўлибгина қолмай, бошқа қарзлари ҳам бор экан. Бироқ куёвнинг

ота-онаси бу жавобгарликни бизнинг зиммамизга ағдармоқчи бўлишибди. Шунинг учун ҳам қудамиз биз билан бунчалик қўпол муомила қилаётган экан.

Аёл кетгандан сўнг отам узоқ ўйланиб ўтирди, кейин эса ўз-ўзича:



— Мана, энди қарзингни ҳам уз, сеп ҳам қил, — деб гудраниб қўйди.

Икки-уч кундан сўнг қаердандир ўн минг иендан ошиқроқ пул топиб келди. Бунча пулни қаердан топганини ҳеч ким билмасди. Ўзини яқин олиб юрадиган бир кампир қўшнимиз бизга боқишгани чиқди. Бир неча кундан кейин тўй бўлди.

Очиғини айтганда тўй қаёқда дейсиз фақат отигагина тўй эди.

Синглимнинг қилмишларини ҳеч юрагимдан чиқаролмадим, ке, қўй дейман-у, унга ўқрайиб қўйганимни билмай қоламан: ё ажабо, ўзини шу аҳволга солишга нима мажбур қилдийкин дейман. Ғазаб ва алам у билан сўзлашишга йўл бермасди. Шундай қилиб биз бир-биримизга бир оғиз ҳам сўз айтмадик. Бироқ, шундай бўлса ҳам, бизнинг ярим қоронғи қурумдан қорайиб кетган уйимизда тўй ҳозирлиги кўрила бошлади. Бунини куёв томон совуққонлик билан кутиб олишди, синглимга ачиғиб раҳмим келиб кетди. Мен деворлардаги, тўсиқлардаги йиртилиб қолган қоғозларни ямаб қўйишга ҳаракат қилдим. Меҳмонлар олдига сира чиқмадим, ошхонада ўтирдим.

Меҳмонлар эски, замонлар ўтиши билан қорайиб кетган столимиз атрофига ўтирдилар. Куёв тик ёқали зангори курткада, унинг ёнида, қариндошларидан бўлса керак, ўрта яшар бир хотин, ундан кейин синглим билан отам, арзон гулдор шойидан тикилган биттаю битта жойраво хаорисини кийиб чиққан қўшнимиз — кампир ўтирдилар. У қаердандир бир шиша бўтана вино топиб келибди. Бу совуқ ўтиришга бир оз жон киргизди. Куёв ҳали жуда ёш экан. Ошхонада туриб унинг юзини ёнбошдан аниқ кўрдим. У ҳали гўдак болага ўхшарди. Синглим куёвдан икки яшаргина катта бўлса ҳам, ундан анча қарига ўхшаб кўринарди.

Отам камдан-кам бундай хурсанд бўларди, чалакам-чатти чалинаётган чапакка жўр бўлиб, қўшиқ ҳам айтмоқчи бўлиб кўрди.

Соат тўққизда, куёв-қайлиқни кузатиш учун ҳамма ўрнидан қўзғалди, синглим даҳлизда менга шивирлаб:

— Утако, қилган яхшиликларинг учун раҳмат. Отам билан бувимга яхшироқ қара,— деди.

— Арзимаёйди, ўзингни эҳтиёт қил,— дедим, синглим билан гаплашганим шу бўлди, холос.

Куёвимиз юкчи бўлиб ишларди, артелга ажратилган бинонинг иккинчи қаватидан унга уй берилганди.

Олдинда қўшни хотин кетидан келин-куёв тепаликдан тушиб борардилар. Мен останада то қизил гулли хаори кўздан ғойиб бўлгунча қараб турдим. Бу хаорини бир вақтлар, бувим ёшлигида совғага олган экан.

Ҳаво совуқ эди, ҳадемай қор ёғадиганга ўхшарди.

Синглимни узатганимиздан сўнг бир оз тинчигандек бўлдик. Лекин Харуо илгаригидек дом-дараксиз йўқ бў-

либ кетишини қўймас, қўлимизда борини ҳам, қийин-қис-тоқ қилиб пул бер деб туриб олар, қўлига нима илинса олиб чиқиб кетарди. Эртаю-кеч бувим меҳроб олдида:

— Йўқ, у ёмон бола эмас, тузалиши керак,— деб худога сиғингани сиғинган эди.

Кичик укам мактабни битириб тездан Америка ҳарбий қисмига ишга кирди. Мен буиниси ҳам худди каттасидек, бузилиб кетмасин деб, уни дурадгорликка киришга кўндирдим.

Укам тезда шаҳар четидаги бир устага шогирд тушди. Албатта, ҳозирча у уйга бир чақа ҳам олиб келолмасди.

Заводда эса мен аввалгидек, тиним билмай ишлардим. Шерикларим алмашиб турарди, фақат мени бу ерга боғлаб қўйгандек эди.

Янги йил келиб қолди. Кўчалар сершовқин, гавжум бўлиб кетди.

Телеграф столбаларига варақалар ёпиштирилиб ташланган эди. Темир йўл ва электр саноати касаба союзлари иш ҳақини оширишни талаб қилгандилар. Трамвай тўхтайдиган жойларда, кўча муюлишларида ишчилар мегафон билан турардилар. Улар янги йил учун ёрдам пули талаб қилиш, ҳарбий базалар қурилишига қарши норозилик билдириб, иш ташлаш ва бирдамлик учун курашга чақирардилар.

Ҳаётим кундан-кун оғирлаша борди. Маошимни олдинроқ олишга тўғри келар, маош олиш кунни етиб келганда, қуп-қуруқ қолардим. Қанча уринмайин уч минг иендан ортиқ ишлай олмасдим.

Тушликда бўтқадан бошқа таомга кучим етмасди. Бўтқа иссиғида жуда суюқ бўлганидан, совутиб қўйиб олиб кетардим.

Ишдаги шерикларим тушлик овқатларига нонми, бататми ёки сабзавотми қўшиб ердилар. Менинг овқатим бўлса ҳамма вақт бирдек — фақат бўтқа эди. Биров кўрмасин деб, панада ейишга уринардим.

Пул-а... Эҳ, маошим ҳеч бўлмаганда сал ошиқ бўлса эди! Баъзи ишчилар йўлини қилишарди: ўғитга олиб келинган балиқлардан дурустроқларини яшикчаларга солиб, яширинча сотишарди. Менга ҳам оз-моз тегиб қоларди.

Хўжайинимизнинг ярамаслигидан, ҳеч ким иш ҳақини ошириш ҳақида оғиз очишга юраги бетламасди.

Иш ташловчилар варақасини ўқиб, ишчилар путқини эшитиб, ўзимча: каттароқ заводга ишга кириб олсам, жуда яхши бўларди-да, деб ўйлардим. Лекин бу тўғрида орзу қилиб ўтиришнинг ҳам фойдаси йўқ эди. Чунки на ёзишни, на ҳисобни билмайдиган, чала савод бир қизнинг кимга ҳам кераги бор дейсиз?

Янги йил келди.

— Бутун оила фақат сенга боқим,— дерди бувим, нима қилиб бўлса ҳам кўнглимни кўтармоқ ниятида эски-тускилардан чолвор тикиб берарди.

Ишсиз кунларимда мен ҳам бувимнинг кўнглини топишга ҳаракат қилардим — кирларини ювиб берардим, сочини тараб қўярдим. Синглим эрга теккандан бери отам ҳар кун эрталаб ишга кетиб, кечга яқин қайтарди. Аммо негадир пул олиб келмасди. Сабабини сўрасам, қарзимни тўлаяпман дерди.

Февраль ойининг бошларида, бир кун кечқурун бўлган бир иш хотирамдан сира чиқмайди. Ушанда бувим билан ҳаммомга бордик. Ҳаммомга беш кун деганда аранг бир борардик. Ҳаммом биздан анча йироқда бўлгани учун, тез-тез боролмасдик. Кечаси сутдек ойдин эди. Бувим қўлида йиртиқ қўлқоп, ҳассага суяниб, мени маҳкам ушлаб олиб, қор устидан юриб борарди. Қайтишда бурчакдаги қандолатхонага кириб, бир юмалоқдан новвот сотиб олдик-да, шу заҳотиёқ оғзимизга солдик. Уша куни бувимнинг жуда кайфи чоғ эди.

Гап шундаки, бувимнинг йироқда турадиган ўғил-қизлари майда-чуйда харажатларига деб, унга унча-бунча пул жўнатиб туришарди. У пулларини ўлимлигига атаб йиғиб юрарди. Бувим шундай қилиб, пича пул тўплаган экан. У йўл-йўлакай менга, пулидан ҳаммамизга юз иендан ҳадя қилмоқчи бўлганини айтди.

Уйга қайтиб келишимиз билан бувим укаларимга юз иендан, менга эса икки юз иен пул берди. Эртасига бу пулга бахмал сотиб олдим. Мен кўп замонлардан буён шунн орзу қилиб юргандим. Иссиққина экан-а, жоним кирди! Бувим кўринишдан соппа-соғ эди. Лекин уч кундан сўнг ишдан қайтиб келсам, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Кечки овқатни отам билан кичик укам пиширишибди. Бувим ниманидир чоклаб ўтириб, бирдан тоби айниб, ётиб қолган экан. Мен энгашиб бувимга «салом» десам, жавоб ўрнига хириллаган товуш эшитилди. Қайфим ўчиб, дарров докторга одам югуртирдим, доктор касал-

нинг миясига қон қуйилибди, эрталабгача бормаса керак деди. Дунёда энг яқин кишидан ажралиш вақти келганини англаб, этим увишиб кетди.

Бувим эртасига ҳам ўзига келмади, ҳамон бирдай хириллаб нафас оларди. Кечаси бувимнинг болалари — тоғам билан холам, эрталаб эса Аоморидан ягона синглиси етиб келишди. Синглиси келгандагина бувим кўзини очди. Бу касалнинг ётгандан бери биринчи кўз очиши эди, кўз ёши аралаш бир нималар деб ғулдирлади, лекин гапини англаб бўлмади, шу бўлди-ю, жон берди.

Уй жуда совуқ эди, кўрпа-тўшак етишмаганидан бутун кечани манқал олдида мижджа қоқмай ўтириб ўтказдик. Кейинги пайтларда отамнинг қадам олишлари бежо бўлиб қолганди. Мен қариндошларимиз тўпланганидан фойдаланиб, отамнинг шаҳар бошқармасидаги хизмати тўғрисида гап очдим. Отам ниманидир хаёл қилаётгандек бошни қуйи солиб ўтирди-да, бирдан:

— Оҳ, Утако! Мен аллақачонлар ишламай қўйганман,— деб қолди.— Синглингни чиқараётганимда ҳеч қаердан пул топишнинг иложи бўлмади. Шунда ишдан бўшаш ҳисобига бир йўла нафақа олгандим. Шунинг орқасидан қарздан узилдим, тўй қилдим.

Отам бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди — кўз ёшлари билан бирга бутун тортган азоб-уқубатлари юзага чиқди. У иши ўнгидан келмаган ўғли, қизининг қочиб кетгани, боқадиган катта ўғлининг урушда ҳалок бўлганини эслади, ўзининг бутунлай мадордан кетиб, энди ишга яроқсиз бўлиб қолганини айтди. Қизимни эрга бериб ишсиз қолганимдан кейин, бошқаларга оғир тушмай деб, бошимни олиб тоғ-тошларга чиқиб кетмоқчи, ҳамманинг кўзидан нарида ўлмоқчи бўлиб юриб эдим-у, лекин кампир мендан олдинроқ ҳаракат қилиб қолди деб йиғлади.

Биримиз айб қилсак, иккинчимиз тасалли беришга уриндик, лекин ҳаммамиз отамга қўшилиб аччиқ-аччиқ йиғладик. Қандай қилиб йиғламай бўларди, ахир. Отамнинг ишдан бўшаганини яшириб не-не азоб, изтироблар чекканимизни тасаввур қилолмайсан киши! Бечора, бахтсиз отам!

Бувимнинг вафотидан сўнг турмушимиз янада мотамсаро тус олди. Отам уйга кириб қолди. Отамдан бошқа икки укам менинг қарамоғимда эди. Кичик укам мактабда ўқирди ва энг олдинги ўқувчилардан ҳисобланарди. Март ойида коллежга кириш учун имтиҳон топширади

деб ўзимча аҳд илиб қўнгандим. Бу орзум йўлида жонимни ҳам аямадим, ўзимизнинг «ашулани», яъни: «Горилла, сур! Нусха, бур!» деб бочка қопқоқларини бураб беркитиш учун зўр берар эканмиз, доим хаёлимда шу орзу турарди.

III б о б

Баҳор келди. Портда ҳаёт қайнай бошлади. Мен барвақт туриб, тоққа чиқиб кетардим. Бундай қарасаңг, дарахтларнинг учи қизариб куртак чиқараётган бўлади. Мен билан қушлар ҳам уйғона бошлайди ва шодон сайраб тонгни кутиб олишади. Уларга қараб: «Салом қушлар!» — деб ҳуштак чалиб юборгим келиб кетади.

Тоғнинг тонг палласи жуда соз бўлади. Ҳавоси шу қадар мусаффо, шундай тўйиб-тўйиб нафас оласанки, гўё томирларинггача янги куч қуюлаётгандек бўлади. Эҳ, қандай ёқимли қушлар базми. Менинг кўнглим ҳам равшанлашиб, ўзим енгил тортиб кетаман, аммо нимаданлигини ўзим ҳам билмайман.

Сўнг тоғдан тушиб, ярим қоронғи ошхонамизда қуруқ шохлардан олов қалайман. Сийрак қизғиш тутун нақ тоғ тепасига қараб сузади. Овқатни пишириб, отамга едираман, укаларимнинг отланишига ёрдамлашаман, улар кетидан ўзим ҳам ишимга шошиламан. Бувим ўлгандан бери ҳар кун эрталаб аҳволим шу.

Отамга билдирмай кичик укамни имтиҳон топширишга мажбур қилдим, у коллежга кириб олди.

— Егани овқат йўқ-ку, мактабга бало бормикин, — деб эътироз билдирди отам. Нима қилай, у ҳақ гапни айтарди, лекин шундай бўлса ҳам мен бўш келмадим. Ахир, ўқимаганни биров назар писанд қилмайди, одам қаторига ҳам қўймайди.

— Ота, майли, ҳеч бокиси йўқ, ахир, мен жоним борича ҳаракат қиляпман-ку, бир амаллаб етказармиз, — деб жавоб берардим унга.

Баҳор кунлари жуда узун бўлиб, ўғитлар айни шу паллада қуридиларди. Бу жуда осон гап эди. Тўппатўғри чиптани ерга солардик-да, тахтакача эзиб майдаланган балиқни чипта устига тўкардик, айниб қолмасин ёки қаттиқ қуриб кетмасин учун, ҳамма вақт унга қараб турардик. Балиқнинг ўткир ҳиди димоққа уриб турарди. Ўғит қурирди, қўл теккизишимиз билан ун бўлиб кетарди. Шундагина уни идишларга жойлашга киришардик.

Хўжайинимиз жуда пишиқ одам эди. Ўғит соладиган идишларни ҳам бизнинг ўзимизга қилдирарди. У фақат чипта олиб беришни биларди, холос. Кейин биз ишгичка, учи ўткир бамбук чўпи билан иккита чиптанинг четини бирлаштириб каноп билан тикардик, тагини эса чилвир билан маҳкам боғлардик. Шунда қоп ҳосил бўларди. Қопга 15 кан ўғит солинарди, сўнг оғзи яна чилвир билан маҳкам боғланарди. Шу билан қоп тахт — жўнатишга тайёр бўларди. Бунни ташиш фақат эркаклар қўлидан келадиган иш, лекин мен ҳам бўш келмасдим. Бор кучимни тўплаб қопга суянардим-да, уни зўр билан силжитиб елкамга олардим ва жўнатиладиган ерга олиб бориб ташлардим.

Қуритиш иши билан ҳамма вақт эрта саҳардан то шомгача банд бўлсак, кечқурунлари бошқатдан қозонларда сув иситиб, ўғит қайнатишга тушардик. Кечасию кундузи ишласак ҳам, ойида камдан-кам уч ярим минг иенга етказиб ҳақ олардик Балиқ бўлмай қолган баъзи кезларда иш узилиб қоларди. Бироқ хўжайин ҳамма вақт бирорта ишни нахтлаб турарди: бизни балиқ заводи қуришга мажбур қиларди. У қўлидаги тўртта эркак ва мени қўшиб ҳисоблаганда иккита аёл, ишчидан бўлак бирорта одам ёллашни хаёлига ҳам келтирмасди.

Майдон ўйдим-чуқур эди. Уни текислаш учун кўп тупроқ керак эди. Бу ердан икки юз метрча наридаги тоққа бориб, чўқмор, бел билан тупроқ қазирдик, сўнг саватларда ташиб келардик. Ерни текислаб атрофини айлантириб девор олардик. Шунда менга хўжайиним билан бирга дурадгорлик қилишга ҳам тўғри келди.

Кунни билан бўлганингча бўлиб, зўрға судралиб, уйга келсанг, албатта бирор кўнгилсиз воқиянинг устидан чиқардинг.

Отам кўчага чиқмай қўйган, деярли кунни билан ўринда ётарди. Агар тузукроқ бўлиб турса, кечки овқатни пиширишда кичик укамга ёрдамлашарди, холос. «Бебош Харуо яна бобонгининг кийим-бошларини олиб кетди, гапирганинг билан гап кор қилмайди унга», «Харуо бугун яна пул сўради, қора чақамиз ҳам йўқ десам, кўрпани увода астар-аврасини ажратиб ташлаб нахтасини олиб чиқиб кетди», — дерди куюниб отам.

Баъзида: «Даф бўлса, бўла қолмади ҳам, ундан қутуладиган кун бормикин», — деб ҳам ўйлардим. У келди дегунча дарров жанжал бошланарди. Ҳамма вақт:

«Қани биттанг бир нарса деб кўр-чи-» — деб ўшқириб турарди. Дарбадар ҳаёт уни шу даражага олиб келгандики, ҳаттоки ҳаммага ҳам еб юборгудек бўлиб қарайдиган бўлиб қолганди. Харуо кичик бўлса ҳам, мен ундан кўрқардим. Унга тўғрилиқча ҳам қараб бўлмасди, дарҳол турқи бузиларди.

Шундай бўлса ҳам укаларим ҳамма вақт унга эсингни йиғ дейишини қўймасди.

— Ака, отамизнинг шаънига фақат сенгина дўғ туширяпсан, сени деб у кўчага ҳам чиқолмай қолди. Сени деб бизнинг ҳам кўрган кунимиз заҳар-заққум бўляпти. Ахир, эс-ҳушингни йиғсанг-чи, — дерди улар.

— Нега мунча менга ёпишиб олдинглар? Шошма, сенлар билан бир гаплашиб қўяй! — деб бақирарди Харуо ва кичик укамнинг кўкрагига чунонам солиб қолардики, бечора учиб кетарди.

— Сен ҳали шунақамисан? Беномус, йўқол бу ердан! — деб қичқирарди ўртанчи укам ва мушт кўтариб Харуога ташланарди.

Муштлаш бошланиб кетарди. Отам ўрнидан туриб:

— Асти рози эмасман, — деб қичқирарди. Мушт, шапалоқ, йиғи, дод-вой. Қўшнилар чопиб чиқишар, остона олдида тўхтаб қолишарди.

— Бас қилинглар! Тўхтанглар! — деб йиғлаб ёлворардим мен.

Секин-аста жимирдик ва уйқуга бош қўярдик.

Бувим шўрлик то ўла ўлгунча Харуодан бекорга ташвишланмаган эди. Ҳар кун эрта ва кеч бурчақда шипга осилган бут олдида тиз чўкиб, ибодат қилгани қилган эди.

Харуо ёшлигида анча ақлли бола эди. Бошланғич мактабда уни синф боши қилиб сайлашганди ҳам: у иероглифларни шў қадаб чиройли ёзардики, ҳатто ҳусниҳат виставкасида мўкофот ҳам олган эди. Шундай яхши бола ҳам мана шу аҳволга тушиб қолса, куймайсизми?

Баъзида, кечқурунлари Харуо бир оз ювошланиб қолар, биз у билан онамиз қандай эртақлар айтиб берганини эслардик. Мен Харуога ётиғи билан гапириб, уни инсофга келишга ундардим. У ҳам гапларимга индамай қулоқ соларди. Лекин эртасига яна ўз билганидан қолмасди. Яна уйдан қўлига кирган нарсани олиб чиқиб кетарди.

Харуо кечалари келмай қолса, ҳаммамиз хавотир

олардик, келган ҳамон эса жанжал кўтариларди. У ҳеч кимдан қўрқмасди. Ҳатто отамни ҳам назар-писанд қилмай қўйганди. Укаларим тўғрисида эса гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Ҳатто Харуо дастидан юзим кўкариб, у ер-бу ерларим тирналиб юрардим.

Ҳамма вақт ҳушёр бўлишга тўғри келарди. Харуо ёнимда пул борлигини сездими, тиланишга тушарди, охири олмасдан қўймасди. Чунки мен ҳадеб жанжал кўтариб, қўшнилари ўртасида шарманда қилишини истамасдим. Шундай вақтлар бўлардики, эртага гуруч оламан деб асраб қўйган сўнгги чақаларимни ҳам берардим.

Бундай пайтларда у:

— Бошқа ҳеч сўрамайман, фақат мана шу сафар бер. Фақат шу сафар,— деб туриб оларди.

Энди фақирона рўзгоримиздан ҳар кун бир нарса камайиб қоладиган бўлиб қолди. Харуонинг қилмишларини биз қанчалик бекитмайлик, барибир, аввал қўшнилари, қолаверса, бутун шаҳар билиб кетибди. Тўғри қўшниларибиз очик бир нима дейишга қўрқардилар. Укамни қандай йўлга солишни билмай бошимиз қотарди.

Ёнимизда бир аравакаш қўшнимиз бор эди, у отам билан дўст бўлиб, баъзида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргани чиқиб қоларди.

Нима бўлди-ю, у бир кун кечқурун чиқиб қолди. Май ойлари эди. Унинг кайфи чоғ кўринарди. Аввал ўтган кетгандан, турли янгиликлардан гапириб ўтирди. Сўнг бирдан шундай деб қолди:

— Гап шуки, агар маъқул топсанглар, бу Харуони унга ўхшаган ярамаслар учун очилган ахлоқ тузатиш уйига юборишдан яхшиси йўқ.

— Қаерда бор экан лагерь? Қандай қилиб жойлаштирамиз?— деб суриштира бошладик, унинг пинжиги суқилиб.

Бу воқиадан сўнг онлада ахлоқ тузатиш уйи ҳақида жуда кўп гап бўлди.

Бир кун уйга синглим келиб қолди. Бу гапдан хабардор бўлиб:

— Унақа жойга берсангиз, бекорга жувонмарг бўлиб кетади, ундай қилманглар,— деб бизни бу фикрдан айнитди.

Тўғри, Харуо бутун номаъқулчиликни — жанжални ҳам, ўғрилиқни ҳам уйда қиларди. Аммо кўчада бирор ножўя иш қилганини ёки бирортани ранжитганини биров

билмасди. «Шунисига ҳам шукур»,— деб ахлоқ тузатиш уйи ҳақида бошқа гапирмай қўйдик.

Рост, анча вақтгача тинчигандек бўлиб турдик. Ҳар биримиз ўзимизча:

— Энди Харуо билан асти ишнимиз бўлмасин-е, деган қарорга келиб қўйгандик.

Лекин аёл киши аёллигини қилмай қўярмиди, гинахонлик қилмай, нолимай тура олармиди? Ёгин-сочинли баҳор кунларининг бирида, кечқурун яна қаттиқ жанжал бўлди.

— Қани, овозингни ўчир!—деб бақирди укам ва ўчоқдаги қозонни менга қараб отди. Қозон келиб кўкрагимга тегди, ичидаги қайноқ сув қўлимга тўкилди. Чап беролмай, қолдим.

Шовқин-суронимизга югурганича отам кириб келди ва Харуони елкасидан тутмоқчи бўлди.

— Нима қиялпсан ўзинг?— деди у, бақириб. Лекин у отамнинг қўлидан отилиб чиқиб, кўчага қочди ва ҳовучини тўлдириб-тўлдириб бизга лой ота бошлади. Ҳамма ёқ лойга тўлиб кетди, бир парчаси учиб келиб чойнакка тегди, чойнак ағдарилди, бошқа бир парчаси келиб нақ укамнинг башарасига тегди.

Уша куни Харуо кечаси билан кўчада, ёмғурда қолиб кетди.

Куйган қўлим жуда азоб берди, бир ҳафтагача латтасини ололмадим.

Ҳаммамизнинг фикри-хаёлимиз укамда бўлиб қолди. «Эҳ, қани энди Харуо... Шу Харуо бўлмаса эди»,— деган фикр дилимдан нари кетмасди.

Ўртанчи укамнинг гапи меникидан ҳам ортиб тушарди: «Эҳ, хилватда бир қўлимга тушиб қолсайди, уни ўзим саранжом қилардим»— деганини кўп эшитардим. Бу сўзлардан кейинги сукунатни отамнинг чуқур хўрсиниши бузарди. Яна ҳаммамиз жим бўлиб қолардик. Орага оғир жимлик чўкарди. Бошимизга келган бу балолардан қандай қутулиш йўлини ахтарар эканмиз: «Йўқ, бирортамиз жондан кечиб, Харуони ўлдириб қўя қолганимиз маъқул, ҳеч бўлмаса, қолганлар бемалолроқ нафас олади-ку»,— деган фикр секин-аста ҳар биримизнинг миямизга тез-тез келадиган бўлиб қолди.

Оиламиз серташвиш ва қайғули кунларни бошдан кечирар эди.

Айни вақтда хўжайинимизнинг ошиғи олчи бўлиб, семириб, қорин қўйиб борарди.

— Ҳой, Утако, балиқ келди, балиқ!— деб чақириб қоларди у ва ҳаммани тезроқ балиқни ташиб олишга жўнатарди.

Янги қурилган завод балиқ бозорининг шимолида — худди пристаниннг ёнгинасида эди. Хўжайин балиқ сотиб олгундай бўлса, юкчи ҳам ёллаб ўтирмас эди. Қайиқни тўппа-тўғри пристанга ҳайдатиб келтирарди ва юкни ташиб олинглар деб бизга буюрарди. Бунинг турган-битгани фойда эди: юкчига ҳам, транспортга ҳам тўланадиган пул ёнига қоларди! Балиқларни катта-катта қамиш саватларга солиб, саватнинг икки қулоғига, илгакка ўхшатиб бирор темирни каноп билан боғлардик-да икки киши кутаришига ўнғай бўлсин учун унинг орасидан йўғон, бақувват таёқ ўтказиб олардик. Ишга қанча эпчил бўлмай, барибир бунча юк аёл кишига оғирлик қиларди. Хўжайиним Горилла таёқнинг бир учидан, мен эса иккинчи учидан кўтарардим. Ҳар бир қадамни зўр машаққат билан босардим. Орқамда келаётган етти пудлик Гориллага бу юк писанд эмасди, у менга парво ҳам қилмай, бемалол қадам ташларди.

Бир нима бўлиб қоқилиб кетмасликка уриниб, лабларимни тишлаб, охирги кучимни зўр билан йиғиб, бир амаллаб у билан баравар қадам ташлашардим. Аъзойи баданимдан тер оқиб кетарди. Ёнимдаги ўртоқларим ҳам иккита-иккитадан бўлиб олиб, менга ўхшаб қийналишиб ётарди.

Ташишни тугатиб, балиқни тузлай бошлардик.

Горилла ҳар бир нарсадан фойда чиқариб оладиганлардан эди. Унинг заводи ҳам, биз ишчилари ҳам тиним нималигини билмасдик. Ёзда арзон-гаров туширилган каракатицадан желатин тайёрланарди; макрели ё қуритиларди ёки тузланарди — ишқилиб, завод ишсиз тўхтаб қолмасди. Хўжайин Сикокудан бир макрел мутахассисини чақириб олди. У киши ишни йўлга қўйиб юборди.

Тинмай шунча ишласам ҳам, барибир ой охирида уч ярим минг иендан ортиқ ҳақ ололмасдим. Чунки маошимни олдиндан кўтариб қўярдим, шунинг учун ҳеч қачон уни бутлигича ололмасдим.

Қашшоқлик жуда қизиқ нарса! Бундай қараб: «Гурунчим тамом бўлиб қоляпти-я!» дейсан, бир вақт қарасанг, на мисо қолибди, на лўвя, на туз. Маошни олиб, энг зарур нарсаларни харид қиласан, қарабсанки, яна бояги, бояги ҳеч нарса кўрмагандек, бир чақасиз қолаверасан.



Бунинг орасида ҳали ундан, ҳали бундан қарз кўтариб қўйиб, улардан узиллиш иложини тополмайсан.

Энг кичик укам нафақа оларди, лекин уни ўқиш ҳақи учун тўларди.

Кечалаб сув ўтларидан дарпарда тўқирдик. Шундан бир оз қўлимизга пул тушарди.

Ўртанчи укам дурадгорчиликни ўрганарди. У ўзининг майда-чуйда кўча харжига яраша пул топадиган бўлиб қолди. Бироқ ўзига алоҳида асбоб-ускуна сотиб олиши керак эди. Хуллас, мен беш кишидан иборат оилани боқишим шарт эди. Минг тиришай, минг ишлай — топганим барибир емишимизга ҳам етмасди.

Бир кун кечқурун идиш-товоқларни йиғиштириб бўлиб, эрталик гурунчни олдиндан ювиб тайёрлаб қўймоқчи бўлдим-у, гурунч турадиган яшик олдида бордим. Қарасам, бир дона ҳам гурунч йўқ. Нима гап ўзи? Кечагина олиб келувдим-ку... Наҳотки яна ўша Харуо келган бўлса? Отамдан:

— Харуо келганмиди?— деб сўрадим.

— Келганди. Лекин дарров чиқиб кетганди.

— Ахир, у кеча карточкага олган гурунчни олиб кетибди!

— Йўғ-э?

Кечагина бутун бир ҳафталик гурунчни олдиндан олгандим. Яна халтадан яшикка тўкаётиб бутун бир ҳафтага етарли гурунчимиз бор деб севиниб ҳам қўйгандим. Ахир, кечагина олиб келгандим-ку... Оёқларим бўшашиб кетди. Жаҳлим чиққанини ҳам, нафратим қайнаб тошганини ҳам сезмасдим,— турган еримда қотиб қолгандим, ошхонада ўтирганимча ўтира бердим, атрофимда чивинлар тўдалашиб гингилларди. «Эртага нима қиламан? Энди қаердан гурунч топаман?» Бошим қотиб қолди.

Бурунгилар камбағаллар бир-бирини суяйди дейишарди. Бизнинг томонда аҳвол бошқача. Ҳамма камбағал бўлса ҳам, буни мумкин қадар бошқадан яширишга ҳаракат қилади. Хуллас, бор бўлса кўролмайди, йўқ бўлса беролмайди. Бундан ташқари камбағалга бош эгиб, бировдан нарса сўраш жуда оғир иш.

Соат тўққизга яқинлашиб қолганди, ўртанча укам айвонда ҳали ҳам дурдагорлигини қилаётган эди. Шунча гап ўтиб кетса ҳам, у бир оғиз сўз қотмади.

Тепаликда бир тул хотин яшарди, ўшандан беш го¹ гурунч қарз сўрасаммикан, деган фикр хаёлимга келди. У хотиннинг қизи менинг ўртоғим бўларди. Унинг фоҳиша бўлиб кетганига уч йил бўлган, отасиз ўғил ҳам тугиб олганди, ўзи эса бу ердан унча узоқ бўлмаган аэродромда яшарди. У онаси ва укаларини боқарди.

— Бориб келишим керак, яқин-ку,— деб остонага қадам қўйишим билан Харуога дуч келдим. Ундан вино ҳиди анқирди, тердан ивиб кетган кўйлагининг тугмалари ечиқ эди. Ҳеч ким чурқ этмади. У лойга ботган пойафзалини ечиб иргитди, кўйлагини ҳам ечиб, айвон олдида полга чўзилди.

Индамай ишимга кетаверсам бўлардику-я, аммо тилимни тиёлмадим:

— Сенга ичиш бўлса бас, биз дунёда юрмасак ҳам бўлади,— деб юбордим.

Шунда кичик укам ҳам индамай туролмади:

¹ Го — 0,18 литр (суяқлик ва ҳажм ўлчови).

— Қачонгача бизни қийнайсан? Сендақа акамиз йўқ, йўқол бу ердан! Қачонгача опамнинг бир ўзи бутун оилани боқади!

Харуо ўрнидан қўзғалиб:

— Учир овозингни! Сенларга нима ёмонлик қилдим? Қара-я! Ўз уйидаги гурунчини ҳам сотиб бўлмас экан-да.

Шундай деб туриб, кенжа укамнинг ёқасидан бир тортганди, кўйлаги иккига ажраб кетди. Сўнг уни дўп-послай кетди. У бўлса акасига жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатарди.

— Нари тур! Бас қил!— дердим қўлимни кўксимга қўйиб ялиниб.

Шунда энг даҳшатли воқиа юз берди. Айвонда устачилик қилаётган ўртанча укам бирдан қўлида болға билан келди-ю, ҳай-ҳайлагунча бўлмай, Харуонинг бошига битта туширди. У икки қўли билан бошини ушлаганча вой деди-ю, ўзини ташлаб юборди. Ҳамма турган жойида қотиб қолди. Болғада зўрға илينيб турган ёғоч даста синиб, бўйра устида ётарди. Буларнинг ҳаммаси бир лаҳзада бўлиб ўтди.

Қанча вақт ўтганини ҳам билмайман, қаттиқ йиғи овозидан ўзимга келдим — ўртанча укам ҳўнграб йиғларди. У полда титраб-қақшаб ётарди. Кичик укам ҳам ҳўнграб йиғларди. Отам Харуони индамай жулдур пашшахонага судраб олиб кириб, унинг ёнида ўтирарди. Сўнг йиғи товуши тинди, уйга оғир сукунат чўкди.

Вақт ўтиб борарди. Ҳамма бирин-кетин ўзига кела бошлади. Ўлган. Ўлди, нима қипти... гўё ҳеч иш бўлмагандек, ҳамма нарса ўз йўсини билан борарди...

Тўсатдан кичик укамнинг шивирлагани эшитилиб қолди.

— Эҳ, хилват жойда қўлимга тушмади-да! Ҳеч ким жавобгарликка тортилмасди,— деб у тиззасини қучоқлаб айвонда ўтирарди.

Пашшахонадан отам чиқиб деди:

— Миршабхонага хабар қилиш керак энди.

Ҳеч қайсимиз бир нима демадик.

Отам кўчага чиқиб кетди ва тезда аравакаш қўшнимиз билан қайтиб келди. Иккиси ҳам Харуонинг олдига кириб кетишди. Кичик укам бўлса шипга—бир нуқтага термулганича ётарди.

Отам қўшни билан қайтиб ташқари чиқди.

— Энди нима қиламан?— деди отам.

— Миршабхонага шошмаслик керак. Қани, бир оз қарайлик-чи, охири нима бўларкин,— деб жавоб қилди у. Улар яна нималар тўғрисидадир ўзаро шивирлашишди, сўнг қўшни чиқиб кетди.

Азонга яқин кўзимиз уйқуга кетибди.

Эртасига пешинда Харуо ўзига келди. Уч кундан кейин ўрнидан туриб кетди. Қизиқ, қандай қилиб бунча тез тузалди экан? Зўр иштаҳа билан индамай овқатланиб бўлгандан кейин, шу кечаси қаёққадир чиқиб кетди.

Августининг иссиқ кунлари уйимизда жон сақлаб бўлмасди. Шипимиз паст, ҳаво етишмасди. Отам бутунлай овқатдан қолди. Сал мазалироқ нарса олиб беришга эса пул йўқ.

Худди шу вақтда, балиқ заводидан қайтаётиб, йўлда бирга ишлаган эски ўртоқларимдан бирини учратиб қолдим. У билан Горилла ҳақида, оилавий аҳвол ҳақида гаплашдик, бирдан у менга жуда ғалати бир янгликни айтиб қолди. Унинг гапига қараганда К. заводда Хоккайдодаги Абасири деган жойдаги бир заводга ишчи ёллашаётган экан. Мен тездан бунинг аниғини билишга қарор қилдим.

Эртасига зўрға кунни пешин қилиб, наридан-бери овқатландим-да, ҳалиги заводга қараб югурдим. Ҳал-лослаганимча ҳовлига кирдим. Мени идорага юборишди. У ерда, бошлиқ бўлса керак, ёши қирқ бешларга кирган, бақалоқ бир одам ўтирарди.

— Абасирига шу ерда ишчилар ёлланадими?

У менга бошдан оёқ бир разм солиб, кўздан кечирди-да: «Ҳа» дегандек бошини қимирлатди:

— Абасирига бормоқчи бўлган сенми?— деб сўради у.

— Ҳа... Нима десам бўлади... Муҳтожлик жонга теккани учун ҳам бормоқчиман. Маоши қанча?

Менинг бунчалик суриштиришим уни бир оз ҳайрон қолдирди, у кулимсираб жавоб берди:

— Демак, ўзинг бормоқчи экансан-да? Ундай бўлса иш битди. Абжир, бақувват қиз кўринасан! Янглишмасам олтмиш килодан ортиқроқ келсанг керак? Нечага чиқдинг?

— Эскичасига¹ йнгирма иккига кирдим,— деб жавоб бердим қисқа қилиб. Ҳаммадан ҳам маошнинг қанчалигини билишим зарур эди.

¹ Японияда бола туғилиши билан бир ёшга, янги йил кириши билан икки ёшга кирди деб ҳисоблашади.

— Ҳм... Ёшнинг ҳам тўғри келади. Ёшликда ишлаб олмасанг қачон ишлаб оласан? Пули тузук бўлса керак. Бу завод энг йирик мижозларимиздан. Ишчи кучини фақат бу йил талаб қилишди, келгуси йил ҳам талаб қилишса керак. Шу сабабли бошқа ерларга қараганда кўпроқ тўлашса керак. Овқатидан ташқари камиди беш минг иен беришадн.

«Овқатидан ташқари беш минг иен-а! Бу пулнинг ҳаммасини уйга жўната оламан!». Оҳ, бу қашшоқликдан қутиладиган кун бормикин! Айтгандек, хаш-паш дегунча янги йил ҳам келиб қолади. Ҳеч бўлмаса янги йилни кўнгилхушлик билан кутиб олармиз...

Бошлиқ кўринишидан анча бамаъни одамга ўхшарди, шунинг учун гапига ишондим. У бу ердан фақат Абасиригача билет билан таъминланишимизни, кўрпатўшак, йўлга овқатни ўзимиз олишимиз кераклигини огоҳлантириб қўйди. Қачон жўнашимиз эртага маълум бўлишини билиб, чиқиб кетдим.

Абасирига жўнаш бутун хаёлимни банд қилганди, сал бўлмаса велосипед тагида қолардим.

— Ҳой, анқайма!— деди қулоғимнинг тагида велосипедчи.

Куннинг айна қизигида, офтобда куйиб-ёниб орқамга қайтдим, лекин иш тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмадим. Уйда ҳам бу ҳақда чурқ этмадим, чунки бунақа гапни бошлашга оғзим бормасди...

Ҳар вақтдагидек эртасига ишга бордим. Қайтишда идорага учрадим. Билсам, кеча кечаси телеграмма келибди. Унда балиқ ови бошланиши сабабли ишчиларни жўнатишни тезлаштиришни илтимос қилишган экан. Орада бир кун ўтиб, эртасига кечаси жўналадиган бўлибди. Бу шундай кутилмаганда юз бердики, мени бир оз чўчитиб ҳам юборди. Тўғри, кўнглимда боришга қатъий қарор қилган бўлсам ҳам, лекин бегона ерлигини ўйлаб, юрагим орқага тортиб кетарди.

«Майли, энг муҳими — ишни қойиллатсам бас!»— деб ўзимга ўзим далда берардим. Ёшлигимданоқ меҳнатдан қочмасдим, меҳнатда пишиб кетгандим, бу эса ҳар қандай қўрқувни енгишимга ёрдам қиларди.

Кечки овқатдан сўнг, ниҳоят, Абасирига кетаётганимни айтдим. Отамнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Қиз бола қандай қилиб танимаган жойларга борасан? Бу кетишинг яхшиликка олиб бормади!— деб

ишонтирншга уриниб, мени бундан қайтармоқчи бўларди.

Касал одам, яъни бутунлай ётиб қолган отам, қараб турган қизидан ажралиши оғир эди, албатта.

— Ахир, уч ойдан кейин албатта қайтиб келаманку,— деб уни кўндирдим.

— Отажон ўзингиз ўйлаб қаранг, гурунчининг ўзидан қанча қарзимиз бор, боққоллардан олган қарзимиз йиғилиб ётибди. Ойда беш минг иендан юбориб тураман. Янги йилни қарзсиз кутиб оламиз. Ахир, бунинг нимаси ёмон!

Кийим-бошларимнинг мазаси йўқ эди, шу сабабли дарров кир ювишга, йиртиқ-ямоқ қилишга киришдим. Бўйин ва оёқларимга сурбетлик билан ёпишаётган чивинларни ҳайдаб қўлимга игна олдим. Иккита эски пешбанд, икки жуфт жулдур шоровар ва уруш давридаги коржомаларга ўхшаш калта бир кимоно. Буларнинг ҳаммасига турли хил матолардан ола-қуроқ ямоқ солинганди.

Бир кунга бўлса ҳам пул олиш ниятида эртасига ишга чиқдим. Кетишдан олдин хўжайиннинг олдига кириб, ишдан бўшатишни сўрадим. У олдиндан олган пулларимни ҳисоблаб олиб қолиб, қолганининг устига бир йўла беш юз иен қўшиб берди. Ишдаги ўртоқларим ҳам эллик иендан тўплаб беришди — булар икки минг иендан ортиқроқ пул бўлди. Пулнинг ҳаммасини отамга бердим ва Абасирига боришим билан маошимни олдиндан сўраб олиб, дарров юборишга ваъда бердим. Отам бир нима демасдан жим ётарди. Йўлга отлана бошладим. Битта кўрпача ўраб қўйдим, ювилган ва ямалган кийим-бошларимни олдим, ямоқ қилишга керак бўлиб қолар деб парча-пурча латталардан олишни ҳам унутмадим. Бутун юким битта тугун бўлди, холос.

Соат ўнларда тўсатдан Харуо пайдо бўлиб қолди. Уша воқнадан кейин, у уруш-жанжал қилмай қўйган, уйда кўпроқ ётадиган бўлиб қолганди.

— Эртага, пул топиш учун, Хоккайдодаги Абасирига жўнаёпман,— дедим унга.

У ҳайрон бўлиб менга қараб турди-ю, ҳеч нима демади. Сўнг ошхонага кириб сув ичиб чиқди, кетаётиб остонада туриб сўради:

— Поезд қачон жўнаarkan?

— Соат бир-у, ўн саккиз минутда.

мана, жўнайдиган кун ҳам етиб келди. Азонда туриб, бир кателок шовла пиширдим. Уч кунлик овқатимни ғамлашим керак эди. Ун тўртта гуруч кўмоч қилдим. Унинг ичига сиркаланган олхўри солдим, мисосини тўғрилаб, қип-қизил қилиб қовурдим.

Худди шу вақтда қўлида катта макрел билан, Харуо кириб келди.

— Ўртоғим берди. Бунни еб йўлга чиқсанг, яхши бўларди.

Мен Харуога қарадим. Кўз олдим қоронғилашди. Упкам тўлганидан бир сўз деёлмадим.

Нонуштада бутун оиламиз ҳозир бўлди. Дастурхонда янги макрелдан катта идишда сасими¹ турарди. Индамай овқатландик. Тезда укаларим туриб кетишди, Отам билан мен ёлғиз қолдик. «Менсиз эркакларнинг ўзи қандай уни эпларкан?»— деб ҳаяжон билан ўйлаб, ошхонани тозароқ йиғиштиришга уринардим. Иш билан бўлиб, хайрлашув вақти келиб қолганини ҳам сезмай қолибман.

— Хўп, бўлмаса, отажон, менга рухсат,— дедим.

Лекин отам оғиз очиб бир нима демади. Қоронғи бурчакка тиқилиб ётаверди.

Қўлимда тугун, ёнимда ўттиз иен пул билан уйдан чиқдим.

Кузатгани ҳеч ким йўқ эди.

Вокзалда ўша менга таниш бошлиқ кутиб турарди. Жўнайдиганлар саккиз киши: уч хотин ва беш эркак эдик. Уларнинг ҳар бирининг уйдагиларидан бирортаси кузатиб қўйгани чиққанди.

Поезд жўнаш олдидан кичик укам етиб келди. У мактабдан тўғри менинг олдимга югурибди. Хайрлашаётиб: «Акаларинг билан иноқ бўлгин»,— деб тайинладим.

Қанча вақт йўл юрдик, қанча жойлардан ўтдик, лекин бу тўғрида ўйлаганим йўқ. Қоронғи бурчакда парижонхотир ётган, ҳаттоки эшиккача кузатиб қўймаган отам кўз олдимдан нари кетмасди. «Балки йиғлагандир ҳам, бечора отагинам... хасталигининг устига Харуони айтмайсизми... Шу ҳам бир инсофга келиб қолсайди!»— деган фикрлар хаёлимни банд қилганди.

Кечки қуёш нурлари вагон деразасидан мўралай бошлади, нафасни бўғувчи дим ҳаво кетиб, салқин туш-

¹ Сасими — хом балиқдан тайёрланган таом. (Таржимон).

ди. Биз жойлашиб ўтириб олдик. Ичимизда энг катта-миз қирқ ёшлар чамасидаги баққуват бир киши эди. Ҳамма уни бошлиқ деб атарди. Шерикларимиздан бир хотин менинг ёнимда, дераза олдида, бошқа бири нари-роқда скамейка четида ўтирарди. Дераза олдида ўтир-ган аёл кўринишдан йигирма беш-йигирма олти ёшлар-да эди. Қош кўзи жойида бўлиб, бурни эса негадир бошқачароқ, учини йўқ, ёлғиз тешикларигина қанқайиб кўриниб турарди.

Менинг бириччи марта бунақа узоқ сафар қилишим эди, шундай бўлса ҳам, кўнглим ғаш эди. Ахир, мен Абасирига кетаётгандим. Бу жой тўғрисида гапиришганда: эҳтиёт бўл, анграйма, Абасири қамоқхонаси билан шуҳ-рат чиқарган жой дейишарди. «Бирор қисмат кутаётган бўлмасин?» — деб ўйлардим мен ва ниҳоят — ке, нима бўлса, бўлар! Икки кишининг ишини қила бошлашим ҳамона ҳаммаси ўрнига келиб кетади!» — деган қарор-га келдим, шундан сўнг секин-секин ҳаяжоним босилди.

Қоронғи тун. Поезд тоғлар ўртасидаги водий оралаб борар, онда-сонда гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб милтиллаган олов-лар кўриниб қоларди. Тўсатдан шағиллаган товуш эши-тилди: поезд темир йўл кўпригидан учиб ўтди, сўнг яна филдиракларнинг рельсларга бир оҳангда урилиб, бир меёрда тақиллай бошлади. Чарчаган одамларнинг кўпи, нари-бери жойлашиб олишди-ю, уйқуга кетишди. Мени ҳам уйқу босиб борарди.

Мана мен уйни ташлаб келяпман. Кошкийди, муҳ-тожликдан касал отамдан, ярамас ука-ю, сассиқ барак-лардан бутунлай бош олиб кета олсам! Мен ҳозир бу-ларнинг ҳаммасидан тобора узоқлашиб бормоқдаман... Балки бирор ерда... Йўқ, рост, бирор жойда менинг ҳам бахтим кутаётгандир, ахир? Порлоқ, кутилмаган бир бахт... Филдираклар тақиллайди, поезд кишини жуда ёқимли тебратади. Бир текисда нафас оламан, кўз ол-димдан бирин-кетин аллақандай манзаралар ўтади. Ўша... Сусуму-сан... Завод дўкони олдида мен билан қандай мулойим гаплашганди-я. Мен ҳам негадир у би-лан учрашсам, қизариб кетардим. «Менга тегмайсан-ми?» — деб сўраган пайтда, юзлари қандай қатъий ва жиддий эди. Аъзойи-баданним титраб кетди. Қувончим-данмикан?.. Йўқ, чўчиб кетдим. «Эрга тегиш!» деган сўз даҳшатдай туюлди. Кейин-чи... Оҳ-ҳо, ундан кейин мени кўрсангиз... Ҳар қандай ишнинг ҳам чангини чиқариб

юборавердим, тоғни урсам талқон қиладиган важоҳатим бор эди. Ана шундай бўлганди. Лекин унинг опаси мени шундай кутиб олди, шундай қарашлар қилдики, асти қўясиз, «фабрика ишчисини ҳеч қачон келин қилмаймиз»,— деди. Аммо мен ҳам ўзимни йўқотиб қўймадим. Унга тегишли жавоб қилдим: «Тўғри, мен оддий бир қизман, ёшлигимдан бери фақат меҳнатни биламан, лекин сизнинг акангизга ўхшаган, баобрў хонадондан чиққан кишига турмушга чиқа қолсам деган ниятим ҳам йўқ эди, беҳудадан беҳудага шунчалик хуноб бўляпсиз»,— дедим. Ҳечқиси йўқ, мен у хотиннинг юзига тупургандай қилиб, мана шундай жавоб қилдим... Билишимча, у бирорта хотинлар мактабида ўқиган бўлса керак, сал-пал яхши ҳаёт ичида бўлган-у, мана энди бошқаларни одам қаторига қўшмайдиган бўлиб қолибди. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлармиди! Эҳ, ўша пайтда, ўша ерда турган Сусуму-саннинг қандай аҳволда қолганини кўрсангиз эди, боши солинган, ғамгин...

Бирдан бир нарса тарақ этиб қолди — тепа тахтадан гурсиллаб бир кир тугунчак қулаб тушди. Ундаги бор нарса нонушта учун олиб қўйилган қуруқ қутичаларга ўхшарди. Тугунча, афти гўрковга ўхшаб кетадиган бир кишининг елкасига келиб тушди. У нима гап эканлигига тушунолмай кўзини очди, сўнг ранжиганнамо юзларини тириштириб, яна тугунчани юқори полка устига олиб ирғитди. Кейин йўғон гавдасини чўзиб керишди-да, қўлларини кўксига қўйиб, деворга суянганича яна уйқуга кетди.

Дераза жипс ёпилган эди. Мен уни қия қилиб очдим. Шу кичкинагина тирқишдан шундай совуқ шамол уриб бердики, қўрққанимдан дарров яна қаттиқ ёпиб қўйдим.

Поезд аллақандай бир кичик станцияга келиб тўхтади.

«Нима, Мариокадан ўтиб кетдимикан? Аоморидан ўтамиз дейишган эди-ку, ё ҳадемай Аомори ҳам келиб қолармикан...» Бошимни деразалар ўртасидаги бурчакка олиб, орқага суяндим-да, юзимга сочиқни ёпдим.

Қандай яхши аллалаяпти-я!.. Яна кўз олдимга Сусуму-саннинг қиёфаси келди. Уни севарканман шекилли-да. У хўжайинимнинг таниши эди, ўзининг хусусий дўкони бор эди. Уруш вақтида куйиб кетди. Уни қайтадан қуриб битказгунча, Сусуму-сан заводимизга келиб, хўжайинимизга қарашиб юрарди.

Мен бу муҳаббатни юрагимдан юлиб ташлашга ури-
нардим. Бу фақат опаси қаршилиқ кўрсатганидан эмас-
ди. Ўзим ҳам тушунардим, у билан чинакамига жиддий
гаплашдик, лекин қайси томондан гап бошлайлик, бир
натижага келолмадик... Лекин нима бўлса ҳам, уни кўн-
гилдан чиқариб юбориш қийинга ўхшайди. Оҳ, қанча-
лик қийин. Қадди-қомати келишган, собит бу йигит мен-
га жуда ёқарди, у билан ёнма-ён ишлашдан ҳам катта-
роқ бахт йўқдек туюларди.


Муҳаббат, ҳис-туйғу. Илгарй буларнинг ҳаммаси
кинодагина бўлади деб юрардим. Сусуму-сан билан уч-
рашгандан кейин ўйлаиб қолдим. Қим билади, мендек
эски-туски кийнган бир қизнинг бошидан кечаётган ҳо-
зирги нарсанинг ўзи, балки, муҳаббатдир?

— Сен ажойибсан, Ута-тян, ўзинг кичкина бўлсанг
ҳам, шу қадар пок, юввош, очиқсанки...» О, сизни шуна-
қадирсиз деб ўйламаган эканман-а, Сусуми-сан... Қўр-
қоқ экансиз! Ахир муҳаббатимни қозонмоқчи бўлиб юр-
ган ўзингиз эдингиз-ку, жигарингиз ёнги деганди, тилу
забонсиз бўлдингиз қолдингиз-а! Йўқ, бунақа ношуд,
қўрқоқ билан мен ўз ҳаётимни боғлай олмайман. Но-
мингизни хаёлимдан чиқариб ташлайман!»

«Ҳа... бир вақтлар Такэда ҳам худди ана шундай деб
гап бошлаган эди: «Биринчи марта яхши кўришим.
Ёшлигимнинг баҳори... Менга хотин бўлсанг-чи деб
таклиф қилганди. Кейин қандай рад қилганини бир кўр-
сангиз эди! Ўзи кўзимга ҳам кўринмай, ўрнига бобоси-
ни юборди. Айтган гапларининг бариси тўғри эди, албат-
та: отаси ишсиз, тирикчиликларининг мазаси йўқ, акаси
билан синглиси бебош бўлиб кетган бунақа қизга ким ҳам
уйланарди!.. Фақат узр-маъзур айтиш қолганди, холос.
Лекин менга хотин бўл деб қанчалик қадалиб олганин-
гизни эслайсизми? Бироқ, мен ҳам ўзимга яраша одам-
ман-ку, наҳот шунини ҳам андиша қилиб кўрмадингиз,
ҳеч бўлмаса олдимга келиб, кечирим сўрасангиз бўл-
масмиди?»

Юрагим аччиқ аламдан тўлиб тошди, дарҳол кўзим-
ни очдим. Аъзойи-баданни увишиб қолган, жуда ноқу-
лай ўтирардим.

Йўқ ердаги хаёлларни қиламан, бариси аллақандай
кулгили гаплар... Эр қилиш-а! Никоҳ! Йўқ, булар менга
тўғри келмайди. Бутун бир онлани боқиб турган қизга
бундай хаёлларни ким қўйибди!



Ташқари ёриша бошладн. Аоморига келганимизда эса, тонг отиб қолган эди. Бу ердан биз пароходга ўтдик. Умримда биринчи бор одам ташийдиган катта кемани кўришим эди. Атрофда одамлар уймалашарди. Шовқин-сурон учинчи класс каютаси худди ўтхонанинг ёнгинасида эди. Нефть ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетган. Бу ингичка тахталар билан тўсиб қўйилган каттагина жой эди.

Саккиз кишидан иборат ҳамроҳлар ҳаммамиз нонушта қилишга ўтирдик. Менинг ўнта гурунч кулчамдан бор-йўғи олтига қолган эди. «Ҳали йўл йироқ», — дедим ва уларни тугунчакка тикиб яшириб қўйдим.

Соат саккизга яқин бонг товуши янгради. Кема қўзғолди. Юрагимни яна бадтарроқ ваҳима босди: бегона юртда мени нималар кутаяпти экан? Параходнинг зорли гудоги денгиз бағри узра акс садо бериб учди. Кема аста-секин сузиб қирғоқдан узоқлашиб борарди.

Тўрт соатдан кейин биз Хакодатега етдик. Шу ерданоқ поездга ўтиб, тушиб яқин Отар шаҳарига етиб келдик. Кун жуда иссиқ эди. Платформада, шундай дераза тагида мороженое сотишарди. Бир порцияси нақ йигирма пен экан. Бунни эшитиб кайфим учди. Лекин шундай бўлса ҳам, нафсимни тия олмадим. Олдим — бу қуюқ, совуқ сутнинг мазасини шундай тотиб кўргим келган эдики, асти қўйинг.

Отарда яна бошқа поездга ўтдик. Поездимиз яна тоғ ва водийлар оралаб елди. Хаккайдонинг табиат манза-

ралари мени ўзига мафтун қилди. Оҳ, қандай гўзал қай-инзорлар, қарағайлари эса бизнинг жойдагиларга сира ҳам ўхшамайди. Бу ерда ялқовлик қилмасанг бўлди, кунинг шод-хуррамлик билан ўтади — пул ҳам керакмас! Шох-шаббасининг ўзидан бир нималик бўлиб олиш мумкин! О, атрофларни қара, нечоғлик гўзал! Ойла, хўжалик ҳақидаги ҳадеб кишининг миясига ёпишиб келаверадиган хаёлларимдан ўзим кулдим.

Тезда дугоналарим билан танишиб олдим. Бурни пучуқ қиз бизнинг гуруҳимиздаги ишчилар билан ҳам, шунингдек бошлиқ билан ҳам яхши таниш эди. Ҳамма уни тўғридан-тўғри «пучуқ» деб чақирарди. Агар бурни айбдор бўлмаганда, ўзи ғоят гўзал қиз эди. Унга қараганим сари бунга шунча ишонардим. Нотаниш кишиларнинг ҳаммадан аввал унинг бурнига эътибор беришларига қизнинг ўзи ҳам кўникиб кетганди, шунинг учун гапни ўзи бошлади.

— Бу иш мен гўдак вақтимда бўлган экан. Отам билан онам ишга кетар, мен уйда ёлғиз қоларканман. Бир кун онам уйга келса, боласи овозининг бориचा куйиб-пишиб йиғлаётган эмиш. Онам турган жойида қотиб қолибди. Ахир, каламуш гўдакнинг бурнига ёпишиб олиб кемириб ётган экан-да. Афт-башараси қоп-қора қонга белашиб ётганмиш...

Гап гўё бегона киши тўғрисида бораётгандай, у бу тўғрида жуда бемалол сўзлар эди.

— Оғригандир бўлмаса?— деди кимдир.

— У вақтда ҳали жуда кичкина эдим, эсимда йўқ. Оғриш ҳам гапми! Ахир, шу бурнимни деб, йигирма олтига кирсам ҳам, қиз ўтирибман-ку, ха-ха-ха!— деб ўзи завқ билан хохлаб кулиб юборди.

Пучуқ қиз жуда ҳам ёқимли дилкаш чиқиб қолди.

— Наҳотки тузатишнинг иложи бўлмаса?— деб сўради Аико деган бошқа бир қиз. Орамизда энг ёши шу қиз бўлиб, у эндигина ўн тўққизга кирган эди.

— Э-э, пул бўлса нималарнинг иложи йўқ дейсан! С. шаҳридаги университет касалхонасида бурунларни жуда усталик билан тузатишади дейишади. Эшитишимга қараганда, бунга қирқ-эллик минг керакмиш.

— Қирқ-эллик минг? Ўхў, битта шунақа буруннинг учига бизнинг оиламиз бир йил бемалол яшай олар экан-да!— деб юборди Аико.

Ҳаммамиз кулиб юбордик.

Афтидан, Аико ҳаммамиздан ҳам камбағалроқ эди. Бунга ўзи ҳам иқрор бўлди, ҳатто уйида бирор арзигулик нарса топилмаганидан кўрпа-тўшаксиз йўлга чиққан экан.

— Иссиқ кунда шундай ухласа ҳам бўлаверади,— дерди у.

Тун бўйи мен донг қотиб ухладим. Тонг отишга яқин поездимиз Китамига етиб келди. Бу ерда биз яна бошқа поездга ўтдик. Кўп ўтмай Абасири кўриниб қолди. Биз бу ерга уйдан чиққанимизга уч кун бўлганда, тонгда етиб келдик.

Пиёда борсанг, станциядан заводгача атиги ўн минутлик йўл экан. Кўзимга энг олдин ташланган нарса тоғ-тоғ уюлиб ётган балиқлар бўлди. Бу ерда бор-йўғи олти эркак ишчи ишларди. Кенг майдончанинг икки томонида кетлар, горбушлар, «тароқ» қисқичбақаларни ишловдан ўтказадиган цех ва қайнатиш цехлари жойлашган эди. Ишчилар учун ошхона ҳам шу ернинг ўзида эди.

Хотин-қизлар ётоқхонаси учун овқатхонанинг тепасидаги қават ажратилганди. Нариги томон, девор шкафларнинг орқаси эса эрлар ётоқхонаси эди. Аммо эшик ва зиналар алоҳида бўлиб, бир-биримизникига кириш-чиқиш қилиша олмас эдик.

Юкларимизни жойлаштиришга улгурмасданоқ, ишга тушиб кетдик. Ишни балиқларни нимталашдан бошладик. Олдингда улкан тахта, бир зарба билан балиқнинг бошини узиб ташлайсан, иккинчиси билан танасини икки бўлакка бўласан. Бу ерда треска ҳам, акула ҳам,— ҳар хил балиқ бор эди. Иш қизиб кетди, балиқ тоғи тезлик билан камая борди.

Балиқлар нимталангандан кейин алоҳида бакка солинар ва у ерда кучли сув оқими билан ювиларди. Балиқ тозалаб, ювилиб, янгиланиб, ортиқча ёғлари ювиб ташлангандан кейин қилтириқларини тозалайдиган бошқа машинага юбориларди. Ёшдан қийма қилинардди. У яна алоҳида машинага келиб тушар, бу ерда унга механик усул билан маълум миқдорда крахмал, ширинлик, глюкоза, туз қўшиб, роса аралаштирилар, кейин пиширув цехига ўтказиларди.

¹ 2 Кет, горбуш — Узоқ Шарқ балиқлари.

Аёллар ҳам эркаклардан қолишмай ишлашарди. Акула нимталашла пучуқ қиз айниқса чаққон чиқиб қолди. У эркаклардан сира қолишмай ишларди. Майинлар ўжар бўлади дейишарди. Бу қиз бўлса, унақа эмас, жуда юввош, одамшаванда, ишда бўлса ҳайратга соларли даражада эпчил эди.

Балиқларни нимталашдан ташқари қилтириқларини ажратадиган машинага қараб туриш, тап берилган қиймалар ўрамини яшикларга жойлаштириш, яшикларни араваларга ортиш ҳам менинг вазифамга кирарди.

Гоҳо ёқилғи йўқлигидан пиширув цехи ишламай қоларди. Унда мени «тароқ» қисқичбақаларини тахлашга жўнатишарди. Завод биқинидаги кенг майдонга шундай қисқичбақа уюб ташланган эди. Қисқичбақалар кулига¹ солинар, усти беркитилиб араваларга ортиларди. Сентябрьнинг бошлари бўлса ҳам, кунлар шу қадар жазирама эдики, қуёш одамнинг юз ва елкаларини қизитарди. Гоҳи қисқичбақа шунчалик кўп келиб қолардики уларни шу ернинг ўзидаёқ тозалашга тўғри келарди. Қозондаги қайноқ сувга солишинг билан қисқичбақалар ўз-ўзидан ёзила қолар, шу пайт унинг пўстини шилиб, гўштини бошқа, пўстини бошқа ажратиб олиш керак эди. Пўсти шундоқ қуридиларди, гўштини эса аввал намокопда қайнатиб, кейин бир неча кун офтобга ташлаб қўйиларди. Бу товар чет элларга чиқариларди, ўзи ҳам анча қиммат туради дейишарди. Шу сабабдан бу хушхўр таомни еб қўймасин деб устимиздан қаттиқ назорат қилиб туришарди. Лекин биз ҳам бўш келмас эдик: чолворимизнинг чап томонига чўнтаклар тикиб олган эдик. Киши билмас қилиб уларни тўлдириб олардик. Кечқурун ётоқхонада ҳар бир киши кун бўйи йиққан ўлжасини ўртага ташларди, хушчақчақлик билан топганимизни бирга баҳам кўрардик.

Бизни жуда ёмон боқишарди.

Эрталабга ярмидан кўпига тариқ аралашган гурунч беришарди. Тушлик ва кечқурунликка эса картошка ёки крахмал лочира. Иш оғир, бунинг устига доим қўшимча ишга қолардик. Шунинг учун кўп вақт оч қолиб, қаттиқ қийналардик. Пули борлар, албатта, бирор егулик нарса сотиб олишарди, биз Анко иккимиз эса, балиққа

¹ Хитой, Япония, Ҳиндистонда кули деб, ҳаммол қора ишчинин ай-тилади, бу ерда эса яшик, бочка маъносини англатади. (Таржимон.)

крахмал суртиб, яширинча тамадди қилиб олардик. Баъзида чор-ночор олма харид қилардик. Мен пулимни қанча тежашга уринсам ҳам, барибир ойига минг иенга яқин сарф қилиб қўярдим.

Абасирига келганимдан кейин икки ҳафта ўтгач, отамдан хат келди. У ҳеч бўлмаса бир неча юз иен пул жўнатишимни илтимос қилганди. Мен бугун келиб, эртага маошимни сўрагим йўқ эди. Аммо оч онла эсимга тушиши билан идорага бориб, уч минг иен олиб туришдан бошқа чорам қолмади. Ойига олти минг иен олардим.

Ярим ойлик маош оладиган кунимиз олдимизга аттор келарди. Ун саккизта дугонамнинг ҳаммаси уни чумолидай ўраб олишарди. Ҳар бири бирор нарса харид қиларди. Ҳатто Анко, раҳминм келганидан тўшагимдан жой берган ўша Анко ҳам арзонроқ бир нарса сотиб оларди. Фақат, ёлғиз мен ҳеч нарса олмасдим.

«Безак билан қорин тўймайди» — деб ўз-ўзимни юпатардим. Лекин бу ҳар ҳолда шу қадар алам қилардики, аттор келганда хонадан чиқиб кетадиган бўлдим.

Ишим ҳамма вақт етарли эди. Бўш вақтларимда ошхонада ишлайдиган кампирга кўмаклашардим. Боёқишнинг сув олиб келадиган жойи жуда узоқ эди! Ишчиларимизнинг кирларини ювиб, йиртиғини ямаб берардим. Уй эсимга тушиб ташвишга тушардим: менсиз отам, укаларимнинг аҳволи нима кечдийкин, ким уларнинг кирини ювиб, йиртиғини ямаб беради? Мана бу шўрлик ўн икки киши ҳам ўз оиласидан жудоликда юрибди. Мен уларнинг кир устбошларини йиғиб олиб, текинга ювиб, йиртиқларини ямаб берардим. Баъзида балиқларни вақтида етказиб биришолмасди. Шунда бир оз ҳордиқ чиқариб олардик. Ҳамма кинога кетарди. Мен бўлса ана шу вақтда бешта бочкани қатор қўйиб олиб, кир ювишга тушардим.

Ошхонадаги кампир менга қараб:

— Шундай меҳнаткаш хотинни ким олса ҳам бахтиёр бўлади-да! — дерди.

Қизиқ одатим бор-да менинг. Сира ҳам бекор ўтиролмайман. Бундан ташқари, шаҳарга борсам пул сарф қилиш керак бўлади. Шунинг учун кир ювиш менга оғир ботмасди.

Абасирида октябрдан бошлаб кет ови бошланарди. Заводимиз алоҳида шахсга тегишли бўлса ҳам, Абаси-

рида номи чиққан заводлардан бири ҳисобланарди. Айниқса, кетлари билан шуҳрат қозонган эди.

— Хўжайинимиз бир ойлик овдан икки миллион иенга яқин фойда кўради,— дейишарди ҳар йили бу ерга пул ишлаш учун келган ишчилар.

Ростдан ҳам шу қадар қизғин кунлар бошландики, биз уйқу ва дам олиш нима эканини ҳам эсдан чиқарардик. Ҳатто кундузи, масалан, қийма пиширишда ишлаганлар ҳам кечқурун етти кишидан навбатма-навбат тўда-тўда бўлиб кет тузлашга чиқарди. Айни пайтда жуда кўп миқдорда кет икраси ҳам тузланарди.

Бу орада кечалар аёз бўла бошлаганди, кечаси соат ўн икки бўлиб, смена охирига борганда оёқларим чалмашиб, совуқдан дир-дир титрай бошлардим.

Ноябрнинг охирлари эди, нима бўлди-ю, бир кун қўшимча ишдан кейин — энди ҳар кун қўшимча иш бўлиб турарди,— исиниб олиш учун ошхонадаги печь ёнига бордим. Ташқари жимжит, фақат лайлак қор уриб турарди. Бирдан сув ичгани Саяма-сан кириб қолди. Бу йигирма беш ёшлардаги бир ишчи йигит эди.

— Ана совуғу! Хоккайдода совуқ роса қаттиқ бўларкан!— деб қўйдим мен.

Саяма-сан бир нималар деди-да, индамасдан ёнимга келиб ўтирди.

У оғир табиат йигит эди. Мен унинг бошқалардай аёллар билан бирор марта ҳазиллашиб, одобсизлик қилганини кўрмагандим.

Мен кирларини ювиб бериб юрган кишиларнинг ҳаммаси ҳам менга ишда кўмаклашарди, лекин шу вақтгача Саяма-саннынг менга бирон марта эътибор қилганини билмайман. Умуман у билан бир оғиз бўлсин ишдан ташқари сўзлашганимни эслай олмайман.

Ҳозир у мен билан ёнма-ён, бошини қуйи солиб ўтирар, қўлларини қаерга қўйишни билмагандек, гоҳ ўтга тутар, гоҳ бир-бирига ишқарди.

— Ута-тян, мен билан дўст бўлишни истамайсанми?— деб тўсатдан сўраб қолди у.

Мен унга ҳайрон бўлиб қарадим.

У уялди, қизариб кетди ва кўзини четга олди.

Бу сўзларни эшитган ҳамон эскириб кетган гаплар бўлса ҳам, бир вақтлар севганим Сусуму-сан билан мenden юз ўгириб кетган Такэдаларни хотирладим. Бунақа гаплар энди фақат юрагимни заҳарлар, қашшоқлик ту-



файли чеккан ғам ва алаимни қайта бошдан қўзғаб юборар эди. Мен шу хотираларга кўмилганимча индамадим.

— Демак, истамайсан?— деб қайта сўради у.

— Очиғини айтсам, мен жуда ҳам камбағал одамман. Севги, дўстлик ва шу кабилар тўғрисида ўйлаш йўл бўлсин!— деб қуруққина жавоб бердим.

* * *

Декабрь кириши билан денгиз тинчланмайдиган бўлиб қолди. Музлар пайдо бўлди, ов тўхтади. Балиқ заводларида иш тугади.

Ҳамма қайтишга ҳозирлана бошлади. Аммо менинг сира уйга қайтгим келмасди, йўқ, буни сира хоҳламасдим. Нега? Бунинг сабабини ўзим ҳам тузукроқ тушуна олмасдим. Қасал отам ва укаларим учун ғам чексам

ҳам, улар олдига боришдан кўра ўзим Абасирида қолиб, уларга пул юбориб туриш менга маъқулроқ кўринарди. Кучим эркаклардан қолишмасди, ҳар қанақа ишдан қўрқмасдим, болалик чоғларимдан бери фақат ўз кучимга ишонишга одатланиб қолган эдим. Бундай ҳаёлларнинг бош-кетига етгунча бўлмай, кичик укамдан хат келди. «Опамиз олдимизга қайтишни истамаётганга ўхшайди. Балки, тўғри иш қилаётгандир ҳам. Ахир, шу вақтгача оилани бир ўзи боқиб келди-да» — деб ёзарди у. Ҳаяжонга тушиб қолдим. Фикрларим дарҳол уларга, уй томонга учди.

Укам давом этиб, отамнинг соғлиги ёмонлаша бошлаганини, ўзининг эса мактабга боролмаётганини, учинчи чоракдан бошлаб ё ўқишни бутунлай ташламоқчи, ёки кундузи ишлаб, кечқурун ўқимоқчи бўлаётганини ёзарди. У ялғиниб-ёлвориб менинг қайтиб боришимни илтимос қилар, энди ҳаммамиз сизга кўмаклашамиз, деб ишонтирарди. Ҳар бир сўзи менга чуқур таъсир қилар ва ҳаяжонга соларди. Йўқ, мен изимга қайтишим керак, укамнинг ўқишига ёрдам беришим керак. Ахир, у ичимизда энг нимжонимизку, кундузи ишлаб, кечқурун ўқишга йўл бўлсин унга?

Октябрнинг охирларига келиб, Абасири қорлар салтанатига ўхшаб қолди. Ҳамма ёқ болалар билан тўлган, ким лижада, ким конкида. Баъзан кўчаларни қўнғироқ овозларига тўлдириб от қўшилган чаналар ўтиб қолади.

Кетиш муддатим яқинлаша бошлади. Қишда ҳам ёзги кийимларим билан қолдим. Ўзим билан олиб келган жами эски-тускиларни ичимдан, жомакоримни эса устимдан кийиб олдим. Қандай қилиб бўлса ҳам, ишқилиб чидадим. Бироқ оёқ кийимим чатоқ эди. Чор-ночор мен ҳам чинакам харж қилиш учун шаҳарга чиқишга мажбур бўлдим. Олти юз эллик иенга бир жуфт гэта ва энг арзон рўмолдан олдим. Тўрт ойлик иш мобайнида уйга йигирма минг иен пул юбордим. Қўшимча меҳнат қилганим учун яна саккиз ярим минг иендан ортиқроқ пул қўлимда қолди.

Янги йил яқинлашиб қолган эди. 26 декабрда мен Абасиридан жўнаб кетдим.

Ҳар биримизга иккитадан тузланган катта-катта кет совға беришди. Кечқурун ҳамроҳларимнинг ҳаммаси поездга чиқди. Биздан икки ой аввалроқ бу ерга келган

олтита ишчи тўдамизга қўшилди (улар орасида Саяма-санҳам бор эди), энди биз ўн, тўрт киши бўлган эдик.

Поездимиз Китамига келгандан сўнг бир соат ўтгач, қаттиқ шамол кўтарилди, қор тўзоннинг қуюқлигидан деразадан ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Вагон чидаб бўлмас даражада музлаб кетди. Эски-тускиларга ўраниб олсам ҳам, фойда бермади. Эски-тускилар мени совуқдан сақламас, ҳамон қалтирардим.

Эртасига кечқурун Хакодатэга етиб келдик. Бу ерда яна бадтарроқ бўлдим. Кема кечаси соат бирда жўнаб кетиши керак эди. Аммо денгиз шу қадар тўлқинланардики, фақат эрта билан соат тўртга яқин портдан чиқиб кета олдик.

Бўғозни тун қоронғилигида кесиб ўта бошладик. Трюмнинг энг паст қисмига жойлашган учинчи класс хужраларида чидаб бўлмас даражада нефть ҳиди анқиб ётарди, афтидан, энди шамоллаганим ҳам таъсирини кўрсата бошлади, денгиз касали хуруж қилиб қолди. Иккинчи класс коридорига чиқишга тўғри келди. Мен у ерда ўтириб, мудраб қолибман. Бир вақт аллаким: «Ута-тян!»— деб чақирди. Қарасам, қаршимда Саяма-сан турибди. Ошхонада учрашганимиздан бери бу вазмин, меҳнатсевар йигит мени тобора ўзига ром қила бошлаган эди.

Саяма-сан ёнгинамга ўтирди-да, ўзи тўғрисида гапириб кетди. У камбағал деҳқон оиласида туғилган, отасининг иккинчи ўғли экан, бизнинг шаҳардан уч соатлик йўлдаги бир қишлоқдан экан. У шаҳардаги балиқ корхоналаридан бирида ишлаган экан.

— Мана хайрлашиш онлари ҳам яқинлашди. Лекин сен билан хайрлашиб кетаверишни сира-сира истамаяпман,— деб гап бошлади Саяма-сан.— Ута-тян, кейин ҳам бирга бўламиз, а? Мен портда бирор ишга жойлашишни ўйлаб турибман.

О, бунақа гапларни мен биринчи эшитаётганим йўқ. Аввалги икки оғир мусибатнинг ўзи мен учун етарли. Саяма-сан ҳам оиламиз, турмушимизнинг қандайлигини билиши билан ҳафсаласи пир бўлади. Угина эмас, бошқа ҳар ким ҳам шундай қилиши мумкин деб ўйладим-у, индамадим...

— Биласанми, бизнинг абадий бирга қўшилишимизни сўраб отанг билан ҳам гаплашмоқчиман.



Бу сўзлар юрагимнинг энг теран жойларигача етиб борди. Лекин мен ўзимни қамраб олаётган ҳисси босиш ниятида индамай ётавердим.

Саяма-сан ҳам жим бўлиб қолди.

Наҳотки тақдир мени бу киши билан ҳам ажралиб кетишга ҳукм этган бўлса... О, чидай олмайман, қанчалик аччиқ бу фикр! Шундай бўлса ҳам ўзим тўғримда бор ҳақиқатни айтиб бера бошладим.

Саяма-сан жимгина тинглаб ўтирди.

Бирпас жим қолдим. Саяма-сан ҳамон ўша ўйчанлик билан жим ўтирарди, сўнг қатъият ва дадил овоз билан гапира бошлади:

— Камбағалликни айтасан, ҳамма ҳам шунақа. Оғир ҳаёт кечираётганингни бир қарашдаёқ билиб олиш қийин эмас. Лекин инсон ҳаёти доим яхши ўтавермайди, ахир. Камбағалларга севгини ким қўйибди, дейишади. Фақат аҳмоқлар шундай дейиши мумкин. Камбағалларнинг бахти ҳам айни шунда: қувончни ҳам, ғамни ҳам ўртада бирга баҳам кўришда, бошга келган кулфат қанча мудҳиш бўлса, бир-бирини шунча маҳкамроқ қўллаб-қўлтиқлашда. Шундай эмасми, ахир, Ута-тян?

У секин-секин ва сиполик билан гапирар, унинг ҳар бир сўзи қалбимга ўрнашиб қоларди. Кутилмаганда кўзларимдан томчи ёш думалаб тушди-да, қўлим устида йилтирай бошлади. Қўлимнинг ҳамма ёғи ёрилиб кетган, баъзи жойларидан қон ҳам тепчиб турарди. Юрагим қаттиқ-қаттиқ урар, оғир-оғир нафас олардим. Шундай бўлса ҳам ўз эҳтиросларимнинг қули бўлиб қолмасликка қарор қилдим ва Саяма-санга отамнинг соғлиги ёмонлигини, бир гап бўлгандай бўлса, кичик укамни тарбиялашим кераклигини айтдим, кўрнб туриб-сизки, мен беғам-беташвиш қизлардан эмасман, дедим.

— Ҳа, мен ота-онаси ўрнини босишим керак, лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, шу сизга маъқул келадими? Ўша пайт келганда нима дер экансиз,— деб давом этдим мен, унинг кўзларига қараб.

«Йўқ, энди мени алдаша олмайди»,— деб ўйлардим ўзим, дард-ҳасрат ва алам билан.

— Сенга уйланаман дедимми, тамом, укангни ҳам ўз укам деб биламан. Танамда жоним борица унга ғам-хўрлик қиламан.

Денгиз ҳайбат солиб тўлқин урар, кемамизни бир томондан иккинчи томонга улоқтирар, аммо биз бунни сезмас, ўз юрак дардимиз билан овора эдик. Биз кема Аомарига келгандагина ўзимизга келдик. Тонг отиб қолган эди.

Аомарида эса поездга чиқдик. Ўтган сафар бу ердан тунда ўтган эдик. Ҳозир тонгги қуёш нурида бу жойлар менга жуда бошқача кўринди.

Бу ердан ўтганимга кўп бўлдим! Ўша кеча аччиқ ўйлар мени кўз юмишга қўймагани, ҳозир эса қувончим ичимга сиғмас, иккимизнинг суҳбатимиз бир минут ҳам тўхтамасди.

Тўсатдан хаёлимга «Балки, ҳозир менинг руҳимда юз бераётган нарсани бахт, деб аташар?»— деган гап келиб қолди.

Бир неча соатдан кейин шаҳаримизга етиб келдик. Мени вокзалда укаларим қарши олишди, уйда эса ман-қол ёнида безовта, бетоқат отам кутиб ётарди. Бу кеча биз жуда узоқ суҳбатлашдик, мен Абасиридаги ҳаётим ҳақида сўзлаб бердим; тун яримдан оққандагина ухлашга ётдик.

Мен отамнинг қўлига етти ярим минг иен пул тутқаздим, чунки янги йил келиб қолган эди.

Менинг йўқлигимда Харуога бир оз ақл кирганга ўхшайди. У ҳозир шаҳарнинг шарқи-шимол томонидаги корейс қишлоғида турар ва гуручли конфет тайёрлайдиган устахонада ишлар эди. Бўш вақтларини уйда ўтказарди.

Янги йилни яхши кутиб олдик. Бу орада Саяма-сан икки марта бизникига келиб кетди, чунки мен Китамида шамоллаганимча ҳалигача тузала олмас эдим. Тўрт ой ичида юборган пулларимни қарзларга тўлашибди, рўзгор қилишибди ва дўкондорлардан бўлган қарзларимизни беришибди. Судхўрлардан олинган қарз ҳали ҳам узилмаган экан, шунинг учун ҳам Абасиридан келибоқ тезда ишга чиқишга тўғри келди.

Отам ҳамон боягидай йўталар, туз тотмай қўйган эди. Янги йилдан кейин яна бадтарроқ бўлди. У фақат олма шарбати ичар, унга фақат шу нарса ёқиб қолганди. Бундай ширинликка пул ишлаш учун мен ғаров парда тўқишга мажбур бўлдим. Кундузи заводда ишлар, кечқурун эса алламаҳалгача укам билан бирга парда тўқирдим. Ингичка ғаров пояларни ёғоч таглик устига ёзамиз-да, қаттиқ ип билан маҳкамлаб тўқишга тушамиз. Бир кун кечқурун ишлаганимиз эллик иендан ортмасди.

Отамиз кўз ўнгимизда сўлиб борарди, врачга кўрининг, деб жуда кўп айтдик, лекин у йўқ деб туриб олди:

— Нафасим қисади, холос! Сал иссиқ бошланиши билан тузалиб кетаман. Нима десанг ҳам, биринчи галда пул тўғрисида ўйлаш керак,— дерди.

Мен январь ичи заводда ишлаб турдим. Лекин отамнинг аҳволи шу қадар оғирлашиб кетдики, вақтинча ишдан бўшашимга тўғри келди. Қасални парвариш қилиш керак эди. Хўжайинни бундан хабардор қилиб, февраль ойида ишдан бўшадим. Энди мен заводдан олиб келган пулимни уйда парда тўқиб топишим керак эди. Эрталабдан то кечагача ўрнимдан қўзғалмасдим, ҳатто Саяма-сан келган пайтларда ҳам қўлимдан ишимни қўймасдим.

Саяма-сан соғлиқни сақлаш комитетига бориб, бепул даволанишга рухсат олиш керак, отамни албатта докторга кўрстиш керак, деб маслаҳат берарди.

Лекин отам бундай пайтларда:

— Мен маҳкамада етти йил ишладим, ҳамма йўл-йўриқларни биламан,— деб жавоб берарди.— Ҳа, кимки маҳкамага бош эгиб келар экан, уни одам қаторидан чиқариб қўйишади! Таҳқир қилишади. Беш кунлик умрим

қолган, яхшиси, бундай ориятни ўзимга олмай ўлганим маъқулроқ.

Отамнинг соғлиги мени қаттиқ ташвишга соларди. Чунки у фақат шарбат ичиб яшар, кунига ҳеч бўлмаганда уч-тўрт кружка шарбат ичарди. Ёлғиз шу шарбатга юз иен пул кетарди. Уйқуни ҳам, дам олишни ҳам йиғиштириб қўйишга мажбур бўлдим. Ишқилиб отамга бир кружка ичимликка ортиқроқ пул ишласам бўлгани лердим. Укам ҳам тун бўйи мен билан ишлаб, тонг оттирарди. Шунда ҳам барибир сира пулга ёлчимасдик. Ниҳоятда қийналардик, аммо Саяма-санга муҳтожлик тортаётганимизни билдирмасдик, пул тўғрисида оғиз очмасдик.

Ҳар бир кун бизга янгидан-янги ташвишларни келтирарди. Баъзида отамни кўришгани қўшнилар чиқиб қолишарди. Бундай пайтларда отам юзини одеял остига яшириб оларди-да, анча тузук бўлиб қолдим, деб тўнғиллаб кўярди. Бироқ 11 февраль куни эрталаб, бирдан оёқларининг шишиб кетганига кўзим тушиб қолди. Водопровод колонкаси олдида қўшнимизни учратиб қолиб, бунингга айтдим.

— Вой, аҳвол! ёмон экан бўлмаса! Беморнинг оёғи шишса, ўзи юзини беркитса, демак, дарди оғир экан. Нима бўлса ҳам, албатта, доктор чақир,— деб маслаҳат берди у.

Шу заҳоти, уйга кирмасданоқ, тепа орқасидаги ўша бузилиб кетган дугонамнинг қариндошлари олдида югурдим, бўлган воқияни уларга айтиб, уч юз иен қарз олдим. Отамга ҳеч нарса демай, врач чақирдим.

Врач отамни кўрди, укол қилди-да, кетишга тараддудланди. Лекин мен унинг орқасидан бориб, отамнинг касалини сўрадим. Врач менга шунчалик кутилмаган жавобни айтдики, оёқларим қалтираб кетди. Сил экан... Унинг сўзига қараганда, отамнинг бир ҳафталик умри қолибди. Сил-а! Наҳотки, отам шу даҳшатли касал билан оғриган бўлса?... Ўзи ҳам, биз ҳаммамиз ҳам фақат нафаси қисади деб ўйлардик. Шу сабабли ҳеч биримиз ҳам ўзимизни эҳтиёт қилмаган, бир идишдан овқат еб, бир тўшакда оёқма-оёқ ётардик — чунки тўшак етишмасди. Кичик укам бўлса доим отам билан бирга ётарди...

Шу кечадан бошлаб отамнинг жойини бошқа қилдим, уни катта хонага ётқизиб, ўзимиз эшик ёнидаги кичик хонага жойлашдик. Идиш-товоқни ҳам бошқа қилдик. Врач креозол сотиб ол, деб маслаҳат берди, аммо ортиқча пул

қайда дейсиз. Отамнинг идишини алоҳида ювиш билан чекландим, холос.

Эртаси кун отам Саяма-санни чақириб келишга буюрди. У билан нима тўғридадир гаплашмоқчи бўлиб қолибди. Саяма-сан ўзи ишлаётган завод яқинида турарди, қор бўрон бўлишига қарамай, унинг олдида чопдим. Бахтимга овқат вақтида келибман, у шу заҳотиёқ бизникига югурди.

Отам жуда қувониб кетди.

— Шамолдай учибди Утако,— деб гудранди у.

Улар йиғма тўсиқ орқасида нима тўғридадир секин-секин сўзлашдилар, гарчи гапнинг нима тўғрида бораётганини эшита олмасам ҳам, юзларим оловдек ёнарди.

Абасиридан қайтганимдан кейин ҳам қашшоқлик ва касалликдан уйимиз ёримади. Ишим илгаригидан ҳам кўпайди, мен ҳам касал боқар, ҳам парда тўқир эдим. Шундай бўлса ҳам ҳар доим қалбимда Саяма-сан учун жой топиларди. Унга бўлган муҳаббатим менинг бирдан-бир таянч ҳамда овунчоғим бўлиб қолган эди. Уни эсладим бас, ҳар қанча даҳшатли офат ҳам мен учун писанд эмас! О, у ҳар доим шу ерда, ёнимда эди...

Бир оздан сўнг тўсиқ сурилиб Саяма-сан чиқди. Лекин унинг бир минут ҳам ортиқча вақти қолмаган эди. У шошиб гэтасини оёқларига илди-да, ишига чопди, фақат чўнтагидан минг иенлик пулни олиб узатиб: «Маза-лироқ бир нарсасотиб ол!»— дейишга улгурди.

У кетгандан сўнг отамни шундай йўтал тутдики, ҳатто кўрпа ҳам устида турмай, сурилиб тушди. Сўнг бир оз енгил тортди ва тилга кирди:

— Шунча ташвишга солганим учун мени кечир. Бир ҳафтадан ортиқ умр кўрмасман энди.

Бу сўзларни эшитгандан сўнг ўзимни тутадим, унинг олдидаёқ ҳўнграб йиғлаб юбордим.

— Отажон, нега ундай қўрқинчли сўзларни дейсиз! Қўйинг, тезроқ тузалиб кетинг. Мана, ҳадемай укам дурадгорликни ўрганиб, қаторга кириб қолади,— деб энди сўз бошлаган эдим, у бўлса:

— Йўқ, мен умрим тугаётганини биламан, мени саранжом қилиб бўлиб қирқ тўққиз кун кут, шу муддат ўтиши билан Саяма-санга куёвга чиқ, бахтли бўлинглар,— деди.

Гап шу ерга келганда у яна бўғилиб, йўтала бошлади. Афтидан, Саяма-сан билан гаплашган вақтда толиқиб қолган кўринади.

Бир нафас мизғиб олсин деб, юзидаги терларини артдим-да, ташқари чиқмоқчи бўлдим. Лекин шу пайт отам мени чақириб қолди:

— Яқинроқ кел, ўтир. Саяма-сан жуда яхши йигит... Бугун биз ҳамма гапни гаплашиб қўйдик, энди мен бемалол кўз юма оламан. Йигирма уч йиллик умрингда озмунча кулфат тортмадинг, эндиги умринг бахтиёр ўтади, бир-бирингга жуда мос тушгансизлар, уни иззат қил...

Йўтали босилган пайтларда отам ўз укаси — амакимизга хат ёза бошлади, хатида катта ўғилларим ўзини эплайдиган бўлиб қолди, энг кичкинасини ўз тарбиянгга ол, деб илтимос қиларди. Бу амаким бир вақтлар устага шогирд тушиб, уйларни безатадиган қўғирчоқ ясашни ўрганиб олган эди. Кейин ўзи мустақил иш юрита бошлади, аммо уруш вақтларида жуда қийинчилик тортди, фақат уруш тугагандан кейин амакимнинг ҳунари гуллаб кетди. Энди у шундай яхши яшардики, Бон ва янги йил байрамларида ҳатто бизга ҳам унча-мунча пул ва баъзи бир хил кийим бош жўнатиб турарди. Биз амаким билан жуда иноқ эдик.

— Кўринишдан, Харуо анча инсофга кириб қолганга ўхшайди,— деди отам,— энди ундан ташвишим йўқ, бордию яна йўлдан озса, барча умидим Саяма-сандан — бошқа ҳеч ким ёрдам бера олмайди.

Кейин отам кўзларини юмди ва калта-калта нафас ола бошлади, унинг томоғида худди бир нарсa тикилиб турганга ўхшарди.

Кечқурун кенжа укамнинг келишини кутиб турдим-да, кейин отамга бирор мазалироқ нарсa топиб келгани шаҳарга югурдим. Эҳтимол, бунинг энди нафи ҳам йўқдир, лекин қандай бўлмасин мен унга бирор мазалироқ нарсa олиб келгим келарди. Консерва, сакеда¹ сиркаланган сабзавот, мандарин, тухум харид қилдим. Саяма-сан тортиқ қилган минг иендан ҳеч нима қолмади. Кечки оқат вақтида ҳамма ширинликларни унинг олдига қўйдим. Аммо у буларнинг ҳеч бирига ҳам қўл урмади. Руҳим тушиб кетди. Отам ҳадеб шарбат ичишини қўймас, кружкалаб фақат ўшандан ичарди.

Хат орқали отамнинг оғир касаллиги хабар қилингандан кейин икки кун ўтгач, амаким билан фукусималик

¹ Гурунчдан тайёрланган япон ароғи.

аммам етиб келишди. Амаким бемордан бирор нарса ейсанми, деб сўраган эди, у кутилмаганда угра оши бўлса ичардим, деб қолди. Аммам дарҳол овқат пиширишга киришди. Ҳаммани ҳайрон қилган нарса шу бўлдики, отам бир йўла уч коса угра ичиб юборди. Қариндошларимизнинг кўнгли бир оз таскин топди. Иштаҳаси ёмон эмас, бу аҳволда бемалол кузгача яшай олади, дейишди. Шу кеча тунаб қолиб, эртасига жўнаб кетишди.

Кўп ўтмай Саяма-сан келди. Икки кунга қишлоққа кетаётганини айтиб, шу ондаёқ вокзалга йўл олди.

Уша кун кечқурун Харуо келди. У жуда чарчаган, тез-тез кечалари ҳам ишларди. Отам билан уч-тўрт оғиз гаплашди-да, ухлашга ётди.

Соат ўнларга яқин биз ҳам укам билан ишни йиғиштириб, эртароқ чўзилишдик. Кўзим уйқуга кетмаган ҳам эдики, отамнинг овозидан уйғониб кетдим:

— Утако, Утако!— деб чақирарди отам.

Мен шу заҳоти ўрнимдан сакраб турдим. Чанқаган бўлса керак деб ўйладим.

— Нафасим бўғяпти. Врачга бориб келинглар, укол қилсин, балки бир оз енгиллашарман. Вой, мадорим қуряпти! Вой! — деб ингради у.

Шу ондаёқ укаларимни турғаздим. Биринчи врачга, Харуони эса синглимникига юбордим.

Минут сайин беморнинг аҳволи оғирлашиб борди. У оёқлари билан кўрпани тепиб ташлар, аъзойи бадани титраб, ҳадеб инқилларди. Врач ҳамон келмасди, биз эса унинг заррача бўлса ҳам дардини енгиллатишга ожиз эдик. Мана оғриқ бир нафасга тўхтади, отам қўлини одеял остига тикди-да, ундан минг иенлик қоғоз олди.

— Бу мени кўргани келганлардан. Мен ўляпман, пул сенга керак бўлади.

Шу аснода врач кириб келди, укол қилди. Отам бир оз енгиллашгандай бўлди.

— Икки соат яшаса ҳам катта гап,— деди врач ва чиқиб кетди.

Боласини опичлаб синглим етиб келди, кетидан куёвимиз келди. Иккаласи ҳам қорга ботган эди.

Сал ўтмай, беморнинг дарди яна кучайди. Биз даҳшатда унинг атрофини қуршаб олгандик.

Унинг кўзи бир лаҳза менга тикилди, ўнг қўлини силкди. Бу билан гўё: «Энди бошқа гапим йўқ», — дэмоқчи бўлгандай эди.

Ўнгирма минутлардан сўнг отам оламдан ўтди. Мен бутунлай ҳушимни йўқотиб қўйдим. Ҳамон марҳумнинг ёнида, унинг юзига термулганимча турардим. Укаларим билан синглим ҳам қатор тизилишиб йиғлашарди. Отам азоб билан жон берди. Лекин энди унинг юзи осойишта, унда ҳеч қанақа азоб-уқубатнинг асари ҳам қолмаганди.

Кечаси соат иккилар эди, ташқарида қор бўрони уларди. Қоронғи, узун ва ваҳимали қиш кечаси. Нақ тоғ бағрига чўзилиб борган, қор босган уйларнинг бирор тасида ҳали йилт этган чироқ йўқ.

IV б о б

Дафн маросими ўтгач, қариндошлар жўнаб кетишди. Бурчакда меҳробда отамизнинг номи ёзилган янги ёғоч тахтача пайдо бўлди.

— О, бечора отамиз энди тинчгина ётгандир! Охири, азоб-уқубатлардан қутулди!— деб юбордим. Кўз ўнгимда ниҳоят тинчиган отамнинг осойишталик акс этиб турган юзи намоён бўлди, гўё у ўз уқубатли ҳаётининг тугаш дақиқаларини зориқиб кутгандай эди. Бу хотиралардан юрагим қайғу ва ҳасратга тўларди...

— Эҳ, одам ўлгандан кейин дўзахга тушади дейишарди. Биздақа камбағалларга бунинг нима дахли бор? Биз шундоқ ҳам тириклайин дўзахда адо бўляпмиз... — деб тўнгиллаб қўйди дурадгор укам, хўрсиниб.

Оиламиз қишлоқдан қочиб келгандан то отамиз вафот этгунга қадар ўн йилдан ортиқроқ вақт ўтганди. Ўн йилдан ортиқ умримизни мана шу посёлкада кечирдик. Ҳар бир оиланинг тақдири ҳар хил эди, албатта, лекин қайси бир қўшни уйни олиб қараманг, ўз қайғуси, ўз алами бор эди. Аравакаш қўшнимизнинг хотинини ўпка шамоллаш касали гўрга тикди, улардан бир уй нариги қўшнимиз эса, бундан ҳам ёмон кунга тушди: уй хўжайкасининг ёши ҳали қирққа ҳам тўлмаган эди, лекин боёқиш ҳомиладорлик вақтида ҳам заводдаги ишини ташлаш имконига эга бўлмади. Бир кун оғир юк кўтариб қўйганми ё тўлғоқданми, ишқилиб, кечаси зарурият билан ташқарига чиқмоқчи бўлганда, эшикни очишга ҳам улгурмай, шундоқ сочилиб ётган шох-шаббалар устига боласини ташлаб юборган. Янги туғилган боланинг нима жони бўлади дейсиз? Бир неча соат ўтар-ўтмас боласи

ўлади. Онасидан қаттиқ қон кета бошлайди, юраги за-
ифлашади, икки ой ўтар-ўтмас чақалоқ кетидан ўзи ҳам
нариги дунёга сафар қилади.

Шу уйдан бир оз нарироқда бир балиқчи яшайди. Бир
куни портга пароход келиб, юк тушира бошлабди.
Нима бўлибди-ю, ўнг қўли -сигма ўралиб, тирса-
гини бутуилай янчиб кетибди. Балиқчинини врачга олиб
боришибди, у эми — демини қилган, лекин шу-шу қўшни-
мизнинг ўнг қўли ишга яроқсиз, бармоқ бўғинлари бир
умр бадбуруш ва ҳаракатсиз бўлиб қотиб қолди. Балиқ-
чилик касбинини ташлашга тўғри келди; энди гоҳ ўрмонда
ўтин тайёрлашга, гоҳ қурилиш ишларига ёлланиб
юради.

Рўпарамиздаги бараклардан бирида яшовчи бир аёл
қандайдир дард билан, афғидан, бачадон раки билан
оғрибди. Бемордан шунақа бадбўй ҳид тарқалар эдики,
уларнинг уйи ёнидан ўта туриб буруннингни беркитмаслик-
нинг иложи йўқ эди. Аммо болалар болалигини қўймас-
ди. Уй ёнидан ўтганда бурунларини ушлаб, овозлари-
нинг борича: «Сассиқ сассиқ!»— деб атайин бақириб
ўтишарди. Бу хотин бир неча ойдан бери ўрнидан қўз-
ғалмай ётарди. Бир куни мен уни кўргани бордим. Ле-
кин унинг гапиришга ҳоли етмасди! Ётганича ҳадеб вой-
войларди, рангига қараб бўлмасди. Шундан уч-тўрт кун
кейин ўлди.

Нарироқда, бизнинг қаршимизда, яна бир касал яшар-
ди. Айтишларига қараганда, унинг умуртқа суягидан оқ-
ма бўлган экан. Унга хотини билан ўн олти яшар ўғли
қарарди. Баъзида уйи ёнидан ўтиб келсанг, боёқиш ос-
тонада ўтирган бўларди: худди хода ютган кишидай бе-
ли сира эгилмасди, кўзларини ерга тикиб, тараша май-
далаб ўтиради. Албатта, унинг кўриниши ажаб, ғалати
эди. Шу туфайли жаҳлига тегманглар деб болаларга минг
уқтирсак ҳам, барибир унинг ёнидан ўтаётиб тегажоқ-
лик қилишини қўйишмасди. Нима ҳам қила олардинг!

Бошқа уйларда ҳам ўзига яраша дарди бор эди: бири
сил адо қилган ўғлини дафн қиляпти. Бировнинг қизи
беақл бўлиб ўсяпти, бу наслий захмининг оқибати бўлса
ҳам ажаб эмас, албатта. Йўқ, бирор қайғуси бўлмаган
оиланинг ўзи йўқ.

Саяма-сан отамнинг ўлгани тўғрисида ҳеч нарса бил-
масди. Дафн маросимидан икки кун ўтгандан кейин кел-
ди. Остона ҳатлаб ўтмасданоқ уйимизда рўй берган

бахтсизликин дарҳол фаҳмлади. Мен эса... Саяма-санга таъзим қиларканман, тиззаларим ерга тегар-тегмас кўзларимдан дув-дув ёш оқиб кетди. Хўнграб-хўнграб, фарёд солиб йиғладим. Бутун доғи-ҳасратим янгидан туғён уриб келди. Агар Саяма-сан бўлмаса, балки бунчалик йиғламасмидим.

У қўлларини секин менинг елкамга қўйди.

— Эртами-кечми ахир бир кун ота-онамиздан жудо бўлишимиз турган гап. Мана мен ҳам ўн тўққиз ёшимда отамдан ажраганман.

— Лекин мен отамга жудаям ачинаман,— Саяма-санинг қўлларини елкамда ҳис этиб яна ҳам кучлироқ йиғлаб юбордим.

— Отанг оғир ҳаёт кечирди. Лекин, Ута-тян, бундан кейин биз бахтиёр бўла олсак, бу марҳумни қувонтиради.

Саяма-сан бошим устига эгилганича менга тасалли беришда давом этарди.

— Мен бир камбағал кишиман. Ҳатто дурустроқ ишим ҳам йўқ. Аммо, Ута-тян, сени бахтиёр қилиш учун бор кучимни аямайман, бас қил энди, тинчлан... Уйда онам билан гаплашиб келдим, ундай бўлса, баҳорда қайлигингни олиб кел, кўрай деди,— деб тепамдан энгашиб пичирларди у ва ёш қуйилган юзларимга термударди. Тепамда туриб, менга тасалли бераётган йигитнинг илиқ, юмшоқ нафасини сезиб тураман, бу менга ҳарорат ва тетиклик бағишлади.

Икки-уч кун ўтди. Март ойи бўлса ҳам, эрталаб сув бочкаларининг бети бир энлик музлаб қоларди.

Отамнинг ўрин-тўшаги ва бошқа буюмлари йиғиштирилиб олинган, уйимиз ҳувиллаб, аллақандай совуқ бўлиб қолди. Мен тез-тез совқота бошладим. Кечқурунлари аъзои баданим жимирлашиб қолар, рўпара келган нарсани эгнимга олиб олардим; кейин оловдай ёна бошладим. «Ахир, аллақачон ишга чиқишим керак эди!»— деган ўй бошимдан кетмасди. Лекин ўзимни аллақандай ғалати ҳис этардим. Нафас олишим оғир, нотекис бўлиб қолган, қимир этиш малол келарди. «Балки чарчаганимдандир; отам касаллигида толиққанман»,— деб ўйлардим. Кечалари уйқусизлик безор қиларди. Баъзида «сил касалига йўлиққан бўлмай яна» деган ҳаяжонли фикр қўрқитиб юборарди, қўрққанамдан титраб кетардим.

Саяма-сан ҳар кун келиб турарди, лекин мен ҳеч қандай хавф йўқ деб, бу тўғрида унга индамасдим. Аммо

ташвишли фикрлар мени тинч қўймади, бир куни Саяма-сан тушлик овқатга келганда, унга ўз ташвишимни айтдим.

— Балки чарчаганликдандир, лекин ҳар ҳолда врачга кўринганинг дурустмикин деб ўйлайман,— деди Саяма-сан.

— Шундай-ку, аммо амаким билан аммам пулдан қарашмаганда, ким билади, отамни қандай дафн қилардик. Докторга пулсиз бориш эса...

— Бу тўғри, албатта. Аммо саломатлик билан ҳазиллашиб бўлмайди! Пуллик врачга бўлмаса, санитар пунктига бориш ҳам мумкин. Эртага менинг дам олиш куни, бирга борамиз,— деди у.

Бахтимизга эртаси куни ҳаво очиқ бўлди, шамол бўлмади. Саяма-сан билан бирга санитар пунктга жўнадик. Бу ер одам билан лиқ тўла, шовқин эди. Менга нақ бир соатдан кейин навбат келди.

— Демак, отангиз сил касали билан оғриган, шифоланмаган, то умрининг охиригача оила билан бирга яшаган? — деб қайта-қайта сўради врач.

— Шундай, лекин биз унинг сил касали билан оғриганини хаёлимизга келтирмаганмиз-да.

— Бай-бай-бай! Ана иллат! Балки ётар жой ҳам, идиш-товоқ ҳам бир бўлгандир?

— Шундай, фақат ўлимидан бир ҳафта олдингина чора кўрдик, аммо...

— Тушунарли!.. Бундай ҳолатдан санитар пунктимизнинг уялиб қолишдан бошқа иложи қолмайди,— деб истеҳзо билан кулди врач, суҳбатимизни диққат билан тинглаб ўтирган ҳамшира аёлга қараб.

Ҳаётимда биринчи марта рентгентга тушишим эди. Мен қўрқиб юрибман, бунга одатдаги расм олдиришдан ҳам оз вақт кетар экан. Кейин бармоғимдан ҳам қон олишди, анализ қилгунча кутиб туришни буюришди.

Қабулхонада Саяма-сан мени хавотирланиб кутиб турарди.

— Нима дейишди?

— Ҳозирча номаълум. Бир оз кутиш керак, анализдан кейин маълум бўлади.

Биз шу ердаги стулга ўтирдик. Атрофимиздаги одамлар доим янгиланиб турарди — бир хил касаллар кетар, бошқалари кириб келар.

— Врач нима деркин...— Ҳаяжоним тобора кучайиб борди. Ҳаммадан кучлироғи ҳаётимда биринчи марта вужудимни шунчалик зўр куч билан чулғаб олган муҳаббат ҳисси эди. Мен дунёда ҳамма нарсадан қимматлироқ бўлган она муҳаббатини билардим, отамга, бобомга, бувимга, укаларимга бўлган муҳаббатнинг нималигини билардим — бу ҳиссиётларнинг ҳаммаси менинг қалбимда яшарди, улар менинг юрагимда аянчли хотиротлар уйғотарди. Аммо ҳозиргиси алланечук бошқача эди. Саяма-сан билан танишганимдан бери икки-уч ой ўтди, бироқ унга бўлган оташин муҳаббатим назаримда ҳозиргача юрагимда яшаб келган барча ҳиссиётларни сояда қолдирди. Ҳозирдан бошлаб мен ўзимни, у билан учрашгунга қадар дунёда яккаю ёлғиз эканман, ҳеч вақт ҳеч ким мени севмаган экан, деб ҳис эта бошладим. Бу муҳаббат ҳаётимни ёруғ нур билан тўлдирди, олэв ёқиб, меига ҳарорат бағишлади.

— Қасаллар жуда кўп узоқ кутишимиз керак бўлди. Биласанми, Ута-тян, кампир жуда хурсанд бўлди. У сени тезроқ келсайкан дейди,— деб пичирларди Саяма-сан.

— О! Шошилмайлик... Менинг кимоном ҳам йўқ-ку!— деб кулдим мен, унга жавобан.

— Қизиқсан-а? Унгача олиб бераман, ҳали.

Айни шу пайт мени чақириб қолишди: «Ямада-сан, Ямада Утако-сан!» Шошиб ўрнимдан турдим.

Мени яна ўша ёш врач кутиб олди.


— Бронхаларингиз унчалик яхши эмас, ором талаб қилади. Қон анализи ҳам кўнгилдагидай эмас, икки-уч ой ётишингиз керак бўлади. Шунингдек, яхши овқатланиш керак, шунда ҳаммаси жойига тушиб кетади.

«Бронха... бу нима дегани ўзи? Эҳтимол, сил дегани шудир. Йўр-э, бронха бўлса, балки енгилдир, ўтмагандир... Йўғ-е, сил эмасдир...» Хонадан мана шу аҳволда нима касал эканимни дурустроқ тушуполмай чиқиб кетдим.

— Бронхам яхши эмас экан. Лекин бу ҳали сил касал эмасдир,— дедим мен, Саяма-санга.

У бошини қуйи солганча тингларди.

— Ҳим, нима қилиш керак? Менинг ўзим ҳам бу тўрида ҳеч нима тушунмайман. Кириб яна бир сураб чиқа қол,— деб маслаҳат берди у. Бироқ барибир кирмадим.



Ўзингни эҳтиёт тут, шунда бари ўтиб кетади дейишади-ку, ахир.

Шундай қилиб, уйга қайтиб келдик.

Ўшандан кейин ўн кунча қимирламай ётдим, ўрнимдан кам турардим. Ишламай, фақат овқат еб ёта бердим — бундай ҳолат ҳаётимда биринчи марта юз бериши эди. Кун оша санитар пунктга бориб турдим. Лекин баъзида пул бизни шу қадар қийнаб қўярдики, даволаниш тўғрисида ўйлашнинг ҳам иложи йўқ эди.

Эрталаб тураман, деразаларни очаман, майин илиқ баҳор ҳавоси хонани тўлдиради. Саяма-сан келиб турди. Ишининг кўплигидан мен истаганча тез-тез келолмаса, сурункасига уч кун келмай қолса, мени дарҳол ғам босарди. Чинакамига аччиғим чиқай деб турганда, тўсатдан келиб қолади, — останада ноқ: «Олхўри гуллабди!» — деб қичқириб кириб келади. Қўлида қаердандир йўл-йўлакай синдириб олган бир неча шохча. Сиркадан бўшаган шишага олхўри гулини солиб қўйишим биланоқ, қурум босган хона, титилиб кетган бўйралар бутунлай бошқа тусга кириб кетади, чиройлироқ бўлиб қолади.

Баъзида Харуо келиб, уйда тунаб кетарди. Бу тузалмасдай кўринган, йўлдан озган укамнинг энди бир оз ҳуши жойига келгани, ўзининг ярамас дўст-ёрларидан йироқлашганидан далолат бергандай эди, аммо шундан бошлаб у шу қадар ўйчан, индамас бўлиб қолдики, бундан қўрқиб қолдим. Харуо деярли бутун вақтини корейс қишлоғи Сакумада ўтказар ва ўша ердаги гуручли конфет тайёрлайдиган устахонада ётиб қоларди. Бу иш, албатта, уни ҳеч бир қониқтирмас эди. Ёшлик пайтида у жуда яхши ўқиган бўлиб, ягона орзуси коллежга кириб, билим олишни давом этдириш эди. Энди у қаёқда, бунинг ўрнига бутун округга ёмон ном чиқарди. Ҳатто ҳозир ўзи ишлаб турган жойга ишга кириш ҳам осон бўлмади, таниш-билишлар ёрдам беришди. Харуо инда-

мас, доим қош-қовогини солиб юрадиган бўлиб қолди. Иш унинг кўп вақтини оларди. Туни билан печь ёқиб чиқар, кундузи эса ҳар хил шаклда тайёрланган ширинликларни қогозга ўраб, сотишга олиб чиқар эди. Уйга келгач, ҳар сафар ҳориб-толганидан шикоят қиларди. Гап фақат унинг қониб ухлай олмаслигида эмасди, қандайдир бир хаёлнинг унга азоб бераётгани аниқ эди.

Баъзида Харуо бирдан:

— Опажон, тўйдим бу дунёда яшашдан!— деб қоларди.

Бундай пайтларда мени даҳшатли ҳаяжон ҳислари чулғаб оларди.

Бир куни кечқурун укам бу ишда ишлашдан ҳеч қанақа наф йўқлигини ва янги жойга ўтмоқчи бўлганини айтди. Нима бўпти, бунда ҳеч қанақа ёмонлик йўқ, лекин бунини, бу янги ишни қаердан топади? Замон шунақа эдики, у тугил, расмона ишчилар ҳам тузукроқ иш топишолмасди. Шу сабабдан Харуони ҳали ҳозирча тура туришга, сабр қилишга ундай бошладим. Эртаси кун эрта билан яна индамай ишига кетди.

Уйимиз орқасидаги адирга чиқишингиз билан қўшни адирлар, атрофдаги кўчалар бўйлаб экилган олхўриларнинг гуллаб ётгани, шаҳар манзараси очилар эди. Ёлғиз менинг кўнглим ғаш, ҳеч нарса кўнглимга сиғмас эди. Чунки мен ҳалигача ўзимга кела олмасдим. Бу ўзимни жуда ёмон сезаётганимдан эмас, асло ундай эмасди, менинг илгаригидай қувватим йўқ эди, мен қандайдир заиф, ишёқмас бўлиб борардим...

— Эсингдами, баҳор келганда, ойнинг олдида бормоқчи эдик, қайда дейсан!..— дердим ҳасрат билан Саяманга.

— Хафа бўлма, улгурамин ҳали. Бир оз тузалиб олгин-чи,—деб кўнглимни кўтарди у.

Ахир, мен умрбод қўл қовуштириб ўтира олмайман-ку? Харуо ҳозирги ишида жуда оз пул топар эди, ўртанча — дурадгор укамнинг топгани ўзидан ортмасди.

Худди шу пайт қўғирчоқсоз амакимиз келиб қолди.

«Бир чора топиш керак»—деган қарорга келдим.

— Отасиз ҳолингиз не кечдийкин деб, бир хабар олгани келдим,— деди у.

— Отамиз ўлгандан кейин, биздан хабар олишар, деб кутмаган эдик.

— Нима, нима! Наҳот шундай деб ўйласанг?— деди амаким тамақисини тўтатаркан, ўчоқ бошига ўтириб.

Носоғлигимни билгач, кўнглимни кўтара бошлади. Чарчоғинг босилгандан сўнг ҳаммаси ўтиб кетади, деб таскин берди. Гап Саяма-сан тўғрисига кўчганда:

— Бўлмасам-чи, отанг ўлими олдидан ёзган хатида бу тўғрисида менга хабар берганди. Утако — яхши қиз, у бахтини тспди деб ёзганди.

Ҳаял ўтмай укаларим келишди. Кечки овқатдан кейин оиламизга тааллуқли ишлар тўғрисида узоқ муҳокама юритдик. Иложимиз қанча, агар яқин орада ишга жойлашолмасам, оч қолишимиз турган гап. Бу ҳаммага ҳам маълум эди.

Амаким қариндошларимиз борликка бору, уларнинг ёрдамига умид қилиб бўлмайди, чунки уларнинг ўзлари аранг рўзғор тебратиб турибдилар. Амаким роса ўйлаб кўриб, охири шундай маслаҳатни берди:

— Мана бундай қилсак. Жойингиз бор, аммо бунда фақат ўсмир болалар билан битта аёл туради. Қўрқинчли бўлмасин учун Саяма-санни шу жойга кўчиб келишини илтимос қилсак, нима дейсизлар?

У, албатта, уйни ижарага қўйишни кўзда тутган эди, чунки бизнинг тўйимиз фақат мен соғайиб кетганимдан кейингина бўлиши керак!

— Амакиларингиз бўлса, ҳозирча тўйга совғалар тайёрлаб туринг деб, қариндошларни бундан хабардор қилиб қўяди. Ха-ха-ха!.. Чунки Утака болалик чоғидан бери оиланинг таянчи бўлиб келган!— дерди у. Ичимизда бирдан бир чинакамига хурсанд киши ҳам шу амаким эди.

Амаким тунаб қолди, кўзи уйқуга кетган ҳам эди, лекин бирдан нимадир эсига тушиб, ўрнидан турди, тугундан газетага ўралган бир нимани ола бошлади.

— Отанг ўлгандан кейин балки сиқилиб қолгандирсан деб ўйлаб, мана шу қутичани қўғирчоғи билан олиб келгандим. Ўзим ясаганман!

Олдимга келин ва куёв шаклида ишланган чиройли қўғирчоқларни қўйди. Мен уларни ўчоқ ёнидаги токчага қўйдим, хонада ўзимдан бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам, юзларим лоладай қизариб кетди.

Эртасига Саяма-сан келди. Уни амаким билан таништирдим, ўзим ҳам ёнига келиб ўтирдим.

Саяма-сан кам гапирарди. У фақат амакимнинг сўзларини маъқуллаб бош ирғитиб ўтирарди, холос, аммо гап унинг бизникига кўчиб келишига кўчганда, у бир оз қизариб олди.

— Шуниси ёмонки, корхонада иш камайиб кетяпти. умуман ёмон ҳақ тўлашади. Ҳозир қандай қилиб ўзимни боқишга ҳам ҳайронман,— деди у, шошиб қолиб.

Шунда лоп этиб миямга бир фикр келиб қолди.

— Савдогарчилик қилган яхшимасми? Қишлоққа балиқ олиб бориб, у ердан гуруч олиб келинса? Мен ҳозирча ишлай олмайман, гуруч сотишга эса ёрдамлашаман.

Биз шу қарорга келдик. Амаким озгина вино келтир тирди. Саяма-сан анча ёзилди. Ўша куннёқ кечқурун амаким жўнаб кетди.

Саяма-сан бизникига бир кундан кейин, 20 апрелда кўчиб келди. Оқшом пайт эди, мен бекорчиликдан боқ-қол дўкони ёнида айланиб юрардим, бирдан тепалик чўққисига чиқиб кетадиган йўлда яп-янги велосипед пайдо бўлиб қолди. У кечки қуёш нурларида шундай ярақлардики, кўзинг қамашарди. Эгарига тугун ва чоғроқ бир корзинка боғлаб қўйилганди.

Хонанинг каттароғига укаларим билан Саяма-сан жойлашиб олишди, мен эса кичкина хонага кўчиб ўтдим. Пулга шу қадар муҳтож эдикки, мен ундан овқат ва жой учун олти минг иен олишга мажбур бўлдим.

Келаси кунданоқ савдо бошланди. Эрталаб соат олтида Саяма-сан балиқ сотиб олгани бозорга жўнади, кейин уни сотиш учун шаҳардан бир ярим соатлик масофадаги ўз қишлоғига йўл оларди; у ёқдан бўлса гуруч олиб келарди.

— Мана шунинг учун шу велосипедни олдим, савдогарчиликка ҳаммаси бўлиб олти минг иен пул қолди,— деди кулиб ва йўлга равона бўлди.

Саяма-сан эрта саҳар кетар ва кечки овқатга қайтиб келарди. Мен у билан фахрланардим. У ҳам бизнинг оила билан жуда тез опоқ-чапоқ бўлиб кетди, укаларимдан унча тортиниб ўтирмади. Гуручга келсак, унинг хабари фақат қўшнилари ўртасида эмас, балки ундан нарироққа ҳам, бутун округга ёйилиб кетди, харидорлар сон-саноксиз эди.

Беш-олти кун ўтди. Харуо уйда эди.

Саяма-сан қишлоғида тунаб қолажағини айтиб, ба-
лиқ сотгани кетди.

Биз ҳар сафаргидай жимгина ўтириб, кечки овқатни
еб олдик, кейин учала укам ухлагани ётди.

Мен ҳам ошхонани йиғиштириб, эртaroқ ётмоқчи
бўлдим.

Бирдан йиғма тўсиқ очилиб, Харуо кириб келди. У
ўчоқ бошига келиб ўтирди, бир оз жим тургач:

— Бас, бу дунёда ортиқ яшашни истамайман...—
деб қолди.

Мен унга ҳайрон бўлиб қарадим, бироқ у бир нуқ-
тага тикилганича, менга заррача ҳам эътибор бермай
ўтирарди.

— Бир кун бобом ёки отамга ўхшаб қариймиз-у, ўлиб
кетамиз, бир кун ёруғлик кўрмаймиз! Бундай ҳаётнинг
маъноси нима ўзи?

Мен укамга тушунолмасдим. «Ҳаётнинг маъноси»!
Бу нима дегани ўзи? Ҳар нарса тўғрисида ўйлай берсанг,
томоғингдан овқат ҳам ўтмай қолади-ку!

— Бундай фикрлар билан ўзингни қийнаб нима
қиласан? Биласаним, Харуо, бу камбағалларнинг иши
эмас. Агар улар кўзи тиниб кетгунча меҳнат қил-
масалар, очдан ўлишга тўғри келади,— дедим мен,
унга.

— Нима бўлса ҳам камбағаллик, камбағаллик дея-
веринглар! Камбағалликни кўргани кўзим йўқ! Шайтон-
ларга ем бўлсин ўша камбағаллик! Наҳотки, менинг
гуноҳим шунда бўлса? Ҳамма бало шундаки, мен қаш-
шоқ уйда туғилганман. Яшашни истамайман, менинг
ўлишим керак...

Бошимдан совуқ сув қуюлгандай бўлди. Унга бир
нима деб жавоб беришим керак, аммо фикрларим чува-
лашиб, бирор ўринли сўз тополмасдим. Нима қилиш
керак?.. Қўшни хона жимжит, ака-укалар маст уйқуда,
Харуога талай сўзларни айтгим келарди, лекин аксига
олиб, нимадан бошлашни билмасдим. Йўқ, Харуо ҳақ
эмас! У қаердадир, нимададир қаттиқ хато қиляпти.
Бироқ мен ўзимни йўқотиб қўйганимдан бунини қандай
қилиб яхшироқ тушунтиришимни билолмайман. Демок-
чи бўлганларим балки ҳозир ўринсиз ҳамдир, лекин шун-
дай бўлса-да, мен унга бундай дедим.

— Харуо, пешонангга ёзгани шу бўлгандан кейин,
нима ҳам қила олардинг? Аммо иложи борица ўзингни

тутишинг, чидашинг керак. Ҳаётдаги бутун одамларнинг турмуши доим яхши бўлавермайди, ҳеч ким ёлғиз ҳузур ҳаловатда яшмайди-ку, ахир, аммо чидашади!— дедим ёлвориб.

— Тўғри, опагон, аммо сенинг Саяма-санинг бор, уни жонингдан ҳам азиз кўрасан, шунинг учун сенга яхши...

Бу сўзлар менга жуда таъсир қилиб кетди. Э-э, гап бу ерда экан, шўрлик укам! Харуо ёлғиз, шунинг учун гапгин экан.

— Саяма-сан, Саяма-сан бор дейсан. Бироқ менга ҳаммангиз ҳам азизсиз: синглим ҳам, Харуо ҳам, Цунэо ҳам. Бари бирдай азиз менга, ахир шундай эмасми?..

Укам индамасди. Қўшнилардан қайси бири ҳам олиб чиққан битта гуруч нон эсимга тушиб, уни тоқчадан олиб келдим. Чой совуб қолган эди. Шундай бўлса ҳам икки пиёла ичди. Нонга қўлни ҳам теккизмай, секин ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Мен ўтирган жойимда ҳозир бўлган гапларни ўйлаганимча ўтириб қолдим. Ётмасдан аввал: Харуонинг ухлаган-ухламаганини билиш учун парда орқасига кўз ташладим. Лампочка уйни хирагина ёритиб турарди. Харуонинг кўзлари юмуқ, киприкларида эса ёш йилтирарди.

Уйқум келмади, бошимда Харуо тўғрисидаги фикрлар ғужғон ўйнади. Мен уни тушунолмай гаранг эдим, аммо унга раҳмим келарди, юрак-юракдан ачинардим. Иш жонига теккан... Ҳаётда маъно йўқ... йўқ, мен ҳеч қачон бундай масалалар устида ўйлаб кўрмагандим. Яшаш учун меҳнат қилиш керак эди, ҳеч вақт ҳаётнинг маъносиз эканини кўрмагандим, ўз айбим билан камбағалманми деган хаёлларга бормасдан меҳнат қилардим. Нима қилай, қашшоқлик менинг ҳам жонимга теккан, мен ҳам ундан хориж бўлишни хаёл қиламан, кошки эди бир оз бўлса ҳам орқамга офтоб тегса! Бироқ мана шу доимий, ажралмас бечорачилик билан мурсо қилиб яшашга тўғри келарди. Ахир, мен аёл кишиман, аёллар эса тездаёқ тақдирга тан бера қоладилар, балки шу сабабдан мана шундай мулоҳаза юритаётгандирман. Балки ақлим калталигидандир, укам сингари ўйлай олмаётгандирман... Эссиз Харуо, у болалигиданоқ ақлли эди, ана шу ақли туфайли шўрликнинг дунёда яшаши қийин бўляпти. Мана Цунэо, устачилик қилади. Менга

Ўхшаган ақли унча ўткир ҳам эмас. Харуочи ҳаётдан беҳад кўп нарсa кутган, эҳтимол, бу тўғридир ҳам. Лекин атрофга қаранг-чи? Ҳамма то ўлгунча терлаб-пишиб меҳнат қилади, ҳар кун кўргани фақат меҳнат, кейин ўлимни, мўминлик билан кутиб олишаверади. Бу аҳволда биз ҳам Саяма-сан билан бир рўшнолик кўрмай дунёдан ўтамиз! Мана, унга хотин бўламан, қўл қовуштириб ўтирмай меҳнат қиламан, ҳаёт яна боягидай: қандай тирикчиликнинг иложини қилсак экан, деб ўтиб кетамиз. Ойим шундай яшаган эди, бувим ҳам. Мен, албатта, ҳеч қачон бека бўлиб, меҳнатсиз яшашни орзу қилган эмасман, аммо... Эҳтимол бунга сабаб Харуонинг ёмон кишилар билан кўп вақт бирга бўлиб, эндигина унинг тўғри йўлга қайтиши оғир бўлаётганидир? Шундай бўлса ҳам эҳтимол. Бечора! Безорилик билан ўтган кунлар бекор кетмабди, унга ўз муҳрини босиб кетибди. Ҳа, шундай экан, бундан кейинги тақдири нима бўлади?

Кечаси билан у ёнимдан бу ёнимга ағдарилиб чиқдим. «Ухлаш керак, ухлаш керак, бўлмаса яна йиқилиб қоламан»,— дердим ўзимга, лекин сира уйқум келмасди. Соат бўғиқ занг урди, бир, кейин икки, уч соатча бўлиб қолдики, уйқу йўқ. Афтидан. Харуо ҳам ҳали ухлагани йўқ эди. Мен унинг безовталики билан ағдарилиб-ағдарилиб ётганини эшитиб турардим.

Тонг отар чоғда ёмғур қуйиб юборди. Шамол ҳам кўтарилди, шекилли. Унинг ҳамласидан ташқи эшикнинг зириллагани эшитилиб турибди. «Бундай ёмғурда Саяма-саннынг орқага қайтиб келиши жуда оғир бўлади. Қошқийди, ҳеч бўлмаса тушга яқин очилиб кетса.» Мени уйқу ола бошлади. Ёмғирнинг шовуллаши тобора кучайиб борарди.

Сал кўзим илинган экан, қарасам, тонг отиб қолибди. Биринчи кўзимга кўринган нарсa: чиройли, хушбичим қўғирчоқлар бўлди. Уйқудан кейин, оғир хаёллардан асар ҳам қолмабди.

Укалари кетидан Харуо ҳам ишга отланди.

— Харуо, бўлар-бўлмас хаёлларни ташла, ишингни ташлама! Унгача дурустроқ жой ҳам топилиб қолар. Таниш-билишлардан суриштириб кўраман.

У алланима деб тўнғиллади-да, жўнаб кетди.

Эрталабга бориб ёмғир майдалай бошлади. Куннинг ярмига борганда булутлар тарқаб, ҳаво очилди. Даҳлизда оёқларимни узатиб ўтириб исиниш энди менга жу-

да ёқарди. Оёқларим бўлса биннойдай, келишгангина экан. Бунини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ишламасдан салқинда ўтириб, қадди-бастим келишганроқ, ўзим ҳам нозикроқ бўлиб қолибман. Негаки уч ойчадан бери бекор ўтирдим.

Саяма-сан кеч оқшомда келди.

— Мен бугун барибир савдо яхши бўлмайди деб ўйладим, ёмғир ўтгунча уйда кутиб тура қолай дедим.

Шунда мен рашкка ўхшаган бир пима ҳис қилдим:

— Албатта, мен билан ўтиргандан кўра, ойнанинг олдида ўтирган яхшироқ-да,— деб ҳазил аралаш бир узиб олдим.

— Йўқ, гап бунда эмас, асло! Мен фақат ёмғир ёқгани учун қолдим, холос,— Саяма-сан ростдан хафа бўлди деб ўйлаб, ўзини оқлашга уринарди.

«Ийе, бундай экан, бир аччиғини чиқарай,— дедим-да, ўзимни хафа бўлган кишига олиб, орқамни ўгириб олдим.

— Қўй энди, хафа бўлма,— деб у менинг елкамдан қучмоқчи бўлган эди, ўзимни четга олдим. Саяма-сан қўлини узатганича қолаверди. Кейин ўзимни тутолмай, хохлаб кулиб юбордим. Саяма-сан ҳам кулиб, юзларимга аста-аста бир уриб қўйди-да, ўз хонасига чиқиб кетди.

Бироқ, шу куни кечки овқатдан кейин ҳам Харуо тўғрисида оғиз очишга журъат этолмадим. Бундай гапни бошлашга оғзим бормасди, гапнинг рости қандай қилиб бошлашимни ҳам билмасдим. Шу тарзда, оғиз очиб бир сўз ҳам дея олмадим.

Балки бу кеча кечаси яхши ухлолмаганимдандир. Бошим ерга тегиши билан ухлаб қолибман. Мени кимнингдир қаттиқ товуши уйғотиб юборди. Эшик шиддат билан тақилларди. Ирғиб ўрнимдан турдим. Дархол тамбани суриб, эшикни очдим. Остонада нотаниш бир киши турарди:

— Харуо укангиз ўзини ўлдирди!

— Нима? Ўлдирди?— Устимга бир пақир муздек сув қуйиб юборгандай бўлди.— «Охири ўз айтганини қилибди-да...»

Саяма-сан билан укаларимни турғазиб, Харуонинг олдида югурдик, Сакума қишлоғи... Саке билан яна аллақандай қовурилган нарсанинг ҳиди анқирди. Торгина қоронғи йўлак. Биз ширинлик тайёрланадиган

уйга кирдик. Қозон атрофи тахта билан ўралган. Бу ерда бир неча одам Харуони ўраб туришарди. У ошиғ-машуғидан чиқариб олинган эшик устида чўзилиб ётибди. Унинг бўғзи ва ўнг қўлидан қип-қизил қон оқиб ётибди.

— Тезроқ бўлинглар, тезроқ ахир!— Ҳамма бирдан питирлаб югуриб қолди. Харуо ётган эшикни ташқарига олиб чиқиша бошлашди.

Саяма-сан унинг ўнг қўлидаги артериясини маҳкам боғлаб қўйди. Армияда ўтказган тўрт йиллик санитарлик хизмати иш бериб қолди. Саяма-саннынг кўрсатмасига биноан Харуонинг қонини артиб, эпқага келтиришди. Бақувватроқ кишилар эса, ясама замбилни кўтариб олишди, шу яқин орадаги касалхонада врачнинг уйда йўқлигини баҳона қилиб, Харуони қабул қилишмади. Бошқа врачга, бир вақтлар кичик синглим, ойим, бобом ва бувимга, қисқаси бизнинг оиладагиларнинг ҳаммасига қараб юрадиган етмиш ёшлар чамасидаги чолга йўл олишди. Тўғрироғи, бу врач бизни даволаган эмас, балки ўлганлиги тўғрисида гувоҳнома бериб турган эди, холос. Бизни ҳамшира қарши олди. Назаримда, уни кўрган эдим ҳам шекилли. Бахтга қарши врачнинг асаблари чарчаган, бунинг устига яна жуда қариб қолган, бундай қоронғи кечада безовта қилиб бўладими, деди у. Бутун ялиниб ёлворганимиз бекор кетди.

Харуонинг бўлса тобора ранги ўчиб борарди. Илож йўқ, биз ҳамшира маслаҳат берган хорижий доктор олдига шошилдик.

— Доктор касал,— деб жавоб беришди бизга, аммо бунга эътибор бермадик, Харуони қабулхонага олиб киравердик. Шунда, афтидан, хўжайканинг ўзи бўлса керак, ўрта яшар бир аёл чиқиб келди-да, доктор уйда йўқ деди. Улим хавфи остида ётган кишига бунча илтифотсиз қарашга қандай кўнгли бўлди экан! Бунча ҳам бепарво бўлмаса. Ёлвориш бефойда! Чунки у биринчи қарашдаёқ ўз олдида турган кишиларнинг фақир, тўлашга ҳеч нарсаси йўқ эканлигини билган эди. Шунингдек яна ўз-ўзини ўлдиришдек бир ишга ара-лашишни истамасди.

— Харуо, дадил бўл, Харуо!— дедим мен, ноумид бир ҳолда. «Наҳотки, ўлиб кетаверса...»

Юрагимда нафрат қайнади, хўжайкага нафрат билан қарадим.

Яна ўша ҳозиргина борганимиз, қари врачникига бориш қолди. Унинг олдига қайтиб келдик. «Ахир, у оиламизни билади-ку, йўқ, шундай пайтда бизни ёрдамсиз қолдирмайди!»

Бизни яна ўша ҳамшира қарши олди. Бу сафар яна қайтаришга кўнгли бўлмай, врачга хабар бергани кириб кетди. Чол ҳеч қандай норозиликсиз шу ондаёқ ёрдам кўрсатишга киришди. Харуо бўйин артерияси билан ўнг қўлидаги артериясини кесиб қўйган экан. Лекин, хайриятки, унча чуқур кесолмабди.

Қишлоқ аҳолиси бизнинг қайғумизга ҳамдардлик кўрсатди. Беморни замбилда врачдан врачга олиб боришдагина эмас, балки унга қуйиш учун жон-дилларин билан ўз қонларидан ҳам берди.

Харуо аввалгидай қимир этмай ётар, ўқтин-ўқтин инграб қўярди.

Доктор тегишли тадбирларини кўргач, энди ҳаммаси жойида, ташвишланмасангизлар ҳам бўлади деди. Мен бутунлай ҳолдан тойган эдим, шалвираганимча бир четдаги стулга ўтириб қолдим. Девор соати кечаси вақт соат иккидан ошганини кўрсатиб турар эди.

Врач укамни уч кун касалхонага ётқизишни маслаҳат берди, бироқ бунинг учун бизда пул йўқ эди. Шу сабабли биз Харуонинг эрталабгача шу ернинг ўзиде, қабулхонада ётиб туришига ижозат олдик. Эрталаб уни замбилга солиб, уйга олиб кетдик.

Кўрсатилган уч кун ўтгач, мен укамни докторга олиб бордим. Харуо бутунлай уйқусиз бўлиб қолган, бир ҳафтадан бери кўз юммас эди. Яралари битди, аммо ўзини тутиши ғалати, кўзлари ўйнаб турар эди. Қачон қарасанг, бемаъни гапларни гапираверадиган бўлиб қолди. Бир куни бирдан ирғиб ўрнидан туриб, қоронғи ошхонага отилди. Бундай қарасам, жинни сингари парда тешигидан менга мўралаб қараб турибди. Бошқа бир куни эса эрта билан эшик олдига туриб олиб, телбалардек ҳадеб қичқира бошлади. Чамаси, ўз-ўзини ҳалок қилиш фикри ҳали ҳам қайтмаганга ўхшайди. Дорихонадан уйқу дори келтириб бердим. Бироқ бу фақат бир мартагина ёрдам берди, кейин кечаларни яна уйқусизликда ўтказа бошлади. Даҳшатли эди бу кунлар!

Саяма-сан ҳам биз билан баравар ташвиш тортар, менга тасалли беришга уринарди. Аммо савдо ишини тўхтатиб қўйгани йўқ. Бошқа икки укам аввалгидай ҳар

кунн эрталаб: бири ишига, иккинчиси коллсжга чиқиб кетишар эди. Кузатиб туришсин деб кечқурун Харуонинг жойини уларнинг ўртасига солиб берардим. Лекин улар кундуз чарчаб келиб, дарҳол донг қотиб қолишарди. Шу туфайли кечасию кундузи уни ўзим назорат қилиб туришим керак эди. Аммо мен мадорим қуриётганини сеза бошладим.

Болта, ошпичоқ сингари барча хавфли рўзгор буюмларини йиғиштириб қўярдик. Цунэо ўзининг дурадгорлик асбобларини аллақаёқларга яшириб ташлади. Шундай бўлса-да, бир дақиқа бепарво қолиб бўлмасди.

Бир кун кечаси ҳамма ухлаб ётганда, ҳулоғимга қандайдир шитирлаган товуш эшитилиб қолди. «Ким у?— деб қичқирдим мен, Цунэога,— қара-чи, нима гап, Харуо нима қилаётганикин?»

Яна бир-икки товуш қилдим, қаёқда дейсиз, ака-укалар қотиб ухлаб ётишибди, қимир этиб қўйишмайди. Пардани суриб қарасам, Харуо камар сиртмоқни бўйнига ташлаяпти.

Яна бир кун ҳаммамиз кечқурунги овқат устида ўтирган эдик, бирдан Харуо қўшини хонага чопиб чиқиб, қичқира бошлади.

— Утако ўлдим, ўлдим мен, югур, полицияга хабар қил!— дерди.

Қарасам: кўкраги очик, иккита игнани тўппа-тўғри қорнига тикиб юборибди, яхшики Цунэо: «Вой, аҳмог-эй!»— деганича етиб келди-ю, игналарни эпчиллик билан суғуриб олди ва бошига бир туширди. Бундай пайтларда Цунэо бепхтиёр акасининг ўлимига рози ҳам бўлиб кетарди. Шундай алам қилиб кетар эдики, гўё бизнинг бу аламларимизни кўз ёши билан адо қилиб бўлмасди.

Қишлоғимизда ҳар хил диний мазҳаб ва жамоалар бўларди. Деярли ҳар бир онла улардан бирортасининг аъзсиси эди. Отам тириклик вақтларида улардан вакиллар келиб, ўз қаторига чақирарди. Лекин отам уларга қулоқ солишни ҳам истамасди, ҳеч бирига аъзо бўлмади. Энди бўлса, мен қўшниларикинг гапига кириб: «Биз ҳам бирор мазҳаб ёки жамоага кирсак, эҳтимол бу балолардан онламинизни асраб қолармиз!»— деб ўйлардим. Укаларимга маслаҳат солган эдим, кичик укам хечам кўнмади.

— Агар шундай бўлса, ҳамма бахтиёр бўлиб кетарди, шўрпешона одамлар нима қиларди?— деди у.

Саяма-сан ҳам бунга мутлақо эътибор бермади.

Мана шу пайтда боққолчилик дўконининг хўжайкаси бошимизга тушган савдоларни кўриб, бизга ёрдам бермоқчи бўлди. У бизнинг барча кечмиш кулфатларимизни соғлиқни сақлаш комитети аъзосига сўзлаб берибди. Шундан кейин бизникига иккита ёши ўтиброк қолган киши келди: бири шу комитет вакили, бошқаси шаҳар маҳкамасидан экан. Текшириб ўтирадиган ҳеч нимамиз йўқ эди, бир қарашдаёқ ҳамма нарса аён кўриниб турарди. Ҳақиқатан ҳам орадан сал вақт ўтмай бизни ёрдам оладиган қилиб расмийлаштириб қўйишди. Шундай қилиб, биз отам ўла-ўлгунча рад этиб келган ёрдам пулини оладиган бўлдик.

Пул олиш муддати келганда, мен биринчи марта пул олгани бордим. Менга эрта билан келганингиз яхши деб маслаҳат беришди, соат тўққиз бўлмаёқ маҳкамага етиб бордим. Эҳе, одамнинг кўплигини қаранг! Бинонинг ичилик тўла, навбат қатори маҳкама оллагаги майдондан нақ дарвоза олдиғача чўзилиб борарди. Бу одамларнинг ҳаммаси ёрдам пули олиш учун келган экан. Улар ҳам мендақа кийинишган, мендан бадтарлари ҳам бор. Бир нечалари қатордан четга чиқиб яқиндаги тошлар устида ўтиришарди. Рўмолини кўзигача тушириб боғлаб олганлар ҳам йўқ эмасди, афтидан, уялишаётганга ўхшайди. Кўп кишиларнинг юзида маъюслик, ишончсизлик ифодаси кўринади.

Бу сафар ўзим кутгандан олдинроқ навбат етди.

Мен энди уйга жўнай деб турган эдим, ўша кунни уйимизга борган бошлиқнинг ўзи чақириб қолди. Модомки, онла шунчалик қашшоқ аҳволда экан, уқангизни психиатрик касалхонага ётқизишингиз мумкин, шифоланиш ҳақини маҳкама тўлайди деди. У эртаги кун текинга юк машинаси юборишни ваъда берди. Маслаҳатлашадиган ҳеч ким йўқ эди, хўп дедим. Ростдан ҳам эртаси кун ваъда қилинган вақтда юк машинаси келди. Тўғри тепага чиқадиган йўл жуда тик бўлганидан, машина мактаб томон билан айланиб келди ва дўкон ёнига келиб тўхтади. Томоша қилиш учун тўда-тўда одам йиғилди, катта-кичик машинани қуршаб олишди, нарироқдаги сўқмоқда ҳам кишилар туришар эди. Ўша кунни тўсатдан синглим келиб қолди. Биз у билан

Харуони алдаб-сулдаб машина ёнига олиб бордик. У жон-жаҳди билан қаршиллик кўрсатиб сира гапга қулоқ солмасди. Уй бекамиз — қўшнимиз кўмакка келди. Харуонинг жуда қайсарлиги тутиб қолди, қўлдан чиқиб кетишга уринарди. Буни кўриб, шофернинг ҳам ҳафсала-си пир бўлди, бизга ёрдам бериш у ёқда турсин, жойидан қимирламади ҳам.

— Қийинашнинг фойдаси йўқ, ўз ҳолига қўйинглар уни.

— Тегманглар, қўйинглар. Бадтар қиласизлар,— дейишди одамлар, чор аτροφдан.

— Ҳа, иложи йўққа ўхшайди. Камбағаллар касалхонага тушгандан кейин кўпинча ўзини ўзи ўлдириб қўяди ҳам дейишадди,— деб ух тортди дўкон бекаси.

Гапга синглим аралашди, у Харуога ачинарди:

— Қанча қийин бўлса ҳам, уйда даволаш керак,— деб маслаҳат берди у.

Мен ҳам ўйлаб-ўйлаб охири: кийини йиртиқ бўлса, кўрпа-тўшаги ҳеч нарсага ярамаса дедим-да,— юбормасликни маъқул кўрдим.

Машина қайтиб кетди. Харуо уйда қолди, бошини кўрпага ўраб ётиб қолди. Ухлади шекилли.

Бу воқиядан кейин ҳам у билай озмунча овора бўлмадик. Лекин энди хатарли даври ўтган, секин-секин бўлса ҳам, аҳволи анча яхшиланиб келаверди. Харуо ҳар хил бемаъни сўзларни кам гапирадиган бўла бошлади, ғалати қилиқлари ҳам секин-секин тарк еб борди.

V б о б

Укам тузалиб кетди, бироқ ўзимнинг мадорим қуриб, ўрнимдан тура олмайдиган ҳолатга етиб қолдим. Врачга кўриниш хаёлимга ҳам келмасди. Бунга фурсат ҳам йўқ эди. Лекин Саяма-сан ташвишланишини қўймади. Ҳеч қаерим оғригани йўқ, фақат ўзимни бедармон сезяпман, эҳтимол ғам-ташвишнинг кўплигидан шундоқдир, дедим. Барибир врачга борасан, деб туриб олди.

Мен ҳамон касаллигим учун ёрдам олиб турардим. Бу бепул даволанишим учун ҳуқуқ берарди. Бир кун шаҳар маҳкамасидан йўлланма олдим ва касалхонага қараб жўнадим. Қичкинагина қабулхона лиқ тўла одам

эди, бир соатча навбат кутиб ўтиришга тўғри келди. Хонада мени ёши ўтиброқ қолган паст бўйли врач кутиб олди. Дардим нималигини сўраган эди, бронхаларим оғришини айтдим. Врач мени кўздан кечирди-да, яна текшириб кўриш керак бўлади, ҳар ҳолда, инфилтрат бошланганга ўхшаяпти деди.

— Нима?

— Ўпкада инфилтрат бор, бироқ бошланғич даврда, тузатса бўлади.

— Ўпкамда инфилтрат... Бу нима, ўпка касалига йўлиқибман-да?— деб сўрадим мен, ҳушсизлик билан.

— Ҳа, бу сил касали. Бироқ ҳали бошланғич ҳолатда. Ҳозирдан сиз яхши еб, яхши ичишингиз керак, ўзингизни эҳтиёт қилсангиз, ҳаммаси ўтиб кетади,— деб хотиржамлик билан жавоб берди у.

Ростини айтсам «сил» сўзини эшитиб жудаям қўрқиб кетдим. Ишламай қўйган пайтимдан бери анча бўшашиб қолдим. Бироқ мен бу вақт ичида бунчалик озиб кетганимни билмагандим. Саяма-сан касалимга, ортиқча аҳамият бермади.

— Энг зарури, камроқ ишла, шунда тез орада тузалиб кетасан. Билиб қўй, шундай ҳам жуда кўп кутиб қолдим,— деди ярим ҳазил қилиб.

Бепул даволаниш ҳуқуқимдан фойдаланиб, ҳар уч кунда касалхонага бориб турдим.

Саяма-сан бутун кучини аямай меҳнат қиларди. Эрта азонда туриб балиқ бозорига жўнар ва балиқ харид қиларди, сўнг велосипедга миниб, ўз қишлоғига йўл олар эди. У ердан гуруч олиб қайтарди. Мен уни уйма-уй юриб сотардим. Кун бўйи сотганим икки-тўрт то' гача етарди. Бизга бир сё² ҳисобидан беш иен фойда қолар эди, холос.

Гуруч олиб келиш жуда хавфли эди. Саяма-сан икки-уч то гуруч олиб келиши учун қишлоқларни юк машина ва жипларда кезиб, майда савдогорларни ушлайдиган полисменлардан ҳар қадамда ўзини эҳтиёт қилиши керак эди. Уларнинг қўлига тушдингми, тамом — сиқиб сувингни ичишади. Бу ҳам майлику-я, гуручни ҳам тортиб олишади, яна жарима ҳам солади, умр бўйи тўлаб адо қилолмайсан.

¹ То — 16 килограммга яқин оғирлик.

² Сё — бир тоннинг ўндан бири.

Баъзан Саяма-сан юк машиналарда, пароходларда гуруч олиб кетадиган катта чайқовчилар полиция амалдорларини ичириб-едириб, ўзларига қаратиб оладилар, полиция ҳам уларга қаерларда тинтув бўлишини огоҳлантириб қўяди дерди нафрат билан.

— Лекин биз ҳам анойи эмасмиз, биз ҳам бирлашиб ҳаракат қилишга, бир-биримизни улардан хабардор қилиб туришга келишиб қўйдик. Бизнинг суянган тоғимиз деҳқонлар, камбағални камбағал суямаса бўладими, ахир. Улар бизга бугун фалон вақтда фалон йўлдан джип ўтиб кетди, деб маълум қилишади,— дерди Саяма-сан ва юзларида эса табассум порларди. Энди иккимизнинг ўртамызда бунақа суҳбат тез-тез бўлиб турарди.

Велосипедда, яна бир қоп гуруч билан қочиб қутулиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Тоғ йўлида хавф туғилдими, велосипедни яшириб қўйиш мумкин, лекин яланг далада бўлсанг-чи, ишинг тамом деявер!— дерди Саяма-сан.



У гуруч топиб келиш учун жонини жабборга берар, лекин барибир бу бизни таъмин эта олмасди. Йўлнинг ўзи беш-олти соат вақтни оларди. Бу вақт ичида Саяма-сан учун не-не ташвишларни бошдан кечиришга тўғри келарди. У уйга бир аҳволда қайтарди. Беш кунда бир дам олиб ўзига келиб олар, лойгарчилик вақтларда эса бутунлай қатнамасди, чунки қишлоқ йўллари жуда ёмон бўлиб кетарди.

У уйда қолган кунлари мен жуда хурсанд бўлардим. У укаларим билан жуда иноқлашиб кетди. Агар укаларим мени кўпроқ уринтириб қўйса, унинг раҳми келарди. Лекин не чора ука, ука-да! Саяма-саннинг кирларини ювиб ёки йиртигини ямаётганимни кўришдим, тамом,— шу заҳоти менга иш топиб қўполлик билан: «Қани, меникни ҳам тикиб қўй!»— дейишарди.

Саяма-сан тез-тез: «Эҳ, тезроқ тўй қила қолсак дуруст бўларди,»— деб уҳ тортарди. Мен ўзим ҳам тўйимизнинг чўзилаётганидан хафа эдим.

Аста-секин ёз бошланди. Харуо анча ўзига келиб қолди. Лекин ҳамон уйда бекор ётарди. Бир ишнинг бошини тутай деб ҳам ҳаракат қилмади. Унга қараб ҳам кулгинг, ҳам йиғлагинг келади!



— Токай уйда ўтирасан, ахир, кўча-пўчага ҳам чиқсанг-чи,— десанг, бу гап унга жуда қаттиқ ботиб уяларди-ю, лекин кўчада қорасини кўрсатмасди.

Шаҳар бошқармасидан тез-тез келиб текшириб туришарди.

«Шундай ёш соғлом йигит аллақачонлар бирор ишнинг бошини ушлаши керак эди»,— дерди улардан бир хиллари. «Сенга яхши қайлиқ топиб қўйишганмиш деб эшитамиз»,— дерди бошқалари, уни масхара қилиб. Шунақа, ҳар тоифа одамлар келишарди. Улар ичида яхшилари ҳам бор, ёмонлари ҳам бор эди. Баъзида жуда алам қилиб: «Берган ёрдамнинг билан қуриб кетла-

ринг!»— деб қичқириб юборгинг келарди. Тагини суринш-тирсанг, ўзи арзимаган пул, ҳар сафар ҳар хил тайини этиларди. Ҳар биримиз етти юз иендан олардик. Менга, Харуога ва кичик укамга ҳаммаси бўлиб икки минг иендан сал ортиқроқ пул тегарди, холос. Пул ҳар ойда бир марта бериларди. Пулга келган кишилар ўзларини мумкин қадар бечора одам қилиб кўрсатишга уринганини сезардим. Одамларни бунчалик пастлаштириб юборган нарса ўша қашшоқлик эканини эътироф этиш кишига алам қиларди.

Июль ойи ёрдам пулини ўрта ёшлардаги бир амалдордан олишга тўғри келди. Бу тошюрак бир одам эди.

— Буни қарангки, кичик укангиз бор экан. У коллежда ўқиркан. Шаҳар бошқармаси ҳисобига яшаётган кишилар учун бу ортиқча ҳашамат эмасмикан?— деди у менга норози қиёфада қараб.

— О, қулоқ солинг!.. Ахир, у ичимизда энг нимжончимиз. Агар уни ўзингиз кўрсангиз эди, у шундай кичкина, озғинки! У оғир ишларга сира ҳам ярамайди. Бундан ташқари у ўрта мактабни тугатганида, ўқитувчиси унинг қобилиятини мақтаб, яна ўқимай қолиб кетса, жуда увол бўлади деган эди.

— Ҳим... Гапингизга ишонаман. Қобилиятли болани ким ҳам ўқитгиси келмайди? Лекин, ахир, бунга пул керак, пул,— деб ҳиринглаб кулди у.

Бу сўзлар нарёқ-берёғимдан ўтиб кетди.

— Шунақами! Демак, камбағалнинг илм тўғрисида ўйлаши ҳам бекор экан-да? Бу қаердан чиққан гап?»— дедим мен ғазаб билан. Аммо шу ондаёқ: «Ҳаммаси чиппакка чиқди энди, амалдор билан айтишдингми, бас,— ишинг тугади!»— деб қўрқиб кетдим.

Аммо энди ёлвормоқдан бери қилиб яна гапимни давом этдирдим:

— Биласизми, ўқиш ҳақини ғазна тўлайди деган ваъда билан уни мактабга беринглар дейишганди. У степендия олади, сўнг бизга уйда хўжалик ишларимизга қарашиб туради.

Бу сафар амалдор ҳужжатга индамасдан муҳр босди.

Уйга етгунча ёрдам пулини қарғаб келдим. «Э, худо, ҳеч кимни бундай пул олишга мубтало қилма!»

Харуо ҳадеб бекор ёта беришни ўзига эп кўрмади. Бошқармадан унга ёрдам пули бериш рад қилинганлигини хабар қилди. Сентябрьнинг бошларида у биржа-

га бориб кунбай ишга ёлланди. Энди у ту누ка қутичага овқатини солиб олиб, ҳар куни уйдан чиқиб кетарди.

— Майли, жуда бўлмаса, Харуо ўзини эплаб қолди-ку...

Лекин шундан сал вақт ўтмай, шаҳар бошқармасидан яна бир одам келди.

— Нима, уйингизда яшайдиган йигит эрингиз эмасми? — деб сўради у, илжайиб.

Кутилмаган бу саволдан қизариб кетдим.

— Йўқ, нима бўлди сизга? Бизникида ижара ўтиради, холос... — деб жавоб бердим ўнғайсиз ҳолда.

— Биласизми, уйингизда фақат ёшлар туради, тагин...

Бутунлай ўзимни йўқотиб қўйдим. Ахир, шусиз ҳам мен тўғримда ҳар хил гап-сўзлар тарқалиб кетган эди-да!

— Ҳаммасини тушунтириб бераман сизга. Бу одам бизнинг яқин танишимиз, уни отам ҳам биларди. Катта укамиз аллақандай бемаъни йигит чиқди, шундан кейин Саяма-сандан бизникида туришини илтимос қилдик.

— Лекин бошқармадагилар уни сизнинг эрингиз деган қарорга келишибди. Агар шундай бўлса, сизни ёрдам пулидан маҳрум этишга тўғри келади. — Бу сўзларни сал ачиниб гапирди.

Кечқурун бор гапни Саяма-санга етказдим.

— Нима бўпти, шундай деб ўйлашга бошқармадагиларнинг ҳақи бор. Биз бир уйда яшайдиган бўлсак, барибир бундай гаплар тарқалаверади, — деб жавоб берди Саяма-сан.

Ёрдамдан маҳрум бўлиш... бу сира мумкин эмас. Жуда узоқ бош қотириб кўрдик, ниҳоят бир йўл бор: Саяма-сан уйдан кетиши керак деган қарорга келдик.

О, қани энди ажралгимиз келса! Бир-биримиздан жудо қилишнинг нима ҳожати бор эди? Лекин турмуш ўз ҳукмини ўтказар эди. Биз вақтни ганимат топиб, уй қидиришга тушдик.

Саяма-сан бу жойлик эмас эди. Лекин менинг танишларим кўп эди, шунга кўра мен уй суриштира бошладим.

Дурустроқ уй ҳадеганда топилавермади, ёрдамсиз қолиш хавфи ошиб борарди, биз эса бор кучимиз билан уй қидиришга уриндик. Ниҳоят бир танишим ижарага қўйиладиган бир кулба-барак адресини берди.

У ерга бориш учун тепадан тушиб, шимоли-шарқ томонга қараб бир неча юз метр юриб, соҳилга чиқиш керак эди, у ерда яна тепаликка қараб юриш керак эди. Айтишганидек, ўша ерда ростдан ҳам бир уйча бор эди. Тўғрироғи, бу ердаги уйлар бешта бўлиб, бизга кўрсатилгани уларнинг энг ўртасига жойлашган эди. Хайриятки, электр ўтказилган экан. Пол ўрнига тўрт яримга бўйра тўшаб қўйилган кулба, ўша ерда турувчи чолга қарашли эди, у ижара нархини анча инсоф билан сўради. Иситиш ижарагарнинг ўз ёнидан, аммо кулба анча қулай, хона жуда кенг, уйнинг шундоқ орқагинасида қудуқ ҳам бор эди. Саяма-сан фурсатни ўтказмай уйни дарров ижара олди.

Энди кўчиб ўтиш керак.

Эртаси кун иёмғир қуйди. Биз учун бу айни муддао эди. «Эртага кўчсам ҳам бўлаверадими»,— деди Саяма-сан. Эртаси кун ҳаво бир оз очилиши билан эса, савдо қилиш учун қишлоққа кетди. Кўчиб ўтиш келаси дам олиш кунига қолди.

— Кўчиб кетгандан кейин ҳам ҳар кун сени кўргани келиб тураман, сенга гуручни ҳам шу ерга келтираман,— деб тасалли берди Саяма-сан.

Ҳақиқатан ҳам, у ҳар кун менинг олдимга келиб турди, мен бўлсам аввалгидек гуруч сотиш билан шуғулландим, илгаригидай касалхонага даволанишга ҳам бориб турдим. Лекин бахтга қарши Харуонинг яна феълли айниб қолди. Икки ҳафта кунбай ишга қатнаб, ҳар кун кечқурун бир оз бўлса ҳам, пул олиб келиб турди. Бориб-бориб яна ҳаяллаб қоладиган, топган пулни кўчада совуриб қайтадиган бўлди.

Гапирганинг билан фойдаси йўқ эди! Хафа бўлиб кетасан-у, лекин барибир индамай қўя қоласан,— нима ҳам қилардинг уни. «Мана шу кайфиятда дунёда яшаб бўладими?»— деб ташвиш ва ваҳима билан ўй суриб кетаман.

Декабрь кирди. Қиш шамоли кўтарилди, ёмғир аралаш қор уриб берди. Қўл-оёқлар увиша бошлади. Тезда қишга тайёрлик кўрадиган пайтлар келди. Айниқса, ўтинни ҳозирлаб олиш зарур эди.

Бог ўтин сотиб ололмасдик, ўтин жуда қиммат эди. Бахтимизга, мен бир вақтлар хизматкорлик қилган уйдан ўтинни арзонроқ қилиб беришадиган бўлишди. Бутун бир арава ўтин — юз тен. Қичик укам мактабдан

қайтиб келгач, иккаламиз бирга ўтин ташишга тушдик. Бироқ уйга қайтиш йўлимиз жуда оғир бўлиб, тепалик-ка чиқадиган йўл ғоят тик эди. Аравани торта олмадик, шунинг учун ўтинни қўлда ташишга тўғри келди. Иккаламиз ҳам тоза қийналдик. Ҳамма иш жойида бўлди-ю, бироқ эртаси кун мени иситма олиб қолди. Ошқозоним бузилди, бир ҳафтадан ортиқроқ ётиб қолдим.

Саяма-сан қўрқиб кетди, мени велосипедга мингаштириб, касалхонага олиб кетди.

— Ичак сили,— деди врач.

Мен қўрқиб кетдим, руҳим тушиб кетди.

— Доктор афандим, наҳотки мени бундан халос қилиб бўлмаса?

— Нима десам бўлади... Стрептомицин деган янги дори бор. Шундан қирқта укол қилинса, тузалиб кетасиз. Бу дори ҳозир арзонлашиб қолган, лекин, албатта, ҳали ҳам анчагина қиммат. Уни фақат чайқов бозордан — қўлдан топиш мумкин. Бир укол, айтайлик, минг иенга тушади,— деди у, бошини қўйи солиб.

Врач бу доридан пулсиз муолижада фойдаланиш мумкинми-йўқми,— буни билолмадим деб қўшиб қўйди. (Стрептомициндан пулсиз муолижада ҳам фойдаланил-япти, аммо ўша пайтда ман этиб қўйилган эди).

Минг иен... Қўлимда бўлса юз иен ҳам йўқ! Лекин мен ўлишни истамасдим! Йўқ, яшашим керак, яшашим! Мени қутқариб қолишлари керак.

Ичак сили бўлиб қолганимни эшитиб, Саяма-сан ўзини йўқотиб қўйди. У велосипедни зўрға бошқариб борарди. Биз йўл бўйи бир оғиз ҳам сўзлашмадик, иккаламиз ҳам руҳан жуда оғир эзилган эдик.

«Сил! Тамом, иш хароб. Балки уч ойдан сўнг умрим тугар». Остонадан ўтдим, ўчоқ олдига ўзимни ташладим. Бироқ ҳозирдан ҳафсалам пир бўлиб қолса, ўлимни кутишдан бошқа чора қолмайди. Пулим бўлсайди... дори учун пул».

Саяма-сан хаёлга чўмганича жим ўтирарди. Ниҳоят у тилга кирди ва ҳар битта сўзни қийналиб-қийналиб гапира бошлади.

— Уша дори учун қанча пул керак экан?

— Врач қирқта укол қилиш керак деяпти, демак, қирқ-эллик минг керак бўлади,— деб шивирладим мен.

Саяма-сан оғир уҳ тортди-да, яна нима тўғридадир ўйлаб кетди.

— Нима бўлса бўлсин, шаҳар бошқармасидан сўраб кўраман. Агар йўқ дейишса, пул ишлашга кетаман, олдиндан пул сўраб ола бераман, ола бераман. Йўқ, сенинг яшашинг керак!— Саяма-сан шундай деди-ю, ҳўнграб юборди. Лекин шу заҳоти менинг тепамга келиб эгилди ва пичирлаб:— Йўқ, биз руҳимизни туширмаслигимиз керак, қандай бўлмасин...

— Аммо бу узоқ чўзиладиган касаллик-да, ким билди, қачон тузалиб кетаман, унгача ёлғиз сизга ташвиш ортираман, холос...

— Бунақа бемаъни гапни қўй! Бу аҳмоқона фикрларни миянгдан чиқариб ташла: касалнинг ўзи тузалмайди, ҳаётнинг учун курашувнинг лозим, шундагина киши оёққа тура олади. Борди-ю, ҳеч нарса ёрдам бермаса, сен ҳам тузалавермасанг, унда, демак, тақдир экан. Лекин, Утако, ёдингда тут, бир ўзинг ўлиб кетавермайсан: мени ҳам қабрга бирга олиб кетасан. Бунинг ҳеч қачон унутма, сўнгги кучинггача ўзингни маҳкам тут, маҳкам тут!— Шундай сўзлар билан Саяма-сан мени ўз қучоғига босди.

Касалим тузалиб кетмади, шу қадар мадордан кетдимки, ҳатто ўрнимдан туролмай қолдим. «Агар бундан кейин ҳам шундай кетаберса, ҳалок бўламан!» Ўзимни инграшдан аранг тўхтатиб, кўзларимни қаттиқ беркитиб оламан, шунда олдимда гоҳ ойимнинг, гоҳ бувимнинг юзлари намоён бўла бошлайди, беихтиёр дадамнинг ўлими олдида чеккан азоб-уқубатини хотирлайман.

Бир неча кун ўтди.

— Ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам пул топамиз. Ҳозирча касалхонага ётасан,— деди бир кун Саяма-сан.

Озгина совға олди-да, жой тараддудини кўриш учун касалхонага кетди. Афтидан, унинг ёниб-ёлвориб қилган илтимоси ўтибди шекилли, мени бир кундан сўнг касалхонага ётқизишни ваъда беришибди. Лекин касалхонада бўлиш-айтишгагина осон! Кўрпа-тўшакни қаердан оламиз, ахир?

— Иложин бор! Қишлоқда бир парча мато олиб қўйганман, уруш вақтида карточкага олганман. Ўшани олиб келаман,— деди Саяма-сан ва шу ондаёқ велосипедда қишлоққа учди.

Эртасига тонг саҳар бир кесим сариқ фудзи-шоҳинини олиб етиб келди. Аммо бу етмас эди. Саяма-сан камини сотиб олиш учун яна бозорга чопишга мажбур

бўлди. Сўнг похол тўшак ва кўрпа тикиб беришни сўраб, бир қўшнимизга мурожаат қилди.

Биз касалхонага иситмам кўтарилишидан олдинроқ, эрта билан кетдик. Шундай деб буюрилган эди Врач менинг жуда бедармон эканлигимни айтиб, касалга қараб турувчи бир аёл кераклигини айтди. Шаҳар бошқармасидан бир аёлни жўнатишди. Менинг бир оз руҳим кўтарилди, лекин бу узоққа бормади. Ахир, касаллар ўз ҳисобидан овқатланишар, фақат ўзларининг таъмин этиб қолмай, ўзига қарайдиган ҳамширасини ҳам ўйлашни керак эди. Кўмирга ҳам касалларнинг ўзлари пул тўлашарди. Энди бизга иккита рўзгор тебратишга тўғри келарди. «Ана текин даволаниш-у, мана текин даволаниш! Буларнинг ҳаммасига мен пулни қаердан оламан?» Бу тўғрида ўйлай бериб уйқумдан ҳам, ҳаловатимдан ҳам айрилдим.

Касалхонада аллақандай дорилар беришди, уколлар қилишди, орадан уч кун ўтди, аммо енгиллик тортмадим. Соғайиб кетаман деб қанчалик кутган эдим-а, оҳ! Ўлим мени кутиб тургандай, таъқиб остига олгандай туюларди, лекин илгаридан ҳам бадтарроқ ҳаётга тирмашар, яшагим келарди.

— Бепул даволанувчиларни янги дори билан шифоламайди деганлари нотўғри, ахир. Муҳими докторни шунга кўндира олиш. Ҳамма иш шунда,— деди ҳамхона қўшним менга раҳми келиб.

Бу хотин шу яқин орадаги балиқчилар қишлоғидан бўлиб, бир оз ўзига дуруст кишилар тонфасидан эди. Касалхонада бошқа бўш ўрин бўлмаганиданми, касали бошқа бўлса ҳам — унинг қон босими ошиқ эди,— силга мубтало бўлган мен билан бир хонада турарди. Бироқ у бундан жирканиб ранжимасди, аксинча, менга жуда раҳмдиллик кўрсатди.

— Бепул даволанадиган касалларни, агар улар мия сили бўлсаларгина стрептомицин билан даволашади,— деб жавоб берди доктор, менга.

Бироқ мен тинчимадим. Эртаси кун ҳам кўз ёш билан яна ялиниб ёлвордим. Касалим енгиллашмасди, мадорим қуриб боради, аммо сира ҳам ўлгим келмасди! Яшагим келарди! Яшагим! Бутун вужудим ҳаётга интилар, мен ҳақимда врач нима ўйлаётган бўлса ҳам, атрофимдагилар нима деб ўйлаётган бўлсалар ҳам, менга барибир эди. Мен илтимос қилдим, ялиндим... ни-

ҳоят, илтижоларим докторга таъсир қилди: у ўзининг бошлиғидан сўраб кўришни ваъда берди.

Аста-секин қорнимнинг оғриғи босилди, бироқ у шишиб кетди, қаттиқ бўлиб қолди. Ичим ҳам бузилишдан тўхтамади.

Декабрь кунлари эди, дармонсизликдан бармоқларимни қимирлатишга ҳолим келмайди. Қалбим эса яша-япти, кун бўйи фикрларим аллақачонларда кезади!

Кичик укам билан мен икки минг иен пул оламиз. Уни икки рўзғорга бўлишга тўғри келарди. Қандай қилиб етсин? Қандай еб, қандай ичаётганингни билмайсан, ўртанча дурадгор укам билан, Саяма-санга юрагим ачийди.

Бир кун кичик укам келиб, ўртанча укамнинг касал бўлганини, туни билан терлаб куйиб чиққанини, ҳозир эса яна ишга чиқиб кетганини айтди.

«Шўрлик укам, кечир мени!»— деб фикран унга му-рожаат қилдим мен. Ёрдам бериш қўлимдан келмайди. фақат илиқ сўзлар билангина эслай олардим.

Мана орзиқиб кутган кун ҳам келди — менга стрептомицин билан даволанишга рухсат беришди. Мен бу янги дорини шу қадар сабрсиз кутардимки, ҳатто тушимга кириб чиқарди. Бу рухсат дори тўғрисида биринчи марта эшитганимга йигирма кун, касалхонага ётганимга ўн кун бўлгандан кейин берилди.

Шу ҳасратда янги йил келди. Жуда ғалати. Ташқарида бирор учқун қор ҳам ёғмади, ҳаво мусаффо, фақат совуқ, шамол увилларди.

Стрептомицин қабул қилганимдан кейин ҳароратим пасая бошлади, қорним ҳам жойига келиб қолди.

Саяма-сан савдо-сотигини юргизиб турди. У икки кун ўтказиб учинчи кун деганда бир кўргани келади. У савдо-сотик ҳеч қандай даромад келтирмаяпти, яхшиси совга безаги учун нос¹ тайёрлашга янги асбоб-ускуналар олсаммикин дерди.

Укаларимиз ҳам кўргани келиб туришарди. Ҳаво совуқ бўлса ҳам дурадгор укамнинг ҳозирча саломат эканлигидан, шамоллаб қолмаганидан хурсанд бўлдим.

— Хайрият, худолар ҳам, буддалар ҳам ҳали бизни бутунлай унутиб юборишмабди,— деб жилмаярдим мен, каравотда ўтирганимча.

¹ Н о с и — совга билан олиб бориладиган бир хил безак гул.

Икки ҳафта ўтди, сўнг бир ой ўтди, икки ой ҳам ўтди, бир оз дуруст бўла бошладим. Қасалхонада чироқ ўчирилгандан сўнг ҳам ўрнимда анчагача кўзимни юммай ётишга одатланиб қолдим.

Палата ёмон иситилар, тун билан ҳувиллаб чиқарди. Ойна тирқишларига шамол қор пурқар, қулоғим-у бурним, бутун афти-башарам музлаб қоларди. Мен кўрпа билан бошимни ўраб олиб, иситиш мақсадида баданимни ишқалашга тушаман. Қўнглим шод: ахир, тирик қолдим, тирикман! Қўлимни юрагимга қўйиб қандай ураётганига қулоқ соламан.

Яшаш! Тезроқ тузалиш ва ишга тушиш керак! Бу хаёлларим менга янги куч бағишларди.

Қасалхонадаги турмушим қанчалик ғарибона бўлса ҳам, беш-олти минг иендан кам пул кетмасди. Мен энг арзон балиқлар билан овқатланардим, бундан ҳамширам олдида ўзимни ноқулай ҳис этар эдим. Ҳар бир думалоқ кўмирни эҳтиёт қилардим. Бошқа иложим ҳам йўқ. Укаларим бир чақа бўлса ҳам ортиқ пул топамади деб тинкаси қуриётганини, мана шу қоқ суяк бўлиб қолган кичик укам кўчама-кўча югуриб-елиб газета сотаётганини билардим.

Февраль ойининг охирларида қўғирчоқсоз амакимиз келди.

— Қасалхонага ётганингдан бери сени ўйлайман,— деди у, одатдагидек очиқ кўнглилик билан.

Бизда юз берган бахтсизликлар уни ташвишга солиб қўйган эди. Амакимиз бизникида икки кун турди. Бир куни қасалхонага келганда, Ҳаруо тўғрисида гап очди.

— Йўқ, бу бола тузалмайди энди. У билан ҳар қанақа қариндошликни узиш керак, майли хоҳлаган томонига кета берсин, тўрт томони қибла.

Бошқа қариндошлар ҳам шу фикрга келган эдилар.

Ҳаруо илгаригидай кунбай ишга қатнар, бунга ҳам хоҳиши бўлмай кўп кунларини бекор ўтказар, уйда саланглаб юарди. Бизни хаёлига ҳам келтирмасди у.

— Бир оз сабр қилайлик-чи, балки кейинча эси кириб қолар?— дердим.

Мен чин юракдан шундай чора кўришни таклиф этаётган амакимни хафа қилишни истамасдим, аммо укамга ҳам юрагим ачирди.

Бу орада Саяма-саннинг савдо ишлари ҳам юришмай қолди. Ҳовлига қарасанг, гоҳ бўрон, гоҳ лойгарчи-

лик. Бунинг устига, касалхонага ётганимдан бери гуруччи сотишни ҳам дуруст эплэй олмасди.

Январдан бошлаб, Саяма-сан гуручфурушликни ташлади. У совга безаги тайёрлайдиган барча керакли асбоб ускуналарни сотиб олди. Бу шундай қилинади: қуриган моллюска-чиғаноқ олинадиди, уни бир қанча вақт чўзиб қўйилади. Сўнг бу тасмаларни «совга» деб қўйилган ранг-баранг қоғозчалар устига қўйиб чиқилади ва целлафон халтачаларга солинади. Бу маҳсулотнинг ҳаммаси бирга қўшиб сотилади.

Баъзида укаларим ҳам Саяма-санга ёрдам бергани келишарди.

Янги ишга киришганда Саяма-сан мен билан маслаҳатлашмай иш тутмади.

— Ута-тян ҳозирдамоқ унга хўжайин бўлибсан-ку, ҳа,— дерди ҳазиллашиб ҳамхонам, мен ҳам унга қўшилиб кулардим.

Энди мен касалхона ҳаётига анча кўникиб қолган эдим.

Бу ерда тўртта кичик медсестра ишларди. Ямамура деган хотин уларнинг бошлиғи эди. Қизлар сирдошлик қилиб гаплашгани тез-тез менинг палатамга кириб туришарди. Турмушлари жуда оғир эди. Овқат пулини чиқариб ташлагач, оладиган маоши бор-йўғи уч юз нен эди. Зинапоя остидаги каталакдай жойда чўзилишиб ухларди. Бу қизлар сира тиним билмасди. Ямамура уларни тез-тез докторга чақиб турарди, шунинг учун ҳам қизлар уни ёмон кўришарди. Қабул вақтларида мен бир неча бор Ямамуранинг уларга орсизларча дашном беришини сезиб қолгандим. У бечоралар врач олдида қўрққанидан дириллаб турарди.

Касаллар орасида бу ерда ҳамширалар узоқ яшай олмайди деган гаплар юрарди. Бу рост экан. Мен келгандан бериёқ иккитаси алмашинди. Қизлардан бирининг исми Ёттян эди. Гарчи унинг ҳеч қанақа гуноҳи бўлмаса ҳам аптека пулини ўғирлади деб айблашди. Қизлар ҳаммасини менга айтиб беришарди. Касалхонада шундай қоида бор: пулни дезинфекция эритмасига солинарди. Сўнг катта ойнага ёпиштириб қуритиларди. Бу иш билан Като-сан исмли бир йиғит шуғулланарди, у докторнинг узоқ қариндоши ҳисобланарди. Бу ерда у ҳам аптекачи ва кассир ўрнида ишларди. Уша куни кечқурун пулларни одатдагидай ойнага ёйиб, Като-

сан бирпасга чиқиб кетган экан. Пулни худди шу пайтда ўғирлашган эмиш.

Биз Ёттяннинг у пайтда аптека яқинига ҳам бормганини исботлаб бердик. Ямамура-сан эса Ёттяннинг аптекадан шипиллаб чиқиб кетаётганини ўз кўзим билан кўрганман дерди.

— Бечора, шўрлик Ёттян... Бунинг ҳаммаси Като-сан туфайли бўлди. Като-сан Ёттянни яхши кўриб қолганди. Шунинг учун Ямамура-сан уни ҳайдатмоқчи бўлиб, пулни ўзи ўғирлади. Бунинг биз аниқ биламиз,— дейишарди қизлар, газабланиб.

Врач анча илтифотли одам эди. Касалхонада ҳам шуҳрати баланд эди. Лекин бу ерда биринчи навбатда кишининг бойлигига қараларди, агар касал камбағал бўлса, унга беорларча ёмон муносабатда бўлишарди. Мен илгаридан бунга кўникиб қолгандим, шунинг учун бу парса мени хафа қилмасди. Бироқ бирдан ё нафасим бўғилар ёки қорнимнинг оғриғи кучайиб кетарди. Жонимни қўйгани жой топа олмасдим. Лекин шикоят қилиб кўр-чи!

— Чиданг, хонимча, ҳа! Сиздан Бадтарроқ касаллар ҳам бор. Бироқ камбағаллигидан врачга боришмайди. Бунақалар беҳад-беҳисоб! Давлат ҳисобига яшасанг ҳам, сени стрептомицин билан даволашяпти, шукур қилсанг-чи!

Бундай таъналарни эшитиб, индамай тура берасан. Лекин баъзида оғриқ шундай кучаяди, шундай оғрийдики, тоқат қилишдан ожиз қоласан киши. Бўлмаса болалигимдан бери мени одамлар чидамлик, дойора деб ҳисоблашарди. О, ҳозир «хонимча, таманно» деган сўзларни эшитиш менга нақадар алам қиларди. Не чора, вақт ўтиш билан ҳар қандай дардни тилимни тишлаб бошдан кечиришга ўргандим. Март келди. Қорин оғриғидан докторга шикоят қилмайдиган бўлиб қолдим. Бир куни доктор ўпкамга ҳаво юбориб кўрамиз деб айтди. Аммо бутун ҳаракатлари беҳудага кетди. У этимни увиштириб ҳам ўтирмай, беш сантиметрлик михдай келадиган нинасини бир неча марта менга санчиб кўрди. Қичқириб юбормаслик учун тишимни тишимга қўйиб турдим.

— Ўпка пардаси ўсиб кетибди, ўтказмаяпти,— деди врач.

— «Ниҳоят менга жавоб берар экан!»— дедим мен. Лекин, афсуски, касал тузала қолармиди дейсиз. Кечаси

палатада яна аҳволим ёмон бўлди, нафас қисиш дардим яна қўзиди. Минут сайин тобора аҳволим оғирлашиб борди, жонимни қўярга жой топмадим, ётган жойимда типирчилаб ағнардим, сўнг полга тушиб олдим, эрталаб-гача у ёқдан-бу ёққа юмалаб чиқдим. Қўшним ҳамшира чақиришни таклиф қилди. Лекин оғриқдан жингак бўлсам ҳам: «Яна ранжишади, хоним деб аташади», — деб кескин рад қилдим. Фақат топга яқин енгиллашдим.

Шундан кейин врач ўпкамга ҳаво юборишга яна бир-неча марта уриниб кўрди, бари бесфойда бўлди.

Ўпкамдаги қора доғлар ҳали тамомила тугаб битмаган бўлса ҳам, соғая бошлаган эдим. Саяма-сан хурсанд эди.

— Мана, кўрдингми, дарднинг биридан қутулдинг, — дерди у ва шодликдан юзлари порлар эди.

Мен шу қадар хароб бўлган эдимки, касалхонада гоҳ ич қўйлак, гоҳ чойшапга зориқиб, доимий муҳтожликда кун ўтказдим. Саяма-сан буни сезган ҳамон, менга керак нарсаларни олиб келарди.

Унинг янги иши аввал яхши юришиб кетди. Мен ҳатто тузалиб кетганимдан кейин унинг ёрдамчиси бўлишни орзу қилардим. Лекин афсуски!.. Бир куни кечқурун Саяма-сан олдимга бир аҳволда кириб келди. Билсам, ўзининг бирдан-бир хазинаси бўлган ҳамёнини пристанинг аллақаерида тушириб қўйибди.

— Мен сизга айтмадимми-я! Сиз бўлсангиз, барибир қулоқ солмадингиз! Неча марталаб тайинладим, бўйнингизга осиб олинг деб, ипи ўшанга қилинган-да, ахир...

Соғлигим бир оз дуруст бўлган пайтларда мана шу каравотда ўтириб, уша ҳамёнини ўзим чеварлик қилиб тиккан эдим. У канопадан тикилган бўлиб, учга букланар эди. Унга бўйинга осиб юрадиган қилиб атайлаб ип ҳам қилган эдим. Лекин Саяма-сан уни осиб юришга уялиб. ҳамёндаги бутун бойлиги — олти минг иендан ортиқроқ пулидан ажраб қолди.

Бало бир келса қўша келади, деб рост айтишади. Бундан сал вақт ўтгач, совға безакларини пуллашда Суяма-санга ёрдам бериб юрган йигит ҳам савдодан тушган пул билан ғойиб бўлиб қолибди. Саяма-сан безовта бўлиб, орқасидан уйига излаб боради. Лекин у йигит яна бир неча одамни боплаб тўнаб, жуфтакни ростлаб қолган экан.

Умрида ҳеч бир муғомбирлик, қаллобликнинг яқинига йўламаган Саяма-саннинг жуда ҳам руҳи тушиб кетганди, аҳволини кўриб раҳминг келарди. Бундан ҳам алам қиладигани унга бирор нарсадан ёрдам беролмаслигим эди.

— Илож йўқ, Хоккайдога жўнашга тўғри келади,— деди маъюсланиб.

Мен уч ойдан бери ётибман. Ҳамширамга жавоб бериб юбордим. Овқатни ўзим тайёрлай бошладим. Тирикчилигини зўрға ўтказаяётган камбағаллар ҳам доктор ва ҳамшираларга бирор нарса ҳадя қилишарди. Лекин мен бу тўғрида ҳатто ўйлай олмасдим ҳам. Хусусий касалхоналарда бундай касалларни ёмон кўришади. Камбағал-қашшоқ кишиларнинг касалхонадаги қисмати нақадар оғир эканлигини мен ўз тажрибамда синаб билдим. Бундан кейинги аҳволим нима кечади, деб ҳасрат билан ўйга ботардим.

Бир куни яна ўша ҳамхона қўшни менга шундай маслаҳат берди:

— Кўриб турибман, жуда руҳинг тушиб кетди. Ака-хамадаги касалхонани бир суриштириб кўр. Айтишларига қараганда, у ерда бу қашшоқ, бу бой демай барчага баравар эътибор билан қарашармиш. Қисқаси, у касалхонани «қизил» дейишаркан, шояд...

«Наҳотки дунёда шунақа касалхона ҳам бор бўлса?»

— Ростданми? Нима, менга ўхшаганлар ҳам бориши мумкинми у ерга?

— Бўлмаса-чи! Эшитишимча, энг аввал ўпка касали билан оғриганларга қарашар эмиш.

Ҳаммадан ҳам у касалхонада барчага баравар қарашади, деган сўз мени ҳаяжонга солди. Энди қандай қилиб бўлса ҳам ўша ёққа ўтиш тўғрисида ўйлардим. Бахтга қарши, давлат ҳисобидан даволаниш тартиби айниқса ҳозир жуда қаттиқ бўлиб қолган эди. Касалнинг ўз хоҳиши билан бир касалхонадан иккинчисига ўтишига рухсат берилмасди. Мана бу доғу-ҳасратга нима дейсиз!..

Бу янги гапни Саяма-санга айтдим, у ўша касалхонага киши билмас бир бориб кўришни маслаҳат берди, пул топиб беришга ваъда қилди. У бир неча кунгача кўринмай, охири бир куни келиб, савдо ишлари тамом бўлгани, пул топиб келиш учун тез орада жўнаб кетмоқчи бўлганини айтди.

— Пешонамиз шўр экан: ҳамён йўқолди, дастмой-миз ўғирланди, қарзимиз ошиб боряпти...— деб Саяма-сан аччиқ бир кулиб қўйишдан ўзини тўхтатолмади.— Хуллас мен яна Абасирига кетишни ўйлаб турибман.

— Узоқ муддатгами?

— Қарзларни узиб, бир оз пул жамғараман-у, дар-ҳол изимга қайтаман. Йил охирида уйда бўламан.

Афтидан, у ўзича бу тўғрида яхшилаб ўйлаб кўрган эди.

Мен ҳарчанд ўзимни боссам ҳам иложни бўлмади, огир уф тортиб юбордим. Бироқ уни тутиб турадиган муносиброқ ишни бу ерда қайдан топасан? У бўлса ҳа-деб менга тасалли берарди, тинмай ишлайман, қарзлар-ни узаман-у, қайтиб келаман, сўнг эса бир оила бўлиб яшаймиз, кичикроқ бир устахона очамиз дерди.

— Ўнгача Ута-тян бутунлай соғайиб кетади, севинч-дан менинг ҳам кучимга куч қўшилади,— деб хаёл су-рарди Саяма-сан.

Баҳор қуёши мўралаб хонамизни ёруғ нурга тўлдир-ди. Қўшним яқинда тузалиб чиқиб кетди, ўшанда мен бенхтиёр:

— Оҳ, сизга бирам ҳавасим келадики! Кошкийди мен ҳам бу ердан тезроқ кета қолсам!..— деб юбордим.

Бирдан Саяма-сан бир гап энди эсига тушгандай деди:

— Айтмоқчи, мен анов касалхонага бориб, бутун гап-ни билиб келдим. У ерда ҳамма шаронт мавжуд, ўзинг сира ташвиш чекмайсан, фақат ётиб, куч-қувват йиға-сан.

У шу ондаёқ бошлиқлардан менга бир оз муддатга рухсат беришларини илтимос қилди. У касалхонага трамвай уч тўхтаб борарди. Трамвай тўхтайдиган жой-дан чапга қараб тош терилган торгина йўлак кетган бў-либ, у тўғри касалхонага олиб борарди. Шундоқ бур-чакдан ўтиш билан дарвоза, тўғрироғи, ундан қолган иккита тош устун кўринади. Уларда ақалли лавҳа ҳам йўқ. Дарвозадан ичкарига ўйдим-чуқур йўл кетган. Ўнг-да касалхонанинг янги қурилган катта биноси, чапда эса бошқаси, эскиси. Кўринишдан, узоқ вақтлардан бери ремонт ҳам қилинмаган. Бу иморатларнинг шундоқ рўпарасидаги бино қабулхонага ўхшайди, унинг чап томонида кичкиннагина ойнавон эшиги бор. У ёпиқ. Қаёқ-дан киришиниги ҳам биллолмайсан-у. У ёқ-бу ёқни қарай-

миз, катта эшик кўринмайди, иморат ёнида у ёқдан-бу ёққа айланиб юрдик. Шу пайт мана шу жойдаги дўкондан чиққан бир хотин асқатиб қолди. У бизга ўша кичик ойнавонд эшикдан киринглар деди.

Вестибюлга коридор уланиб кетган, деворларга аллақандай расмлар ёпиштирилган. Мен пойафзалимни ечишни ҳам унутиб, беихтиёр уларга қараб қолибман. Шунда дарвозабон менга:

— Утаверинг, марҳамат, ўтаверинг!— деб қолди.

Мен хижолат тортидим ва шоша-пиша гётамни еча бошладим.

Орқамдан Саяма-сан ҳам кириб келди.

— Биз адашиб бутунлай бошқа ёқда юрган эканмиз,— деди у, кулиб.

— Фақат сиз эмас, ҳеч ким бу ерни бирданига топиб кела олмайди,— деб жавоб берди дарвозабон манқал устида аранг милтиллаб турган чўққа қўлларини тутиб.

Коридорнинг ўнг томони қабулхонага олиб борар, у ер ҳам аслида ўша коридорнинг ўзи бўлиб, бош қисмига қараганда охири кенгроқ эди.

Қабул рўйхатига ёзилиб қўйиб биз креслога ўтирдик. Афтидан, ҳозир ишнинг айни қизиган пайти эди. Ўртадаги печька атрофи ва ундан нарида қабулга келган кишилар тизилиб ўтиришар эди. Негадир бу ердагиларнинг ҳаммаси мен ётган касалхонадагиларга қараганда бошқачароқ эди. Кутувчиларнинг кўпчилиги қашшоқ кийинишган, ёшларнинг юзлари рангсиз, ҳорғин, болалик хотинларнинг қўлидаги чақалоқлари ҳам эски-туски чурик йўргакларда. Тўсатдан кўзим: «Муҳтож кишиларнинг социал таъминот дарчасига мурожаат қилишларини илтимос қиламиз»,— деб ёзилган эълонга тушиб қолди. Ҳа, бу ерда ҳамма нарса бошқача...

Саяма-сан деворларга осиб қўйилган плакатларни қизиқиб томоша қила бошлади. Мен ҳам унинг ёнига бордим, расмларни томоша қилгим келди. Улар Совет Иттифоқидаги ҳаётни акс эттирар, ҳар бирининг тагида қисқа-қисқа ёзув бор эди. Нотаниш нероглифлар ҳам учраб қоларди. Шундай бўлса ҳам, ёзувда айтилган гапларнинг умумий маъносини уқиб ололдим. Сўнгги нусхада чиройли қилиб қурилган кўп қаватли манови иморат оилали ишчиларнинг уйи экан. Ярим доира шаклидаги олд томони тўғри денгиз бўйига қаратиб қурилган катта иморат эса, ишчиларнинг дам олиш уйи. Ҳамма

сидан узоқроқ томоша қилганим — сил касаллар шифо-хонаси бўлди. Эҳ нечоғлиқ гўзал эди у. Деразаларининг ҳаммаси ланг очиб қўйилган. Палаталарда қордай оппоқ чойшаплар ёпилган каравотлар қатори. Шу ернинг ўзгинасида ошхона. Касалларнинг овқатланишини кўрсангиз! Ҳар бир кишининг касалига қараб, ўзига муносиб овқат. Ҳаммаси мазали, тўқ тутадиган. Бу ерда бошқа яна жуда кўп ишчилар касалхоналарининг суратлари бор эди. Мен улардан анча вақтгача кўзимни ололмадим.

— Нима, у касалхоналарда бепул даволашадими? — деб сўрадим ёнимга келган Саяма-сандан.

— Ҳа, шундай бўлса керак!

Бир биз эмас, бу ерга келганларнинг ҳаммаси ҳам остонадан ўтар-ўтмас фоторасмлар олдига келиб тўхтаб қолишарди.

Деворда жой етишмаган бир қисм фоторасмлар катта тўп қилиб стол устига тахлаб қўйилган. Саяма-саниндамай уларни бир-бир кўздан кечира бошлади. Мен эса туравериб чарчадим. Қабулхонага қайтдим.

Одам кўп эди, биров кетади, биров келади. Ниҳоят эшик очилиб, ёшгина ҳамшира қиз:

— Ямада Утако-сан! — деб қичқирди.

Мен ёруғ бир хонага кирдим. Мени қирқ ёшлар чама-сидаги тепа сочлари тушиб кетган, кенг пешонали, салобатли бир одам қарши олди. У менинг касалимни сўради. Мен қайси касалхонада даволанаётганим, лекин шу ёққа ўтишга жуда иштиёқманд эканимни сўзлаб бердим. Врач мени диққат билан текширишдан ўтказди ва рентгенга солиб кўрди. Кўриниб турибдики, врачнинг тажрибаси зўр, ҳамшира қиз ҳам докторига монанд жуда чаққон эди. Эҳ, бу кишиларнинг менга меҳрибонлик кўрсатганини бир билсангиз эди. Мен ҳаяжонланиб кетдим, улар билан гаплашиб ўтира берсам дердим. Ҳа, бу ердагиларнинг ҳаммаси мен ётган касалхонадагига мутлақо ўхшамасди.

— Шу вақтгача бошқа врачда даволанган бўлсангиз, албатта, у сизнинг касалингнизи обдан ўрганиб чиққан. Шундай бўлса ҳам, агар бизнинг касалхонамизга ўтмоқчи бўлсангиз, касалингниз тўғрисида биз аниқ тасаввурга эга бўлишимиз керак. Бинобарин, аввалги рентген суратлари ва касалингниз тўғрисидаги қайдномалар керак бўлади.

Менга, саводсиз бир бечора қизга, шунчалик дилдор-

лик ва дардкашлик билан муомала қилишар, деб ўйламаган эдим! Юзларим ёниб кетди, секингина: «Хўп» дедим-у, хонадан чиқдим, юриб эмас, учиб чиқдим. Шу пайт ҳамшира қиз менни яна чақириб қолди:

— Бемалол бўлса, мана бу кассага пул тўласангиз. Йўлланмасиз келгансиз, шунинг учун рентгенга ҳақ тўлашингиз керак бўлади,— деб у менга кичкинагина тўлов қоғозни тутқазди.

Саяма-санны газета ўқиб турган жойдан топдим ва бўлган гапларни айтдим. Мендан шунчалик кам ҳақ олишганига у ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Менга эса ҳозир ундан шу кичкина ёрдамни олиш роҳат эди.

Икки-уч кундан кейин Саяма-сан Абасрига жўнаб кетарди. Юрагим ҳасратдан тарс ёрилгудай бўларди. Сабот-матонатим икки кишига ҳам етарли, деб ҳисоблардим. Энди бўлса ўзимни қўлга ололмайман — бу мен учун шунчалик оғир эди.

— Куюнаверма-да, ахир! Қайтиб келишим билан тўй қиламиз. Энг кераги ўзингни сақла, тезроқ соғай,— деб у менга далда беришга ҳаракат қиларди.

Саяма-сан Хоккайдога ўзи билан бирга бизга сўз бермай юрган Харуони ҳам олиб кетажанини айтди. У менга бундан ҳам ортиқ илтифот кўрсата олмас эди. Қўшниларгина эмас, ҳатто қариндошлар ҳам Харуодан қўл силтаб, юз ўгирган эдилар. Ёлғиз Саяма-сан янги юрт, янги одамлар ичига борса, бир инсоф кириб қолар деган умид билан унга чин юракдан ғамхўрлик қиларди. Март ойининг охирларида иккиси жўнаб кетишди.

Бир тарздаги кунлар жуда секин ўтарди. Тутқаноқ, қаттиқ оғриқлар энди тўхтаган эди. Юрагим ишга чопинар, аммо сал ортиқчароқ ҳаракат қилиб қўйсам, бирдан дармондан кетардим. О, касалхонадан шунчалик тўйибман-ки! Назаримда, узоқ йиллардан бери кўрпатўшак қилиб ётгандайман. Баъзида қўлимни кўрпадан чиқариб, уларга термулиб қоламан. Томирларим кўкариб бўртиб чиққан, қўлим беҳол, оппоқ, рангсиз,— гўё ўзимники эмасдай. Муҳтожлик орасида уйқу нима, дам нима билмай ишлаган вақтларим энди менга бахтли кунлардай туюларди. Йўқ, ҳар қанақа муҳтожлик бўлса ҳам қувватнинг бўлсин экан. Кучнинг бўлса, сўнгги томчисигача меҳнат қилишга сарф эта оласан.

Қаттиқ муҳтожликка дош бериш, бунинг устига касалхона каравотида қадалиб ёта бериш,— о, бу мисо-

ли аста-секин ўлишга ўхшайди: гўё бўйнингга ўралган сиртмоқ тобора қаттиқроқ сиқиб боради-ю, сен ундан холос бўлишга ожизсан. Касалхонада, доимо муҳтожлик соядай, сира орқамдан қолмайди. Минут сайин ўзини эслатиб туради. Ҳеч қачон ҳою-ҳашам билан ишим бўлмаган, бировлар яхши кийиняпти, деб ҳавас ҳам қилмаганман. Лекин эндиликда негадир ўзимни бечора ва камситилган ҳис этардим.

Кечки овқат барвақт тугади. Мен ботаётган баҳор қуёши ёритиб турган дераза олдига ўтириб, ўз тақдиримни ўйлайман. Соғ пайтимда ҳар қандай иш мен учун писанд эмас эди. Эҳ, кошки эди, агар бир оз муддатга бўлса ҳам, нима сйман, пулни қасрдаи оламан деган ташвишлардан холи бўла олсам!.. Бироқ бу тўғрида ҳаёл сурш нима ҳожат! Бунақаси осмонда бўлса бордиру, аммо ерда йўқ.

Хотирамда касалхонада кўрган Совет Иттифоқидаги ҳаётни кўрсатувчи фотосуратлар бирин-кетин гавдалана бошлади. Болалар боқчаси, беланчаклар... кўз ўнгимда ўлган сингилчамнинг жилмайиб тургани жонлана бошлади.

Йўқ, бу ердан тезроқ қутулиб чиқишим зарур! Бироқ яна бошланиб қолса-чи... Ичак сили вақтидаги азобу уқубатлар эсимга тушиб кетди. Ҳа, фақат бир йўл бор: Акахамадаги касалхонага ўтиб олиш! Қатъий шу қарорга келдим ва врач билан қандай гап бошлаш тўғрисида ўйлай бошладим. У касалхонада шаронт яхши, овқат тўғрисида ўйламайсан, фақат ўша ерда мен оёққа туриб кетишим мумкин. Онам, отам, бувим, бобом — ҳаммаси даволаниш имконига эга бўла олмай, охири ўлиб кетишди. Ҳеч бўлмаса, энди бир менинг қисматимга касалхонада тузалиб чиқиш насиб этсин. Ахир, мен ҳали жудаям ёшман-ку... Яшаш учун курашаман, сўнгги кучим қолгунча курашаман!

— Шу ерда, ўзимизда ҳам тузалиб кетасан-ку, нега бошқа касалхонага ўтаман деб қолдинг?— деди доктор, рентген суратини кузата туриб.

— Лекин кўряпсиз-ку, бу ерда мен ўз ҳисобимга яшайман, бунга пул талаб қилинади. У ерда эса овқатни бепул беришади, қаердан пул олсаммикин деган донмий ташвишдан қутуламан, ана шунда тезроқ тузалиб кетишимга ишонсам бўлади,— деб очикчасига жавоб бера қолдим.

Бу сўзларни эшитган врачнинг ғазаби аланга олиб кетди.

— Ношукур бандалар-ей! Сен ҳам худди шу тонфадаги одамлардан экансан. Текин даволанаётганига шукур қилмай, яна бепул овқатлантир ҳам эмиш! На уят бор буларда, на номус!

Бурчакдаги стулларда касаллар ўтиришарди. Нима гап экан деб, ҳаммаси ҳам биз томонга қарашди. Уялганимдан ҳамма-ёғим ловиллаб олов бўлиб кетди, шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда жавоб қайтаришни маъқул топдим.

— Жаноб доктор, мен умуман текинтомоқ бўлиб яшашни истамайман. Бироқ кунга уч маҳалдан овқат билан ўзимни таъмин этолмайман. Шундай бўлгач, соғайиб кетиш тўғрисида гап бўлишни мумкинми? Фақат шу сабабдангина ўша касалхонага интилаётirman. Қачон ишлашга ярайдиган бўларканман, ёрдамга қараб қолмасмиканман деб шунча кутаман, лекин бунга сира етишса олмаяпман. Ишонинг, бундан бошқа ҳеч қанақа истагим йўқ!— Овозим ўкинчдан титраб кетди.

Врач ҳамширага мени телефонда Бошқарма билан уланг деб буюрди, кейин трубкани олиб, деди:

— Бемор Утако Ямада соғайди, бугун унинг касалхонада сўнгги кун туриши, кейин у қатнаб даволанишга ўтади.

У жўрттага баланд овоз билан гапирарди, кейин трубкани тарақ этиб осиб қўйди.

Фақат бир йўл: уйга кетиш қолди. Кичик укамни чақиртирдим ва уйга кетишга ҳозирлана бошладим. Кечқурун кетиш олдидан врачга миннатдорчилик изҳор қилиш учун кирдим. Менинг ташаккуримга у энди боягидан бир оз юмшаброқ жавоб берди.

— Ҳечқиси йўқ, бизга ҳам келиб турасан, у ерда тезда ва бутунлай соғайиб кетасан.

Мен уйга қайтиб келганимда, май ойининг охирлари эди. Шундоқ ҳам ночор аҳволда қолган рўзғоримиз яна ҳам хароб бўлиб қолган эди. Қўл қовуштириб ўтириб бўлармиди? Эртасига ишга киришдим. Бахтимга Харуо энди биз билан эмас эди. Ўртанча дурадгор укамга ҳамма вақт иш топилавермасди. Аммо у иложи борица ишларди.

Ёз келди. Ҳаётим аввал қандай бўлса, шундайлигича қолди, ўзгариш бўлмади. Боришга сира раъйим бўлма-

са ҳам, ҳафтада бир марта касалхонага қатнаб турдим. Ахир, бошқа касалхонага бориш учун йўлланма беришмаса, нима ҳам қила оласан?

Кечқурунлари ўзимни бир оз дуруст ҳис этсам, айланаб келгани аста-аста тепаликка кўтарилардим. Мана шундай айланаб юганимда бир кун Тэруэ-тян деган ёшгина бир жувон билан танишиб қолдим. Унинг эри маҳаллий артеллардан бирида юкчи бўлиб ишлар экан. У тепаликка олиб чиқадиган йўлнинг ўнг томонидаги бир-бирига тақаб қурилган энг кичик кулбалардан бирида турарди. Уйнинг олдида кўм-кўк майсазор қулоч ёйган бўлиб, мен тез-тез шу ўтлар орасидан чиқиб турган тўнкалардан бирига келиб ўтирар эдим.

Уй ёнида бир парчагина полиз бўлиб, Тэруэ-тян шу ерда ишлаётган экан, биз кутмаганда гаплашиб қолдик. У жуда хушмуомила аёл эди. Тез орада дўстлашиб кетдик. Акаси ҳам сил касалидан вафот этганиданми, ҳайтовур, у мендан сира жирканмас эди. Тэруэ-тян биржага қатнар ва кунбай ишларга ёлланиб турарди. Табиатан хушфъел, бунинг устига оила ташвишлари билан ортиқча банд бўлмаган бу хотин — унинг боласи йўқ эди, — ишга наряд олмаган кунлари кечқурун менинг олдимга кириб турарди. Менга у тез-тез гоҳ гурунчдан, гоҳ пулдан ёрдам бериб турар, мен ҳам албатта, ўз қарзимни узишга ҳаракат қилардим.

Кўп ўтмай Саяма-сандан хат келди. Уни ўқиб кайфим учиб кетди. У ишлаб турган пайтда машина тўртта панжасини ямлаб кетибди.

«Ҳамма иш бир лаҳзада, кўз очиб юмгунча бўлди. Хафа бўлишингни билиб ёзмаган эдим. Ҳозир эса қўлим тузалиб боряпти. Келаси ҳафтанинг якшанбасидан яна заводга қатнайман. Рост панжаларим аввалгидек эмас, албатта, лекин бахтимга улардан бутунлай ажраб қолмадим. Чап қўлим лат еди, шунингга ҳам шукур қиламан», — деб ёзарди у.

«Бекорга бундай бўлган эмас, — деган фикрга келдим мен. — Балки хаёл суриб, ғафлатда қолган-у, мана шу ҳодиса юз берган! Уша пайтда қандай фикр унинг ҳушини олганикин? Хатни қўлимдан қўймай, яна ўқидим. Кўз олдимда Саяма-сан пайдо бўлди, унинг овозини эшитдим».

Ҳар йилдагидай ёз бизга янгидан-янги азоб-уқубатлар келтирди. Тоғ томондан кишини безор қилувчи

ҳашаротларнинг чириллашлари эшитиларди. Уй шу қадар дим бўлиб кетардики, биз ҳатто қимирламай, тек ётсак ҳам сув бўлиб терлаб сқардик. Сувнинг иши қийин эди, сира етказиб бўлмасди. Сув ташиниш вазифаси энди кичик укамнинг зиммасига тушган эди. У сувни водопровод колонкасидан челақлаб ташир ва кир ювиш учун бочка билан бакларни тўлдириб қўйишга ҳаракат қиларди. Аммо мен бу иш унга оғирлик қилаётганини сезиб қолдим. Ҳар бир челақ сув олиб келганидан сўнг анча вақтгача ҳансираб, нафасини ростлай олмас эди. У азалдан нимжон эди, бироқ унинг кейинги пайтлардаги афти-ангори мени ташвишга солиб қўйди, бунинг устига у деярли ҳеч нарса емай ҳам қўйди. Мен ундан:

— Ё бирор жойнинг оғрияптими?— деб сўрасам, у ҳаминша:

— Йўғ-е, ҳаммаси иссиқдан,— деб жавоб берарди.

«Худо кўрсатмасин, агар-чи?.. Бу фикр борган сари хаёлимдан тез-тез ўта бошлади.— Ҳали кичик укам ҳам касал бўлиб қолган бўлса-я? Унда нима бўлади? Йўқ, уни врачга олиб бориш керак»... Бу ўз-ўзидан тушунарли гап, лекин мен учун шунчалар қўрқинчли эдики, ҳатто бу тўғрида гапиришга ҳам журъат эта олмасдим, каникуль келгунча пайсалга солиб юрдим. Укам кузгача газета сотишни тўхтатиб туришга рухсат сўради. О, буни унинг зўрға оёқ кўтариб босишидан ҳам тушуниб олса бўларди. Каникуль кириши билан укам, уйимиз ўларча дим бўлса ҳам кун бўйи тўшакдан турмай ётиб оқди. Шундай ҳам озиб, қуруқ суяк укам кўз ўнгимда сўлиб борарди.

Ниҳоят бир қарорга келдим. Нима бўлса бўлар. Бир илож қилиб йўлланма олиб, ўзим ётаман деб хаёл қилган Акахама касалхонасига уни бошлаб бордим. Биринчи марта келиб кетган вақтимдан бери бу ерда баъзи ўзгаришлар юз берибди. Совет Иттифоқидаги ҳаётини акс эттирувчи суратлар олиб қўйилибди. Лекин деворлар аввалгидай ҳар хил расмлар билан безатилган. Улардан бири дарҳол менинг эътиборимни ўзига жалб этди. Бир ерга нима ёзилган эди:

«Бепул даволаниш учун курашга бир тан бўлиб бир-лашамиз!»

Бизни тездаёқ ичкари хонага таклиф қилишди. Тагини ўша врач билан ҳамшира қабул қилди. Тезда

кўриқдан ўтказиб, анализ қилишди ва оқибатини билиш учун эртага келинглари, дейишди.

Эртасига ҳам кичик укам иккимиз бирга келдик. Ҳа, хавфсирашимиз бекор эмас экан: укам сил бўлиб қолгани аниқланди. Ҳатто врач ўпкадан яралар бўла бошлаган бўлса керак, деб гумон қиларди.

Кўзим тиниб кетди. «Бунга тағин ўқитаман деб умид қилган, ҳаётимизнинг бу қадар уқубатли бўлишига қарамай коллежга юборган эдим. Бари бекор кетди, ҳаммаси чипакка чиқди... Бу фикрдан бошим айланди.

Касалхонадан худди туш кўраётгандай бир ҳолатда чиқдик. Жой бўшаши билан укамни касалхонага ётқизадиган бўлишди, ҳали ҳозир эса ўпка атрофига ҳаво юбориб туришни маъқул кўришди.

Маъюс ҳолда эшик томон юрдик. Оёқ кийимлари яшиги ёнида осибди катта плакатга кўзим тушиб қоди: «Саломатлик — ўз қўлимизда. Битсин қуролланиш харажатлари — бу харажатлар соғлиқни сақлаш учун керак!».

Биз уйга келганда ҳам бир оғиз сўзлашмадик. Укамнинг бутунлай руҳи тушиб кетди. Юзини девор томон ўгириб ётганича қимир этмади.

Кечқурун қоронғи тушганда ўртанча укам келди. Биз уни мотам сукути билан кутиб олдиҳ. Ахир, мен бу хабар уни қанчалик хафа қилишини билардим-да. Аммо биринчи бўлиб унинг ўзи сўз очиб:

— Ишлар қалай?— деб сўраб қолди.

Биз яна индамадик.

— Жуда ёмон бўлса керак,— деб биз учун ўзи жавоб берди.

Кичик укам жавоб ўрнига алланима, деб тўнғиллаб қўйди, мен эса мингиллаб, аранг врачнинг вақтинча мактабни ташлаб, касалхонага ётишга маслаҳат берганини айтдим.

Биз кечки овқатдан кейин ҳам ҳар биримиз ўз ҳаётимиз билан ўй суриб ёта бердик. Ўртадаги сукутнинг фақат пашшаларнинг жонга тегувчи гингиллаши бузарди. Ниҳоят ўртанчи укам, Цунэо, вазминлик билан бир ёнига ағдарилди-да, кўзларини юмганича ётиб:

— Энди уйда туришимнинг ҳожати қолмаганга ўхшайди!— деб шивирлаб қўйди.

Шунда биз унинг қишлоққа жўнамоқчи бўлаётганини билдик. Шаҳарда иш топиш қийин эди. Шунинг учун ҳам укам қўғирчоқ ясайдиган амакимнинг олдига кета-

ётган эди. ўша атрофдаги кўшни қишлоқларга бориб пул ишлаб, бизга жўнатиб туришга қарор қилган эди. Айтишига қараганда, дурадгорларга шаҳардагига нисбатан қишлоқда кўпроқ ҳақ тўланармиш.

Укам ёлгон гапирётгани йўқ эди, албатта. Лекин шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда шу пайтда унинг кўзларига назар ташлашни истардим. У ҳали ёш эди, бизнинг донм муҳтожликда ўтиб келаётган ҳаётимиз уни эзар эди. Ахир, шундай эмасми? Янги борган жойида ҳам барибир бир рўшнолик кўрмайди. Лекин ҳар ҳолда бизнинг бахтсизликларимиздан нарида енгилроқ нафас олади-ку, тўғри эмасми?

Мен унинг раъйини қайтаролмасдим. Аксинча, жўнатиб юборсам хурсанд бўлардим. Лекин кўрпа тўшакнинг қаердан олади? Бизда бор-йўғи иккита тўшак билан икки дона одеял бор эди. Бирини мен, бошқасида улар ётишарди.

Бунга укам ишлайман, керакли нарсаларнинг ҳаммасини ўша ердан бир амаллаб турарман, деб жавоб берди. У ўзи билан бирга фақат асбоб-ускуналарини олиб кетди.

Эрта тонгда ҳали кун қизимасдан поездга йўл олди. Биз уни боққолчилик дўконигача кузатиб бордик.

— Ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам, овқатга яраша пулни эппини қилиб, сизларга юбориб тураман. Илоҳа, тезроқ соғайиб кетинглар,— деди-да, тез-тез юриб тепаликдан пастга тушиб кетди.

Айни ёз, тонг шамоли оромбахш эсади.

Биз иккаламиз ҳам даволанар эдик. Кичик укам ҳам, мен ҳам ўз касалхонамизга қатнаймиз.

Августнинг охирига келиб, мен қон тупура бошладим. Бунинг врачга айтган эдим, у ҳар галгидай, ҳечқиси йўқ деди-да, иккита укол қилди. Врач бирор жиддийроқ нарса топмади-ю, мен аҳамият берармидим, овқат ҳозирлаш, кир ювиш ва бошқа уй юмушлари билан шуғуллана бердим.

Кўп ўтмай Саяма-сандан хат келди. У, Абасирида ҳам иш ҳақининг жуда мазаси қочибди, шу туфайли кўплар ишни ташлаб бошқа жойларга кетаётгани тўғрисида ёзарди. У мендан бирор жойда ўзи бопроқ иш бўлса, суриштириб кўришимни илтимос қилар, Абасирида қолнишдан фойда йўқлигини ёзарди.

Ўша кўни кечқуруноқ, маслаҳатлашиб кўриш учун

Тэруэ-тянникига бордим. Энг яқин қўшним ҳам ўзи шу эди. Унинг эри ишлайдиган артелда жой бор-йўқлигини балки у билиб бера олар деб умид қилган эдим.

Тэруэ-тяннинг уйида қўшнисини учратиб қолдим, у ўттиз ёшлар чамасидаги бир аёл эди. Бир куни уни кўргандай ҳам эдим. Бирпасда элашиб кетдик, тортинмасдан гаплаша бошладик. У уч боланинг онаси бўлиб, биздан бир ҳовли нарида яшарди. Унинг исми Танака-сан бўлиб, ўзи Токиодан эди.

— Совет Иттифоқида фоҳишалик мутлақо йўқ, — деди у, у ёқдан-бу ёқдан гапириб туриб.

— Наҳотки? — дедим таажжуб билан.

Бунга у, у ерда халқ таъминоти яхши, хотинлар ўзини сотиши учун ҳеч қанақа эҳтиёж йўқ, деб жавоб берди. Мен касалхонада кўрган суратларни эсладим, гапларимиз яна ҳам жонлироқ тус олди. Соат сездирмасдан ўнга яқинлашиб борар эди. Шунда мен Тэруэ-тянга ўлардимни айтишга юшилдим. У эри ишдан қайтиб келган ҳамоно сўраб билишга, таниш-билишлардан ҳам суриштириб кўришга ваъда берди.

Шу пайт Танака-сан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юра беришдан кўра, ўша жойда иш ҳақини ошириш учун кураш уюштирган маъқулроқ, деб гапга араллашиб қолди.

— Инсон ўзига доим яхши жой қидиради, балки шундай жой топилар ҳам. Лекин у ерда ҳам иш ҳақини камайтиришмайди, ишдан бўшатишмайди деб ишониб бўладими, ахир? Курашмас эканмиз, ҳеч нарсага эриша олмаймиз, — деб уқдирарди у ва хотин-қизлар бўлими касалхонада ётишга мажбур бўлган аёлларга, ўша ётган вақтлари учун ҳам ҳақ олиб беришга муваффақ бўлганлигини ҳикоя қилиб берди.

Танака-сан шунчалик ўзига ром қилиб гапирар эдики, сўзларига беихтиёр ишонгинг келарди. Шундай аёл гапиряптими, демак рост деб ўйлардим мен.

Ўйга қайтгандан кейин ҳам Танака-сандан эшитган гаплар хаёлимни банд этди. Ҳа, Совет Иттифоқи — ажойиб мамлакат. У ерда фақат фоҳишалик йўқлигининг ўзиёқ бу мамлакатнинг ажойиблигини кўрсатади. Фоҳишалик йўқ экан-а!.. Хотирамда ана шу қисматдан қочиб қутула олмаган дугоналарим намоён бўла бошлади. Ҳа, ўзим ҳам неча марталаб қил устида қолдим: ё фоҳиша, ёки ўйнаш бўлардим!

Танака-сан Совет Иттифоқида сиёсат Коммунистик партия қўлида, бу сиёсат фақат бир мақсадни — меҳнаткаш халқ бахт-саодатини кўзда тутди деди. Японияда бўлса, ҳаммаси аксинча, шу туфайли ҳам одамлар мана шунақангги қашшоқлик ва кулфатда яшайди. Коммунистик партия тўғрисида тайинлироқ ҳеч нарса билмасдим, аммо уни ўйласам, вужудимни қўрқув босарди. Танака-сан Коммунистик партиянинг нимасидан қўрқасан деди, у фақат ишчи халқни қора терга ботгунча ишлатиб, чўнтагини қаппайтирадиган одамлар учун қўрқинчли холос. Бу гапларнинг ҳаммасига ҳам ақлим етавермасди. Лекин бир гап рост эди: биз терлаб пишиб ишлардик-у, барибир егани ҳеч нарсамиз йўқ эди.

Ахир, қашшоқлик панжасидан қутулиш учун қанча уриндим. Ўйга ҳам иш олиб кўрдим, сменадан ташқари ҳам қолиб ишладим, ўзимни сира аямадим, оқибат нимага эришдим? Ҳозирча ўтган умримда азобдан бошқа нима кўрдим? Меҳнат меннинг бор кучимни қатрама-қатра сўриб олди. Уша эсда қолган суҳбатдан кейин биринчи марта ҳаёлимга, ҳозиргача менга нимадир етишмай келарди, гўё ҳаётимдаги қандайдир энг зарур пружина олиб ташланган экан, деган фикр келиб қолди. Бир-биринга боғланмаган ўтмиш манзаралари кетма-кет кўз олдимдам ўта бошлади. Уша кўни кечаси мен фақат тонга яқин уйқуга кетдим.

Эртаси кун Тэруэ-тяннинг эри ишга кетатуриб, йўл-йўлакай бизникига кириб ўтди. У озғин бир киши бўлиб, ўзи тетик ва ишчан одам кўринарди. У ичкари кирмасдан, остонада турибоқ қачон жўнаб кетилиши аннқ бўлмаса ҳам, Баканайда жуда боп иш борлигини айтди. Бунни эшитиб. «Бор-е, таваккал» — дедим-да, Саяма-санга телеграмма бериб юбордим.

У икки кундан кейин кечқурун етиб келди. Чап қўли, хатида айтилганидан кўра ёмонроқ лат еган экан. Урта бармоғидан иккитасининг юқори бўғиндан ва синчалоғини машина узиб ташлаган экан, улар жуда қисқа бўлиб қолган эди. Саяма-сан, ҳар қачонгидай хотиржам эди. Мен эса унинг шикастланган қўлига юрагим ачинай қарай олмадим.

Эртаси кун эрта билан бир-биримизга рўпарама-рўпара ўтириб олиб, ўз ишларимиз тўғрисида суҳбат қилдик. Тўсатдан, томоғимга бир нарса тикилиб келди-да, зум ўтмай оғзимдан қон отилиб чиқди. Даҳшатдан

титраб кетдим. Саяма-санининг ранги қув ўчди. Бир оздан кейин яна қон пайдо бўлди. Қогоз рўмолчалар қизил доғлар билан бўялди, ҳатто қарашга қўрқасан киши. Мен Саяма-санга тасалли беришга уриниб, илгарн ҳам шунақа бўлган эди, докторга ҳам маълум дедим. У гапимни бошини кўтармасдан тинглаб ўтирди.

Саяма-сан ҳеч бўлмаса ўзи жўнаб кетгунча ўринмдан қимирламай ётишимни илтимос қилди, ўзи овқат пиширди, ўзи кир ювди. Ўзи бугун-эрта кетишни керак, фақат телеграмма келишини кутиб турарди. Мени умидсизлик чулғаб олди. Бундан қутулиш чорасини топа олмас эдим.

Унинг тақдири ҳақида ўйлар эканман, унинг елкасига қанчалик оғир юк бўлиб тушганимни тан олмай қололмас эдим. Касалга чалинганимдан бери озмунча жафо чекмади. У яна тагин онламга пулдан ёрдам бериб турди. «Токайгача бу одам бизни деб қийинчилик тортади?»— деб ҳасрат билан ўйлардим. У бўлса ёнимда шунчалик тиришқоқлик, меҳнаткашлик билан уннаб ётардики, асти қўясиз...— Бирдан менда гайри ихтиёрини равишда бир фикр туғилди: «Хайрлашиб қўя қолсам-чи?» Ахир, отам ҳам ўлмасидан икки-уч йил олдин шунақа қон тупура бошлаган эди-ку, эҳтимол, менинг умрим ҳам уч йилдан нарига бормас. Бечора Саяма-сан! Модомики, азалда бирга бўлиш насиб қилмаган экан, яхшиси, ҳозироқ бас қилиб қўя қолсак, маъқулроқ бўлмасмикин?» Кўзларимга ёш тўлиб келди, бармоқларим билан артиб олдим. Эҳ, ҳозир ёнимда Танака-сан бўлса эди...

Тез орада Саяма-сан телеграмма олди. Эртаси кун кетиши керак эди. Кечки овқатдан сўнг Тэруэ-тянникида Танака-сандан Совет Иттифоқи ҳақида эшитган гапларни эсладим. Кейин билсам, Саяма-сан ҳам бу мамлакат тўғрисида анча-мунча гапларни ўз дўстидан эшитиб билган экан.

— Совет Иттифоқида ишлайдиган одам муҳтожлик билан ғамнинг нима эканлигини билмайди. Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

Танака-сан менга айтган гапларнинг ҳаммасини тўғри деб топди.

— Тўғри айтибди. Менинг қўлим шикастланганда ҳам ҳамма бир бўлиб, мени ҳимоя қилди, хўжайинини даволанишим учун пул тўлашга мажбур қилди, у то

тузалгунимча маошимни тўлаб ҳам турди. Афсус, кейин ҳаммаси ҳар қаёққа тарқалиб кетишди. Лекин янги борган жойингда ҳар донм ҳам мана шунақа яхшиликлар кутмайди. Ҳеч бўлмаса Ваканайни олиб кўр: дуруст, у ернинг маоши Абасирига қараганда кўпроқ. Бироқ Абасирида қиш кунлари иш бўлмай тўхтаб қолса ҳам, ишсиз қолган вақтнинг учун ёрдам пули бериб турадилар. Ваканайда эса бу йўқ.

— Демак, Ваканайга боргандан кейин ишсиз қолган вақтларга ёрдам пули олиб туриш учун кураш бошлаш керак.

Саяма-сан хохолаб кулиб юборди.

— Оббо сен-эй, жуда қаҳрамон бўлиб кетибсан-ку!

Саяма-сан жўнаб кетишидан олдин уни Танака-сан билан таништириб қўйгим келарди. Афсус, бунинг иложи бўлмади.

Энди Саяма-санин ортиқ қийнамай, унга оғир юк бўлмай, деган фикр сира менга тинчлик бермасди. Ақлим шундай дерди-ю, аммо юрагим бу билан келиша олмасди. Ҳозир Танака-сан келиб қолса, нима деб маслаҳат берарди-а, деб ўйлардим.

— Ута-тян, сен ҳамон алланималарни ўйлаяпсан. Тезроқ ухла, бўлмаса, яна қон ўқчиб қоласан,— дерди Саяма-сан.

«Қон... балки уч йил ҳам яшай олмасман»,— деб ўйладим-у, шу заҳоти бир қарорга келдим:

— Саяма-сан! Энди бир-биримиздан ажрашсак.

— Нима? Ажрашсак? Нима учун?

— Тузалиб кетишим гумонга ўхшайди. Еруғ дунёда умрим жуда оз қолган кўринади. Бирга умр кўришимизга умид қолмагандан кейин, ҳадеб кутаверишдан манфаат йўқ. Мен сизга фақат ғаму алам келтираман, холос. Шундай бўлгач, ажрашганимиз дурустроқ — яхшии шу!— Мен жим бўлдим. Яна бир сўз айтсам, хўнграб йиғлаб юборишимни сезиб қолдим.

— Ана тентаклик! Бундай фикр менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Тентаксан, Ута-тян, жудаям тентаксан! Бунақа бемаъни гапларни бошингдан чиқариб ташла, кўпроқ соғлигинг ҳақида ўйла. Дадил бўл, руҳан тетик бўл, шунда тузаласан, бошқа чора борми?— деб тасалли берарди Саяма-сан, унинг овози борган сари жонлироқ жаранглаб эшитиларди.— О, агар кўпроқ пул ишлай

олганимда эди, унда бунақа қийинчилкларни тортма-
ган бўлар эдинг! Аммо ишларимиз сира юришмаяпти,
ўшанинг учун ҳам сенга жуда ачинаман, Ута-тян...

У мени Акахамадаги касалхонага мурожаат қилишга
ундар, тезликда шаҳар бошқармасига бориб, астойдил
уриниб кўр-чи, шояд уканг билан бирга касалхонага
ётишга муваффақ бўла олсанг, деб маслаҳат берарди.
Унинг сўзлари менга яна руҳан дадиллик бағишлади.

Эрта билан хайрлашдик. У мендан кузатмаслигимни
илтимос қилди, аммо мен унга эргашиб нақ тепалик чўқ-
қисигача бордим. У то муюлишдан бурилиб, кўздан
йўқолиб кетгунча, орқасидан тикилиб қараб турдим.
Орқамга ўгирилиб улгурмаган ҳам эдимки, кимдир ел-
камни ушлади. Қарасам, Танака-сан экан.

— Нега бу ерларда тегираб юрибсан?— деб ўртаси-
дан биттаси тушиб кетган оқ тишларини ярақлатиб, шо-
дон жилмайди у. У иш чолворида бўлиб, бошини дур-
ра билан танғиб олган, бир қарашдаёқ ишга шошиляёт-
гани сезилиб турарди.

Мен унга ҳозиргина Саяма-сан билан хайрлашганим-
ни айтдим.

— Ҳолим хароб. Бир касалхонага биркитиб қўйиш-
ган, бошқасига ўтишим керак. Лекин давлат ҳисобидан
даволанаман. Бунақа касалларнинг эса ўз хоҳиши би-
лан бир касалхонадан иккинчисига ўтиши ман этил-
ган,— мен унга ўз ишларим тўғрисида бирма-бир сўзлаб
бордим.

Ёнимиздан иш кийини кийиб олган кишилар ўтиб ту-
ришарди. Улар ишга шошиб ўтишар, Танака-сан эса
ҳамон диққат билан сўзларимга қулоқ солиб турар эди:

— Бундан чиқди, масала: ё ўлиш, ё қолиш бўлиб
турган экан. Шундай экан, шаҳар бошқармасига бор,
истагингни айт, нима бўлса ҳам шунга эриш. Рад қи-
лишса, ҳечқиси йўқ, иккинчи, учинчи марта мурожаат
қилавер, сира руҳингни туширма.— У ҳатто бошқармага
борганимда, нималар дейишимни ҳам ўргатиб қўйди.

Бордим. Бошқармада мени ёши ўтиброк қолган, соч-
лари деярли оппоқ бир аёл кутиб олди. Ҳар тўғрида
сўради, пулсиз касалхонага ўтмоқчи эканлигини билгач:

— Ахир, у «қизил» касалхона-ку! Майли, укангиз
ўша ерда шифолансин, ўзингиз эса Бошқармамиз қоши-
даги касалхонада қолавсеринг!— деди.

Сўнг у менга диққат билан зеҳн солиб тикилди-да,

Эйскэ Ямаданинг қизи эмасмисиз, деб сўради. Билсам, у аёл дадам билан етти йил бирга ишлашган экан. Шу қувончли тасодиф менга ёрдам бериб қолди. Ўзим орзу қилган касалхонага йўлланма олдим. Шунда гўё қанот пайдо қилдим, эртасига эрта тонгдаёқ ўша томонга йўл олдим.

Ҳар қачонгидай қабулхона ишчилар, ғариб кийинишган хотин-халаж билан лиқ тўла эди. Стол устида «Сиз ҳам касаллигингиз учун ёрдам оласиз» деган китобча, «Совет янгиликлари» деган журнал ва бошқа суратли журналлар ётарди. Унда яна, кўринишдан, қандайдир сил касаллар бирлашмаси томонидан нашр этиладиган газета сонлари ётарди.

Бу ерга учинчи марта келишим эди. Бу ердаги муҳит менга негадир аввалгидан ҳам тинчлантирувчи, дадиллик бағишловчи бўлиб туюлди. Йўқ, қисмати қашшоқлик ва касаллик бўлган ёлғиз мен эмас эканман! Гап ҳатто бунда эмас — остона ҳатлаб ўтишинг билан, бу ерда сени ташлаб қўйишмайди, четлаб ўтишмайди деган ишонч пайдо бўлади кишида!

Шу куни биринчи марта ўпкам атрофига ҳаво юборишди. Ҳаммаси мутлақо оғриқсиз ўтди. Аввалги касалхонада шу қадар қийиналган эдимки, врачнинг қўлидаги игнани кўриб аъзойи баданимни қалтироқ босиб кетди. Лекин сира оғритмас экан.

Мени анов кунги врачнинг ўзи даволади. Жой бўшаши билан мени касалхонага ётқизишларини айтди, уйга енгил тортиб қайтдим. Эҳ, Саяма-сан кетмасидан олдин ўпкам атрофига ҳаво юбора бошлашганини билса эди, қандай хурсанд бўларди-я!

Шундан кейин мен ҳар ҳафтада шифоланишга бориб турдим. Бу вақт ичида Цунэо фақат бир марта озгина пул юборди. Янги борган жойида дарров дурустроқ пул ишлай олмаслигини тушунар эдим, бунинг устига яна ўзига кўрпа-тўшак қилиши керак. Хоккайдода қолган Харуодан дарак ҳам йўқ. «Балки, шуниси ҳам дурустдир» — деб ўйлардим.

Сентябрь келди. Биз уй ҳақидан анча қарз бўлиб қолдик. Озиқ-овқатни ҳам қарзга олардик, қарзларимиз саккиз минг иенга етди. Бутун умидимиз фронтда ўлган акамиз учун бериладиган ёрдам пулида қолди. Бироқ, ундан дарак йўқ эди. Нима қилиш керак? Сира ақлим етмайди.

Баъзида укам иккаламиз ўзимизни шу қадар ёмон сезар эдикки, ақалли туриб овқат пиширишга ҳам мадоримиз етмас, икки ўртада гижиллашиб ҳам қолардик. Гоҳо уйда бир қисим гуруч ҳам қолмасди, шунда биз оч-ноҳор ётиб қола берар эдик. Укам бош эгиб, гуруч ёки пул сўрашга чиққандан кўра йўқликка чидашга ҳам тайёр эди. Ўзимнинг ҳам бунга юрагим бетламас, қандай қилиб бўлса ҳам шусиз кун ўтказишга ҳаракат қилардим.

Бир кун эрталабдан бошлаб ёмғир қуя бошладди. Уйда бир дона гуруч қолмаган, оч-ноҳор ёта бердик. Шу аҳволда кун бўйи ётдик. Кечга яқин Тэруэ-тян бизни кўргани келиб қолди. Остонадан ўтмаёқ аҳволимизни дарров пайқадди.

— Эрталабдан бери ҳеч нарса емаганга ўхшайсизлар-ку!

— Шундоқ ҳам сизга ортиқча юк бўлиб қолдик... Уят, ахир...— деб жавоб бердим.

— Нимаси уят, шунинг гапирадиган вақтми ҳозир! Агар менда йўқ бўлса, бунинг йўруғи бошқа эди, бор бўлиб туриб, оч қолишингизга йўл қўймайман!

Шундай деб, ёмғир ёғиб турганга ҳам қарамай, Тэруэ-тян уйига қараб чопди ва мис товоқчада тўлдириб гуруч бўтқа келтирди. Биз уни укам билан тенг иккига бўлиб едик. Мен мис товоқчага энгашдим. Энгашдим-у, кўзларимдан дув-дув ёш оқиб, оппоқ гуруч устига томди.

Октябрь келиб қолди, лекин ҳали ҳам касалхонада жой бўшагани йўқ. Келажак мени тобора кўнроқ ташвишга соларди. Қандай яшаймиз? Нима еб кун кўраимиз? Биз одамлар билан масла-



ҳатлашиб, дурустроқ нарсаларимизни сотмоқчи бўлдик. Аслида, бизда дуруст нарса нима қилсин! Пулга яроқли буюмларнинг борини дадам тириклик вақтидаёқ сотиб бўлган эдик, ҳеч нарса қолмаганди. Фақат чинор ёғочдан ясалган манов жавонми? Бобомиздан бизгача етиб келгани шу; балки унга тузукроқ пул тўлашар. Бошқалари: стол, тахта, тоқчалар, ошхона анжомларининг ҳаммаси бир неча йиллар мобайнида ишқаланиб, тирналиб, синиб кетган, сондан чиққан.

— Девор соатимиз-чи, балки у ҳам бир нарсага арзиб қолар,— деб қолди укам.

— Вой, у эсимга ҳам келмабди! Аммо у нимага ҳам яради?

Бахтимизга қўшниларимиздан бири бизга ёрдамлашиб юборди, бир эскифурушни бошлаб келди. Мен ҳеч бўлмаса, жавонга дурустроқ пул тўлашини сўраб роса тортишмоқчи эдим. Аммо у тезда бизни нозик жойимиздан топиб олди, сил касаллардан олинган буюмларни сотиш қийин деди ва қатъий парх кесиб — икки минг мен деганича туриб олди. Биз ўзимизга энг керакли нарсаларнигина қолдириб, сабзавот тузлайдиган бочкадан тортиб кирга сув иситадиган баккача бариини сотдик. Буларнинг ҳаммасига жами бўлиб, уч минг саккиз юз мен олдик, холос.

Эскифуруш анжомларнинг бариини аравасига юклади-да, жўнаб кетди. Бўм-бўш хонада жимгина бир ўзимиз қолдик. Қўлбамиз энди совуққина бўлмай, шипшийдон ҳувиллаб ҳам қолди, шунингдек парронини чиқиб кетган бўйралар ичида, шу пайтгача жовон тагида турган бурчакдаги тоза бўйрага беҳтнёр кўзнинг тушарди, ис босган деворларда эса бир неча йиллар давомида оснғлиқ турган тахта тоқчаларнинг ўрни оқ доғ бўлиб қолганди.

— Мана энди бутунлай қашшоқ бўлдик-қолдик.

— Лекин бундан бадтарроқ бўлмаймиз-ку,— деб жавоб берди укам, бир-биримизга қараб ёш аралаш беҳтнёр кулиб юбордик.

Энди биргина нарса қолди: у ҳам бўлса қачон касалхонага қабул қилишини кутиш эди. Сотилган анжомлар эвазига олинган тўшакларни ямадим, баъзи бир майдачуйда нарсалар олдик. Дадамнинг синглиси, аммам касалхонага ётгундек бўлсанг, керак бўлиб қолар деб битта калтагина кимоно юборди. Орадан ўн кун ўтди, ўн беш кун ўтди, пулимиз енгиллашиб борарди. Ниҳоят,

докторнинг қабулига келганимда: «Нима бўлса бўлар!»— дедим-да, унга аҳволимизни очикчасига сўзлаб бердим.

У тамом лол бўлиб қолди, бунчалик фожияли аҳволда қолган экансиз, укангизнинг ўзини бўлса ҳам касалхонага ётқизиш керак деди. Уч кундан сўнг ҳозироқ касалхонага келиб ётишлар деб откритка юборишди.

Укамни кузатиб қўйишга куёвимиз келди. Октябрнинг йиғирмаси бўлишига қарамай, куёшнинг тапти пессик эди. Биз касалли айни тушки овқат вақтида олиб келдик. Укамни ётадиган жойига олиб боргунча қора терга ботиб кетдим.

— Энди сиз уйга бораверинг,— деди укам, заифлик билан жилмайиб, бу унинг мажруҳ, аммо мамнун чеҳрасига ярашиб тушди.

Эшикка етмаган ҳам эдимки, ҳамшира қиз мени тўхтатди:

— Эртадан кейин сиз ҳам келиб ётишингиз мумкин,— деди у.

— Наҳотки?— деб юборибман мен, ўзимда йўқ.

Эртаси кун эрталаб менга кўмаклашгани синглим келди. Мен бу уйни абадий ташлаб чиқдим, у бўм-бўш бўлса ҳам ҳар ҳолда унда анча-мунча жиҳозлар қолган эди. Кечроқ Тэрүэ-тян кириб келди. Ниҳоят нарсаларнинг ҳаммасини тугиб-бўғиб бўлдик, бир қисм нарсаларни синглиминикига, бир қисминини эса дугонаминикига жўнатдик. Саяма-сан бизиникига қўйиб юрган буюмларни мен синглимга топширдим.

Эрталаб, ҳаво айниб турган эди. Танака-сан ишга кетар чоқда йўлакай югуриб олдимга кирди.

— Бўш вақт бўлиши билан, албатта, кўргани бораман,— деди у.

Танака-сан менга чойшан совға қилди, янги бўлмагани учун кечирим ҳам сўради. Унинг икки жойида ямоқ кўзга ташланар, аммо қаттиқ қилиб крахмалланган эди. Синглим куёви билан бирга, Тэрүэ-тян уччаласи тушга қолмай етиб келишди. Улар ёмғир қўйиб юбормасдан мени элтиб қўйишмоқчи эди.

Кўп хонали бараклардан иборат бу қишлоғимизни қашшоқлик, мухтожлик, ғам-ғуссалар макони деса бўларди. Хайтовур, узоқ йиллар давомида мен унга ўрганиб қолган эдим.

Ажралиш пайтида кўнглимда алланечук хўрлик

ва ачиниш ҳисси пайдо бўлди. Мана шу ғижирлаган эшиклар ҳам, мана шу ўчоқ атрофидаги қора куйинди доғлар ҳам, ярқироқ узун мўри ҳам, ҳаммаси мен учун азиз бўлган хотиротлар билан боғлиқ эди.

Туриб кийина бошладим. Аммам бериб юборган кимонени бир илож қилиб эплаштирсам бўларди-ю, бироқ менда на камар бор эди, на тортқи. Шу сабабдан чолворимни кўтариброқ кийиб, устидан дугонам совға қилган пешликни олдимга тутиб олдим. Сўнг ҳаммамиз бир пиёладан чой ичиб олишга ўтирдик.

— Касаллик иродаси бўш одамларни енгади, бизнинг Ута-тян эса маҳкам қиз. Отдай бўлиб кетади ҳали,— деди куёвим, менга тасалли бериб.

Кийим-бош ва ҳар хил икир-чикирларни одаялга ўраб, аравачага юклашди. Мен амаким совға қилган қўғирчоқни ҳам унга тикиштиришни эрдан чиқармадим. Меҳробдан ўлганларнинг номи қайд этилган ёғоч лавҳани олиб, алоҳида тугунчага тугдим. Хонани яна бир марта кўздан кечирдим-да, ташқари чиқдим.

Мана уй билан хайрлашиш соати ҳам келди. «Хайр!»— дедим мен ва хўрсиниб қўйдим.

Куёвим, синглим ва Тэруэ-тян арава билан олдинда кетишди, мен хайрлашиб чиққани қўшниларикига кирдим. Дастлаб миннатдорчилик билдиргани шу йиллар ичида бизга кўпгина яхшиликлар қилган квартирамиз хўжайинларига қарашли дўконга кирдим. Хўжайинимизнинг хотини болалигимдан бери менни яхши кўрарди.

— Тезроқ соғайиб қайтгин,— деди у ва қўярда қўймай ёзув қоғозига ўралган пулни менга тутқазди.

Мен марҳум акам учун келадиган нафақа пул келгунча қарзни қистамай туришларини илтимос қилдим.

Қўшнилариمنىнг менга раҳми келди ва кузатиб қўйиш учун кўчага чиқишди.

— Бахтсизлик ва кулфатдан сенга на ором бор, на бир ҳордиқ, бечора Ута-тян,— дерди уларнинг бири.

— Инсон ҳаётида ҳадеб яхши кунлар бўлавермайди. Ҳозир энг зарури, оёққа туриш,— дейишарди бошқалари.

Ишқилиб, ҳар бири ҳам хайрлашиш олдида менга бирор илиқ сўз айтиб қолишга интиларди. Боққоллик ёнидаги гуруч дўконининг бекаси ҳам кузатгани чиқди.

— Бошга тушгани кўз кўради, фақат руҳингни туширма, тузалиб келиб, яна ўзимизнинг харидоримиз

бўл!—деб у ҳам газстага бештача тухум, учта олма ўраб, узатди. Шуларни узатар экан, ўзининг бу арзимас ҳадяси учун кечирим ҳам сўраб қўйди.

Мен уларга қарзларимни тўлаганимча йўқ ҳали. Шунинг учун совғани олиш менга жуда ғалати туюлди.

Энди йўлдошларимнинг ортидан қувиб етишим керак эди. Мен кузатгани чиққан ва мен билан бунчалар самимий муомалада бўлган кишилар билан хайрлашиб, тез-тез юриб тепаликдан тушиб кетдим.

Тикка тушиладиган жойга келганда яна бир қайрилиб орқамга қарадим. Энди одамлар кўринмасди, уйларнинг томлари ҳам. Йўл четидаги кўкатларни ерга теккундай эгиб, ёлғиз шамол гурилларди.

Мен аравагани касалхона олдидагина қувиб етдим. Соат учга яқинлашиб борарди. Касалхона ёнига жойлашган дўкон бекаси бизнинг тўдамизга назар ташлади-да, мендан:

— Қайси бирингиз касалсиз?—деб секингина сўради.

Касал мен эканлигимни билгач, менга янада диққат билан тикилди. Бунинг ҳеч қанақа таажжубланадиган жойи йўқ эди. Менинг кўринишим — эгнимдаги мана бу чолвор билан пешбанд касалдан кўра кўпроқ касалга қараб турувчи ҳамширани эслатарди. Бу менга ҳатто бир оз кулгили ҳам туюлди. Ҳамширанинг кўрсатмасига биноан куёвим кўрпа ва одеялимни каравотга ёзиб солди, ўлганлар: отам, онам, бобом, бувим, акам ва синглимнинг номи ёзилган лавҳа солинган туғунча ва олти юз эллик пен пулни қўлимда қаттиқ қисмлаганимча палаткага кирдим. Бу кичкинагина хона бўлиб, унга бор-йўғи учта каравот қўйилган эди. Меники кираверишда турарди, қолган иккитасини эса икки ёш аёл банд қилган эди. Улар мен илқ табассум билан қарши олишди, мен ҳам улар билан илққинна кўришдим.

Синглим, куёвим ва Тэрүэ-тян йўлга тушгунча бўлмай, қаттиқ жала қўлиб юборди.

Соат олти яримда палаткаларда овқат улашилди. Чор бурчак алюмин патнусда алюмин тарелка, оқ чинни товоқ, пиёла ва яна алланарсалар бор эди. Мен уларга худди бир муъжизадай қарардим.

Кечки овқатдан сўнг касалларнинг баъзилари йўлакка чиқишди, улар у ёқдан бу ёққа бориб келиб юришар-


ди, катта хонадан кулги товушлари эшитиларди. Аммо кеч соат саккизларга яқин жимжитлик бошланди, касаллар палата-палаталарига тарқаб, кириб кетишди.

— Саккиз яримда чироқ ўчирилади,— деб огоҳландирди қўшниларимдан бири. Мен апил-тапил бош томонимга қалин қоғозни ёзиб хат ёзишга тутиндим.

Учи тўмтоқ қаламни лабимга теккизиб-теккизиб, Саяма-санга бундай деб хат ёза бошладим.

— «Ниҳоят бугун касалхонага ётдим. Юрагим шу заҳоти енгил тортди, аммо мадорим бутунлай қуриди. Квартирани хўжайинга топширдим. Сўнгги буюмларнинг барчаси сотилиб бўлди. Энди дунёда сиздан бошқа ҳеч нима йўқ. Касалхона яхши. Соғайиб кетсам керак. Йўқ, мен, албатта, соғайиб кетаман. Ахир, ҳали ёшман-ку!».

1954 йил.



М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши <i>И. Львова, В. Логунова</i>	3
Такидзи Кобаяси. Партияга жон фидо. <i>У. Шамсимуҳамедов</i> таржимаси	15
Юрико Мчямото. Футисо. <i>Ф. Ғанихўжаев</i> таржимаси	117
Утако Ямада. Ҳаёти <i>Ж. Насриддинова</i> таржимаси	309

ЯПОНСКИЕ ПОВЕСТИ

На узбекском языке

Редакторлар С. Муҳаммаджонов, Ш. Толибов

Рассом П. Караченцев

Расмлар редактори Г. Бедарев

Техн. редактор Т. Скиба

Корректорлар: А. Сулаймонов, Н. Қобилов

* * *

Босмахонага берилди 23/VIII-1960 й. Босни-
га рухсат этилди 19.XII-1960 й. Формати
84X108¹/₃₂ Босма л. 13,875. Шартли босма л.
22,75. Нашр л. 24,36 Индекс ш/а. Тиражи 5000.
УзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти
Тошкент Навоий кучаси 30, Шартнома № 6 - 60

* * *

Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрикасида
тайёрланган матрицадан «Правда Востока»,
«Кизил Узбекистон», ва «Узбекистон сурх»
опрланган нашриёт босмахонасида босилди.
Тошкент, Правда Востока кучаси, 26. Заказ
№ 33. 1960 йил. Баҳоси 13 с. 68 т. 1961 йил.
1 январдан баҳоси 1 с. 37 т.

45358

